



Ўзбекистон Республикаси
Хотин-Қизлар Қўмитаси



Бирлашган Миллатлар
Ташкилоти
Ривожланиш Дастури



Швейцария Элчихонасининг
Гендер Дастури

ГЕНДЕР МУНОСАБАТЛАРИ назарияси ва амалиётига КИРИШ

Тошкент-2007

Муаллифлар:

Азизова Нодира – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий Мажмуаси қошидаги ОРБ “Таълим секторини ривожлантириш лойиҳаси”нинг лойиҳани амалга ошириш гуруҳи (ЛАГ) ходими.

Азимова Нодира – тарих фанлари номзоди, «Шарх ва Тавсия» социология марказининг раисаси.

Алимжонова Динара – иқтисод фанлари номзоди, Тошкент гендер тадқиқотлар марказининг директори.

Аҳмедшина Фония – тарих фанлари доктори, А.Қодирий номидаги Жиззах педагогика институтининг Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасининг ўқитувчиси.

Жумаев Александр – санъатшунослик номзоди.

Ким Людмила – Ўзбекистон Миллий университети ижтимоий психология кафедрасининг катта ўқитувчиси, Тошкент гендер тадқиқотлар марказининг ходими.

Турсунова Зулфия – Кент давлат университети таълимни бошқариш магистри, Кент, Оҳайо, АҚШ.

Файзуллаева Элеонора – филология фанлари номзоди, ЎзДЖТИ доценти, Швейцария элчихонасининг гендер дастурининг маслаҳатчиси.

Черкашина Ирина – юридик фанлар номзоди, ЖИДУ «Фуқаролик ҳуқуқи» кафедрасининг доценти, Тошкент.

Шермухамедова Жамила – фалсафа фанлари номзоди, Ўзбекистон Миллий университети доценти

Школьников Игорь – тарих фанлари номзоди, Россия савдо-иқтисодий университети иқтисодиёт кафедрасининг катта ўқитувчиси, Иваново филиали, Иваново гендер тадқиқотлар маркази директорининг ўринбосари.

Шнирова Ольга – тарих фанлари номзоди, Иваново давлат университети янги, энг янги тарих ва халқаро муносабатлар кафедрасининг доценти, Иваново гендер тадқиқотлар марказининг директори.

Илмий муҳаррирлар:

Мезенцева Елена Борисовна - иқтисод фанлари номзоди, Давлат университети – иқтисод олий мактаби иқтисодий социология кафедрасининг доценти, Москва гендер тадқиқотлар марказининг ходими, Москва.

Юкина Ирина Игоревна – социология фанлари номзоди, Нева тил ва маданият институтидаги гендер тадқиқотлар кафедраси мудири, Санкт-Петербург.

Бойченко Лариса Дмитриевна - тарих фанлари номзоди, Петрозаводск давлат университети умумхуқуқ фанлар кафедраси доцент, Иваново давлат университети докторанти, Карелия Гендер тадқиқотлар марказининг раиси.

Тартаковская Ирина - социология фанлари номзоди, доцент, Меҳнат муносабатларни таккослама ўрганиш институти, Россия.

Техник муҳаррирлар:

Ваганова Татьяна - филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси чет тиллар кафедраси мудираси.

Тожиёва Зарифа – Ўзбекистон Миллий Университети халқаро журналистика магистри.

Ўзбек тилига таржима:

Шоаҳмад Муталов, Fulbright Scholar 2001-2002

Ҳавола этилаётган «Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш» тўпламида турли илмий йўналишлар: иқтисод, таълим, ҳуқуқ, тарих, сиёсат, ва маданият - доирасидаги гендер тадқиқотлар назарияси ва методологияси бўйича мақолалар тақдим этилган.

Илмий мақолалар тўплами икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда гендер назариясининг асосий қоидалари: инсон барқарор ривожланиши концепциясининг юзага келиши ва моҳияти, гендер стереотиплар, тарихий ретроспективада гендер тенглиги кўриб чиқилади. Иккинчи бўлим ривожланиш назарияси ва амалиётидаги гендерга бағишланган бўлиб иқтисод, ҳуқуқ ва бошқарув соҳаси, ижтимоий секторда гендер жиҳатларни очиб беради.

Илмий мақолалар тўплами республикамызда содир бўлаётган ва демократик жамиятни барпо этишга ва гендер тенгликни ўрнатишга қаратилган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар маъносиди долзарб аҳамият касб этади. Тўплам талаба, аспирант, ўқитувчилар шунингдек гендер муаммолари билан қизиққан барча кишилар учун мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Хотин-Қизлар Кўмитаси, 2007.

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастури, 2007.

© Швейцариянинг Ўзбекистондаги Элчихонасининг

Гендер Дастури, 2007.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	5
---------------	---

I-бўлим.

ГЕНДЕР НАЗАРИЯСИНING АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

1-БОБ. Гендер тенглик барқарор инсон ривожланишининг омили сифатида

Алимжонов Д.

Инсон ривожланиши концепциясининг вужудга келиши ва моҳияти.....	8
Гендер ва ривожланиш	22

2-БОБ. Гендер назариясининг асосий қоидалари

Алимжонов Д.

Гендер тушунчаси	33
------------------------	----

Ким Л.

Гендер стереотиплари	46
----------------------------	----

Аҳмединна Ф., Шнирова О., Школьников И.

Феминистик назариясининг асосий йўналишлари	64
---	----

3-БОБ. Гендер тенглиги тарихий ретроспективада

Аҳмединна Ф., Шнирова О., Школьников И.

Хотин-қизлар ҳаракати ривожланиши тарихи.....	87
---	----

Совет даврида “хотин-қизлар”

масаласини ҳал қилиш тажрибаси	100
--------------------------------------	-----

Гендер тенглик қўлламини кенгайтириш халқаро тажрибаси	117
--	-----

II-бўлим.

ГЕНДЕР НАЗАРИЯДА ВА РИВОЖЛАНИШ АМАЛИЁТИДА

1-БОБ. Иқтисодиётда гендер жиҳатлар

Алимжонов Д.

Иқтисодиёт назариясида гендер муаммолари.....	134
---	-----

Микро ва макро миқёсда гендер иқтисодиёти	141
---	-----

Бандликнинг гендер хусусиятлари	152
---------------------------------------	-----

Гендер статистикаси.....	165
--------------------------	-----

2-БОБ. Гендер ҳуқуқ ва бошқарув соҳасида	
<i>Черкашина И.</i>	
Гендер тенгликни таъминлашнинг қонунчилик асослари	181
Меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлар тенглиги ва уларнинг таъминланиши	194
Оилавий ва мулкый муносабатларда гендер тенглигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари	209
Гендер тенгликни ҳуқуқий ҳимояси ва рағбатлантириш чоралари	233
<i>Турсунова З., Азизова Н.</i>	
Бошқарувда гендер масалалари: иштирок этиш тамойиллари	244
3-БОБ. Ижтимоий секторда гендер	
<i>Ким Л.</i>	
Таълим соҳасида гендер жиҳатлар	279
Гендер педагогикасининг амалий жиҳатлари	300
4-БОБ. Гендер зўравонлик масалалари	
<i>Файзуллаева Э.</i>	
Гендер зўравонлик	314
5-БОБ. Гендер: оила ва маданият	
<i>Азимова Н., Шермухамедова Ж.</i>	
Гендер ва оила	348
<i>Жумаев А.</i>	
Гендер ва маданият	372
6-БОБ. Тарих фанида гендер муаммолари	
<i>Аҳмедшина Ф., Шнирова О., Школьников И.</i>	
«Аёллар тарихидан» «гендер тарихига».	
Гендер тарихининг концепцияси	398
7-БОБ. Ўтиш даври ва жамиятдаги туб ўзгаришларда гендер жиҳатлар	
<i>Аҳмедшина Ф.</i>	
Мустақиллик шароитида Ўзбекистоннинг гендер муаммолари....	407

СЎЗ БОШИ

«Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётига кириш» номли илмий мақолалар тўплами Ўзбекистонда гендер таълимини ривожлантиришга анча қимматли ҳисса ҳисобланади. Аслини олганда, бу Ўзбекистонда гендер муносабатларининг турли-туман муаммоларига тўхталиб ўтаётган фанлараро, камровли рисола яратишнинг илк тажрибасидир. Тақдим этилган мақолалар тўплами ҳар томонлама ўзгариш даврида мамлакат бошидан кечираётган ижтимоий муаммоларни янгича кўз билан ўрганишни назарда тутди.

Назария ҳар бир конкрет мамлакатнинг ижтимоий ва тарихий тажрибасига таянганидагина таълимда гендер ёндошувини ҳақиқатан жорий этиб бўлади.

Тақдим этилаётган мақолалар тўпламида Ўзбекистонда гендер тенглик сари силжиш масалалари янги минг йилликда курравий ривожланиш контекстига киритилади. Шундай қилиб, гендер муаммолари билан ҳали таниш бўлмаган ўқувчиларда қабул этмасликни кўзготиши мумкин бўлган ортиқча радикализмдан тийилган ҳолда тўпланда гендер муаммоларини ечиш билан бутун мамлакатнинг ривожланиши, унинг халқаро обрўининг ошиши ўзаро боғлиқ эканлигини ишонарли тарзда кўрсатилади.

«Гендер муносабатлари назарияси ва амалиётига кириш» илмий мақолалар тўпламидан кўзланган асосий мақсад ўқитувчи, талаба ва кенгроқ тингловчилар аудиториясини гендер назарияси ва амалиётининг асосий қоидалари билан таништиришдан иборат. Жаҳон ва айни пайтда мавжуд миллий тажрибасидан кенг фойдаланиш замирида тузилган тўпламнинг амалий мақсадга ҳам йўналтирилган. У барқарор инсон ривожланишга эришишга қаратилган давлат дастурларини лойиҳаларни ва стратегияларни режалаштириш, таърифлаш, бажариш ва уларнинг натижаларини баҳолашда гендер жиҳатидан мутаносиб ёндошувни тадбиқ этиш ва инобатга олиш лозимлигини тушунишни ривожлантиришга ёрдам беради. Ушбу тўпланда жаҳон тажрибасида, жумладан БМТ тизимида гендер масалаларини давлатнинг ижтимоий ва иқтисодий сиёсатида узвий равишда киритиш учун қўлланиладиган услубий ёндошув ва вариантлар кўриб чиқилади.

Гендер тадқиқотлар бўйича курсни таълим тизимида жорий этиш зарурлиги халқаро илмий тажрибада исботланган, чунки бу ижтимоий ривожланиш учун стратегик ва амалий аҳамиятга эга. Бу Ўзбекистонда рўй бераётган демократик, иқтисодий жиҳатдан фаровон жамият сари бошловчи тизим ўзгаришлар контекстида айниқса муҳим. БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил июнь ойидаги “Аёллар 2000: Гендер тенглик, ривожланиш ва жаҳон 21 асрда” махсус сессиясига тайёргарлик чоғида Жаҳон Банки томонидан ўтказилган тадқиқот иқтисодий ўсиш билан гендер тенгликни ёйиш орасидаги чуқур боғланганлигини исботлайди.

Гендер тадқиқотлар МДХ минтақасида янгилик ҳисобланади. Ушбу тўплам илғор халқаро тажриба асосида тузилган. Айтиш пайтда гендер тадқиқотларининг турли жиҳатлари очиқ бериладиган махсус курсларни ўтадиган мамлакатимизнинг ғайратли ўқитувчиларининг илк услубий ишланмаларидан фойдаланилган. Ушбу тўпламнинг чоп этилиши ҳукумат БМТнинг аёлларга нисбатан камситишнинг барча турларини бартараф этиш конвенциясини (1995) ратификация ва Пекин Декларациясига қўшилган чоғида зиммасига олган халқаро мажбуриятлар маъносиди ҳам муҳим.

Мақолалар муаллифлари бир нуктаи назарда катъий туриб олмаганлар ва барчани ягона бир фикрига оғдириш ниятидан йироқдирлар. Аксинча, кўп фикрлиликка интилиш ва бағри кенгликни тарбиялаш ушбу илмий мақолалар тўпламининг устун қондаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат учун янги фан бўйича бундай хилдаги материалларнинг биринчи тўпламининг мукамал бўлиши эҳтимолдан йироқ. Аммо уни биринчи қадам, муҳим қўр сифатида чиқариш зарур. Бу эса сўнг дидактик материалларни, дарс бериш тажрибаси, энг янги адабиёт ва тадқиқот маълумотлари асосида ривожлантириш имконини беради. Бироқ бундай ривожланишнинг имконияти туғилиши учун биринчи қадам босилиши зарур. Ушбу нашрни чоп этишда қуйидаги инсонлар ёрдам қўрсатишди ва фаол қатнашдилар: Инамова Светлана Турсунходжаевна - Ўзбекистон Республикаси Хотин-Қизлар Қўмитаси Раиси, Маъруфова Гулнора Махмудовна - Ўзбекистон Республикаси Хотин-Қизлар Қўмитаси Раис Ўринбосари, Киоко Постил - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастурининг (БМТРД) Ўзбекистондаги Доимий Вакилининг Ўринбосари, Шерзод Шерматов - БМТРДнинг Самарали Бошқарув Бўлим Бошлиғи, Малика Инакова – БМТРДнинг «Аёлларнинг Ўзбекистондаги имкониятларини кенгайтириш учун қонуний ва институционал ривожлантириш» Дастури Менеджери, Хилола Бадриддинова - БМТРДнинг «Аёлларнинг Ўзбекистондаги имкониятларини кенгайтириш учун қонуний ва институционал ривожлантириш» Таълим Дастурлари бўйича Муттахасис, Элеонора Файзуллаева - Швейцариянинг Ўзбекистондаги Элчихонасининг Гендер Дастури Маслаҳатчиси, Феруза Ашматова - Швейцариянинг Ўзбекистондаги Элчихонасининг Гендер Дастури Ёрдамчиси.

Ушбу нашрда келтирилган қарашлар мақолалар муаллифларининг фикрини билдиради ва Ўзбекистон Республикаси Хотин-Қизлар Қўмитасининг, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш Дастурининг ва Швейцариянинг Ўзбекистондаги Элчихонасининг расмий нуктаи назарига тўғри келмаслиги мумкин.

Материаллардан фойдаланилганда ушбу тўпламга ҳавола қилиш ШАРТ.

I-бўлим

**ГЕНДЕР
НАЗАРИЯСИНИНГ
АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ**

**1-боб.
ГЕНДЕР ТЕНГЛИК
БАРҚАРОР ИНСОН РИВОЖЛАНИШИНING
ОМИЛИ СИФАТИДА**

**ИНСОН РИВОЖЛАНИШИ КОНЦЕПЦИЯСИНING
ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА МОҲИЯТИ**

Динара Алимжонова

Ривожланиш тушунчаси. Ривожланиш концепциясининг асосий таркибий қисмлари. Инсоннинг барқарор ривожланиши концепцияси. Тенглик ривожланиш концепциясининг асоси сифатида. Ижтимоий стратификация тенгсизлик асоси сифатида. Тенгликнинг ҳуқуқий асослари. Тенгсизликнинг турлари. Тенгсизликнинг намоён бўлиш шакллари. Камбағаллик тенгсизликнинг намоён бўлиш шакли сифатида. Камбағалликни белгилаш муаммолари. Камбағалликнинг феминизациялашуви.

Инсоннинг ривожланиш жараёни узлуксиз бўлиб, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ҳаётида иштироки нуқтаи назаридан кишилар имкониятини мунтазам равишда кенгайтирилишидан иборат. Инсон учун эркин танлаш имконияти унинг ривожланиши шarti бўлиб, айна пайтда инсон жамиятининг энг олий мақсадларидан бирини ифодалайди. Қолган имкониятлардан фойдаланишга ёрдам берувчи энг асосий имкониятлар орасида учтаси ажралиб туради: узоқ ва соғлом умр кечириш имконияти, билим олиш ва турмушнинг муносиб даражасини таъминлай оладиган моддий фаровонликка эришиш имконияти. Инсоннинг ривожланиши инсонийлик жамиятининг асосий мазмуни ва мавжудлик шаклидир. Инсон фаолиятининг барча турларида тараққиётнинг замонавий босқичи нафақат инсонни ижтимоий ривожланиш марказига қўяди, балки тараққиёт натижаларини инсон тараққиёт йўлида хизмат қилишини тақозо этади.

Инсон ривожланиши концепциясининг асосий қондалари:

- *инсон ривожланиши инсон танлови қўламининг кенгайтиши билан бирга одамлар эришган турмуш фаровонлигини ифодалайди;*
- *фаровонлик одамларнинг муносиб турмуш кечира олиши нуқтаи назаридан баҳоланади;*
- *Инсон ривожланиши узоқ умр кўриши, билим олиш ва моддий фаровонлик каби инсон ривожланиши кўрсаткичларини тавсифловчи учта асосий эҳтиёжнинг қондирилишига ҳал қилувчи равишда боғлиқ;*

- даромад инсоннинг танлаш имкониятини кенгайтирадиган воситадир;
- одамларга муносиб турмуш шароитини таъминлаш учун чексиз юқори даромад керак эмас, юқори даромаднинг ижобий таъсири даромад ортгани сайин камайиб боради.

Манба: UNDP. Human Development Report. 1990. NY. Oxford University Press.

БМТ Тараққиёт дастури томонидан ишлаб чиқилган концепцияга кўра инсон ривожланишининг асосий таркибий қисмларига қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқишда самарали меҳнат;
- жамият ҳаётига тегишли масалалар бўйича қарор қабул қилишда кишиларнинг ваколатларини ва иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;
- ривожланиш барқарорлиги;
- барча одамлар учун имкониятлар ва танловнинг тенглиги.

БМТнинг XXI асрда ривожланиш борасидаги мақсадлари:

1. Ҳаддан зиёд қашшоқлик ва очликни бартараф этиш.

- Кунига 1 доллардан кам даромадга эга аҳоли улушини икки баравар камайтириш.
 - Очликдан азоб чекаётган аҳоли миқдорини икки баравар камайтириш.
- #### *2. Умумий бошланғич таълимни таъминлаш.*
- Барча ўғил болалар ва қиз болалар учун бошланғич мактаб таълимини тўлиқ олиш имкониятини таъминлаш.
- #### *3. Эркаклар ва хотин-қизлар тенглигини рағбатлантириш ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш.*

- Бошланғич ва ўрта таълим соҳасида (имкон қадар 2005 йилгача), кечи балан 2015 йилгача – барча таълим босқичларида тенгсизликни бартараф этиш.

4. Болалар ўлимини камайтириш.

- 5 ёшгача бўлган болалар ўртасида ўлим ҳолларини учдан икки қисмга қискартиришга эришиш.

5. Аналик муҳофазасини яхшилаш.

- Аналар ўлими коэффицентини тўртдан уч қисмга камайтириш.

6. ОИВ/ОИТС, безгак ва бошқа касалликлар билан курашиш.

- ОИВ/ОИТС тарқалишини тўхтатиш ва улар билан касалланиш ҳолларининг камайишига йўл очиб бериш.
- Безгак ва бошқа асосий касалликлар тарқалишини тўхтатиш ва улар билан касалланиш ҳолларининг камайишига йўл очиб бериш.

7. Экологик барқарорликни таъминлаш.

- Барқарор ривожланиш тамойилларини Миллий стратегиялар ва ривожланиш дастурларига киритиш ва табиий ресурслар емирилишига барҳам бериш.

- Тоза ичимлик сувидан мунтазам равишда фойдалана олмайдиган одамлар сонини икки баравар қисқартириш.
 - 2020 йилгача харобаларда истиқомат қиладиган камида 100 миллион кишининг турмуш шароитини таъминлаш.
- 8. Ривожланиш мақсадларида глобал ҳамкорликни шакллантириш.**
- Ошқора, тартибга солинадиган, режали ва тахқирлашдан холи бўлган савдо ва молия тизимларини яратишни давом эттириш. Бунда миллий ва халқаро миқёсда ривожланишига, қашшоқлик билан курашга йўналтирилган бошқарув тизимини яратиш назарда тутилади.
 - Ривожланаётган давлатлар билан ҳамкорликда ёшларга даромад келтирадиган муносиб ва самарали иш топишга ёрдам берадиган стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.
 - Дори-дармонлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш.
 - Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш.

Манба: *The Millennium Development Goals. The Millennium Summit Materials. September 2000.*

Самарали ишлаб чиқариш меҳнати. Инсоният жамиятининг иқтисодий ривожланишининг асосий мезони иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлигидир. Иқтисодий ташкил этишнинг бозор тизими кишилар ишлаб чиқариш фаолиятининг самаралироқ йўллари танлаш масаласини муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Бироқ бозор иқтисодиёти шароитида самарали ҳал қилинадиган “нимани ва қанча ишлаб чиқариш, ким учун ишлаб чиқариш ва қандай қилиб ишлаб чиқариш” қабилдаги масалалар одамнинг ҳаётий фаолиятига, унинг маънавий ва ахлоқий тараққиётига оид масалаларни автоматик тарзда ҳал қилиш имконини бермайди.

Инсоннинг ривожланиши концепциясига кўра ишлаб чиқаришни кенгайтириш якуний мақсад бўлмасдан, асосий мақсадга – инсоннинг муносиб турмуш шароитини таъминлашга эришиш воситаси бўлмоғи даркор. Тегишли равишда, жамият тараққиёти иқтисодий салоҳият кўрсаткичларига кўра эмас, балки унинг ҳар бир инсоннинг равнақи ва уйғун ривожланиши йўлида хизмат қилишига кўра баҳолашни лозим¹. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва иқтисодий ўсишни баҳолаш учун қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади, улар орасида ЯИМнинг ўсиши ҳамда ЯИМнинг аҳоли жон бошига нисбатан ўсиши, турмушнинг кутилаётган давомийлиги ва аҳолининг билимлилик даражаси кўпроқ аҳамиятга эга.

Инсон ривожланиши жараёнида қарор қабул қилишда одамларнинг ваколатларини ва иштирокни кенгайтириш. Ҳар бир

¹ БМТ ТД, Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза, Ўзбекистон, Тошкент, 1979.

инсоннинг уйғун ривожланишига фуқаролик жамияти асосларини яратмасдан туриб эришиб бўлмайди. Зеро, бундай жамиятда демократик институтлар “одамларнинг ривожланиши, одамлар томонидан ривожлантириш ва одамлар учун ривожланиш”² тамойилини амалга оширишга ёрдам беради. Демократия фуқаролик асослари ривожланиши учун озиклантирувчи мухитни яратади, бунда одамларнинг сиёсий, маданий ва ижтимоий ҳаётдаги иштироки кенгаяди. Амалда бу шуни англатадики, ҳукуматлар стратегияси инсон манфаатларига мувофиқ тарзда ишлаб чиқилмоғи лозим, чунки ресурсларнинг чекланганлиги шароитида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва демократик дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида барқарор ривожланиш нуктаи назаридан кўп самара берадиган ўзгаришларга устунлик берилиши лозим.

Инсонларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари

- сўз эркинлиги ва матбуот эркинлиги
- эътикод эркинлиги
- йиғилишлар ва бирлашмалар эркинлиги
- қонун томонидан тенг ҳимояланиш эркинлиги
- қонунчиликка риоя этиш ва одил судлов эркинлиги

Манба: Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 12 ноябрдаги 217 А (III) резолюцияси.

Ривожланишдаги барқарорлик. “Барқарор ривожланиш” – бу умумжаҳон ресурсларини бошқаришга шундай ёндашувки, у ўзида бугунги кунда одамлар ҳаётини яхшилашга қаратилган иқтисодий, ижтимоий ва экологик стратегияларни ҳамда айни пайтда келажак авлодлар учун табиий ресурсларнинг сақланиши мужассамлаштиради”³.

Инсон ривожланишининг барқарорлигига ривожланиш масалалари келажак ва ҳозирги авлодларга зиён етказмаган ҳолда ҳал этилган тақдирда, яъни жорий ва истиқбол йўналиш мақсадларининг оқилона бирлашуви амалга ошганида эришилади⁴.

Инсон ривожланишининг барқарорлиги мезонлари сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин⁵:

• **таълим кўрсаткичлари**- катта ёшдаги аҳолининг билим даражаси, ўқув муассасаларида таълим олиш муддати, тегишли ёш

² БМТ ТД, Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза, Ўзбекистон, Тошкент, 1979

³ Н.Десай, генеральный секретарь Всемирного саммита по устойчивому развитию. Речь на специальном заседании Всемирного экономического форума. Нью-Йорк. 4 февраля 2002.

⁴ World Commission on Environment and Development (1987). Our Common Future (The Brundtland Report). (Oxford, Oxford University Press).

⁵ БМТ ТД, Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза, Ўзбекистон, Тошкент, 1996.

категорияларида ўқувчиларнинг солиштирма салмоғи, турли босқичларда таълим билан камраб олинганлик ва ҳоказо;

- **аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари** – ҳаётнинг кутилаётган давомийлиги, аҳолининг ўлим даражаси, чакалоқлар ўлими даражаси, 5 ёшгача бўлган болаларнинг ўлим даражаси, оналар ўлими даражаси, ижтимоий хавфли касалликларга чалиниш даражаси (таносил, ОИТС, сил, юқумли касалликлар ва ҳоказо);

- **атроф-муҳит кўрсаткичлари** – хавонинг, ернинг ва фойдаланиладиган сувнинг ифлосланиш даражаси, уларнинг таркибида одамлар соғлиғи ва ҳаёт учун хавфли элементларнинг мавжудлиги; аҳолини тоза сув манбалари билан таъминлаш; табиий офатлардан (сув тошқини, ер кўчиши ва ҳоказо) ҳимояланиш даражаси, тупрокнинг шўрланиши характеристикаси, уларнинг ҳосилдорлиги ва ҳоказо.

Инсоннинг барқарор ривожланишига доир асосий мезонларга мувофиқ одамларнинг ҳозирги кунда яшаётган авлоди учун уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини таъминлайдиган кафолатлар тизимларини яратиш ва уларни амалга ошириш керак. Ҳар қандай жамиятда бундай кафолатлар сирасига қуйидагилар киради⁶:

- тинчлик ва урушнинг ҳар қандай кўринишларининг йўқлиги кафолатлари;
- фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши;
- таълим олиш имкониятининг кафолатланганлиги;
- яшаш муҳитининг экологик хавфсизлиги кафолатлари;
- аҳоли саломатлигини сақлаш тизимининг мавжудлиги кафолатлари;
- меҳнат бозорига кириш ва даромад олиш кафолатлари;
- аҳолининг турмуши учун зарур бўлган ресурслардан фойдаланиш кафолатлари;
- ушбу кафолатларнинг шу ҳажмда камида келгуси икки бўғин авлодлар учун сақланиш кафолатлари.

Имконият ва танлов тенглиги. Тенглик, инсон ривожланиши концепцияси билан боғлиқ ҳолда барча одамларга моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришда тенг имкониятлар яратилишини кўзда тутаяди, ва, авваламбор, бу ҳол таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва жамиятнинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш имкониятларига тааллуқлидир. Имкониятлар тенглиги, аввало, моддий фаровонлик даражаси, ижтимоий мавқе, эътиқоди, жинси ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тенглигига асосланади, Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида (1948) қайд этилганидек, инсон

⁶ БМТ ТД Инсон ривожланиш ҳақида маъруза. Ўзбекистон, Тошкент, 1996.

кадр-киммати “озодлик, адолатлилик ва умумий тинчлик асосидир”⁷. Асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг йўқлиги инсон ва жамият таназзулига олиб келиши, ижтимоий ва сиёсий тартибсизликлар, зўравонликнинг ёйилиши ва ихтилофлар туғилиши учун шарт-шароит яратиши мумкин.

Тенглик, инсон ривожланиши концепциясининг таркибий қисми сифатида барча одамларга моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондиришда тенг имкониятлар яратилишини кўзда тутати. Бироқ, афсуски, табиатда бўлгани каби, кишилиқ жамиятида мутлақ тенглик мавжуд эмас. Ижтимоий ривожланиш кўплаб омиллар таъсири остида бўлиб, улар объектив тарзда тенгсизликни вужудга келтиради, бу эса ўз навбатида инсониятнинг жамиятда тенгликни таъминлашга бўлган интилиши билан мутлақ тенгликка эришиш имкониятнинг йўқлиги ўртасида зиддиятнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

«Инсониятнинг жамиятда тенгликни таъминлашга бўлган интилиши билан мутлақ тенгликка эришиш имкониятнинг йўқлиги ўртасида зиддиятни одамлар учун қуйидагилардан фойдаланишда тенг ҳуқуқлилиқни таъминлаш орқали текислаб юбориш мумкин:

- ресурсларнинг асосий турларидан – табиий, ишлаб чиқариш, моддий ресурслардан;
- турмушнинг нормал экологик, ижтимоий шарт-шароитидан;
- уйғун ривожланишдан – таълим, илм-фан, жисмоний тарбия ва спорт, маънавий маданиятдан»⁸.

Кишилиқ жамияти ривожланишининг бутун тарихи бундай қонидани тасдиқлайди, бироқ, инсоният ўз мавжудлиги тарихи давомида тенгликка интилиб келган, ва, ҳар бир инсонга унинг шахсини уйғун ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилган, ҳар бир индивид учун тенглик ва танлаш имконияти таъминланадиган умумфаровонлик жамиятини яратишга доир кўплаб ғоялар вужудга келган.

Шунга қарамай, идеал жамият яратиш йўлидаги кўплаб уринишлар воқеликка жорий этилмай қолди. Жамиятнинг муқаррар равишда табақаланиши жараёни барча фуқароларнинг тенглигига доир ғояларнинг ва уринишларнинг барбод бўлишига олиб келган. Барча замонавий демократик давлатларнинг конституцияларида “барча одамларнинг тенглиги” ҳақида модда мавжуд бўлгани ҳолда амалда тенгликка эришиш йўли мураккаб ва давомлидир. Одамларнинг ҳар қандай замонавий фаолияти иерархия, расмий ва норасмий гуруҳлар, мавқелар, етакчиларнинг табиий равишда пайдо бўлиши билан бирга давом этади, оқибат натижада тенгсизлик вужудга келиши учун қулай шарт-шароитлар пайдо бўлади.

⁷ Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. БМТ Бош Ассамблеясининг 217 А сонли 1948 йил 10 декабрдаги резолюцияси.

⁸ Доклад о человеческом развитии. Узбекистан, Т., 1999.

Тенгсизлик тизимини таърифлаш учун замонавий социологияда “ижтимоий стратификация” атамасидан фойдаланилади. **Ижтимоий стратификация** (лотинча *stratum* - қатлам ва *facio* - қиламан) – “бу жамиятдаги ижтимоий табақаланиш, тенгсизлик белгилари ва мезонлари тизими бўлиб, улар жамиятнинг ижтимоий таркиби асосини ташкил этади, бунда одамлар ҳукумат, мулкчилик ва мавқега нисбатан алоқасига кўра табақаларга бўлинади”. Стратификация жараёни жамиятнинг ижтимоий тузилиши шакли ҳамда фуқароларининг тегишли кадриятлари йўналишига бевосита боғлиқ бўлади”⁹.

Масалан, хўжалик юриштининг янгича шаклига ва бозор муносабатларини шакллантиришга ўтиш жараёнида жамият ўзгара боради ҳамда унинг ижтимоий таркиби тубдан қайта ташкил топади. Турлича мулкчилик шаклига эга ва иқтисодий фаолият субъектлари мавжуд бўлган нодавлат бандлик секторининг шаклланиши жараёнида қатор муаммолар вужудга келади. Одамларнинг айрим гуруҳлари ва қатламлари имтиёзлироқ аҳволда бўлиб қолади, чунки уларнинг давлат мулкани харид қилиш имконияти осонлашади. Совет йилларида вужудга келган ўрта синф тарқала бошлайди ва унинг вакиллари аксарият ҳолларда аҳолининг камбағаллар қатламларига қўшилади.

Жамиятнинг ижтимоий табақалашуви гуруҳларнинг даромади ва турмуш тарзига кўра табақаларга ажралишида яққолроқ намоён бўлади. Тарихан қисқа вақт мобайнида собиқ иттифоқ ҳудудида аҳолининг бой ва камбағал қатламлари кескин ажралиб қолди. Ижтимоий қурилманинг юқори поғонасидаги 10% аҳолининг даромади 10% қашшоқликдаги аҳоли даромадига нисбати жамият аҳолининг аниқ индикатори бўлган децил коэффициентини белгилайди. Иқтисодий табақаланиш жараёни ҳозирги кунда шунга олиб келмоқдаки, аҳолининг энг бой қатламининг ўн фоизи умумий даромади аҳолининг энг қашшоқ қатлами 10 % умумий даромадга нисбати тезкорлик билан ортиб бормоқда.

Совет даврида, 1986 йилда даромадлар бўйича децил коэффициент мамлакат бўйича 3:1ни ташкил этди, ва энг паст бўлгани ҳолда тенглаштириш мафқураси билан боғлиқ бўлган носоғлом муҳитни ифодалар эди. Қайта қуришдан бошлаб собиқ иттифоқ ҳудудида децил коэффициент жадал суръатлар билан ўса бошлади. Хусусан, Россияда децил коэффициенти ўсишининг авж нуктаси 1994 йилда кузатилган ва 15:1ни ташкил этган. 2003 йилдан бошлаб децил коэффициенти Россияда 13:1 га тушган ва ҳудудга боғлиқ равишда ўзгариб турган (масалан, Москвада ушбу кўрсаткич 28:1ни ташкил этган).

АҚШда сўнгги 40 йил мобайнида децил коэффициенти 6:1-8:1 гача ўзгариб туради. Европа ва Японияда бу нисбат 10:1 дан ортмайди.

⁹ Вебер М. Основные социологические понятия // Вебер М. Избранные произведения. М.: Прогресс, 1990.

Хитойда децил коэффициентни ҳозирги кунда 5:1 ни ташкил этади. Лотин Америкасида ушбу кўрсаткич 12:1 га тенг. Жамиятда сиёсий барқарорликка 8:1 нисбатда эришилади ва децил коэффициентининг 10:1 нисбатидан ортиши жамиятда ижтимоий табақаланишнинг кучайганидан далолат беради ва давлат нобарқарор ижтимоий ривожланиш ҳудудига тушиб қолади ҳамда сиёсий бурхонларни бошдан кечиради. Ҳозирги шароитда АҚШда ва баъзи Европа мамлакатларида сиёсий барқарорлик чегараси бир оз юқорирок даражада турибди, тахминан 13:1 - 15:1 даражасида¹⁰.

Тегишли равишда эркаклар ва хотин-қизлар, бойлар ва камбағаллар, мамлакат ичида шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида, дунё мамлакатлари ва ҳудудлари ўртасида тенгсизлик шаклланиши ва ўсиши учун шарт-шароитлар вужудга келади.

Эркаklar ва хотин-қизлар ўртасидаги тенгсизлик. Радикал феминистик ёндашувга кўра ҳар қандай жамиятга хос бўлган ижтимоий стратификациянинг универсал моделларидан бири – бу жинсига кўра, яъни эркаklar ва хотин-қизларга бўлинишидир¹¹. Мазкур мунозарали фикрга қўшилиш ёки қўшилмаслик мумкин. Бироқ реал ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, жинс одамлар ўртасида сезиларли ижтимоий тафовутларни вужудга келтирмоқда, бунинг натижасида эркаklar ижтимоий стратификациянинг юқори поғоналарига чиқиб қолмоқда, хотин-қизлар эса иккинчи ўринга сурилиб қолмоқда. Шу тариқа, қандай ижтимоий қатламга назар ташламайлик, жинс жамиятнинг ҳар бир қатлами ичидаги тафовутлар ва тенгсизликни белгиловчи омил бўлиб қолади.

Бугунги кунда бу ёндошув халқаро даражада ҳам тан олинган. БМТнинг инсон ривожланиши муаммоларига оид ҳужжатларда таъкидланганидек, “ҳеч бир жамиятда хотин-қизлар эркаklarникидек имкониятларга эга эмас. Бундан тенгсиз мақом хотин-қизларнинг инсон салоҳиятини ривожлантиришга қўшаётган салмоқли улуши билан ушбу жараён берадиган имтиёзлардаги улушининг кичиклиги ўртасидаги номуносивбликнинг сақланиб қолишига олиб келмоқда”¹². Шу муносабат билан инсон ривожланиши ва демократлаштиришга доир устувор муаммолар муқаррар равишда эркаklar билан хотин-қизлар ўртасидаги тенгликка эришиш билан боғлиқ масалаларга бориб тақалади, ва, натижада, хотин-қизлар мақомини ошириш ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш зарурати вужудга келади.

¹⁰ Ўзбекистон учун расмий маълумот йўқ.

¹¹ Гендер и культура. Учебное пособие для студентов гуманитарных факультетов. Душанбе. Информационное агентство «Азия-плюс». 1999.

¹² Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси. БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217 А Резолюцияси.

Ўзбекистон, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчилардан бўлиб хотин-қизларга эркаклар билан тенг ҳуқуқлар берилиши борасида қатор тadbирларни амалга оширди. 1995 йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида конвенцияни (CEDAW) ратификация қилди. Унинг қатор моддалари миллий қонунчиликка киритилди¹³.

Шундай бўлса-да, тегишли қонунчиликнинг қабул қилиниши унинг ҳаётга жорий этилишига ҳар доим ҳам мос келавермайди. Дунёнинг барча мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳада жамиятда хотин-қизлар мақомининг пастлиги ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя қилмаслик билан боғлиқ жиддий муаммолар мавжуд.

Хусусан, Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярмини (51%) ташкил этгани ҳолда маъмурий ходимлар ва менежерлар ўртасида хотин-қизлар 18%ни, парламент депутатларининг 18% дан камини ташкил этади; хотин-қизлар мамлакат бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш ўртача кўрсаткичдан паст бўлган соҳаларда жамланган, хотин-қизлар меҳнатига эркакларникига қараганда кам ҳақ тўланади (масалан, 1998 йилда хотин-қизларнинг ўртача маоши эркаклар иш ҳақининг 80% дан камини ташкил этган)¹⁴, ишловчи хотин-қизлар иш ҳақи шаклидаги оилавий даромадларни тасарруф этиш ҳуқуқига ҳар доим ҳам эга эмас, шунингдек, оилавий даромадларни қандай сарфлашни белгилаш ҳуқуқига эга эмас; хотин-қизлар таълим олиш борасида ҳам эркаклар билан тенг ҳуқуқли эмас.

Шу муносабат билан, жинслар тенглигига эришиш бўйича тегишли дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш энг долзарб муаммога айланмоқда. Бу узоқ муддатли мақсад бўлиб, у маданий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий меъёрларда жиддий принципиал ўзгаришларни ва мутлақо янги тафаккурнинг шаклланишини тақозо этади. Бундай ҳолда хотин-қизлар ва эркакларга оид одатдаги тасаввурлар уларнинг танлаш имкониятига салбий таъсир кўрсатмайди, ривожланишнинг ўзи эса ҳар икки жинс вакиллари учун танлаш имкониятини кенгайтириш жараёни сифатида кўриб чиқилади.

Шуни қайд этиш лозимки, хотин-қизлар ва эркаклар роли хусусидаги қотиб қолган қарашларни енгиб ўтиш, жинслар тенглигига эришиш, аёллар ва қизларга, эркаклар ва ўғил болаларга тенг имкониятларнинг яратилиши инсон салоҳияти ривожланишининг муҳим жиҳатини ташкил этади.

Бойлик ва камбағаллик. Мавжуд чекланган ресурслардан – табиий, ишлаб чиқариш ва моддий ресурслардан фойдаланишдаги тенгсизлик даромаддаги тенгсизликни, ва тегишли равишда моддий ва маънавий неъматлардан баҳраманд бўлишдаги тенгсизликни келтириб чиқаради.

¹³ Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза. Ўзбекистон. 1999. Тошкент.

¹⁴ Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлиги маълумотларига кўра. "Гендерные аспекты Макроэкономики". Т., 2005 семинари

Энг умумий маънода камбағаллик инсон ёки оиланинг асосий эҳтиёжлари уларни кондиришга доир мавжуд воситалардан ортиқ бўлган ҳолатни ифодалайди. Камбағал аҳоли улушини аниқлаш асосида камбағалликни бартараф этиш ва аҳолининг алоҳида гуруҳлари ва умуман жамият фаровонлигини ошириш бўйича давлат стратегиялари ишлаб чиқилади.

Бирок, камбағалликни белгилаш пайтида услубий жиҳатдан мураккаб бўлган ва ҳатто мунозарали муаммолар вужудга келади. Аҳолининг камбағаллар улушини аниқлашда даромади расмий кўрсаткичидан кам бўлган, яъни камбағаллик даражасидаги аҳоли қисми кўрсаткичидан (одатда, бу кўрсаткич энг паст турмуш даражасига тенг бўлади) фойдаланилади. Камбағаллик даражаси кундалик зарур маҳсулотлар харид қилинишини таъминлайдиган инсон ва оиланинг меъёрий пул даромади асосида аниқланади. Кундалик зарур товарлар бирлиги сирасига асосий озик-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, турар-жой, шунингдек, энг муҳим ижтимоий-маданий эҳтиёжлар – таълим олиш, саломатликни нормал меъёردа сақлаб туриш эҳтиёжини кондириш киради, бу эса одамга жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имкониятини беради.

Камбағалликнинг умумқабул қилинган кўрсаткичига кунига киши бошига 1 АҚШ долларига тенг даромад киради (1 долларнинг 1985 йилдаги харид қуввати нуқтаи назарида тугилади). Халқаро камбағаллик даражаси Жаҳон Банки томонидан 1990 йилда белгиланган бўлиб, халқаро таққослаш жараёнида қўлланилади.

Бирок, камбағаллик даражасини баҳолаш бўйича халқаро миқёсда қабул қилинган мезонлар алоҳида мамлакат даражасида қўлланилиши мумкин эмас, зеро, ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий ривожланишининг ўзига хослиги ва иқтисодиёти таркиби, аҳоли даромади даражаси билан ажралиб туради, шунингдек, ўзига хос табиий-иқлим шароитига, маданий ва тарихий ривожланиш даражасига ҳамда этник тусдаги ўзига хос хусусиятларга эга. Санаб ўтилган ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлиги камбағаллик даражасининг аниқланишига табақалашган ҳолда ёндашувни ва ҳар бир мамлакат учун камбағалликни бартараф этиш бўйича масалаларнинг қўйилишини тақозо этади.

Шу сабабли камбағалликни белгилашда бир неча ёндашув қўлланилади. Биринчи ёндашув, мутлақ камбағалликни баҳолаш, индивидуум ёки уй хўжалигининг даромадидан (ёки харажатидан) келиб чиққан ҳолда баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, у кейинчалик мамлакатдаги энг паст турмуш даражаси (камбағаллик даражаси) билан солиштирилади. Камбағаллик даражаси яшаш учун зарур бўлган даромад даражаси (энг паст турмуш даражаси) билан белгиланиб мутлақ катталиқ деб ҳисобланади.

Иккинчи ёндашув – нисбий камбағалликни баҳолаш – даромад даражаси мазкур жамиятда қабул қилинган стандартлардан паст бўлган кишилар тоифаси мавжудлиги билан боғлиқ. Киши ўзининг асосий

эхтиёжларини қоплаш учун даромади етишмаганлиги учун эмас, балки бу жиҳатдан бошқаларга нисбатан чекланиб қолгани учун камбағаллар тоифасига киритилади. Шу тарзда, нисбий камбағаллик индвидуум ёки уй хўжалиги даромадларининг (ёки харажатларининг) даражаси мамлакат бўйича ўртача катталиги даражаси билан белгиланади. Бундай ёндашув, хусусан, Европа Ҳамжамияти Комиссияси томонидан фойдаланилади. У камбағаллик кўрсаткичи сифатида мамлакат бўйича ўртача харажатлар катталигининг 50 % ни қўллайди.

XX асрнинг 70-йилларида нидерландлик олимлар камбағалликни белгилашга *субъектив ёндашувни* ишлаб чиққан. Унга кўра одамларнинг ўзлари камбағалликни белгилашда энг одил ҳакамдир.

Мазкур уч ёндашув бир-бирини тўлдиради ва биргаликда энг камбағал оилаларни идентификация қилишга ёрдам беради: агар оила бир пайтнинг ўзида уч (ёки икки) камбағаллик кўрсаткичи бўйича камбағал деб ҳисобланса, у энг камбағал оилалар қаторига киритилади.

Индивид ёки оиланинг даромадлари энг паст турмуш даражаси кўрсаткичидан уч ёки ундан кўп мартаба камроқ бўлса, бу ўринда гап ниҳоят даражада камбағаллик ёки қашшоқлик хусусида боради. Ҳар қандай давлатнинг сиёсати нисбий камбағаллик даражасини камайтиришга ва мутлақ камбағалликка барҳам беришга йўналтирилган, зеро уларнинг мавжудлиги ноўрин ҳамда инсон тараққиёти моҳиятига зиддир.

Ўзбекистонда камбағаллик даражасини ўлчаш учун шундай ёндашув қўлланилганки, унга кўра камбағаллар тоифасига аҳолининг кам даромадга эга бўлган, бироқ мустақил равишда, жамият ёрдамсиз ўзининг моддий аҳолини яхшилаётган қисми киритилган. Ушбу гуруҳ улуши уни ҳисоблаш учун қўлланилган баҳолаш мезонига боғлиқ бўлган. Хусусан, 1991 йилда эксперт баҳоларига кўра аҳолининг 75% аҳоли жон бошига истеъмол саватининг қийматидан паст бўлган даромадга эга бўлган. 1994 йилда 20 минг оилани ўрганиб чиқиш давомида шу нарса аниқландики, уларнинг 44,5% аҳоли жон бошига нисбатан иш ҳақининг энг кам миқдоридан кам бўлган даромадга эга. 1996 йилнинг социологик тадқиқотлари аҳоли тоифаларини даромадига кўра белгилаш имконини берди, ва шу нарса аниқландики, республика аҳолисининг муҳтож ва ниҳоятда муҳтож қисми 27,6% ни ташкил этди¹⁵.

Бироқ, Ўзбекистонда “ҳамон камбағалликни аниқлашнинг нисбатан тараққий этмаган тизими мавжуддир, ... даромадлар бўйича камбағалликни расмий белгилашни мавжуд эмас ва ўтказилаётган оилалар бюджет тадқиқотлари камбағаллик даражасининг ишонарли баҳоларини таъминлаши мумкин бўлган тадқиқотлар билан алмаштирилмаган”¹⁶. Бу

¹⁵ БМТ ТД. Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза. Ўзбекистон. 1999. Тошкент.

¹⁶ UNDP. Poverty Report 2000. Chapter 10. Page 104.

эса шуни англатадики, тадқиқотчилар ва Ўзбекистон статистика органлари олдида республиканинг ўзига хос хусусиятларини инобатга оладиган, аҳоли турмуш даражасини холис баҳолай оладиган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш муаммоси турибди.

Аҳоли камбағаллик даражасини белгилаш жараёнидаги камчиликларга қарамасдан, нафақат Ўзбекистонда, балки қатор бошқа давлатларда шу нарса ойдин бўлиб қолмоқдаки, “хотин-қизлар эркакларга нисбатан кўпроқ даражада камбағалликка маҳкум бўлмоқда, хотин-қизлар камбағаллиги эркакларникига қараганда шафқатсизроқдир, хотин-қизлар камбағаллиги динамикаси эркакларникига қараганда юқори”¹⁷. Камбағалликнинг феминизациялашуви, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошидаги кучайиб бораётган тенденциялардан бири сифатида қатор тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Афсуски, ҳатто энг билимли ва нуфузли мажлис аҳлига ҳам баъзан жинслараро ижтимоий тафовутлар билан боғлиқ тенгсизлик кўламларини тушунтириш мушкул. Ваҳоланки, Ер шари аҳолисининг 50 фоизидан ортиги аҳволига оид рақамларнинг ўзига ортиқча изоҳ керак эмас¹⁸:

- хотин-қизлар дунё даромадларининг фақат 10 фоизини ишлаб топмоқда, ва, улар дунё мулкининг фақат 10 фоизига эгаллик қилади;
- хотин-қизлар дунё бўйича ижрочи директор лавозимининг фақат 1 фоизини, миллий ҳукуматларда лавозимларнинг фақат 6 фоизини ва парламентдаги ўринларнинг фақат 10 фоизини эгаллайди;
- хотин-қизлар ханузгача бошланғич таълим олиш имкониятига эга бўлмаган аҳолининг 60 фоизини, ҳамда қиз болалар дунё бўйича бошланғич мактабга қатнамайдиган 130 миллион боланинг кўпчилиги ташкил этади;
- хотин-қизлар дунёнинг 1,3 миллиард мутлақ камбағал аҳолисининг 70 фоизини ташкил этади.

АДАБИЁТ:

1. Инсон ҳуқуқлари Вена декларацияси. БМТ, 1993.
2. Инсон ҳуқуқлар бўйича умумжаҳон декларацияси. БМТ, 1945.
3. Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза. БМТ ТД. Ўзбекистон, 1996, 1998, 1999.
4. Гендер и культура. Душанбе. Информационное агентство «Азия-плюс» (Гендер ва маданият. Душанбе. “Азия-плюс” ахборот агентлиги.), 1999.

¹⁷ Cagatay, Nilufer. Gender and Poverty. Working Papers Series, 5. May 1998. UNDP.

¹⁸ Richburg, Robert W., Nelson, Barbara J., Tocherman, Suzanne, Social Studies, 00377996, Jan/Fab2002, Vol. 93, Issue 1.

5. Гендер на повестке дня. Руководство по гендерному обучению. Региональная программа в поддержку гендера в развитии в Центральной Азии, странах Кавказского региона и Турции. Бишкек, 1999. (Гендер кун тартибида. Гендер таълим бўйича қўлланма. Марказий Осиё, Кавказ минтақаси мамлакатлари ва Туркияда ривожланишдаги гендерни қўллаб-қувватлаш бўйича минтақавий дастур. Бишкек, 1999.)
6. Десай Н., Генеральный секретарь Всемирного саммита по устойчивому развитию. Речь на специальном заседании Всемирного экономического форума. Нью-Йорк. 4 февраля 2002. (Десай Н., Барқарор ривожланиш бўйича Бутунжаҳон саммити Бош котиби. Умумжаҳон иқтисодий анжуманидаги нутқ. Нью-Йорк. 2002 йил 4 феврал.)
7. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция. БМТ. 1979.
8. Ўзбекистон хотин-қизлар мақомини ошириш бўйича Миллий ҳаракат платформаси. “Гендер ва ривожланиш” бюроси. БМТ Тараққиёт дастури, Т., 1999.
9. Фаулер А. В поисках равновесия. ИНТРАК. 1997. (Фаулер А. Мувозанатни истаб. ИНТРАК. 1997.) Отчет семинара/рабочей встречи по вопросам развития с точки зрения равенства полов. Т., 5-6 декабря 1996. (Жинслар тенглиги нуқтаи назаридан ривожланиш масалалари бўйича семинар/ишчи учрашув тўғрисида ҳисобот. Т., 1996, 5-6 декабрь.)
10. Шон Берн. Гендерная психология. СПб, 2001. (Шон Берн. Гендер психологияси. СПб, 2001.)
11. Шведова Н.А. Просто о сложном: гендерное просвещение. Пособие. Очерки политической теории и истории. Документальные материалы. М., 2002. (Шведова Н.А. Мураккаб хақида содда қилиб: гендер таълими. Қўлланма. Сиёсий назария ва тарих чизгилари. Хужжатли материаллар. М., 2002.)
12. UNDP. Human Development Report. 1990. NY. Oxford University Press. (БМТ ТД. Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза. Ўзбекистон. 1990. НЙ. Оксфорд Университи Пресс).
13. The Millenium Development Goals. The Millenium Summit Materials. September 2000. (Минг йиллик ривожланиш мақсадлари. Минг йиллик олий даражадаги учрашув материаллари. 2000, сентябрь).
14. World Commission on Environment and Development. Our Common Future (The Brundtland Report). 1987. (Oxford, Oxford University Press). (Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича жаҳон комиссияси. Умумий келажакимиз (Брантланд ҳисоботи)). 1987 (Оксфорд. Оксфорд Университи Пресс).

15. UNDP. Poverty Report 2000. Chapter 10. Page 104. (БМТ ТД. Камбағаллик тўғрисида маъруза 2000. 10-боб. 104-бет).
16. Sagatay, Nilufer. Gender and Poverty. Working Papers Series, 5. May 1998. UNDP. (Чағатай, Нилуфер. Гендер ва камбағаллик. Иш хужжатлари серияси, 5. Май 1998. БМТ ТД).
17. Richburg, Robert W., Nelson, Barbara J., Tocherman, Suzanne, Social Studies, 00377996, Jan/Feb2002, Vol93, Issue 1. (Ричбург, Роберт У., Нелсон, Барбара Дж., Точерман, Сюзанна, Ижтимоий тадқиқотлар, 00377996, Янв/фев. 2002, том. 193, 1-сон).

ГЕНДЕР ВА РИВОЖЛАНИШ

Динара Алимжонова

“Хотин-қизлар ривожланишида”. “Хотин-қизлар ривожланишида” ёндашувидаги зиддиятлар. Жинс ва гендер тушунчалари дифференциацияси. “Гендер ва ривожланиш” ёндашуви юзага келишининг шартлари. Тенгсизлик ривожланиш йўлидаги чеклов сифатида. Эркаклар анъанавий роли билан юкланадиган чекловлар. Хотин-қизлар анъанавий роли билан юкланадиган чекловлар.

Ривожланишнинг энг ўткир муаммоларидан бири тенгликка эришишдир. Бундан икки юз йил аввал буюк буржуазия инкилоблари таъсири остида ҳукмдорларнинг ва фуқароларнинг тенгсизлиги ёки эркакларнинг хотин-қизлар устидан ҳукмронлиги илоҳлар томонидан йўлланган деб ҳисоблаш анъанавий қарашлари сусая бошлади, озодлик ва барча одамларнинг тенглиги ғоялари тарқала бошлади. Хотин-қизларнинг аҳамияти, уларнинг жамиятдаги роли ва мақом тўғрисидаги қарашларда ўзгаришлар содир бўла бошлади. (Изоҳ: хотин-қизлар ҳаракати ривожланиши тарихи масалалари кейинги бобларда кўриб чиқилади).

Қайд этилганидек, ривожланиш жараёнини сайёра аҳлининг ярмидан кўпини ташкил этадиган хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. 40 йиллик тарихга эга ривожланиш бўйича халқаро ташкилотлар фаолияти катта тажрибага эга, ва ушбу тажриба тахлили эркаклар ва хотин-қизлар тенглигига эришиш, камбағалликни йўқ қилиш ва ҳар бир инсоннинг тўлақонли ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича бир неча асосий хулосаларни чиқариш имконини берди.

Ривожланиш бўйича халқаро ташкилотларнинг Иккинчи жаҳон уруши туганидан сўнг вужудга келган бирламчи ёндашуви молиявий ёрдам орқали ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий аҳволини яхшилаш ва эксперт хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ эди. Бироқ, бу турдаги ёрдам маҳаллий аҳоли ўртасида боқимлик кайфияти юзага келишига сабаб бўлди, ёрдам йўналтирилган мамлакатлар ривожланишининг ўзига хослиги ва маданияти деярли эътиборга олинмади, бу эса оқибат натижада иқтисодийётга тўғридан-тўғри зарар етказиши мумкин эди. Ташқаридан ёрдам кўрсатишнинг салбий оқибатларини ўрганиш иқтисодий ривожланишнинг адолатли, барқарор тизимларини яратиш ва ушбу тизимлардан самарали фойдаланишни ташкил этишга янгича ёндашувнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Ривожланиш бўйича халқаро агентликларнинг фаолиятига янгича ёндашув ташқаридан киритилган ривожланишга имкон йўқлигини англаш билан боғлиқ. Амалиёт шуни кўрсатдики, ривожланишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг мақсадлари, маҳаллий аҳолининг жалб этилиши, маҳаллий талаб ва эҳтиёжларнинг ҳисобга олинишига боғлиқ. Шу талабга кўра халқаро ташкилотлар томонидан

маҳаллий аҳолини ривожланиш дастурлари ва лойиҳаларига нафақат ривожланиш босқичида, балки уларни ишлаб чиқиш ва баҳолаш босқичида ҳам жалб этиш услубиёти ишлаб чиқилди. Маҳаллий аҳолининг устун эҳтиёжларини аниқлаш, ўз ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ривожланиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишида зарур бўладиган малакаларга ўргатиш бўйича кенг тарқалган усуллардан бири сифатида *иштирок этиш усули* тан олинди¹.

Тегишли равишда эркалар ва хотин-қизлар ўртасида тенгликка эришиш ривожланиш дастурларига аҳоли қанчалик тўлиқ жалб этилган бўлса, ривожланиш жараёни шунчалик самарали, натижалари эса барқарор бўлади. Шу сабабли, XX асрнинг 70-йилларидан бошланган “Хотин-қизлар ривожланишда” ҳаракати хотин-қизлар билан ишлашга ва уларни ривожланиш дастурларига, самарали ва даромад келтирувчи фаолиятга жалб этишга қаратилган.

Women in Development

(Хотин-қизлар ривожланишда)

Эътибор: хотин-қизларга, муайян гуруҳ вакиллар сифатида.

Мақсад: хотин-қизларни ривожланиш жараёнига интеграциялашуви натижасида ривожланишнинг самарадорлигини ошириш.

Мантиқ: ривожланиш хотин-қизлар унга тўлиқ ҳажмда жалб қилинганида самаралироқ бўлади.

Стратегия: хотин-қизларнинг лойиҳаларида иштироки; уй-рўзғор ишлари билан шуғулланишини яхшилаш.

Манба: SEAGA (Socio-Economic and Gender Analysis) Manual. FAO. 1999. Rome, Italy.

Бирок, ривожланиш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, хотин-қизлар кўпинча ривожланиш жараёнидан четда қолади, ва, ҳатто унда иштирок этган тақдирда ҳам ривожланиш лойиҳалари натижалари эркалар ва хотин-қизларга турлича таъсир кўрсатган. Бундай таъсирнинг энг яққол далили сифатида қишлоқ хўжалигини микрокредитлашни ривожлантириш бўлиб қолди. Бир томондан, дала ишларини бажариши, ҳосилни йиғиб-териши, сотиши лозим бўлган ва айни пайтда бундай фаолиятни уй-рўзғор ишлари, кўп сонли оила аъзоларини парвариш қилиш билан бирга олиб боришга мажбур бўлган аёллар зиммасидаги мажбуриятлар ортиб борди. Иккинчи томондан, хотин-қизларнинг ривожланиш лойиҳаларидан оладиган қўшимча даромади эркалар тасарруфига ўтиб борган. Одатда, эркалар оила эҳтиёжлари тўғрисида қайғуришдан йироқ бўлиб, даромадни ўз билганларича тасарруф этган. Шундай зиддиятли вазият вужудга келганки, статистик маълумотларга

¹ А. Фаулер. В поисках равновесия, ИНТРАК, 1997. Отчет семинара/рабочей встречи по вопросам развития с точки зрения равноправия полов. Ташкент, 5-6 декабря, 1996.

кўра, оилаларнинг умумий даромади даражаси ошганлигини кўрсатса, амалда хотин-қизларнинг ривожланиш жараёнига жалб этилиши натижасида хотин-қизлар ва болалар аҳволи ёмонлашган.

Шу тариқа хотин-қизларнинг ривожланишда иштирокига ёндашувни қайта кўриб чиқиш ва ривожланиш лойиҳаларини хотин-қизлар ва болалар аҳволига салбий таъсирини енгиб ўтиш зарурати вужудга келди. Шу мақсадда хотин-қизлар ва эркаларнинг турлича зарурат ва эҳтиёжларини ажратишга йўналтирилган янги услубиётлар ишлаб чиқилмоқда. Ривожлантириш лойиҳаларининг эркалар, хотин-қизлар, ўсмирлар, қарияларга ва бошқаларга табақалаштирилган таъсирини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар инсоният ривожланишининг ижобий ва салбий омилларини батафсил кўриб чиқиш, тенгсизлик манбаларини аниқлаш ва ривожланишдаги тенг бўлмаган тарзда иштирок этишга олиб келувчи сабабларни бартараф этиш усулларини топиш имконини беради.

Хотин-қизларнинг ривожланишдаги иштирокига янги ёндашув мантиқан ижтимоий тусдаги муаммоларни тадқиқ этишга бағишланган назарий ишланмалар билан боғлиқ. Даставвал, эркалар ва хотин-қизларнинг ижтимоий роли, нуқтаи назари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари масалалари билан этнографлар шуғулланган. Этнографлар тадқиқотлари шуни кўрсатдики, санаб ўтилган “фарқлар турли мамлакатлар, турли халқларда хилма-хил бўлиб, қатор омиллар, жумладан, ижтимоий ва ноижтимоий – географик, иқлимий ва биологик омиллар билан белгиланади”². Тадқиқотчилар хотин-қизларнинг тенг бўлмаган аҳволини изоҳловчи сабабларни ўрганиб чиқиб, бу жараёнда нима сабабдан жинс ижтимоий тафовутларни келтириб чиқарувчи муҳим элементга айланишини аниқлашга интилган. Тадқиқотлар давомида Ғарб феминизмидан келиб чиққан нисбатан янги концепция вужудга келди, унда “жинс ва ҳокимият масалалари кўтариб чиқилади, *андроцентристик* давлатнинг ва шаклланаётган фаннинг батафсил танқиди келтирилади”³. (*Андроцентризм* – «Ғарб маданиятига хос эркаки умуман инсонга, Ното Sapiens турига айнан тенг ҳисоблаш, аёлни эса хусусий ҳол, “умуман инсон”нинг кичик тури сифатида олиб қараш нормаси⁴). Эркалар ва хотин-қизларнинг биологик фарқларини мутолқаштириш жараёни шунга олиб келдики, инсон фаолиятининг кўплаб соҳалари сунъий равишда “аёлларга хос” ва “эркаларга хос” турларга бўлина бошланди. Бу эса фан мазмунининг ўзида ҳам акс этди.

Янги (гендер) концепцияси биологик жинс билан (инглизчасига – sex) ижтимоий жинс (инглизчасига – *gender*) фарқланишига ҳамда

² Гендер и культура. Душанбе. Информационное агентство “Азия-плюс”, 1999.

³ Гендер на повестке дня. Руководство по гендерному обучению. Региональная программа в поддержку гендера в развитии в Центральной Азии, странах Кавказского региона и Турции. Бишкек. 1999.

⁴ Глоссарий МЦГИ. www.gender.ru

жинслар орасидаги ижтимоий муносабатлар фақат эркеклар ва хотин-қизларнинг биологик ўзига хослиги билан белгиланмаслиги, ижтимоий роллар бирлиги, физиологик фарқлардан сезиларли равишда кенглигини англашга қурилган.

Жинс – бу анатомик, физиологик тушунча, яъни индивиднинг биологик жинсга оидлигини белгилловчи биологик хусусиятлар бирлигидир⁵. Бирок, одамлар ўртасида биологик фарқлардан ташқари ижтимоий роллар, фаолият турлари, хатти-ҳаракатдаги ва психологик характеристикадаги бўлиниш ҳам мавжуд. Жинсдан фарқли ўлароқ гендер – психологик, маданий ва ижтимоий воситалар билан шаклланади.

Ўғил ва қиз болаларда турлича кўникмалар ва психологик хусусиятларнинг тарбияланиши, хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги меҳнат тақсимооти, жамиятда қабул қилинган маданий меъёрлар, роллар ва қарашлар – гендер фарқланишини шакллантириш жараёнини ифодалайди. Шунини қайд этиш лозимки, турли жамиятларда ушбу жараён у ёки бу жамиятда қабул қилинган муайян андозаларга мос равишда турлича кечади. Шу муносабат билан эркеклар ва хотин-қизлар муайян гендер стандартларга мос равишда гендер ролларни бажаради, бироқ, ушбу роллар уларга табиатан, уларнинг биологик ривожланишига мос равишда берилган эмас. “Гендер” тушунчасининг киритилиши шунини англашга ёрдам берадики, “жамиятдаги эркеклар ва хотин-қизлар роллари ижтимоий ҳижратдан ташкил топади ва белгиланади”⁶.

Гендер концепциясига мувофиқ ривожланиш бўйича фаолиятда “Хотин-қизлар ривожланишда” (“Women in Development”) шиоридан “Гендер ва ривожланиш” (“Gender and Development”) шиорига ўтиш амалга оширилди. Аҳолининг турли гуруҳларининг ўзларининг ижтимоий роллари ва ўзига хос талабларига мос равишда ривожланиш бўйича фаолиятда иштирок этишига нисбатан гендер ёндашувнинг қўлланилиши ривожланишнинг гендер стратегиясини ишлаб чиқиш имконини берди ва унга қуйидаги таркибий қисмлар кирди:

- хотин-қизлар эҳтиёжларини устун тартибда кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш (айниқса, маданий меъёрлар ва кадриятлар, уларнинг фаолиятда тенг иштирокини чеклаб қўйган тақдирда);
- жамиятда хотин-қизлар аҳволини эркекларнинг аҳволига нисбатан аниқлаш ва яхшилаш;
- хотин-қизлар томонидан ўз аҳволини, талаб ва эҳтиёжларини англаш;
- хотин-қизлар аҳволини яхшилашга ҳалал берувчи тўсиқларни аниқлаш;

⁵ Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Социальное конструирование гендера. Сборник статей “Возможности использования качественной методологии в гендерных исследованиях”. МЦГИ. 2001.

⁶ Ўша ерда.

- хотин-қизлар фаолият соҳаларини кенгайтириш, улар томонидан анъанавий эркаклар роллари ва касб-корларининг ўзлаштирилиши;
- ўтмишдаги камситишнинг бевосита ёки воситали оқибатларини бартараф этиш;
- хотин-қизларнинг ночор гуруҳларини устун равишда ривожлантириш.⁷

Gender and Development (Гендер ва ривожланиш)

Эътибор: эркаклар ва хотин-қизларнинг ижтимоий ролларини ривожланиш жараёнида ўрганиш.

Мақсад: ривожланишда гендер тенгликка эришиш.

Мантиқ: ривожланиш лойиҳалари ва дастурларида гендер тенглик қўллаб-қувватланса, ривожланиш самаралироқ бўлади.

Стратегия: хотин-қизларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам ривожланиш лойиҳаларида иштироки; оиланинг ҳар бир аъзоси эҳтиёжини инobatга олиш; неъматлардан фойдаланишда тенгликни таъминлаш; уй-рўзғор ишлари билан шуғулланишда тенг иштирок этиш.

Манба: SEAGA (Socio-Economic and Gender Analysis) Manual. FAO. 1999. Rome, Italy.

Гендер тенглик XXI асрда ривожланиш соҳасида БМТ мақсадларига эришиш борасида принципал жиҳатдан аҳамиятли омилдир. Шунга мувофиқ тарзда гендер ёндашувларнинг такомиллаштирилиши ва жорий этилиши ижтимоий адолат, инсон ривожланишининг тенг ҳуқуқлилиги ва барқарорлигига эришиш йўлида асосий масала бўлиб қолмоқда. БМТ томонидан қўйилган масалаларнинг самарали тарзда ижро этиш йўллари излаш янги гендер ёндашувларни ишлаб чиқишга олиб келди. Хусусан, *Gender mainstreaming* (баъзан «гендер мажмуавий ёндашув» деб таржима қилинадиган) каби янги ёндашув ҳар қандай режалаштирилаётган тадбирни баҳолаш жараёнини ўз ичига олади. Бу ҳар қандай режалаштирилаётган тадбир, жумладан соҳаларда ва барча даражаларда қонун лойиҳаларини, стратегиялар ва дастурларни уларнинг хотин-қизлар ва эркакларга эҳтимол таъсири нуқтаи назаридан ишлаб чиқилиши қамраб олади.

Хотин-қизлар талаб ва эҳтиёжларини устун тарзда кўриб чиқиш ва уларнинг ҳисобини юритиш. Таъкидланганидек, ривожланиш бўйича дастурларнинг юқори даражада самарадорлигига эришиш учун аҳолининг турли гуруҳларининг улардаги иштирокини батафсил ўрганиш лозим.

⁷ Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Социальное конструирование гендера. Сборник статей "Возможности использования качественной методологии в гендерных исследованиях". МЦГИ. 2001.

Аҳолининг турли гуруҳларининг ривожланишга оид дастурлар ва лойиҳаларда иштирок этиш даражасига ҳудудларнинг ижтимоий-маданий ривожланиши даражаси таъсир кўрсатади. Хусусан, Марказий Осиё минтақаси Ғарбий Европа, АҚШ, шунингдек, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг ривожланаётган мамлакатлари андозаларидан жиддий фарқ қилади. Бу эса ривожланиш соҳасидаги жаҳон тажрибасини ушбу ҳудудга татбиқ этилишига тўсқинлик қилади. Ривожланиш жараёнига таъсир қилувчи омиллар сирасига оилавий-маиший, диний анъаналар, кўчманчи ва ўтроқ маданиятлар анъаналаридаги фарқлар, совет даврининг таъсири ва вужудга келган замонавий вазият киради.

Жумладан, оилавий-маиший муносабатлар соҳасида жинслар тенглиги ғояларига уйғунлаштириш мушкул бўлган кўплаб анъаналар мавжуд. Бунга қалин тўлаш, эрнинг оиласида келиннинг мавқеини пасайтириш, келиннинг эрнинг қариндошлари билан бевосита муносабатларини тақиқлаш қабилар киради. Хотин-қизлар ҳуқуқларининг бузилиши ҳозиргача Марказий Осиёнинг айрим кўчманчи қабилаларида мавжуд бўлган келин ўғирлаш анъаналарида кузатилади. Иккинчи томондан, ота-оналарнинг келишувига кўра никоҳни уюштириш анъаналари ҳам сақланиб қолган, бунда келин ва кўёв тўйгача ҳатто бири-бирини танимайди ҳам. Гендер муносабатларга таъсир кўрсатувчи бошқа анъаналар сирасида бола туғиш анъанаси, кўп хотинли никоҳлар, хотин-қизларни айириб қўйиш ва уларнинг *паранжи-чачвон* тутиши, эрта турмушга чиқиш ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Диний анъаналарга риоя қилиш борасида жинслар тенглиги ва ривожланишда иштирок этиш билан солиштириб бўладиган қатор муаммолар мавжуд. Ушбу масала диний ақидаларнинг хотин-қизларнинг ривожланишда фаол иштирок этишига таъсирининг ўзига хос жиҳатларини махсус ўрганишни талаб этади, ҳамда ривожланиш бўйича дастурлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқишда тегишли равишда эътиборга олиниши лозим.

Жамиятда эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида юзага келган тенгсизликдан далолат берувчи омиллардан бири бўлиб аҳоли бандлигининг касбий ва гендер структураси ҳисобланади. Бунга хотин-қизлар маошидаги жиддий фарқ, мамлакат ҳўжалигининг ўзига хос “хотин-қизлар” тармоқларида хотин-қизларнинг жамланиши ва ҳоказолар киради.

Иккинчи томондан, оилада эркаклар билан хотин-қизлар ўртасидаги мажбуриятларнинг нотекис тақсимланиши ва бунда уй-рўзғор, болалар, ота-оналар тўғрисида ғамхўрлик қилиш асосан хотин-қизларнинг зиммасига тушиши уларни ўз касбий маҳоратини ривожлантиришдан воз кечишни танлашга олиб келади ва ушбу танловни ихтиёрий деб бўлмайди.

Хотин-қизлар томонидан ўз аҳволини, талаб ва эҳтиёжларни англаши. Хотин-қизларнинг муайян даражада ажратиб қўйилиши, жамиятда қарор топган муайян фикрлаш стереотиплари ва улар асосида қизлар ва аёлларнинг ҳаёт йўли олдиндан белгилаб қўйилганлиги уларнинг эркин ривожланишини муайян даражада чеклаб қўяди, ваҳоланки, бу ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Афсуски, хотин-қизлар шахсига нисбатан ижтимоий таъйиқ шунчалик кучлики, у хотин-қизларнинг ўзини англаши даражасига салбий таъсир кўрсатади. Камдан-кам ҳолларда хотин-қизлар оила, маҳаллий жамоа ва умуман, жамият миқёсида ўзларида етарли куч ва билим топа олади. Хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигининг пастлиги шунга олиб келадики, улар ижтимоий камситиш ва зўравонликнинг турли кўринишлари қурбони бўлиб қолади.

Анъанавий хотин-қизлар роли томонидан хотин-қизлар ривожланишига юкланадиган чекловлар. Хотин-қизларнинг эркин ва ҳар томонлама ривожланиши жараёнидаги муҳим тўсиқлардан бири шундан иборатки, ишлаётган аёл уй-рўзғор ташвишлари ва болалари учун масъулдир. Ҳатто Фарбнинг ривожланган мамлакатларида ишловчи аёл уй-рўзғор ишларининг 70%га яқинини бажаради⁸. У билим даражасини ошириш, шахснинг интеллектуал ва жисмоний ривожланиши, ижтимоий мулоқот доирасини кенгайтириш ва ҳоказо учун асос бўладиган бўш вақтдан деярли маҳрум қилинган.

Хотин-қизлар ресурслар устидан назорат қилиш ва фирманинг ривожланиш стратегиясини белгилаш имконини берувчи лавозимларни кам ҳоллардагина эгаллайди. Айрим ташкилотларда “ойна шифт”нинг мавжудлиги ва аёлнинг касбий ўсишда ундан юқори кўтарила олмаслиги ҳам унинг лавозим поғоналаридан ўсишига ва шахсининг ривожланишига ҳалал берувчи муайян тўсиқ ҳисобланади. Ушбу жараён учун жамиятдаги мавжуд гендер ақидалар масъул бўлиб, уларга кўра эркаклар табиатан самаралироқ етакчи, бошқарувчи, раҳбар ҳисобланади.

Хотин-қизларнинг ишдаги мақомининг пастлиги шунга олиб келадики, улар камроқ даражада иқтисодий ҳукмронликка ва имкониятга эга. Хотин-қизлар ишига эркакларникига нисбатан кам ҳақ тўланиши (Ўзбекистонда хотин-қизлар эркаклар ойлигининг 80%и миқдорида иш ҳақи олади)⁹ хотин-қизларнинг мустақил таълим соҳасидаги ва шахс ривожидagi имкониятларининг чегараланишига олиб келади. Иккинчи томондан, хотин-қизлар ҳар доим ҳам ўз иш ҳақини тасарруф этиш ҳуқуқига эга эмас. Масалан, ишлаётган хотин-қизлар билан олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, фақат 27% хотин-қизлар ўз маошини ўзи тасарруф этишини айтди (бунга турмушга чиқмаган хотин-қизлар ҳам

⁸ Шон Берн. Гендер психологияси. СПб.2001.

⁹ Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза. БМТ Тараққиёт Дастури. Ўзбекистон. 1999. Тошкент.

киради), 41% нинг билдиришича, уларнинг иш ҳақидан фойдаланишга оид қарорлар эр ва бошқа қариндошлари билан биргаликда қабул қилинади ва 12% аёлларнинг айтишича, уларнинг маоши эрларининг ихтиёрида¹⁰.

Ҳозирги жамиятда жинс асосида яққол ижтимоий тенгсизлик ва камситишни оқлашга ёрдам берадиган бир қатор салбий қарашлар мавжуд. Ижтимоий психолог М.Ж.Лернернинг фикрича, “хаётнинг ўзи шундай” деган фикр ана шундай қарашлардан биридир. Ушбу концепцияга кўра шундай салбий ёндашувлардан бири вужудга келдики, унга кўра хотин-қизларга “ожиза” деб қаралади ва шунга кўра уларнинг маъқеи пастлиги ва меҳнатига кам ҳақ тўланишини изоҳлашга ҳаракат қилинади.

Эркакларнинг анъанавий роллари томонидан эркаклар ривожланишига юкланадиган чекловлар. Гап жинслар тенглиги хусусида борганда бу барча эътибор хотин-қизлар муаммоларига қаратилиши керак, дегани эмас. Қайд этилганидек, ривожланиш бўйича дастурлар ва лойиҳаларда асосий эътибор эркаклар ва хотин-қизлар ролларини ўрганишга қаратилади, улар эса хотин-қизларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бироқ, агар “хотин-қизлар” масаласи ҳам совет олимларининг ва Ғарб феминистик фанининг тадқиқот предметини ташкил этган бўлса, бугунги кунда эркакларнинг анъанавий роли билан юкланадиган чекловларга тааллуқли тадқиқотларнинг сони кам. Шунга қарамай, ушбу чекловлар мавжуддир ва эркакларнинг хатти-ҳаракатига ҳам таъсир кўрсатади.

Бир томондан, эркакларнинг ижтимоий мақоми маошининг катталиги ва ишдаги муваффақияти билан белгиланади. Англашиларликки, эркакларнинг барчаси ҳам жамиятда “яққол муваффақият” деб қабул қилинадиган ҳамда “ҳақиқий эркак” тўғрисидаги тасаввурга мос келадиган хизмат лавозимига эриша олмайди. Бу соҳадаги муваффақиятсизликлар эркакларнинг ўзига ўзи берадиган баҳосининг пасайишига олиб келади. Ушбу ҳолатлар эркакларни иш ҳақиға кўра иш ва лавозим танлашига таъсир кўрсатади, бунда айниқса, хотини ишламайдиган эркаклар кучли руҳий тазйикни бошдан кечиради. Бир неча одамнинг ягона боқувчи бўлган эркакка қарамлиги стресс ҳолатини келтириб чиқаради. Тегишли равишда, эркаклар зиммасига юкланган асосий мажбурият – катта маош олиб келиш – эркаклар томонидан оталик вазибаларини бажаришига салбий таъсир кўрсатади, уларни болалар тарбиясидан узоқлашувига сабаб бўлади, бу эса айниқса, ўзбек оилалари мисолида яққол намоён бўлади.

Юқорида тасвирланган мақомга тўғри келмайдиган эркаклар лаёқатсизлик тўғрисида бошдан кечириб, унинг ўрнини “юқори даражада

¹⁰ Инсон ривожланиши тўғрисидаги маъруза. БМТ ТД. Ўзбекистон. 1999. Тошкент.

эркаклик” билан қоплашга ва бунда эмоционал, ақлий ва жисмоний жиҳатдан ҳаддан зиёд қатъият намоиш этишга интилади.

Эмоционал жиҳатдан эркаклар камроқ ҳаяжонланиши, ва, шунингдек, ҳис-туйғуларини камроқ намоиш этиши керак. Бу эса эркакларнинг оиладаги, хотини ва болалари билан муносабатларининг қашшоқлашувига сабаб бўлади. Иккинчи томондан бу эркаклар орасида кўпроқ даражада зиддиятликка ва рақобатлашувга олиб келади.

Ақлий қатъиятни намоиш этишда эркаклар билимли ва лаёқатли бўлиб кўринишга интилади ҳамда уларнинг билим даражасидан юқори бўлган муаммолар юзага келганда мушкул аҳволга тушиб қолишади. Улар ўзларининг билимсизлигига гувоҳ бўлган атрофдаги кишиларни камсита бошлайди ёки чуқурроқ билимга эга ходимларни сиқувга ола бошлайди ва хоказо.

Жисмоний қатъиятни намоиш этишда эркаклар чегара билмай қолади ва ўзини кўрсатиш учун зўравонлик ишлата бошлайди. Ушбу тоифага ёқалашувчи, ва, одатда жисмонан ожиз, ўзи ҳақида паст фикрда бўлган ва қуйи ижтимоий-иқтисодий мақомга эга эркаклар киради. Уларнинг ўзлигини намоиш этиши кўпинча оилада кечади ҳамда хотинлари, болалари ва оналари зўравонликка дучор бўлади.

Шу тариқа, бир томондан эркаклар роли андозаларини қўллаб-қувватлаш ва тегишли хатти-ҳаракатларнинг мушкуллиги эркакларни гендер роли билан боғлиқ руҳий тенгликка олиб келади. Буларнинг барчаси жамият ва эркакнинг атрофдагиларининг салбий таъсири давомида содир бўлади. Иккинчи томондан, эркаклар роли андозаларига мос келувчи эркаклар муомала борасида жиддий қийинчиликларга учрайди ва бу ҳам ноқулайлик ва руҳан сиқилишга сабаб бўлади.

Тегишли хулоса чиқариш мумкин: агар тенглик узоқ вақт давомида хотин-қизлар муаммоси ҳисобланган бўлса, кейинги вақтлардаги “эркаклар” тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, бу эркакларга ҳам тегишли муаммодир. “Гап шундаки, эркакларнинг аксарияти ўзларини эркак жинси вакили деб эмас, одамзот вакили деб ҳисоблайди. ...Эркаклар шовинизми демократия ва маданий жамият ҳамда давлат билан уйғун бўла олмайди”¹¹. Зеро бу инсон ривожланиши концепциясининг ўзига зид келади.

АДАБИЁТ:

1. Инсон ҳуқуқлари Вена декларацияси. БМТ, 1993.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. БМТ, 1945.
3. Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза. БМТ Тараққиёт Дастури. Ўзбекистон. 1996, 1998, 1999.

¹¹ Шведова Н.А. Просто о сложном: гендерное просвещение. Пособие. Очерки политической теории и истории. Документальные материалы. Москва. 2002.

4. Гендер и культура. Информационное агентство «Азия-плюс», Д., 1999. (Генер ва маданият. «Азия-плюс» ахборот агентлиги, Д., 1999.)
5. Гендер на повестке дня. Руководство по гендерному обучению. Региональная программа в поддержку гендера в развитии в Центральной Азии, странах Кавказского региона и Турции. Б., 1999.
6. Десай Н., Генеральный секретарь Всемирного саммита по устойчивому развитию. Речь на специальном заседании Всемирного экономического форума. Нью-Йорк, 4 февраля 2002.
7. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги БМТ конвенцияси. БМТ, 1979. (Гендер кун тартибида. Гендер таълим бўйича қўлланма. Марказай Осиё, Кавказ минтақаси мамлакатлари ва Туркияда ривожланишдаги гендерни қўллаб-қувватлаш бўйича минтақавий дастур. Бишкек, 1999.)
8. Ўзбекистон хотин-қизлар мақомини ошириш бўйича Миллий ҳаракат платформаси. “Гендер ва ривожланиш” бюроси. БМТ Тараққиёт дастури, Т., 1999.
9. Фаулер А. В поисках равновесия. ИНТРАК, 1997. (Фаулер А. Мувозанатни истаб. ИНТРАК. 1997.) Отчет семинара/рабочей встречи по вопросам развития с точки зрения равенства полов. Т., 5-6 декабря 1996. (Жинслар тенглиги нуктаи назаридан ривожланиш масалалари бўйича семинар/ишчи учрашув тўғрисида ҳисобот. Т., 1996, 5-6 декабрь.)
10. Шон Берн. Гендерная психология. СПб., 2001. (Шон Берн. Гендер психологияси. СПб, 2001.)
11. Шведова Н.А. Просто о сложном: гендерное просвещение. Пособие. Очерки политической теории и истории. Документальные материалы. М., 2002. (Шведова Н.А. Мураккаб ҳақида содда қилиб: гендер таълими. Қўлланма. Сиёсий назария ва тарих чизгилари. Хужжатли материаллар. М., 2002.)
12. UNDP. Human Development Report. 1990. NY. Oxford University Press. (БМТ ТД. Инсон ривожланиши тўғрисида маъруза. Ўзбекистон. 1990. НЙ. Оксфорд Университи Пресс)
13. The Millenium Development Goals. The Millenium Summit Materials. September 2000. (Минг йиллик ривожланиш максадлари. Минг йиллик олий даражадаги учрашув материаллари. 2000, сентябрь)
14. World Commission on Environment and Development. Our Common Future (The Brundtland Report). 1987. (Oxford, Oxford University Press). (Атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича жаҳон комиссияси. Умумий келажакимиз (Брантланд ҳисоботи)) 1987 (Оксфорд. Оксфорд Университи Пресс)
15. UNDP. Poverty Report 2000. Chapter 10. Page 104. (БМТ ТД. Камбағаллик тўғрисида маъруза 2000. 10-боб. 104-бет)

16. Cagatay, Nilufer. Gender and Poverty. Working Papers Series, 5. May 1998. UNDP. (Чагатай, Нилуфер. Гендар ва камбағаллик. Иш хужжатлари серияси, 5. Май 1998. БМТ ТД)
17. Richburg, Robert W., Nelson, Barbara J., Tocherman, Suzanne, Social Studies, 00377996, Jan/Feb.2002, Vol.93, Issue 1. (Ричбург, Роберт У., Нелсон, Барбара Дж., Точерман, Сюзанна, Ижтимоий тадқиқотлар, 00377996, Янв/фев. 2002, том. 193, 1-сон)

2-боб

ГЕНДЕР НАЗАРИЯСИНING АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

ГЕНДЕР ТУШУНЧАСИ

Динара Алимжорова

“Жинс” тушунчасининг таърифи. Гендер тушунчасининг таърифи. Гендернинг асосий концепциялари. Гендер, биологик жинс ва уларнинг дифференциацияси. Ижтимоий стратификация ва гендер. Гендер ташкил топиши назариясининг асосий тушунчалари. Жинс, жинсга мансублик ва гендер. Жинс ва гендер белгилаб бериладиган ва эришиладиган мақом сифатида. Гендер асимметрияси. Жинсга оид анъанавий назариялар. Гендернинг ташкил топтириш соҳалари. Жамоатчилик ва хусусий соҳалар. Жамоатчилик ва хусусий соҳаларда гендер меъёрлари. Гендер деконструкцияси.

Жинс эркаклар ва аёллар ўртасидаги универсал биологик фарқ бўлиб, анатомик ва физиологик моҳиятни, яъни, индивиднинг биологик жинсга – эркак ёки аёл жинсига мансублигини аниқлаш учун асос бўладиган биологик белгилар бирлигидир¹. Эркаклар ва аёллар ролларидаги жиддий бўлмаган фарқлар уларнинг биологик хусусиятларига тааллуқлидир. Масалан, фақат аёллар ҳомиладор бўлиши ва бола туғиши мумкин, фақат эркакларда сперма ҳосил бўлади.

Бирок, эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик фарқлардан ташқари ўз табиатига кўра биологик бўлмаган сабабларга асосланувчи кўплаб фарқлар бор². Яъни, ижтимоий роллар, фаолият шакллариининг бўлиниши, хатти-ҳаракат ва индивидларнинг психологик характеристикаларида фарқлар мавжуд.

Таъкидланганидек, эркаклар ва аёллар ўртасидаги *биологик*, табиий фарқлар билан эркаклар ва аёлларнинг хатти-ҳаракатини, ижтимоий ва маданий характеристикаларни аниқроқ фарқлаш учун *гендер* атамаси қабул қилинган. *Гендер* тушунчасининг киритилиши энг умумий маънода икки тушунча - **биологик ва ижтимоий жинс** тушунчаларини фарқлашга ёрдам беради. Гендер (инглизча gender – “зот”дан) **жинс тушунчасини физиологик воқелик устқурмаси бўлган ижтимоий конструкция** сифатида белгилайди.

¹ Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Социальное конструирование гендера// Возможности использования качественной методологии в гендерных исследованиях. МЦГИ, 2001.

² Гидденс Э. Социология. М. С.153

Антропологлар тадқиқотлари гендер ижтимоий ташкил топганлигининг ишонарли исботи бўлди³. Улар ўзлари ўрганган жамиятларда ота ва она роллари, ижтимоий иерархияда эркаклар ва аёллар маъқеи қай тарзда белгиланганлигини кузатган. Анъанавий равишда аёлларга хос деб ҳисобланган пассивлик, меҳрибонлик, болаларга муҳаббат ва назокат бир уруғда эркак мижозига хос хусусиятлар деб белгиланса, айни пайтда бошқа уруғда улар аксарият аёллар ва эркаклар томонидан қабул қилинмас эди.

Кейин пайдо бўлган кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, анъанавий эркакларга хос ва аёлларга хос деб ҳисобланган тасаввурлар ҳатто бир жамият ривож тарихи давомида ҳам ўзгариши мумкин. Бундай тадқиқотлар биологик жинсга мансублик ҳаракатларининг анъанавий жиҳатларини соддалаштирилган тарзда тушунтирувчи кўп асрлик амалиётни шубҳа остига олди. Шахснинг эркакларга ёки аёлларга хос деб ҳисобланган хусусиятлари бугунги кунгача жамият томонидан у ёки бу жинсга нисбат бериладиган кийим, одатлар, бош кийим кабилар жинсга кам даражада тааллуқлидир.

Шуниси муҳимки, биологик ва ижтимоий хусусиятлардан ташқари гендерга маданий хусусиятлар ҳам таъсир кўрсатади. Энг кенг маънода маданият – инсоният томонидан дунё ҳақидаги билимларни англаш ва тартибга солиш давомида вужудга келган нарсалар. Айнан шулар инсонни ҳайвонот дунёсидан ажратиб туради. Маданият ўз ичига қуйидагиларни камраб олади – “тил, урф-одат, турмуш тарзи, ҳаракат меъёрлари, тафаккур, билим, кадриятлар, афсоналар ва санъатда дунёнинг рамзий қабул қилиниши (ифодаланиши)”⁴. О.Воронинининг фикрича, инсон менталитетида **эркакларга** хослик ва **аёлларга** хослик қуйидаги маданий рамзий қаторлар элементлари сифатида мавжуд бўлади:

эркакларга хослик - рационал – маънавий – илоҳий - ... – **маданий**;
аёлларга хослик - ҳиссийётга оид – баданга хос – гуноҳли - ... – **табиий**.

Жинснинг биологик хусусиятидан фаркли ўларок ижтимоий ва маданий рамзий хусусиятларда “эркакларга хос” деб ҳисобланадиган ёки унга ўхшатиладиган барча тушунчаларда ижобий, аҳамиятли ва устун деб белгиланадиган кадриятли йўналишлар мужассамлашган бўлади. “Аёлларга хос” деб ҳисобланган хусусиятлар эса салбий, иккиламчи ва бўйсунувчан деб қаралади⁵.

³ Бу ерда Маргарет Миднинг қуйидаги асари назарда тутилади: Mead M. Sex and Temperament three Primitive Societies. 1935. N.Y.

⁴ Воронина О.А. Универсализм и релятивизм культуры в конструировании гендерной системы. Учебник. Основы гендерных исследований. МЦГИ. Москва.2001.

⁵ Воронина О.А. Гендерная экспертиза законодательства Российской Федерации о СМИ. МЦГИ, 2001.

Кундалик ҳаётимизда жинс билан боғланмаган кўплаб тушунчалар “эркакларга хос” ёки “аёлларга хос” деб ҳисобланади. Яъни, ўзига хос “жинсий”, гендер хусусиятга эга бўлиб қолади. “Эркакларга хос” ёки “аёлларга хос” тушунчаларни аниқ фарқлаш учун “*фемининлик*” (аёллик) ва “*маскулинлик*” (эркаклик) тушунчалари қабул қилинган. Янги тушунчаларнинг киритилиши эркакларга хослик ва аёлларга хосликнинг биологик зиддиятини бартараф этиш, ва тегишли равишда эътиборни турли маданиятлар шаклланишининг ички механизмларини гендер нуқтаи назаридан очишга қаратиш имконини берди.

Ижтимоий стратификация ва гендер. Гендер фанида гендер фарқларнинг ташкил топиш жараёни одатда *ижтимоийлашув* жараёни билан боғланади. *Ижтимоийлашув-социализация* (социализация – латинча socialis – ижтимоий) бу индивид томонидан жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида фаолият юритиш имконини берувчи билим, меъёр ва кадриятларни ўзлаштириш жараёнидир. Ижтимоийлашув ўз ичига мақсадли таъсирнинг ижтимоий назорат қилинувчи жараёнларини қамраб олади. Масалан, тарбия, ёки унинг шаклланишига таъсир қилувчи табиий жараёнлар. Ижтимоийлашув асосий институтлари ва агентлари сирасига оила, мактаб, тенгдошлар гуруҳи, атрофдагилар, шу жумладан, кўшниллар, таниш-билишлар, дўстлар, ота-оналар ва ҳоказолар ва айни пайтда оммавий ахборот воситалари қиради. Умуман олганда бу тегишли маданий-меъёрий андазаларни ўзлаштириш, қабул қилиш ва ифодалаш жараёни содир бўладиган муҳитдир. Хусусан, жинсий-ролли ёки бошқача айтганда, гендер ижтимоийлашув жараёнида жамиятда қабул қилинган маданий меъёрларга мувофиқ равишда эркак ёки аёл гендер *ўзликнинг* шаклланиши содир бўлади (identity – ўзликни англаш). Ижтимоийлашувнинг турли жиҳатлари психология, ижтимоий психология, социология, тарих ва этнография, педагогика фанлари томонидан ўрганилади.

Гендер ўзлик - муайян маданиятда амал қилувчи эркакларга хослик ва аёлларга хослик билан ўзининг боғлиқлигини англашдир.

Ўзини эркак ёки аёл сифатида идентификациялаш – бу ушбу жамият томонидан уларнинг биологик жинсидан келиб чиққан ҳолда белгиланган психологик сифатлар ва ҳаракатлар моделини қабул қилиши демакдир.

Манба: Гендерный глоссарий. МЦГИ. www.gender.ru

Ижтимоий психология нуқтаи назаридан индивидлар гендер меъёрларига мос келишга ҳаракат қиладиган икки асосий сабаб бор – бу меъёрий ва информацион тазйик. Меъёрий тазйикнинг моҳияти шундаки, инсон ижтимоий ёки гуруҳий кутишларга мослашиши ва шу орқали жамият ундан юз ўғирмаслигига эришиши лозим. Баъзан жамият

анъанавий тарзда қатъийлашиб қолган гендер ролларга бўйсунтиришдан бош тортиш учун қаттиқ жазолаши мумкин.

Бунга қўллаб-қўлловчи бор: Ўрта Осиёда хотин-қизлар ҳаракати ва ривожланиши тарихидаги *Хужум* ҳаракатидан кўзланган мақсад аёлларнинг паранжида юришдан воз кечиши, уларнинг ижтимоий ҳаётда билим олишда кенг иштирок этишга интилишига эришиш эди. Бу жараён шафқатсиз кураш билан давом этган ва натижада аёлларнинг оддий инсоний ҳуқуқлари ва танлаш эркинлигини чекловчи ўрта асрлар талабларидан бош тортиш учун қўллаб-қўлловчи аёлларнинг қони тўкилган. Эронда оятуллох Хумайний давлат раҳбари бўлган даврда, 1979 йилнинг ўртасидан 80-йилларгача кийим ва хатти-ҳаракат тартибларига риоя қилмаган 20 минг аёл ўлим жазосига ҳукм қилинган. Шахсга меъерий таъйиқ ўтказиш жараёни, анъанавий ролларга риоя қилишга мажбурлаш оддий демократик меъёрлар ва ривожланишда жинслар тенглигини тан олиш мавжуд бўлмаган жамиятларда кузатилади.

Гендер роллар - бу гендер атрафидаги роллардан келиб чиқадиган ижтимоий қутишлар, ва айни пайтда нутқ, услуб, кийим ва хатти-ҳаракатлардир. Эркаклар ва аёллар гоялари бир-бирига зид деб ҳисобланади, ва айрим жамиятларда ролли хатти-ҳаракатлар қўбланиш бўлиши мумкин: пассивлик - аёллар ролли, фаоллик - эркаклар ролли. Гендер роллар билан боғлиқ бўлган кўрсатмалар, айниқса, меҳнатнинг эркаклар ва аёллар меҳнатида бўлинишида яққол намоён бўлади.

COLLINS. Большой толковый социологический словарь. М.: АСТ, 1999. Т.1

Ахборот таъйиқи, ўз навбатида индивид шахсига таъсир кўрсатади, инсон ўзи ва дунё ҳақидаги билимларни кенгайтириб, муайян ижтимоий масалаларга қандай ёндашиш кераклигини англашга интилар экан, кўпинча ўз тажрибасига эмас, атрафдагилардан олаётган ахборотга таянади. Биринчи навбатда, бу гендер ролларга тегишлидир. Эркаклар ва аёллар турли ролларни бажарувчи муҳит, шунингдек, оммавий ахборот воситалари эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқнинг қанчалик катталигини таъкидлаб келишади. Бундай фарқлар “табiiй” хусусиятга эга эканлиги, ўзгармаслиги, буларнинг барчаси ҳақиқат эканлиги тўғрисидаги хулоса зўрлаб ўқтирилади ва одамлар ушбу кўрсатмалар ва қутишларга риоя этади. Ривожланиш психологияси соҳасидаги мутахассислар “*дифференциал ижтимоийлашув*” атамасидан гендер ролларини ўзлаштириш содир бўладиган жараёни белгилаш мақсадида фойдаланишади.

Дифференциал ижтимоийлашув жараёни кўпинча бола туғилишидан аввал вужудга келади. Ўғил ёки қиз туғилишини билиш ота-оналар ва атрафдагилар ҳаракатига таъсир кўрсатади, шунга кўра болага исм, кийим

ва ўйинчоқлар танланади. Бола тарбиясининг ҳар бир босқичида, кейинчалик бутун умри давомида “эркакларга хос” ва “аёлларга хос” ҳаракатлар меъёрлари ва стереотиплар мустаҳкамланади. 5 ёшга келиб болалар қатъият билан ўзларини эркак ёки аёл жинсига мансуб деб ҳисоблайди ва бу гендер идентификацияга мос келади.

Шуни қайд этиш зарурки, мавжуд маданий воқеликни англаш, ўзлаштириш ва тиклаш жараёни гендер ижтимоийлашув даврида аввало тақлид қилиш даражасида содир бўлади. Ўзини англаш ва атрофдаги воқеликни тушуниш давомида индивиднинг ижтимоий ҳаракати кутилаётган ижтимоий меъёрларга мос келиши мумкин (ҳатто унинг дунёқарашига зид бўлган тақдирда ҳам). Ички қаршиликка қарамай, анъанавий гендер ролларга бўйсунушга олиб келадиган ҳаракатнинг бундай турини ижтимоий психологлар ён берувчи деб ҳисоблайди. Шунингдек, инсон жамиятда қарор топган гендер ролларга ва тегишли меъёрлар ва андозаларга тўлиқ қўшиладиган ҳаракат тури ҳам мавжуд. У маъқуллаш ёки интериоризация деб аталади. Ҳаракатнинг учинчи тури – бу идентификация, бунда эркакларга ёки аёлларга ўхшаш истаги туфайли ролларни оддий тақрорлаш содир бўлади.

Индивиднинг гендер ролли ижтимоийлашувига таъсир кўрсатадиган қатор омиллар мавжуд. “Эркакларга хос” ва “аёлларга хос” ўхшашликлар мустаҳкамланишига хизмат қилувчи махсус воситалар сирасига таълим, жамоатчилик фикри, адабиёт ва санъат асарлари, реклама, оммавий ахборот воситалари, телевидение ва хоказолар қиради. Барча ушбу воситалар эркаклар ва аёллар роллари тўғрисидаги анъанавий тасаввурларни тиклашга йўналтирилган бўлиб, бу орқали ушбу меъёрлар қўллаб-қувватланади.

Эркаклар ва аёллар роллари тўғрисидаги анъанавий қарашлар асосида уларнинг ижтимоий ҳаракати биологик фарққа асосланганлиги тўғрисидаги фикрдан келиб чиқади. XX асрнинг бошида машҳур психоаналитик Зигмунд Фрейд “Анатомия – бу тақдир” деб айтган эди. Ўғил болалар тарбияси анъанавий равишда тажовузкор хусусиятга эга, чунки эркак аёлга нисбатан кучли, шижоатли ва қатъиятли бўлиши керак. Эркакларга тарих ва маданият бунёдкори бўлиш роли берилган. Қизларга кичиклигиданоқ бўлажак она роли сингдирилади, у шахсий қизиқишларга эга бўлмаслиги, ўз ҳаётини оиласига – эри ва болаларига бағишлаши керак. Қизлар жисмоний жиҳатдан ҳам, психологик жиҳатдан ҳам ҳимоясиз қилиб тарбияланади. Бу эса ўз устидан зўравонликни қабул қилишга қулай асос яратади. Аёлларга уй ишлари ва болалар тарбияси ишониб топширилган уй бекалари роли ажратилган. Эркаклар ва аёллар роли бундай биологик жиҳатдан белгилаб қўйилган ёндашув (*биологик детерменизм*) бугунги кунда гендерни ижтимоий шакллантириш тарафдорлари томонидан танқид қилинмоқда.

Шуни айтиш жоизки, *биологик детерменизм* ёндашув сифатида нафақат гендер тенгсизлиги мавжудлигини табиатан берилган деб оқлайди, балки турли ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги асрлар давомида шаклланган тенгсизликни ҳам ёқлайди. Хусусан, турли жамиятларда тана ранги ёки келиб чиқиш инсоннинг муайян ижтимоий гуруҳга мансублигини – подшоҳ, кул, муайян уруғ вакили эканлигини белгилар эди. Иерархик табақаланиш ижтимоий стратификация жараёнида содир бўлар эди. Бироқ, ҳар қандай жамиятга хос бўлган стратификациянинг универсал модели гендер стратификациясидир, бунда иерархия жинсий мансубликка кўра белгиланар ва бунда доимо эркак устун ҳисобланар эди.

«Тарих шуни кўрсатдики, ҳақиқий ҳокимият доимо эркаклар қўлида бўлган, патриархал даврининг энг бошидан улар аёлларни қарам аҳволда сақлаш фойдали деб ҳисоблаган, уларнинг қонунчилиги аёлга қарши қаратилган: ва шу тариқа у Ўзга деб белгиланган эди... Аёл бўлиб тугилмайдилар, аёл бўлиб шаклландилар».

Манба: Симона де Бовуар. *Второй пол. М. «Прогресс», СПб.: «Алетейя». 1997.*

Гендерни шакллантириш назариясининг асосий тушунчалари.

Биологик детерменизм жинслар ўртасидаги тушунишга ёндашув сифатида гендерни ижтимоий шакллантириш тарафдорлари томонидан жиддий танқид қилинади. Уларнинг фикрича, ўғил ва қиз болаларда ижтимоийлаштириш жараёнида турли малака ва руҳий фазилатларни тарбиялаш, эркаклар ва аёллар ўртасидаги меҳнат тақсимооти жамиятда қабул қилинган маданий меъёрлар, роллар ва стереотиплар гендер фарқларни шакллантириш жараёнини ифодалайди.

Биологик детерменизм жинслар ўртасидаги тушунишга ёндашув сифатида гендерни ижтимоий шакллантириш тарафдорлари томонидан жиддий танқид қилинади. Уларнинг фикрича, ўғил ва қиз болаларда ижтимоийлашув жараёнида турли малака ва руҳий фазилатларни тарбиялаш, эркаклар ва аёллар ўртасидаги меҳнат тақсимооти жамиятда қабул қилинган маданий меъёрлар, роллар ва стереотиплар гендер фарқларни шакллантириш жараёнини ифодалайди.

Манба: Е.А. Здравомыслова, Ф.Ф.Темкина. *Социальное конструирование гендера. Публикации МЦГИ. М., 1999. www.gender.ru*

Гендер аёллар ва эркакларга таъсир кўрсатувчи барча ижтимоий жараёнларда мавжуд, ташкил топади ва қайта тикланади. Гендернинг ижтимоий ташкил топиши назариясида учта асосий тушунча фарқланади: жинс, жинсий мансублик ва гендер.

1970 йиллар бошигача жинс хусусида бу анатомик, физиологик ўзгармас катталиқ (константа), индивидга берилган мақом деган аниқ тасаввур мавжуд бўлган. Гендер эса феминист тадқиқотчилар томонидан “психологик, маданий ва ижтимоий воситалар билан эришиладиган мақом” сифатида кўриб чиқилади”⁶. Бироқ, шахснинг гендер идентификацияси кичиклигиданок, 5 ёшларга келиб (К. Миллер эса 18 ойлик ёш ҳақида дарак беради) шаклланиши, кейинчалик эса жамланадиган тажрибада мустаҳкамланиб бориши гендер эришиш мумкин бўлган мақом эканлиги тўғрисидаги қарашни шубҳа остига олади⁷.

Гомосексуализм, транссексуализм, шунингдек, энг янги биологик кашфиётларнинг пайдо бўлиши ва англаниши жинсни фақат туғма анатомик ўзгармас катталиқ сифатида қабул қилишга қарши қўйилувчи далилларга айланди.

Худди шу каби қайта англаш жараёнлари ижтимоий ва гуманитар фанларда ҳам содир бўлмоқда. Яқин пайтларгача жамиятга ёт деб қараб келинган ходисалар замонавий жамиятда турли-туман ижтимоий ҳаракатлар ифодаси сифатида қабул қилинади.

Хулоса шундан иборатки, эркаклар ва аёлларнинг жинсий етуклик пайтида ва репродуктив соҳада намоён бўладиган хромосомалари тўпламида аниқланган фарқлар эркаклар ва аёллар ижтимоий нуқтаи назарларидаги тафовутларни оқловчи кучли далил бўла олиши гумон.

Жинс ва гендер тушунчаларини фарқлаш борасидаги биринчи уриниш 1968 йили Калифорния университети профессори Роберт Столлер томонидан амалга оширилди. Транссексуаллар муаммосини ўрганиш шундай хулосага олиб келдики, гендер ўзни англашни ўзгартиришдан кўра жарроҳлик йўли билан жинсни ўзгартириш осонроқ.

Фандаги янги кашфиётлар уларни назарий жиҳатдан англаш билан бирга тадқиқотчиларни шундай хулосага олиб келдики, жинс бу – биологик хусусиятларнинг бирлиги бўлиб, индивидни муайян биологик жинсга тегишли деб билиш учун дастлабки асосдир. “Бироқ фақат роль эмас, балки жинсга дахлдорликнинг ўзи ўзаро алоқалар жараёнида индивидларга боғлаб қўйилади”⁸.

Бошқача айтганда, “биологик жинс ва жинсга мансубликни аналитик жиҳатдан фарқланади. Агар биологик жинс физиологик-анатомик хусусиятлар мавжудлигига кўра белгиланса, жинсий категориянинг

⁶ Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Социальное конструирование гендера: феминистская теория. Введение в гендерные исследования. Часть 1. Учебное пособие. Под ред. Жеребкиной. Харьков. ХЦИ. «АЛЕТЕЙЯ», СПб., 2001.

⁷ Ўша асарда.

⁸ Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Социальное конструирование гендера: феминистская теория. Введение в гендерные исследования. Часть 1. Учебное пособие. Под ред. Жеребкиной. Харьков. ХЦИ. «АЛЕТЕЙЯ», СПб., 2001.

белгиланиши шахсларо алоқалар жараёнида амалга ошади. Жинсларнинг биологик белгилари кийим остида яширинган. Улар билан боғлиқ хусусиятлар ўзаро алоқаларда намоён бўлади. Е.Гоффман фикрига кўра идентификациянинг универсал воситаларига ташқи кўриниш, овоз, хат киради, бироқ, амалиёт кўрсатадики, у ёки бу жинсга мансубликни аниқ кўрсатиб берувчи ташқи кўриниш белгилари мавжуд эмас. Юз чизиклари, сочлар, оёқ-қўллар узунлиги, овоз, кийим, безаклар бугунги кунда жинсни аниқ белгилашга хизмат қила олмайди. Жинс идентификацияси муаммоси вужудга келганда, коммуникация алоқаси узилади, агар жинс аниқ бўлса, коммуникация амал қилади ва идентификацияни бундай жараёни кундалиқ алоқалар жараёнида содир бўлади ва маданий нуқтаи назардан белгиланади. Шу тариқа гендер ижтимоий шаклланиш нуқтаи назаридан – бу шахсларо алоқалар тизими бўлиб, унинг воситасида ижтимоий тартибнинг асосий категориялари бўлган эркакларга хос ва аёлларга хос тасаввурлар яратилади, тавсифланади ва қайта тикланади”⁹.

Ижтимоий тартиб “эркакларга хос” ва “аёлларга хос” хусусиятларнинг қайта тикланишини кўзда тутди. Бироқ, қарор топган ушбу тартиб бузилган ҳолда умум қабул қилинган меъёрлар ҳам бузилади, унинг ташаббускори гендер муаммо вазиятига тушиб қолади. “Харакатнинг ғайриоддийлиги умум қабул қилинган меъёрларга зид келади, унинг муаллифи эса жамият томонидан тушунилмай қолиши мумкин. Ҳозирги пайтда ижтимоий тартиб шундай қарор топганки, у ёки бу жинсга мансублик иерархия ва ҳокимият элементларини ўзида мужассамлаштиради, уларга кўра эркаклар аёлларга нисбатан устунроқ мавжудот ҳисобланади. Шу иерархияга асосан эркакларга тегишли бўлган вазибалар ва кадриятлар аёлларга тегишли шу тушунчаларга нисбатан анча юқори туради. Жамиятда *гендер асимметрияси*– эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий мақомида турли соҳаларда намоён бўладиган тенгсизлиги яққол кузатилади.

Гендернинг ташиқил топши соҳалари. Ижтимоий ва хусусий соҳалар. Ижтимоий ва хусусий соҳаларда гендер муносабатлари меъёрлари. Гендер деконструкцияси. Гендерни доимо яратиладиган ҳамкорлик сифатида кўриб чиқишда жамият томонидан гендер тенгсизлик қайта тикланадиган жараёнга кўмаклашувчи воситаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Гендерни ижтимоий шаклланиши назарияси тарафдорлари ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари – **ижтимоий ва хусусий соҳаларга** мурожат этади.

⁹ Уэст К., Циммерман Д. Создание гендера. /пер. с англ. Е. Здравомысловой //Гендерные тетради: Труды Санкт-Петербургского филиала Института социологии РАН. Вып.1. СПб, 1997.

Ижтимоий соҳа мутахассислар томонидан *сиёсий, иқтисодий* ва *рамзий* турларга бўлинади. Ушбу соҳаларнинг ҳар бирида жинслараро муносабатларнинг яратилиши ва қайта тикланиши содир бўлади.

Сиёсий соҳада гендер ассиметрияси яққол кузатилади, зеро аёллар жамиятнинг сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишидан маҳрум этилган. Жаҳон статистика маълумотига кўра аёллар улушига дунё парламентларидаги ўринларнинг 10 фоизи ва миллий ҳокимиятларда 6 фоизи тўғри келади. Ваҳоланки, аёллар аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади. Аёлларнинг сиёсат соҳасида эркаклар билан тенг бўлмаган ҳолати аёлларнинг оилада ва рўзғорда ҳаддан ташқари бандлиги, сайлов компанияларининг ўтказишга маблағи етишмаслиги ёки ўзининг паст сиёсий мақомининг ижтимоий адолатсизлигини англамаслиги туфайли вужудга келади ва “унда юқори лавозимларга эришиш ва сиёсий мақсадларга эришиш борасида катта мақсадларни келтириб чиқармайди”¹⁰. Бунинг сабаби шундаки, ижтимоийлашув жараёнида аёл энг аввало “она”, “уй бекаси” ва “меҳнаткаш” сифатида қаралади. Гендернинг шаклланиши назарияси нуқтаи назаридан сиёсий етакчи эркак имиджини ва сиёсий етакчи аёл имиджини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Сиёсатчи аёл супермен бўлган сиёсатчи эркак имиджига нима қарши қўйиши мумкин? Бу ўринда “Темир Хоним” иборасини эслашни ўзи кифоя. Бу ибора билан замонамизнинг машҳур сиёсатчиси Маргарет Тетчерни аташган. Аёлларнинг сиёсий етакчилиги муаммоси жиддий тадқиқ қилиниши керак, бироқ, шуниси аёнки, жамият мавжуд гендер стереотиплардан қийинчилик билан воз кечади ва сиёсатда аёллар етакчилиги вужудга келишига ўрганиш оғир кечади.

Гендер тенгсизлиги ва ассиметрияси мавжудлигини тан олиш жараёни ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларда авторитар ҳокимият устунлик қилган давлатларда айниқса, оғриқли кечади. Чунки бу муаммо бевосита демократик институтлар қарор топиши, жамиятнинг сиёсий маданияти ривожланиши ва шу орқали гендер ёндашувлар қонунийлашиши ва амал қилиши билан бевосита боғлиқдир.

Сиёсий маданиятда гендер ёндашув элементлари Европа мамлакатлари ва АҚШда кузатилади. Уларда “сайлов тизимининг партия рўйхатларида гендер квоталаш, гендер мувозанатсизликни бартараф этиш бўйича миллий механизмлар ва бошқа белгилар мавжуд”¹¹.

Иқтисодий соҳада гендер стратификация жараёни чуқур гендер ассиметрияси вужудга келишига сабаб бўлди. У эркаклар ва аёллар учун меҳнат ва бандлик соҳасида кузатиладиган нотенг имкониятларда намоён бўлади. Иқтисодиётда, меҳнат бозорида эркак ва аёллар бандлиги

¹⁰ Гендер и культура. Учебное пособие для студентов гуманитарных факультетов. Душанбе. Информационное агентство «Азия- плюс». 1999.

¹¹ Шведова Н.А. Просто о сложном: гендерное просвещение. Пособие. МЦГИ. М., 2002.

соҳалари аниқ бўлинган. Мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчилар шундай хулосага келадикки, "аёлларнинг лаёқатлари ва роли вазифалари тўғрисидаги стереотиплар бандликнинг анъанавий ва ноанъанавий соҳаларида аёлларга тўсқинлик қилади"¹².

Аёлларнинг касбий мақоми иқтисодийнинг барча соҳаларида эркакларнинг мақомига қараганда анча паст бўлиб, тегишли равишда бу аёлларнинг хизмат поғоналарида секин ўсишига ва касбий мақоми паст даражада бўлишига олиб боради.

Муаммонинг бошқа жиҳати шундаки, аёллар ўртасида ишсизлик даражаси эркакларникига қараганда анча юқори. Турли таназуллар пайтида энг аввало аёллар ишдан бўшатилади, ишга олиш пайтида эса эркаклар афзал кўрилади.

Аёлларнинг меҳнат бозоридаги мавжуд аҳволини ёритувчи яна бир кўрсаткич аёллар ишига кам ҳақ тўланишида намоён бўлади ва у худди шу иш учун эркакка тўланган иш ҳақининг бир қисмини ташкил этади ҳолос. Тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўлаш тамойилининг бузилиши барча жойда кузатилади. Аёлларни юқори ҳақ тўланадиган, истикболли лавозимлардан суриб чиқиш жараёни содир бўлмоқда.

Шуни қайд этиш зарурки, иқтисодий соҳада гендер тенгсизлик масалалари жиддий тадқиқ қилиниши керак ва бу иш мазкур ўқув кўлланмасининг навбатдаги бобларида амалга оширилади ("Иқтисоднинг гендер жиҳатлари" мавзусига қаранг). Ҳар қандай соҳада, шу жумладан, иқтисодий соҳада гендер муаммолари билан шуғулланадиган тадқиқотчиларнинг вазифаси ижтимоий нуқтаи назарни гендер нуқтаи назарига кўра ўзгартириш имкониятига таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракат тартибининг ўзига хослигини аниқлашдан иборат.

Ижтимоий ҳаётда оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутади. Улар нафақат доимий равишда гендер образларни қайта тиклайди, балки фаол равишда уларни кучайтириб, шусиз ҳам оғриқли гендер муаммоларни янада чуқурлаштиради. Замонавий ОАВнинг бутун бирлиги у ёки бу жинсга мансуб рамзийликка эътибор қаратмоқда. Эркак ва аёлларга танлов имкониятини белгиловчи образлар яратилмоқда. Булар "супер эркак ва супер аёл, феминистлар ва анъанавий аёллар образларидир"¹³. Танлаш имконияти унчалик кенг эмас. Бироқ, улар эркаклар ва аёллар "тартибни бошқариши учун" эга бўлган имкониятларини белгилайди¹⁴. Турли жамиятларда оммавий ахборот воситалари давлат ҳокимияти даражасида шакллантириладиган ижтимоий буюртма, қарашларга мос тарзда эркаклар

¹² Ўша асарда.

¹³ Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Социальное конструирование гендера: феминистская теория. Введение в гендерные исследования. Часть 1. Учебное пособие. Под ред. Жеребкиной. Харьков. ХЦГИ. Санкт-Петербург. Издательство «АЛТЕИЯ». 2001.

¹⁴ Ўша асарда.

ва аёллар образлари тарғиб қилинади. Қайд этилганидек, бу жараёнда демократик институтларни ривожланиш жараёнлари, жамиятнинг гендер маданияти муҳим аҳамиятга эга.

Хусусий соҳа гендер муносабатлари ташкил топадиган яна бир соҳа бўлиб, у оилани ва унга боғлиқ бўлган барча муносабатлар спектрини қамраб олади. Бунга яқин атрофда юзага келадиган шахслараро бирлик қиради. Айнан уй ва оила гендер шаклланиши назарияси тарафдорлари томонидан аёллар тажрибасининг муайян манбаси ва “аёлларга тазйик ўтказиш манбаи” ҳисобланади¹⁵. Унда аёлларни уй дунёсига сиқиб чиқариш жараёни фаол давом этади. *Уй* категорияси нафақат анъанавий жамиятда, балки гендер маданиятни ўзлаштириш ва қабул қилишга даъвогар жамиятда ҳам аёллар дунёси сифатида кўздан кечирилади.

Уй дунёси билан боғлиқ бўлган ва гендер стереотипларнинг қайта тикланишига таъсир кўрсатадиган барча нарсалар анъанавий гендер ижтимоийлашуви билан чегараланган, гендер ролларга нисбатан эскирган қарашларга асосланган доирадан чиқиб кетиш йўлларининг жиддий таҳлилини такозо этади. “*Уй дунёси* қандай ташкил топган, унда қандай ҳуқуқ ва қондаларга риоя этилади, у умуман жамиятда қандай ўрин эгаллайди, уй дунёсида эркакнинг роли қандай”¹⁶, ушбу саволларга жавоблар хусусий соҳанинг аёллар ва эркаклар имкониятлари тенгсизлиги ташкил топиши жараёнидаги ролини аниқлашга хизмат қилади.

Гендер деконструкцияси. Тенгсизликнинг мавжудлиги ва жинслараро муносабатларда ижтимоий адолатсизликнинг борлиги янги назарий ёндашувнинг шаклланишига туртки берди. Унга кўра жинсий ролли стереотиплар ва уларга тегишли муносабатлар шубҳа остига олинади. 1980 йиллар охиридаги феминистик ҳаракатнинг янги кучлари олдига янги масала – гендер муносабатларни деконструкция қилиш вазифаси қўйилди. Жамиятда гендер муносабатларнинг ижтимоий ташкил этилганлигини тан олиш шундай хулосани келтириб чиқарадики, демак, уларни қайта тузиш мумкин. Бу шуни англатадики, қарор топган ҳокимият муносабатларини ҳам қайта ташкил этиш ва гендер тенгликка асосланган ижтимоий тартибни қарор топтиришга умид бор¹⁷. Гендер деконструкцияси эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқлар йўқолишини аниқламайди. Унинг натижасида гендерсиз жамият шаклланади, унда барча иерархик, мақомга оид фарқлар барҳам топади ҳамда инсон ривожланиши учун тенг имкониятлар таъминланади.

¹⁵ Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Социальное конструирование гендера: феминистская теория. Введение в гендерные исследования. Часть 1. Учебное пособие. Под ред. Жеребкиной. Харьков. ХЦГИ. Санкт-Петербург. Издательство «АЛЕТЕЯ». 2001.

¹⁶ Ўша асарда.

¹⁷ Social construction of gender/Ed. By J Lorber, S. Farell. London Sage Publications, 1981.

АДАБИЁТ:

1. Основы гендерных исследований. Учебник. МЦГИ. М., 2001. (Гендер тадқиқотдар асослари. Дарслик. МЦГИ. М., 2001.)
2. Хрестоматия к курсу «Основы гендерных исследований». МЦГИ. М., 2001. («Гендер тадқиқотдар асослари» курсига хрестоматия. МЦГИ. М., 2001.)
3. Введение в гендерные исследования. Часть 1. Часть 2. Учебное пособие. Под ред. Жеребкиной. Харьков. ХЦГИ. «АЛЕТЕЙЯ», СПб., 2001. (Гендер тадқиқотларга кириш. 1-қисм. 2-қисм. Ўқув қўлланма. Жеребкина таҳрири остида. Харьков. ХЦГИ. «АЛЕТЕЙЯ», СПб., 2001.)
4. Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Социальное конструирование гендера// Возможности использования качественной методологии в гендерных исследованиях. МЦГИ, 2001. (Здравомыслова Е.А., Темкина А.А. Гендернинг ижтимоий тузилиши//Гендер тадқиқотларда сифат методологиясини қўллаш имконияти. МЦГИ, 2001.)
5. Гидденс Э. Социология. М., с.153
6. Маргарет Мид. Mead M. Sex and Temperament three Primitive Societies. 1935. N.Y. (Маргарет Мид. Жинс ва мижоз уч ибтидоий жамият. 1935. НЙ)
7. Воронина О.А. Универсализм и релятивизм культуры в конструировании гендерной системы. Учебник. Основы гендерных исследований. МЦГИ. М., 2001. (Воронина О.А. Гендер тизимини тузишда маданият универсализми ва релятивизми. Дарслик. Гендер тадқиқотдар асослари. МЦГИ. М., 2001.)
8. Воронина О.А. Гендерная экспертиза законодательства Российской Федерации о СМИ. МЦГИ, 2001. (Воронина О.А. Россия Федерацияси ОАВ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг гендер экспертизаси. МЦГИ, 2001.)
9. Уэст К., Циммерман Д. Создание гендера. /пер. с англ. Е. Здравомысловой //Гендерные тетради: Труды Санкт-Петербургского филиала Института социологии РАН. Вып.1. СПб, 1997. (Уэст К., Циммерман Д. Гендерни яратиш./ Инглизчадан Е. Здравомыслова таржимаси// Гендер дафтлари: Россия Фанлар Академиясининг Социология Институтининг Санкт-Петербургдаги филиалининг ишлари. 1 нашр. СПб, 1997.)
10. Гендер и культура. Учебное пособие для студентов гуманитарных факультетов. Информационное агентство «Азия- плюс», Д., 1999.

(Гендер ва маданият. Гуманитар факультетлари талабалари учун ўқув кўлланма. «Азия-плюс» ахборот агентлиги, Д., 1999.)

11. Шведова Н.А. Просто о сложном: гендерное просвещение. Пособие. МЦГИ. М., 2002. (Шведова Н.А. Мураккаб ҳақида содда қилиб: гендер таълими. Кўлланма. МЦГИ. М., 2002.)

ГЕНДЕР СТЕРЕОТИПЛАРИ

Людмила Ким

Гендер стереотиплари тушунчаси ва таснифи. Гендер стереотипларнинг вазифалари. Гендер стереотипларини ўрганишда асосий йўналишлар. Гендер ижтимоийлашуви жараёнида гендер стереотипларни ўзлаштириш. Ахборотни қайта ишлаш жараёнида бошқарувчи чизмалар сифатидаги гендер стереотиплари. Гендер стереотиплари таъсирининг салбий оқибатлари. Жинспарастлик стереотиплар ва гендер ақидалари.

Гендер стереотиплари тушунчаси ва таснифи. Гендер инсон ижтимоий ҳаётининг муҳим категорияларидан бири эканлиги кундалик воқеликда намоён бўлади. Бир жинс вакилларига нисбатан хатти-ҳаракат меъёрлари ва қутишлар қўлланилади, булар бошқа жинсга нисбатан қўлланиладиганлардан анча фарқ қилади. Бунинг учун алоҳида ўғил болаларни ва қиз болаларни, эркаклар ва аёлларни ифодаловчи махсус атама ва сўзлар қўлланилади. Буларнинг барчаси ижтимоий онгнинг алоҳида намоён бўлиш шакллари – стереотипларда ўз аксини топади.

Анъанага кўра, **стереотип** сўзида маълумотни қабул қилиш ва баҳолаш асосидаги маълум бир чизма (клише) тушунилади. Бу чизма муайян бир ҳодиса, предмет ёки воқеани умумлаштириш вазифасини бажаради, унинг ёрдамида инсон узоқ вақт ўйлаб қолмай, автоматик равишда ҳаракатланади ва баҳо беради.

Ижтимоий стереотип тушунчаси инсоннинг теварак-атрофни умумлаштирган ҳолда баҳолаш борасидаги қобилиятини англатади, ва унинг фикр-мулоҳазалари ва нотанқидий хулосаларига асос бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий андозаларнинг ижобий функцияси маълумот тақчиллиги шароитида юзага келаётган ўзгаришларга тез муносабат билдиришга, англаш жараёнини жадаллаштиришга имконият яратади. Лекин ҳар доим ҳам ижтимоий стереотип объектив воқеликни акс эттира оладими? Йўқ, ҳар доим ҳам эмас. Кўпинча стереотиплар консерватив таъсир кўрсатади, яъни, инсонларнинг ўзаро муносабатларидаги жараёнларда салбий оқибатларга олиб келувчи нотўғри билим ва тасаввурларни шакллантиради. Алоҳида индивидларнинг таснифини умумлаштириш ва уларни бир инсонлар ва ҳодисалар гуруҳига қўллаш *стереотиплаш* деб аталади. Э.Аронсоннинг фикрича, “стереотип асосида фикрлаш – бу гуруҳда унинг аъзолари ўртасидаги реал фарқликларга эътибор бермаган ҳолда ҳар қайси инсонга бир хил тасниф беришдир”¹.

¹ Аронсон Э. Общественное животное. Введение в социальную психологию/пер. с англ. Аспект Пресс. М., 1999. с. 307.

Турли стереотиплар билан биз кундалик ҳаётимизда жуда кўп дуч келамиз, яъни, у ёки бу инсонни ёхуд гуруҳни қандайдир “умумий” фазилат ва хусусиятларга кўра ифодалаймиз. Масалан, “норвегияликлар оғир-вазмин ва сусткаш, италияликлар эса – эҳтиросларга бой ва қони қайноқ”, деган стереотиплар “миллий характер”нинг ўзига хослигига асосланиб, юзага келган. Бундай мулоҳазалар *этик стереотиплар* деб аталади. Шунингдек, иркий стереотиплар, маълум бир касбий гуруҳга, у ёки бу ижтимоий қатлам вакилига нисбатан стереотиплар ҳам мавжуд. Жумладан, “юқори табақа одамлари қуйидагиларга қараганда ақллироқ” ёки “барча шифокорлар – ҳаёсиз” ва ҳоказо.

Мақсадимиз эркаклар ва аёлларга хос бўлган хусусият ва фазилатлар, улар ўртасидаги фарқликлар тўғрисида умумлаштирилган фикр-мулоҳазаларни акс эттирувчи стереотипларни кўриб чиқишдир. Бундай стереотипларни намоён этишнинг осон йўли бор. Ўйлаб кўринг, “аёл” сўзи сизларда қандай фикрларни туғдиради? “Эркак” сўзи чи? Шубҳасиз, сизларнинг жавобингиз қуйида келтирилган мисолга яқин бўлса керак.

“Гендер ролларни тушунишда ижтимоий омилларнинг таъсири”² лойиҳа доирасида эркакларга хос ва аёлларга хос роллар тўғрисидаги тушунчани аниқлаш мақсадида гуруҳий савол-жавоб ўтказилган эди. Унинг иштирокчилари – Тошкент ва Фарғона шаҳарларида истиқомат қилувчи икки жинс вакиллари, турли ёшдаги ва маълумоти жиҳатидан турли даражалардаги кишилар. “Аёл” ва “эркак” сўзи сизларда қандай фикрларни туғдиради?”, деган саволга қуйидагича жавоблар олинган. Аёллар аксарият ҳолларда она, уй бекаси, болаларини тарбиялаш, қўли гул, эркак эса – оила таянчи, ҳимоячи, ота, молиявий манба, жангчи ва ҳоказо сўзлар билан боғлиқ бўлган.

Келтирилган мисол *гендер стереотипларининг* намоён бўлишини кўрсатади, улар инсонларни турлича қабул қилиш ва хусусиятларининг муайян жинсга тааллуқлилиги асосида баҳолашдан иборат.

Авваламбор, **гендер стереотипи тушунчасининг** ўзини кўриб чиқамиз. А.В.Меренковнинг таъкидлашича, бу “*идрок этиш хусусияти, мақсадга интилувчанликнинг, шунингдек, мазкур маданиятда қабул қилинган муайян жинс вакили турмуши ва фаолиятидаги меъёр ва қоидаларни ҳисобга олган ҳолда инсон хулқ-атворининг дастурий англашилшидир*”³.

² Ким Л. Исследовательский проект “Влияние социальных факторов на понимание гендерных ролей”. Программа Центрально-Азиатские Инициативы Исследований, Будапешт, Ташкент, 2002.

³ Меренков А.В. Социология стереотипов. – Екатеринбург: Изд-во Урал. Ун-та, 2001, с. 161.

Бошқача таъриф: “Гендер стереотиплар – бу мазкур жамият учун айнан шу тарихий даврдаги эркеклар ва аёллар ўртасидаги фарқликлар тўғрисидаги тасаввурлар”⁴.

Яна бир таърифни И.С.Клецина келтиради: “Гендер стереотиплари деганда, “эркекларга хос” ва “аёлларга хос” тушунчаларга мос келувчи хулқ-атвор моделлари ва характер хусусиятлари тўғрисидаги андозалаштирилган тасаввурлар тушунилади”⁵.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, “гендер стереотиплари” тушунчасига, биринчидан, эркеклар ва аёлларни одатда ифодаловчи хусусият ва таърифлар киради. Иккинчидан, гендер стереотипларида эркек ва аёллар жинсига анъанавий равишда хос бўлган меъёрий хулқ-атвор намуналари мавжуд бўлади. Учинчидан, гендер стереотипларида эркеклар ва аёллар бир-бирларидан нима билан фарқланиши тўғрисидаги одамларнинг умумлаштирилган фикри, мулоҳазаси, тушунчаси ўз ифодасини топади. Ва ниҳоят, тўртинчидан, гендер стереотиплар улар мавжуд бўлган маданий муҳитга ҳам боғлиқдир.

Барча гендер стереотипларни уч гуруҳга тақсимласа бўлади.

Биринчиси – *маскулинлик/феминлик (ёки фемининлик) стереотиплари*. Бошқача айтганда, бу мардлик/латофатлик стереотиплар деб аталади. Даставвал, маскулинлик (мардлик) ва феминлик (латофатлик) тушунчалари нимани англатишини кўриб чиқамиз. (Кейинчалик матнда бу икки жуфт тушунчалар синоним сифатида ишлатилади: эркекларга хос – маскулинлик, аёлларга хос – феминлик).

И.С.Кон⁶ томонидан тақдим этилган “маскулинлик” атамаси маъносини таҳлил қилишга асосланиб, феминлик ва маскулинлик тушунчаларига берилаётган мазмунни қуйидагича ифода этиш мумкин.

1. Маскулинлик ва феминлик тушунчалари эркекларга (маскулинлик) ёки аёлларга (феминлик) “хोलисона хос бўлган” (И.Коннинг таъкидлашича) рухий ва хулқ-атворий хусусиятларни акс этади.

2. Маскулинлик ва феминлик тушунчаси турли ижтимоий тасаввурлар, фикрларни ўз ичига олади, эркеклар ва аёллар қандай ва уларга қайси хусусиятлар мақбул эканлиги аниқланади.

3. Маскулинлик ва феминлик тушунчаларида идеал эркек ва идеал аёлнинг меъёрий қолиплари ўз ифодасини топади.

⁴ Гендерный подход в дошкольной педагогике: Монография в двух частях, под ред. к. пед. н. Л.В.Штылевой, Мурманск, 2001 г. Теория. с. 17.

⁵ Клецина И.С. Гендерная социализация. Учебное пособие. С.-Петербург, изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 1998. с. 19

⁶ Кон И.С. Мужские исследования: меняющиеся мужчины в изменяющемся мире. //в кн. Введение в гендерные исследования. Ч.1: Учебное пособие/Под ред. И.А. Жеребкиной - Харьков: ХЦГИ, 2001; СПб.: Алетей, 2002. С.571-572.

Шундай қилиб, биринчи гуруҳдаги гендер стереотипларни мардлик ва латофатлик ҳақидаги тасаввурлар аксини топган муайян шахсий фазилатлар ва ижтимоий-психологик хусусиятлар ёрдамида эркаклар ва аёлларни таснифловчи стереотиплар сифатида белгилаш мумкин. Масалан, аёлларга пассивлик, боғлиқлик, эмоционаллик, конформлик каби хусусиятлар, эркакларга эса – фаоллик, мустақиллик, компетентлик, жаҳлдордик ва ҳоказолар хос. Кўриб турганимиздек, маскулинлик ва фемининлик хусусиятлари қарама-қарши кутбларга эга: фаоллик – пассивлик, куч – ожизлик. Н.А.Нечаеванинг тадқиқотларига кўра, аёлнинг анъанавий идеали вафодорлик, содиқлик, камтарлик, назокат, латофат, итоаткорлик каби фазилатларни ўз ичига олади⁷. Худди шундай натижалар талабаларнинг эркаклар ва аёллар тўғрисидаги идеал тушунчасини ўрганган Миллий университет талабасининг битирув ишида ҳам олинган. У олиб борган сўровнома иштирокчиларининг аксарияти эркак ва аёлларни анъанавий нуқтаи назардан ифодаловчи фазилатлар ва хусусиятларига ёндашганлар, масалан, аёл – мулойим, латофатли, садоқатли, эркак эса – фаол, ишончли, кучли⁸.

Гендер стереотипларнинг **иккинчи гуруҳи** оилавий, профессионал ва бошқа соҳаларда *муайян ижтимоий ролларни мустақамлаш* билан боғлиқ. Аёлларга, одатда, асосий роллар сифатида оилавий (она, уй бекаси, турмуш ўртоғи) роллар, эркакларга эса – профессионал роллар белгиланади. И.С.Клецина таъкидлашича, “эркаклар ўз касб-корида эришган ютуқларига қараб, аёллар эса – оиласи ва болалари мавжудлигига қараб баҳоланади”⁹.

Муайян бир соҳада (масалан, оилавий) эркакларга ва аёлларга хос деб ҳисобланган роллар мажмуи ҳар хил. Юқорида таъкидлаб ўтилган “Гендер ролларни англашга таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар”¹⁰ тадқиқотида 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 300 киши ўртасида сўровнома ўтказилган, натижада эр-хотин ўртасида оилавий мажбуриятларни тақсимлашда қуйидаги дифференциация пайдо бўлди. Жумладан, фақат аёлларга хос деб уйни тозалаш, овқат пишириш, кир ювиш ва дазмол қилиш, идиш-товоқ ювиш каби роллар таъкидланган. Сўров иштирокчиларининг фикрига кўра, оилада эркакнинг вазифаси пул топиш, уйда таъмирлаш ишларини бажариш, ахлатни олиб чиқишдан иборат. Сўров қилинганларнинг 90% ортиғи оилада эркак ва аёлларнинг

⁷ Нечаева Н.А. Идеал женщины в структуре гендерных картин мира //гендерные тетради. Выпуск второй; СПб филиал Института социологии РАН. СПб., 1999, с.10.

⁸ Ибрагимова Ж. Дипломная работа «Изучение гендерных идеалов в представлениях студентов». Научный руководитель Л.Э.Ким. Национальный Университет Узбекистана, отделение психологии. Т., 2003.

⁹ Клецина И.С. Гендерная социализация. Учебное пособие. с. 19

¹⁰ Ким Л. Исследовательский проект “Влияние социальных факторов на понимание гендерных ролей”. Будапешт, Ташкент, 2002.

вазифаси ҳақидаги анъанавий тасаввурларни акс эттирувчи “Аёлнинг асосий бурчи – яхши рафика ва она бўлиш” ва “Эркак – бу асосий боқувчи, оиланинг бошлиғи” деган тушунчаларни кўллаб—қувватлаганлар. Мазкур тадқиқот доирасида олиб борилган гуруҳ интервью катнашчиларининг айтганларига кўра, аёлга кўпинча уй бекаси вазифаси юкланади, яъни, респондентлар фикрича, у “оиланинг яхлитлигини таъминлайди” ва “уйда соғлом муҳитни яратади” деб ҳисоблашгани аниқланди. Эркак эса “оила таянчи” ролини бажаради, ва бу вазифа кўпроқ раҳбар қилиш характерга эга: эркак оилада “стратегик мақсадларни белгилаш” билан шуғулланади, у “бошқаради”, “кўрсатма беради” ва умуман ҳамма учун намуна бўлади. Шу билан бирга дам олиш, ҳордиқ чиқариш билан боғлиқ роллар одатда аёлларга қараганда эркакларга мос деб ҳисобланади (дўстлар билан пиво ичиб, мулоқот қилиш, диванда дам олиб ётиш, телевизор кўриш ва газета ўқиш, балиқ овлаш, футбол ўйнаш ва ҳоказо)¹¹. Бу ҳол, шунингдек, мактаб дарсликларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларида ҳам ўз ифодасини топган, яъни, эркак персонажлар аёлларга қараганда дам олиш вазиятларида кўпроқ акс эттирилган¹².

Гендер стереотипларининг **учинчи гуруҳи** эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқликни *меҳнатнинг муайян турлари* билан шуғулланиш жараёнида ўз ифодасини топган. Жумладан, эркакларга, одатда ижодий ва яратувчанлик характерига эга инструментал соҳа фаолиятидаги машғулот ва касблар, аёлларга эса – бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи характери билан фарқланувчи экспрессив соҳалар хос деб ҳисобланади. Шунинг учун “эркакларга хос” ва “аёлларга хос”, деб аталувчи касблар мавжудлиги тўғрисидаги фикр кенг тарқалган.

ЮНЕСКОнинг¹³ маълумотларига кўра, эркакларга хос касбларнинг андозавий рўйхати архитектор, хайдовчи, муҳандис, механик, тадқиқотчи ва ҳоказо касблардан, аёлларга хос касблар эса кутубхоначи, тарбиячи, ўқитувчи, алоқа ходими, котиба ва бошқалардан иборат. Тадқиқотимдаги¹⁴ гуруҳли интервью катнашчилари фикрига кўра, “эркакларга хос” роллар қаторига саноат, техника, қурилиш, ҳарбий, қишлоқ хўжалиги бошқа соҳаларидаги мутахассисликларнинг кенг мажмуи қиради. Аёлларга бу борада анъанавий равишда таълим соҳасидаги (ўқитувчи, тарбиячи), тиббиётдаги (врач, хамшира, доя),

¹¹ Материалы фокус-групп. Ўша ерда.

¹² Алимджанова Д., Ким Л., Ганеева Э. Гендерные вопросы и стереотипы в учебниках общеобразовательных школ Узбекистана. Проект «Совершенствование издания учебников и учебной литературы для общеобразовательных школ Узбекистана» Азиатского Банка Развития и Британского Совета, Т., 2002.

¹³ Мишель А. Долой стереотипы! Преодолеть сексизм в школьных учебниках; Париж; ЮНЕСКО, 1991, с.115.

¹⁴ Ким Л. Исследовательский проект “Влияние социальных факторов на понимание гендерных ролей”. Будапешт, Ташкент, 2002.

хизмат кўрсатиш соҳасида (сотувчи, фаррош, официант) касблар мос деб ҳисобланади. Эркакларнинг илм соҳасидаги бандлиги аниқ, ижтимоий фанлар, аёлларнинг эса иштироки – аксарият ҳолларда гуманитар фанлар билан боғлиқ.

Эркакларга ва аёлларга хос деб тақсимлашнинг ушбу “горизонтал” бўлиниши билан бирга вертикал бўлиниши ҳам мавжуд, яъни, раҳбар лавозимларни кўпинча эркаклар эгаллайди, аёлларнинг ўрни эса ижрочи характерга эга.

Гендер стереотипларининг келтирилган таснифи узил-кесил эмас, ва у етарли даражада шартли тусга эга бўлганлиги боис таҳлилни оддийлаштириш учун қабул қилинган. Гендер стереотипларнинг қайд этилган гуруҳлари орасида феминлик/маскулинлик стереотиплари бир мунча умумий ва универсал ҳисобланади. Иккинчи ва учинчи гуруҳдаги андозалар кўпроқ шахсий характерга эга ҳамда аксарият ҳолларда, оилавий ва профессионал соҳаларни қамраб олади. Бунда гендер стереотипларининг баён этилган учта гуруҳи бир-бири билан ўзаро қалин боғланган. Эҳтимол, гендер стереотипларини таснифлаш учун турли хил асослардан фойдаланган ҳолда уларнинг бошқа турларини ҳам ажратиб кўрсатиш мумкиндир.

Гендер стереотипларининг вазифалари. Ҳар қандай андозалар маълум вазифаларни бажаради. Гендер стереотипларнинг вазифаларида батафсил тўхталамиз. Демак, гендер стереотиплари куйидаги асосий функцияларни амалга оширади:

- тушунтириш функцияси,
- тартибга солиш функцияси,
- фарқловчи функцияси,
- ретрансляция функцияси,
- ҳимояловчи ёки ўзини оқловчи функцияси.

Тушунтириш функцияси - санаб ўтилганлар орасида энг оддийси, эркаклар ва аёлларнинг сифатлари тўғрисидаги кенг тарқалган гендер стереотиплари ёрдамида эркаклар ёки аёлларнинг хулқ-атворини намоён этиш учун қўлланилади.

Регулятив функцияси турли жинсларга мансуб кишиларнинг хулқ-атворида кузатиладиган фарқлар билан боғлиқ. Масалан, хорижий тадқиқотчилар тажриба ўтказиб, шуни аниқлаганларки, турли жинсга мансуб кишилар йўлда кизил чироқни кесиб ўтаётганларида ўзларини ҳар хил тутишар экан. Мисол учун, аёллар йўлда бир ўзлари кетаётганда, йўл қоидаларини камроқ бузганлар, лекин улар кўпинча буни бошқа қоидабузарлар кетидан қилганлар. Аёлларнинг бундай ҳаракатлари одатда аёллар “тартибли йўловчи” ҳисобланишлари, ва шунинг учун йўл ҳаракати қоидаларини камроқ бузишлари билан изоҳланган. Лекин “конформлироқ”, яъни, гуруҳ томонидан кўрсатиладиган тазйикка мойил бўлганликлари туфайли улар бошқаларнинг кетидан қоидаларни бузишлари мумкин.

Шундай қилиб, стереотиплар нуктаи назаридан уларга хос деб ҳисобланган хусусиятлар (ушбу вазиятда тартиблилик ва конформлик) хулқ-атворнинг ўзига хос регулятори вазифасини бажаради¹⁵.

Фарқловчи функция барча ижтимоий стереотипларнинг умумий вазифаси ҳисобланади. Унинг ёрдамида бир гуруҳ аъзолари ўртасидаги фарқликлар камайтирилади ва турли гуруҳларнинг аъзолари ўртасидаги фарқликлар максимал даражада ошади. Агар эркаклар ва аёллар турли мавқега эга икки ижтимоий гуруҳ сифатида кўриб чиқилса, унда эркаклар одатда юқори мавқега эга, аёллар эса – паст мавқега эга гуруҳлар сифатида таърифланади. Табиийки, бу борада икки гуруҳ ўртасидаги фарқликлар ортади. Жумладан, юқори мавқега эга эркаклар билан кўпинча тадбиркорликдаги муваффақият ва билимдонлик фазилатлари, паст мавқега эга аёллар билан эса – меҳрибонлик, ҳамдардлик, инсонийлик каби фазилатлар боғланади. Лекин, айрим ғарблик муаллифларнинг фикрича, “аёлларга хос стереотипларнинг барча ижобий жиҳатлари (бағрикенглик, рухий қўллаб-қувватлаш, кўнгилчанлик ва ҳоказо) – “куч нуктаи назарида” эришилмаган ютуқларнинг ўрнини босишдир, холос”¹⁶. Шундай қилиб, эркаклар ва аёлларни фарқлаш кўпинча уларга хос деб ҳисобланган хусусиятларни кескин фарқланишига олиб келади (масалан, эркакларнинг кучлилиги – аёлларнинг заифлиги).

Кундалик ҳаётимизда гендер стереотипларнинг фарқловчи функцияси халқ ижодиётининг жинслар ўртасидаги у ёки бу фарқларни муҳолафа билан таъкидлаб ўтувчи эркаклар ва аёллар тўғрисидаги ҳангомалар, ҳазил гаплар каби “намуналарида” ўз аксини топади. Уларда қарама-қарши жинс вакилларидаги салбий жиҳатларни бўрттиришга аҳамият берилади, ва, шу тариқа, бир жинсга мансуб гуруҳларнинг ички бирдамлигини вужудга келтиради.

Ретрансляция функция ижтимоийлашув институтлари ва агентликлари – оила, мактаб, тенгдошлар, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари ва бошқаларнинг жинсий-ролли стереотипларни шакллантириш, намойиш этиш (кўрсатиш), тарқатиш ва мустаҳкамлашдаги ролини акс этади. Қайд этилган ижтимоий институтлар орқали жамият шахсга нисбатан ўз жинсига оид меъёрий тасаввурларга мос бўлиш учун қандай қилиш ва нималарни қилиш борасида муайян вазифаларни юклайди. Мана шундай йўл-йўриқлар-вазифалар ёрдамида аслида инсоннинг «жинсини шакллантириш» амалга оширилади. Ижтимоийлашув агентларининг гендер стереотипларининг трансляциясидаги аҳамияти «Гендернинг маориф соҳасидаги жиҳатлари», “Гендер ва оила” мавзуларида батафсил кўриб чиқилган.

¹⁵ Агеев В.С. Психологические и социальные функции полоролевых стереотипов. В кн. Психология семьи. Хрестоматия. Под ред. Д.Я. Райгородского, Издат. Дом «Бахрах-М», Самара, 2002. с. 291

¹⁶ Ўша асарда.

Химояловчи ёки ўзини оқловчи функция, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, гендер стереотипларнинг “ҳар бир нарсанинг мавжуд ҳолатини, шу жумладан, жинслар ўртасидаги амалдаги тенгсизликни оқлаш ва химоя қилиш”¹⁷ борасидаги уриниш билан боғлиқ энг салбий функцияларидан бири ҳисобланади. Унинг ёрдамида эркаклар ва аёлларнинг оила ва жамиятдаги тенгсизлик ҳолатини изоҳлаш мумкин¹⁸.

Мана, масалан, Э.Аронсоннинг фикрича, аёлларни “уйда меҳнат қилишга биологик нуқтаи назардан кўпроқ мойиллиги бор, ва эркакларнинг ўрни устун бўлган жамият аёлларни келгусида ҳам чангютгичга боғлаб қўйишини истайди”¹⁹ деган тушунчага риоя этиш ниҳоятда қулай. Шундай қилиб, эркаклар ва аёлларнинг гўё «табиий хусусиятлари» тўғрисидаги ўрнашиб қолган стереотиплар ёрдамида уйдаги зўравонлик, турли жинслар вакиллариغا нисбатан икки хил стандартларнинг кўринишларини изоҳлаш (аслида эса оқлаш) мумкин.

Демак, гендер стереотиплари жинслар ўртасидаги у ёки бу фарқларни изоҳлаш, мазкур фарқларни репрезентация қилиш, шунингдек, уларнинг мавжудлигини оқлаш зарурияти билан боғлиқ бир қатор функцияларни бажаради. Гендер стереотиплар умумлаштиришнинг оқибати бўлиб, эркаклар ва аёлларнинг хулқ-атвориغا нисбатан биз кутаётган хатти-ҳаракатларни шакллантиради.

Гендер стереотипларни ўрганишдаги асосий йўналишлар.

Хорижда гендер стереотипларни ўрганишга кўплаб тадқиқотлар бағишланган. Даставвал улар *стереотипизация* тушунчасининг ўзини, стереотипларнинг намоён бўлиш шаклларини ўрганишга йўналтирилган. Кейинчалик мазкур тадқиқотларда фаолият кўрсатиш ва тушунтирувчи чизмаларнинг мазкур жараён юзага келадиган механизмларини излашга чуқур киришилди.

1950-йилларда олиб борилган бу соҳадаги илк тадқиқотлар эркак ва аёлларнинг бир-бирлари тўғрисидаги одатдаги тасаввурларини аниқлади. Жумладан, ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, ижобий эркак кифёси кўпинча компетентлик, фаоллик ва омилкорлик, аёлларда эса – дилкашлик, меҳрибонлик ва руҳий қўллаб-қувватлаш коннотацияларида ифодаланади. Бунда эркакларга хос салбий хусусиятлар қаторида кўполлик, авторитарлик, аёлларда эса – пассивлик, хиссиётларга ўта берилувчанлик ва хоказо²⁰.

¹⁷ Ўша асарда, 286-бет.

¹⁸ Ўша асарда, 286-бет.

¹⁹ Аронсон Э. Общественное животное. Введение в социальную психологию/пер. с англ. – М.: Аспект Пресс, 1999. с. 309.

²⁰ Агеев В.С. Психологические и социальные функции полоролевых стереотипов. // Вопросы психологии. 1987. №2.

1970-йиллардаги кейинги тадқиқотлар профессионал фаолиятнинг турли жабҳаларида намоён бўлувчи эркаклар ва аёллар қобилиятлари нуктаи назаридан стереотипларни ўрганишга қаратилган эди. Ўтказилган тажрибаларда иштирокчилар эркакларнинг қобилиятларини аёлларникига қараганда юқорироқ баҳолагани аниқланган. Ўшанда аниқланган стереотипларни атрибуция назариясига мос равишда тушунтиришга ҳаракат қилинган.

Атрибуция назарияси – бу инсонлар бошқаларнинг хулқ-атворини қандай изохлаши, улар ҳаракатлар сабабини инсоннинг ички диспозициялари (барқарор жиҳатларга, сабабларга, қарорларига) ёки ташқи ҳодисаларга боғлайдиларми ёки йўқми эканлиги тўғрисидаги назариядир²¹. Мазкур назарияга кўра, маълум бир фаолиятни амалга оширишдаги ютуқ ёки муваффақиятсизлик одатда икки турдаги омилга боғланади: барқарор (кутилган) ёки барқарор бўлмаган (тасодифий) омиллар. Кэй До ва Тим Эмсвейлер²² томонидан ўтказилган тажрибаларнинг бирида икки жинс вакиллари бўлган талабалар яхши натижаларга эришган эркак ёки аёлларни ифодалашган. Талаба йигит ва қизлар эркак муваффақиятининг сабабларини тушунтириб, унинг ютуқларини шахсий қобилиятларига, аёллар ютуқларини эса бутун гуруҳ омадга боғлаган. Шундай қилиб, эркакларнинг профессионал ютуқлари бир мунча барқарор омиллар (масалан, уларнинг фазилатлари ёки қобилиятлари) билан боғланган, чунки эркакларнинг чуқур билимга эгалиги “эркакларга хос” ютуқларга интилиш хусусиятига мос бўлган кутилган омил сифатида қабул қилинади. Бу борада аёлларнинг муваффақиятлари барқарор омиллардан кўра кўпроқ тасодифий омил (масалан, омад ёки тасодифанлик) билан изоҳланган.

Ширли Фелдман-Саммерс и Сара Кислер²³ тадқиқотларида муваффақиятга эришаётган аёл-врачни сўров қилинган эркаклар уни етарли даражада билимга эга эмаслигини, лекин шу билан бирга ютуққа эришиш учун унда катта қизиқиш борлигини таъкидлаганлар. Яъни, тажриба иштирокчиларининг фикрича, аёл-врач ютуққа ўзининг шахсий қобилиятлари туфайли эмас, балки шуни жуда хоҳлаганлиги учун эришган.

Гендер стереотиплар таъсирининг салбий оқибатлари Кэй До и Джанет Тэйно²⁴ тадқиқотларида ҳам акс эттирилган. Улар томонидан ўтказилган тажрибада сўров қилинганлар нуфузли стипендияни олиш учун йигит ва қиз талабаларнинг магнитофон тасмасига ёзилган

²¹ Майерс Д. Социальная психология / перев. с англ. – СПб.: Питер Ком, 1998. с.102.

²² Аронсон Э. Общественное животное. Введение в социальную психологию. С.313.

²³ Feldman-Summers, S., & Kiesler, S.B. (1974). Those who are number two try harder: The effect of sex on attributions of causality. *Journal of Personality and Social Psychology*, 30, 80-85.

²⁴ Deux, K. & Taynor, J. (1973). Evaluation of male and female ability: Bias works two ways. *Psychological Reports*, 32, 261-262

суҳбатини эшитишган. Бунда муваффақиятли жавоб бераётган эркакни сўров қилинганлар худди шундай жавоб берган аёлга нисбатан кўпроқ билимга эга деб ҳисоблаганлар. Лекин бўшроқ жавоб берган эркакни, айнан ўша гуруҳ номзод-аёлнинг худди шундай жавоблари билан таққослаганда пастрок баҳолаган.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар гендер стереотипларининг инсонлар қобилиятларини баҳолашга бўлган таъсирини кўрсатган. Айни пайтда аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам қобилиятларини баҳолашга улар салбий таъсир кўрсатади. Икки жинс вакилларининг бир хил муваффақиятлари эркакларнинг билимга эга эканлиги, аёлларнинг ютуғи эса унинг қобилиятлари билан эмас, балки унинг бунга бўлган катта қизиқиши ёки шунчаки омад келгани билан эътироф этилади. Агар бу борада аёл ютуққа эриша олмаган эркакка нисбатан муваффақият қозонмаса, унга катта айб қўйишмайди. Гендер стереотипларнинг шафқатсизлиги эркакларга муваффақиятлироқ бўлишни талаб қилади, аёллар учун эса иш доирасидаги ютуқ мутлако шарт эмас.

Кейинги бир қатор тадқиқотлар гендер стереотипларнинг аниқлигини ўрганишга бағишланган эди. Унга кўра кўйидаги асосий савол қўйилган – бу гендер стереотиплари қай даражада тўғри ва улар воқеликни холисона акс эттирадилми?

1980-1990 йилларда қатор олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар эркак қиёфасига аксарият ҳолларда инструментал хусусиятлар, аёлларга эса экспрессив жиҳатлар мос деб аниқланган фактни тасдиқлади²⁵. Шунинг учун аёллар меҳрибонлиги ва очиқлиги билан етарли даражада ижобий таърифланса-да, улар ақл-заковат жиҳатидан камроқ билимга эга ва пассивроқ деб тасвирланади. Айрим тадқиқотчиларнинг шу каби хулосалар хотин-қизларнинг масалан, меҳнат соҳасида камситилишига олиб келиши хусусидаги хавотирликлари, гендер стереотиплари аниқлиги борасидаги туркум тадқиқотларнинг юзага келишини рағбатлантирди.

Бу борада тадқиқотчиларни энг кўп қизиқтирувчи саволлар қуйидагича: Стереотиплар воқеликни аниқ акс эттирадилми? Камчиликда аниқланган фарқларни улар кўпчиликка хос деб таъкидламаяптиларми ва бунинг натижасида воқеликни бузмаяптиларми? Тадқиқотчиларнинг стереотипларни воқеликни акс эттирувчи, яъни, тўғри деб эълон қилишдан чўчишлари, нафақат жинси, балки танасининг ранги, миллати ва ҳоказолари бўйича ҳам турли хил хурофотлар ва камситишлар учун имконият яратиб бериши мумкинлиги билан боғлиқ эди.

²⁵ Best, D.L., & Williams, J.E. (1993). A cross-cultural viewpoint. In A.E. Beall & R.J. Sternberg (Eds.), *The psychology of gender*, New York: Guilford.

Бу борада олиб борилган тадқиқотлар аксарият ҳолларда гендер стереотипларнинг ноаниқлигини белгилаб берди. Айни пайтда айрим маълумотлар гендер стереотипларда эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқлар юқори баҳоланиши, бошқалирида эса – аксинча паст баҳоланишини тасдиқлаган. Сильвия Брейер университетда академик фанларнинг “эркакларга хос” ва “аёлларга хос” деб аталувчи стереотипларини ўрганишда аниқлик кўрсаткичлари сифатида талабаларнинг у ёки бу фан бўйича ҳақиқий баҳоларидан, яъни уларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларидан фойдаланган. Унинг тадқиқотларининг натижалари шуни кўрсатганки, талаба қизларнинг ютуқларига аксарият ҳолларда, айниқса, анъанавий эркакларга хос деб ҳисобланган фанлардаги (масалан, математикадаги) ютуқларига, қизлар ушбу фанлар бўйича ҳақиқатан ҳам юқори кўрсаткичларга эришган бўлишларига қарамасдан, етарлича баҳо берилмас экан²⁶.

Европа, Осиё, Африка, Американинг 25 мамлакатида ўтказилган гендер стереотиплар кросс-маданий тадқиқотларининг (1982) маълумотларига кўра, эркак стереотипи мана шу барча мамлакатлардаги аёлларга нисбатан фаолроқ деб баён этилган²⁷. Бироқ кейинроқ ўтказилган такрорий тадқиқотда (1990) ана шу муаллифларнинг ўзлари йигит ва қизларнинг ўзлари тўғрисидаги тасаввурлари ҳамма вақт ҳам кўрсатилган стереотипларга мос келмаганлигини, ва хатто мос келганда ҳам, бундай мосликнинг ҳажми жуда кичкина бўлганлигини аниқладилар²⁸.

1990 йиллардан бошлаб оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, қонунчиликни, мактаб ва болалар адабиётларини гендер экспертизадан ўтказишда гендер стереотипларини ўрганиш тадқиқотчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бундай тадқиқотлар “Гендер педагогикасининг амалий жиҳатлари” мавзусида баён этилмоқда.

Гендер стереотипларни ўрганишда юқорида қайд этилган йўналишлар мазкур соҳада олиб борилган барча-барча тадқиқотларни камраб олмайди. Улар фақат ўрганилаётган соҳанинг мураккаблиги ва кўп қирралилиги тўғрисида тасаввур беради холос. Тақдим этилган тадқиқотлар эркаклар ва аёллар ҳақидаги умумлаштирилган фикрларни ўрганиб, гендер стереотипларнинг у ёки бу жиҳатларига, уларнинг функцияларига, намён бўлиш хусусиятларига, воқеликка мос келиши ёки келмаслигига ва бошқаларга, ҳамда кам ҳолларда уларнинг пайдо бўлиши ва барқарор мавжудлиги сабабларини тушунтиришга эътиборни қаратади. Гендер ижтимоийлашуви жараёнида гендер стереотипларни ўзлаштириш мана шундай тушунтиришлардан биридир.

²⁶ Beyer, S. The accuracy of academic gender stereotypes. // Sex Roles: A Journal of Research. Issue: May, 1999.

²⁷ Willyams J.E. Pancultural gender stereotypes revisited: the Five Factor Model. // Sex Roles: A Journal of Research, Issue: April, 1999.

²⁸ Там же

Ижтимоийлашув жараёнида гендер стереотипларининг ўзлаштирилиши (оиладаги ижтимоийлашув мисолида). Социологлар ва психологлар инсонни бутун ҳаётий йўли давомида ижтимоий ахлоқ нормаларига ва моделларига ўргатишда “ижтимоийлашув” атамасидан фойдаланадилар. Бунда одатда ижтимоийлашувнинг учта босқичини ажратиб кўрсатадилар: дастлабки ёки бошланғич – оилада боланинг ижтимоийлашуви; ўртача ёки иккиламчи – мактабдаги ижтимоийлашув; ва учинчиси ёки якунловчиси – катта ёшли инсоннинг ижтимоийлашуви (касбга, оилада доир ролларни қабул қилиш). *Қайта ижтимоийлашув* тушунчаси ҳам мавжуд. Э.Гидденснинг таърифлашича, бу илгари ўзлаштирилган ахлоқ нормалари ва намуналари бузилиши натижасида ундан кейин бошқача нормаларни ўзлаштириш ёки ишлаб чиқиш жараёни юз берадиган жараёндир²⁹. Одатда қайта ижтимоийлашув танг вазиятга тушиб қолиш билан юз беради, бироқ унинг трансформация жараёнлари даврида юз бериши эҳтимоли анча кўпдир. Ижтимоийлашув жараёнига дуч келган гуруҳлар ёки ижтимоий контекстлар (соҳалар) ижтимоийлашув агентлари ёки муассасалари сифатида чиқадиладар. Ижтимоийлашувнинг асосий агенти ва институти, айниқса унинг илк босқичида, бу оиладир. Бир мунча кейинги босқичларида мактаб, тенгдошларнинг гуруҳлари, “аҳамиятга эга бошқалар”, олий мактаб, оммавий ахборот воситалари, “ишхона” ва бошқалар ўзгача таъсир агентлари пайдо бўлади.

Гендер ижтимоийлашув – бу жинсий мансублигига боғлиқ равишда ахлоқ намуналари ўзлаштириладиган, яъни эркаклар ва аёллар учун нималар ижтимоий мақбул нарсалар эканлигига ўргатиш жараёнидир. Гендер ижтимоийлашув *гендер ўхшашлик ва гендер роли* тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ижтимоийлашув жараёнини амалда йўналтириб турадиган гендер стереотиплар ижтимоийлашув жараёнига катта таъсир ўтказилади. Игли (Eagly, 1987) гендер стереотиплар аслида ижтимоий нормалар³⁰ эканини, ушбу нормаларга амал қилган инсон гендер ролига “эга бўлишини” тахмин қилди.

Гендер стереотиплар ретрансляция функциялари туфайли авлоддан авлодга ўтиб келаверади. Улар болаликдан ўзлаштириб келинади ва гендер стереотипларнинг ўтказгичлари сифатида ижтимоийлаштирув муассасалари ва таъсир кўрсатиш агентлари (оила, тенгдошлар, мактаб, ОАВ ва бошқалар) ҳисобланади.

²⁹ Здравомыслова Е., Темкина А. Социальная конструкция гендера и гендерная система России // Гендерное измерение социальной и политической активности в переходный период. СПб., 1996, 7-бетдан келтирилган.

³⁰ Eagly, A.H. Sex differences in social behavior: A social-role interpretation. Hillsdale, NJ: Erlbaum, 1987.

Гендер стереотипларни ўтказишда дастлабки ижтимоийлаштирув муассасаси сифатида **ота-оналар ва оила таъсирини** кўриб чиқамиз (Мақтаб ва ОАВнинг таъсири Гендер ва таълим бобида батафсил ёритилган).

Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, деярли барча маданиятларда ўғил ва қиз болаларни ижтимоийлаштирув жараёни турлича кечади. Ривожланиш психологиясида бу жараён фарқланувчи ижтимоийлашув деб ном олган. У ҳали фарзанд туғилишидан олдин бошланади. Нима учун ота-оналар ва яқин қариндошлар боланинг жинсини олдиндан билмоқчи бўлишади? Чунки шунга қараб улар болага исм танлашади, чақалоқ учун керакли кийимларни танлашади. Боланинг жинсига қараб ота-оналар унга ўйинчоқлар сотиб олишади: қиз болага - кўғирчоқлар, идиш-товоқлар; ўғил болага эса – машиналар, конструктор харид қилишади. Америкалик олимларнинг болаларга ўйинчоқ танлаш борасидаги фарқликлар тўғрисидаги тадқиқотларига кўра, ўғил болаларда ҳаракат активлигини ва ақлни ривожлантирадиган ўйинчоқлар кўпроқ бўлиб, қиз болаларда эса бошқа одамлар билан мулоқотда бўлиб ва вербал фаоллик кўрсатишга қаратилган ўйинчоқлар олиб берилар экан³¹. Белоруссиялик психологларнинг³² тадқиқотларига кўра, оталар оналарга қараганда болаларни жинси бўйича фарқлашга мойилдирлар. Оталар ўғиллари билан мулоқотда бўлганда, кўпроқ фаол ҳаракатли ўйинларни олиб борадилар, қизларига эса кўпроқ руҳий кўмак берадилар. Оналарда бу ҳолат камроқ ифодаланган, лекин улар қизларига қараганда ўғилларининг урушқоқ хулқ-атвориға тоқатлироқ бўладилар. Ота-оналар гендер марказланган ўйинчоқлар ва кийим-кечакларни танлашидан ва жинсга қараб фарқлаган ҳолда тарбия беришидан, ўзларининг гендер тўғрисидаги билимларидан ҳамда уларнинг онгида ўрнашиб қолган гендер стереотиплар келиб чиқиб ўз фарзандларини муайян хулқ-атвор намуналарига ўргатишларидан бошланадиган жинслар ўртасидаги фарқ манбалари шундан келиб чиқмайди.

Биз ўтказган тадқиқотда сўров қилинганларнинг аксарият иштирокчилари ўғил ва қиз болани тарбиялашда фарқ борми, деган саволга, тасдиқловчи жавоб қайтардилар³³. Бу борада улар томонидан ўғил ва қиз болаларни *оилавий ҳаётга тайёрлашда* ва *хулқ-атвор намуналарини сингдириш* борасида ота-оналарнинг турлича ёндашуви таъкидланган. Ота-оналарнинг фарзандлари борасида кутаётган натижалари хусусида гап борганда, Фарғона университети талабалари

³¹ Rheingold, H.L., and Cook, K.V. (1975). The content of boys' and girls' rooms as an index of parents' behavior. *Child Development*, 46, 459-463.

³² Коломинский Я.Л., Мелтас М.Х. Полоролевое развитие ребенка в дошкольном возрасте // Генетические проблемы социальной психологии. Минск, 1985.

³³ Ким Л. Исследовательский проект «Влияние социальных факторов на понимание гендерных ролей». Будапешт, Ташкент, 2002.

“ота-оналар одатда кизларидан оқила бўлишларини”, “ўғилларидан эса – келажакда суянчиқ бўлишларини кутишларини таъкидлаганлар³⁴. Аксарият ўзбекона оилаларда ўғил фарзанд кўришни орзу қиладилар, чунки у оила давомчиси, келажакда ота-онасига моддий ёрдам ва кўмак кўрсатади. Мана шундай истак мана шундай оилаларда айнан ўғил болага яхши маълумот берилишига, қизларнинг эса ўқиши шарт эмас, деб ҳисобланишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, ота-оналар ўз фарзандларига тарбия беришда тайёр схемалардан – гендер стереотиплардан фойдаланадилар, - натижада уларнинг таъсирида ўғил ва киз болаларда ёшлигидан эркакларга ва аёлларга хос хусусиятлар тўғрисидаги тегишли меъёрий тасаввурлар шаклланади. И. Клецинанинг фикрича, бу “ўғил болаларда – фаоллик, қатъиятлик, фаросатлилик, ўзига ишонганлик, киз болаларда эса – ён босишлик, пассивлик, қарамликдир”³⁵. Олиб борган тадқиқотларимизга кўра, киз болаларга одатда тарбияли бўлиш, озодалик, камтаринлик, назокатлилик, уй-рўзгор ишларини бажариш каби хусусиятларни сингдирадилар. Ўғил болаларда эса дадиллик, ақл-заковат, масъулиятлилик, мардлик, собитқадамлик, ўзини ҳимоя қила билиш ва пул топиш каби фазилатлар рағбатлантирилади³⁶. Кўриниб турганидек, эркакларга ва аёлларга сингдириладиган хусусиятлар тўплами маскулинлик ва феминлик тўғрисидаги анъанавий тасаввурларга (стереотипларга) тўлиқ мос келади. Улар, аслида, ўғил бола (эркак) ёки киз бола (аёл) қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги стандарт фикр-мулоҳазаларни акс эттиради. Бу ўринда хулқ-атворларнинг турли шакллари мавжудлиги ва уларнинг мавжуд бўлишга бўлган ҳуқуқи кам ҳолларда ҳисобга олинади.

Гендер стереотиплар маълумотга ишлов бериш жараёнини бошқарувчи схемалар сифатида. Америкалик психолог Сандра Бемнинг фикрича, гендер стереотиплар когнитив (ёки ўрганувчи) категориялар бўлиб, *гендер чизмалари* деб аталади. Улар ёрдамида одамлар гендер ҳақидаги ўз тасаввурларига мос равишда келаятган маълумотларни қабул қиладилар, эслаб қоладилар, ҳаётда қўллайдилар. Жумладан, машҳур ғарб тадқиқотида сўров иштирокчиларига 9 ойлик бола ҳақида филм кўрсатишган, унда бола қутидан қутилмаганда ўйинчоқ сакраб чиқса, бакиришни бошлаган (Condry & Condry, 1976). Иштирокчиларга филмдаги гўдак ўғил болалиги тўғрисида айтилганда, улар уни жаҳли чиққан, деб ҳисоблашган, бошқа сўров қилинганларга эса – у киз бола эканлиги маълум қилинганда, улар уни кўркиб кетганлиги ҳақида

³⁴ Ўша ерда.

³⁵ Клецина И.С. Гендерная социализация. Учебное пособие. С.-Петербург, изд-во РГПУ им. А.И. Герцена, 1998. с. 23.

³⁶ Ким Л. Исследовательский проект «Влияние социальных факторов на понимание гендерных ролей». Будапешт, Ташкент, 2002.

айтишган. Яъни, катталар боланинг жинсига қараб унинг ўзини тутишини, хулқ-атворини баҳолашган ва белгилашган. Шундай қилиб, гендер билимнинг муҳим категорияси бўлиб, кутилаётган натижаларни бошқаради, ва мазкур кутилган натижалар боланинг жинсига, қолаверса, гендер стереотипларга қаттиқ боғлиқдир. “Бола ўғил болалигига ишониш муайян кутилаётган натижаларга одамни йўналтиради, киз болалигига ишонч эса – умуман бошқа фикрларни туғдиради”³⁷.

Мавжуд гендер чизмаларга мос равишдаги маълумот уни ўзлаштириш учун кўп вақт талаб этилмаганлиги сабабли тезроқ қабул қилиниши ва хотирада сақланиб қолиши нима учун гендер фарқликлар бўрттириб кўрсатилишига бир изоҳ сифатида хизмат қилади. Тадқиқот натижалари гендер стереотипларга мос бўлган маълумотлар яхшироқ эслаб қолинишини тасдиқлайди.

Гендер чизмалари қай даражада мустаҳкам ва бунда гендер стереотиплари ўзгарадими? Буни мавжуд чизмаларга зид бўлган маълумотларни инсонлар томонидан қабул қилиш хусусиятларини ўрганиб туриб текшириш мумкин. Маълум бўлишича, бу ҳолатда “барқарорлик эффекти” (perseverance effect) юзага келади. Унга кўра, маълумотнинг зид чизмасини эслаб қолиш, бу ҳали стереотипларни ўзгартиради, дегани эмас. Ш.Берннинг таъкидлашича, “чизмаларнинг хусусияти шундаки, улар ўз мустаҳкамлигини уни рад этувчи далилларга дуч келганда ҳам сақлаб қолади”³⁸. Бу вазиятда умумий стереотипни айрим вариантлар билан сақлаб қолишга имкон берувчи янги кичик турларини яратиш стратегияси мавжуд. Масалан, аёллар - уй бекалар, тадбиркор аёллар сифатида таснифланиши мумкин, эркеклар эса турли типларга тааллуқли, яъни тадбиркорлар, оилапарварлар, омадсизлар ва ҳоказо. Шаклланган стереотипларни сақлаб қолиш учун бу жуда қулай стратегия, лекин шу билан бирга улар универсал эмаслигини ҳисобга олиш имкониятини беради.

“Иллюзор корреляция” (illusory correlation) гендер фарқликларга қайта баҳо беришни кучайтирадиган яна бир механизмдир. Иллюзор корреляция – бу ўзаро боғлиқлик умуман йўқ жойида уни ўрнатишга уринишдир. Гендер ҳолатида эса мавжуд бўлмаган алоқа жанс билан шахсий хусусиятлар, хулқ-атвор моделлари ўртасида ўрнатилади. Бундай ҳолатларда иллюзор корреляция пайдо бўлади, яъни, икки омил (гендер ва хулқ-атвор) нотўғри бирлаштирилган бўлиши мумкин. Натижада “барча эркеклар – хиёнаткор” ёки “ҳамма аёллар – гапчи” деган фикрлар туғилади.

Шундай қилиб, гендер стереотиплар қабул қилиш жараёнини бошқариб, мазкур стереотипларни тасдиқловчи маълумотларни эслаб

³⁷ Condry, J.C., & Ross, D.F. (1985). Sex and aggression: The influence of gender label on the perception of aggression in children. // Child Development, p.232.

³⁸ Берн Ш. Гендерная психология. СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2001, с. 212.

қолишга таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, чекланган манбалар асосида умумий фикрга келиб, биз инсон гендери билан унинг хулқ-атвори ўртасидаги боғлиқлик ҳақида нотўғри хулосаларга келишимиз мумкин. Баён этилган механизмлар яна нима учун инсонлар гендер фарқликларга, хатто фарқлик унча сезиларли бўлмаса ҳам ёки умуман йўқ бўлса ҳам, катта аҳамият беришга мойилликларини ҳам англатади.

Гендер стереотиплар таъсирининг салбий оқибатлари. Жинспараст стереотиплар. Шундай қилиб, стереотиплар – бу гуруҳлар, инсонлар, ходисалар тўғрисидаги айрим тасаввурлардир, бундай тасаввурлар ҳақиқатга яқин бўлиши, айрим ҳолларда нотўғри ёки ҳаддан ташқари умумлаштирилган бўлиши мумкин. Бир томондан, улар дунё манзарасини соддалаштиради ва олинаётган маълумотларни тез ишлашга кўмаклашади, бошқа томондан, улар ҳақиқатни бузиб кўрсатиши ва хатоли умумлашмаларга олиб келиши мумкин.

Гендер стереотипларни нотанқидий ўзлаштириш ва намоён этишнинг оқибатлари нималардан иборат? Гендер стереотипларнинг салбий таъсирини биз оилада кузатишимиз мумкин, яъни, гендер ролларга нисбатан қўлланиладиган катъий ижтимоий талаблар аёлларга фақат оила, фарзандлар тарбияси ва уй-рўзгор юмушларини бажариш каби вазифаларни юклайди, ва унинг профессионал салоҳиятини намоён этишига йўл қўймайди. Гендер стереотипларнинг таъсири мактабда ва бошқа ўқув юртларида ўқиш жараёнида ҳам изсиз йўқолиб кетмайди. Бу ҳолатда салбий оқибатлар ҳар бир индивидда мавжуд бўлган ички салоҳиятни ривожлантириш йўлида тўсиқ бўлиб қолади. У ёки бу хусусиятларни фаоллаштириш ва ривожлантиришда ички сабаблилик эмас, балки маълум бир жинсга тааллуқлилиқ ҳал қилувчи бўлади. Гендер стереотипларнинг макро даражада намоён бўлиши иқтисодий ва бандлик соҳасида ҳамда ижтимоий тўқинликларни тақсимлашда гендер тенгсизликда ўз ифодасини топади.

Жамият ҳаётининг турли жабҳаларида гендер стереотиплар салбий таъсирининг энг катта ҳавфи улар асосида *гендер хурофотлар* ва *сексизмнинг* юзага келиш эҳтимолидан иборат. Гуруҳ ёки инсонга нисбатан уларнинг жинсий мансублигига қараб, асосси равишда салбий муносабатда бўлиш сингари гендер хурофотлар қарор топган гендер стереотипларга мувофиқ *ҳаракат қилишга тайёрлик* элементини ўз ичига олади. Шундай қилиб, агар стереотип “фикр” бўлса, у ҳолда хурофот – бу ҳаракат сари қадамдир.

Ҳар қандай фикр-мулоҳазалар, намуналар, қарашлар, агар улар бир жинс томонидан иккинчи жинс ҳуқуқларининг камситилишига қаратилган бўлса, демак улар сексистчадир. Агар иш берувчилар ишга фақат эркакларни қабул қилаётган бўлса, демак, бу номзод аёлларга нисбатан сексизмдир. Ва, аксинча. “Фақат оналар болага ғамхўрлик қила олади ва уни тегишлича парваришлашни таъминлайди” деган хулоса эркак-оталарга

нисбатан сексистик муносабат ҳисобланади. Агар гендер стереотипларда эркаклар билан аёллар ўртасидаги фарқлар ҳақида фикр-мулоҳазалар, карашлар, баҳолашлар ифодаланган бўлса, у ҳолда сексистик стереотиплар муайян бир жинсга нисбатан *камситиш муносабатини* ўз ичига олади, ва кўп ҳолларда бундай муносабат амалиётда ўз ифодасини топади. Шундай қилиб, сексизм жинс омили асосида амалга оширилаётган камситишнинг амалиётдаги шакли ҳисобланади.

Замонавий жамиятда гендер хурофотлар қай даражада кучли? Умуман олганда, демократия ғояларини, феминистик ва аёллар ҳаракатини оммалаштириш, шунингдек, академик муҳитдаги гендер тадқиқотларини кучайтириш, бирлашган саъй-ҳаракатлар туфайли гендерга нисбатан энг кескин нотўғри карашларни юмшатишга ўз таъсирини ўтказди. Бирок, юз бераётган ўзгаришларга қарамай, анъанавий гендер стереотиплари ўз мавжудлигини ва ўзининг қатъий таъсирини ўтказишни давом эттириб келмоқда. Эски стереотипларни ўзгартиришдаги қийинчилик, А.В. Меренковнинг фикрича, “стереотипларни сақлаб қолиш қонуни” билан боғлиқдир, ана шу қонун амал қилганида анъанавий гендер стереотиплари “маънавий ҳаётнинг анъаналар, урф-одатлар, маориф тизими, тарбия сингари жиҳатлари орқали хатто стереотипларни вужудга келтирган инсон турмуш фаолиятининг моддий шароитлари, жиддий равишда ўзгарганда ҳам, қайта юзага келади”³⁹.

Санаб ўтилган “маънавий турмуш жиҳатлари” инсон жамиятдаги ҳаётининг ажралмас қисмидир, шу боисдан анъанавий гендер стереотипларининг бутунлай ўзгарганлиги ёки бузилиб кетганлиги ҳақида эмас, балки уларнинг сусайганлиги тўғрисида гапириш мақсадга мувофиқроқдир. Ҳозирги замон жамиятида толерантликни, хилма-хилликларга хушёрликни, бошқачаликни шакллантириш жинсларга нисбатан қаттиқ стереотиплаштирилган кўрсатмаларни сусайтириш йўллари билан бирийдир.

АСОСИЙ АДАБИЁТ

1. Берн Шон. Гендерная психология. – Спб., 2001
2. Бовуар де С. Второй пол. М., 1998
3. Гидденс Э. Социология. М.: Эдиториал УРСС, 1999
4. Меренков А.В. Социология стереотипов. Екатеринбург: Изд-во Урал. Унта. 2001
5. Мишель А. Долой стереотипы! Преодолеть сексизм в книгах для детей и школьных учебниках. Париж: ЮНЕСКО, 1986
6. Клецина И.С. Гендерная социализация. Уч. пособие. Спб., 1998
7. Майерс Д. Социальная психология. Спб., 1998

³⁹ Меренков А.В. Социология стереотипов. с. 177.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТ

1. Андреева Г.М. Социальная психология. М.: Аспект Пресс, 1998
2. Котовская М.Г. Мужские и женские образцы поведения в традиционном обществе/Гендер и этнические стереотипы. М., 1999
3. Психология. Словарь/ под общ. ред. Петровского А.В., Ярошевского М.Г. – 2-е издание, испр. и допол. – М.: Политиздат, 1990

ФЕМИНИСТИК НАЗАРИЯСИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Фания Аҳмедшина,
Ольга Шнирова,
Игорь Школьников*

Либерал феминизм, социалистик феминизм, радикал феминизм, психоаналитик феминизм, постколониал феминизм.

Турли хил ижтимоий-фалсафий ва сиёсий концепцияларнинг ривожланиши феминизмнинг юзага келиши учун назарий асос бўлди. Бундай концепциялар кескин тусга эга бўлган ва рўй бераётган ўзгаришларни назарий жиҳатдан англашга қаратилган, инсоннинг жамиятдаги мавқеини янгича тарихий шароитда кўриб чиққан. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароитларга кескин ёндашув хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, уларга даставвал меҳнатда ва таълим олишда, кейинчалик эса фуқаролик ҳуқуқларида, ва биринчи навбатда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлишда эркаклар билан тенг ҳуқуқларни беришга қаратилган феминистик ғояларни вужудга келтирди.

Либерал феминизм. Мазкур оқим энг кекса феминистик оқимлардан бири бўлиб, бугунги кунгача ҳам ўзининг аҳамияти ва долзарблигини йўқотмаган. Либерализм ва демократия ғоялари, маорифчи файласуфлар томонидан ишлаб чиқилган “табiiй шартнома” концепцияси, табiiй ҳуқуқлар назарияси, шунингдек либерал мафқуранинг интеграл қисми ҳисобланган тенглик, озодлик ва нуфузли демократия тамойиллари унинг назарий пойдеворидир. XVII асрдаёқ К. Агриппа ўзининг “Аёл жинсининг эркак жинсидан улуғворлиги ва устунлиги ҳақидаги декламация”сида туғилиш биланок бериладиган озодлик ҳуқуқи эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам ажралмас ҳуқуқлари эканлиги тўғрисидаги ғояни ифодалаган¹.

Феминизмдаги либерал оқим вакиллари таълим олиш ва меҳнат қилиш ҳуқуқи, мулкка эга бўлиш ҳуқуқи, шунингдек давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи учун курашни ўз фаолиятларининг асосий мақсади қилиб қўйдилар. Мазкур оқим идеологларининг фикрича, расмий юридик тенг ҳуқуқийликни қарор топтиришигина жамиятда хотин-қизларнинг қарамлик мақомини ўзгартириши мумкин, бундай ҳуқуқ, барча бошқа нарсалардан ташқари, бутун бир жамиятга ҳам фойда келтиради. Аҳолининг энг заиф ижтимоий гуруҳлари қаторида турган хотин-қизлар эркаклар билан тенг равишда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга эга бўлганларидагина ўз қобилиятларини юзага чиқара оладилар. Либерал феминизмнинг ривожланиш тарихи

¹ Теория и история феминизма. Курс лекций / Под ред. Ирины Жеребкиной. ХЦГИ: Ф-Пресс, 1996. с. 129.

анъанавий тарзда икки босқичга бўлинади: феминизмнинг “биринчи тўлкини” XIX аср ўргаларидан бошлаб, XX асрнинг дастлабки ўттиз йилигача бўлган даврни камраб олган, шунингдек “иккинчи тўлқин” ўтган асрнинг 60-йилларидан бошланган.

Хотин-қизлар учун сайлов ҳуқуқлари талабининг бошқа талаблар қаторида аста-секин биринчи планга чиқарилиши дастлабки босқичнинг ўзига хос хусусиятидир, бундай талаб эса Америка ва Буюк Британияда пайдо бўлган суфражистлар ҳаракатининг асосий мақсади бўлиб қолди. Мазкур ҳаракат вакиллари ва вакилалари феминистик ҳаракатдаги либерал оқимнинг ҳам асосий идеологлари бўлишган. Булар АҚШда Элизабет Кэди Стэнтон (1815 – 1902), Сьюзан Энтони (1820 – 1906), Люси Стоун (1818 – 1893); Англияда – Барбара Лей Смит Бодишон (1827 – 1891), Жозефин Батлер (1828 – 1906), шунингдек машҳур файласуф, либерализм назарийчиси Жон Стюарт Миллнинг оиласи (1806 – 1873) – унинг рафиқаси Ҳарриет Тейлор (1806 – 1858) ва ўғай кизи Ҳелен Тейлор (1831 – 1907).

Элизабет Стэнтон 1848 йилда Сенека Фолзда (АҚШ) бўлиб ўтган хотин-қизларнинг ҳуқуқларига бағишланган анчагина машҳур бўлган қурултойда қабул қилинган машҳур “Позициялар ва резолюциялар декларацияси”нинг муаллифи бўлган. Аслида, ушбу декларация либерал феминизмни ривожлантиришда бурилиш нуқтаси бўлган. Унда мазкур феминистик оқимда биринчи ўринга қўйиладиган барча асосий талаблар: овоз бериш ҳуқуқи, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, таълим олиш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиш ҳуқуқи ўз аксини топган. Шу билан бирга Э.Стэнтон кўплаб замондошларининг фикрича, Сенека Фолзда қабул қилинган резолюцияда ўртага қўйилган ғоялар муайян зиддиятларни ўз ичига олган. Биринчидан, Америка либерал феминизми вакилалари ўша даврларда мавжуд бўлган юридик нормалар эркакларнинг жамиятдаги ўз устун мавқеларини сақлаб қолишдан манфаатдорлигини акс эттирганлиги билан боғлиқ ҳолатни ҳисобга олмаганлар. Иккинчидан, либерал феминизм танқидчиларининг сўзларига қараганда, шу оқим вакилалари эркаклар ва аёлларнинг оиладаги мавқеи хотин-қизларнинг жамият ҳаётий фаолиятининг барча соҳаларида фаолроқ ва эркаклар билан тенг равишда иштирок этиши имкониятларини бир мунча чеклаб қўйиши фактини тушунмаганлар². Айни вақтда шуни эътиборга олинганда, XIX аср хотин-қизлар ҳаракати фаоллари учун (хусусан америкалик хотин-қизлар ҳаракати фаоллари учун) тенг ҳуқуқлилиқка интилиш фақат эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга бўлиш истагигина бўлиб қолмай, шу билан бирга ўз кўлларида ўзларининг ҳам жамиятдаги, ҳам кундалик турмушдаги мавқеларини яхшилашга кўмаклашадиган реал воситага эга бўлиш хохиши ҳам эди.

² Брайсон В. Политическая теория феминизма: Введение. М.: Идея-Пресс, 2001. с. 46 – 47.

Джон Стюарт Миллга келганда эса, унинг жинслар тенг ҳуқуқчилиги муаммосига нисбатан қарашлари унинг сиёсий ва этик эътиқодларидан келиб чиққан. Биринчидан, Милл либерализмнинг йирик мафкурачиси сифатида инсон шахсининг қадр-қимматини ҳамда жинсидан қатъи назар, барча одамларнинг азалий тенглигини эътироф этган. Иккинчидан, Бентам утилитаризм фалсафасининг тарафдори бўлар экан, у жинслар тенгсизлиги тизимини сақлаб қолиш инсонийлик жамиятини мукамаллаштириш йўлида жиддий ғов бўлади, деб тушунган. Миллнинг нуқтаи-назаридан бу, яъни инсониятнинг ярмини мукамал жамият яратиш жараёнидан чиқариб ташлаш бутун башарият учун мутлақо номақбул ва фойдасиздир. Оила, никоҳ ва ажралиш муаммоларига муурожаат қилар экан, Ж. С. Милл, никоҳ аёл учун қулликнинг шаклларида бири, холос, деб қатъий турар экан, оила бундай ҳолатда ўзининг барча аъзолари учун маънавий зарар келтиради, деб ҳисоблаган. Бирок, Миллнинг асаридаги жиддий хато шундан иборат эдики, у никоҳ билан боғлиқ масалаларни батафсил кўриб чиқар экан, бевалар ва ёлғиз аёлларни деярли бутунлай эътибордан четда қолдиради.

Миллнинг фикрича, асосий сабаблардан бири шунга олиб келганки, аёл бўйсиниш ҳолатига тушиб қолган, хотин-қизлар тарбияси ва таълим тизимига жойлашиб олган. Хотин-қизлар тарбияси тизими аёлларни анъанавий тарзда эркакларга бириктириб қўйилган ва фақат эркакларнинг иши деб ҳисобланган барча машғулотлардан кескин зада қилиб қўйди. Боз устига, XIX асрнинг энг кўп қисмида, 1870 йилларга қадар Англия хотин-қизлари учун олий ўқув юртига кириш йўллари ёпиб қўйилган эди. Милл бу қадар қайғули аҳволни хотин-қизлар таълимининг номукамаллигидагина эмас, хотин-қизларнинг шу қадар сиёсий ожизлигидадир, деб изоҳлайди, ва бундан қутилиш йўли маориф тизимини ислоҳ қилишда эмас, балки хотин-қизларни овоз бериш ҳуқуқига эга қилишдадир, деб ҳисоблайди³.

Шундай қилиб, “биринчи тўлқин” либерал феминизми асосан эркаклар ва аёлларнинг расмий-юрidik тенг ҳуқуқчилиги учун курашга бел боғлади, бу эса мазкур феминистик оқимнинг кейинги ривожланиш тарихига муайян даражада салбий таъсир ўтказди. Либерал феминизм эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эришгач, иккита жаҳон урушлари ўртасидаги даврда муайян турғунлик ҳолатига тушиб қолди. Қўйилган мақсадларга эришилди, янги мақсадлар эса ҳали белгилаб олинмаган эди, бу эса айримларнинг феминизм ҳаракат ва мафкура сифатида тугаб бўлди, деб гапиришларига имкон яратди.

³ Школьников И. А. Теория и практика английского феминизма (работы Дж. С. Милля, Гарриет Тейлор и Хелен Тейлор) // Женский вопрос в контексте национальной культуры. Материалы международной научной конференции. СПб., 2000.

АҚШ ва Францияда бошланган либерал феминизмнинг “иккинчи тўлкини” оқибатда аввалги босқичнинг ноаниқлигига қарши норозилик шаклини қабул қилди. Янги тўлкиндаги асосий мафқуравий ғоялар Симона де Бовуарнинг “Второй пол” (Иккинчи жинс) (1949) ва Бетти Фриданнинг “Назокатлилик сирлари” (1963) каби асарларида ифодаланди. Де Бовуарнинг “Иккинчи жинс” китоби охир оқибатда радикал феминизм учун назарий асос бўлиб хизмат қилди, Б. Фриданнинг “Назокатлилик сирлари” эса либерал феминизм иккинчи тўлкинининг энг асосий асари бўлиб қолди. Либерал феминизмнинг бу босқичдаги асосий мақсади хотин-қизларнинг ўз салоҳиятларини ўзлари намоён этишлари ва мустақилликка эришишлари йўлида жамият қўйган барча тўсиқларга қарши норозилик билдиришдан иборат бўлди. Феминизмнинг янги тўлкини хотин-қизларнинг оиланинг тор дарчаларидан, мана шу “шинамгина қамок лагери”дан чиқиб кетишга уринишлари билан ўтди⁴.

Б. Фридан С. де Бовуар сингари хотин-қизларга оиладан ташқарида эркинликни ва ўз салоҳиятини амалга ошириш имкониятини кўрсатиш зарурлиги асосий мақсаддир, деб ҳисоблаган. Фридан мана шу мақсадга эришишнинг асосий воситаси таълим олиш деб ўйлаган. Шу боисдан “иккинчи тўлқин” либерал феминизми вакилаларининг фаоллиги биринчи навбатда таълим олишга, фарзандларини тарбиялашда давлатнинг ижтимоий мададига ва бошқаларга қаратилганлиги тасодикий эмас. Бундан ташқари, эркакларни уй ишларига жалб этиш, уйдаги юмушларни тенг (ёки ҳеч бўлмаганда қисман) даражада тақсимлаш, болаларни тарбиялашда баб-баравар қатнашишнинг мумкин бўлган йўлларини излаш иккинчи тўлқин либерал феминизми вакилалари ҳаракат дастурининг бандларидан бири бўлиб қолган⁵.

Либерал феминизм ўз мақсадларига эришиш учун танлаган усуллар ваколатли демократия принциплари учун анъанавий эди, мана шу принциплар доирасида ушбу феминистик оқим ҳамма вақт амал қилиб келган. Булар сайлов кампанияларда иштирок этиш, турли ҳокимият тузилмалари доирасида тазйиқ гуруҳларини ташкил этиш, ўз манфаатларини вакиллар орқали ҳимоя қилиш ва ҳ.з. Айни пайтда, либерал феминизм (ҳам унинг назарий концепцияси, ҳам амалий фаолияти) эркаклар томонидан ва эркаклар учун ташкил этилган, ва унда азалдан бошлаб эркаклар ва аёлларнинг тенгсизлиги патриархат принципи мустаҳкамлаб берилган либерал демократия концепциясини ҳеч қачон шубҳа остига қўймаган⁶. Шу билан бирга айни либерал феминизм ўз моҳиятига кўра, хотин-қизларнинг мустақил ижтимоий гуруҳ сифатида ўз

⁴ Фридан Б. Загадка женственности. М., 1994. с. 380.

⁵ Брайсон В. Политическая теория феминизма: Введение. М.: Идея-Пресс, 2001. с. 166 – 171.

⁶ Теория и история феминизма. Курс лекций / Под ред. Ирины Жеребкиной. Харьковский центр гендерных исследований: Ф-Пресс, 1996. с. 131.

онгини ўстиришининг ҳақиқий омили ҳисобланган, хотин-қизлар фаоллигини ва жипслигини ривожлантирган ҳолда уларнинг ўзларини ўзлари юқори баҳолашларига кўмаклашган.

Социалистик феминизм. Социалистик феминизмга XIX асрнинг иккинчи ярмидан асос солинган. Мана шу даврда Ғарбий Европада ва Шимолий Америкада капитализмни ривожлантириш, индустриаллаштириш, ижтимоий ислохот, оила тузилмасини ўзгартириш, хотин-қизларни иқтисодий ҳаётга жалб этиш жараёнлари жўшқин борар эди. К. Маркс, Ф. Энгельс, А. Бебель, А. Коллонтай и К. Цеткиннинг асарлари социалистик феминизм мафқурасини шакллантиришнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилди.

Карл Маркс “Яхудийлар масаласига доир” (1843) деб номланган ўзининг дастлабки мақолаларидан бирида тузилажак коммунистик жамият инсонни, шу жумладан хотин-қизларни ижтимоий эзишдан тўла озод қилишга қодир бўлади, деган фикрни ўртага қўйган. Тарихни материалистик тушунишдан келиб чиққан ҳолда, Фридрих Энгельс ўзининг “*Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши*” (1883) асарида оиланинг пайдо бўлиш ғоясини жамият эволюциясининг муайян босқичида унинг ячейкаси ва аёлларнинг уйдаги меҳнатини уларнинг ижтимоий вазифасига айлантириш, муайян турмуш шароитлари шунга асос бўлган, деб таърифлаган. Бинобарин, хотин-қизларнинг бўйсинувчанлик ҳолати хусусий мулкчилик ривожланишининг, меҳнат ва синфий жамият, энг аввало капиталистик жамият ижтимоий бўлинишининг натижасидир. Инсонни синфий зулмдан озод қилиш энг эзилган синф сифатида пролетариат амалга ошириши керак бўлган социалистик революция натижасида юз бериши мумкин. Аёллар эмансипацияси ҳам ишлаб чиқаришнинг капиталистик усулини тугатиш оқибатидагина юз бериши мумкин. Шу сабабли аёллар пролетариат олиб бораётган синфий курашда фаол иштирок этишлари, ва ўзлари ёлланган ишчилар қаторига қўшилиб кетишлари керак. Бунда шуни таъкидлаш ўринлики, марксизм хотин-қизлар масаласини алоҳида масала сифатида кўриб чиқмаган, аёл марксчилар учун тарихнинг мустақил субъекти бўлмаганлиги боисидан, бу масала социалистик ҳаракатнинг мақсади бўлмаган.

Немис социал-демократи Август Бебелнинг “*Аёллар ва социализм*” (1878) китоби социалистик феминизм учун назарий база бўлиб хизмат қилган энг катта асарлардан бири бўлган, чоғи. Бебель ҳам Ф. Энгельс сингари аёлларни камситиш синфий жамият ривожининг натижаси эканлиги тўғрисидаги ғоядан келиб чиққан ҳолда, революция натижасида бунинг ўрнига социалистик жамият келади ва унда аёллар тўла эркин бўладилар, чунки янги давлат болаларни тарбиялаш тўғрисидаги барча ғамхўрликларни ўз зиммасига олади ва хотин-қизларнинг елкасидан уй ишларининг барча оғирликларини олади, деган фикрни олға суради. Шу билан бирга Бебель муайян даражада Энгелсдан ўзиб кетади. У хусусан,

сексуал ахлоқ икки ёқлама стандарти сингари аёлларни камситишнинг ноиктисодий усулини белгилаб беради⁷. У барча аёллар қайси синфга мансублигидан қатъи назар, умумий манфаатларга эгадирлар, деган хулосага келади. Шу сабабли, масалан, аёллар учун овоз бериш ҳуқуқини талаб қилишни Бебель синфий курашга қўмаклашиш воситаси сифатидагина эмас, шу билан бирга ижтимоий гуруҳ сифатида аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун қурол сифатида кўрган.

Марксистик феминизмнинг мафкуравий кўрсатмалари шунга олиб келдики, унинг вакиллари либерал феминизмнинг мавжуд тузум доирасида тенг сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватламадилар. Социалист аёлларнинг фикрича, бундай ёндашув буржуа жамияти ва буржуа сиёсий тизими мавжудлиги тўғрилигини тан олади. Оқибатда, XX аср бошларига қадар Европа суфражистлар харакати анча нуфузли феминистик харакат сифатида аёлларнинг социалистик харакатидан ажралган ҳолда яшади. Бунинг устига, кўпгина мамлакатларнинг социалистик партиялари ишчи аёлларга феминизмнинг “буржуача” таъсирига қарама-қарши туришга фаол харакат килдилар.

Н. К. Крупскаянинг “Ишчи аёл” асари Россияда хотин-қизлар масаласига марксистик назарияни қўллашга биринчи уриниш бўлди. Унда баён этилган асосий ғоя шундан иборат эдики, Крупская (Энгельс ва Бебелга ўхшаб) ҳукмронлик тузумида пролетариатнинг синфий курашида хотин-қизларнинг иштирок этиши орқалигина хотин-қизларни озод қилиш мумкин, деб ҳисоблаган. Мана шу кичик китобчанинг аҳамияти шундан иборат эдики, ана шу китобча туфайли рус социал-демократлари мазкур муаммога аҳамият берадиган бўлдилар, бунинг натижасида эркаклар ва аёлларнинг тенг юридик ва сиёсий ҳуқуқларини талаб қилиш 1903 йилда РСДРП дастурига киритилди⁸.

Рус хотин-қизлар пролетар харакатини ташкил этишда ва янги, коммунистик жамият ахлоқини ишлаб чиқишда А. М. Коллонтай (1872 – 1952) жуда катта роль ўйнаганлиги шубҳасиздир. Коллонтайнинг дастлабки асарларидан бири “Жамият ва оналик” (1916) китоби бўлди, муаллиф ушбу китобда оналик ва болаликнинг давлат таъминотини: суғурта, меҳнатга қобилятсиз бўлган туғишгача ва туғишдан кейинги даврда ҳақ тўлаш, болаларни жамиятда тарбиялаш тизими (ясли ва болалар боғчалари) концепциясини ишлаб чиққан. Коллонтайнинг фикрича, оналикни ижтимоий аҳамиятга молик вазифа деб эътироф этишгина аёлни икки ҳисса оғирликдан – ҳам ишчи, ҳам она бўлиш вазифасидан озод қилади. Аёллар эмансипацияси мавзуга мурожаат қилар экан у ҳозир ҳам қизгин баҳсга сабаб бўлаётган бир неча бадий

⁷ Бебель А. Женщина и социализм. М.: Госполитиздат, 1959.

⁸ Стайтс Р. Женское освободительное движение в России. Феминизм, нигилизм, большевизм, 1860 – 1930. М.: РОССПЭН, 2004. с. 332 – 335.

асар (повесть ва ҳикоялар) – “Женщина на переломе” (Бурилишдаги аёллар) (1923), “Любовь пчел трудовых” (Меҳнаткаш асал арилар муҳаббати) (1923), “Большая любовь” (Катта муҳаббат) (1927) ҳам эълон қилди.

А. М. Коллонтайнинг шахвонийпарастликка бўлган нуқтаи назарлари ҳаммадан кўп баҳсга сабаб бўлади. Коллонтай учун бўлажак коммунистик жамият капиталистик жамиятнинг индивидуализм ва рақобат руҳи “Ўртоқлик ва муҳаббат” билан алмаштирилган бир жамият турини ўзида намоён этарди. А. М. Коллонтай учун коммунизм иқтисодий ресурсларни қайта тақсимлашгина бўлиб қолмади, балки шу даврдан бошлаб эркалар ва аёллар орасидаги муносабатлар ахлоқнинг юксак шаклига асосланиб уларнинг табиатининг ўзгариши ҳам эди. Коллонтайнинг ўтмишдошлари билан келишмаган жойи ҳам айнан ахлоқнинг янги шакли масаласига ёндошувда эди. Иккинчилар ҳақиқий моногамия (якка никоҳлик)ни жинсий муносабатларнинг идеал шакли деб билишган, Коллонтай эса муҳаббатда ҳар қандай истисноликдан ҳадисираган, бу, унинг фикрича, нафақат аёлларнинг ўзларига, балки жамиятга ҳам зарар келтириши мумкин эди.

А. М. Коллонтайнинг 1923 йилда эълон қилинган “Дорогу крылатому Эросу!” (Қанотли ишқ маъбудига йўл очинг) деган мақоласи шахвонийлик ахлоқига бағишланган энг машҳур асари ҳисобланади⁹. Унда икки хил ишқ қарама-қарши қўйилади: бири шахвоний ишқ (қанотсиз Эрос) ва пролетар муҳаббат (қанотли Эрос). Қанотсиз Эрос буржуа жимиятининг саркити бўлиб унга тенглаштирилади. Шахвоний ишқни Коллонтай кўч-қувватни бемаъни сарфлашда, ишқдаги тенглик принципига қарши туришда айблайди. Қанотли Эрос – улугвор пролетар муҳаббат “Ўртоқлик муҳаббат” – қанотсиз Эросга қарши туради. Концепция нуқтаи назаридан “қанотли Эрос” – анчагина мужмал тушунча. Фақат шуниси аниқки, у келажак жамиятда жинсларнинг соғлом, табиий (яъни, ортиқчалик ва бузуқликдан холи) ва эркин майлига асосланадиган инсоний муҳаббатнинг якуний шаклини касб этади¹⁰.

Шундай қилиб, марксист феминизм мафкурачилари аёллар эмансипацияси масаласи ечимига ўз ёндошувини таклиф қилдилар. Унда эмансипация фақат пролетариатнинг синфий кураши ва меҳнаткаш омманинг социалистик инқилобнинг амалга ошиши натижасида озод бўлиши доирасида кўриб чиқиларди. XX аср иккинчи ярмининг социалист феминизми аслида “биринчи тўлқин” марксист феминизмининг давомчиси бўлди.

⁹ Коллонтай А. М. Дорогу крылатому Эросу! (письмо к трудящейся молодежи) // Молодая гвардия. М., 1923. № 3.

¹⁰ Стайтс Р. Кўрсатилган асар. б. 475 – 478.

Ҳозирги замон социалист феминизм мафқураси кўп жиҳатлардан классик марксист-феминист ёндошув ва радикал феминист оқим доирасида ишлаб чиқилган патриархат концепциясига асосланган. Мисол учун, Ж. Митчелл (“Женщины, самая долгая революция” (Аёллар, энг узок чўзилган инқилоб), (1966) патриархатни аёллар истибодидининг универсал системаси деб қарарди. Унинг фикрича, патриархатнинг асосий таркибий қисмлари бўлиб оила, ишлаб чиқариш, ижтимоийлашув ва шахвонийлик хизмат қилади. Шунинг учун хотин- қизларнинг қарамлигини ҳукмрон ишлаб чиқариш усули оқибати деб қараш керак¹¹. Социалист феминизмнинг ғоялари сўнг Ҳейди Хартманнинг “Неудачный брак между марксизмом и феминизмом” (Марксизм билан феминизмнинг ўнмаган никоҳи) (1986) асарида янада ривож топди. Хартманнинг асосий ғояси ҳозирги замон жамияти икки тизим эксплуатация замирида қурилган деган фикрдан иборат. Бир томондан бу аёлни эксплуатация қилаётган патриархат; бошқа томондан – иш кучини эзаётган капитализм¹².

Социалистик феминистлар ўз таҳлилларида бешта асосий муаммо борлигини таъкидлайди. Биринчи муаммо - аёлнинг капиталистик тизимда аёл сифатидаги ролини ўрганишдан иборат. Мазкур оқимнинг ёрқин намоёндаси Маргарет Бекстон “Политическая экономия освобождения женщин” (Хотин-қизларни озод қилишнинг сиёсий иқтисоди) асарида (1969) хотин-қизларнинг уйдаги меҳнатини ҳақ тўланмайдиган, шу сабабли қимматга эга бўлмаган ва кўзга кўринмас деб баҳолайди. Унинг китоби уй меҳнатига бағишланган тадқиқотларни кенгайтиришга туртки бўлди. Бу табиий равишда аёлларнинг ҳақ тўланмайдиган меҳнатига дам олиши учун вақтининг озайишига, ночор аҳволга тушиб қолишига олиб келиши масаласига жамоатчилик фикрини шакллантиришга кучли таъсир кўрсатган.

Иккинчи муаммо - аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилинган бўлишига қарамай, уйдаги ҳақ тўланмайдиган меҳнатининг сақланиши: бу улар зиммасидаги мажбуриятларнинг икки баравар кўпайишига олиб келади. Шунингдек, жамият томонидан белгиланган “яхши она” ролига кўра аёл ўз вақтини уйдагиларига бағишламаган пайтда ноқулайлик, айбдорлик ҳиссини бошидан кечириши керак. Аёлни биринчи навбатда, хотин ва она эканлигини белгилаш орқали уни ишга қабул қилишда маоши ва профессионал лавозими эркакларникига нисбатан паст бўлиши кўзда тутилади. Бундай мафқура эркакнинг “оила боқувчиси” эканлиги ва унга бунинг учун катта маош кераклиги билан изоҳланади.

¹¹ Теория и история феминизма. Курс лекций / Под ред. Ирины Жеребкиной. Харьковский центр гендерных исследований: Ф-Пресс, 1996. с. 139.

¹² Брайсон В. Указ. соч. с. 251 – 252.

Учинчи муаммо - аёлларнинг ижтимоий синф сифатида белгиланиши. Аёллар хотин сифатида синфий мақомга ва хизматчилар сифатида ўз синфий нуктаи назарларига эга. Яна бир масала аёллар орасидаги табақаланишдир. Ишчилар синфидан келиб чиққан аёл ва профессионал аёл ҳаётда умуман турлича муаммоларга дуч келадилар. Социалистик йўналишдаги феминистлар камбағал аёлларнинг яхши маълумот олиш, болаларига тўлақонли қараш имкониятларига эга эмаслигини, мулкдорлик ҳуқуқи йўқлигини таъкидлайдилар. Бу эса имкониятлар кенлиги тамойилини кўпчилик аёллар учун бефойда қилиб қўяди. Қайта тақсимлаш сиёсатини амалга ошириш, аёлларнинг шахсий эркинлиги ва мустақиллигини амалга ошириш учун давлат аралашуви талаб этилади.

Тўртинчи муаммо - капиталистик жамият томонидан белгиланган эркаклар ва аёллар хатти-ҳаракати шу жамият учун фойда келтиради. Эркаклар табиатан тажоввузкор, рационал ва мустақилдир, бундай ҳаракат капиталистик жамиятда муваффақиятга эришиш учун керак. Аёлларнинг ҳаракатлари эса улар томонидан асосий уй юмушларини бажаришга (болаларга қараш, рўзғорни юритиш) қаратилган бўлиши керак.

Бешинчи муаммо - хотин-қизлар онглилигини кучайтириш амалиёти, аёллар тафаккурини ўзгартиришга йўналтирилган муқобил конвенцияларни ривожлантириш зарурати. Аёллар ҳаракати ва тафаккурини ўзгартиришга қодир янги тузилмалар сирасига жинсий ва жинойий зўравонлик қурбонлари учун яратиладиган кризис марказлари, кичик бизнес тузилмалари киради.

Шундай қилиб, ҳозирги замон социалист феминизми концепциялари сезиларли миқёсда марксист анъанани давом эттиради. Шундай бўлса-да, ҳозирги феминист социалист аёллар хотин-қизлар эксплуатациясининг асосий сабаби деб жинслар орасидаги меҳнат тақсимотини биладилар. Замонавий социалистик феминистлар фикрича, патриархат ва капитализм бир-бирини мустаҳкамлайди ва қўллаб-қувватлайди ҳамда аёллар эзилишининг ўзига хос тарихий шакллари яратади. Капитализм даврида аёллар эзилишининг асосини уларнинг ҳақ тўланадиган ходимлар сифатида иқтисодий эксплуатацияси ҳамда оналар ва уй бекалар сифатида эзилиши ташкил этади.

Радикал феминизм. Радикал феминизм оқим сифатида XX асрнинг 60-йилларида Америкадаги "сўл талабалар норозилиги" жараёнида вужудга келди. Унинг шаклланишига Ғарбдаги сиёсий муҳитнинг радикаллашуви ва хотин-қизлар ҳаракатининг фаоллашуви ("хотин-қизлар ҳаракатининг иккинчи тўлқини") таъсир кўрсатди.

Симона де Бовуар, фалсафа доктори, таниқли ёзувчи, янада машҳурроқ файласуф Ж.-П. Сартнинг дугонаси бу йўналишнинг бошловчиси ҳисобланади. 1949 йилда у "*Второй пол*" (Иккинчи жинс)

номли фундаментал асар эълон қилди¹³. Маълумки, “Иккинчи жинс” феминистларнинг иккинчи Тавроти деб аталган. Китоб хушламаслик билан қарши олинди. Унга яқсон қилувчи тақризлар ёғдирилди. Католик черкови китобни одобсиз деб уни уқишни тақиқлади. Аммо бундай таъқиб яхши ташкил этилган реклама кампаниясидан самаралироқ чиқди: китоб биринчи жилдининг чиқишидан кейинги биринчи ҳафтадаёқ унинг 24 минг нусхаси сотилди.

“Иккинчи жинс”да икки асосий постулатдан келиб чиқилади: биринчидан, эркак киши ўзини ижодий мавжудод, субъект деб ҳисоблаб аёл кишини пассив мавжудодга, объектга айлантирган; иккинчидан, хотин-қизлар табиати деган ҳодиса мавжуд эмас, зарофатнинг барча белгилари, шунинг учун, сунъийдир. Ҳар иккала постулат сўз бошида эълон қилиниб асар саҳифаларида қарра-қарра қайтарилди ва экзистенциализм нуқтаи назаридан асослаб берилди. Иккинчи жилд: “Аёл бўлиб туғилмайдилар, аёлга айланадилар” деган жумла билан бошланади. Гарчи бир қатор феминист кайфиятдаги тадқиқотчилар уни эркаклар ва аёллар руҳиятидаги фарқларни минималлаштиргани туфайли танқид қилган бўлса ҳам бу жумла кейинчалик неофеминизм шиорига айланди.

Биринчи постулатни асослаб бериш мақсадида Бошқа категорияси киритилади. Бу категория табиатан дуалистик инсон онгининг азалдан бор хусусияти ҳисобланади. Инсоннинг дунё тўғрисидаги барча тасаввурлари фундаментал жуфтликлардан ташкил топади: Эзулик-Ёвузлик, Кун-Тун, Ер-Осмон, ўнг-сўл, Эркак-Аёл ва ҳоказо. Эркак киши ўзини норма сифатида англар экан, аёл кишини ўзининг борлиғига таҳдид солаётган лекин усиз яшаш иложи бўлмаган нормадан чекланиш, Бошқа сифатида қабул қилади. Аёлни қул қилиб олишга интилиши шундан. Аммо бошқа мазлумлардан фарқли ўлароқ аёл вазиятининг мураккаблиги шундаки, у на уни йўқ қила олади, на усиз яшай олади. У ва эркак киши – ҳар икки унсури бир бири учун зарур бир бутуннинг қисмлари.

“Иккинчи жинс”да аёллар ҳақидаги энг тарқалган муаллифлари албатта эркаклар бўлган афсоналарни фош қилишга кўп эътибор берилган. Асарда “инсоният – бу эркаклар” деган жумла учрайди. Бунда жамоатчилик фикри, афсоналар, маданият эркаклар томонидан, асосан эркаклар учун яратилгани назарда тутилади. Эркарларга аёлларга нисбатан икки хил муносабат хос: эркак уни ё орзулари мужассами, идеал сифатида, ёки ёвузлик мужассами сифатида қабул қилади. Униси ҳам, буниси ҳам афсоналар ва адабиёт образларида, кундалик онг стереотипларида етарли даражада тўлиқ акс этган, шуниси ҳам борки, аёлга нисбатан салбий муносабат кўпроқ учрайди. Симона де Бовуар буни аёл кишини гарчи эркак буни англамаса ҳам кўп ҳолларда таҳдид

¹³ Бовуар С. де. Второй пол. М., 1997.

сифатида қабул этади деб изоҳлайди, чунки “аёл киши, эркак кишида майл кўзгатагар экан, унга шахвоний моҳияти ҳақида эслатади, унга имменентлик сари туртки беради, унинг такомиллашувига, абсолют билан бирлашувига ҳалал беради”¹⁴. Бундан ташқари эркак бунга бутун вужуди билан интилса-да аёл кишига тўла эгалик қила олмайди, бироқ у аёлнинг нафақат баданини балки онгини ҳам назорат қилишга ҳаракат қилиб бунга интилади. Аёл кишининг эркинлигини чеклайдиган расм-русумлари бир талай ахлоқ ва анъаналар, ва ҳатто аёлни эркакларга манзур қиёфага киришга мажбурлайдиган мода шунга қаратилган. Худди эркак киши табиат манзарасига бошқа шакл бериб уни ўзгартиргандек ва шу билан унинг устидан ҳукмронлигини амалга оширгандек, у эркакнинг онгида табиат билан боғланадиган аёл кишини ўзини безатишга, косметикадан фойдаланишга, ноқулай кийим кийишга мажбурлаб унинг ташқи қиёфасини ўзгартиради. Шундай қилиб, Симона де Бовуар нуктаи назарига кўра, аёллар модаси – бу ҳам эркаклар устунигининг бир шаклидир. Энг нохуш томони шундаки, ижтимоийлашув жараёнида хотин-қизлар эркакларнинг нуктаи назарини қабул қилиб ўз борлигини иккинчи даражали, эркаклар борлигига нисбатан восиланган деб қабул қила бошлайдилар.

Фундаментал асар инсоният ярмининг куллик ҳолатига барҳам беришга чакириқ билан тугайди, бироқ, муаллиф нуктаи назарига кўра, гендер фарқларни тўла текислаш дегани эмас: “улар[жинс]ларнинг ҳар бири, бошқасида мустақил субъектни кўрар экак, унинг учун Бошқа бўлиб қолаверади. Уларнинг муносабатларидаги ўзаро тўлдириш инсон мавжудодларининг икки жинсга бўлинганлиги билан юзага келган мўъжизани йўқ қилмайди”¹⁵.

Умуман, Симона де Бовуар тасаввуридаги жинс фалсафаси шундай. Бу ғоялар кейнрок радикал феминизм назариятчилари Кейт Миллет, Суламиф Файерстоун, Андреа Дворкин, Жермен Грив, Ева Файжес ва бошқалар томонидан ривожлантирган эди.

Кейт Миллетт “*Сексуальная политика*” (Жинс оид сиёсат)¹⁶ китобининг иккинчи қисми энг катта назарий аҳамиятга эга бўлди, чунки у “феминист фикр доирасига **патриархат** деган марказий тушунчани киритиб уни ўз маданият таҳлилининг асосий тушунчаси қилиб олди”¹⁷. “Патриархат” термини, грекча “патриархес” – “уруғ каттаси” сўзидан ҳосила, илгари ҳам сиёсат назариясида қўлланилган эди, бироқ Миллетт унга янги маъно берди. У патриархатни эркакларнинг аёллардан

¹⁴ Кўрсатилган асар, с. 207.

¹⁵ Кўрсатилган асар, с. 807.

¹⁶ Миллетт К. Сексуальная политика (главы из книги) // Вопросы философии, 1994. №9. с. 148 – 172.

¹⁷ Брайсон В. Указ. соч. с. 192.

устунлиги тизими сифатида кўради, бунда эркаклар етакчи ижтимоий ролларни ўзлаштириб оладилар, аелларни эса қарам ҳолда сақлайдилар. Унинг кўрсатган ўрнаги билан радикал феминистлар патриархатни “олий ҳукмронлик ва иқтисодий имтиёзлар эркаклар кўлида бўлган ҳокимият тизими”¹⁸ сифатида таърифлай бошладилар.

Эркакларнинг аёллар устидан патриархат ҳукмронлиги барча жамиятлар фаолият кўрсатишининг асоси ҳисобланади, у синфий ва иркий фарқланишдан-да кучли. Патриархат асосан болаларни оилада тарбиялаш билан бошланиб кейинги таълим орқали кучаядиган шунинг билан қадриятларини нафақат эркаклар, балки аёллар ҳам ўзлаштириб оладиган ижтимоийлашув жараёнида сақланиб боради. Патриархат, шунингдек, иқтисодий эксплуатацияга ва кучни қўллаш ёки кучни қўллаш таҳдидига таянади. Барча жамиятларда патриархат жинсий зўравонликка ҳам таянади. Бу контекстда эркак билан аёл ўртасидаги жинсий муносабат – эркаклар ҳукмронлигининг намоён бўлиши, ҳолос. Севги, шунингдек, фақат ишончдан фойдаланиш, патриархат мафкурасининг қисми бўлиши мумкин. Шундай қилиб, жинсий сиёсат – бу ижтимоий ҳукмронликнинг намоён бўлиши, аёл шахсиятини патриархат қондаларига мувофиқ равишда назорат қилиш усулидир. Сиёсатни бундай тушиниш феминизмнинг энг оммавий “*Шахсий – бу сиёсий демокдир*” деган шиорига асос бўлди¹⁹.

Шу шиорга амал қилиб, радикал феминистлар ўз саяъ-ҳаракатларини репродукция (фарзанд кўриш), оналик, аёллар шахвонийпарастлиги каби масалаларни ўрганишга қаратдилар. Уларнинг фикрича, шахвонийпарастлик хотин-қизлар манфаати йўлида қайта қурилмагунча аёллар эркакларга қарам бўлиб қолаверадилар. Хотин-қизлар шахвонийпарастликларини ўз манфаатлари замирида қайта идрок этишлари лозим.

Суламиф Файерстоуннинг “Диалектика пола” (Жинс диалактикаси) (1970)²⁰ машҳур асарида бундай ёндошувни ишлаб чиқиш бошлаб берилди. У патриархатнинг негизи жинсларнинг биологик тенгсизлигида, деб эълон қилди. Марксизмнинг синфлар назариясидан келиб чиқиб у эркаклар ва хотин-қизлар жамиятдаги дастлабки ва асосий синфлар, деб эълон қилди. Уларнинг турли репродуктив роллари дастлабки меҳнат тақсимотига олиб келди ва аёлларнинг қарам ҳолатига олиб келди. Бундай қарам ҳолатни Файерстоун натижасида репродуктив технологиялар ёрдамида аёллар фарзанд туғиш функциясидан озод бўладиган “биологик инкилоб” ёрдамида бартараф этишни таклиф этди. Жинсий синфларни бартараф этган андрогин жамият биологик инкилоб натижаси бўлади.

¹⁸ Эллиот П., Менделл Н. Теории феминизма. Хрестоматия, с.54

¹⁹ См: Брайсон В. Кўрсатилган асар. с. 188 – 240.

²⁰ Firestone S. The Dialectic of Sex. N.Y., Bantam Books, 1970.

Оила ҳам радикал феминистлар томонидан хотин-қизлар эзлишининг манбаи деб ҳисобланади. Шунинг учун улар ё оиладаги меҳнат тақсимотини, ёки оиланинг ўзини баргараф этишни таклиф қиладилар. Хотин-қизлар уйдаги меҳнатининг энг эътиборли радикал феминистик таҳлили Франция феминист аёли Кристин Делфининг асарларида жабр-зулм манбаи қилиб кўрсатилган²¹. Муаллиф никоҳ – бу меҳнат шартномаси бўлиб, унинг орқали эркак аёллар меҳнатини эксплуатация қилади, деб исботлайди. Шу сабабли ҳам аёлларнинг кўпчилиги уйда ҳақи тўланмайдиган меҳнат қиладилар, хотин-қизлар меҳнат бозорида эркаклар билан тенг шароитда бўлмайдилар, никоҳ эса улар учун яшашга энг қобилиятли иқтисодий имконият бўлиб қолаверади. Шундай қилиб, ҳақи тўланмайдиган уй ишлари аёлларни камситишнинг иқтисодий асосидир.

Радикал феминизм назарияси, айниқса патриархатнинг асосий концепцияси бошқа йўналишдаги феминист аёлларнинг кескин танқидига учрайди. Валери Брайсоннинг таъкидлашича, бундай танқид тўртта жиҳатга эътиборни қаратади: биринчидан, патриархатнинг радикал феминист назарияси таҳлилий эмас, кўпроқ кутқарувчи назария деб ҳисобланади, чунки бу назария эркакларнинг ҳукмронлиги қаердан келиб чиққанлигини тушунтириб бермайди; иккинчидан, бу назария эркаклар ҳақида худди душмандек тасаввур туғдиради, бундай тасаввур эса мантиқан фақат лесбийлик сепаратизмига олиб келади ва аёлларнинг кўпчилигини жалб этмайди ва уларга мақбул ҳам бўлмайди; учинчидан, бундай назария тарихий эмас, чунки жинслар ўртасидаги муносабатни вақт ўтиши билан юз берадиган ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда қандайдир мутлақ маълумот, деб ҳисоблайди, хотин-қизларни тарихни яратишда иштирок этаётганлар деб эмас, балки пассив қурбонлар сифатида таърифлайди; тўртинчидан, бу назария бошқа этник гуруҳ ва ижтимоий қатламлардаги аёлларнинг муаммоларини рад этган ҳолда фақат оқ танли аёлларнинг тажрибасини акс эттиради²².

Шундай бўлса-да, радикал феминистлар феминизм назариясига катта ҳисса қўшдилар. Радикал феминизм ғоялари хотин-қизлар муаммоларига кулок берилиши, назар ташланиши, муҳокама этилишига кўмаклашди, хотин-қизларга ўзларини ҳаракатчи, ижтимоий жараёнлар субъекти сифатида англашларига имкон берди, ўз манфаатлари йўлида фаолият кўрсатиш учун дадиллик ва куч бағишлади. Аборт қилиш ҳуқуқи, жинсий зўравонлик ва оилада аёллар ва болаларга нисбатан зўравонлик муаммолари энг аввало радикал феминистлар томонидан кўтариб чиқилди. Улар патриархатнинг маданий, шахсий ва жинсий соҳаларда

²¹ Брайсон В. Кўрсатилган асар. с. 206.

²² Брайсон В. Кўрсатилган асар. С. 194.

намоён бўлишига эътибор қаратиб, аёлларга йўналтирилган ҳар қандай зўравонликка қарши чиқадилар.

Психоаналитик феминизм. Психоаналитик феминизм фрейдизмни қайтадан англашдан ва радикал назариётчиларнинг сексуаллик, оналик ва оталик тўғрисидаги айрим ғояларини ривожлантиришдан шаклланган. Психотаҳлил назариясининг муаллифи Зигмунд Фрейднинг (1856 – 1939) асосий хизмати шундаки, у жамоатчиликнинг эътиборини сексуаллик муаммосига қаратди, шу пайтгача илм-фан четлаб ўтган соҳаларни ўрганиш объекти қилиб олди. У сексуалликнинг болалиқдан бошлаб юзага келиш жараёнини тадқиқ қилди, сексуаллик ривожланишининг асосий босқичларини ажратиб кўрсатиб берди ва таърифлади. У сексуалликни «либидо» тушунчаси - сексуал майл билан боғлади. Либидо эркаклар ва аёлларники деб ажратилмайди – у ягона ва ўзини етарлича фаол кўрсатади. Бироқ улғайиш жараёнида либидо турли ижтимоий чеклашлар ва ўғил болалар ва қиз болаларда ҳар хил шаклландиган комплекслар (ўғил болаларда Эдип комплекси, қиз болаларда Электра комплекси, ва ҳар иккала жинсда кастрация комплекси) билан бостирилади. Ўғил бола Эдип комплексини бошидан ўтказар экан, у сексуал объект сифатида онасини танлайди ва отасини ўзининг рақиби деб баҳолайди. У қиз болаларда олатнинг йўқлигини бир жароҳат ёки бир жазо деб қабул қилади ва отаси бундай жазони унга нисбатан ҳам кўллайди, деб кўрқади. Айни кастрация кўркуви ўғил болани сексуал объектларни оиладан ташқарида излашга мажбур қилади.

Қиз бола ҳам дастлаб онасини сексуал объект сифатида танлайди (чунки онаси унинг учун энг яқин киши). Аммо Фрейднинг фикрича, қиз бола ўзида олатнинг йўқлигини билгач, буни ўз зарарига деб талқин қилади; у ўзини қандайдир шикаст олган, жазоланган деб ва буларнинг барчасига онасини айбдор деб ҳисоблайди. Кастрация комплекси “олатга ҳавас” қилиш шаклига кириб боради, аёлни бир умрга ногиронлик ҳиссини бошидан кечиршишга дучор қилади. Шундай қилиб, эркаклар ва аёллар ўртасидаги фарқлар анатомик хусусиятлар билан тушунтирилган, ва аёллар эркакнинг тўқис бўлмаган нусхасидек кўринган.

Феминизмнинг анъанавий Фрейд психоанализига муносабати иккиёклама. Айрим феминистлар (Симона де Бовуар, Бетти Фридан, Кейт Миллет, Глория Стайнем) фикрича, психоанализдан аёлларнинг қарамлигини ва пассивлигини тасдиқлаш учун фойдаланилади. Лекин, бошқа томондан, бир қатор феминистларнинг (Жулиет Митчел, Жермена Грир, Дороти Диннерстайн, Нэнси Чодороу) фикрига кўра, инсон психикасининг онгсиз соҳаларига мурожаат қиладиган айнан психоанализ аёллар бўйсинувчанлигининг шахсий ва хатто, сиёсий сабабларини англашга ёрдам бериши мумкин. Мана шу феминист аёллар патриархат маданият ичида содир бўлаётган жараёнларни таҳлил қилиш учун

фрейдча ёндашувни қўллашга ҳаракат қиладилар. Аёллар зулмдан кутулиш учун айнан шу жараёнларни ўзгартиришлари керак.

Феминист назариясида психоанализ йўналишини шакллантиришга фрейдизмдан ташқари француз файласуф-психоаналитиги **Жак Лаканнинг (1901-1981)** асарлари катта таъсир ўтказган, муаллифнинг ўзи айтишича, у «Фрейдни ўқиган», лекин унинг назариясини кўп жиҳатдан қайтадан англаган. Айни Лакан ўз асарларида, «Сочинения» («Асарлар») (1966) и «Семинары» («Семинарлар») (1973-1981), энг машхур асарлари, эркак ва аёллар фарқи каби сексуал фарқларнинг биологик детерменизми тўғрисидаги сўнги тасаввурларни бузди, бундай фарқларни рамзий маданият тартибига киритди»²³. Эркаклар ва аёллар ўртасида келиб чиққан маданиятдаги фарқларни Лакан бир хилликни тизимлаш ва қайта тизимлаш муаммолари билан боғлади. Унинг учун индивид тил, ижтимоий жараёнлар ва муассасалар рамзий даражада ишлаб турганда ҳаёт кечирадиган “сўзловчи субъект”дир. Классик психоанализ фақат бетоблик ҳолда ўз устидан назоратни йўқотибгина қолмай психоаналитик қайтаришга ёрдам бериши керак бўлган ўз “мен”ини ҳам йўқотадиган ягона субъект тушунчасидан келиб чиққан ҳолда Лаканда субъективлик структурасини ягона “мен”га келтириб бўлмайди. Лаканда субъект – бу кўпроқ ҳикоя қилишнинг ҳар кейинги дамида ўзгариши ва кундалик ҳаётнинг структурасини бошқача идрок этиши мумкин бўлган ўз тарихларига эга бўлган субъектдир²⁴. Шунинг учун Лаканни субъективликнинг ўзини ва бошқаларни идрок этишга қурилган рамзий таркиб топтирилиши кизиқтирар эди. Шу боис, феминлик ва маскулинлик параметрлари ўзгарувчан бўлиши мумкин.

Кичкина боланинг ўз “мен”ни йўқ; у онаси билан узилмас, симбиотик муносабатларда бўлади. Бола ўзини кўзгуда таний бошлаганида “мен”нинг структураси юзага келиши учун ҳал қилувчи палла бошланади, шундагина у ўзини мустақил, онасидан ажралган мавжудод деб англай бошлайди. Шахс ривожланишининг бу палласи Лакан “кўзгу палласи” деб белгилайди. Ўзини “мен” сифатида англари экан, бола айни пайтда ўз “мен”ини бегоналаштирилган, яъни “бошқа”дек идрок этади, шунинг учун “бошқалик” ичимизда муқаррар равишда ҳозир. Бола шахсининг ривожланишидаги “кўзгу палласи”ни топганлиги Лаканга субъект структурасининг икки хиллиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон берди; айни пайтда боланинг кўзгудаги сурати – ҳамма вақт тасаввур этиладиган сиймо, фантазия маҳсулоти.

Ривожланишнинг илгарироқ босқичларида бола на фемин на маскулин бўлади. Фақат “кўзгу палласи”да бола гендер ўзлигини ва айни

²³ Теория и история феминизма. Харьковский центр гендерных исследований, Ф-Пресс, 1996 с.20

²⁴ Қўрсатилган асар б.48

пайтда маданиятнинг рамзий тартибидаги ўз ўрнини белгилай бошлайди. Шу паллада Эдип комплекси намоён бўла бошлайди. Субъективлик ривожланишининг бу палласида тасаввур этиланнинг структурасидаги бош шакл бўлиб Бошқанинг структураси хизмат қилади. Бошқа – бу тил ва майл устидаги назорат позицияси. Бошқанинг шакли “кўзгу палласи”да бола “мен”ининг “қараётган мен” ва “қаралаётган мен”га парчаланиш натижасида вужудга келади. Шундай қилиб, Лаканнинг субъективлик концепциясида классик фрейдизмнинг барқарор субъективлик концепцияси рад этилади. Лакан кишининг “мен”и ҳеч вақт белгиланиши мумкин эмас, дейди, чунки у доим ўзини кидириш ҳолатида бўлади ва фақат Бошқа орқали намоён этилиши мумкин.

Эдип комплексни ҳам Лакан рамзий даражада талқин этади. Фрейдда ота ҳақиқий биологик ота ролида келса, Лаканда у рамз – отанинг исми билан алмаштирилади. Рамзий сифатда талқин этиладиган фаллос тушунчаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Фаллос – бу жисмоний аъзо эмас, балки на эркаклар, на аёллар тўлалигича эгалик қила оладиган ҳукмронлик атрибутидир, чунки фаллос Лаканда – майл ва етишмовчиликнинг рамзий олмошидир. Маданиятдаги аёл ҳодисаси фақат фаллосга нисбатан белгиланади. Аёл ҳодисасининг хусусияти шундан иборатки, аёл ўз ифодаланувчисини “бошқа” бир кимсадагина топиши мумкин. “Унинг исми – доимо рамзий отанинг, рамзий фаллоснинг исмидир. Рамзий ота исми бўлмаса, аёл номланмаган, ўзлигини топа олмаган бўлиб чиқади”²⁵.

Лакан назарияси феминист психоанализнинг француз мактабига алоҳида таъсир кўрсатди. Э. Сиксу, Л. Иригарэй каби машҳур ва бошқа феминизм назарийчилари Лакан семинарларидан чиқишди. Уларнинг фикрича, унинг фаллос назарияси патриархат жамиятнинг рамзларини акс этади. Шунинг учун Лаканнинг маданий ифодалаш концепциясини феминист файласуфлар “фаллологоцентризм” деб атайдилар, Лаканнинг маданият қадриятлари талқинини ҳукмронликнинг амъанавий қадриятлари билан боғлайдилар. Шу сабабли уларнинг сексуаллик муаммосини тадқиқ қилишга қўшган ҳиссаси сексуаллик субъектга (эркак ва аёл субъектига) нисбатан ҳокимиятнинг алоҳида манипулятив стратегияси орқали белгиланганда сексуаллик билан ҳокимият ўртасидаги алоқани аниқлашдан иборат бўлган.

Психоанализдан феминистик мақсадларда фойдаланилган дастлабки асар Жулиет Митчеллнинг “*Психоанализ и феминизм*” (Психоанализ ва феминизм) (1974) асаридир. Митчеллнинг эътиқодига кўра, хотин-қизларни эзиш сабаблари одам психикасининг тубларида ётади. Шунинг учун у либерал феминистларнинг аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуқ берадиган ижтимоий ислохотлар жамиятда тенглик ўрнатилишининг

²⁵ Кўрсатилган асар. Б. 53

самарали воситаси бўла олади, деган фикрини рад этади. Таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ҳуқуқининг тенглиги, шунингдек капиталистик иктисодий муносабатларга барҳам бериш аёлларнинг жамиятдаги аҳволига жиддий таъсир кўрсатмайди, деб ҳисоблайди Митчелл. Митчелл шунингдек репродуктив технологиялар аёллар эмансипациясида жиддий аҳамиятга эга бўлиши мумкинлиги хусусида радикал феминист аёлларнинг фикрига қўшила олмайди, чунки биологик усуллар психологик муаммоларни ҳал эта олмайди. Хотин-қизларнинг бўйсинувчанлик ҳолатида бўлишига барҳам бериш учун уларнинг чуқур шахсий кўникмаларини ўзгартириш зарур.

Шундай қилиб, феминист муаллифларга Фрейдча онгсиз ва гўдакона шахвоний парастлик концепциясини болаликда бошдан кечирганлар катта кишининг йўл тутишларига таъсирини тушуниб катталар ҳатти-ҳаракатини ўзгартириш иложини топиш мақсадида уни таҳлил қилиш учун қўллашга интилиш ҳосдир. “Бу муносабатда болаларни тарбиялаш жорий тартиби сиёсий ўлчамга эгадек кўриларди. Бу борада Нэнси Чодороу ва Дороти Диннерстайнларнинг (Chodorow N. The Reproduction of Mothering (“Воспроизводство материнства: психоанализ и социология гендера” (Оналикни қайта ишлаб чиқиш: психоанализ ва гендер социологияси)); Dinnerstein D. The Rocking of the Cradle and Ruling the World («Качая колыбель и управляя миром» (Бешикни тебратиб ва жаҳонни бошқариб)) 1987) асарлари айниқса эътиборли²⁶. Ҳар иккала муаллиф кўп ижтимоий муаммолар замирида аёлларнинг болани парвариш қилиш монополияси ётади, деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, бола (қиз ёки ўғил) симбиотик тарзда онасига боғлиқ бўлиб, ўзини ундан ажрата олмайди. Эркаклар улғаяр экан, онанинг қодир кучига яна қайта қарам бўлишни хоҳламай, аёлларни назорат қилади. Аёллар эса ўз навбатида онанинг кучи олдидаги кўрқинчни эсдан чиқармай, ўзларидан ўзлари кўрқадилар ва эркаклар томонидан назорат қилинишни хоҳлайдилар. Диннерстайн ва Чодороу бу ҳолатдан чиқиш йўли сифатида эркакларни ҳам ота-оналик вазифаларни бажаришга жалб қилишни таклиф этадилар.

Ҳар иккала тадқиқотчи таклиф қилаётган иккиёклама ота-оналик модели деб аталадиган модел, уларнинг фикрича, “гендер ўзликнинг янги моделларини шакллантириш, эзиш ва мазлумлик элементларидан озод бўлиш имкониятини яратади ва ҳар иккала жинсга мансуб мутлақо яхлит ва масъул шахс ривожланишига ёрдамлашади. Бундай иштирок оқибати сифатида ҳам хотин-қизларни жамоат ҳукмронликдан истисно этиш тугайди, ҳам бутун жамиятнинг гендер тузилиши ўзгаради”²⁷.

²⁶ Кўрсатилган асар. б. 209.

²⁷ Кўрсатилган асар.

Мазкур назария бошқа кўплаб психоаналитик концепциялар сингари асосли равишда танқидга учрамоқда. Танқидчилар унга нисбатан бир қатор даъволарни ўртага ташламоқдалар:

биринчидан, бу назарияда дуал ота-оналик иктисодий жиҳатдан қандай таъминланиши ва у иктисодиёт учун қандай оқибатлар келтириб чиқариши ҳақида ҳеч нарса дейилмаган, холбуки, бундай ота-оналик бандлик соҳасида ўзгаришларни талаб этиши аниқ;

иккинчидан, жамиятни оила шакллантирмайди, аксинча жамият оилани шакллантиради, шу боисдан оиланинг ичидаги ўзгаришлар социумдаги ўзгаришларга олиб келиши мутлақо шарт эмас;

учинчидан, айрим танқидчилар ушбу назария ҳам асосан ўрта синфга мансуб нуклеар гетеросексуал оиланинг тажрибасига таянади, унга универсал тус беришга уринади, деб таъкидлайдилар;

тўртинчидан, бир қатор муаллифлар концепциянинг мазмуни ҳақида бахslashадиладар, улар болани парваришlash моделигина эмас, балки филологик фарқлар ҳам, шунингдек боланинг тилни ўзлаштириш жараёни ҳамда тафаккурининг шаклланиши гендер ўзликнинг шаклланишига кўмаклашади, ва бинобарин, Чодороу-Диннерстайн ёндашуви соддалаштирилган тусга эга.

Кэрол Гиллиган ўзининг *“Иным голосом. Психологическая теория и развитие женщины”* (Ўзга овоз билан. Психологик назария ва аёлнинг ривожланиши) китобида бошқача ғояларни илгари суради²⁸. У Фрейднинг эркакларга юксак ахлоқ ва адолат туйғуси хос, аёлларда эса бундай хислатлар йўқ, деган қарашига қарши чиқади. У шунини исботлайдики, эркаклар ҳам, аёллар ҳам ахлоқ тўғрисида турлича тушунчаларга эга, лекин бу тушунчалар қиммати жиҳатидан бир хилдир. Гиллиган “эркаклар ва аёлларнинг ахлоқий қарорларни қабул қилиш усулларидаги тўртта фарқни кўрсатиб беради:

- аёллар бошқа кишилар билан муносабатларда ахлоқий томонини кўпроқ эътиборга оладилар, аини пайтда эркаклар расмий, мавҳум қоидаларга амал қилишга мойилроқ бўладилар;
- аёллар ўз қарорларининг у билан боғлиқ барчага нисбатан оқибатларини ва таъсирини кўриб чиқадиладар, аини пайтда эркаклар, бунинг натижасида кимдир жабр кўрса ҳам, мавҳум принципларга риоя этилишида қаттиқ туриб оладилар;
- аёллар ногўғри ахлоқий ишлар учун кечирим сўрашга мойилроқ бўладилар, эркаклар эса йўқ;

²⁸ Gilligan C. In a Different Voice. Psychological Theory and Women's Development. Cambridge (Mass.) and London, Harvard Univ.Press, 1982.

- аёллар одатда муайян вазиятлар муносабати билан ахлоқий қарорлар қабул қиладилар, айна пайтда эркаклар ўз қарорларини хусусийдан мавҳумлаштирадилар”²⁹.

Гиллиган ахлоқий қарорлар қабул қилишнинг аёлларга хос турига афзаллик беради, чунки мавҳум принципларга асосланган эркакларнинг ахлоқи ҳамма вақт ҳам оддий турмуш реалликларига мос келавермайди. Гиллиган юқорида келтирилган тезисларга асосланиб, феминистлар доирасида жуда машҳур бўлиб қолган “ғамхўрликлар этикаси” концепциясини шакллантирди ва “Фарқлардаги тенглик” шиорини илгари сурди.

Машҳур француз файласуфлари Ж. Деррид, Ж. Лакан, М.Фуконинг номлари билан боғлиқ бўлган психоаналитик ва лингвистик назарияларга асосланган француз феминистлар мактаби замонавий феминизм назариясининг ривожига катта ҳисса қўшди.

Француз феминист аёли Юлия Кристева ўз назариясини Жак Лакан асарларида асослаб беради. У машҳур “Аёллар даври” эссесида хотин-қизлар ҳаракатининг учта хил сиёсий муаммовий соҳаларини ёки хотин-қизлар ҳаракатининг платформасини тасвирлайди. Ана шу платформаларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада жинсий фарқлар масаласига бориб тақалади. Биринчи платформа тенгликни ҳуқуқлар тенглиги орқали жорий этишга ва жинслараро бирон-бир ўзига хос тафовутлар борлигини инкор этишга асосланди. Иккинчи платформа, аксинча, жинслараро фарқларга ва уларнинг ўзига хослигига асосланган. Учинчи платформа шуни тан оладики, патриархат жамият аёлларга хос барча нарсаларини таҳқирлашга асосланган. Кристева учун аёллар ва эркаклар ўртасидаги фарқларни уларнинг ҳуқуқларини, туйғуларини камситмаган ҳолда қандай сақлаб қолиш масаласи муҳим эди. Масаланинг ечимини у ҳар икки жинс учун барқарор ўхшашлик идеалининг яратилишида, уларга асосланган янги ахлоқ ва сиёсатни ишлаб чиқишда кўради.

Яна бир психоаналитик феминист Люси Иригрэй эркаклар фантазиясининг маҳсулоти сифатида жинслардаги фарқларни ҳам фрейдларга, ҳам лаканларга хос тушунчасини танқид қилади. У “Аёл бўлиш нима дегани?”, “бошқа бўлишчи?” деган масалаларни тадқиқ қилади. Унинг фикрича, психоаналитик анъана “эркакча фикрлаш” таъсири остида туради, аёл ҳақида фақат камчиликлари билан гапириши, унга “бичилган эркак” сифатида қараши мумкин. Эркак демак стандарт, аёл эса стандартдан четга чиққан деб қаралади. Шу сабабли биз биладиган аёл – бу “маскулин феминлик”, эркак кўзи билан қараладиган аёл. Лекин феминча феминлик ҳам бўлиши мумкин, яъни аёл эркакларнинг

²⁹ Воронина О.А. Феминизм и гендерное равенство. М.: УРСС, 2004. с. 111 – 112 асосида келтирилмоқда.

воситалигисиз ўзининг ўзлигини ва ўз тилини яратади³⁰. Бунинг учун аёллар тилнинг табиатига эътиборни қаратишлари керак, чунки мавжуд тил эркаклар томонидан яратилган бўлиб, аёлларни камситиш усули ҳам ҳисобланади. Эркинликнинг иккинчи стратегияси – эркаклар томонидан бостириладиган аёллар сексуаллиги эркинлиги. Иригарэй классик нуктаи-назарга қарши ўларок, аёллар сексуаллигига камчилик сифатида эмас, балки кўп миқдордаги, ўзига етарли, чегара билмайдиган деб қарайди. Шундан келиб чиққан ҳолда у аёлларнинг нафақат сексуал, шу билан бирга бошқа соҳалардаги тажрибасининг ноёблиги тўғрисидаги тезисни асослаб беради.

Юқорида айтиб ўтилганлардан кўриниб турибдики, психоаналитик феминизмнинг заиф жойи шундан иборатки, у аёллар бўйсинишининг психологик сабабларига эътиборини қаратар экан, аёлларнинг тенгсизлик ҳолатини комплекс равишда объектив тушунтириб бера олмайди. Зотан, психоаналитик йўналишнинг хизмати шундаки, у аёл шахсиятини камситадиган психик жараёнларга аёлларнинг ўз эътиборларини қаратишга эришди. Фрейд назариясидан четга чиққан психоаналитик феминизм вакиллари айна пайтда унинг “Анатомия – бу тақдир” постулатини рад этдилар. Улар аёллар психикаси билан аёллар сексуаллиги ўртасидаги фарқларни рад этмаган ҳолда, эркаклар билан аёллар шахсининг бир хиллигини, айримлар эса, масалан Иригарэй, аёлларнинг тажрибаси эркакларнинг тажрибасидан муайян даражада устунлигини асослаб бердилар.

Санаб ўтилганлардан ташқари, бошқа “феминизмлар” ҳам мавжуд – масалан, “қора”, яъни Афро-Америка феминизми; шунингдек миллий бўёқлардаги кўпдан-кўп феминизмлар (Лотин Америкаси, Африка, мусулмонлар феминизми ва бошқа феминизмлар), уларда аёлларнинг мақоми нафақат жинси тоифаси орқали, шу билан бирга ирки, миллати тоифаси ва/ёки диний тизими орқали таҳлил этилади. Учинчи дунё феминист назарийчиларининг кўпчилиги “постколониал феминизм” деб аталувчи XX асрнинг 80-йилларида вужудга келган феминистик тафаккур йўналишига мансубдир. Мана шу йўналиш вакиллари Африка, Осиё ва Кариб ҳавзасининг янги давлатларидаги хотин-қизларнинг мақомини маданий ва миллий ўзлик, тил, миллатчилик сингари категориялар призмаси орқали кўрадилар. Улар патриархат ва колониализмни ўз таъсирига кўра камситишга ўхшаш шакллар деб билдилар: патриархатда аёлларнинг тажрибаси ва колониялаштирилган субъектларнинг тажрибаси кўп жиҳатдан ўхшашдир.

Жумладан, Ҳиндистонлик постколониал феминизм назарийчиси Вандана Шива ҳақон иқтисодидаги интеграция жараёнларини салбий баҳолайди, чунки улар аслида ривожланаётган мамлакатларда ғарб

³⁰ Irigaray L. The Sex Which is Not One. Inthaca, N.Y.: Cornell Univ. Press, 1985.

фирмаларининг иқтисодий диктатурасига олиб келади. Жамият капитализациялашганда аёллар биринчилар қаторида жабр кўрадилар, уларни қарорлар қабул қилишдан четлаштирадилар ва меҳнат бозоридан сиқиб чиқарадилар. Оқибатда аёллар икки ёқлама: камситилаётган миллат вакиллари сифатида ва аёллар сифатида камситишга учрайдилар. Вандана Шива бунинг ечимини глобаллашув жараёнларини қискартиришда, маҳаллий даражада қарорлар қабул қилиш учун масъулиятни қайтаришда, шунингдек хотин-қизлар фаоллигини оширишда деб билади. Шунини таъкидлаш жоизки, постколониал феминизм назариётчилари орасида глобаллашувга қарши қайфиятдагилар анчагина³¹.

Постколониал феминизм учун ғарб феминизмига танқидий муносабат ҳам хосдир, унинг назариётчилари оқ танли бўлмаган аёлларнинг тажрибаси рад этилишини айблайдилар. Уларнинг фикрича, жинс (гендер) маданий фарқлар доирасидан ташқарида мавжуддир, яъни аёлларнинг қандайдир универсал тоифаси бор бўлиб, аслида эса бу тасаввурлардан келиб чиқади, бунинг асосида ғарбдаги ўрта синфга мансуб аёлларнинг тажрибаси ётади. Колониал мамлакатлардаги аёлларнинг образлари ғарб адабиётларида ва оммавий ахборот воситаларида кўпинча “қашшоқлик”, “колоқлик”, “гиперсексуаллик”, ижтимоий ва диний виктимизация (жабрланувчига айлантириш) сингари тушунчалар билан ёнма-ён келади. Бундай ёндашув колониал мамлакатлардаги аёлларнинг янада маргинализациялашувига ҳамда уларга нисбатан менсимай муносабатда бўлишни шакллантиришга хизмат қилади.

Постколониал феминизмда феминизм тафаккурининг бошқа замонавий йўналишларида бўлгандек ўзликни ташкил топтиришнинг ва айна пайтда бошқачаликни юзага келтириш ва мазлум субъектларни маргиналлаштиришнинг рамзий ресурси сифатида тил муаммосига сезиларли аҳамият берилади. Масалан, Гайятри Спивак, ҳозирги пайтда АҚШда яшаётган келиб чиқиши ҳинд феминист ҳам постколониал ҳам феминист назариянинг классик асарига айланган “Мазлумлар гапира оладими?” (“Can a Subaltern Speak?”) асарида ҳинд хотин-қизлари иқтисодий ва ирқий нуқтаи назардан “туб синф” эканлигини кўрсатади, ва аёлларни эркаклар ихтиро қилган “миллий анъана” (миллий истиқлол ва мустақил давлат барпо этиш мафқураси) доирасига жойлаб қўйиш, аслида уларни ўз овозидан, (жамоада) сўзлаш ҳуқуқи ва ҳокимиятда қатнашиш имкониятидан маҳрум қилиш деганини намойиш этади.

Постколониал тўлқин феминизми кўп сонли матнлар, ёндошувлар ва янги миллий давлатлар хотин-қизларининг озод этилишига хизмат қилажак сиёсий стратегияларга доир қарашларни бирлаштиради. Бу матн

³¹ Шнырова О.В. Конгресс в Тромсо/ «Женские миры-99»: 7-ой Всемирный Конгресс и гендерные исследования в России. Иваново, 1999 с.11

ва ёндошувлар учинчи дунёнинг анъанавий жамиятлари ва постколониал мамлакатлар аёллари аҳволига Ғарб маданияти ва глобаллашув кўрсатаётган таъсирни баҳолашда танкидийлик жиҳатидан фарқ қилади. Кўп постколониал жамиятларда хотин-қизлар учун жинс белгиси асосидаги зулм ёки мустамлака зулми сиёсий жиҳатдан кўпроқ аҳамиятга эга деган баҳс долзарб ҳисобланади.

Шундай қилиб, феминизм биринчи тўлқинининг назариясида иккита: либерал ва социалистик йўналиш шаклланди. Феминизмнинг янги тўлқини яна бир қатор назарий йўналишларни юзага келтирди, шулардан асосийси ўзининг базавий патриархат концепцияси бўлган радикал феминизм бўлиб, бошқа йўналишдаги феминист назариётчилар ҳам ана шу концепциядан четга чиқарилган. Шуни таъкидлаш керакки, янги феминизмда бошқа назарий йўналишларни ажратиб кўрсатиш етарлича шартли тусга эга бўлиб, ҳар хил муаллифлар, айтишлик, Люси Иригарэй ва Юлия Кристева ёки психоаналитик, ёхуд пост-модерн феминизмга киритадилар. Шу сабабли, мазкур бўлимда психоаналитик феминизмни ажратиб кўрсатар эканмиз, биз шу билан бирга уни радикал феминизм доирасида кўриб чиққан Валери Брайсоннинг фикрига қўшилаемиз. Умуман олганда ҳозирги замон феминизм назарияси илгаригидек ғарб тафаккурининг маҳсули бўлиб қолмоқда, бироқ у учинчи дунё мамлакатларида ҳам ўзининг тобора кўпроқ тарафдорларини топмоқда, бундай тарафдорлар уни ўзларининг миллий, тарихий ва диний анъаналаридан келиб чиққан ҳолда қайта ишламоқдалар. Бу эса феминизмда кўплаб янги йўналишлар ва ёндашувларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда ва феминизм назариясининг янада ривожланишига омил бўлмоқда.

АДАБИЁТ:

1. Firestone S. The Dialectic of Sex. N.Y., Bantam Books, 1970. (Файрстоун С. Жинс диалектикаси. НЙ, Бантам Букс, 1970)
2. Gilligan C. In a Different Voice. Psychological Theory and Women's Development. Cambridge (Mass.) and London, Harvard Univ. Press, 1982. (Жилиган К. Бошқача овоз билан. Психологик назария ва аёллар ривожланиши. Кембриж (Масс.) ва Лондон, Ҳарвард Юнив. Пресс, 1982)
3. Irigaray L. The Sex Which is Not One. Ithaca, N.Y.: Cornell Univ. Press, 1985. (Иригарэй Л. Жинс бўлмаган жинс. Итака, НЙ.: Корнел Юнив. Пресс, 1985)
4. Брайсон В. Политическая теория феминизма: Введение. М.: Идея-Пресс, 2001. (Брайсон В. Феминизмнинг сиёсий назарияси: Кириш. М.: Идея-Пресс, 2001.)

5. Воронина О. А. Феминизм и гендерное равенство. М.: УРСС, 2004. (Воронина О. А. Феминизм ва гендер тенглик. М.: УРСС, 2004)
6. Воронина О. А. Феминизм: либеральное, социалистическое и радикальное направления./ Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. М.: МЦГИ-МВСШ-МФФ, 2001. (Воронина О. А. Феминизм: либерал, социалист ва радикал йўналишлар./ Гендер тадқиқотлар назарияси ва методологияси. Маърузалар курси. М.: МЦГИ-МВСШ-МФФ, 2001)
7. Миллетт К. Сексуальная политика (главы из книги) // Вопросы философии, 1994. № 9. (Миллетт К. Жинсга доир сиёсат (китобдан боблар) // Фалсафа саволлари, 1994. № 9)
8. Спивак Гаятри Чакраворти. Могут ли угнетенные говорить? // Введение в гендерные исследования. Ч. II: Хрестоматия / Под ред. С. В. Жеребкина. Харьков: ХЦГИ, 2001; СПб.: Алетейя, 2001. (Спивак Гаятри Чакраворти. Мазлумлар гапираоладими? // Гендер тадқиқотларга кириш. II қисм: Хрестоматия / С. В. Жеребкин таҳрири остида. Харьков: ХЦГИ, 2001; СПб.: Алетейя, 2001.)
9. Теория и история феминизма. Курс лекций / Под ред. Ирины Жеребкиной. (Феминизм назарияси ва тарихи. Маърузалар курси / Ирина Жеребкина таҳрири остида. Харьков гендер тадқиқотлар маркази: Ф-Пресс, 1996.)
10. Фридан Б. Загадка женственности. М., 1994. (Фридан Б. Назокат жумбоғи. М., 1994)

3-боб ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ТАРИХИЙ РЕТРОСПЕКТИВАДА

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

Фания Аҳмедшина,
Ольга Шнирова,
Игорь Школьников

Феминизмнинг биринчи тўлқини (XVIII аср охири – 1929 й.)

Феминизмнинг вужудга келиши. Хотин-қизлар ҳаракати XVIII аср охирида “Озодлик, тенглик, биродарлик!” шиорини эълон қилган буржуа инқилоблар тўлқинида вужудга келган деб ҳисоблаш одат тусига кирган. Ялпи тенглик ғояси хотин-қизларни ҳам ўз қарам аҳволлари сабаблари ҳақида мушоҳада қилишга мажбур этди.

Дастлабки феминистлар¹ хотин-қизларнинг эзилиш ҳолати ва уларнинг эркакларга қарамлиги сабабларини изладилар ва буни ҳам ҳуқуқий, ҳам ижтимоий-сиёсий соҳаларда топдилар. Уларнинг қарашлари феминизм дунёқарашида, кейинчалик эса феминизм назарияда шаклланди. Хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқлари учун дастлабки кураш тажрибалари худди шу даврда, яъни бошқа мамлакатлардагидан анча илгарироқ Францияда қўлга киритилди. Хотин-қизларнинг турли хил клублари, уюшмалари пайдо бўлди, улар ўз декларациялари ва хитобномаларида ҳукуматдан хотин-қизларнинг аҳволини яхшилашни талаб қилдилар. 1791 йилда Олимпия де Гужнинг “Хотин-қизлар ва фуқаро аёллар ҳуқуқлари декларацияси” феминизмнинг биринчи ҳужжати бўлди, у инсон ҳуқуқлари хотин-қизларга ҳам тааллуқлими ёки йўқлиги ҳақида лом-лим демаган машҳур “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси”га жавобан ёзилганди. Олимпия де Гуж ўз декларациясида, озодлик ва тенг фуқаролик ҳуқуқлари фақат эркакларнинг ўзигагина тегишли бўлиши мумкин эмаслигини, жамиятнинг ярми - эркаклар фойдаланадиган имтиёзлардан бошқа ярми маҳрум бўлса, амалда тенгликка эришиш мушкуллигини қайд этган, аёлларга барча фуқаролик ва шу жумладан сайлов ҳуқуқларини, шунингдек, давлат лавозимларини эгаллаш имкониятлари берилишини талаб қилган. “Аёл киши эшафотга чиқа олар экан, у минбарга ҳам чиқишга ҳақи бор,” - деган машҳур гап унга мансуб. Гап башорат бўлиб чиқди: 1793 йилда, қизил илқилобий террор авж олган пайтда у ёлғон чақув асосида ҳибсга олинди ва гилйотинада қатл этилди. Шу йилнинг ўзида хотин-қизлар барча клублари ёпилиши ҳақида

¹ Феминист аёллар – хотин-қизлар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари учун курашиш ҳаракати аъзолари (французча *femme* – аёл) Феминизм – 1) хотин-қизлар ва эркаклар тенглиги мафқураси; 2) хотин-қизлар тенглиги ҳаракати

декрет, 1795 йилда эса инқилобда консерватив тенденциялар устун келганда – хотин-қизларга сиёсий йиғилишларда қатнашиш ва жамоат жойларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб йиғилишни тақиқловчи қарор қабул қилинди. Шундай қилиб, инқилобнинг ортга бурилиши Францияда хотин-қизлар ҳаракатининг йиғиштирилишига олиб келди.

Бироқ, жинслар тенглиги ғоялари шу пайтга келиб Франциядан бошқа Европа мамлакатларига, хусусан Англияга тарқалди, бу ерда ушбу ғояларни таниқли ёзувчи аёл Мэри Уолстонкрафт кўтариб чиқди. 1792 йилда у “В защиту прав женщины” (Аёл ҳуқуқлари ҳимояси учун) асарини чоп этди. Бу асарда у: “Ночор чўриларнинг эркин авлодлари ўз иқтидорлари ва фазилатлари ранг-баранглида намоён бўлишлари учун яна неча авлод ўтиши керак бўлади?”² – алам билан сўраганиди. У адолатли жамиятда жинс белгисига қараб камситиш бўлмаслиги керак ва у тугатилиши зарур, деб ҳисобларди. Унинг концепцияси ўз даврининг тенглик қонун олдидаги тенглик деб тушунилган либерал қарашларига асосланган эди. Қонунчилик ва суд тизими хотин-қизларни бўйсиндириш ғоясига тўла асосланган бир шароитда қонун олдида эркаклар билан аёлларнинг тенглиги ҳақидаги талаб мутлақ прогрессив эди. Мэри Уолстонкрафтниң далиллари учта асосий талабни ўртага ташлади: биринчиси – аёллар иқтисодий мустақилликка эга бўлишлари керак; иккинчиси – улар эркаклар билан тенг юридик ва фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлишлари лозим; учинчидан – аёллар худди эркаклар олгандек таълим олишлари керак. Ушбу талаблар XIX аср хотин-қизлар ҳаракати учун асосий талаблар бўлиб қолди.

XIX асрда Ғарб мамлакатларида феминистик ҳаракат. XIX асрда феминистик талаблар ижтимоий ислохотлар юз берган АҚШда кенг тарқалди, бундай талаблар хотин-қизларни жамиятдаги ўз ўринлари ва ўз мақомлари ҳақида ўйлаб кўришга мажбур қилди.

Америкалик феминист аёллар қулликни бекор қилиш учун шафқатсиз курашда (бошқача қилиб айтганда – аболиционистик ҳаракатда) энг фаол иштирок этдилар. 1830–1850 йилларда улар қулликни бекор қилиш учун курашувчи кўплаб гуруҳлар ва ташкилотларда ишладилар ва ҳитобномаларга минглаб имзолар чекдилар. Бироқ тез орада аболиционистик ҳаракат қатнашчилари ҳатто ўзлари билан тенгдош эркаклар учун ҳам тенг ҳуқуқли шахс эмасликларини тушундилар. Бу 1840 йилда Лондонда бўлиб ўтган қулчиликка қарши курашувчиларнинг Умумжаҳон конгрессида, мажлислар залидан барча делегат аёллар ҳайдаб чиқарилганидан кейин аниқ-равшан бўлди. Кейинчалик америкалик хотин-қизлар ҳаракатининг асосчиларидан бири Элизабет Кэди Стэнтон шунини таъкидладики, ислохотчиларнинг Лондон форумида жинс белгисига

² Уолстонкрафт М. В защиту прав женщины. / Феминизм: проза, мемуары, письма. М., 1992. с. 37.

қараб камситиш “кўпгина аёлларни янгича фикрлаш ва ҳаракат қилишга ундади”³.

1848 йилда Э. Кэди Стэнтон билан унинг дугонаси, Сенека Фолз шаҳридаги (Нью-Йорк штати) квакерлар сектасидан даъватчи⁴, томонидан жаҳон тарихида биринчи марта хотин-қизларнинг ҳуқуқлари бўйича Конвент чақирилди, унда уч юзга яқин эркак ва аёллар тўпланди.

Элизабет Кэди Стэнтон Американинг “Мустақиллик декларацияси”га таянгани ҳолда “Ҳис-туйғулар декларацияси”ни тайёрлади ва уни йиғилганларга ҳавола этди. Декларацияда “барча эркаклар ва аёллар тенг яралган. Тангри уларга муайян ажралмас ҳуқуқлар: ҳаёт, эркинлик ва бахтга интилиш ҳуқуқларини берди”, деб таъкидланади. Сенека Фолздаги йиғилишда декларациядан ташқари хотин-қизларнинг хунармандчилик, савдо-сотик, касблар, омма олдидаги чиқишлар, ваъзхонлик соҳаларида тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш талаблари билан ўн битта резолюция қабул қилинган. Алоҳида бир резолюцияда хотин-қизларни овоз бериш ҳуқуқи билан таъминлаш талаб этилган. Сенека Фолзда Конвентнинг чақирилиши Қўшма Штатларда уюшган хотин-қизлар ҳаракатини шакллантиришга асос солган, “Туйғулар Декларацияси” эса феминизмнинг асосий назарий ҳужжатларидан бири бўлиб қолган деб ҳисобланади.

Европа мамлакатларида уюшган хотин-қизлар ҳаракати XIX аср ўрталаридан бошланган. Янги ҳаракатнинг мафқурасини шакллантиришда машҳур инглиз файласуфи, иқтисодчиси ва сиёсий арбоби Жон Стюарт Миллнинг “Аёлнинг бўйсинуви” китоби катта рол ўйнаган, кейинчалик бу китоб “Феминизм инжили” деб ном олган. Маълумки, мазкур асарнинг яратилишига файласуфнинг содиқ дўсти, кейинчалик эса унинг рафиқаси бўлган Гарриет Тейлор жуда катта ҳисса қўшган. Асарда ишга ва оилага тааллуқли анъанавий ижтимоий нормалар аёлларни эзиш ва унга танлаш эркинлигини рад этиш сифатида таърифланган. Аёллар ҳам эркакларга кафолатланган худди шундай табиий ҳуқуқларга муносиб эканликлари, ва хотин-қизларнинг “табиий” деб аталувчи заифликлари – бу маълумотнинг етарли эмаслигида ва танлаш эркинлигининг йўқлигида, шунингдек аёлларнинг зарарли социализациясида эканлиги. “Аёлнинг бўйсинуви” да бугунги кунда ҳам долзарб бўлган мақсадлар: аёлларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан эркакларга қарамлиги амалиётини тўхтатиш; таълим олиш, танлаш эркинлигини ва хотин-қизларнинг мақомини оширишга олиб келиши мумкин бўлган имкониятларни

³ Кўрсатилган асарда, с. 108.

⁴ Квакерлар – радикал йўналишдаги протестант секта аъзолари, Англияда XVII асрда асосланган. Христиан гуманизми ва индивидуализм ғояларини тарғиб қилганлар, черков ақидаларини рад этганлар. Ушбу сектада хотин-қизлар анча эркинликларга эга бўлиб рухоний ҳам бўлишлари мумкин эди.

кафолатловчи қонунларни ва жамоат муассасаларини жорий этиш ва ҳ.з. таърифланган⁵. 1869 йилда эълон қилинган бу асар дарҳол Европанинг барча асосий тилларига, жу жумладан рус тилига таржима қилинган, ундаги ғояларни муҳокама қилиш кўпгина мамлакатларда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун курашувчи ташкилотларнинг тузилишига кўмаклашган.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли мамлакатларда хотин-қизларнинг феминизм ҳаракатидаги иштироки сезиларли даражада ошди. Шаклланиб бўлган феминизм ҳаракати жинси, ирки ва диний эътиқодидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглиги либерал доктринасига асосланди ва жамоат турмушининг барча соҳаларида: касб ва жамоат фаолиятида, таълимда, мулкый ҳуқуқларда, оила-никоҳ муносабатлари соҳасида, сиёсий ҳуқуқлар соҳасида хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигига эришишни ўз вазифаси қилиб қўйди. Хотин-қизларни сайлаш ҳуқуқи билан таъминлаш асосий талаб бўлиб қолди. Буюк Британияда хотин-қизларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилиги учун ҳаракат **суфражизм** (инглизчада suffrage – сайлаш ҳуқуқи) деб ном олди. Инглиз феминистлари туфайли бу атама тарихга феминизмдаги сиёсий йўналиш номи билан кирди. Суфражизм айнан Англияда Европадаги энг узун тарихга эга бўлди. Хотин-қизлар сайлов ҳуқуқлари Комитетининг биринчи суфражист ташкилоти тузилган пайтда, 1865 йилда юзага келган суфражизм ҳаракати Англия парламенти хотин-қизларга эркакларга бўлгани сингари худди ўша асосларда сайлаш ҳуқуқини кафолатловчи сайлов қонунини қабул қилган 1928 йилдагина ўз мавжудлигини тугатди. Англия хотин-қизларининг сиёсий ҳуқуқлар учун етмиш йилликдан ортик кураши тарихини бир неча даврга бўлиш мумкин:

I. *1860 – 1903 йилларнинг охири.* – 1897 йилда Суфражист жамятларининг миллий уюшмаси тузилиши билан тугаган суфражистлар ҳаракати конституциявий йўналишининг пайдо бўлиши ва қарор топиши. Маориф ишлари, парламентга петициялар топшириш, суфражистларни ёқтирувчи сиёсатчилар орқали ўз манфаатларини парламентда ҳимоя қилиш мазкур йўналишнинг асосий усуллари бўлган.

II. *1903 – 1914 йиллар.* – курашнинг янги усулларида фойдаланган суфражист ҳаракатидаги курашчан йўналиши, бу ҳаракатнинг икки оқимга: мўътадил ва радикал оқимга бўлиниб кетишга олиб келган. Суфражист жамятларининг миллий уюшмаси биринчи йўналишнинг вакили эди, 1903 йилда ташкил топган фуқаролар бўйсунмаслиги тактикасига амал қилган Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий иттифоқи иккинчисининг вакили эди. Хотин-қизлар сиёсий ҳуқуқларини қўллаб-қувватловчи эркаклар ташкилотлари юзага келди.

⁵ П. Эллиот, Н. Менделл. Теория феминизма. Хрестоматия, С. 48

III. *Биринчи жаҳон уруши даври*, суфражист аёлларнинг кўпчилиги ватанпарварлик позициясига ўтиб олишган ва хотин-қизлар учун овоз бериш парламент ҳуқуқи учун курашдан вақтинчалик бош тортишган вақт. Суфражист ҳаракати ватанпарварлик ва пацифистик йўналишига бўлиниб кетган давр.

IV. *1918 – 1928 йиллар*. – Суфражист ҳаракати ривожининг якунловчи босқичи, “суфражизм суфражизмдан кейин”. 1918 йилда хотин-қизларга чекланган сайлов ҳуқуқи берилганидан кейин суфражист ташкилотларнинг бир қисми ўзини ўзи тарқатиб юборади, шу жумладан энг катта милитант ташкилоти Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий уюшмаси ҳам, қолган қисми хотин-қизларнинг сиёсий соҳадаги тўлиқ тенглигига эришиш учун курашни давом эттиради⁶.

1888 йилда америкалик феминист аёлларнинг ташаббуси билан тарихда биринчи халқаро хотин-қизлар ташкилоти – Халқаро хотин-қизлар кенгаши тузилади ва халқаро хотин-қизлар ҳаракати шакллана бошлайди. Бунинг натижаси ўлароқ, 50дан зиёд мамлакатда хотин-қизларнинг миллий кенгашлари пайдо бўлди, халқаро хотин-қизлар конгресслари доимий равишда ўтказиладиган бўлди. 1906 йилда бутун дунё суфражистлар жамиятини бирлаштирган халқаро ташкилот – Халқаро суфражистлар уюшмаси ташкил этилди. 1911 йилда Стокгольмда хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари учун курашувчи эркаклар ташкилотларини бирлаштирган Эркаклар хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари учун кураш халқаро уюшмаси ташкил этилди.

Шарқ мамлакатларида хотин-қизлар ҳаракати XIX аср охиридан шакллана бошлайди. Араб Шарқида Суриядан Варда ал-Язичий биринчи феминист аёл бўлди. Мана шу даврда хотин-қизларнинг журналлари: Мисрда «ал-Фағат» («Қиз бола»), «Фағат уш-Шарқий» («Шарқ қизи»), Сурияда «Ал-Хуснат» («Гўзал») чиқа бошлайди. Туркияда хотин-қизлар ҳаракати аъзолари «Талейи нисван жамияти» (Аёллар тақдири жамияти) ташкилотини туздилар ва махсус хотин-қизлар журналинини чиқара бошладилар. Бу ишларда Холида ханим, Фатима Алия, Нигор ханим ва бошқалар алоҳида фаол иштирок этдилар. Ҳиндистон, Хитой, Индонезияда хотин-қизлар миллий-озодлик ҳаракатида тобора кенг иштирок этадиган, таълим олиш ҳуқуқини талаб қиладиган бўлдилар.

Хотин-қизлар халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган кўплаб халқаро тадбирларни яна ҳам шижоатлироқ ва очиқроқ тарзда қўллаб-қувватлайдиган бўлдилар. Бу эса 1899 и 1907 йилларда Гаагада тинчлик конференцияларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш

⁶ Суфражизм ҳақида батафсилроқ қarang: Шнирова О. В., Школьников И. А. Суфражизм как феномен британской истории: основные проблемы и подходы. / Социальная история. М., 2004. Юкорида кўрсатилган муаллифларнинг асарлари Иваново гендер тадқиқотлар марказининг сайти www.icgs.ivanovo.ru да ҳам жойлаштирилган.

даврида айниқса яққол намоён бўлди. 1899 йилда 20 мамлакатдан 2 миллиондан ортиқ хотин-қизлар Гаага тинчлик конференцияси делегатларига мурожаатномага имзо чекдилар. Хотин-қизлар конференциянинг ишида, сунг қарорларини амалга оширишда фаол катнашдилар. Гаага конференцияларининг фаол иштирокчилари каторида Австриялик ёзувчи пацифист аёл, кейинчалик Тинчлик Нобел мукофоти лауреати (1905 г.) бўлган баронесса Берта фон Зутгнер ҳам бор эди⁷.

XX аср бошида кўп мамлакатларда феминист ҳаракат радикалроқ босқичга ўта бошлайди. Буюк Британия ва АҚШ суфражист ҳаракатида радикал ёки милитант – курашчан (инглизча militant – жанговар, курашчан) йўналиш юзага келади. Бунда террорчиликка яқин усулар (ойналарни синдириш, биноларга ўт кўйиш, полиция билан тўқнашувларни келтириб чиқариш, партия тадбирларини барбод қилиш ва шу қабили) қўлланилди. Аслида, бу граждандар бўйсунмаслиги тактикаси эди, чунки бу йўналишдаги суфражист аёллар агар улар қонунлар қабул қилинишига таъсир ўтказа олмас эканлар, қонунларга бўйсунмишлари ҳам шарт эмас деб ҳисоблар эдилар. Феминист ҳаракатда янги йўналишлар юзага келади: уруш таҳдидига қарши кураш, ахлоқда икки хил мезонларга қарши, хотин-қизларни фоҳишалikka тортиш мақсадида уларни сотишга қарши. Феминист ҳаракатга ишчи аёлларининг муайян бир қисми келиб қўшилганлиги яна бир янги хусусият бўлди. Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурати ҳам ўрта, ҳам ишчи синф хотин-қизларини ўз касаба уюшмаларини ташкил қилиш ва мавжуд эркаклар касаба уюшмаларига аъзо бўлишга мажбур этади. Масалан, Буюк Британияда 150 минг, Австрияда 42 минг, Германияда – 120 минг хотин-қиз касаба уюшмалари аъзоси бўлдилар (1907 йил маълумотлари).

Чор Россиясида хотин-қизлар ҳаракати (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши) Табиийки, ҳар бир мамлакатда феминист ҳаракат сиёсий вазият ва тарихий анъаналарга боғлиқ хусусиятларига эга эди. Ҳозирги Ўзбекистон территориясини ўз ичига олган Россия империясида хотин-қизлар ҳаракати қандай ривожланганлигини кўриб чиқайлик. Россияда хотин-қизлар ҳаракати 1860-и йилларда юзага келди. Крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилингандан сўнг камбағаллашган дворян оилаларнинг кўпгина вакилаларининг яшаш чоралари қолмай тирикчилик қилишга мажбур бўлган. Ўрта синф хотин-қизлари учун мақбул ишга жойлашиш имкониятлари йўқлиги Россияда “хотин-қизлар масаласи” деб аталган масалани юзага келтирди. Бу масала асосан Ғарбга мойил либерал матбуот саҳифаларида қизгин муҳокама этила бошлади. Хотин-қизлар мустақиллиги ғоялари Россия жамоатчилиги онгига чуқур сингиб хотин-қизлар артеллари, ўзаро ёрдам ташкилотлари, хотин-қизларни

⁷ Гаагский призыв к миру: голос России». Сборник материалов. М, Консорциум женских НПО, Российский комитет защиты мира, 1999, с. 68.

университетларга қабул қилиш учун ҳаракатини вужудга келтирди. Бирок вужудга келган ташкилотларнинг ҳеч қайсиси хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари масаласини қўймаган эди, қўя олмас эди ҳам, чунки яккахоқимлик Россияда аҳолининг барча табақалари ҳуқуқсиз эди, бу маънода хотин-қизлар эркаклар билан бутунлай тенг ҳуқуқли эдилар.

Бошқа томондан, эркаклар билан хотин-қизларнинг сиёсий соҳадаги бир хилда ҳуқуқсизлик ҳолати узоқ вақт давомида Россия аёлларининг ўз хусусий сиёсий манфаатларини илгари суришга асослари бўлмаганлигига олиб келди. Қонун доирасида сиёсий фаолият олиб бориш имконияти йўқлиги кўп, айниқса ёш, хотин-қизларни ноқонуний инқилобий ташкилотлар сафига қўшилишга туртки бўларди.

Хотин-қизлар сиёсий ҳуқуқлари учун ҳаракатнинг юзага келиши (Россияда у хотин-қизлар озодлик ҳаракати номини олди) 1905 йил инқилоби бошланиши билан, Россиянинг бутун сиёсий тизимини демократлаштириш масаласи кўтарилганда мумкин бўлди. Биринчи рус инқилоби аҳолининг барча қатламларини, шу жумладан хотин-қизларни қамраб олган ижтимоий ва сиёсий турмушни демократлаштириш учун қудратли ҳаракатни ишга солиб юборди. Демократик эркинликлар учун умумий ҳаракат уларга сиёсий тенг ҳуқуққийлик талабини илгари суришга имкон берди. Хотин-қизларга сайлов ҳуқуқлари берилиши учун кураш кампаниясига хотин-қизларнинг кекса бирлашмаларидан бўлган Умумроссия хотин-қизлар ўзаро ҳайрия жамияти (1899 йилда тузилган) фаол қўшилди. Ўз олдига энг аввало сиёсий талабларни қўйган бир қатор янги хотин-қизлар ташкилотлари: Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқчилиги иттифоқи (1905), Хотин-қизларнинг прогрессив партияси (1905), Хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқчилиги лигаси (1907) пайдо бўла бошлади. Россиянинг турли шаҳарларида 48та бўлимига эга бўлган, Халқаро суфражистлар уюшмасининг аъзоси бўлган ва унинг конгрессиغا делегация юборган Тенг ҳуқуқийлик иттифоқи энг нуфузли ташкилотлардан эди. У айни вақтда энг радикал ташкилот бўлган, социал-демократлар билан фаол ҳамкорлик қилган, крестьян ва ишчи аёллар ўртасида тарғибот ишларини муваффақиятли равишда олиб борган.

1906 йилда Умумроссия хотин-қизлар ўзаро ҳайрия жамияти қошида хотин-қизларнинг сайлов ҳуқуқлари бўлими тузилди, у Давлат Думасига бериладиган арзномаларни ишлаб чиқиш, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқчилиги учун курашни тарғибот қилиш ва хотин-қизларнинг фуқаролик ва мулкий ҳолатини яхшилашга доир қонун лойиҳаларининг таклифларини ишлаб чиқиш билан шуғилланган. 1906 йил 3 майда Давлат Думасига топширилган Умумроссия хотин-қизлар ҳайрия ташкилотининг петицияси анча машҳурдир. Ушбу петиция тўққиз минг хотин-қиз томонидан имзоланди ва у кадетлар партиясидан депутат Л.И. Петражицкаяни хотин-қизлар тенг ҳуқуқчилигини ҳимоя қилишга бағишланган оташин нутқ сўзлашга илҳомлантирди.

Хотин-қизлар прогрессив партияси ва Хотин-қизлар тенг ҳуқуқлиги лигаси аёлларнинг сайлов ҳуқуқи учун фаол ташвиқот олиб борди. У хотин-қизлар сайлов ҳуқуқини бошқа демократик талаблардан юқори қўйган ягона хотин-қизлар ташкилоти эди. М.Покровская хотин-қизлар ҳаракати мустақил сиёсий куч сифатида саҳнага чиқиб дадилроқ усуллар билан фаолият кўриши керак деган фикрда бўлган. Бироқ, шунга қарамай, Прогрессив партиянинг дастурий талаблари эркаклар ва хотин-қизларнинг сиёсий эркинликлари: ялпи сайлов ҳуқуқи, кенг қонун чиқариш ваколатларига эга халқ вакиллик органини яратиш, маҳаллий ўзи ўзини бошқаришни кенгайтириш, меҳнат қонунларини киритиш учун биргаликда курашиш тарафдори ХТИнинг дастурий талабларидан кам фарқ қилар эди. Шундай қилиб, мана шу даврда барча хотин-қизлар ташкилотлари либерал-демократик ҳаракат ўзанида иш кўрдилар.

1905 – 1907 йилларни Россияда хотин-қизлар ҳаракати чўққига чиққан давр дейиш мумкин, шу даврда мазкур ҳаракат сиёсий жиҳатдан анча фаол эди ва инқилобий юксалиш тўлқинида рус аёллари Европада биринчилардан бўлиб сайлаш ҳуқуқини қўлга киритадилар, деб кутиб ўтирган Халқаро суфражистлар уюшмасининг диққат-эътиборини тортган эди. Бироқ, хотин-қизлар масаласида либерал ва социал-демократик партия ва ҳаракатларнинг хайрихоҳлигига қарамай аёллар сайлов ҳуқуқига эга шахслар рўйхатларига киритилмади. Финн аёллар истисно бўлдилар, улар миллий ҳаракат тўлқинида Финляндияга мухторият қайтарилгандан сўнг сайлов ҳуқуқларини қўлга киритдилар.

Россияда 1906 ёз фаслидан бошланган демократик ислохотларнинг қисқариши Россияда хотин-қизлар сиёсий ҳаракати имкониятларини сезиларли даражада чеклаб қўйди. Россия хотин-қизлар ҳаракатининг янги имкониятлари, бошқа мамлакат хотин-қизлари ҳаракатларида бўлгани каби, Биринчи жаҳон уруши даврида жамиятда аёллар меҳнатига талаб кескин ортганда юзага келди. Яна Ғарб феминист ҳаракати ўрнаги билан бирлашиш ва ягона умуммамлакат ташкилотни барпо этиш тенденцияси юзага келади. 1916 йилда Хотин-қизлар ўзаро хайрия жамияти ва Хотин-қизларнинг прогрессив партияси ташаббуси билан хотин-қизлар сиёсий ҳуқуқлари талабларини илгари сурган Бутун Россия хотин-қизлар жамияти (кейинчалик, Хотин-қизлар миллий иттифоқи) ташкил этилди.

1917 Февраль инқилоби яна ялпи сайлов ҳуқуқи масаласини кўндаланг қўйди. Хотин-қизлар ташкилотлари бу гал муваффақиятли равишда бундан фойдаландилар, улар намойиш, арзноналар бериш ва вакиллар юбориш йўли билан 1917 май ойида ҳар иккала жинс вакиллари учун овоз бериш ҳуқуқини кафолатлайдиган қонун қабул қилинишига эришишди. Шундай қилиб, инқилобий ўсиш тўлқинида Россия хотин-

қизлари Европада биринчилардан бўлиб эркаклар билан тенг сайлов ҳуқуқларни қўлга киритдилар⁸.

Феминист ҳаракати биринчи босқичининг натижалари. Умуман олганда XX аср бошида гражданлик ҳуқуқи, касбий фаолият, оиладаги аҳволи жаҳатидан хотин-қизлар аҳволида сезиларли ижобий ўзгариш рўй берди деса бўлади. Аёллар учун барча жойларда университетларга йўл очилди, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари тан олиниб касбларга йўл очилди, мулкый-ҳуқуқий мақомлари яхшиланди, оила никоҳ қонунлари эркинлашди, бирқатор мамлакатларда, масалан Буюк Британия ва Скандинавия мамлакатларида, хотин-қизлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида қатнашиш ҳуқуқини олишди, хотин-қизларга парламент овози ҳуқуқи берилиши мисоллари пайдо бўлди. Жаҳонда хотин-қизларга эркаклар билан тенг сайлов ҳуқуқларини берган биринчи давлат Янги Зеландия (1893) бўлди, сўнг Австралия (1902) ва Финляндия (1906), Норвегия (1913). Биринчи жаҳон уруши ҳам хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тан олинишига қўмаклашди, мана шу уруш давомида аёллар ижтимоий турмушнинг кўпгина соҳаларида эркакларнинг ўрнини боса олишларини исботладилар. II жаҳон уруши бошлангунига қадар дунёнинг яна 25 мамлакатада хотин-қизлар тенг сайлов ҳуқуқига эга бўлдилар, бу эса либерал йўналишдаги феминист аёллар хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан кўп йиллик фаолиятларининг муҳим натижаси бўлди.

Хотин-қизларнинг халқаро фаоллиги 1919 йилда Миллатлар Лигасининг Уставида ҳам эркаклар, ҳам аёллар учун Миллатлар Лигасида ва унинг ташкилотларида тенг даражада барча лавозимлар очилганлиги ҳақида янги модданинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса муҳим ютуқ эди. Энди аёллар халқаро ташкилотларда эркаклар билан баб-баравар ишлаш, мунозараларда қатнашиш, миллий делегацияларга кириш учун расмий имкониятга эга бўлдилар⁹.

Мана шу ютуқларнинг барчаси феминистларнинг кўпчилигини шундай хулосага олиб келдики, феминистик ҳаракат ўзининг асосий вазифасини бажарди, бунинг натижасида у аста-секин сўниб борди. Ҳаракат қатнашчилари бошқа демократик ва сўл ҳаракатларда: социалистик, коммунистик, фашизмга қарши ҳаракатларда ўз кучларини ишга солдилар. Масалан, 1934 йилда Парижда 1000дан зиёд делегат иштирокида хотин-қизларнинг Жаҳон Конгресси бўлиб ўтди ва урушга ҳамда фашизмга қарши Жаҳон Хотин-Қизлар Комитети тузилди. Айримлар либерал ва консерватив партияларнинг сафларига қўшилдилар.

⁸ Россияда хотин-қизлар ҳаракати тарихи тўғрисида қаранг, масалан: Юкина И. И. Женское движение в России: пенз пола и суфражизм // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. с. 300 – 319.

⁹ Обеспечение равенства полов: политика стран Западной Европы, с. 285.

II жаҳон уруши даврида хотин-қизларнинг кўпчилиги уруш операцияларида, Партизанларнинг қаршилиқ ҳаракатида, фашизмга қарши яширин курашда қатнашди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда хотин-қизларнинг демократик ташкилотларини туза бошладилар. Лотин Америкаси, Осиё ва Африка аёллари хотин-қизларнинг ҳаракатига тобора кўпроқ қўшила бордилар. 1945 йил декабрда Парижда ташкил этилган Халқаро хотин-қизлар конгрессида Халқаро Хотин-Қизлар Демократик Федерацияси (ХХДФ) бутун дунёдаги хотин-қизларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган кўплаб тадбирларнинг ташаббускори бўлди.

Феминизмнинг иккинчи тўлқини

XX асрнинг 60-70 йилларидан феминизм ҳаракатининг янги юксалиши бошланади. Феминизмнинг янги парвозига туртки яна Қўшма Штатларда берилди. Америка феминизмининг биринчи тўлқини сингари унинг иккинчи тўлқини ҳам қора танли аҳолининг фуқаролик ҳуқуқлари учун кураши таъсири остида вужудга келди. Янги тўлқин феминизмга урушга қарши ҳаракат, ва талабалар ҳаракати, шунингдек ўша даврда кенг тарқалган турли хилдаги сўл радикал назариялар ҳам катта таъсир ўтказдилар. “60-70-йилларда янги тўлқин феминизми ҳуқуқий камситиш ва ижтимоий-сиёсий тенглик умумий мавзуини асосий мавзу қилиб қўйди”¹⁰. АҚШда ҳаракат мафкуравий ва стратегик жиҳатдан икки шаҳобчага бўлинган эди: хотин-қизларнинг ҳуқуқлари учун ҳаракат ва хотин-қизларнинг озодлик ҳаракати. Биринчи шаҳобча эски либерал феминизми анъаналарини давом эттирди ва сиёсий ислохотлар учун, шунингдек ислохотлар ўтказиш мақсадида ҳукуматга босим ўтказиш тактикасидан фойдаланиш учун кураш олиб борди. Мана шу шаҳобчанинг энг нуфузли ташкилоти Хотин-қизлар миллий ташкилоти (ХМТ) 1964 йилда юзага келди. ХМТ жинсий фарқлардан ҳуқуқий нормаларни тузишда асос сифатида фойдаланишни штатлар ва барча инстанция судларига тақиқланиши тарафдори бўлиб чиқди. 1960 – 1970 йилларда Америка ҳуқуқ тизимининг ислоҳ қилиниши кўп жиҳатдан унинг фаолияти натижаси бўлди, ислохот эса жинс белгисига қараб фуқароларнинг ҳуқуқларини юридик жиҳатдан чеклашни бекор қилишга олиб келди. Айни бир пайтда америкалик аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи жиддий равишда ўзгарди.

Ҳаракатнинг иккинчи шаҳобчаси – радикал, сўл, эркаклар билан тенглик ғоясини рад этган кўпинча социалистик феминизм. Унинг доирасида сиёсий ислохотлар ҳеч қачон хотин-қизларни озод қилмайди,

¹⁰ Попкова Л. Н. Влияние женского движения на изменение социально-правового статуса женщин США в XIX-XX вв. // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. с. 110.

асосий эътибор давлатга эмас, аксинча хотин-қизларга қаратилиши керак, деб ҳисобланарди. “Ҳаракатнинг мақсади – фикрлаш ва ҳаракат қилиш усулини ўзгартириш, аёлларни эркакларнинг қадриятларига ўргатиш эмас, аксинча, аёл кишининг моҳиятини қайтадан баҳолашдан иборат”¹¹. Хотин-қизлар ижтимоий ёки ирқий мансублигидан қатъи назар, биргаликда кураш олиб боришлари керак бўлган ўзларига хос манфаатларга эга гуруҳдирлар, деб ҳисоблашарди мазкур ҳаракат қатнашчилари. Шахсий ўзгаришлар асосий кураш майдони бўлиб борарди. Ҳаракатнинг бу шаҳобчаси кўпроқ маҳаллий даражада иш олиб борди. Унинг қатнашчиларининг фикрича, хотин-қизлар жамиятни ўзгартиришни ўзларидан бошлашлари керак. Бу шаҳобча кўплаб гуруҳлардан (онгни уйғотиш гуруҳлари деб аталувчи гуруҳлардан) ташкил топган бўлиб, уларда сардор ҳам, аниқ стратегия ҳам бўлмаган. Сал кейинроқ, ана шу йўналиш доирасида зўравонлик қурбонлари учун кризис марказлар, оиладаги зулмга тоқат қилиб келаётган аёллар учун кўноқлар, тиббий клиникалар, хотин-қизлар марказлари, нашриёт кооперативлари, юридик хизматлар кўрсатувчи марказлар, ишга ёллайдиган хизматлар, хотин-қизлар учун кафе ва ресторанлар, хотин-қизларнинг театр гуруҳлари, бадий галереялар, «эркинлик мактаблари», китоб дўконлари, хунармандчилик буюмларини сотадиган дўконлар ва «хотин-қизлар тадқиқотлари» тармоқлари ташкил этилди. Бунинг барчаси хотин-қизлар бирлашуви ва АҚШда хусусий аёллар кичик маданияти вужудга келишига кўмаклашди. АҚШ радикал феминистларининг тажрибаси кейинчалик бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилди ҳамда уларнинг баъзиларида давлат ижтимоий сиёсатининг бир қисми бўлиб қолди.

Европада феминист ҳаракати “ғолиб чикқан феминизм” мамлакатлари ҳисобланадиган Скандинавия мамлакатларида энг катта муваффақиятларга эришди. Гендер тенгликни таъминлаш бу ерда давлат сиёсатининг бир бўлаги ҳисобланади.

Янги хотин-қизлар ҳаракати ғарб мамлакатларидаги деярли барча партияларнинг дастурларига таъсир ўтказди. Сўл партиялар феминизм ғояларига айниқса таъсирчан бўлиб чикдилар. Феминизм ҳаракатининг кўпгина аъзолари сўл ва яшил партияларнинг аъзолари бўлишди. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатларда хотин-қизларнинг муаммолари билан шуғилланадиган муассасалар (тенглик мақоми кўмиталари, хотин-қизлар ишлари вазирлиги ва б.ш.) ташкил этилди.

Феминист аёлларнинг кўпчилиги бугунги кунда ҳам давом этиб келаётган камситиш муаммолари ва фактларини кўрсатмоқдалар, аслида

¹¹ Темкина А.А. Женское движение как общественное: история и теория. // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетея, 2004. с. 47.

эса Ғарбда хотин-қизларнинг аҳволи жуда кучли даражада ўзгарган. Хотин-қизлар турли ижтимоий ҳаракатлар ва муассасаларда фаол иштирок этмоқдалар; хотин-қизларнинг сиёсий ваколатхоналари 1980 йилларда, айниқса хотин-қизлар парламентда учдан бир қисм ўринларни эгаллаган Скандинавия мамлакатларида кескин кўпайди¹².

Шундай қилиб, феминизм ҳаракати иккита асосий даврга бўлиш мумкин бўлган узок тарихга эга. Биринчиси – биринчи тўлқин феминизми ёки эски феминизм деб аталувчи феминизм (XVIIIаср охири – XX асрнинг учдан бир қисми). Унинг мафқураси асосида фуқаролар ҳуқуқларининг тенглиги тўғрисидаги либерал доктрина ётади, асосий йўналиши суфражизм - хотин-қизларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилиги учун кураш. Суфражизм ўзининг асосий вазифасини бажариб бўлганидан кейин ўзи тугади, ва хотин-қизлар ривожланган мамлакатларнинг аксариятида парламент сайловларида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлдилар. Феминизмнинг иккинчи тўлкини, «янги феминизм», 1960-йилларнинг охирида сўл ҳаракатлар тўлкинида кўтарилиб борди. Шу сабабли янги феминизмда эски феминизм анъаналарини давом эттираётган либерал йўналишдан ташқари, кучли радикал оқим ажралиб туради. Ушбу феминизм барча хотин-қизларнинг манфаатлари бирлигини ва оммавий соҳадагина эмас, шу билан бирга шахсий ҳаёт соҳасида ҳам эркакларнинг устуңлигига қарши биргалашиб курашиш зарурлигини эълон қилади. Айрим тадқиқотчилар феминизмнинг учинчи тўлкинини ҳам ажратиб кўрсатадилар, бу тўлқинда назарий масалаларга, муаммоларнинг таҳлилини ижтимоий–иқтисодий жиҳатдан фалсафий даражага кўчиришга эътибор кучайтирилди. Ҳозирги пайтда феминизм маданият соҳасида жуда катта ютуқларга эришган жиддий ижтимоий ҳаракат бўлиб қолмоқда. Хотин-қизларнинг сақланиб қолаётган гендер тенгсизлиги феминизмнинг барча шаклларида унинг диққат марказида қолмоқда.

АДАБИЁТ:

1. Попкова Л. Н. Влияние женского движения на изменение социально-правового статуса женщин США в XIX-XX вв. // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. (Попкова Л. Н. Хотин-қизлар ҳаракатининг XIX-XX асрларда АҚШда хотин-қизлар ижтимоий мақоми ўзгаришига таъсири. // Сиёсий системаларнинг гендер реконструкцияси / Тузувчи муҳаррирлар Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004)
2. Пушкарева Н. Л. Русская женщина и современность: Два века изучения «женской темы» русской и зарубежной наукой 1800 – 2000: Материалы к библиографии. М.: Ладомир, 2002. (Пушкарева Н. Л.

¹² Кўрсатилган асар, б. 56.

- Рус аёли ва хозирги замон: “Хотин-қизлар” мавзуини рус ва чет эл фанида ўрганилишининг икки асри 1800 – 2000: Библиографияга материаллар. М.: Ладомир, 2002.)
3. Рябова Т. Б. Женщина в истории западноевропейского средневековья. Иваново: Издательский центр «Юнона», 1999. (Рябова Т. Б. Фарбий Европа ўрта асрлари тарихида аёллар. Иваново: Издательский центр «Юнона», 1999.)
 4. Стайтс Р. Женское освободительное движение в России. Феминизм, нигилизм, большевизм, 1860 – 1930. М.: РОССПЭН, 2004. (Стайтс Р. Россияда хотин-қизлар озодлик ҳаракати. Феминизм, нигилизм, большевизм, 1860 – 1930. М.: РОССПЭН, 2004.)
 5. Темкина А. А. Женское движение как общественное: история и теория. // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. (Темкина А. А. Хотин-қизлар ҳаракати ижтимоий ҳаракат сифатида: тақриз ва назария. Сиёсий системаларнинг гендер реконструкцияси / Тузувчи муҳаррирлар Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004.)
 6. Теория и история феминизма. Курс лекций / Под ред. Ирины Жеребкиной. Харьковский центр гендерных исследований: Ф-Пресс, 1996. (Феминизм назарияси ва тарихи. Маърузалар курси./ Ирина Жеребкина таҳрири остида. Харьковский центр гендерных исследований: Ф-Пресс, 1996.)
 7. Школьников И. А. Теория и практика английского феминизма (работы Дж. С. Милля, Гарриет Тейлор и Хелен Тейлор) // Женский вопрос в контексте национальной культуры. Материалы международной научной конференции. СПб., 2000. (Школьников И. А. Инглиз феминизми назарияси ва амалиёти (Ж.С. Милль, Ҳарриет Тейлор ва Хелен Тейлор асарлари) // Миллий маданият контекстидаги хотин-қизлар масаласи. СПб., 2000.)
 8. Шнырова О. В., Школьников И. А. Суфражизм как феномен британской истории: основные проблемы и подходы. / Социальная история, М., 2004. (Шнирова О. В., Школьников И. А. Суфражизм Британия тирихи ходисаси сифатида: асосий масалалар ва ёндашувлар. / Ижтимоий тарих, М., 2004.)
 9. Юкина И. И. Женское движение в России: ценз пола и суфражизм // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. (Юкина И. И. Россияда хотин-қизлар ҳаракати: жинс цензи ва суфражизм // Сиёсий системаларнинг гендер реконструкцияси / Тузувчи муҳаррирлар Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004.)

СОВЕТ ДАВРИДА «ХОТИН-ҚИЗЛАР» МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАЖРИБАСИ

*Фания Аҳмединна,
Ольга Шнирова,
Игорь Школьников*

СССРда хотин-қизларга нисбатан сиёсат (1917– 1991 йй.). Хотин-қизлар масаласини Ўзбекистонда ечилиши (1918 – 1945 йиллар). Ўзбекистон хотин-қизларининг ўтиш давридаги аҳволи.

СССРда хотин-қизларга нисбатан сиёсат (1917– 1991 йй.). Совет жамияти тарихий адабиётида “хотин-қизлар масаласи” ечилган жамият сифатида таърифланган. “Хотин-қизлар масаласи”нинг ечими хотин-қизлар билан эркакларнинг юридик тенгхуқуқлилиги эълон қилинишини, аёлларни жамоат ишлаб чиқаришига кенг миқёсда жалб қилинишини, аёллар учун касбий, оилавий ва репродуктив функцияларни айна пайтда бажариш учун шароит яратилганлигини, имтиёзлар, нафақалар, бола туғилиши ва болани парвариш қилиш билан боғлиқ таътиллار бериш шаклида хотин-қизларни ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини ташкил этилиши, хотин-қизлар меҳнатидан фойдаланишни чекланиши ва ҳоказолардан иборат эди. СССР ва иттифокдош республикаларнинг барча конституцияларида хотин-қизлар билан эркакларнинг меҳнатга ва иш ҳақиға тенг ҳуқуқлари мустаҳкамланган эди. Жамиятни социалистик қайта қуриш давомида хотин-қизлар масаласини ечилишининг асосий шарти деб аёлларни энг кенг равишда жамоатчилик ва ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиниши ҳисобланар эди. Совет ҳокимияти йилларида (1917 – 1991 йй.) бу йўналишда жуда кўп нарсалар қилинган эди. Давлат ижобий дискриминация сиёсатини қўллар эди. Бу сиёсатнинг моҳияти қўламли қонуний имтиёзлар, компенсациялар, рағбатлар ва тақиқлар тизими орқали хотин-қизлар мақомини тартибга солишдан иборат эди. Бу сиёсат хотин-қизлар мақомини муайян даражагача чиқариш имконини берар, дискриминация таъсирини юмшатар эди.

Мамлакатнинг саноатлашуви, саноат ишлаб чиқаришининг ривожланиши туфайли хотин-қизлар меҳнатини жалб қилиш иқтисодий заруратга айланди. Биринчи жаҳон ва граждандлар уруши эркак ишчи кучининг қисқаришига олиб келди. Илгари эркаклар меҳнат қилган ишчи ўринларни энди аёллар эгаллади (бу айниқса энг обрўсиз, малакасиз ва кам ҳақ тўланадиган ишларга тегишли). Кейинчалик, малакали хотин-қизлар кадрларини тайёрлаш муносабати билан манзара ўзгара бошлади. Ўрта ва олий таълим муассасаларини қанчалик кўп хотин-қизлар тугата

бошлаган бўлса, инженер ва техник ходимлар орасида аёллар сони шунчалик ўсиб борди. Қишлоқ хўжалигида ҳам шунга ўхшаш вазият юзага кела бошлади.

Россиялик тадқиқодчи профессор О.А. Хасбулатованинг фикрича хотин-қизларга нисбатан совет давлат сиёсатида уч асосий босқични ажратиш мумкин¹:

1. 1917 – 1930 йй. Бу даврда жинслар тенглиги Советлар давлатининг расмий мафкуравий вазифаси этиб эълон қилинган эди. Мафкурачи вазифасини ўтаган Коммунистик партия ишлаб чиқариш соҳасида хотин-қизлар меҳнати улушини ошириш керак деб ҳисобларди, бу эса марксист феминизми назарийчиларининг концепцияларига тўлиқ жавоб берар эди. Улар хотин-қизларнинг жамоат ишлаб чиқариш меҳнатидаги иштирокини уларнинг ижтимоий мақомини белгиловчи асосий омил деб ҳисоблашар эди. Бундан ташқари, шу пайтда совет қонунларига эркаклар билан аёлларнинг оилавий соҳадаги тенглиги принципи ҳам киритилганди. 1917 йил декабрида «Фуқаролик никоҳи тўғрисида» ва «Никоҳни бекор қилиш тўғрисида» иккита декрет чиқарилди, мана шу ҳужжатлар фуқаролик никоҳини қонунийлаштирди, ажралиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишда эр билан хотинни тенглаштирди, шунингдек аборт қилишга руҳсат берилди. Хотин-қизларни озод қилишга доир совет дастурининг кейинги муҳим йўналиши эркаклар ва аёлларнинг сиёсий тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш бўлди. Айни шу даврда хотин-қизларнинг жамоат ва давлат бошқаруви идораларида иштирок этиши учун партиявий-маъмурий квоталарни амалда жорий этиш бошланди.

2. 1930 – 1960 йиллар. Мазкур босқичда жинсларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш соҳасида совет давлати сиёсатининг концепциясида катта ўзгаришлар юз берди. Хотин-қизлар масаласи ҳал этиб бўлинди, деб эълон қилинади, хотин-қизлар бўлимлари тарқатиб юборилади, давлат эса ишлаб чиқариш ва демография вазифаларини ҳал этишга кириша бошлайди. Айни шу йилларда ижтимоий протекционизм ғояси шаклланади, унинг оқибатида эса хотин-қизлар давлат сиёсати субъектидан унинг объектига айланди, бу эса пировардда гендер муносабатларининг патриархат тизимини қайта тиклади². Бунинг оқибати бўлиб ушбу даврда хотин-қизлар ҳуқуқи ва манфаатларини камситадиган бир қатор қонунлар қабул қилинади.

¹ Хасбулатова О. А. Обзор опыта советской государственной политики в отношении женщин // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алтейя, 2004. с. 397 – 407.

² Захарова Н. К., Посадская А. И. «Женский вопрос» и социальная политика // Семья и семейная политика. М., 1991. с. 48.

1936 йилда абортлар тақиқланади; ўғил ва қиз болаларнинг бирга мактабда ўқиши бекор қилинади; эркаклар алимент тўлашдан озод қилинади; ажрашиш жараёни яна мураккаблаштирилади; гражданлик никоҳлар бекор қилинади.

3. 1960 – 1991 гг. 1960нчи йилларнинг бошларига бориб Совет давлати хотин-қизлар эмансипацияси борасида ўз олдига қўйган кўп масалалар охиригача етказилмади. Масалан, уй хўжалигини умумлаштириш ғояси шундай бўлди. Умумий овқатланиш корхоналар кўриш режалари мунтазам равишда бажарилмас эди. Мактабгача болалар муассасаларида ўринлар етишмас эди. Оиладаги вазифалар тақсимланишида ҳам қандайдир жиддий ўзгаришлар рўй бермади – хотин-қизлар аввалгидек икки қарра юкни кўтарар эди. Ишлаб чиқариш соҳасида хотин-қизлар илгаригидек иккинчи даражали ролларни бажарарди. Партия ҳисоботларида СССРда хотин-қизлар ҳолатини баҳолашда патриархал ёндашув кўпроқ эшитила бошлади. 1980нчи йиллар ўрталарида бошланган демократик жараёнлар ҳам жинслар тенг ҳуқуқлиги масаласида кескин ўзгариш касб этмади. 1980нчи йиллар охири – 1990нчи йиллар бошида масаланинг моҳияти, М.С. Горбачев таъбири билан, “аёлларни оилага қайтариш”га³ бориб тақаларди.

Аёллар совет даврида ҳам, ҳозирги даврида ҳам иқтисодий сиёсатнинг молиявий, бюджет, тижорий, солиқ ва бошқа турларини белгилашда кенг иштирок этмайди. Ишчи ўринларини егаллашда гендер номуаносиблик ошқора ва яширин шаклларда илгари ҳам мавжуд эди, ҳозир ҳам сақланиб қолмоқда; аёллар иқтисодиётни бошқаришда тўлақонли иштирок этмайди; аёлларнинг интеллектуал имкониятлари соҳаларга кам жалб этилган; оналик вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган аёллар ишчи кучининг суёт мослашувчанлиги, малака даражасининг пастилиги сақланиб қолмоқда.

Буларнинг барчаси аёлларнинг ишлаб чиқаришда кенг иштирок этгани ҳолда иқтисодиётни бошқаришда ниҳоятда кам иштирок этишига сабаб бўлди. Аёлларнинг қонунчилик ва ижроия ҳокимияти соҳаларидаги иштирокида ҳам шундай вазият сақланиб қолган. Бунда қонунчилик меъёрлари ва уларга риоя этиш механизмлари мавжуд бўлса-да, улар жинслар тенглигини таъминлай олмайди. Аёлнинг маданий меъёрлари ва стереотиплари, унинг лавозимга оид интилишлари ва уларни амалга ошириш имкониятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Совет ҳокимияти йиллари мобайнида аёлларни “оталикқа олиш” сиёсати шароитида аёллар масъул лавозимларда эркаклар билан

³ Горбачев М. С. Перестройка и новое мышление для нашей страны и для всего мира. М., 1987. с. 116 – 118.

мутаносиб тарзда ишламаган. 1937 йилгача барча даражаларда депутат аёллар сони кам бўлган. Фақат аёлларнинг барча даражалардаги бошқарув органларида иштироки бўйича норасмий партиявий “разнарядка” жорий этилгач, уларнинг фойздаги нисбати кўпайди. 1980-йилларнинг охиригача аёллар СССР Олий Кенгаши депутатларининг 30 фойзини, маҳаллий кенгашлар депутатлигининг 40 фойзини ташкил этган. Бироқ, олий ҳокимият лавозимларини аёллар фақат истисно тариқасида эгаллаган.

Совет тузуми йилларида ҳокимиятда фақат уч нафар аёл ишлаган. Биринчи совет ҳокимиятидаги 67 нафар халқ комиссаридан биттаси - ижтимоий ишлар бўйича халқ комиссари аёл эди (А.Коллонтай), бу лавозимда у фақат бир неча ой ишлаган. 1923-1991 йилларда яна икки нафар аёл - балиқ саноати министри П.Жемчужнова (1939 йилнинг 10 ойи давомида) ва маданият министри Е.Фурцева (1960-1974 йили) бўлган. Демак, совет даври министрлари орасида аёллар улуши 0,5 фойзга тенг бўлган. Политбюро ва КПСС нинг бошқа органларида улар бутун давр мобайнида 3 фойзни ташкил этган холос.

СССР Министрлар Кенгаши Президиумининг охириги таркибидаги 16 кишининг фақат бир нафари аёл эди, иттифоқдош республикалар министрлар кенгашининг 15 нафар раисидан бир нафар (Литва Вазирлар Кенгашини) аёл бошқарган. СССРнинг 38 нафар вазиридан биттаси аёл эди. СССР министрлар кенгашининг доимий органларида биринчи ўринбосарлар ва ўринбосарлар лавозимлари, министрлар лавозимлари жами 600 та бўлса, шундан учтасини аёллар эгаллаган. Булар Хотин-қизлар ишлари бўйича бўлим ва бошқарма, Оила, оналик ва болаликни сақлаш кўмитаси ва Нархлар кўмитаси эди⁴. Шундай вазият барча совет республикаларига хос бўлган.

Хотин-қизлар масаласининг Ўзбекистонда ечилиши. Совет ҳокимияти ўрнатилгач, хотин-қизлар барча соҳаларда эркаклар билан тенг Ғарба феминистлар яна кўп йиллар давомида курашган ҳуқуқларга эга бўлдилар. Совет ҳокимиятининг жинслар тенглигини таъминлашга оид ғоялари ва давлат сиёсати бутун дунёда хотин-қизлар тенг ҳуқуқчилиги учун курашнинг авж олишига сабаб бўлди.

Совет Россияси 1918 йилда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар ва аёлларнинг юридик тенг ҳуқуқчилигини эълон қилиб, ушбу моддани ўз Конституциясига киритгач, барча совет республикаларининг конституциялари, шу жумладан Туркистон Автоном Республикаси Конституциясига ҳам шундай модда киритилди (1918 йил, октябрь). Бироқ, мавжуд тарихий шароитларда хотин-қизлар тенглигини таъминлаш мушкул масала эди. Шариат ва одат қонунлари бўйича

⁴ Кочкина Е. Когда же придет настоящий день? // «ВЕ/МЫ». М, 1998, №6 (22). с. 28.

яшайдиган мусулмон жамияти аёлни анъанавий суратда фақат уй бекаси деб қабул қилар эди, шу туфайли, узоқ йиллар давомида хотин-қизларни озод қилишнинг совет моделига қарши кураш олиб борди.

Янги ҳокимиятнинг дастлабки тадбирлари хотин-қизларнинг оилавий ҳуқуқига қаратилди. Дастлабки пайтларда тенг сайлов ҳуқуқлари, никоҳга кириш ва ажралиш пайтида эр-хотинларнинг тенг ҳуқуқлилиги, вояга етмаган қизларни эрга беришни тақиқлаш, никоҳларнинг мажбурий тарзда совет ҳокимияти органлари томонидан рўйхатга олинishi каби масалалар қоғозда қолиб кетди. Маҳаллий аҳоли шарият ва минг йиллик анъаналар асосида яшашда давом этди. Бирок, эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқчилигининг расман тан олинishi аёлларнинг ижтимоий ҳаётга, биринчи навбатда ижтимоий ишлаб чиқаришга кенг жалб қилинishi учун асос яратди.

Туркистонда тарихий шароит шу тарзда шаклландики, аёллар мустақил фаолиятдан маҳрум эдилар. Шарият ва одат уларни ёпиқ муҳитда яшашга мажбур қилар, уларни отаси, акаси, эри иродасига кўра сотиш, сотиб олиш, оғир тан жазоларига маҳкум этиш мумкин эди. Аёллар кўп асрлик патриархат анъаналарда илдиз отган диний ва маиший бидъатлар тазйиқи остида бўлган. Аёлларнинг муҳим оилавий, шунингдек, жамоат ва давлат масалаларини ҳал этишда иштирок этишига йўл қўйилмаган.

Шу даврга хос аёллар ҳаётининг алоҳида хусусиятини озодликка, маърифатга интилиш ва айни пайтда янги имкониятлардан чўчиш ташкил қилар эди. Туркистондаги дастлабки жамоатчилик ташкилотлари XX асрнинг биринчи чорагида совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг вужудга кела бошлади.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга тортишга доир дастлабки тадбирлардан бири (эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқчилигига эришишнинг зарурий шarti сифатида) уларни таълимга жалб этилиши бўлди. Дастлабки махсус хотин-қизлар мактаблари ташкил этилди. Биринчи хотин-қизлар мактаби Тошкентнинг Бешоғоч даҳасида Башорат Жалилова томонидан 1917 йилнинг декабрида ташкил этилди. Унда 42 нафар ўзбек қизи таълим олди. 1918 йилда Тошкентда 4 та хотин-қизлар мактаби фаолият кўрсата бошлади⁵. Кўп ўтмай бундай мактаблар Андижон, Қўқон ва бошқа шаҳарларда очилди. Фақат Қўқон шаҳри ва Қўқон уездида 1919 йилда 270 нафар ўзбек, 130 нафар қирғиз қизи таълим олган. Қўқондаги хотин-қизлар мактабларининг дастлабки ўқитувчилари Солиҳахон Муҳаммадҷонова, Муқаррама Қодирова, Гулсум Когаева, Фотима Бурнашева, Зебинисо Раззоқова, Зайнаб Садриддинова, Майрам Шарипова ва бошқалар бўлган⁶.

⁵ К.Е. Бендриков. Очерки по истории народного образования в Туркестане. М., 1960, с. 491.

⁶ История Узбекской ССР в 4-х тт. Т.3.Т., «Фан», 1967, с. 241.

1919-1920 йилларда хотин-қизлар институтлари, ўрта техник ўқув юртлири ташкил этилиб, уларда маҳаллий миллатга мансуб қизлар ҳам таълим олган. Бироқ, улар таълим олувчиларнинг 7-8 фоизини ташкил этар эди, холос. Қизларнинг ўқишга кам қатнаши сабабларини ҳокимият реакцион руҳонийлар ҳаракатлари, совет мактаби олдида қўйилган вазибаларга қўшиладиган ўқитувчилар етишмаслиги, сиёсий саводли дарсликлар ва қўлланмалар йўқлиги билан изоҳлар эди⁷. Аҳолининг янги мактаблар борасидаги эҳтиёткорлиги аслида қизлар мактабларида олиб борилган динга қарши тарғибот туфайли пайдо бўлган эди⁸.

1919 йилнинг сентябрида ВКП(б) Марказий Қўмитасида хотин-қизлар билан ишлаш, уларни мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётига жалб этиш бўйича махсус хотин-қизлар бўлими ташкил этилди. Ўрта Осиё шароитида улар мусулмон аёлларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш борасида янги имкониятларни яратиши лозим эди. Шу мақсадда туман ва шаҳар қўмиталари қошида хотин-қизлар билан маданий ва маърифий иш олиб бориш учун махсус бўлимлар ташкил этилди. Улар маърифий-тарбиявий тусдаги турли тадбирлар уюштирилиб, саводсизликни тугатиш бўйича хотин-қизлар мактаблари ташкил этилди. Бу мактаб битирувчилари акушеркалар, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, хотин-қизлар мактаблари ўқитувчиларини тайёрлаш курсларига жалб этилди. Бу ишлар аёллар манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Совет ҳокимиятининг аёллар ахволини ўзгартиришга қаратилган радикал чоралари қаторида 1921 йилдан бошлаб диний тўйлар, қалин ва кўп хотинлиликнинг тақиқланишини қайд этиш мумкин. Никоҳга кириш ёши қизлар учун 9 ёш ўрнига 16, ўғил болалар учун 16 ёш ўрнига 18 ёш деб белгиланган⁹.

1923-1924 йилларда хотин-қизлар ўртасида саводсизликни тугатиш ҳаракатлари шаҳарлардан қишлоқ ва овулларга кўчирилди. Қизлар ва аёлларни саводсизликни тугатиш мактабларига жалб қилиш учун турли имтиёзлар: қишлоқ хўжалиги банкларидан қишлоқ хўжалиги кредити ва ссудалар олиш, деҳқончилик қуроолларини беш фоизга чегирма билан харид қилиш ҳамда саводсизликни тугатиш курслари битирган ёки хотини ёки қизлари олти ойлик саводсизликни тугатиш курсларида ўқиган деҳқонлар учун иш қурооллари қийматини икки йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш каби имтиёзлар белгиланди¹⁰.

Натижада 1924 йилнинг 1 майига келиб хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш курслари сони 18 тага етди, уларда 500 нафарга яқин аёллар

⁷ Кўрсатилган асар, 375-б.

⁸ М. Тохтаходжаева. Между лозунгами коммунизма и законами ислама Т. 2000, с. 52

⁹ Р. Карриева. От бесправия к равенству. Т.: Узбекистан, 1989, с. 35.

¹⁰ История Узбекской ССР, т.3, с. 375.

таълим олди, курсларнинг 13 тасида маҳаллий миллатга мансуб аёллар дарс берди. Хотин-қизлар саводсизлигини тугатиш курслари фаолияти туфайли 1921-1922 йилларда совет муассасалари хизматчилари орасида дастлабки ўзбек аёллари пайдо бўлди. Ўзбек тилида биринчи хотин-қизлар газетаси - «Янги йўл» чоп этила бошланди. Бу нашр ўзбек хотин-қизлар мактаблари учун муҳим қўлланмага айланди. 1924 йилда хотин-қизларни бирлаштириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда жиддий рол ўйнаган ташкилотчи аёллар курслари тузилди¹¹.

Аёлларни ижтимоий ҳаётга жалб қилишда 1924 йилдан бошлаб пайдо бўлган хотин-қизлар клублари муҳим рол ўйнади. Уларнинг қошида саводсизликни тугатиш курслари ва кутубхоналар, болалар ва аёллар маслаҳатхоналари, соғлиқни сақлаш бўлимлари, тикувчилик ва бошқа артеллар, касб-ҳунар мактаблари, юридик маслаҳатхоналар ва ҳоказолар фаолият юрита бошлади. Қишлоқларда “деҳқонлар уйи” очилиб, улар қошида хотин-қизлар клублари ролини бажарувчи кизил бурчаклар ташкил этилди¹². Клублар орқали хотин-қизлар ижтимоий ва ҳўжалик ҳаётига жалб қилинди, уларга ишга жойлашиш, болаларни тарбиялаш борасида ёрдам кўрсатилди. Клублар вояга етмаган қизларни эрга бериш, қалин тўлаш, хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашда катта рол ўйнади.

Янги турмушга, янги байрамларга бўлган қизиқиш аёлларни уларда иштирок этишга даъват этар эди. Ижтимоий ҳаётдаги ёрқин ҳодиса Халқаро хотин-қизлар куни 8-мартнинг нишонланиши бўлди. Бу байрамга олдиндан тайёргарлик кўрилиб, қизлар ва аёллар йиғинлари уюштирилди, уларда хотин-қизлар муаммолари муҳокама қилиниб, аёллар аҳволини яхшилаш бўйича аниқ чоралар белгиланар эди. Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлашга бағишланган биринчи йиғилиш Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида 1924 йилнинг 8-мартида бўлиб ўтди¹³. Кейинги йилларда Халқаро хотин-қизлар куни шарафига минглаб аёллар паранжи ташлаб, ўша жойда, майдонларда, уларни ёққан. Айниқса 1927 йили – “Хужум” ҳаракати даврида бу жараён ниҳоятда фаол ва оммавий бўлган. Шу йили 100 минг нафардан ортиқ аёл паранжи ташлаган¹⁴. Мусулмон аёлларни озод қилишнинг бундай кескин чоралари жамият томонидан, нафақат эркаклар балки аёллар томонидан ҳам унчалик қўллаб-қувватланмаган. Бундай тадбирларда иштирок этиш маъқулланмаган. Уларга коммунист эркаклар ҳам, уларнинг хотинлари, оналари, қизлари ҳам тайёр бўлмаган. Ваҳоланки, айнан улар паранжи ташлаш, мактаб, курслар, клубларда қатнашиш ва ҳоказо соҳаларда бошқаларга ўрнак бўлиши керак эди.

¹¹ К. Е. Бендриков. Указ. Соч., с. 491-492.

¹² История Узбекской ССР, т.3, с. 377.

¹³ К. Усмонов, М. Содиков. Ўзбекистон тарихи (1917-1991). Т.: Шарк. 2001, с. 115.

¹⁴ Ўзбек Совет Энциклопедияси, т.14, Т., 1980, с. 468.

Коммунистик партиянинг мусулмон хотин-қизларига нисбатан ҳимоялаш сиёсати 30-йилларгача давом этди. Бундан кўзланган мақсад уларнинг анъанавий турмуш тарзини, онгини, тафаккурини ўзгартириш, янги турмуш, янгича ҳаёт тарзи тарафдорларига айлантириш, аёлларни иқтисодий ва сиёсий жараёнларга жалб этишдан иборат эди. Давлат сиёсати партия қарорларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

РКП(б)нинг XIII съездида “Ишчи ва деҳқон аёллар ўртасида олиб бориладиган иш тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Унда “партия кўмиталари томонидан Шарқ меҳнаткаш аёллари ўртасида олиб бориладиган ишга раҳбарлик қилиш, ишлаб чиқариш ва партияга жалб этишни кучайтириш” масаласига алоҳида эътибор қаратилди¹⁵. Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишни кучайтириш учун махсус жамғарма ташкил этилди.

ВКП(б) Марказий Кўмитаси ташкилий бюросининг “Шарқ ишчи, деҳқон ва меҳнаткаш аёллари орасида олиб бориладиган ишнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида”ги қарорида (1924) хотин-қизлар озодлигига қаршилик кўрсатувчи реакцион элементларга қарши курашни кучайтириш, аҳолининг хотин-қизлар қисми ўртасида социалистик турмуш тарзи тарғиботини ошириш зарурлиги таъкидланган. Маҳаллий хотин-қизлар ўртасида қуйидаги йўналишларда иш олиб бориш тавсия этилган:

- уларни партия ва совет, профессионал ва кооператив қурилишга имкон қадар кўпроқ жалб этиш;
- хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда эркалар билан баравар иштирок этиши учун ёрдам берадиган муассасаларни ривожлантириш;
- ишчи ва деҳқон аёллар ўртасида совет ва коммунистик маърифат ишларини кучайтириш;
- ишчи аёлларнинг маалаки меҳнатини кучайтириш, уларнинг ишлаб чиқаришдаги мавқеини мустаҳкамлаш¹⁶.

Маҳаллий Советлар (маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари) аёлларни ишлаб чиқаришга, мактабларга ва бошқа маърифий муассасаларига кенгроқ жалб этиш, хотин-қизлар ва болалар муассасалари тармоғини яратишга даъват этди. Йилдан-йилга хотин-қизларнинг сиёсий фаоллиги ортиб борди. Агар 1925 йилда Ўзбекистонда совет аппаратининг қуйи органларида 200 нафар аёл ишлаган бўлса, 1926 йилда фақат Фарғона вилояти бўйича қишлоқ кенгашларига 665 нафар аёл сайланди. “Кўшчи” иттифоқларига аъзо

¹⁵ КПСС в резолюциях, ч.2, с. 89-90.

¹⁶ Кўрсатилган асар.

бўлган аёллар сони кўпайди. 1927 йилда “Хужум” ҳаракати эълон қилинди, бунда эски турмушга, паранжи ва чачвонга қарши кураш эълон қилинди, ўзбек хотин-қизлари тенг ҳуқуқлилиги ва турмушини яхшилашга қаратилган иш олиб боришга даъват этилди.

“Хужум” йилларида хотин-қизлар оммаси фаоллиги ортди. Фақат 1921 йилнинг ўзида 7169 нафар аёл касаба уюшмаларига, 5916 нафар аёл истеъмолчилар кооперациясига аъзо бўлди, 2300 нафар аёл давлат бошқаруви органларига, 1000 нафар аёл маҳаллий кенгашларга сайланди¹⁷. Аёлларни давлат бошқаруви органларига жалб қилишда Ўзбекистон ишчи ва деҳқон хотин-қизларининг 1-съезди (1927 йил сентябр) ҳамда Шарқ аёллари ва миллий озчиликларнинг орасида иш олиб бораётган Бутуниттифок кенгаши (1928 йил) муҳим ташвиқот ролини ўйнади.

Хотин-қизларнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий таълим соҳаларида тобора ошиб бораётган ролини ва айти пайтда бу жараёнларнинг аёллар ижтимоий ва шахсий ҳаётига, жамиятдаги гендер муносабатларга таъсир кўрсатганини қайд этиш керак.

Кўпгина тадқиқотчилар янги ижтимоий жараёнларни хотин-қизлар аҳволига икки ёқлама таъсирини қайд этади. Бир томондан уларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга жалб этилиши озодликка, аёлларнинг ижтимоий, хусусий ҳаётдаги иқтисодий ва сиёсий мақомининг ошишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан, оилавий ҳаётда у илгаригидек аҳволда қолган. Яъни, у ҳуқуқсиз, отаси, акаси, эрига қарам аҳволда бўлган. Патриархал ва гендер ақидалар кучлилигича сақланган, айти пайтда уларнинг шакли ўзгарган. Жамият аёллар аҳволи ва мақоми ўзгаришига қийинчилик билан мослашган. Аёллар озодлигига қарши бўлганлар энг кескин чораларгача борган. Патриархал ва диний ақидалар қаршилиги шафқатсиз ва қонли бўлган. Консерватив руҳонийлар эркакларни хотинлари ва қизларига юзини очишга, клублар, артеллар, мактаблар, конференциялар ва съездларда иштирок этишига руҳсат бермасликка, диний ақидаларни поймол қилмасликка чорлар эди. Аҳоли ўртасида мусулмонларни хотин-қизлар ҳуқуқларини чеклашга, ҳаётдаги янгиликлар билан курашишга, “Хужум” ҳаракати фаоллари ва иштирокчиларига қарши курашишга даъват этувчи варакалар тарқатилди¹⁸.

Кўплаб фаол аёллар озодлик йўлида, таълим олиш йўлида ўз жонларини фидо этдилар. Уларни калтаклашган, зўрлашган, ўлдиришган. Чунончи, 1924 йилнинг сентябрида Хоразмдан 9 нафар қиз Тошкентга хотин-қизлар маърифат институтига ўқишга йўлланган.

¹⁷ История Узбекской ССР, т.3, с. 453.

¹⁸ Х. С. Шукурова. Социализм и женщины Узбекистана. Т.: Узбекистан, 1970, с. 188-189.

Йўлда улар босмачиларнинг қўлига тушиб қолди ва 3 нафари қийнаб ўлдирилди¹⁹. Избоскан туманининг Чуама қишлоғида қишлоқ совети аъзоси этиб сайланган Тўхтабидин эри ўлдирган. Ўзбекистон Компартияси I-съезди делегати, Самарқанд вилоятининг Чашмаоб волостида хотин-қизлар учун мактаб очган Сулаймонова ўлдирилган (1925). Қўқон округининг Бувайда туманидаги Палосон қишлоғида 1927 йил 27 июл оқшомида муллалар томонидан гижгижланган деҳқон “Хужум”да иштирок этгани учун хотинини осиб ўлдирган, Бешарик тумани Янгиқўрғон қишлоғида яшовчи деҳқон хотинини паранжи ташлагани учун ўлдирган. Андижон округининг Назар-махрам қишлоғида 1927 йилнинг майида Хадича Ғойипова ва унинг эри паранжига қарши ташвиқот олиб боргани учун ўлдирилган. Юзлаб аёллар таҳқирлаш ва зўравонликка учраган. Хотин-қизлар тенглиги учун кураш фаолларини тириклайин ерга кўмишган, пичоклашган, қопга солиб, сувга ташлашган²⁰. Фақат 1927-28 йиллар давомида 2,5 мингдан зиёд аёл ўлдирилган²¹.

Жараённинг бундай фожиали кечишига бир неча ижтимоий тарихий омиллар таъсир қилади.

Биринчидан, минг йиллик турмуш тарзи, диний-маданий, ахлоқий меъёрлар, жинсларнинг ижтимоий мақоми қонунлари бўйича яшовчи жамият амалда “аёллар тенглигини” англашга ва тезкорлик билан ўзгаришга қодир эмас эди. Жамият онгини ўзгартириш учун вақт ва саъй-ҳаракатлар зарур эди. Эскирган диний ва гендер ақидаларни йўқ қилиш, аёлларда янги ҳаётга қизиқиш уйғотиш, уларнинг ўз қадрини анъанавий паст баҳолашларини енгиб ўтиш лозим эди.

Иккинчидан, хотин-қизларни озод этиш бўйича маъмурий тазйиқ, радикал чоралар, уларнинг жамият ҳаётига жалб этилиши, айниқса “Хужум” ҳаракатида йўл қўйилган шошма-шошарлик, хатолар жараённинг мажбурий туси жамиятнинг ортодоксал кучлари учун детонатор ролини ўтади.

Учинчидан, Ўзбекистонда янги гендер муносабатларининг шаклланиши совет давлати томонидан (собик Совет Иттифоқининг бошқа республикалардаги каби) хотин-қизларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тенглик берган социалистик тузум афзалликларининг исботи сифатида амалга оширилган. Жинслар тенглиги ғояларининг рўёбга чиқиши янги жамиятнинг адолатлилигини исботлашга қаратилган.

Тўртинчидан, хотин-қизларнинг кўплаб ҳуқуқлари ва эркинликлари кўз-кўз қилиш тусига эга бўлганига қарамай, маиший ва ижтимоий

¹⁹ К.Е.Бендриков. Кўрсатилган асар, 493-б.

²⁰ История Узбекской ССР, т.3, с. 469.

²¹ К. Усмонов, М. Содиков. Кўрсатилган асар, 116-б.

тафаккурда аёллар тақдирининг азалдан белгиланганлиги тўғрисидаги фикрлар сақланиб қолди. Лекин шунга қарамай, аёллар озодликка чиқиб, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга киришиб кетган.

Совет давлати раҳбарияти фикрича, аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилиши уларнинг амалда озод қилинишининг асосий омилдир. Шу боис ҳам қишлоқ ва шаҳар аёлларини ишлаб чиқаришга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Аёллар меҳнати қўлланиладиган ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаси қишлоқ хўжалиги ҳисобланган. 1927-1928 йилларда Ўзбекистонда 30 та қишлоқ хўжалиги далачилик ва бошқа турдаги аёллар артеллари тузилган. 1930 йилда қишлоқ хўжалиги ишчи кучининг 80 фоизини аёллар ташкил этган. Корхоналар қошида болалар муассасалари тармоғи яратилди. Уларда тарбияланадиган болалар сони 91 минг нафарга етди²². Бу она-аёлларга ишлаб чиқаришда ишлаши учун имконият яратди. Шу тариқа совет ҳокимиятининг маҳаллий миллатга мансуб аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш борасидаги кўрсатмаси бажарилди. Фақат 1932 йилнинг ўзида турли ишлаб чиқариш курсларида 7,4 минг нафар ишчи аёл тайёрланди. Олий ўқув юртларининг тайёрлов курсларида 1932-1933 йилларда 5 минг нафар аёл таълим олган²³. Ўзбекистон саноатида аёллар меҳнатининг солиштира салмоғи ортиб бориб, 1937 йилда 36,2 фоизга етди. 1940 йилда ишчи ва хизматчи аёллар сони республика ишчиларининг 40,7 фоизини ташкил этди²⁴.

Шу тариқа 1920-1940 йилларда совет ҳукумати томонидан аёлларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, аёллар, болалар муассасаларининг кенг тармоғини яратиш, уларни мактаблар ва бошқа таълим масканларига жалб этиш бўйича чоралар кўрилди.

Агар 30-йилларнинг иккинчи ярмигача асосий эътибор аёлларнинг аҳволи, уларнинг раҳбарлик лавозимларига кўтариш, ўқишга жалб этишга қаратилган бўлса, кейинчалик аста-секин бу кўрсаткичлар ҳисоботларда акс эттирилмай қолди. Бу ҳолнинг юзага келиши «СССРда хотин-қизлар масаласини ҳал этиш» бўйича янги концепция ишлаб чиқилгани билан боғлиқ. Аёллар аввалгидек, раҳбарлик лавозимлари, депутатлик ўринларига квотасини сақлаб қолган бўлса-да, аста-секин бу масалаларга сиёсий аҳамият бермай қўйилди. «Хотин-қизлар масаласи ҳал этилган», деб топилди.

Уруш бошлангач, аёлларни ишлаб чиқаришга жалб этиш яна муҳим аҳамият касб этди. Аёллар ва ўсмирларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этмай туриб, фронтга кетган эркак ишчи кучлари ўрнини тўлдириб

²² История Узбекской ССР. т.3, с. 551 (ўзимиз ҳисоблаб чиқдик).

²³ Кўрсатилган асар, 565-б.

²⁴ Кўрсатилган асар, 586-б.

бўлмас эди. Уруш йилларида республика корхоналари ва муассасаларида аёлларни “эркаклар” касбига ўқитиш оммалашди. 1943 йилда аёлларнинг саноатдаги улуши 63,5 фоизга етди²⁵.

СССРнинг муҳим қишлоқ хўжалиги марказлари душман кўлида қолгач, фронт орти минтақаларида, шу жумладан Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жабҳаси кенгайтирилиши керак эди. Бу масалаларнинг ҳал этилиши эркакларнинг армияга сафарбар қилинганликлари натижасида ишчи кучи етишмаслиги туфайли мураккаб кечди.

Улуғ Ватан урушининг дастлабки ойларида ҳарбий хизматга қолхозчиларнинг, биринчи навбатда механизаторларнинг 20 фоизи чақирилди. “Аёллар, трактор рулига!”, “Аёллар - ишлаб чиқаришга!” даъватига минглаб аёллар жавоб берди. 1941-1945 йилларда 25 минг нафардан зиёд тракторчи аёллар тайёрланди²⁶. 1942-1945 йилларда аёллар қолхоз ишлаб чиқаришида банд бўлганларнинг ярмидан кўпини ташкил этиб, жиддий меҳнат ютуқларига эришди. Уруш йилларида қолхозларда раҳбарлик лавозимларига тайинланган 64 минг нафар аёл уруш даврининг асосий меҳнат вазифаларини ўз елкаларида олиб чиқишди²⁷.

Урушдан кейинги даврда Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан сиёсат бутун Совет давлатида бўлганидек икки ёқлама бўлиб қолаверди: бир томондан давлат хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилигини эълон қилар ва уларнинг ишлаб чиқаришда ва жамоат ҳаётида иштирокини ошириш чораларини кўрар, бошқа томондан – аёллар учун сиёсий ва касбий карьерда бедаво “ойна шифт” сақланар эди. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа совет республикаларида хотин-қизларнинг маъмулот савияси сезиларли даражада ўсди, уларнинг ижтимоий мақоми, жамиятдаги роли ўзгарди. Чунончи, 60нчи йиллардаёқ аёл врачлар Ўзбекистон ССРда 60%, Қозоғистон ССРда – 70%, Қирғизистон ССРда – 66%, Тожикистон ва Туркменистон ССРда – 58% ташкил қиларди²⁸. Хотин-қизлар умрининг узоклиги ошиб эркаклар умрининг узоклигидан ўзиб кетди. Ижтимоий муҳофазанинг тармоқлаган тизими, ривожланган соғлиқни сақлаш структураси ва болалар муассасалари тармоғи яратилган эди. Буларнинг барчаси минтақани кўпроқ Осиё эмас, балки Европа андозаларига яқинлаштирди.

²⁵ Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. В 3-х томах, т. 1, Т.: Фан, 1981, с. 148.

²⁶ Кўрсатилган асар.

²⁷ Р. Мадраҳимова. Ўзбекистон хотин-қизларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги меҳнат ва ҳарбий жасоратлари. Т., 1981, с. 9.

²⁸ Великий Октябрь и раскрепощение женщин Средней Азии и Казахстана: Сб. документов и материалов. М. 1971, с.15

Бироқ хотин-қизларнинг совет эмансипациясида камчиликлар ҳам бор эди. Давлат ўрнатаётган эмансипация жараёнларининг сақланиб келаётган патриархал анъаналар билан чагишиб кетишуви эркаклар ва аёллар тенглиги фақат партия ҳисоботларида мавжуд бўлиб ҳақиқий ҳаётда хотин-қизлар қамситилиши ишлаб чиқариш соҳасида ҳам хусусий соҳада ҳам сақланиб боришига олиб келди. Далаларда бутун Совет Иттифоқи тўқимачилик саноати учун пахта етиштирилган Ўзбекистонда пахта терими ва бирламчи ишлов берилиши учун асосан бола туғиш ёшидаги аёллар ва қиз болалар меҳнатидан фойдаланилар эди. Уй-рўзгор ишларини бажариш зарурати билан бир қаторда малакасиз оғир ишларда бандлик аёл организмига ҳаддан ташқари оғирлик тушишига олиб келар эди.

Марказий Осиё республикаларида оналикни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўп болаликка патриархал топиниш билан бирлашар эди. Бу бир томондан ҳар 20 йилда Ўзбекистон билан Тожикистон аҳолисини икки қарра кўпайишига олиб келди, бошқа томондан тез-тез ва кўп туғиш аёллар соғлиғига зарар етказди. Контрацепция (сақланиш)ни қўллаш одатларининг йўқлиги абортлар сони ортишига олиб борди. Чунончи, Ўзбекистонда 40-44 ёшлардаги аёлларда ҳомиладорликнинг яримидан кўпи (52,7%) аборт билан тугар эди, чунки бу оилани режалаштиришнинг кўп фарзандли оилалар қўллай оладиган ягона йўли эди²⁹.

Шаҳар ва қишлоқ хотин-қизлари турмуш даражаси ва маълумот савияси орасида катта фарқ сақланар эди. Эмансипация шаҳар хотин-қизларига қишлоқ аёлларига қараганда анча кўпроқ таъсир кўрсатди. Совет даврида шаҳар аҳолисининг кўп қисми хотин-қизлар узлари, сўзсиз бўйсунмиш, ҳаддан ташқари эрта турмуш қуриш одатларини қолоқлик белгилари деб кўра бошлади. Қишлоқ хотин-қизларига келганда, улар патриархал анъаналар таъсирида кўпроқ бўлганлар ва улар учун ижтимоий соҳадаги ютуқлардан фойдаланиш қийинроқ бўлган. Қишлоқ жойлардаги хотин-қизлар зиммасига тушган ҳаддан ташқари оғирлик баъзан асаб чидамаслиғига ва умидсизлик ҳатти-ҳаракатларга олиб келар эди: 1986-1987 йилларда Ўзбекистонда 270 ўзига ўзи ўт қўйиш ҳоли, Самарканд областида 1989 йилнинг беш ойида – 13 хотин-қизлар ўзига ўзи ўт қўйиш факти қайд этилди³⁰.

Шундай қилиб, совет ҳокимияти даврида хотин-қизлар масаласини ечишда эришилган сезиларли муваффақиятга қарамай кўп муаммолар ҳал қилинмай қолди. “Ижтимоий томондан эмансипация рағбатлантирилган”

²⁹ Развитие народонаселения и проблема трудовых ресурсов республик Средней Азии (социально-демографический анализ)/ред.Е.Ю.Юсупов. – Ташкент, 1988, с. 62

³⁰ Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии. История изучения и современные проблемы. Ташкент, 1991. с.120

– бир пайтда – “этник томондан анъанавий равишда аёлларга асосан бола туғиш ва болаларга ва эркакларга қараш вазифасини, яъни уй-рўзғор юмушлари соҳасини, юклайдиган эски ҳатти-ҳаракат нормалари сақланар эди ... Хотин-қизларнинг ўз ишида ўсиши ва интилишлари турмуш сифатининг энг муҳим параметрлари қаторига кирмас эди”³¹.

Ўтиш даврида Ўзбекистон хотин-қизларининг шароити. Мустақиллик эълон қилинишидан бир неча йил ўтибоқ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати жамият ҳаётида хотин-қизларнинг аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор бера бошлади. 1995 йил 2 мартда Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасидаги давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини кучайтириш чоралари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. 1999 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси билан “Аёллар йили” деб эълон қилинди. Ушбу йил бошланишиданок хотин-қизларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш борасидаги ишлар сезиларли даражада фаоллашуви билан белгиланди. Ҳукумат қўллаб-қувватлаши билан Ўзбекистонда уларнинг мақомини оширишга қаратилган бир қатор самарали дастурлар ишлаб чиқилди.

Бирок, ушбу чораларга қарамай, аҳолининг кўпчилигини ташкил этган хотин-қизлар кўп сабабларга кўра кўп соҳаларда эркаклар билан тенг шароитда эмас. Чунончи, гарчи Ўзбекистон қонун ҳужжатларида жинс асосида ҳар қандай камситиш тақиқланган бўлса-да ва меҳнат бозорида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кенг чоралар тизими назарда тутилган бўлса-да, бозор муносабатлари шароитида аёлларни ҳимоя қилиш чоралари улар меҳнатининг нарҳи ошишига олиб келиши масаласи тобора кўпроқ кўтарилмоқда, ҳамда статистика кўрсатишича, хотин-қизлар (айниқса кичик боласи борлари)нинг ишга жойлашиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг Олий раҳбарлик органларида 2002 йилнинг бошида аёллар 13,7 фоизни, эркаклар эса 86,3 фоизни ташкил этган; шу жумладан қонунчилик ва вакиллик органларида аёллар улуши 12,3 фоизни, эркаклар 87,7 фоизни, ижроия ҳокимияти органларида - 15,3 фоизни аёллар ва 84,7 фоизни - эркаклар, суд-ҳокимияти органларида -20,3 фоизни аёллар ва 79,7 фоизни - эркаклар ташкил этган³². Бундай эркаклар ва аёллар катнашувидаги асимметрияни турли сабаблар билан изоҳлаш мумкин: аёлларнинг эҳтиёж ва хоҳишларини инобатга олувчи амалий тенглик механизми йўқлиги, жамиятда патриархал меъёр ва ақидаларнинг сақланиши ва бошқалар. Бу ҳолат ўтиш даври шароитида аввалги даврларнинг муҳим ютуқларининг барҳам

³¹ Табышалиева А. Отражение во времени. (Заметки к истории положения женщин Центральной Азии). Бишкек, 1998. с. 88

³² Женщины и мужчины Узбекистана. Стат. сборник. Т., 2002. с. 101.

топишига олиб келди. Аёлларнинг маданий меъёрлари ва стереотиплари, лавозим борасидаги интилишлари ҳамда уларни рўёбга ошириш имкониятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон хотин-қизлари мамлакатларининг сиёсий ҳаётида қатнашиш ҳуқуқларини ёқлаб чиқа бошладилар. Уларнинг фаолияти Ўзбекистонга демократик ислохотлар йўлидан бораётган мамлакат қиёфасини беришга интилаётган ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланди. Чунончи, 2004 йилда Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонуннинг 22-моддасига «аёллар сони сиёсий партиялар номзодларнинг умумий рўйхатининг 30%дан кам бўлмаслик керак»³³ деган ўзгартиш киритилди. Ушбу ўзгаришнинг киритилиши Ўзбекистон парламентидаги хотин-қизлар сони 2005 йилда қуйи палатада 17,5%га, юқори палатада 23,5% етди.

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини халқаро даражада тасдиқловчи ва давлатнинг ҳуқуқларни муҳофазасига қаратилган ҳаракат режаларини белгиловчи “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш” тўғрисидаги Конвенциясига қўшилди. Республиканинг Халқаро Меҳнат Ташкилотининг “Иш вақтини ҳафтасига қирқ соатгача қисқартириш тўғрисида” конвенцияси, “Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш”, Вена декларацияси (1993 й.); Пекин декларацияси ва Ҳаракат платформаси (1995 й.) каби бошқа халқаро ҳужжатларга қўшилганлиги ва бошқа халқаро ва миллий ҳужжатлар хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлайди.

Шунинг билан бирга Ўзбекистонда хотин-қизлар шароити билан боғлиқ ечимни талаб қилаётган талайгина муаммолар мавжуд. Бошланғич, умумий ўрта, махсус ўрта ва профессионал таълим тизимида гендер тенгликка эришиш устун масалалардан бири бўлиб келмоқда. Шу муносабатда, хотин-қизлар ташкилотлари барча обрўли ўқув муассасаларига қабул қилинадиганларнинг камида 30% хотин-қизлар бўлишини талаб қилмоқдалар. Бундан ташқари хотин-қизларга нисбатан зўравонлик, хотин-қизлар савдоси, аёлларнинг меҳнат бозоридаги аҳволи каби (нафақат Ўзбекистон учун) долзарб муаммолар ҳамон мавжуд.

Шундай қилиб, Совет давлати хотин-қизлар ва эркаклар тенглиги борасида олиб борган сиёсатининг таҳлили ижобий натижалар билан бир қаторда салбий оқибатлар ҳам бўлганини кўрсатади. Ижобий натижалар қаторида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: биринчидан, оддий касбларнинг аксариятига хотин-қизларга имкон берилганлиги, ўқув юртларига киришда камситилмаслик; иккинчидан, касбий меҳнат билан

³³ www.quotaproject.org асосида келтирилди

банд аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги; учинчидан, хотин-қизлар ўзини англашининг ўсиши ва жамоат ишларга кенг жалб қилиш йўли билан ижтимоий фаолликларини оширилиши. Салбий оқибатлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш лозим: биринчидан, меҳнат соҳасида жинс асосида қасбда камситиш ва хотин-қизлар меҳнати учун камроқ иш ҳақи тўлаш ҳамон мавжуд эди; иккинчидан, турли хил имтиёзларга эга аёлларга нисбатан давлат патернализми ишлаб чиқариш соҳасида хотин-қизлар маъқул кўрилмаган ходим сифатида қаралишига олиб келди. Бу ҳодиса 1985 – 1991 йилдаги иқтисодий ўзгаришлар даврида айниқса равшан кўринди. Учунчидан, давлат хотин-қизлар зиммасидаги икки карра оғирлик масаласини ечимини уддалай олмади, бу эса уларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли равишда қасб фаолиятига кириб келиши йўлида жиддий тўсик бўлди. Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда хотин-қизлар шароитини яхшилашга ва гендер тенгликни таъминлашга қаратилган изчил тадбирлар олиб борилди, аммо иқтисодий муаммолар, аҳоли даромадининг пастлиги, оила ва жамиятда сақланиб келаётган патриархат анъаналар хотин-қизларнинг кўп муаммолари ечилмаганлигича қолаверишига олиб келмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда гендер тенглик сиёсатини олиб боришда муваффақиятга эришган мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш сезиларли ёрдам бўлиши мумкин.

АДАБИЁТ:

1. Гагский призыв к миру: голос России. Сборник материалов. М., Консорциум женских НПО, Российский комитет защиты мира, 1999. (Тинчликка Гаага даъвати: Россия овози. Материаллар тўплами. М., Консорциум женских НПО, Российский комитет защиты мира, 1999.)
2. Женщины и мужчины Узбекистана. Стат. сборник. Ташкент, 2002. (Ўзбекистон эркак ва аёллари. Стат. тўплам. Тошкент, 2002.)
3. Захарова Н. К., Посадская А. И. «Женский вопрос» и социальная политика // Семья и семейная политика. М., 1991. (Захарова Н. К., Посадская А. И. «Хотин-қизлар масаласи» ва ижтимоий сиёсат // Семья и семейная политика. М., 1991.)
4. История Узбекской ССР в 4-х тт. Т. 3. Т.: «Фан», 1967. (Ўзбекистон ССР тарихи. 4 томда. Т.3. Т.: «Фан», 1967.)
5. Кариева Р. От бесправия к равенству. Т.: «Узбекистан», 1989. (Қориева Р. Ҳуқуқсизликдан тенглик сари. Т.: «Ўзбекистон», 1989.)
6. Права человека: Единство общечеловеческого и национального. Т. 2, Т.: «Шарк», 1995. (Инсон ҳуқуқлари: Умуминсоний ва миллий жиҳатларнинг бирлиги. Т. 2, Т.: «Шарк», 1995.)

7. Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. В 3-х томах. Т. 1. Т.: «Фан», 1981. (Ўзбекистон ССР Улуғ Ватан Уруши йилларида. 3 томда. Т. 1. Т.: «Фан», 1981.)
8. Хасбулатова О. А. Обзор опыта советской государственной политики в отношении женщин // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. (Хасбулатова О. А. Хотин-қизларга нисбатан совет давлат сиёсати обзори тажрибаси. // Сиёсий системаларнинг гендер реконструкцияси / Тузувчи муҳаррирлар Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004.)
9. Шукурова Х. С. Социализм и женщины Узбекистана. Т., 1970. (Шукурова Х. С. Социализм ва Ўзбекистон хотин-қизлари. Т., 1970.)

ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ҚЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

Фания Аҳмедшина,
Ольга Шнирова,
Игорь Школьников

Дастурий ҳужжатларда ва халқаро ташкилотларнинг фаолиятида хотин-қизлар учун инсон ҳуқуқлари. Эркалар ва хотин-қизларнинг сиёсатда тенг иштирок этишини таъминлаш: Европа тажрибаси. Гендер тенгликни таъминлаш: Канада ва АҚШ тажрибаси. Гендер тенгликнинг скандинавияча модели.

Дастурий ҳужжатларда ва халқаро ташкилотларнинг фаолиятида хотин-қизлар учун инсон ҳуқуқлари. БМТнинг ташкил этилиши билан (1945 й.) хотин-қизларнинг гендер тенглик учун кураши тобора уюшганроқ ва мақсадли тусга эга бўлиб борди. БМТнинг Уставида тарихда биринчи марта ирки, жинси, тили ва динидан қатъи назар, барча одамларнинг тенглиги эълон қилинди. 1946 йилда БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг қўшимча органи сифатида Хотин-қизлар мақоми бўйича комиссия ташкил этилди, бунинг натижасида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларни махсус кўриб чиқиш ва ҳал қилиш, бутун дунёда хотин-қизлар аҳволини ўрганиш учун шароит яратилди.

1948 йил 10 декабрда БМТнинг Бош Ассамблеяси “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”ни қабул қилди. Бу ҳужжат инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон миқёсидаги асосий ҳужжатга айланди. Декларацияга таянгани ҳолда хотин-қизлар ҳаракати аёлларнинг турли муаммоларига жамоатчилик эътиборини қарата бошлади. Бироқ, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг қабул қилиниши маълум маънода аёлларнинг қарам аҳволини мустаҳкамлашга хизмат қилди, чунки унда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари инсон ҳуқуқлари сифатида эътироф этилмади, ва бинобарин, инсон ҳуқуқлари хотин-қизларнинг ҳуқуқлари деб тан олинадими, деган масала яна кўндаланг бўлди. Шу боисдан айрим давлатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари бузилишини оилавий, диний, маданий анъаналарни сақлаб қолишнинг шарт сифатида кўриб чиқар эканлар, бу масалани давлатнинг ваколатидан ташқари бўлган фуқароларнинг мутлақо шахсий иши, деб ҳисоблаганлар.

Иккинчи томондан, халқаро ҳуқуқни ҳимоя қилишга доир битимлар ва механизмлар “совуқ уруш” давридаги сиёсий қарашлар қутбланиш шароитида ишлаб чиқилган бўлиб, шу сабабли, Ғарб давлатлари ҳукуматлари одамларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларига асосий эътибор қаратар экан, аёлларнинг шу ҳуқуқлардан фойдаланиш, ҳамда

ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар бўлмаганлиги туфайли жамият ҳаётида иштирок этиш борасидаги чекланган имкониятларини эътибордан четда қолдирган.

БМТнинг гендер тенглик концепцияси ва стандартлари бўйича содир бўлган ижобий эволюциясини қайд этиш керак. “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция”да (1952) шу нарса таъкидланган эдики, “аёлларга сайловларда эркаклар билан тенг шароитда, бирон-бир камситишсиз овоз бериш”, (1-модда), “миллий қонун билан белгиланган барча муассасаларга... сайланиш” (2-модда), “жамоатчилик-давлат хизматида лавозимга эга бўлиш” (3-модда) ҳуқуқлари берилиши керак. 1966 йилда БМТ ўз Уставига хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқчилиги тўғрисида 2 та модда киритди ва 1967 йилда “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Декларация”ни қабул қилди. Унда “Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқчилигини инкор этиш ёки чеклашга олиб келадиган камситиш моҳиятига кўра адолатсиз бўлиб, инсон кадр-қимматига нисбатан жиноятдир” (1-модда) ва шу сабабли миллий давлатларда “Эркаклар ва аёллар тенглиги тамойили конституцияга киритилиши ёки қонунан бошқача тарзда қафолатланиши керак” (2-модда), деб таъкидланади.

XX асрнинг 70-90-йилларидаги хотин-қизлар ҳаракати бутун дунёдаги ўз тармоқлари ва коалицияларидан аёллар муаммоларига, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, экологик соҳалардаги муаммоларни ҳал этишда уларнинг тажрибаси муҳимлигига жамоатчиликнинг эътиборни тортиш учун фойдаланди. Бу хотин-қизлар ҳуқуқларининг инсон ҳуқуқлари сифатида кенг ёйилишига ва бу соҳада ўзгаришларга эришиш борасида сиёсий стратегияларнинг ривожланишига, бутун жаҳон хотин-қизларининг ғоялар ва тажриба билан алмашишига, хотин-қизлар ҳуқуқлари масалаларига эътиборни тортиш стратегияларини ишлаб чиқишга олиб келди. Умумжаҳон хотин-қизлар федерацияси БМТда аёлларга ижтимоий, иқтисодий ҳаётда, фуқаролик, мулкчилик ва оилавий муносабатлар соҳаларида эркаклар билан тўла тенг ҳуқуқ берилишини талаб қилди.

Хотин-қизлар ташкилотларининг ташаббусига кўра БМТ Бош Ассамблеяси 1975 йилни *Халқаро хотин-қизлар йили* деб эълон қилди ва унинг доирасида *Биринчи Бутунжаҳон конференциясини* чақирди, унинг ишида 133 мамлакатдан келган делегатлар қатнашди. Улар тенглик, тараққиёт ва тинчлик масалаларини муҳокама этишди. Конференция иштирокчилари *Бутунжаҳон Ҳаракат Дастурини* - хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича биринчи халқаро пактни қабул қилишди. БМТ Бош Ассамблеяси хотин-қизлар ташкилотлари ташаббусини қўллаб-қувватлагани ҳолда 1976-1985 йилларни “Хотин-қизлар ўн йиллиги” деб

эълон қилди, 1976 йилда БМТнинг Хотин-қизлар тараққиёт фонди ташкил этди. 1979 йилда БМТ “*Хотин-қизларга нисбатан камситилишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция*”ни (CEDAW)ни қабул қилди ва бу ҳужжат хотин-қизлар ҳуқуқларини етарли даражада тўлик ифодалайдиган дастурий ҳужжат бўлиб қолди.

1980 йилда Копенгагенда (Дания) Хотин-қизлар муаммолари бўйича иккинчи бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтди. Унда 145 мамлакатдан келган 1300 дан ортиқ делегат қатнашди ва яна 800 киши шу пайтда бўлиб ўтган Ноҳукумат ташкилотлари форумида қатнашди. Делегатлар дунёнинг барча регионларидаги хотин-қизларнинг аҳволига доир кўплаб муаммоларни муҳокама қилдилар. Худди шу масалалар БМТнинг 1985 йилда Найробида (Кения) бўлиб ўтган хотин-қизлар муаммоларига оид Учинчи Бутунжаҳон конференциясида кўриб чиқилди. Конференцияда 157 мамлакатдан 1400 нафар расмий делегациялар вакиллари қатнашди, улар Найроби стратегиялари - 2000 йилгача хотин-қизлар аҳволини яхшилаш бўйича ҳаракатлар режасини қабул қилдилар.

Хотин-қизлар ҳуқуқларининг концепцияси инсон ҳуқуқларининг гендер жиҳатларини янгича кўришга ёрдам берди. Бу ҳол БМТнинг 1993 йил Венада бўлиб ўтган инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясига тайёргарлик жараёнида яққол намоён бўлди. Конференциянинг дастлабки мурожаатида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари алоҳида таъкидланмаган эди. Шунда бутунжаҳон хотин-қизлари *Аёллар ҳуқуқларининг инсон ҳуқуқлари деб ҳисобланиши учун глобал компания* бошланди. Конференция номига унинг барча даражалардаги йиғилишларида хотин-қизлар ҳуқуқларига инсон ҳуқуқлари сифатида комплекс ёндашишга ва гендер зўравонликни маданият, ирқ ва тоифадан келиб чиққан ҳолда турли шаклларда намоён бўладиган, ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши, деб ҳисобланган ва зудлик билан чоралар кўришни талаб этадиган умумий феномен ҳодиса деб тан олишга даъват этувчи петиция тайёрланди. Петиция 23 тилга таржима қилинди ва 1000 дан ортиқ ташаббускор гуруҳлар дунёнинг 124 мамлакатидан ярим миллионта имзо тўплади. Натижада Бутунжаҳон конференцияси чакирилган пайтга келиб “хотин-қизларнинг ҳуқуқлари - инсон ҳуқуқлари” ғояси бутун дунёдаги минглаб аёлларни бирлаштирувчи ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасида янада кенг муҳокама этилувчи “янги” шиорлардан бири бўлиб қолди¹.

Вена декларациясида: “Инсон, аёллар ва қизларнинг ҳуқуқлари инсон умумий ҳуқуқларининг ажралмас ва бўлинмас таркибий қисмидир” деб таъкидланади. Бу - шубҳасиз, халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг улкан

¹ Шарлотта Б., Саманта Ф. Права женщин – права человека. Журнал «We/Мы», 1998, №5 (21), с.8.

ютуғи бўлди, БМТнинг кейинги конференцияларида ҳам хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давом этди. 1994 йилда Қоҳирада (ICPD) бўлиб ўтган БМТнинг “Нуфус ва таракқиёт” халқаро конференцияси барча аёлларнинг, айниқса қиз болаларнинг саломатлигини сақлашни, таълим олишини ва ҳуқуқларини таъминлаш нуфус ва таракқиёт соҳасидаги самарали сиёсатнинг асосий омили ҳисобланади, деган тўхтамга келди. 1995 йилда Копенгагенда ижтимоий ривожланиш бўйича бўлиб ўтган умумжаҳон саммитида аёлларнинг камбағаллик ва ижтимоий ночорлик билан курашишлари учун сиёсий ва иқтисодий соҳаларда фаол иштирок этишларига ёрдамлашиш зарурлиги таъкидланди.

1995 йил Пекинда (Хитой) ўтказилган *БМТнинг Тўртинчи Бутунжаҳон хотин-қизлар муаммолари бўйича конференцияси* хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш, аёллар ва эркаклар ўртасида тенгликка эришиш борасида кўлами, мавзуи ва натижаларига кўра энг йирик ва ноёб тадбир бўлди. Унда 189 мамлакатдан 47000 киши қатнашди, улар *бутун дунё хотин-қизлари мақомини ошириш бўйича Ҳаракат Платформасини* қабул қилдилар.

БМТнинг IV Бутунжаҳон конференцияси қабул қилган ҳужжатлар ва кейинги материаллар ҳамда «Пекин+5» дастури доирасида ишлаб чиқилган стратегиялар хотин-қизларнинг ҳуқуқлари муаммоларини англашда янги босқични англайди. “Хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш ва гендер тенглиги ғоясига нисбатан камситишга барҳам бериш зарурлигига асосий эътиборни қаратишдан аста-секин ўтила бошланади”². Конференцияда иккита асосий ҳужжат қабул қилинди: Декларация ва ҳаракатлар Платформаси. Пекин декларацияси жаҳон ҳамжамияти гендер тенглигига эришишга йўналтирилганлигини тасдиқлайди. 26 ва 35-моддаларда “хотин-қизларнинг иқтисодий ресурслардан, шу жумладан ер, кредитлар, илм-фан ва техника, профессионал тайёргарлик, ахборот, коммуникация воситалари ва ҳоказолардан тенг фойдаланишларини таъминлаш”³ зарурлиги таъкидланади. Ҳаракатлар Платформасида “хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги” тушунчасидан гендер тенглиги тушунчасига ўтиш ҳам амалга оширилади, зотан хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Платформа баргараф этилиши аёлларнинг аҳволини яхшилашга кўмаклашадиган асосий муаммоли соҳаларни ажратиб кўрсатади:

- Аёллар ва қашшоқлик
- Таълим ва профессионал тайёргарлик соҳаларидаги тенгсизлик
- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги тенгсизлик ва тегишли хизматлардан тенг фойдаланмаслик

² Воронина О. А. Феминизм и гендерное равенство. М: Эдиториал УРСС, 2004. с. 197.

³ Кўрсатилган асар, 198-б.

- Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик
- Хотин-қизлар учун куруллик можароларнинг оқибатлари
- Иқтисодий ва сиёсий тузилмаларнинг фаолиятида, ишлаб чиқариш жараёнларида ва ресурслардан фойдаланишда қатнашиш борасида хотин-қизларнинг нотенг ҳуқуқлари
- Маъмуриятни бўлиш ва барча даражаларда директив қарорлар қабул қилиш соҳасида аёлларнинг тенгсизлиги
- Барча даражаларда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилашга кўмаклашишга қаратилган механизмларнинг тенгсизлиги
- хотин-қизлар инсон ҳуқуқларининг етарлича ҳимоя
- Коммуникациянинг барча тизимларида ва айниқса оммавий ахборот воситаларида хотин-қизларнинг стереотип образларини яратиш
- Табиий ресурсларни бошқаришда эркеклар ва аёлларнинг тенгсизлиги
- Қизларга нисбатан камситишнинг ва уларнинг ҳуқуқлари бузилишининг сақланиб қолаётганлиги.

Пекин конференциясидан кейин БМТнинг фаолияти ана шу муаммоли соҳалар билан белгиланди. 1996 – 2001 йиллар орасидаги даврда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилашга доир ўртача муддатли режа тайёрланди. Унинг натижалари хотин-қизларнинг аҳволи бўйича Комиссиянинг 44-Сессиясида (март 2001 й.), шу жумладан БМТ Бош қотибининг маърузасида муҳокама қилинди⁴.

Шундай қилиб, гендер тенглик ғоялари халқаро ҳамжамятнинг кун тартибига мустаҳкам кирди. Бу эса БМТ Бош Ассамблеясининг “*Хотин-қизлар 2000 йилда: эркеклар билан аёллар ўртасидаги тенглик, XXI асрда тараққиёт ва тинчлик*” (2000 й.) мавзусидаги Махсус Сессиясида яна бир бор таъкидланди. Мана шу Сессияда иштирок этаётган Ҳукуматлар Пекин декларациясида ҳамда Ҳаракатлар Декларациясида ва Найробидаги истиқболли стратегияларда баён этилган мақсадлар ва вазифаларга улар содиқ эканликларини тасдиқловчи резолюция лойиҳасини қабул қилдилар.

БМТ тузилмалари томонидан хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича ишлаб чиқилаётган халқаро стандартлар ижобий рол ўйнашда давом этмоқда: халқаро битимларнинг ратификация қилиниши миллий қонунчиликларни жаҳон стандартларига мослаштирди. Бундай амалиётсиз глобал даражада тенглик маданияти ғояларини шакллантириш ва амалга оширишнинг иложи йўқ эди.

Эркеклар ва аёллар ўртасидаги имкониятларни баробарлаштириш борасидаги замонавий йўналиш сўзсиз шу жараённинг ифодасидир.

⁴ Там же, с. 200.

Демократик давлатлар ва жамиятларнинг эркаклар ва аёллар ўртасида иқтисодий ресурсларни тенг тақсимлашга эришишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасидаги сиёсий иродасисиз гендер тенгликка эришишга бўлган интилиш бундай куч ва кўламга эга бўлмас эди. Айти пайтда илғор фикрловчи алоҳида гуруҳлар, биринчи навбатда феминистлар гендер тенглик ғояларини кўллаб-қувватловчи сиёсий маданиятга ижобий таъсир кўрсатди. Хотин-қизлар ҳаракати аёлларнинг эскидан сақланиб қолаётган қарам аҳволига, турмушнинг барча соҳаларида эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгсизлик сабабларига жамоатчилик эътиборини жалб қилишга ёрдамлашди. Бу ҳаракат сўнгги 20 йил давомида тенгликка эришиш бўйича миллий ва халқаро тармоқлар яратган ҳамда давлатларнинг шу борадаги сиёсати таъсир ўтказган ҳолда миллий ҳукуматларга жинслар тенглигига эришиш борасида кучли таъсир кўрсатди. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, халқаро хотин-қизлар ҳаракати доирасида 1868-1986 йилларда 15 та ҳукуматлараро ташкилот тузилган, 336 та халқаро хотин-қизлар ташкилоти ва тармоқлари фаолият кўрсатган ва улар хотин-қизлар тенг ҳуқуқлилиги учун фаол кураш олиб борган. 1890-1986 йилларда халқаро ташкилотлар хотин-қизлар ҳуқуқларига тааллуқли 355 та кўп томонлама конвенцияларни қабул қилган⁵.

Халқаро хотин-қизлар ҳаракати сиёсати миллий ҳукуматлар сиёсатининг ўзгаришига, хотин-қизлар аҳволини яхшилашга, аёлларнинг инсонлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган халқаро конвенцияларнинг қабул қилинишига олиб келди.

Хотин-қизлар ҳаракатининг тарихий роли шундаки, у институционал ва ташкилий даражада жинслар тенглиги сиёсати таъсир кўрсата олди. Феминистларнинг бир неча авлоди ҳаракатлари туфайли асрлар давомида мавжуд бўлган хотин-қизлар тенгсизлигини сусайтиришга, аёлларнинг анъанавий равишда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдан четлаштирилиши ҳолатларининг камайтирилишига эришилди. Эндиликда, барча мамлакатлар ҳукуматлари хотин-қизлар манфаатлари ва талабларини инкор этишда, уларни давлат қарорларини қабул қилишдан четлаштиришда чуқур мулоҳаза юритишга мажбур бўлмоқда. Ҳозирги кунда, барқарорлик ва мустаҳкам тараққиётнинг асосий қадриятларини эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқларидан самарали фойдаланиш, фаолиятнинг барча соҳаларида аёллар имкониятларини кенгайтириш ташкил этади деб тан олинган.

Гендер тенглик муаммосига комплекс ёндашув (gender mainstreaming) халқаро, регионал ва миллий даражаларда жинслар

⁵ Обеспечение равенства полов: политика стран Западной Европы, с. 285.

тенглигини таъминлаш сиёсатидаги энг янги тамойиллардан биридир. Ушбу концепция 1995 йилда Пекин конференциясида маъқулланди. Комплекс ёндашув Европада – ҳам Европа Иттифоқи даражасида, ҳам алоҳида мамлакатларда бир мунча фаол ривожланмоқда. Гендер тенгликка комплекс ёндашувнинг янгилиги ва ўзига хослиги шундан иборатки, бундай ёндашув аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам манфаатлари ва кадр-қимматларини бирлаштиради. Европа Комиссияси 1996 йилдан бошлаб ЕИда гендер тенгликни амалга ошириш муаммосига комплекс ёндашув қандай амалга оширилаётганлигини мониторинг қилмоқда ва ҳар йили мана шу масала бўйича “ЕИда аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар” умумий номи остида ҳисоботларни эълон қилмоқда.

Халқаро ҳужжатларда жинсларнинг тенглиги принципларини мустаҳкамлаш амалда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш учун катта аҳамиятга эга. XX асрнинг иккинчи ярмида бу йўналишда доимий тараққиёт кузатилмоқда, мана шу тараққиёт давомида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари концепциясининг ажралмас таркибий қисми сифатида қараладиган бўлди. Аёл инсон ҳуқуқлари тушунчаси пайдо бўлди ва бу тушунча инсон ҳуқуқлари ҳам аёлга, ҳам эркакка мажбурий тартибда тааллуқли эканини билдиради. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини халқаро даражада илгари суришда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ҳамда хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш борасида иш олиб бораётган унинг муассасалари катта рол ўйнади. Европа Иттифоқида ҳам эркаклар ва аёллар ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш муаммосига катта аҳамият берилмоқда, бу эса Европа комиссияси қошида эркаклар ва аёллар ҳуқуқлари тенглиги махсус Комитетининг тузилишида ўз аксини топди. 1990-йиллардан бошлаб халқаро ҳужжатларда “аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқчилиги” тушунчасидан ўтиб кетиш кузатилмоқда, бу эса гендер тенглик тушунчасига аёлларни эркаклар мақомига қадар «тортиш» деб талқин қилинади ва аёллар ва эркаклар учун халқаро тенг ҳуқуқлар стандартларини тан олиш ва яратишни англагади.

Эркаклар ва аёлларнинг сиёсатда тенг иштирок этишини таъминлаш: Европа тажрибаси. Хотин-қизларнинг бошқарувда ва гендер тенглигини реал таъминлашда кенг қатнашишлари учун шарт-шароитлар дунёнинг жуда кам мамлакатларида мавжуд. Бироқ тенгликни таъминлаш ҳамда қонунларга риоя этиш учун барча регионларда ҳуқуқий чегараларни мустаҳкамлашда силжишлар кузатилмоқда.

БМТнинг Хотин-қизлар фонди бўлмиш ЮНИФЕМ маълумотларига кўра, 1987 йилдан 2000 йилгача бўлган давр мобайнида кўпгига мамлакатларнинг парламентларида аёлларнинг улуши ошди. Айниқса

бундай сезиларли ўсиш Жанубий-Африка Республикасида, Уганда, Мозамбик, Аргентинада, Багам оролларида, Барбадосда, Эквадорда, Сальвадорда, Австралияда, Австрияда, Бельгияда, Канадада, Янги Зеландияда, Швецияда ва Буюк Британияда кузатилганлиги қайд этилди. Ҳокимиятнинг сиёсий тузилмаларида хотин-қизларнинг иштирок этиши ошганлигининг сабаби хотин-қизлар учун турли квоталар белгиланганлигидадир. Чунончи, масалан, Жанубий-Африка республикасида конунчилик ҳокимиятнинг маҳаллий органларига мажбурий гендер квоталарни кўзда тутди, лекин ҳокимият органларида хотин-қизлар вакилликнинг миллий даражада ошишида етакчи сиёсий партия – Африка Миллий Конгрессининг Уставига квоталар тўғрисидаги қоидалар киритилганлиги асосий рол ўйнади. Мальтада ва Нидерландияда ҳам, шунингдек Европанинг кўплаб бошқа мамлакатларида ҳам аёлларнинг парламентдаги юқори вакиллик сиёсий партияларнинг уставларига гендер квоталар тўғрисидаги қоидаларнинг киритилганлиги билан таъминланмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, квоталар турли давлатларда турли сабабларга кўра жорий этилган. Масалан, Индонезияда хотин-қизлар ташкилотларининг актив фаолияти ва жамиятни демократиялаштириш жараёни бошланганлиги, Жанубий Африкада миллий ҳаракат юксалганлиги, апартеид сиёсати таназзулга учраганлиги ва Африка Миллий Конгресси ҳокимият тепасига келганлиги квоталарнинг қабул қилинишига омил бўлди. Анъанавий жамиятларда, масалан Индонезия ва Кореяда гендер тенглик юқоридан давлат даражасига чиқарилади, лекин давлат хотин-қизларга нисбатан патерналистик позицияни сақлаб туради. Бироқ, Кореяда, эҳтимол, шу туфайли квоталар тўғрисидаги қоидалар қабул қилинганидан кейиноқ дарҳол хотин-қизларнинг вакилликни ошириш бўйича ажойиб натижаларга: 5, 9 % дан 13% гача эришишга муваффақ бўлди⁶.

Босния ва Сербия сингари посткоммунистик мамлакатларда ҳам квоталар жамиятни демократлаштиришнинг зарур шarti сифатида жорий этилди. Греция “Европа Кенгашининг қарорлар қабул қилиш жараёнида аёллар ва эркекларнинг тенг иштирок этиши юзасидан 1996 йил 2 декабрдаги тавсиясини бажара бориб” квоталарни жорий этди. Посткоммунистик мамлакатлар учун Европа Кенгашига киришга бўлган йўналиш конунчилик даражасида квоталарни қабул қилиш учун бир омилдир. Партия квоталари Социал-демократик партияларнинг уставига киритилганлиги.

⁶ Маълумотлар «Women in National Parliaments» (Аёллар миллий парламентларида): www.ipu.org/wmn-e/world.htm сайтдан олинди

Шу билан бирга квоталарни жорий этиш самарадорлиги ҳар хил, ва бу тадбир хотин-қизларнинг парламентдаги вакиллигини сезиларли тарзда оширишга олиб келади. Бошқа томондан эркин фикрлаш, толерантлик ва демократия анъаналари азалий барқарор бўлган ва фуқароларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлашга доир қонунлар ишлаб чиқилган мамлакатларда, масалан Нидерландияда ҳокимият тепасида аёллар вакиллигининг юқорилиги квоталарни жорий этмасдан ҳам таъминланади. Бундай анъаналари бўлмаган, жамиятда эса хотин-қизларни сиёсатда кўтаришга қарши кучли дунёқараш мавжуд бўлган “ўтиш даври” мамлакатларида квоталаштириш эркаклар ва аёлларнинг сиёсий тенг вакиллигини таъминлашнинг самарали усули бўлиши мумкин.

Гендер характеристикалари турлича бўлган турли мамлакатлар парламентларининг фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатдики, депутатлар корпуси таркибида аёллар 20%дан кўп бўлганда, қонун чиқарувчилар болалар манфаатларини кўзлаб қонун лойиҳаларини жиддий равишда ишлаб чиқа бошлайдилар. Аёллар улуши 30%га яқинлашиб қолганда эса хотин-қизларнинг манфаатларига мос келувчи қонунлар ва давлат дастурлари пайдо бўлади. Давлат ҳокимияти тузилмаларида аёллар ва эркаклар баб-баравар қатнашганда масъулиятли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий қарорлар қабул қилинади, бу эса мамлакатнинг барқарор ривожини таъминлайди. Шу боисдан ғарб мамлакатларида демократиянинг ривожланишини хотин-қизларнинг сиёсатдаги иштирокини кенгайтириш ва гендер стереотипларининг бузилиши билан бевосита боғлайдилар.

Хотин-қизларни юқори ҳукумат лавозимларига тайинлашда ҳам тараққиёт кузатилган. 1990 йилдан кейин 24 нафар хотин-қиз давлатлар ёки ҳукуматларнинг бошлиқлари этиб сайланган. 1994 йилнинг охирида хотин-қизлардан 10 нафари ўз мамлакатларининг ҳукуматларини бошқарганлар, бу эса тарихда мисли кўрилмаган ҳодиса бўлиб қолди. 1987 – 1994 йиллар орасида хотин-қизлар вазирлик лавозимларини эгалламаган мамлакатлар сони 93тадан 62тагача камайди. Шу пайтга келиб, олти мамлакатда (Дания, Нидерландия, Норвегия, Сейшел ороллари, Финляндия ва Швецияда) аёллар вазирларнинг тахминан учдан бир қисмини ташкил этганлар. Агар 1987 йилда 14 та мамлакатда аёллар шундай амал даражасида 15%ни ташкил этган бўлсалар, 1994 йилда 23 мамлакатда шундай бўлган. Бироқ бундай тараққиёт ҳамма мамлакатлар ва регионларда ҳам кузатилмаган. Масалан, дунёнинг 25 мамлақатида аёллар на вазирлик лавозимларига, на унданда пастроқ лавозимларга тавсия этилган. Мана шу мамлакатларнинг ярмидан кўпи Осиёда ва Тинч Океан ҳавзасида жойлашган.

Давлатни бошқаришда хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтиришга Нидерландияда, Ирландияда, Канадада, Германияда муҳим аҳамият беришмоқда. Мана шу мамлакатларда хотин-қизларни ҳокимият сайлов органларида, бошқарувчилик раҳбарлик лавозимларида, олий ва ўрта бўғин вазирлик тузилмаларида янада кенг иштирок эттириш мақсадида давлат хизматчиларини жинсий белгисига қараб танлаш давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда.

Нидерландия ҳукумати амалга ошираётган ижобий ҳаракатлар стратегияси “хотин-қизларга нисбатан дўстона” вазиятни вужудга келтиришга олиб келди. Эмансипация Кенгаши ва жинслар тенглиги сиёсатини мувофиқлаштириш Департаменти ташкил этилди. Ҳокимият органларида хотин-қизлар сонининг ошиши ҳукумат ва сиёсий партиялар ижобий ҳаракатлари сиёсатининг натижаси бўлди. XX аср охирига бориб, Нидерландлар парламентдаги депутат аёллар улуши бўйича дунёнинг 164 мамлакати орасида бешинчи ўринни эгалладилар⁷.

Гендер тенгликни таъминлаш: Канада ва АҚШ таърибаси. Канадада 1986 йилдан бошлаб ишга қабул қилишда ва хизмат юзасидан кўтарилишда хотин-қизларни тенг имкониятлар билан таъминлаш чоратadbирлари кўрилди. Ирландияда қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат молия вазирлигининг махсус бўлими ва давлат хизматчилари қасаба уюшмаси ташкилотларининг вакилларида иборат Қўмита зиммасига юклатилган. Канада шундай мамлакатлардан бирики, унда хотин-қизлар хусусидаги сиёсат учун жавобгар бўлган махсус давлат органи – Хотин-қизлар ишлари вазирлиги фаолият юритида. Бундан ташқари, Канада турли вазирликлари ва идоралари доирасида хотин-қизларнинг манфаатларига дахлдор бўлган муаммоларни ҳал этиш билан шуғилланадиган махсус бўлинмалар (масалан, Одам ресурсларини ривожлантириш вазирлигининг хотин-қизлар бюроси, Канада Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли хотин-қизлар соғлиқни сақлаш бюроси, Халқаро ривожланиш Канада агентлигида гендер тенглик бўлими ва бошқалар). Мана шу муассасаларнинг ҳаммаси гендер тенглик сиёсатини амалга ошириш Канада миллий механизмининг таркибий қисмидир. Мазкур муассасалар ишлаб чиқадиган миллий мақсадли дастурлар ушбу механизмнинг бошқа энг муҳим таркибий қисмларидир, булар орасида “Хотин-қизлар дастури” деб аталган дастур (1973 йилда ишлаб чиқилган) энг муҳим ўринни эгаллайди. Унинг асосий мақсади – хотин-қизлар ташкилотларига ва ўз фаолиятини Канада хотин-қизларининг аҳволини яхшилашга йўналтирган ташкилотларга молиявий, ахборот, маслаҳат ёрдамини кўрсатишдан иборат. Мана, масалан, XX асрнинг сўнги ўн

⁷ Обеспечение равенства полов: политика стран Западной Европы. М.: Идея-Пресс, 2000. с. 119.

йиллиги давомида “Хотин-қизлар дастури” мададида 40 млн Канада долларидан ортиқ суммага 2000дан зиёд лойиҳа амалга оширилди⁸.

АҚШда ХХ асрнинг бутун иккинчи ярми давомида иктисодиёт соҳасида эркаклар билан аёллар учун тенг имкониятлар яратиб беришни биринчи галдаги мақсад қилиб қўйган изчил қонуний сиёсат мавжуд бўлган. Ўтган асрнинг охирларида ишчи хотин-қизлар кучининг улуши анча ошган бўлишига (ҳали ҳам ошмоқда), аёллар эса юқори ҳақ тўланадиган “эркакларга хос” деб аталувчи касбларни (тиббийёт, ҳуқуқшунослик) аста-секин ўзлаштириб олаётганларига қарамай, АҚШда гендер тенглигига эришиш йўлида кўпдан-кўп муаммолар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Биринчидан, таълим соҳасида олиб борилаётган сиёсат билан боғлиқ бўлган юқори ҳақ тўланадиган касбларни эгаллаш ҳуқуқининг тенг эмаслиги давом этмоқда. Иккинчидан, америкалик аёллар учун меҳнатга тенг ҳақ тўлаш жиддий муаммо бўлиб қолмоқда (масалан, 1998 йилги маълумотларга кўра, америкалик аёлларнинг ўртача йиллик иш ҳақи эркаклар ўртача йиллик иш ҳақининг 73%ни ташкил этган).

АҚШда бу муаммоларни қонун йўли билан ҳал қилишга уриндилар. Масалан, 1963 йилда тенг ҳақ тўлаш тўғрисидаги қонун қабул қилинганди, бу қонун меҳнатга ҳақ тўлашда жинсий белгиларига қараб камситиш ман этилганди. Кейинги, 1964 йилда ишга ёллашдаги тенгсизликни тугатишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида Қонун қабул қилинди. Маориф соҳасида ҳам катта қонуний ўзгаришлар амалга оширилди. 1972 йилда маорифда жинсий белгисига қараб камситиш махсус қонун билан тақиқлаб қўйилди. 1974 йилда қабул қилинган хотин-қизларнинг тенглиги тўғрисидаги Қонун таълимнинг барча даражаларида гендерга эришиш юзасидан давлат фаолиятини тасдиқлади. Бундан ташқари, 1976 йилда 1963 йилнинг профессионал таълим тўғрисидаги Қонунига бир қатор тузатишлар қабул қилинди. Тузатишларнинг 11-Моддаси “эркаклар” ва “аёллар” касбларининг мавжудлиги тўғрисидаги қотиб қолган гендер стереотипларни бузишга қаратилган эди. Мазкур моддага мувофиқ, АҚШ ҳукумати хотин-қизларнинг касбий тайёргарлик махсус марказлари ташкилотини молиялаштирди⁹.

⁸ Шведова Н. А., Израелян Е. В. Канадская модель общественно-политической интеграции женщин // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. с. 199 – 200.

⁹ Шведова Н. А. Политическое участие и представленность женщин в США: последняя треть XX века // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. с. 150 – 155.

1993 йилдан бошлаб хотин-қизларни айниқса давлат аппаратига ишга кенг жалб этиш бошланди. Б. Клинтон маъмурияти АҚШ тарихида “аёллар энг кўп бўлган” маъмурият деб ҳисобланади. Унда хотин-қизлар 2500дан кўп лавозимларни эгаллашган, бу 40%дан зиёдни ташкил этади. 27 нафар аёл президентнинг тайинлаши билан олий сиёсий лавозимларни эгаллашган. Бундан ташқари, АҚШ президентининг маъмурияти қошида хотин-қизлар ташаббуслари махсус Бўлими ҳамда хотин-қизлар тадбиркорлиги идоралараро президент кўмитаси ташкил этилган¹⁰.

Гендер тенглигининг скандинавияча модели. Гендер тенглиги сиёсати соҳасида Скандинавия мамлакатлари сардор ҳисобланадилар, уларда тенглик ва ижтимоий демократия принципларига содиқлик чуқур тарихий илдизларга эга. Мазкур мамлакатларда парламентчи аёллар сони хотин-қиз аҳолининг фаровонлигига кўмаклашадиган давлат сиёсатига ва социал технологияларга таъсир ўтказиш учун зарур бўлган “критик массадан” ошиб кетди. Давлат болаларни парвариш қилиш хизматларини кенгайтирмоқда ва таълим олиш, тиббий ёрдам ва ижтимоий таъминотдан фойдаланишни таъминламоқда. Скандинавия мамлакатларида тенг имкониятлар принципи муассасалаштирилган, ижтимоий мадад тизими ривожланган, бу тизим саҳийлик билан молиялаштирилмоқда ва аҳолининг кенг қатламларини қамраб олмақда.

1995 йилда барча Скандинавия мамлакатлари учун ягона беш йил муддатга мўлжалланган гендер сиёсати ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Қуйидагилар мазкур ҳаракат дастурининг асосий устун йўналишлари бўлган: биринчидан, меҳнат бозорида гендер тенгликка эришиш; иккинчидан, ҳокимият тузилмаларида гендер устунлиги; учинчидан, иш билан оилавий мажбуриятларни бирга қўшиб олиб боришга мажбур бўлган аёллар учун икки томонлама бандлик муаммосини ҳал этиш; тўртинчидан, гендер тенглик дастурининг мақсадларини самаралироқ амалга ошириш учун зарур бўлган тадқиқот лойиҳалари¹¹.

Гендер сиёсатини амалга ошириш борасида Скандинавия региони мамлакатлари орасида Швеция алоҳида ўринни эгаллайди. Швецияда 1980-йиллардан бошлаб тенг ҳуқуқлилик масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ана шу йилларда тенг ҳуқуқлилик масалалари бўйича вазирлик ва давлат тенг ҳуқуқлилик комиссияси, тенг ҳуқуқлилик масалалари омбудсмани ташкил этилган. 1991 йилда тенг ҳуқуқлилик тўғрисида Қонун қабул қилинди (1994 йилги тузатишлари билан), бу қонун иш билан таъминлашни, меҳнат шароитларини ва ишдаги кўтарилиш имкониятларини яхшилашни, иш берувчилар томонидан

¹⁰ Қўрсатилган асар, 117 – 118-б.лар.

¹¹ Школьников И. А. Скандинавская модель гендерного равенства // «Женские миры-99»: Гендерные исследования в России и западный опыт. Иваново: ИЦГИ, 2000. с. 57 – 58.

эркаклар ва аёлларнинг тенг вакиллигини таъминлашга доир йиллик тадбирлар режасининг ишлаб чиқилишини ўзининг асосий мақсадлари қилиб қўйди. 1998 йилда махсус ҳукумат дастури қабул қилинган бўлиб, унда аёллар вакиллигини босқичма-босқич ошириш мақсадида давлат бошқарув органларида хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисида парламент олдида ҳисобот бериш кўзда тутилган. 1995 йилдаёқ ҳукуматдаги аёллар 50% фоиздан ортиқ ўринни эгаллашган¹².

Финляндия ҳам худди шундай муваффақиятларга эришди, у ерда 1972 йилда тенглик масалалари бўйича махсус Кенгаш ташкил этилди (худди шу йили бундай кенгашлар Швеция ва Норвегияда ҳам ташкил этилди). Кенгаш ҳукумат томонидан уч йил муддатга тайинланади ва у барча сиёсий партияларнинг вакиллари йўз ичига олиши керак. Хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришдаги, таълим, оила, парламентдаги, ҳокимиятнинг маъмурий органларидаги аҳволига тааллуқли масалалар Финляндия Кенгашининг фаолият доирасига киради. 1987 йилда Финляндия Норвегия ва Швеция кетидан омбудсман (гендер тенглик масалалари бўйича вакил) лавозимини жорий этди ва жинслар тенг ҳуқуқийлиги билан боғлиқ масалаларни куриб чиқиш учун махсус апелляция комиссиясини таъсис этди. 1986 йилда Финляндияда икки томонлама мақсадни кўзда тутувчи гендер тенглик тўғрисида расмий қонун қабул қилинди: жинсий белгисига қараб бевосита ва билвосита камситишга чек қўйиш ва аёлларнинг, энг аввало меҳнат бозоридаги аҳволини яхшилаши мумкин бўлган махсус чоратадбирларни куриш йўли билан эркаклар ва аёлларнинг тенг имкониятларини амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратишга қўмаклашиш. 1995 йилда Финляндияда гендер тенглик тўғрисида қўшимча қонун қабул қилинди, айти бир вақтда жинслар тенглиги тўғрисидаги қоида қайтадан кўриб чиқилган Финляндия Конституциясига киритилди¹³. Эндиликда шундай қоида амал қилмоқдаки, унга кўра, хотин-қизларнинг маъмурият барча даражаларида ва қарорлар қабул қилишдаги улуши камида 40%ни ташкил этиши керак. 1989 йилда тенг ҳуқуқийликни ривожлантириш ҳукумат дастури қабул қилинди ва у доимий равишда янгилаб турилади. Мамлакат парламентида 1990 йилларнинг охирига келиб раис ва икки нафар раис ўринбосарлари, 6 нафар вазир, шу жумладан ташқи ишлар, мудофаа, транспорт вазирлари аёллар бўлган.

Гендер тенглиги сиёсати Данияда ҳам худди шундай тарзда амалга оширилмоқда. Бу ерда жинсига қараб ҳар қандай камситишни тугатиш мақсадини кўзлаган биринчи қонун ҳужжати 1976 йилда қабул қилинган.

¹² Степанова Н. М. Политика гендерного равенства в Скандинавских странах // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. с. 213.

¹³ Кўрсатилган асар, 220 – 221-б.лар.

Бу тенг иш ҳақи тўғрисидаги қонун эди ва бу қонун кейинчалик бир неча марта тўлдирилган. 1978 йилда яна иккита қонун – жамият турмушининг барча соҳаларида гендер тенглик принципларини эълон қилган Тенг имкониятлар тўғрисидаги қонун, шунингдек Ишга қабул қилишда эркеклар ва аёлларга бир хилда ёндашув тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Эркеклар ва аёлларни жамоат қўмиталарининг аъзолари этиб тайинлашда уларнинг тенглиги тўғрисидаги қонун (1985 й.) ҳамда Ижроия лавозимларини эгаллашда эркеклар ва аёлларнинг тенг имкониятлари тўғрисидаги қонун (1990 й.) маъмурий тузилмаларда эркеклар ва аёлларнинг тенг вакиллигини таъминлашга қаратилган¹⁴.

Бироқ, гендер тенглик сиёсатини амалга ошириш механизми пухта ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, Скандинавия мамлакатларида жинслар тенглиги тўғрисидаги масалани ҳал этилган деб айтишга ҳали эрта кўринади. 1960 – 1970-йилларда Скандинавияда мавжуд бўлган иқтисодий юксалиш аёлларнинг меҳнат бозорида анча кўп имкониятларга эга бўлишларига олиб келди. Аммо бундай вазият кўпроқ тенг ҳуқуқлилиқ сиёсати туфайли эмас, балки бозор механизмларининг амал қилиши билан изоҳланади. Шу боисдан ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган хотин-қизлар сони тинимсиз ошаётган бўлишига қарамай, меҳнат бозорида аввалгидек аниқ бўлиниш бор. Эркеклар ва аёллар одатда иқтисодиётнинг турли секторларида банд бўлган горизонтал бўлиниш, шунингдек аёллар бошқарувчиликдан холи бўлган ишларда банд бўлган, эркеклар эса бошқарув ва қарорлар қабул қилиш соҳаларида бемалол ишлайдиган вертикал бўлиниш мавжуд. Эркеклар ва аёллар меҳнатига бир хил ҳақ тўлаш масаласи ҳам аввалгидек долзарб муаммодир, бундай фарқ XXI аср бошларида Скандинавияда 11 – 12 %ни ташкил этган, бу эса бошқа мамлакатлардагига қараганда албатта катта фарқ эмас. Таълим соҳасида ҳам худди шунга ўхшаш муаммоли вазият кузатилмоқда. Статистика маълумотларига қараганда, Скандинавия мамлакатларида аёлларнинг маълумотлилиқ даражаси эркекларникига қараганда юқори, аёллар эркекларга қараганда кўпроқ олий маълумот оладилар. Шунга қарамай, муаммо мавжуд ва у энг аввало келгусидаги касбларни танлашда, яъни аёллар “ўзларига хос” касбларни (тиббиёт, педагогика), эркеклар эса “ўзларига хос” касбларни (иқтисодиёт, молия ва ҳ.з.) танлаётганларида намоён бўлади. Шу сабабли Скандинавия мамлакатларида олиб борилаётган гендер тенглик сиёсатини тугалланган дейиш қийин, чунки мазкур мамлакатларнинг ҳукуматлари олдида ҳал этилишини талаб қилаётган вазифалар ҳамон бор.

¹⁴ Школьников И. А. Кўрсатилган асар, 67 – 68-б.лар.

Шундай қилиб, XX аср охирларида энг юқори гендер тенглик даражасига дунёнинг атиги бир нечта мамлакатида эришилган. БМТ Бош Ассамблеясининг ҳисоботида таъкидланишича, бундай мамлакатлар дунёда атиги тўртта (Швеция, Дания, Финляндия ва Норвегия). Ушбу мамлакатларда бир вақтнинг ўзида ўрта таълимда гендер тенгликка эришилган (ўрта мактабга қатнайдиغان қиз болалар 95%дан кўпроқни ташкил қилади), парламентдаги аёллар улуши камида 30%ни ва саноат ҳамда хизматлар соҳасидаги аёллар улуши камида 50%ни ташкил этади. Мазкур мамлакатларда эркаклар ва аёллар тенглиги ғояси нафақат давлат сиёсати соҳасида, шу билан бирга жамоатчиликнинг онгида мустаҳкам ўрнашиб қолиши учун, бундай кадриятлар ижтимоий турмуш нормаси бўлиб қолиши учун жуда кўп ишлар қилинмоқда. Давлат сиёсати мазкур қонидани шакллантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Бундай сиёсат “давлат феминизми” сиёсати деб аталиши бежиз эмас. Аммо ҳатто ана шу мамлакатларда ҳам тўла гендер тенгликка ҳали эришилгани йўқ, шу боисдан уларнинг ҳукуматлари ва хотин-қизлар ННТлари бу йўналишдаги ишларни давом эттирмоқдалар.

АДАБИЁТ:

1. Обеспечение равенства полов: политика стран Западной Европы. М.: Идея-Пресс, 2000. (Жинслар тенглигини таъминлаш: Ғарбий Европа мамлакатлари сиёсати. М.: Идея-Пресс, 2000.)
2. Поленина С. В. Права женщин в системе прав человека: международный и национальный аспект. М., 2000. (Поленина С. В. Хотин-қизлар ҳуқуқлари инсон ҳақуқлари тизимида: халқаро ва миллий жиҳатлар. М., 2000.)
3. Степанова Н. М. Политика гендерного равенства в Скандинавских странах // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. (Степанова Н. М. Скандинавия мамлакатларида гендер тенглиги сиёсати.// Гендерная реконструкция политических систем / Тузувчи муҳаррирлар Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004.)
4. Шведова Н. А. Политическое участие и представленность женщин в США: последняя треть XX века // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. (Шведова Н. А. АҚШда хотин-қизларнинг сиёсий иштироки ва ваколатлиги: XX асрнинг охиригича учдан бири. // Гендерная реконструкция политических систем / Тузувчи муҳаррирлар Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004.)
5. Шведова Н. А., Израелян Е. В. Канадская модель общественно-политической интеграции женщин // Гендерная реконструкция

- политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004. (Шведова Н. А., Израелян Е. В. Хотин-қизлар ижтимоий сиёсий интеграциясининг Канадача модели // Гендерная реконструкция политических систем / Тузувчи мухаррирлар Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004.)
6. Школьников И. А. Скандинавская модель гендерного равенства // «Женские миры-99»: Гендерные исследования в России и западный опыт. Иваново: ИЦГИ, 2000. (Школьников И. А. Гендер тенгликнинг Скандивияча модели // «Женские миры-99»: Гендерные исследования в России и западный опыт. Иваново: ИЦГИ, 2000.)

II БЎЛИМ

**ГЕНДЕР НАЗАРИЯДА ВА
РИВОЖЛАНИШ
АМАЛИЁТИДА**

1 Боб ИҚТИСОДИЁТДА ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАР

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИДА ГЕНДЕР МУАММОЛАРИ

Динара Алимжонова

“Гендер иқтисодиёт” янги илмий йўналиш сифатида. Иқтисодий фикрлашнинг асосий йўналишлари позициясидан туриб гендер муаммоларини кўриб чиқиш: неоклассик ёндашув, марксизм, институционализм.

Ўтган асрнинг 60-йилларида Ғарб мамлакатларини камраб олган меҳнат бозорига хотин-қизларнинг оммавий чиқиш жараёни аёллар ва эркекларнинг ижтимоий роллари тўғрисидаги мавжуд анъанавий стереотипларнинг бузилишига олиб келди ва зудлик билан англаш ва ҳал этишни талаб қилувчи гендер тусидаги бир қатор иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди. Халқаро хотин-қизлар ҳаракати гендер иқтисодиёт муаммоларини юзага чиқарди. Жинсий белгиси бўйича профессионал сегрегация, хотин-қизлар меҳнатининг анча паст баҳоланиши, аёлларнинг касбий ва оилавий мажбуриятларни биргаликда қўшиб олиб боришлари, бандлик соҳасида жинсий белгисига қараб камситиш, аёлларнинг меҳнат бозорига чиқиб кетишлари ва уларнинг иқтисодий мустақилликка эришганликлари билан боғлиқ ҳолда ажралишлар сонининг кўпайиши масалалари кенг муҳокама қилинадиган бўлди.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида иқтисодий фикрлашнинг ривожланиши иқтисодий назария методологик асосларини феминистлар томонидан кенг танқид қилиш шароитида ўтди. Натижада “гендер иқтисодиёт” деган янги илмий йўналиш пайдо бўлди. “Эркеклар ва аёллар ўртасидаги иқтисодий фарқларнинг пайдо бўлиш манбалари, миқёслари ва механизмларини тадқиқ қилиш” гендер иқтисодиётини ўрганиш предмети бўлиб қолади¹. Гендер иқтисодиёт соҳасидаги тадқиқотлар иқтисодий муаммоларнинг учта турини камраб олади: эркеклар ва аёлларни ўз ичига олувчи назарий моделлар; эркеклар ва аёллар ҳолатидаги умумийликлар ва фарқларнинг тадқиқи; ҳар бир жинсга турлича дахл қиладиган иқтисодий сиёсат таҳлили².

Натижада, Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида ялпи фаровонлик давлатлари моделини шакллантириш уй бекалари аҳволининг, эркеклар ва хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ва ҳ.з. таҳлиliga принципаал

¹ Введение в гендерные исследования. Учебное пособие. Часть 1. Под редакцией И. Жеребкиной. ХЦГИ: «Алетей», 2001, с. 240.

² Joyce P. Jacobsen, Economics of Gender (Cambridge, Massachusetts: Blackwell Publishers Inc, 1996), pp. 3-4.

янги назарий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда юз берди. Гендер иқтисодий муаммоси билан иқтисодий тафаккурнинг турли йўналишидаги иқтисодчилар, шу жумладан марксистлар, неоклассик мактаб ва институционал иқтисод вакиллари шуғилланишган.

Иқтисодий тафаккурнинг **неоклассик йўналиши** XIX асрнинг 70-йилларида шаклланган. Унинг асосчилари К. Менгер, Ф. Визер, Е. Бем-Баверк (Австрия мактаби), У. Джевонс ва Л. Вальрас (математика мактаби), Ж. Б. Кларк (Америка мактаби), А. Маршалл ва А. Пигу (Кембриж мактаби) эркин ракобат тизими шароитида корхоналарнинг оптимал хўжалик юритиш режими қонунийлигига таъриф беришга, мана шу тизимнинг мувозанат принципларини аниқлашга ҳаракат қилдилар. Иқтисодий ахлоқнинг иқтисодий таҳлили ва уни моделлаштиришнинг асосий объекти сифатида ўз даромадини кўпайтиришга (аниқроғи, агар неоклассик мактаб атамасидан, фойдаланилса, ўзининг “фойдалилигидан”) ва ҳаражатларини камайитиришга ҳамма вақт интиладиган “иқтисодий киши” сайланади. Неоклассик мактаб тарафдорлари асосий миқдорий категория сифатида ўта фойдалилик тушунчасидан, яъни маҳсулотни истемол қилиш қўшимча бирлигидан олиннадиган самарани билдирадиган катталиқдан фойдаланадилар. Оқибатда, иқтисодий тафаккурнинг неоклассик йўналишини ривожлантириш шунга олиб келдики, иқтисодий таҳлилда математик усуллардан фойдаланадиган бўлишди, ва иқтисодий билим фани анча кенгайди. Иқтисодий таҳлил усуллари неоклассик ёндашувнинг “иқтисодий империализм” деб аталувчи йўналиши бош мафкурачиси Ҳарри Беккер таклиф этган новаторларча ёндашув туфайли оилани, шу жумладан никоҳ ахлоқини, жиноятчиликни, электорал ахлоқни, таълимни ва бошқа кўплаб ижтимоий муаммоларни ўрганишга ҳам тааллуқли бўла бошлади.

Феминизм нуқтаи назаридан неоклассик ёндашув призмаси орқали кўриб чиқиладиган “иқтисодий киши”нинг ахлоқ модели андроцентристик тусга эга, яъни моҳиятан “эркаклар дунёсига” мансуб кишининг ахлоқига мос келади. Жумладан, “иқтисодий киши”нинг асосий тавсифлари куйидагилардан иборат:

- Ўз манфаатларига амал қилиш (“худбинлик”);
- Субъектив устунликларга эга бўлиш (бундай устунликлар ўзаро зид эмас ва ўзгармасдир);
- Энг кўп фойдалилик деб тушуниладиган оқилоналик (бу шуни англатадики, ҳар қандай танлаш вазиятида “иқтисодий киши” ўзининг афзал билганларига энг кўп даражада мос келадиган вариантни устун деб билади);
- Ўз эҳтиёжларини қондириш учун ресурсларни чеклаш ва, бинобарин, танлаш заруратини юзага келтириш³.

³ Введение в Гендерные исследования. Учебное пособие. Часть 1. Под редакцией Ирины Жеребкиной. ХЦГИ: «Алетейя», 2001, с. 241.

Шунга қарамай, тадқиқотларни илгари иқтисодий билимларни ўрганиш фанига кирмаган соҳаларга ўтказишни иқтисодий тафаккур неоклассик мактабининг ва унинг издошларининг катта хизмати деб ҳисоблаш мумкин.

Тарихни материалистик тушунишнинг **марксча концепцияси** иқтисодий тафаккур кўпгина вакиллариининг қарашларини шакллантиришга жиддий таъсир ўтказди. Бу концепция жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши асосини материал ишлаб чиқариш ташкил этади, деган тасдиққа таянади. Моддий ишлаб чиқариш даражасидаги иқтисодий муносабатларни Маркс базис муносабатлар деб билади, жамиятни ташкил этишнинг шаклларига тааллуқли барча нарсалар, яъни унинг сиёсий, мафкуравий ва бошқа тузилмалари эса устқурма сифатида ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига қараб ўзгарадиган муносабатлар сифатида кўриб чиқилади. Марксчасига қараганда, жамоат муносабатлари ишлаб чиқаришнинг ривожига қараб ўзгариб боради, жамоат қурилмасида доимий қайта ўзгаришлар (баъзида инқилобий) шу билан изоҳланади. “Иқтисодий асос ўзгаргани сайин, - деб ёзган эди Маркс – бутун улкан устқурмада жадалроқ ёки сустрок тарзда бурилиш содир бўлади”⁴. Маркс жамиятни синфий позициядан туриб кўриб чиқади ва биринчи марта йирик ижтимоий меҳнат тақсироти натижасида жамият синфларга – хўжайинлар ва қулларга, эксплуататорлар ва эксплуатация қилинувчиларга бўлинганлигини тасдиқлайди. Ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамиятнинг антагонистик ижтимоий синфларга бўлиниб кетиш жараёнини чуқурлаштиради.

Маркснинг таърифлашича, ижтимоий синфлар – бу одамларнинг ижтимоий гуруҳи бўлиб, улар ўзларининг ижтимоий ишлаб чиқаришидаги ўринларига қараб ҳамда ўзлари эга бўлган ижтимоий бойликдан улуш олиш усуллари ва миқдорларига қараб фаркланадилар. Маркс кийматни яратувчи сифатида фақат битта ижтимоий факторни – ходимларнинг меҳнатини кўрган. Бинобарин, ижтимоий синфлар ўртасидаги муносабатлар ходимларнинг, бўйсинувчи синф вакиллариининг ҳақи тўланмаган меҳнати бир қисмининг капитал ўзлаштириш шаклини олади. Кейинчалик капитални тўплаш ва ижтимоий синфларни кутблашуви жараёни юз беради. Кутбланиш жараёни антагонистик ижтимоий синфларнинг қарама-қаршилигини кучайтириб юборади ва Маркснинг фикрича, ривожланиш мантиқи сўзсиз ижтимоий инқилобга ва мулкий муносабатларнинг ўзгаришига олиб келади. Маркс инсоният уйғун ривожланишининг шартини ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчиликни ўрнатиш билан синфсиз жамиятни яратишдадир, деб билади, бу эса инсонни инсон эксплуатация қилишига барҳам бериш учун асос яратади.

⁴ Маркс К., Энгельс Ф., Соч. Т.13, с.7.

Уруғчилик мулкдан хусусий мулкка ўтиш жараёни оиладаги муносабатлар тизимига таъсир кўрсатди. Чорва ва вужудга келаётган айрбошлаш учун имкониятлар яратувчи барча неъматлар “эгаси” – эркак мақоми “уйнинг асровчиси” айрибошлаш қимматига эга бўлган неъматларга эгаликни таъминловчи фаолият турларига киритилмаган, ва шу сабабли мулкдан фойдаланиш имконига эга бўлмаган аёлнинг мақомидан юқори бўлган. Аёл фақат эркак томонидан эришилган неъматлардан фойдаланишда иштирок этган, ва бу билан уйда иккинчи ўринга сурилиб қўйилган. Аёлнинг уй-рўзгор иши эндиликда эркакнинг ҳунармандчилик меҳнатига нисбатан ўз аҳамиятини йўқотди⁵, яъни меҳнат тақсимотининг оиладан ташқаридаги ўзгариши оиладаги муносабатларнинг ўзгаришига олиб келди. “Илгари аёлнинг уйдаги ҳукмронлигини таъминлайдиган сабаб – меҳнатининг уйдаги ишлар билан чегараланиши – эндиликда эркакларнинг уйдаги ҳукмронлигини тасдиқлади...”⁶. Шу тарика, аёлларнинг иқтисодий қарамлиги ва ягона боқувчи ролени бажарувчи эркакларнинг ҳукмронлигига асосланган оилавий муносабатлар “уй қуллиги” нинг вужудга келишига сабаб бўлди⁷.

Марксизм асосчиларининг шунга ишончи комил эдики, токи хотин-қизлар ишлаб чиқариш меҳнатидан четлатиб қўйилган ва шахсий уй меҳнати билан чекланиб қолишар экан, аёлларнинг озод этилишига ва уларнинг эркаклар билан тенглигига эришиб бўлмайди. Капиталистик хусусий мулкчилик муносабатларидан ижтимоий мулкчилик муносабатларига ўтиш синфлар орасидаги антогонистик зиддиятларнинг ҳал этилишини, шу жумладан, хотин-қизларнинг қарам аҳволини бартараф этиши ҳамда уй ишларини (рўзгорни юритиш, болаларни парваришлаш ва уларни тарбиялаш) ижтимоий меҳнатнинг бир қисми сифатида тан олиншини таъминлаши лозим эди.

Марксистик ёндашув социалистик ва радикал йўналишдаги феминист аёллар томонидан капитализм шароитида хотин-қизларнинг қарам аҳволини тушунтириш учун кенг қўлланилган. Бундан ёндашув доирасида гендер тенгсизликнинг мавжудлиги эркакларнинг хотин-қизлар устидан ҳукмронлигини тасдиқловчи патриархат тизимининг таъсири билан изоҳланади, бу эса, мохиятан антогонистик ижтимоий синфларнинг мавжудлиги тўғрисидаги марксистик концепцияга мос келади. Умуман, замонавий феминистик тадқиқотлар хотин-қизлар эксплуатациясини патриархат ва капиталистик даврлар оқибати деб баҳолашга эътибор қаратади.

⁵ Ф.Энгельс. Происхождение семьи, частной собственности и государства. М, Госполитиздат. 1950.

⁶ Ф.Энгельс. Происхождение семьи, частной собственности и государства. М, Госполитиздат. 1950.

⁷ Кўрсатилган асар.

Радикал феминизмнинг энг ёрқин намояндалари орасида француз феминисти Кристиан Делфини таъкидлаш мумкин. Делфи шундай нуқтаи назар тарафдориди, унга кўра, хотин-қизларнинг эзилиши уларнинг уй хизматчилари сифатида “ишлаб чиқаришнинг оилавий усули” доирасида эксплуатация қилиниши натижасида, ва Делфининг уқтиришича, аёллар бажарадиган ишнинг қандайлигидан қатъи назар, содир бўлади. Делфининг кузатишича, француз деҳқон оиласида “уй ишлаб чиқаришида хотин-қизлар томонидан бозорда сотиш учун қилинган ишларга ҳам ҳақ тўланмайди: хотин ўз эрининг шунчаки ҳақ тўланмайдиган ходими ҳисобланади”⁸. Хотин-қизларнинг ҳақ тўланадиган ёлланма меҳнатда иштирокини Дельфи ишлаб чиқаришнинг оилавий усулида шаклланган муносабатлар таъсири натижаси деб ҳисоблайди, бунда эркаклар хотин-қизларни фақат уйда эксплуатация қилиш билангина ўз вазифаларини удалай олмай қолади. “Бунда эркаклар аёлларнинг иш ҳақини ўзлаштириб олади, ва уларнинг “ташқаридаги” иши уйда бажарадиган хизматларининг сифатига таъсир кўрсатмаслигини талаб қилади”⁹. Шу тарзда хотин-қизлар иккиёқлама эксплуатацияга дучор бўлади: бир томондан, улар синф сифатида ишлаб чиқаришнинг оилавий усули доирасида эркаклар томонидан эксплуатация объектига айланади, бошқа томондан, капиталистик ишлаб чиқариш шароитида потенциал ёлланма ишчилар сифатида эксплуатация қилинади.

Социалистик феминизм тарихан патриархат даврида вужудга келган ижтимоий муносабатларни ўзгартириш имкониятини тушуниш зарурлигини таъкидлашга асосланган. Социалистик феминизм тарафдорлари “капиталистик ишлаб чиқариш усулининг марксистик таҳлилини Делфи таклиф этган оилавий ишлаб чиқариш усулининг таҳлили билан бирлаштиришга”¹⁰ уринади. Бунда капитализм учун оиланинг алоҳида аҳамияти таъкидланади, чунки, биринчидан, аёлнинг уй меҳнати автоматик тарзда боқувчи эркак маошига кўшимча бўлади; иккинчидан, оила аёлга шундай таъсир кўрсатадики, у капитализм учун арзон ва бўйсунувчан ишчи кучига айланади.

Бошқа томондан, айрим социал феминистлар шундай нуқтаи назарни билдирадики, унга кўра эркаклар капитализм шароитида хотин-қизларни эксплуатация қилишнинг фақат амалий ижрочисидир ва уларни эксплуатация қилишдан фойда кўрмайди, фойдани ишчи-эркакларга уйларида хотинлари томонидан кўрсатиладиган бепул хизматларни ҳисобга олган ҳолда камроқ маош тўлайдиган капиталист олади. Умуман олганда, марксизм эксплуатациянинг иерархиявий муносабатлари назарияси сифатида кўриб чиқилади, ушбу назария доирасида хотин-

⁸ И.Н.Тартаковская. Социология пола и семьи. Основы гендерных исследований. Хрестоматия. М., 2001, МЦГИ, МВШСЭН, с. 89.

⁹ Кўрсатилган асар.

¹⁰ Кўрсатилган асар.

қизларнинг қарам аҳволи муаммосига ойдинлик киритмайди. Бирок, шуниси шубҳасизки, илк бор “марксизм доирасида синфий жамиятда хотин-қизларнинг эзлиши сабаблари ва шакллари ҳақидаги масала кўтариб чиқилди”¹¹.

Институционализм иқтисодий тафаккурнинг энг кўзга кўринарли, нисбатан ёш ва истикболли йўналишларидан биридир. Институционалистлар умуман неоклассик ёндашув танқидчиларига айланди. Хусусан, максимал фойда олишга интилувчи рационал “иқтисодий одам” модели танқидга учради. Институционалистларнинг фикрича, одамлар хатти-ҳаракатини тенгламалар тизимига қиёслашга уриниш реал воқеликни соддалаштиришга ва бузиб кўрсатишга олиб келади.

Институционализм тарафдорларининг фикрича, иқтисодиёт фани фақат иқтисодий бозор муносабатларини ўрганмаслиги лозим, чунки бу тор фикрлашга ва одамларнинг хўжалик фаолиятининг ўзаро боғлиқ ҳодисаларининг узилиб қолишига олиб келиши мумкин. Шу туфайли ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ва сиёсий омилларнинг бирлигини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бозор механизмларининг муҳимлигини тан олиш билан бирга, ижтимоий институтларнинг турли тизимларига, ва улар орасида, айниқса давлат бошқаруви тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Институционалистлар бозорни ресурслар тақсимлашнинг нейтрал ва универсал механизми деб билмайдилар. Ривожланишнинг муайян шароитларида бозор йирик корхоналарнинг бойиш механизмига айланиши мумкин, бунда монополлаштириш тенденциялари чуқурлаша боради, давлат эса монополлашган бозорнинг шаклланишига кўмаклаша бошлайди. Институционалистлар бозорнинг қандай бўлса, шундайлигича фаолият юритишини ўрганиш зарурлигига чорламайди, балки иқтисодий ва сиёсий ривожланиш тизимини такомиллаштиришга кўпроқ эътибор беришга даъват этади. Улар давлат дастурларини ижтимоийлаштириш, иқтисодий ривожланишнинг мувозанатланмаганлиги билан бевосита боғлиқ бўлган таркибий ишсизлик даражасини қисқартириш тарафдорларидирлар. Ушбу жараёнда алоҳида эътибор жамиятдаги ижтимоий меъёрларда, анъаналар ва маданиятда мустаҳкамлаб қўйилган алоқалар ва муносабатларнинг барқарор тизими ҳисобланадиган иқтисодий институтларга қаратилади¹². Иқтисодий институтларнинг бутун тизими, шу жумладан унинг таркибий қисми бўлган бозор ҳам, жамият ривожиди тенг иштирок этади. Бинобарин, гендер иқтисодий тенгсизлик бозор тизимининг ўзини-ўзи тартибга солиш тарзида

¹¹Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. Под общ. ред. О.А. Ворониной. М.: МЦГИ-МВШСЭН-МФФ, 2001.

¹² Введение в гендерные исследования. Учебное пособие. Часть 1. Под редакцией И. Жеребкиной. Харьков, ХЦГИ, «Алетейя», 2001, с. 243.

ривожланиши оқибати сифатида эмас, балки жамиятда шаклланган ижтимоий муносабатлар натижаси сифатида кўриб чиқилади. Бундан иқтисодиётга давлат томонидан турли институтлар даражасида аралашини ҳамда жинслар тенглигини таъминлаш жараёнига таъсир кўрсатиш зарурати юзага келади.

МИКРО ВА МАКРО МИҚЁСДА ГЕНДЕР ИҚТИСОДИЁТИ

Динара Алимжорова

Гэри Беккернинг “Уй хўжалиги миқёсида гендер иқтисодиёти”. Инсон капитали. Никоҳ бозорида шерик танлаш. “Ишлаб чиқаришнинг оилавий усули” концепцияси. Инсон капиталини қайта ишлаб чиқаришда гендер омили. Макродаражада гендер иқтисодиёти.

Иқтисодиётнинг гендер жиҳатлари иқтисодий тафаккур турли йўналишлари вакилларининг эътиборини тобора кўпроқ жалб этмоқда. Қайд этилганидек, иқтисодиётнинг гендер жиҳатларини ўрганишда иқтисодий фикрлашнинг энг авж нуқтаси ўтган асрнинг 60-70-йилларига тўғри келди. Иқтисодиёт фанида гендер муаммосини ўрганишнинг услубиёти турличадир ва баъзан зиддиятли хулосаларга олиб келмоқда. Шунга қарамай, тадқиқотчиларнинг янги илмий йўналишга қўшаётган ҳиссаси улқандир ва у “гендер иқтисодиёти” деган катъий ном билан аталмоқда.

Умуман гендер иқтисодиётини ўрганишда услубий ёндашувларнинг турли-туманлигига қарамай, тадқиқотлар микро ва макро миқёсдаги турли даражаларни қамраб олмақда. Хусусан, неоклассик йўналиш тарафдорлари “уй хўжалигининг янги иқтисодиёти” концепциясини ишлаб чиқди ва уй хўжалигининг ишлаб чиқариш функцияси хусусидаги ғояни илгари суришди. Унда оила ичидаги меҳнатнинг гендер тақсимооти, никоҳ ва репродуктив хатти-ҳаракат кабиларни қамраб олувчи жараёнлар юз беради. Илк бор оила истеъмол бирлиги сифатида эмас, мустақил ишлаб чиқариш бирлиги сифатида ўрганиб чиқили бошлади. Иқтисодий таҳлилни уй хўжалиги ва оила даражасига ўтказиш билан бир қаторда, неоклассиклар, хусусан, Нобел мукофоти лауреати Гэри Беккер объектив иқтисодий воқеликнинг иқтисодий таҳлиliga доир янги категорияни – *инсон капиталини* киритишди. Кейинчалик, мазмунан ўхшаш, “оила капитали” деб номланган категория оила аъзолари томонидан никоҳ давомида яратиладиган неъматлар таҳлиliga нисбатан ишлаб чиқилди.

Инсон капитали

“Инсон капитали деганда инсонда жамланган қобилият, билим, малака ва мақсадлар захираси тушунилади. Унинг шаклланиши жисмоний ёки молиявий сармойани жамлаш сингари келгусида қўшимча даромад олиш мақсадида жорий истеъмолдан маблағларнинг ажратиб олинишини талаб этади. Инсон инвестицияларининг энг муҳим турларига таълим, ишлаб чиқаришдаги тайёргарлик, миграция, ахборот излаш, фарзанд кўриш ва уларни тарбиялаш қиради”.

*Манба: Капелюшников Р.И. Теория человеческого капитала.
http://www.libertarium/10624/lib_article_t*

Инсон инвестицияларининг энг муҳим турларига таълим, ишлаб чиқаришдаги тайёргарлик, миграция, ахборот излаш, фарзандлар кўриш ва уларни тарбиялаш киради”.

Оила иқтисодчилар назаридан четда бўлган анъанавий ёндашувлардан фарқли ўлароқ неоклассик ёндашув доирасида товарлар ва хизматларнинг пассив истеъмолчиси сифатида қаралмайдиган бўлди. Оила “яқуний маҳсулот” ишлаб чиқариш жараёни юз берадиган мустақил ишлаб чиқариш бирлиги сифатида ўрганила бошланди. Оила томонидан яратиладиган маҳсулотлар сирасига оилага зарур бўлган истеъмол неъматлари бирлиги ҳам киради. Истеъмол неъматларини яратиш учун оила томонидан бозорда харид қилинадиган ресурслардан фойдаланилади ва оила аъзоларининг вақти сарфланади¹. Ушбу ёндашув доирасида таъкидланишича, оилада бозор товарларининг ўзига нисбатан эмас, балки ушбу товарлардан фойдаланиш натижасида олинishi мумкин бўлган фойдали самарга эҳтиёж сезилади. Масалан, маиший техника, оила аъзолар томонидан муайян меҳнат сарфлангач, бутун оила аъзолари учун зарур бўлган қатор хизмат турларини бажаришга ёрдам беради.

Оила турмуши учун зарур бўлган бир турдаги неъматларни ёки фойдали самарани ишлаб чиқаришга турли усуллар билан эришиш мумкин. Неъматларга эришиш усулини танлаш биринчи навбатда оила аъзоси эга бўлган вақтга, оиланинг даромадига ва ишлаб чиқариш тегишли омиллариининг бозор нархига боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, вақтнинг кадр-қиммати уй ишларини бажариш учун ёлланадиган ёлланма ишчиларнинг иш ҳақига мос келадиган муқобил харажатлар билан белгиланади. Шундан келиб чиққан ҳолда оиланинг ҳар бир аъзоси ўз вақтини қандай тарзда – уй-рўзгор ишларига ёки ижтимоий меҳнат соҳасига сарфлашни ўзи хал қилади. Қарор қабул қилишга “бозордаги даромад ва уй хўжалигидаги неъматларни етиштиришга сарфланадиган харажат нисбати таъсир кўрсатади”².

Масалан, бозорда даромад топиш имкони кам бўлган, бироқ вақти кўп бўлган кишилар овқатни арзон маҳсулотдан ўзлари тайёрлайдилар, кўпроқ даромад топиш имконига эга бўлган ва вақти кам бўлган кишилар – ярим тайёр маҳсулотларни истеъмол қиладилар, ресторанларда овқатланадилар, ёки шахсий ошпаз ёллайдилар ва ҳоказо.

Одатда, хотин-қизлар уй-рўзгор хўжалигини танлайди, эркаклар эса уй хўжалигидан ташқарида ишлашни маъқул кўради. Ушбу танлов, иқтисодий тафаккурнинг неоклассик йўналиши вакиллариининг фикрига кўра объектив сабаблар билан изоҳланади, чунки хотин-қизлар эркаклардан “тўпланган бозор инсон капитали кўламига кўра”³ орқада қолмоқда.

¹ Введение в гендерные исследования. Гл. Гендерная проблематика в экономической теории Учебное пособие. Часть 1. Под редакцией И. Жеребкиной. Харьков, ХЦГИ, «Алетейя», 2001.

² Кўрсатилган асар.

³ Кўрсатилган асар.

Неоклассик таҳлил натижалари, умуман олганда, гендер роллари тўғрисидаги анъанавий тасаввурларга мос келади, ва оиланинг ичидаги меҳнат тақсимоти тўпланган инсон капитали нисбати билан изоҳланади. Уй ишида банд бўлган оила аъзоларининг маълумоти ва малакаси уй ишларининг “қимматлашувига” бевосита таъсир кўрсатади, чунки уларнинг бозорда бандлиги ҳам уларнинг маълумот даражасига ва малакасига бевосита боғлиқдир. Иқтисодий тил билан айтганда, бу шуни англатадики, олий маълумот дипломига эга бўлган аёлнинг уй меҳнати бундай дипломга эга бўлмаган аёлнинг уй ишига қараганда қимматроқ туради. Тегишли равишда, кимнинг малакаси паст бўлса, кимнинг меҳнати бозорда арзонроқ баҳоланса, ўша одам уй ишларини ўз зиммасига олади. Масаланинг бошқа жиҳати шундаки, нима сабабдан, қандай ҳолатлар натижасида хотин-қизлар малакаси даражаси, одатда, эркекларникига нисбатан паст бўлади? Қандай омилар хотин-қизлар малакаси ва маълумотининг ўсишига салбий таъсир кўрсатади? Гендер муаммоларини ўрганиш жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий тенгсизлик муаммолари билан боғлиқ кўплаб бошқа саволларга жавоб қайтариш имконини беради.

Замонавий жамиятнинг ривожланиши динамикаси шуни кўрсатдики, тобора кўпроқ аёллар меҳнат бозорига чиқмоқда ва улар уй ишларини уйдан ташқаридаги иш билан қўшиб олиб боришга мажбур бўлмоқда. Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг моҳияти оила ичида эр-хотинлар вазибаларининг тақсимланишида аста-секинлик билан ўзгариш содир бўлишини тақозо этмоқда. Ғарб мамлакатлари уй ишларида замонавий технологиялардан фойдаланиш масаласида аллақачон илгарилаб кетган, чунки бунда уй ишларига сарфланадиган вақтни камайтириш ва унинг қийматининг пасайиши асосий рағбатлантирувчи омил ҳисобланади. Бундай шароитда кир ювиш машинасини ким ишга солди – эркекми ёки аёл - бунинг деярли аҳамияти қолмайди. Осиёнинг қатор мамлакатларида кузатиладиган бир ҳолат - гендер роллар тўғрисидаги анъанавий тасаввурларни давлат сиёсати даражасига кўтариш ҳисобидан ривожланиши сунъий равишда тизгинлаш ва бунинг оқибатида аҳолининг ярмидан кўпи бир турдаги, одамнинг силласини қуритувчи ва айни пайтда ҳақ тўланмайдиган уй ишлари доирасида тутиб турилиши иқтисодий фаровонликка олиб келиши амри маҳол.

Инсон капитали тушунчаси билан никоҳ бозорларидаги жуфтликларнинг никоҳ хатти-ҳаракати зич боғлиқдир. Никоҳ бозори оилавий жуфтликларни яратишга тайёр кишиларнинг талаб ва тақлифларининг ўзаро таъсири содир бўладиган муайян механизмдир. Ушбу бозорда унинг иштирокчиларининг ўзига хос “баҳоси” шаклланади. Иштирокчилар “баҳоси” асосини шартли равишда индивидларнинг у ёки бу оилавий неъматларни яратиш лаёқати ташкил этади. Оилавий

неъматлар бирлиги куйидагиларни қамраб олади: болалар, мавқе, атрофдагиларнинг хурмати ва ҳасади, саломатлик, альтруизм ва ҳиссий лаззатлар⁴.

Никоҳ бозорида жуфт танлашга, одатда, иккита тамойил таъсир кўрсатади: ўхшашлик тамойили ва фарқлилик тамойили. Фарқлилик асосида танлаш тамойили етишмайдиган хислатларни тўлдириш омили билан боғлиқ⁵. Ушбу концепция муаллифи Беккер фарқлилик асосида танлашни жуфтларда бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи фазилатлар мавжуд бўлиши зарурлиги билан изоҳлайди. Масалан, ушбу ҳолатда иш ҳақи ставкаларидаги фарқлар қўлланилиши мумкин, бунда кўп маош олувчи эркеклар кам иш ҳақи олувчи аёлларни хотинлика танлайди, бу эса бозор соҳасида ўз даромадларини кўпайтириш мақсадида кучларни бирлаштиришга ёрдам беради, хотиннинг арзон вақти эса ҳақ тўланмайдиган бозор неъматларини яратишга йўналтирилади.

Ўхшашлик тамойилидан шерикларнинг бир-бирининг ўрнини босувчи хислатлари хусусида эмас, бир-бирини тўлдирувчи хислатлари ҳақида сўз борганда фойдаланилади. Бундай сифатга маълумотлилик даражаси мисол бўла олади: маълумки, кўпинча билим даражаси бир-бирига яқин бўлганлар никоҳ қуришади. Шу билан бирга, Г.Беккер таъкидлайдики, ўхшашлик тамойили асосида никоҳ қуриш фарқлар асосида никоҳ қуришга қараганда кам тарқалган. Бундай танловнинг асосида, одатда жуфтликка номзод сифатида танлаган кишиларнинг билим даражаси тенглиги асос қилиб олинади. Бундай ҳолларда жуфтлар сифатларининг бир-бирини тўлдириши содир бўлади. Бундай никоҳларда гендер тенглик даражаси юқорироқ бўлиши ва фарқлилик белгисига қараб қурилган никоҳларга нисбатан гендер роллар унчалик қатъий тақсимланмаслиги тушунарлидир. Бу эса эр-хотинга бир-бирининг вақтини юқори баҳолаш ва уй неъматларини яратишни қисман ёлланма ходимлар зиммасига юклаш имконини беради.

Никоҳ давомида яратиладиган ўзига хос оилавий инсон капитали (бу тушунча кўп жиҳатдан “инсон капитали” тушунчасига ўхшаш) концепцияси келин учун тўланадиган қалин ва сеп билан боғлиқ турли маданий хатти-ҳаракатлар моделларининг мавжудлигини изоҳлашда фойдаланилади. Г.Беккернинг фикрича, умуман, қалин ва сеп никоҳ давомида яратиладиган сармояни мувозанатга солиш воситасига айланади. Келин учун қалин тўлаш аънанавий равишда эркеклар сони хотин-қизларникига қараганда кўп бўлган, кўп хотинлилик одати тарқалган ва мерос эркек авлоди бўйича амалга ошириладиган ҳудудларда оммалашган бўлади. Хотин-қизлар сони кўпроқ бўлган ҳамжамиятларда эса битта хотин олиш, сеп бериш одати кўпроқ тарқалган. Г.Беккернинг

⁴ Беккер Г. Выбор партнера на брачных рынках. Женщина, мужчина, семья. THESIS.№6, 1994, с. 12-37. <http://www.hse.ru/science/igiti/thesis6.html>

⁵ Кўрсатилган асар.

кўп хотинлилик тўғрисидаги хулосаси ҳам қизиқарлидир: битта “олий сифатли” жуфт бир неча сифати пастроқ аёл билан алмаштирилиши мумкин. Бошқача айтганда, кўп хотинли эркеклар ҳаммасини қўшганда унинг “сифат” талабларига жавоб берадиган сифати паст бўлган бир неча хотинга эга бўлади. Натижада битта хотинли эркекларнинг хотинлари кўп хотинли эркекларнинг худди шундай “сифатли” кўп хотинларига нисбатан ўртача олганда сифати юқори бўлади⁶.

Ажралишлар динамикаси неоклассик ёндашув тарафдорлари томонидан никоҳ давомида яратиладиган оилавий сармоя нуктаи назаридан изоҳланади. Мазкур никоҳ доирасидагина ўз қимматини сақлайдиган ўзига хос сармоя ажралиш пайтида ўзининг қимматини деярли бутунлай йўқотади. Шу тариқа, Г.Беккернинг фикрича, никоҳ давомийлиги ортгани (ёки, бошқача айтганда, бирга турмуш кечирган йиллар ва оилавий сармоя миқдори кўпайгани) сайин ажралиш тобора самарасизроқ бўлиб қолади.

Шуни таъкидлаш зарурки, мазкур муаммо янада пухта ўрганишни талаб этади, чунки Беккер бўйича ажралишларни моделлаштириш натижалари ажралишларнинг энг юқори даражаси – 3,7,11 ва 25 йил деб қайд этилган статистикага тўғри келмайди.

Гендер асимметрияси сармоянинг турли хил кўринишлари тўпланишидаёқ кузатилади. Беккернинг фикрича, хотин-қизлар меҳнати кўпроқ “болаларни ўстириш” (ёки “уй сармоясини” жамғариш), эркекларнинг меҳнати эса бозор сармоясини тўплаш билан боғлиқ. Табиийки, сармоянинг ушбу турларининг бозор қиймати тенг эмас. Иккинчи томондан, ажралиш пайтида эркеклар ўзларининг оилавий сармоёдаги улушини, аёллар эса ўзларининг бозор сармоёсидаги улушини йўқотади⁷. Бошқача айтганда, ҳаётда ажралиш пайтида эркеклар болалар билан тўлақонли мулоқот қилиш имкониятидан маҳрум бўлади ва маиший хизмат учун бозорга мурожаат этишга мажбур бўлади, хотин-қизлар эса даромадга эҳтиёж сезади. Натижада эркек учун ҳам, аёл учун ҳам ажралиш билан боғлиқ харажатлар ортади. Аёллар учун бундай номуносибликларни енгиб ўтиш йўлларида бири ҳақ тўланадиган бандлик соҳасига киришдан иборат. Айни пайтда аёллар бандлигининг кучайиши билан уларнинг эрларига иқтисодий қарамлиги камаяди, бу эса хотин-қизларнинг ажралиш билан боғлиқ харажатлар даражасини қисқартиради.

“Ишлаб чиқаришнинг оилавий усули” концепцияси гендер иқтисодиётининг микродаражасида содир бўладиган жараёнларни ўрганишга услубий ёндашувни англатади.

⁶ Кўрсатилган асар.

⁷ Введение в гендерные исследования. Гл. Гендерная проблематика в экономической теории Учебное пособие. Часть 1. Под редакцией И. Жеребкиной. Харьков, ХЦГИ, «Алетейя», 2001.

Эрлар ва хотинлар икки турли синф вакиллари сифатида кўриб чиқилади ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги антагонизм ва эксплуатацияга асосланади. Эксплуатация қилинувчиларга аёллар киради, чунки улар уй хўжалигида меҳнат қилади. Оила эксплуатация вужудга келадиган асосий манбадир, капиталистик эксплуатация билан боғлиқ барча нарсалар хотин-қизлар синфи эзилиши ва эксплуатация қилинишининг иккиламчи жараёнидир.

Делфининг концепцияси асосланадиган фикрлар қатъийлиги кўп йўналишлар бўйича танқидга лойиқ. Хусусан, капитализм ишлаб чиқариш воситаси сифатида ўткинчи характерга эга, ва жамиятда уни соф ҳолда, икки антогонистик синфнинг ўзаро таъсири сифатида кўриб чиқиш имконини бермайдиган ўзгаришлар содир бўлмоқда. Иккинчи томондан, барча хотин-қизларни ҳам эксплуатация қилинувчилар синфига киритиб бўлмайди, чунки улар турли синф ва тоифаларга мансубдир ва уларнинг турмуши фарқланади. Ривожланган мамлакатларда хотин-қизлар билим даражасининг ва касбий маҳоратининг ўсиши уларнинг иш билан бандлиги кучайишига олиб келади, бу эса аёлларнинг уй бекаси бўлиб қолишдан бош тортишига таъсир кўрсатади ва, бундай ҳолатда уларни эксплуатация қилинувчилар синфига киритиб бўлмайди.

Оила даражасида содир бўладиган жараёнлар, унинг инсон капиталининг ривожланиши, жамғарилиши ва қайта тикланишидаги роли иқтисодий тафаккур кўплаб йўналишларининг вакиллари қизиқтириб келган. Шуни қайд этиш лозимки, гендер омили инсон капиталини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Чунки оилада нафақат жисмоний жиҳатдан хизматчиларнинг янги авлоди етиштирилади, шу билан бирга бозорда ишловчилар шахсларга иқтисодий самарали хизмат кўрсатилади. Ролларнинг анъанавий тақсимланиши шунга олиб келадикки, инсон капиталини қайта тиклаш бўйича асосий оғирлик оила доирасида аёл киши зиммасига тушади. Уй бекаси бўлган аёллар ўз меҳнатлари учун иш ҳақи олмайдилар, уларнинг моддий аҳволи эрларидан оладиган ва эр ўз хоҳиши билан берадиган маблағ билан белгиланади. Бунинг натижасида ишчи кучининг нормал амал қилиши жамият учун кам харажат сарфлаган ҳолда таъминланади.

Ижтимоий тузум, капиталистик ишлаб чиқариш усулими, социализм ёки бозор иқтисодиётими, бундан қатъи назар, уй ишлари ҳам микроиқтисодий, ҳам макроиқтисодий даражада муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолади. Замонавий гендер иқтисодиётида инсон капиталини қайта тиклашда оила харажатларини баҳолаш имконини берадиган қатор мезонлар ишлаб чиқилган. Шулар сирасига “инсон баҳоси”, “инсон сифати”, “хатти-харақатнинг оқилоналиги” каби тушунчалар киради. Ушбу мезонлардан фойдаланиш қуйидаги саволларга жавоб бериш имконини беради: Инсоннинг тўлиқ “баҳоси” тушунчасига

нималар киради? Инсон капиталини қайта тиклашда оила ва жамият иштирокининг нисбати қандай? Инсон капиталини қайта тиклаш харажатлари ва инсон капиталидан кўриладиган фойда нисбати нимадан ташкил топади? Инсон капитали шаклланиши жараёнида болалар сони ва сифатининг бир-бирининг ўрнини босиши қандай амалга ошади?⁸

Кўйилган саволарга жавоблар оила даражасида гендер иқтисодиёти соҳасидаги махсус тадқиқотлар предмети бўлиб, улар жинсларнинг инсон капиталини қайта тиклаш жараёнида иштирокини аниқлаш, тегишли равишда уй меҳнатининг ижтимоий аҳамиятини белгилаш ва унинг миллий даражада “кўринарли бўлиши”га эришиш имконини беради. Шунинг ҳам қайд этиш зарурки, иқтисодий назарияда гендер муаммоларини ўрганишда уй хўжалиги, оила, ишлаб чиқаришнинг оилавий усули (микроиқтисодий жараёнларни қамраб олувчи) бирлиги энг муҳим бўлимлардан бирини ташкил этади.

Гендер иқтисодиётида билиш объекти сифатида оммавий соҳа назарий жиҳатдан кўпроқ меҳнат ва бандлик соҳаларида шаклланидиган муаммоларни кўриб чиқади. Бундай муаммолар тўплами жинсига кўра касбий сегрегациянинг манбалари ва механизмларини, эркалар ва хотин-қизлар ўртасида меҳнатга ҳақ тўлаш борасидаги тенгсизликнинг вужудга келиши ва чуқурлашуви, меҳнат бозорида аёллар меҳнатининг қарамлиги шаклланиши сабабларини ўрганишни қамраб олади. Оқибат натижада хотин-қизлар камроқ иқтисодий ҳукмронликка эга бўлади.

Жинсига кўра касбий сегрегация (бўлиниш) турли касблар ва тармоқларга эркалар ва аёлларни ёллаш, ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш даражасидаги фарқлар соҳасида шаклланиган барқарор тенденцияларга боғлиқдир. Кўп сонли тадқиқотлар давомида куйидаги қонуниятлар аниқланди:

- Муайян касб гуруҳида хотин-қизлар улуши қанчалик юқори бўлса, гуруҳ бўйича ўртача иш ҳақи шунчалик паст бўлади. Яъни, хотин-қизларнинг иқтисодиётнинг иш ҳақи кам бўлган секторларда жамланиши тенденцияси вужудга келди.
- Барча касб гуруҳларида эркалар ўрта ҳисобда хотин-қизларга нисбатан кўп ҳақ оладилар.
- Эркаларнинг бандлиги соҳалари энг нуфузли ва янги касблар билан боғлиқ бўлса, айтилган пайтда “хотин-қизлар” касблари одатда анъанавий хизмат кўрсатиш соҳалари (тиббиёт ҳамширалари, бошланғич ва ўрта мактаб ўқитувчилари) билан боғлиқ⁹.

⁸ Калабахина И. Гендерный фактор в воспроизводстве человеческого капитала. Женщина. Гендер. Культура. РЛШГИ. Москва, 1999, с.171.

⁹ Введение в гендерные исследования. Гл. Гендерная проблематика в экономической теории Учебное пособие. Часть 1. Под редакцией И. Жеребкиной. Харьков, ХЦГИ, «Алетейя», 2001.

Жинсига кўра касбий сегрегация

Жинсига кўра касбий сегрегацияси деганда эркалар ва хотин-қизларнинг қатъий белгиланган касблар, соҳалар ва хизмат лавозимлари бўйича ишга жойлашувининг барқарор йўналиши кўзда тутилади. Касбий сегрегациянинг иккита тури мавжуд: горизонтал ва вертикал. Горизонтал касбий сегрегация деганда эркалар ва хотин-қизларнинг иқтисодий тармоқлар ва касблар бўйича нотекис тақсимланиши тушунилади, вертикал деганда – хизмат лавозимлари иерархияси бўйича нотекис тақсимланиши англашилади.

Манба: Мезенцева Е. Гендерная проблематика в экономической теории. Введение в гендерные исследования. Ч. 1. Уч. пособие. Под ред. И. Жеребкиной. Изд-во «Алетейя».

Неоклассик ёндашув нуқтаи назаридан меҳнат бозорида санаб ўтилган қонуниятларнинг мавжудлиги инсон капиталига қўйилмаларнинг гендер ўзига хослиги билан изоҳланади. Хусусан, эркалар меҳнат бозорида самаралироқ бўлган инсон капитали эгасидир. Хотин-қизлар эса “бозордан ташқари”, уй соҳасида самаралироқ бўлган инсон капиталига эгадир. Бинобарин, эрка кишининг бозор соҳасида, аёлнинг эса уй ҳўжалигида меҳнат қилиши стратегик жиҳатдан ўзини оқлаган, деб ҳисобланади. Ва, табиий равишда, камроқ инсон капиталига эга хотин-қизлар камроқ иш ҳақи оладиган хизматчиларга айланади.

Айни пайтда бундай фикрларга танқидий нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, аёлларнинг бирламчи меҳнат бозорига чиқишига доир замонавий йўналишлар, яъни улар томонидан нуфузли, юқори ҳақ тўланадиган “эркалар” касбларининг эгалланиши ва юқори касбий малакага эришиш жинсига кўра касбий сегрегация мавжудлигининг неоклассик нуқтаи назаридан изоҳланадиган сабабларига зиддир.

Жинсига кўра бандлик соҳасида касбий сегрегациянинг аҳамиятли омилларидан бири гендер камситишдир. Бандлик соҳасида камситишнинг бир неча шакллари бор: меҳнатга ҳақ тўлашда, ишга ёллашда, ходимларни қисқартиришда, хизмат поғоналаридан кўтарилишда, малакани оширишда.

Вужудга келган камситишни изоҳловчи қатор ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Г.Беккер камситиш ҳолларининг борлигини иш берувчиларда хизматчиларнинг у ёки бу гуруҳи вакиллари ишга ёллаш нисбатан ноҳолис муносабат борлиги билан изоҳлайди. Шу тариқа, унинг фирмасида эркалар ва хотин-қизларга ҳақ тўлашда тафовутлар кузатилади. Истемолчилар томонидан афзалликлар билдирилган ҳолларда ҳам мазкур омил кузатилади. Табиийки, агар истемолчилар эркалар хизмат кўрсатишини маъқул кўрсалар, у холда мазкур фирма, бошқа шароитлар тенг бўлган ҳолларда аёлларни ишга қабул қилишда, лавозимини оширишда ва улар меҳнатига ҳақ тўлашда уларни камситиш сиёсатини олиб боради.

Бандлик соҳасида камситиш мавжудлигини изоҳловчи яна бир омил меҳнат бозорида яқка ҳоким тузилмасининг мавжудлигидир. Бундай ёндашув асосида меҳнат бозорининг рақобатлилиги хусусиятини инкор этиш ва унда яқка ҳоким кучларининг мавжудлиги тўғрисидаги тахмин туради. Бундай ёндашувнинг вариантларидан бири сифатида иккиёқлама меҳнат бозорининг мавжудлиги ҳисобланади, унга кўра меҳнат бозорининг ўзи бандликнинг принципиал жиҳатдан фарқ қилувчи икки секторига: бирламчи ва иккиламчи секторга бўлинади, бунда секторлар орасидаги хизматчиларнинг ўтувчанлиги чекланган бўлади.

Бирламчи секторда иш ўрни яхши меҳнат шароитлари, юқори маош, барқарор бандлик, хизмат поғоналаридан ўсиш истикболлари билан тавсифланади. Одатда, бирламчи секторда оқ танли хизматчилар, асосан, эркаклар ишлайди. Иккиламчи секторга эса кам иш ҳақи тўланадиган, бандлик барқарор бўлмаган ва иш шароитлари ёмон бўлган ва асосан миллий озчиликни ташкил этадиган хотин-қизлар меҳнат қиладиган ишчи ўринларини бирлаштиради.

Хизматчиларнинг бу тарзда тақсимланиши ва хотин-қизларнинг бандликнинг иккиламчи секторига сиқиб чиқарилиши асосан шу билан изоҳланадики, хотин-қизларга иш берувчилар томонидан ишончли ва барқарор ходимлар деб қаралмайди, чунки аёлларнинг бандлиги модели эркакларникидан шуниси билан фаркланадики, улар кўпинча болаларнинг туғилиши ва тарбияланиши муносабати билан бандлик соҳасини тез-тез тарқ этадилар.

Бандлик соҳасида камситиш мавжудлигини изоҳлаш учун феминистлар томонидан меҳнатнинг захира армияси тўғрисидаги Маркс концепцияси қўлланилган. Маркснинг фикрича, капитализм шароитида меҳнатнинг захира армияси мавжудлиги “хизматчилар билан иш берувчилар ўртасида бандлик шароитлари ва иш ҳақи юзасидан самарали келишувига тўсқинлик қилади”¹⁰. Одатда, иқтисодий таназзуллар шароитида хотин-қизлар бандликнинг ҳақ тўланадиган соҳаларидан сиқиб чиқарилмоқда ва уй бекалар ролига қайтишга мажбур бўлмоқда. Бироқ, бундай концепция зиддиятлидир, чунки амалиётда, АҚШдаги буюк таназзул шароитида ишсиз қолган эркаклар ва хотин-қизлар сони деярли тенг эди, бу ҳол XX асрнинг 70-йилларидаги бутунжаҳон иқтисодий таназзули даврида такрорланди. Ушбу ҳолатни айрим тадқиқотчилар Буюк депрессия даврида асосан “эркаклар” соҳалари ва касбларини қамраб олган, “хотин-қизларнинг” хизмат соҳаларига эса бу камроқ даражада таъсир кўрсатган бандлик соҳасида касбий сегрегация мавжудлиги билан изоҳлайдилар. Қайд этилганидек, ҳозирги пайтда “классик” капитализм соф ҳолда мавжуд эмас. Ривожланиш жараёни соф

¹⁰ Введение в гендерные исследования. Гл. Гендерная проблематика в экономической теории Учебное пособие. Часть 1. Под редакцией И. Жеребкиной. Харьков, ХЦГИ, «Алетейя», 2001.

бозор капитализми давридаги меҳнат муносабатларини бирмунча бойитди, шу сабабли бандлик соҳасида гендер камситишлар мавжудлигини мавжуд концепциялар асосида изоҳлашга уриниш уларга жавоб беришдан кўра кўпроқ саволлар туғдиради. Шу муносабат билан оммавий соҳадаги гендер муаммоларни назарий мушоҳада этиш, иқтисодий агентларнинг хатти-ҳаракатини ўрганиш, уларнинг ҳамкорлиги қонуниятлари ҳали иқтисодий жараёнларни келтириб чиқаради, кўп сонли қўшимча тадқиқотлар ва хулосаларни талаб этади. Шуниси аниқки, ушбу йўналишдаги тадқиқотлар албатта гендер ёндашувларни эътиборга олган ҳолда ўтказилиши лозим, чунки гендер муносабатлар “нотенгликнинг мустақил манбаидир”¹¹.

Макродаражадаги гендер иқтисодиёти гендернинг умуман иқтисодий жараёнлардаги ва, хусусан, иқтисодий сиёсатдаги ролини камраб олади. Замоनावий миллий статистик тизимлари хотин-қизлар ҳақи тўланмайдиган уй меҳнатининг ялпи ички маҳсулотни яратишга қўшган ҳиссасини ҳамда хотин-қизларнинг уй меҳнатининг миллий ҳисоб-китоблар тизимида ифодаланишини аниқлашга интиломда. Хотин-қизлар эҳтиёжларини миллий бюджетларда акс эттиришга, ва иқтисодиётнинг тузилмавий тартибга солинишига доир дастурларни ишлаб чиқишга гендер жиҳатларни киритишга уринишлар бўлмоқда.

Гендернинг макроиқтисодий таҳлилга киритилиши давлат хизматларининг аҳоли гуруҳларига, шу жумладан, хотин-қизлар, камбағаллар, маълум минтақалар аҳолисига қанчалик етиб боришини аниқлаш имконини беради. Хусусан, турли демографик гуруҳлар ўртасида давлат харажатларини ҳисоблаш усули давлат хизматларидан фойдаланишнинг индивидуал даражасига мувофиқ равишда ҳисоб-китоб бирлигига давлат ёрдамнинг тақсимланишини таҳлил қилиш имконини беради (масалан, бир ўқувчи ҳисобида таълим сарф-харажатлари)¹². Одатда, давлат харажатларини тақсимлашда гендер оғишлар аҳолининг кам даромад оладиган гуруҳларида кузатилади.

Макроиқтисодий гендер таҳлил йўналишларидан бири давлат бюджетларининг (миллий миқёсда) эркаклар ва хотин-қизларнинг турли гуруҳларига таъсирини ўрганишдан иборат. Давлат бюджетларини ўрганишда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва хизматлар турлари бўйича асосий харажатларнинг таъсири эркаклар ва хотин-қизларнинг аҳолига нисбатан алоҳида кўриб чиқилади. Давлат хизматлари соҳасида имкониятлар тенглигига эришишга йўналтирилган стратегиялар ва маблағлар таҳлил қилинмоқда ва тегишли равишда гендер бюджетлар, ёки гендер таъсирчан бюджетлар (Gender sensitive budgets) тузишга уринишлар кузатилмоқда. Биринчи “гендер бюджети” Австралия федерал

¹¹ Кўрсатилган асар.

¹² Van de Walle and Nead 1995, cited in World Bank, 1995.

ҳукумати томонидан 1984 йилда тузилган. 1995 йили парламентарийлар, ННТ ва Жанубий Африка тадқиқотчилари Хотин-қизлар бюджетини таҳлил этиш бўйича ташаббус билан чиқишди ва 1977 йилда Жанубий Африка давлати уни қабул қилди. Шуни қайд этиш зарурки, гендер таъсирчан бюджетларнинг қабул қилиниши ҳукуматлари инсониятнинг ривожланиши жараёнида гендер тенгликка эришиш зарурлиги тўғрисида кўпроқ бохабар бўлган давлатларда содир бўлади.

Қайд этилганидек, макродаражадаги гендер иқтисодиёти иқтисодий билимлар соҳасида энг янги йўналишлардан биридир. Шунга қарамай, бугунги кундаёқ давлат сиёсатининг, бенефициарийларнинг гендер таҳлилини амалга ошириш, давлат харажатлари тақсимланишининг, солиқлар тақсимланишининг, бюджетнинг вақтдан фойдаланишга таъсирини, иқтисодий стратегияларни гендер таҳлил қилишни ўтказиш бўйича қатор воситалар ишлаб чиқилган. Жумладан, 1993-98 йилларда гендер тенглик бўйича ишчи гуруҳи OECD-DAC (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) Манчестер университети ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда гендерни макроиқтисодий сиёсатга интеграциялаш бўйича концепциялар, чизмалар ва воситаларни ишлаб чиқди. Мазкур ишнинг асосий натижалари 2000 йилда чоп этилган “Ривожланиш бўйича ҳамкорликда гендер ва иқтисодий ислохот” (Gender and Economic Reform in Development Cooperation) китобида жамланган¹³. 2000 йилнинг февралида Патриция Александер ва Салли Баден тайёрлаган, BRIDGE томонидан GTZ (German Technical Cooperation) ҳамкорлигида чиқарилган Макроиқтисодий атамаларнинг гендер глоссарийи нашр этилди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши барча даражалардаги мавжуд гендер тенгсизликни енгиб ўтишни тақозо этади. Гендер статистика ва гендер таҳлилнинг янги услубиёти, жаҳон тажрибаси кўрсатганидек, гендер-таъсирчан давлат дастурлари ва ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишда ишончли ва объектив воситалардир. Умид қиламизки, Ўзбекистоннинг ёш олимлари макроиқтисодиёт соҳасидаги гендер тадқиқотларга қизиқиш билдирадилар ва гендер фанининг мазкур йўналиши ривожига ҳамда сиёсатчилар, вазириликлар ходимлари, парламентларнинг аъзолари, халқаро тараққиёт агентлари ўртасида гендер тенгликка эришиш ғояларини тарқатишга муносиб ҳисса қўшадилар.

¹³ Гендерный глоссарий макроэкономических терминов. BRIDGE. GTZ. www.unifem.org

БАНДЛИКНИНГ ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРИ

Динара Алимжонова

Бандликнинг гендер хусусиятлари. Даромадларни гендер тақсимлаш муаммолари. Бандлик соҳасида гендер сегрегация. Бандлик соҳасида гендер камситишлар. Статистик камситиш тушунчаси. Тадбиркорликнинг гендер хусусиятлари. Фаолият турларини таҳлил қилишга гендер ёндашувлар. Асосий ресурслардан фойдаланиш имкониятлари.

Эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизлик бандлик соҳасида айниқса яққол намоён бўлади. Аёлларнинг ривожланишдаги роли бўйича 1999 йилги глобал ҳисоботда қайд этилишича, “эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида тенгликка эришиш уларнинг ролларини қайта кўриб чиқиш ва жамиятнинг асосий институтлари – меҳнат бозори, ҳукумат ва оиланинг қайта ташкил этилишини талаб қилади”¹. Меҳнат ва бандлик соҳасида юзага келган муносабатларни қайта кўриб чиқиш талаби шу билан изоҳланадики, ҳаётини муҳим аҳамиятга эга ушбу соҳада эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги гендер номутаносиблик ва тенгсизлик асослари яратилади. Меҳнат ва бандлик соҳасида жинслар ўртасидаги тенгсизликнинг асосий кўринишларига қуйидагилар киради:

- иш ҳақи бўйича камситиш; ишга ёллаш пайтида камситиш; ишдан бўшатиш пайтида камситиш; хизмат лавозимларидан кўтарилишда камситиш; малака оширишда камситиш.
- Жинсига кўра касбий сегрегация.
- Хотин-қизлар томонидан касбий ва оилавий мажбуриятларнинг биргаликда олиб борилиши.

Бандлик соҳасида жинсига кўра камситиш шундай жараёнки, бунда “самарадорликка кўра бир хил кўрсаткичга эга ходимларга турли демографик гуруҳларга оид бўлганлиги учун турлича муносабатда бўлиш”² кузатилади. Бандлик соҳасидаги гендер камситиш кўпинча ишга ёллаш ва ходимларни қисқартириш пайтида содир бўлади.

Ўзбекистоннинг меҳнат органларида ходимларни қисқартириш муносабати билан ишини йўқотган ходимлар рўйхатга олинган ва, рақамларнинг далолат беришича, ишдан бўшатишган хотин-қизлар сони ишдан бўшатишган эркаклар сонидан кўпдир.

Хотин-қизлар меҳнат органларида рўйхатга олинганлар, иш қидираётганлар орасида ва умумтаълим мактабларини, касб-хунар ўқув юртлари ва олий ўқув юртларини тугатганидан сўнг ишга жойлашмаганлар орасида кўпчиликти ташкил этади.

¹ Мировой обзор по вопросу роли женщин в развитии. Нью-Йорк, ООН, 1999, с.10.

² Хоткина, З.А. Гендерный подход по анализу труда и занятости. Гендерный калейдоскоп. М., 2002.

1-жадвал.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ишсизлар, (% ҳисобида)³

	2002	2003
расмий равишда ишсиз мақомини олганлар	100	100
хотин-қизлар	61,5	56,5
эркаклар	38,5	43,5

2-жадвал.

Меҳнат органларида ишсиз сифатида рўйхатдан ўтган, бироқ иш қидираётган ва ўқишни тугатгандан кейин ишга жойлашмаганлар (2000 йил якуни бўйича % ларда)⁴

Банд эмаслик ҳолатлари	Аёллар	Эркаклар
Умумтаълим мактабларини тамомлаганидан кейин ишга жойлашмаган	55,6	44,4
Касб-ҳунар ўқув юртларида ўқиганидан кейин ишга жойлашмаган	53,4	46,6
Олий ўқув юртларида ўқиганидан кейин ишга жойлашмаган	54,4	45,6

Келтирилган жадвалларда эркаклар ва аёлларнинг ҳаётий имкониятларидаги гендер номуносаблиги, ишга ёллаш соҳасида ва ходимларни қисқартиришда камситиш кузатилади. Иқтисодиётда бандлик соҳасидаги камситишнинг бундай тури “афзалликлар даражасидаги камситиш” деб номланади, бунда ишга ёлловчилар асосан эркакларни қабул қилади ва буни шу билан асослайдики, аёллар болаларни туғиш ёки уларга қараш билан боғлиқ равишда ишда кўп узилишларга йўл қўядилар, шу сабабли улар ишончли ходим эмас. Улар кўп сонли оилавий мажбуриятларга эга бўлганликлари боис ортиқча ишлаб бермайдилар. Эркак иш берувчиларнинг афзалликлари бўйича оила боқувчиси эркак бўлиши керак, аёл эса уйда қолиши лозим. Шуниси муҳимки, аёллар ўзларининг оилавий вазифалари кўплигини тан олгани ҳолда уларни ўзларига эркаклар сингари яхши ишлашга ҳалал беради, деб ҳисобламайдилар.

³ Женщины и мужчины Узбекистана. Статистический сборник. Государственный департамент статистики. Т., 2003.

⁴ Кўрсатилган асар

Гендер камситишини ва бандлик соҳасида афзалликларнинг ўзгармаслигини изоҳлаш учун феминистик назария Нэнси Ходороунинг психоаналитик қарашларидан фойдаланади. Бироқ кейинчалик, ижтимоийлашув жараёнида ўғил болалар ана шу яқинликни енгиб ўтади. Эркакларнинг ўхшашиги аёллар ўхшашигини инкор этиши орқали шаклланади (яъни амалда онасига қарамликни енгиб ўтиши орқали). Улар “аёлларнинг” уйга оид дунёсига қарама-қарши бўлган эркаклар оммавий ҳудудига йўл олади. Ва, агар аёл оммавий ҳудудга кира бошласа, бу фаол қаршилик уйғотади, чунки эркаклар томонидан ўзларининг гендер ўхшашичилигига таҳдид деб тушунилади.

Манба: Нэнси Ходороу. Е. Мезенцева. Гендерная проблематика в экономической теории. Введение в гендерные исследования. Ч. 1. Уч. пособие. Под ред. И. Жеребкиной. Изд-во «Алетейя» асосида келтирилди

Авалги мавзуда кайд этилганидек, горизонтал ва вертикал касбий сегрегация фаркланади. Горизонтал сегрегация касбий ва соҳа даражасида, шунингдек, фирмалараро даражада содир бўлади. Соҳа ва касбий гендер сегрегация эркаклар ва аёлларнинг иқтисодиётдаги касблар ва тармоқлар бўйича турлича тақсимланиши билан боғлиқ Ўзгаришлар ва иқтисодий таназуллар даврларидаги ўзига хосликлар меҳнат бозорида бандликнинг барқарор эмаслиги ва ишсизликнинг ўсиши, иш ҳақи даражасининг камайиши ва тўловининг чўзилиши, меҳнат соҳасида қонунчиликка риоя қилмаслик билан боғлиқ муаммоларнинг кўпайишига олиб келади. Хусусан, ушбу муаммолар эркаклар ва хотин-қизларга баравар тааллуқли бўлишига қарамай, собиқ совет иттифоқи худудидаги мамлакатларда ўзгаришлар даврида аёллар бандлигининг камайиши барча тармоқлардаги эркаклар бандлиги қисқаришига нисбатан жадалроқ кечди.

Иккинчи томондан, аёллар кўпчиликни ташкил этадиган соҳалар таҳлили шуни кўрсатадики, аёллар асосан хизмачиларнинг иш ҳақи жуда кам бўлган соҳаларда ишлайдилар. Хусусан, Ўзбекистонда хотин-қизлар иш билан банд аҳолининг 44,1% ни ташкил этади. Бунда аёлларнинг 75,3% соғликни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот соҳаларида ишлайди; 72,9% маориф, маданият, санъат, илм-фан ва илмий хизмат соҳаларида меҳнат қилса, эркаклар асосан қурилиш (85,9%), транспорт ва алоқа (81,7%), саноатда (57,2%) ва кишлоқ хўжалигида (57,6%) банд. (Маълумотлар ўртача 2003 йил бўйича келтирилган)⁵.

Умуман, аёлларнинг касбий сегрегацияси билан иш ҳақи ўртасида муайян боғлиқлик бор. Хусусан, Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақи айрим соҳалар бўйича умумреспублика миқёсидан сезиларли равишда ортада қолган. Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза вазирлигининг маълумотларига кўра, 2003 йилда соғликни сақлаш соҳасида иш ҳақи республика даражасига нисбатан 78,1% ни ташкил этган, маорифда –

⁵ Женщины и мужчины Узбекистана. 2003.

84,1%, маданият соҳасида 76,5%ни ташкил этган. Шунинг қайд этиш зарурки, сўнгги бир неча йил давомида иқтисодиёт соҳалари бўйича эркеклар ва аёллар бандлиги бўйича ўзига хос ўзгаришлар содир бўлди. (қ. 3-жадвал).

3-жадвал

2003 йил мобайнида иқтисодиёт тармоқларида эркеклар ва аёлларнинг ўртача тақсими⁶

	<i>Жами % ҳисобида</i>		<i>жинсга кўра тақсимот</i>	
	<i>аёл</i>	<i>эркак</i>	<i>аёл</i>	<i>эркак</i>
Саноат	12,4	13,0	42,8	57,2
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	30,8	32,8	42,4	57,6
Қурилиш	2,6	12,2	14,1	85,9
Транспорт ва алоқа	1,9	6,6	18,3	81,7
Савдо, умумий овқатланиш, сотув, тайёрлов	8,4	8,6	43,6	56,4
Уй-жой-коммунал хўжалик	2,4	3,4	36,2	63,8
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот	11,7	3,0	75,3	24,7
Таълим, маданият, санъат, илм-фан ва илмий хизматлар	21,8	6,3	72,9	27,1
Молия, кредит, суғурта	0,6	0,5	48,6	51,4
бошқа тармоқлар	7,4	13,6	29,9	70,1

Умуман олганда, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, маориф, маданият, илм-фан, санъат соҳаларида эркеклар сонининг камайиши ва банд аёлларнинг кўпайиши кузатилган. Бандликнинг тармоқ тизимида гендер ўзгаришларнинг асосий сабаблари санаб ўтилган соҳалардаги иш ҳақига бориб тақалади. Эркеклар ушбу соҳаларда иш ҳақи камлиги туфайли кетиб қолган, аёллар эса кам ҳақ тўланадиган иш ўринларини эгаллаган, чунки уларнинг ишга жойлашиш имкониятлари чекланган.

Иш соҳасидаги тенгсизликка таъсир кўрсатувчи асосий омилларга одатда ёш, маълумот, касб, иш стажи ва тажрибаси кабилар киритилади. Бироқ, чет эллик мутахассисларнинг тадқиқотлари шунинг кўрсатдики, юқоридаги кўрсаткичлардаги фарқлар баргараф этилган тақдирда ҳам эркеклар фойдасига хизмат қилувчи иш ҳақидаги фарқ сақланиб қолади.

⁶ Кўрсатилган асар.

Бундай “сирли” фарқларни иш берувчиларнинг хотин-қизларга эркакларга караганда камроқ ҳақ тўлаш мумкин, деб ҳисоблайдиган камситувчи хатти-ҳаракати билан изоҳлаш мумкин⁷.

Гендер сегрегацияси шаклланиши жараёни бир неча омиллар: ижтимоий-иқтисодий, маданий, технологик омиллар таъсирида содир бўлади. Ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши эркакларнинг иш ҳақи кам тўланадиган (бирок, асосан “эркакларга хос” бўлган) соҳалардан чиқиб кетишига ҳамда уларга аёлларнинг жалб қилинишига олиб келмоқда. “Эркакларга хос” ва “аёлларга хос” касбларга нисбатан маданий ақидаларнинг ўзгариши эркаклар анъанавий касбларининг аёллар томонидан ўзлаштирилишига кўмаклашиши мумкин. Технологик омиллар кўпинча технологик жараёнларга хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган кам малакали ишларнинг вужудга келишига таъсир кўрсатади. Зерикарли кам малакали иш эркакларни жалб этмайди ва бу соҳа аёллар билан тўлдирилади, бу эса ўз навбатида уларга ҳақ тўлашнинг камайишига олиб келади.

Вертикал сегрегация бошқарув касбларидаги ва раҳбарлик позицияларидаги аёлларнинг ҳолатига таъсир кўрсатади. Колумбия ва Стэнфорд университетети мутахассисларининг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, бизнес ва бошқарув магистрлари дипломларига эга эркаклар ва аёллар (МВА) тенг миқдордаги бошланғич иш ҳақига эга бўлади. Бирок 7 йилдан сўнг аёлларнинг 40% эркаклардан орқада қолади⁸. Бундай ҳолат ўхшаш маълумот ва малакага эга россиялик мутахассислар ўртасида ҳам кузатилади. Бундай тафовутни аёлларнинг тегишли малака ва тажрибага эга эмаслиги ва бу ҳол уларнинг хизмат лавозимлари бўйича ўсишига тўсқинлик қилиши билан изоҳлаб бўлмайди. Бандлик соҳасида жинсий белгисига кўра вертикал сегрегация муаммосини ўрганувчилар “ойна шифт” атамасидан хотин-қизларнинг хизмат поғоналаридан ўсиши йўлида яширин камситиш шаклидаги норасмий тўсиқлар мавжудлигини тушунтириш учун фойдаландилар. “Ойна шифт” мавжудлигининг яна бир изоҳи хотин-қизларнинг ўз лавозими ўсиши учун оилавий кадрятлардан воз кечишга тайёр эмаслиги ҳамда уларда касбий соҳада юқори поғоналарга эришиш истаги йўқлиги билан боғлиқ. Бундай изоҳларга қўшилиш ёки қўшилмаслик мумкин, бирок шу нарса ўзгаришсиз қоладик, аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ даражада хизмат поғоналаридан ўсишда қўшимча тўсиқларни енгиб ўтишларига тўғри келади.

⁷ Эренберг Р., Смит Р. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. Пер. с англ. Под ред. Колосовой Р., Разумовой Т., Рошина С. М.: МГУ, 1996.

⁸ Мезенцева, Е.Б. Профессиональная сегрегация по признаку пола. Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. МЦГИ. Московская Высшая школа социальных и экономических наук. М., 2001.

4-жадвал.

Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқлари бўйича раҳбарлик лавозимларини эгаллаган эркеклар ва хотин-қизлар сони (2001 й. 01.01.даги маълумот)

	аёллар	эркаклар
Жами	24,4%	75,6%
Саноат	21,9%	78,1%
Қишлоқ хўжалиги	6,8%	93,2%
Қурилиш	18,3%	81,7%
Бошқарув аппарати	14,2%	85,8%
Алоқа	27,7%	72,9%
Транспорт	13,7%	86,3%
Савдо, умумий овқатланиш, МТС, тайёрлов	21,4%	78,6%
Турар-жой коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш	18,8%	81,2%
Соғлиқни сақлаш, спорт, ижтимоий таъминот	30,0%	70,0%
Маориф	38,7%	61,3%
Маданият ва санъат	39,3%	60,7%
Илм-фан ва илмий хизматлар	29,0%	71,0%
Молия, кредит, суғурта	27,6%	72,4%

**давлат статистикасида қабул қилинган таснифлар асосида
Манба: Ўзбекистон эркеклари ва аёллари. 2002*

Шуни қайд этиш лозимки, жинсига кўра вертикал сегрегация айниқса, давлат ҳокимияти соҳасида яққол намоён бўлади. 5 жадвалда Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркекларнинг иқтисодиёт тармоқларини бошқаришдаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Ушбу жадваллар шундан далолат берадики, ҳокимиятнинг барча даражаларида хотин-қизлар бандлигининг “пирамидасимон” тизими Ўзбекистонда ҳам мавжуддир.

5-жадвал.

Хотин-қизларнинг сиёсий ҳаётда ва давлат бошқарувидаги иштироки,
% ҳисобида (2002 йилнинг бошидаги ҳолатга кўра)*

	аёллар	эркаклар
Давлат ҳокимиятининг олий органларида	13,7	86,3
Шу жумладан: Қонунчилик ва ҳокимият вакиллик органларида	12,3	87,7
Ҳокимиятнинг ижроия органларида	15,3	84,7
Суд ҳокимияти органларида	20,3	79,7

Манба: Ўзбекистон аёллари ва эркалари. 2002

Шуни қайд этиш жоизки, жинслар тенглигини таъминлаш масалалари иқтисодий муаммоларни, шу жумладан меҳнат ва бандлик муаммоларини ўрганишга ёндашувларнинг ўзгаришини талаб этади. Бу ўринда “ҳар бир соҳада ва барча даражаларда режалаштирилаётган ҳамма чоратadbирларнинг, шу жумладан қонунчилик, сиёсат ва дастурларнинг эркалар ва хотин-қизлар учун келиб чиқадиган оқибатлари ҳисобини юритадиган ва баҳолайдиган” гендер ёндашувнинг қўлланилиши аҳамиятлидир⁹. Хусусан, жинсига кўра касбий сегрегация асослари бошланғич таълим даражасидаёқ шакллантирилади. 2002 йилда Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари дарсликларини гендер ақидалар мавжудлигини аниқлаш нуқтаи назаридан ўтказилган гендер экспертизаси давомида аниқландики, дарсликларда тилга олинган 56 та касбдан фақат 9таси аёлларга тааллуқли экан. Бунда “аёллар” касбларига кам соҳалар киритилган, хусусан: таълим соҳасида - ўқитувчи, кутубхоначи, тарбиячи; тиббиёт соҳасида – ҳамшира, провизор; ишчи касбларида: – тикувчи ва кашта тикувчи; қишлоқ хўжалиги соҳалари орасида – сут соғувчи ва пахта терувчи (табиийки қўлда пахта терувчи)¹⁰.

Жинсига кўра камситишнинг юзага келиш сабаблари ва механизмлари иқтисодий тафаккурнинг кўплаб йўналишлари вакиллари олиб борган иқтисодий таҳлил предметини ташкил этади. Аммо назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган ёндашувлар неоклассик йўналиш доирасига тегишлидир. Юқорида эслатиб ўтилган афзалликлар даражасидаги камситишлар билан бир қаторда тадқиқотчилар *статистик камситиш* мавжудлигига ҳам эътиборни қаратадилар, бундай камситиш иш берувчиларнинг “статистик муносабатига” асосланган бўлади. Иш берувчиларнинг хотин-қизларга нисбатан “статистик муносабати” шунга таянадики, гўё хотин-қизларнинг барчаси бир хил хусусият ва характеристикага эга. Ишга ёллаш тўғрисида

⁹ Мировой обзор по вопросу роли женщин в развитии. Нью-Йорк, ООН, 1999, с.10.

¹⁰ Гендерная экспертиза учебников общеобразовательных школ Узбекистана. Отчет. Рук. Алимджанова Д.А. Проект «Basic Education Textbook Development». Азиатский банк развития. The British Council, 2001.

қарор қабул қилар экан, иш берувчи номзодларнинг ҳақиқий ишчанлик фазилатларига баҳо беришда ўз кучини камайтиришга ҳаракат қилади ва бирламчи маълумотларнинг энг ками асосида уларнинг самарадорлигини кўра билишга интилади. Бошқа тенг шароитларда у мазкур номзодни унга муайян демографик гуруҳ вакили сифатида қараб, яъни ўзининг эски тасаввурларига қараб танлайди. Жумладан, “агар иш берувчи олдиндан хотин-қизларни эркакларга нисбатан ёмон ходим деб ҳисобласа, муайян номзоднинг индивидуал касбий ва оилавий характеристикаларидан қатъи назар, эркакларга афзаллик беради”¹¹. Шундай қилиб, камситиш элементлари шунда ҳам намоён бўладики, муайян ходимга баҳо бериш маълум бир одамлар гуруҳи бўйича шаклланган мезонлар ва акидалар асосида амалга ошади. Статистик камситиш акидаларнинг тикланишига ҳамда иш унумдорлигида бир хил таснифларга эга бўлишларига қарамай, аёл ишчига нисбатан эркак ишчини маъқул кўришга ёки уларнинг иш ҳақини камайтиришга олиб келади.

Кўплаб тадқиқотлар маълумотлари статистик камситиш мавжудлигини тасдиқлайди. Хусусан, ишга ёллаш вазиятини моделлаштириш жараёнида ишга ёлловчиларнинг кўпчилиги расмий характеристикалари тенг бўлган аёл ва эркак номзодлар орасида эркакларни танлаган¹². Тегишли равишда муаллифи аёл бўлган расмлар экспертлар томонидан пастроқ баҳоланган¹³. Яна бир тадқиқот давомида шу нарса исботландики, хотин-қизлар томонидан ёзилган мақолалар, агар муҳаррирлар муаллифларнинг кимлигини билмаса, чоп этилиши эҳтимоли юқорироқ бўлади¹⁴. XX асрнинг сўнгги 10 йиллиги давомида дунёда хотин-қизлар бандлигининг ошиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, Японияда хотин-қизлар бандлиги - 11%га, АҚШ ва Францияда – 15%га, Австрияда 48%га, Нидерландияда 64%га кўпайган. Ривожланган мамлакатларда хотин-қизлар бандлиги ошган бир пайтда собиқ иттифок ҳудудида ҳамда Шарқий Европанинг айрим мамлакатларида хотин-қизлар бандлиги кескин камайган. Хусусан, Россияда аёллар бандлиги таҳлил қилинаётган даврга нисбатан 20%га камайган¹⁵. Ўзбекистон сўнгги ўн йил давомида хотин-қизлар бандлиги динамикаси шуни кўрсатмоқдаки, республикада бу борада кескин камайиш содир бўлмади.

¹¹ Мезенцева Е. Гендерная проблематика в экономической теории. Введение в гендерные исследования. Ч. 1. Уч. пособие. Под ред. И. Жеребкиной. Изд-во «Алетей».

¹² Nieva V.F. and Gutek B.A. Sex Effects and Evaluation. // *Academy of Management and Review*, 1980, v.5.

¹³ Nieva V.F. and Gutek B.A. *Op.cit.* p.268.

¹⁴ Ferber & Teiman M. The Oldest, the Most Established, the Most Qualitative of the Social Sciences – and the Most Dominated by Men: The Impact of Feminism on Economics. In: D. Spender (ed.) *Men's Studies Modified; The Impact of Feminism on the Academic Disciplines*. Oxford: Pergamon Press, 1981, pp.126-127.

¹⁵ Хоткина З.А. Гендерный подход к анализу труда и занятости. Гендерный калейдоскоп. М., 2002, с.355.

6-жадвал.

Ўзбекистон иқтисодиётида банд бўлган хотин-қизларнинг солиштирма нисбати (%да)

	1991	1993	1995	1997	1999	2002	2003
Иқтисодиётда банд бўлган хотин-қизлар улуши	44,0	43,5	42,7	41,0	44,2	44,0	44,0

Манба: Ўзбекистон хотин-қизлари ва эркаклари. 2002.

Бироқ, шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистонда хотин-қизлар бандлиги даражаси бир вақтлар умумиттифоқ кўрсаткичидан анча орқада қолган (масалан, 1989 йилда 71%ни ташкил этган¹⁶) ва бунда хотин-қизларни “ижобий” камситишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқишга кўмаклашувчи демографик омиллар муҳим рол ўйнаган (ҳомиладорлик бўйича имтиёзлар ва узоқ муддатли таътиллار берилиши ва ҳоказо). Хотин-қизларнинг “ижобий” камситилиши масалалари ва бу билан боғлиқ иқтисодий муаммолар махсус тадқиқотлар ўтказилишини ва таҳлилни талаб этади. Шунга қарамай, 2000 йилда хотин-қизларнинг бандлиги даражасини барқарорлаштириш жараёни жамятда хотин-қизларнинг бозордаги бандлиги тенденцияси сақланиб қолмоқда, деб тахмин қилиш имконини беради.

Хотин-қизлар ва тадбиркорлик. Умуман тадбиркорликни ва хусусан хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ресурслардан ва, биринчи навбатда, молиявий ресурслардан эркин фойдаланиш имконияти билан боғлиқ. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришни яхшилаш, тадбиркорларга кредит беришни соддалаштириш борасида айрим ишлар амалга оширилганига қарамай, тадбиркор хотин-қизлар кредитлардан ҳамон кам фойдаланмоқдалар. 2001 йилда берилган микрокредитларга доир маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, берилган кредитларнинг умумий суммасида тадбиркор хотин-қизлар ҳиссасига кредитларнинг фақат 15%, эркаклар ҳиссасига эса 85% тўғри келмоқда¹⁷.

Умуман, Ўзбекистонда тадбиркорларнинг жинсига ва бошқа хусусиятларига кўра статистик ва идоравий ҳисоби ҳали ҳамон юритилмаяпти. Мавжуд билвосита маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси маълумотлар базасига киритилган тадбиркорлар орасида хотин-қизлар фақат 14,2%ни, эркаклар эса 86,8%ни ташкил этади (2001 йил 1 июль

¹⁶ Социально-экономическое развитие СССР в 1989 году. Статистический справочник. М., 1990.

¹⁷ Женщины и мужчины Узбекистана. 2002. с.98.

ҳолатига кўра)¹⁸. Шунга қарамай, республикамизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик салоҳияти юқори бўлиб, бу уларнинг фаол позициясидан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигининг Давлат статистикаси департаменти томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, 1997 йилда сўровда қатнашган ишлайдиган аёлларнинг фақат 21%и оилада фаровонлик бўлса, ўз ишидан воз кечишини айтган, респондентларнинг 67,8%и – бандликни афзал кўради¹⁹.

Шуни қайд этиш зарурки, тадбиркорлик соҳасида гендер тенгликка эришиш масалаларида Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти аёлларнинг меҳнати ишлаб чиқаришнинг кам самарали омили деган тасаввурлар билан боғлиқ амалдаги оммавий ақидалардир. Шу сабабли хотин-қизлар бандлигини қисқартириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади, бунда уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдан кетишини кўшимча имтиёзлар билан рағбатлантириш керак. Чунки аёл янги авлодни дунёга келтириш вазифасини бажариши лозим, бунинг учун аёлларга болани парваришlash бўйича бериладиган ҳақ тўланадиган таътилни узайтириш ва унинг иш вақтини қисқартириш керак, деб ҳисобланади. Айниқса, оила, никоҳ соҳасидаги муносабатларда гендер ақидаларни енгиб ўтиш, уй хўжалигини юритиш ва болаларни парваришlash ва тарбияlashда аёллар билан эркакларнинг ролларини белгиlash ва меҳнат тақсимоти муаммолари долзарб аҳамиятга эга.

Бу жиҳатдан қуйидаги кўрсаткичлар жуда қизиқарлидир. INTAS кўмагида 1999 йилда Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида яшовчи аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини тадқиқ қилиш натижаларига кўра сўралган эркак респондентларнинг 37%и хотин-қизлар ўз мулкани тасарруф этишга ҳақли эмаслигини билдирди; эркак респондентларнинг 34,7%и хотин-қизлар ўз мулкани фақат эри ва бошқа қариндошларининг руҳати билан тасарруф этишга ҳақли эканини билдирди; ва фақат 22% эркаклар хотин-қизлар ўз мулкани ўзи тасарруф этишга ҳақли эканлигига қўшилди. Жамиятда жинсий-ролли ақидалар кучи ҳамон устунлик қилмоқда, бироқ тадбиркор хотин-қизлар сони кўпаяётгани ва хотин-қизларнинг фаоллашуви Ўзбекистонда аёлларнинг жамиятнинг иқтисодий ҳаётига кириб боришига тўсқинлик қилувчи ғовларни енгиб ўтишига умид уйғотади, зеро, аёлларнинг уйдан ташқарига чиқиб, тадбиркорлик соҳасига кириши ХХ асрнинг энг ёрқин хусусияти бўлиб қолди. Хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги иштироки хатти-ҳаракатнинг янги бозор моделига мослашиш, бандликнинг кенгайиши ва юқори даромад олиш йўлларида биридир. Кўпгина чет мамлакатларнинг тажрибаси шундан ёрқин далолат беради. Хусусан, хотин-қизлар бизнесининг шаклланиши жараёни АҚШда жадал сурьатлар билан давом

¹⁸ Кўрсатилган асар.

¹⁹ Женщины и мужчины Узбекистана. 2002. с.98.

этомқда, у ерда кичик бизнес объектларининг 30%дан кўпроғи хотин-қизлар қўлида. Германияда хотин-қизлар тадбиркорларнинг 26%ини ташкил этади. 1999 йилги маълумотларга кўра, хотин-қизлар умумжаҳон бизнесининг 1/3 қисмига эгалик қилади ва жаҳон ишчи кучининг 1/4 қисмини ишга ёллаган²⁰. Бироқ, хотин-қизларнинг тадбиркорлик асосларини эгаллашга бўлган интилиши ва маълум муваффақиятларга қарамай, нафақат бизнинг мамлакатимизда, шу билан бирга бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам хотин-қизларнинг иқтисодиётдаги етакчилигини тан олиш муаммоси долзарб бўлиб турибди.

Ханузгача ҳам жаҳон ҳамжамиятида эркаклар ва хотин-қизларнинг ижтимоий ва касбий ролларини ажратиш учун асос сифатида хизмат қиладиган андроцентристик ёндашув ва биодетерменизм устунлик қилмоқда. Хотин-қизларнинг иқтисодий жараёнларни бошқаришдаги реал ютуқларини (статистик камситиш) ва “у ёки бу мамлакатларнинг хотин-қизларни реал иқтисодиётга киритишдан миллий манфаатдорлигини” етарли даражада билмаслик натижасида хотин-қизларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролига етарли баҳо бермаслик содир бўлмоқда²¹. Иккинчи томондан, хотин-қизларнинг ўзларидан келиб чиқадиган ҳамда уларга фирмалар бошқарувида юқори лавозимларга эришишига ҳалал берадиган муайян психологик тўсиқлар мавжуд.

Психолог Хорнер тадқиқотлари шуни кўрсатдики, хотин-қизлар етакчилиги йўлида ички тўсиқ сифатида намоён бўлувчи омиллардан бири *тақлид қилиш учун намуналар сонининг камлиги* ҳисобланади. Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, дунё амалиётида етакчи аёллар сони кам бўлиб, етакчи аёл қиёфаси тўла шаклланмаган.

Манба: Чирикова А.Е. Женщина менеджер в современном бизнесе. Гендерный калейдоскоп. Москва. 2002.

Фаолият турлари таҳлиliga гендер ёндашувлар. Иқтисодий камситиш асосида эркаклар ва хотин-қизларнинг иқтисодий фаолият турларида иштирокининг тенгсизлиги туради. Гендер назарияси нуктаи назарига кўра, инсоннинг бутун фаолияти уч турга бўлинади: продуктив (илаб чиқариш), репродуктив (қайта ишлаб чиқариш), ижтимоий.

Продуктив фаолият товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳақи тўланадиган ишга тегишлидир (бу уйдан ташқаридаги иш бўлиб, у даромад олишга йўналтирилган). Продуктив фаолият меҳнат бозорига чиқиш билан боғлиқ бўлиб, у жамият томонидан аниқ тан

²⁰ The New York Times Magazine, 1999, May 16 (The Second of Six Special Millennium Issues). (ҳавола: Чирикова А.Е. Женщина- менеджер в современном бизнесе. Гендерный калейдоскоп. М., 2002 кўра берилди.

²¹ Чирикова А.Е. Женщина- менеджер в современном бизнесе. Гендерный калейдоскоп. М., 2002

олинади (меҳнатга пул билан ҳақ тўлаш шаклида), шахснинг ижтимоий мақоми ошишига бевосита таъсир кўрсатади ҳамда жамиятда қарор топган ақидалар сабабли обрўлироқ фаолият ҳисобланади.

Репродуктив фаолият уйдаги ишларни юритиш билан боғлиқ бўлиб, бунга фарзанд туғиш ва тарбиялаш, уй-хўжалигини юритиш (харидлар қилиш, овқат тайёрлаш, уйни йиғиштириш, оила аъзоларининг саломатлигини сақлаб туриш ва хоказолар) киради. Аҳамияти жиҳатидан кам бўлмагани ҳолда, репродуктив фаолият аёлларнинг “табiiй иши” деб қабул қилинади ва жамият томонидан баҳоланмайди; унинг қиммати муайян уй хўжалиги доирасидагина эътироф этилади.

Жамоат иши – бу ҳамжамятнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ижтимоий ҳаётида иштирок этишдир. Иқтисодий таҳлил пайтида фаолиятнинг бу тури камдан-кам ҳолларда эътиборга олинади. Айни пайтда жамоат иши ихтиёрий равишда бир мунча вақт сарфланишини кўзда тутати. Одатда шахснинг ижтимоий мақомини оширадиган фахрли ва масъулиятли вазифалар (ҳамжамят, уй кўмитаси раиси) эркаклар зиммасига юкланса, бир тусдаги, мақомни оширишни кўзда тутмайдиган ишлар (маблағ, бадал йиғиш, тадбирлар ўтказиш ва хоказолар) хотин-қизлар зиммасига юкланади.

Юқорида қайд этилганидек, хотин-қизлар продуктив фаолият соҳасида фаол иштирок этадиган бўлиб бормоқдалар, бироқ, кўпгина жамиятларда хотин-қизлар бутун репродуктив фаолиятни ҳам амалга оширишмоқда, бу эса хотин-қизлар мажбуриятларининг икки баравар кўпайишига олиб келмоқда. Бунинг устига аёллар меҳнатининг кўп қисми тан олинмай ва баҳоланмай қолмоқда. Барча мамлакатларда хотин-қизларнинг ривожланишга кўшган ҳиссасини тан олиш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда. 1995 йилги инсон ривожланиши тўғрисидаги маърузада дунёнинг 31 мамлакати мисолида ҳақи тўланадиган ва ҳақи тўланмайдиган меҳнат нисбати тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинди. Саноати ривожланган мамлакатларда эркаклар иш вақтининг тахминан учдан икки қисмидан миллий ҳисоблар тизимида ҳисобга олинмайдиган фаолиятда фойдаланилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда иш вақтининг тўртдан уч қисмидан кўпроғи миллий ҳисоблар тизимида эътиборга олинмайдиган фаолиятга сарфланмоқда²². Шу тариқа иқтисодиётга эркакларнинг қўшаётган улуши эътироф этилади, айни пайтда хотин-қизларнинг аксарият иши давлат ҳисобидан четда қолмоқда. Ушбу муаммога эътиборни жалб қилиш учун айрим мамлакатларда параллел ёки “ҳисоб йўлдошлари” ишлаб чиқилган ва уларда асосан аёллар томонидан бажариладиган ва пул билан ифодаланмайдиган ишлар эътиборга олинади. Ҳақ тўланмайдиган фаолиятни бозор нархларида баҳолайдиган бўлсак, у 16 триллион АҚШ долларига тўғри келади, бу эса

²² Доклад о человеческом развитии за 1995 год. Нью-Йорк. Оксфорд, 1995. с.88-89.

дунё ишлаб чиқариши расмий баҳосидан 70%га кўпдир. Мазкур 16 триллион долларнинг 11 триллиони хотин-қизларнинг пул билан ифодаланмайдиган “кўринмайдиган” меҳнатига тўғри келади.

Репродуктив фаолиятни иқтисодий ва ҳуқуқий эътироф этиш муаммолари, эркалар ва аёллар орасида мажбуриятларни адолатли тақсимлаш, эркалар ва аёлларни ижтимоий ролларига қўйиладиган қаттиқ чеклашлардан озод қилиш муаммолари зудлик билан ҳал этишни талаб қилади. Бирок, мазкур муаммоларни ҳал этиш учун жамиятнинг асосий институтларини янгилаш, давлат дастурлари ва лойиҳаларини гендер нуқтаи назаридан қайтадан қўриб чиқишга йўналтирилган ўзгаришларнинг фаол стратегияси зарур, бу эса гендер тенглик ва адолатлиликка эришишнинг ягона шартидир.

ГЕНДЕР СТАТИСТИКАСИ

Динара Алимжорова

Гендер статистикасининг зарурлиги. Гендер статистикасининг асосий бўлимлари. Гендер кўрсаткичларининг минимал тўплами. Сифат ва миқдор кўрсаткичлари. Инсон ривожланиши индекси. Гендер омили эътиборга олинган ривожланиш индекси. ХМТнинг гендер статистикасига талаблари.

Гендер йўналишда муаммолар доирасининг кенглиги ҳар томонлама тадқиқ қилиниши ва ҳаётнинг барча жабҳаларида эркаклар ва аёлларнинг ҳақиқий аҳолини ифодаловчи кўрсаткичларни мажмуавий ҳолда қўллашни талаб этади. Гендер муаммолари эътиборга олувчи гендер статистикаси бўлишлигининг зарурлиги жамият ривожланиши стратегиясининг асосий йўналишларини ҳамда тегишли ижтимоий сийёсатни ишлаб чиқиш учун холис база яратилиши билан изоҳланади. Айни пайтда замонавий демократик давлатларнинг ижтимоий-демографик стратегияларини ишлаб чиқиш эркаклар ва аёллар учун ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги тамойилларига асосланади.

Статистик ахборот тўплаш ва унга ишлов беришга гендер ёндашувларни ишлаб чиққан биринчи ташкилот – БМТдир. Хусусан, БМТнинг Европадаги статистик масалалар бўйича экспертлар гуруҳи миллий статистик маълумотлар тўплаш жараёнига гендер ёндашувни қўллаш бўйича тавсиялар туркумини ишлаб чиқди. Гендер статистикасини ишлаб чиқиш ва тайёрлашга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагича:

биринчидан, барча босқичларда расмий статистикани ишлаб чиқишда гендер масалаларни эътиборга олиш. Бунда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан тортиб натижаларни келтириш ва тегишли маълумотларни тарқатишгача бўлган жараён қамраб олинади;

иккинчидан, статистик маълумотлардан фойдаланувчилар билан унинг тузувчилари ўртасидаги яқин ҳамкорлик;

учинчидан, эълон қилинган маълумотларнинг барча миқёсдаги – марказдан то маҳаллий фойдаланувчилар учун мўлжаллаганлиги.

БМТ томонидан тавсия қилинадиган гендер кўрсаткичларнинг минимал тўплами:

- аҳолини сони, жинси, ёши, этник гуруҳга мансублиги бўйича баҳолаш;
- туғилиш пайтидаги ҳаётнинг ўртача давомийлиги;
- жинсига кўра гўдаклар ўлими;
- жинсига кўра болалар ўлими;
- оналар ўлими;

- контрацептив воситаларнинг тарқалгани;
- қишлоқ/шаҳар жойида яшаганлиги, жинси, даромад даражаси бўйича мактабда ўқиш йиллари;
- бир хона ҳисобига тўғри келувчи биргаликда яшовчи кишилар сони (ошхона ва ваннахонадан ташқари);
- ичимлик сувидан фойдаланиш қулайлиги;
- соғломлаштиришдан фойдаланиш қулайликлари, санитария аҳволини яхшилаш;
- овқатланишга доир минимал эҳтиёжларни қондиришга етарли озиқ-овқат саватининг нархи;
- аҳоли жон бошига ялти миллий даромад (ЯМД);
- оила аъзосига нисбатан ўртача даромад (даражаси ва тақсимоти);
- жинсига кўра ишсизлик даражаси;
- аҳолининг умумий сонига нисбатан жинсига кўра расмий ва норасмий секторда ишловчилар улуши.

Манба: Отчет экспертной группы по статистическим вопросам ООН в Европе. (E/CN.3/AC.1/1996/R/4), 1998.

Гендер статистикасининг зарурий шартли қиёсий таҳлил ўтказиш учун зарур бўлган ахборот мавжудлигидир. Қиёсий таҳлил турли ижтимоий соҳалардаги, ҳаётнинг иқтисодий соҳаларидаги гендер тенгсизлигини аниқлашга ва тегишли равишда у ёки бу жинс ривожланишининг ўзига хос муаммоларини аниқлашга хизмат қилади. Масалан, узоқ вақт давомида ўз жонига қасд қилиш камситиш тусидаги муаммолар кўплиги туфайли вужудга келадиган хотин-қизлар муаммоси деб, ҳисобланар эди. Бироқ, сўнгги пайтлардаги ҳисобот жамиятимизда эркаклар ўртасида ҳам ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кўплигини қайд этмоқда. Шундай қилиб, гендер статистикасининг мавжудлиги жамиятни ижтимоий тусдаги муаммоларни ҳал этишда гендер ёндашувдан фойдаланишга йўналтиради.

Шуни қайд этиш зарурки, сўнгги йиллардаги ижобий омиллардан бири халқаро талабларга мос равишда тузилган статистик тўпламлар эълон қилинганлиги билан боғлиқ. Хусусан БМТ ТД, Осиё тараққиёт банки, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан 2002 йилдаги “Ўзбекистон аёллари ва эркаклари” статистик тўплами чоп этилди. Унда давлат статистикасининг анъанавий бўлимлари билан биргаликда “илк бор хотин-қизлар ва эркакларнинг бошқарув органларида ва сиёсий ҳаётда, тадбиркорликда иштирокини ифодалаш амалга оширилган”¹. Тўпламда эълон қилинган гендер статистикаси куйидаги бўлимлардан иборат: аҳоли, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик ва меҳнат бозори, тадбиркорликнинг гендер жиҳатлари, давлат бошқаруви, вақт бюджети, ижтимоий муҳофаза, жинойтчилик. Мазкур тўплам афсуски, гендер vaziyatni баҳолаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган оила ва уй хўжалиги

¹ Женщины и мужчины. Узбекистана. 2002

тўғрисидаги ахборотга эга эмас. Гендер статистик ахборотининг энг кам тўплами мамлакатга қараб ўзгариши мумкин ва бу ҳол тегишли ахборот базасининг мавжудлигига боғлиқ. Жаҳон тажрибасида ёш, ижтимоий иқтисодий мақом, яшаш жойи, минтақа, аҳолининг маълумоти даражаси билан боғлиқ фарқларни англаш учун риоя қилиниши керак бўлган муайян андозалар мавжуд. Жинс, ёш ижтимоий иқтисодий мақом, этнос, шаҳар ва қишлоқ, худудлар ўртасидаги фарқ бўйича тақсимланиш эътиборга олинган жами ахборотга қуйидагилар киритилиши керак:

- Барча соҳалардаги фаолиятни режалаштириш учун зарур бўлган базавий демографик маълумотлар. Бунга аҳоли сони, унинг кўпайиши ва ҳоказо кўрсаткичлар киради.
- Катта ёшли аҳоли саводхонлигидан далолат берувчи маълумот ҳақидаги, бошланғич ва ўрта мактабга, олий ўқув юртларига кириш тўғрисидаги ахборот ва ҳоказо.
- Иқтисодий фаол аҳолининг бандлиги, ишсизлик ва тўлиқ бўлмаган бандлик; иш ҳақи ва иш вақтининг давомийлиги; истеъмол товарларига нархлар индекси; меҳнат можаролари, ишлаб чиқариш жароҳатлари, касбий касалликлар ва ҳоказолар статистикаси.
- Соғлиқни сақлашга доир маълумотлар. Бунга ўлим, касалланиш даражаси, оналар ўлими, туғишлар ўртасидаги оралиқ давр, ҳаётнинг давомийлиги, соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш имконлари, контрацептив воситалардан фойдаланиш имкони, ичимлик сувидан фойдаланиш ишончли манбалари.
- Озиқ-овқат билан таъминланганлик ва унинг истеъмол даражаси тўғрисидаги ахборот.
- Уй хўжаликлари турига кўра даромадлар ва харажатлар.

Гендер статистикасининг муҳим жиҳатларидан бири эркаклар ва аёллар мақомини баҳолаш ва тегишли равишда гендер тенгсизлиги даражасини аниқлаш имконини берувчи маълумотлар тўплаш имконидан иборат. Масалан, мақомга оид кўрсаткичларга қуйидаги кабилар киради:

- хусусий мулк ва ресурслардан фойдаланиш имкони ҳамда уларни назорат қилиш қўлами;
- ўз меҳнати ва даромадлари натижалари устидан назорат;
- турмушга чиқиш, фарзандлар туғилиши, жуфти билан жинсий муносабатлар ва ҳоказолар бўйича мустақил қарор қабул қилиш имкони; ҳаракатланиш эркинлиги;
- сиёсий фаолият билан шуғулланиш имкони ва уни назорат қилиш қўлами;
- номоддий ресурслардан фойдаланиш имкони ва уни назорат қилиш;
- ҳуқуқ-тартибот ва суд тизимига мурожаат қилиш имконияти.

Жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тўғрисида тўлиқроқ тасаввур олиш ва гендер соҳасидаги билимларни бойитиш учун уй хўжаликлари ҳамда уларда истиқомат қилаётган индивидуумлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш керак. Ҳар қандай жамиятда уй хўжалиги, ижтимоий-иқтисодий бирлик сифатида репродуктив вазифалар, болалар тарбияси, асосий инсоний эҳтиёжларнинг ишлаб чиқарилиши ва таъминланиши учун масъул бўлган институтдир. Бинобарин, уй хўжалиги жинси, ёши, қарор қабул қилиш ҳуқуқига ва кўплаб бошқа белгиларига кўра ўзаро фаркланувчи индивидуумлардан ташкил топади. Уй хўжаликлари бўйича умумлаштирувчи кўрсаткичлардан фойдаланиш юқорида санаб ўтилган фарқларни ниқоблайди ва уй хўжалиги ичида мавжуд бўлган тенгсизлик кўламлари ҳақида ишончли ахборот олинишига йўл қўймайди. Мамлакатлар бўйича уй хўжаликларидаги турмуш шароитини баҳолаш имконини берувчи бир нечта андозавий кўрсаткичлар бор. Уларга куйидагилар киради:

- Оила бошлиғининг жинси, ёши, ижтимоий мақомига кўра уй хўжалиги кўлами ва таркиби.
- Уй хўжалигининг ёшига кўра таркиби.
- Аёлларнинг болалари билан биргаликда яшаши.
- Ота-оналар билан биргаликда яшаши.
- Уй хўжалигининг иқтисодий фаол аъзолари ва боқимлар сони².

Умуман, уй хўжаликларини тавсифловчи айрим кўрсаткичлар иқтисодий фаолият ва умумий тусдаги ахборот асосида ҳисоблаб чиқилиши мумкин. Айни пайтда уй хўжаликлари даражасида ахборот олиш уй хўжалиги аъзоларининг қарамлик даражасини аниқ таҳлил қилиш, ресурсларга бўлган эҳтиёжни белгилаш ҳамда маҳаллий ҳамжамятлар ва худудлар микёсида ривожланиш муаммоларини аниқлаш имконини беради.

Аёллар ва эркаклар ижтимоий-иқтисодий мақомини белгилаш бўйича асосий мезонлар.

1. Хусусий мулк ва ресурслардан фойдаланиш ва уларни назорат қилиш имкони

- хусусий мулкка эғалик қилиш ва асосий ресурслар (ер, чорва, жиҳозлар, даромадлар, жамғармалар, оилавий даромад ва ҳоказо) тўғрисида қарор қабул қилиш имкони
- мерос (аёлларнинг эрининг ўлиmidан кейин, ажралишдан кейин мулкка эғалик қилиш ҳуқуқи, болалар ҳуқуқи ва ҳоказо)

2. Ижтимоий ресурслардан фойдаланиш

- ичимлик суви билан таъминланганлик
- соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланиш

² Росали Хьюсинга Норем. Пособие СЭИГА (Социально-экономического и гендерного анализа) для промежуточного уровня. FAO/UNDP. Rome, Italy, 1999.

- озиқ-овқат таъминоти
 - калориялар сарфи ва озиқ-овқатнинг тўйимлилиги
 - таълимдан фойдаланиш (расмий ва норасмий)
 - болалар тўғрисидаги гамхўрликка йўналтирилган хизматлардан фойдаланиш
 - турар жой ва санитариядан фойдаланиш
 - банк хизматлари ва кредитлардан фойдаланиш
 - янги технологиялардан фойдаланиш
 - сайловда қатнашиш ҳуқуқи
- 3. Ўз меҳнати натижалари ва даромадларини назорат қилиш**
- ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган иш таркиби
 - иш вақти, ишдан ташқари вақт ва бўш вақтдан фойдаланиш
 - иш ҳаққини ким тасарруф этади
 - оиланинг умумий даромадларида эркеклар ва аёллар даромади нисбати
 - эркеклар ва аёлларнинг шахсий эҳтиёжлар учун харажатлари
 - бандлик соҳасидаги имкониятлар, ҳақ тўланадиган меҳнатни танлаш ва ҳар икки жинс вакиллари учун танлаш эркинлиги даражаси
 - эркеклар ва аёллар иш ҳақи даражасидаги фарқлар
 - эркеклар ва аёлларнинг уй хўжалиги даромадларидан фойдаланиши ва уларни назорат қилиш имкони
 - уй хўжалиги ичида меҳнатнинг гендер тақсимоти
 - эркеклар ва аёлларнинг касаба уюшмаларидаги иштироки
- 4. Қуйидаги масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилиш имконияти:**
- турмушга чиқиш бўйича
 - фарзандлар туғилиши ва туғишни назорат қилиш усуллари (болалар сони, гендер афзалликлари, контрацептивлардан фойдаланиш ва аборт) бўйича
 - жуфтларига нисбатан жинсий муносабат масалалари бўйича
 - жисмоний зўравонлик ва маънавий эзиш (зўравонлик, ишдаги таъқиб ва шунга ўхшашлар) тажрибаси
 - жамиятнинг хотин-қизларнинг сексуал муаммоларига муносабати
- 5. Эркак ва аёллар учун ҳаракатланиш эркинлиги**
- муайян мақомнинг мавжудлиги билан боғлиқ чеклашлар (бевалар, ажрашганлар, етимлар ва шунга ўхшаганлар)
- 6. Сиёсий фаолият билан шуғилланиш ва уни назорат қилиш:**
- сайловда қатнашиш ҳуқуқи
 - сиёсий органларга аъзолик
- 7. Номоддий ресурслардан фойдаланиш ва назорат қилиш имкони**
- ахборотдан фойдаланиш
 - ижтимоий фаолиятда иштирок этиш
 - ўз манфаатларини ҳимоя қила олиш
- 8. Ҳуқуқий ҳолат ва ҳуқуқ-тартибот ҳамда суд тизимига мурожаат қилиш имконияти**
- гендер тенгликнинг конституциявий ва ҳуқуқий базаси
 - суд тизимининг аёлларга ва эркекларга муносабати
 - қонунчилик масалаларидан хабардорлик ва ўз ҳуқуқларини билиш
 - ҳуқуқлар бузилганида қандай хатти-ҳаракатлар қўлланилади
 - милиция билан ўзаро ҳамкорлик тажрибаси ва куч ишлатувчи тузилмаларга мурожаат этиш
 - судга ва суд тузилмаларига мурожаат қилиш тажрибаси

Умуммиллий статистика ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш ва тенденцияларнинг умумий динамикасини кузатиш имконини беради, чунки миллий даражадаги маълумотлар статистика муассасалари томонидан амалга ошириладиган аҳолини рўйхатга олиш жараёнида ва аҳолини танлаш йўли билан текшириш мобайнида тўпланadi. Бирок, кўрсаткичлар тўплами ва умуммиллий статистикани тўплашнинг даврийлиги гендер таҳлил эҳтиёжлари билан ҳар доим ҳам мос келавермайди, шу сабабли миллий даражада жамланган статистика мавжуд гендер асимметриясини аниқлашга ҳар доим ҳам имкон беравермайди. Гендер мақсадлар учун кўпинча ҳудудий ва маҳаллий даражада танлаш йўли билан ўтказиладиган социологик тадқиқотлардан фойдаланилади, улар анча батафсил бўлиб, гендер кўп жиҳатдан тенгликни ривожлантиришга йўналтирилган тадқиқот мақсадлари билан белгиланади. Шунини қайд этиш керакки, ҳар икки даражадаги маълумотлар бир-бирини тўлдирadi.

Жамиятнинг гендер маданиятидаги ўзгаришларни баҳолаш **миқдор ва сифат кўрсаткичларни** биргаликда қўллаш орқали амалга оширилади. Умуммиллий миқёсда тўпланган ахборот асосан *миқдор кўрсаткичларидан* иборат бўлиб, миқдорий баҳолаш имконини берувчи соҳаларда жамланади. *Сифатли социологик ахборотни* тўплаш уни йиғишнинг фокус-гурӯҳлар, чуқурлаштирилган интервью олиш усули, иштирокчи кузатиш усули, иштирок этиш усули, тезкор баҳолаш усули ва ҳоказолар каби махсус усуллардан фойдаланишга асосланади.

Миқдор ва сифат маълумотлари. Маълумотларнинг икки тури бир-бирини ўзаро тўлдирadi ҳамда ривожланиш бўйича фаолиятнинг самарали мониторинги ва баҳоланиши учун алоҳида аҳамиятга эга. Миқдор маълумотларига ишлов беришда анъанавий равишда статистик таҳлил қўлланилади ва унинг натижалари ижтимоий сиёсатга тузатишлар киритиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишда қўлланилади. Миқдорий индикаторларнинг ишонарлилиги ва ишончлилиги миқдорий маълумотларга қўйиладиган сўзсиз талаб бўлиб, бу нарса олинган миқдорий натижаларнинг бир-бирига зид-зид эмаслигини текшириб кўришни таъминлайди. Сифат усулларидан фойдаланиш кўпинча статистика рақамлари ортида қолиб кетадиган моҳиятни англашга имкон беради ҳамда статистик ҳисоботларни янада такомиллаштириш йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Умуман олганда, индикаторларнинг ишончлилиги сифат ва миқдор ёндашувларини бирлаштириш йўли билан кўплаб ахборот манбаларидан ва тегишли маълумотлардан фойдаланиш орқали мустаҳкамланади.

Сифат ва миқдор ахбороти бир вақтнинг ўзида вазиятни тўларoқ акс эттиришда фойдаланилиши керак. Бунинг учун вазиятдан келиб чиққан ҳолда бир неча усуллар мавжуд:

1. Иштирок этиш усулидан фойдаланишга асосланган сифат усуллари, масалан, тезкор баҳолаш техникаси расмийлашган сифат тадқиқотларини ўтказиш учун асосий соҳаларни аниқлашга ёрдам беради.
2. Сифат усуллари маълум ҳамжамият ёки ҳудудга оид миқдорий ахборотни таҳлил қилиш пайтида олинган хулосаларнинг асосланганлигини баҳолашга ёрдам беради.
3. Сифат усуллари янада қатъий расмий усулларга қўшимча равишда одамларнинг ўзлаштириши, уларнинг эҳтиёжлари ва муаммолари хусусида чуқурроқ ахборот беради.
4. Сифат усуллари одамларга ўзгаришларни доимий равишда баҳолашда ва вужудга келган вазият ҳақидаги ахборотларни алмашишда ёрдам беради.
5. Миқдор усуллари сифат усулларида фойдаланиш пайтида олинган ахборотларни нисбатан кенг танлов асосида текшириш имконини беради.
6. Сифат ва миқдор усуллари баъзан зиддиятли ахборот бериши мумкин. Зиддиятнинг ўзи келгуси тадқиқотни бошлаш учун муҳим ахборот манбаи ҳисобланади³.

Айрим муайян муаммо бўйича комплекс тадқиқот дастурини ишлаб чиқишда изчилликка риоя қилиш керак, бу эса аввалги таҳлил натижаларига асосланган ҳолда мукамалроқ тадқиқот дастурини тўғри ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Статистиканинг гендер номувофиклигини аниқлаш бўйича энг аҳамиятли бўлимларидан бири “Вақт бюджети” бўлиmidир. Ушбу бўлимга эркаклар ва аёлларнинг ишдан ташқари ва бўш вақтининг тақсимланиши ва фойдаланилиши тўғрисидаги ахборот киради. Ҳар бир инсоннинг вақти қандай тақсимланган? Самарали фаолиятига қанча вақт бағишланади? Уй ишларига қанча вақт сарфланади? Жамоат ишлари, уйку, дам олишга қанча вақт ажратилган? Вақтнинг тақсимланиши ёш, жинс, маълумоти даражаси, оила аъзолари сони ва уларнинг ижтимоий мақомига қўра қай тарзда ўзгаради? Маълумот тўплашнинг тўғри ташкил этилиши ана шу каби саволларга жавоб беради.

Индивидуумлар ихтиёрида бўлган вақт жамғармаси (астрономик кун, ҳафта, ой, йил, умр) инсон умрини ташкил этувчи азалий кадрятдир. Вақт жамғармаси иш, ишдан ташқари ва бўш вақт бирлиги сифатида кўздан кечирилади. Бундай тақсимланиш шу билан изоҳланадики, бўш вақт ишдан ташқари вақтнинг фақат бир қисми, холос. Умуман олганда, ишдан ташқари вақт уйку, овқат тайёрлаш ва истеъмол қилиш, уй ишлари, гигиена амалларини бажариш, оила аъзоларини парваришлаш, йўлга,

³ Пособие СЭИГА (Социально-экономического и гендерного анализа) для промежуточного уровня. FAO/UNDP. Rome, Italy, 1999.

харидларга, иш жойига етиб бориш ва қайтишга сарфланадиган, яъни зарурат ва ташқи эҳтиёж билан белгиланадиган вақтдан ташкил топади.

Бўш вақт эса таълим, мустақил ўқиш, жамоат ишлари, физкультура ва спорт билан шуғулланиш, одамлар билан мулоқот қилиш, пассив дам олиш, кўнгил очиш ва фаол дам олишга (китоб ўқиш, қизиққан машғулот билан шуғулланиш, болалар билан мулоқот, радио тинглаш ва телекўрсатувларни томоша қилиш) сарфланадиган вақтдан иборат. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ишдан ташқари ва бўш вақтнинг вазифалари турлича. Ишдан ташқари вақт зерикарли, бироқ у инсон ҳаётини қайта тиклаш учун зарур бўлган репродуктив тусдаги вазифаларни бажаришдан ташкил топади. Бўш вақт эса, ўз навбатида, сифат хусусиятларига эга, чунки айнан бўш вақтдан фойдаланиш давомида инсон шахси шаклланади ва камол топади. Шу муносабат билан бўш вақт мавжудлиги, унинг мазмуни ва таркиби масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бўш вақтни тасвирловчи мумтоз таърифлардан бири бўш вақтга инсоният жамиятининг ҳақиқий бойлиги мақоми берилиши билан боғлиқ. Шу муносабат билан ишдан ташқари вақтнинг ва бўш вақтнинг мавжудлиги ва улардан фойдаланиш имкониятлари юзасидан одамларнинг тенглиги ниҳоятда муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Афсуски, турли ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатларда ўтказилган вақт бюджетига доир кўп сонли тадқиқотлар натижалари аёлларнинг ихтиёрида бўш вақт анча кам эканлигидан далолат беради.

Вақт бюджетидан фойдаланишни тадқиқ этувчи бир неча усул бор. Масалан, вақт бюджетининг европача тадқиқот усули кундалик дафтар юритишга асосланади, бунда респондентларнинг хатти-ҳаракати ҳар 10 минутда ёзиб борилади. Бундай усул фаолият турларига сарфланадиган амалдаги вақтни, 10 ёшдан бошлаб барча оила аъзолари ўртасида оиладаги меҳнат тақсимланишини анча тўлиқ акс эттиради. Иштирок этиш усули нисбатан тез суръатда уй хўжаликларида барча оила аъзолари ўртасида вақтнинг қай тарзда тақсимланишини “Кундалик фаолият соатлари”⁴ (соат шаклидаги айланма диаграммадан фойдаланиш ва фаолият турларини унда акс эттириш), бунда турли хил фаолиятга сарфланадиган вақт ҳақидаги батафсил ахборотни нафақат иш кунлари, балки дам олиш кунларида, шунингдек шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида ўтказиш орқали олиш мумкин. Тегишли маълумот тўпланганидан сўнг махсус кодлардан фойдаланган ҳолда унга ишлов берилади.

⁴ Пособие СЭИГА (Социально-экономического и гендерного анализа) на местном уровне. FAO. Rome, Italy, 1999.

Вақтдан фойдаланишни ҳисоблаш учун кодларнинг тахминий рўйхати:

- ўзига қараш
- иш
- ўқиш
- уйга қараш
- уй хўжалигида ишлаш
- болаларни ва оиланинг бошқа аъзоларини парваришlash
- фуқаролик ва диний фаолият
- жамоат иши ва дам олиш
- спорт
- сеvimли машғулот ва ўйинлар
- оммавий ахборот воситалари
- саёҳат
- уйку
- ҳоказо

Манба: «Гендер и культура». Учебное пособие для студентов гуманитарных факультетов. Душанбе. Информационное агентство «Азия-плюс», 1999.

Вақт бюджетини тақсимлаш юзасидан тадқиқот ўтказиш давомида гендер номувофиқликлар билан боғлиқ бўлган жиддий тафовутлар аниқланади ва бу аёллар фойдасини акс этирмайди. Вақт бюджетини ҳисоблаш, бир томондан, уй ишининг тақсимланишини, иккинчи томондан, эркаклар ва аёлларнинг иқтисодий (ҳақиқатдан) фаолиятда иштирок этиши нисбатини аниқлашга ёрдам берадиган самарали воситалардан биридир. У шунингдек, иш билан оилавий мажбуриятларни бажариш ҳамда болалар ва оиланинг бошқа аъзоларини парваришlash билан боғлиқ бўлган тегишли юкларни аниқлаш учун ҳам хизмат қилади.

Инсон ривожланиши индекси (ИРИ). 1990 йилдан бошлаб, БМТ Тараққиёт Дастури мамлакатлар ва ҳудудлар бўйича инсоннинг ривожланиш даражасини аниқлаш имконини берувчи индексдан фойдаланади. Аҳоли умрининг кутилаётган давомийлиги, аҳолининг билим даражаси ҳамда аҳоли жон бошига ЯИМ даражаси каби кўрсаткичлар инсон ривожланиши индексини ўлчаш учун базавий кўрсаткичлар бўлиб қолади. Инсоннинг ривожланиш индекси куйидаги асосий қоидаларга таянган концепцияга асосланади:

- инсоннинг ривожланиши ҳар бир инсоннинг танлов эркинлигини кенгайтириш жараёни ҳамда одамларнинг фаровонлигининг маълум даражасига эришиши сифатида кўриб чиқилади;
- фаровонлик деганда одамларнинг ўзига муносиб деб ҳисоблаган тарзда турмуш кечириши англашилади;

- давомли соғлом турмуш кечириш имконини берадиган ресурслардан фойдаланиш, тегишли билим олиш ва тегишли фаровонликка эришиш имкониятининг таъминланганлиги;
- даромад кенг танлов имкониятини таъминлаш воситасидир;
- муносиб турмуш кечириш чексиз юқори даромад олишни талаб этмайди;

Ўзбекистон учун ИРИнинг ҳисоб-китоби (2000 й.)

ИРИ хусусий инсон ривожланиши ўлчовлар индексининг ҳисобланган ўртача катталиги сифатида аниқланади (узок умр кўриш битта кўрсаткич билан, таълим иккита, моддий фаровонлик – битта кўрсаткич билан белгиланади).

1. Умр давомийлигининг қутилаётган индекси = $(69,0 - 25) : (85 - 25) = 0,73$, бунда: туғилиш пайтидаги умр давомийлиги (минимал кўрсаткич – 25 ёш, максимал кўрсаткич – 85 ёш)

2. Таълим индекси:

Аҳолининг саводхонлик даражаси = $(99,2 - 0) : (100 - 0) = 0,992$

Таълимнинг қамров кўрсаткичи = $(76 - 0) : (100 - 0) = 0,760$

Таълим индекси = $2/3 (0,992) + 1/3(0,760) = 0,91$, бунда:

- 15 ёш ва ундан катта ёшдаги аҳолининг саводхонлиги даражаси – 99,2%
- катта ёшдаги аҳоли саводхонлиги (0% и 100%)
- бошланғич, ўрта ва олий мактабда таълим қамрови (0% и 100%)

3. Моддий фаровонлик индекси:

Моддий фаровонлик индекси = $\log (2,441) - \log (100) : \log (40,000) - \log (100) = 0,53$

- моддий фаровонликнинг махсус индикатори, у аҳоли жон бошига ЯИМ даражасига асосланади (ППС га кўра 100 доллардан 40000 долларгача)
- моддий фаровонликнинг махсус индикаторини ҳисоби аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўнли логарифмини ташкил этади.

4. Инсоннинг ривожланиш индекси:

Инсон ривожланиши индекси = $1/3 (0,73) + 1/3 (0,91) + 1/3 (0,53) = 0,727$

- кўрсаткичларнинг салмоқ коэффициентлари шу тарзда танланганки, бунда инсон ривожланишининг учта ўлчови тенг салмоққа эга бўлсин.

Илова:

ИРИ 0,8 дан 1 гача бўлган кўрсаткични ташкил этса, юқори,

0,5 дан 0,8 гача – ўрта,

0,5 дан паст бўлса, паст деб ҳисобланади.

ИРИ кўрсаткичларини ҳисоблаш мамлакатларга инсон ривожланишининг асосий коидалари бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришишда, хусусан, умрнинг ўртача давомийлигига эришиш (85 ёш), аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминлаш, таълимдан фойдаланиш имкониятини кенгайтиришда ҳал этилмаган муаммоларни аниқлаш имконини беради. Аҳоли жон бошига ЯИМдан фаркли равишда ИРИ даромадлар ва истеъмолни шакллантириш борасида етарли оқилоналик тамойилдан фойдаланиш имконини беради. Бундай кўрсаткичдан фойдаланишнинг муҳимлиги шу билан изоҳланадики, аҳоли жон бошига реал ЯИМни аниқлаш мамлакат ичида иқтисодий ривожланиш неъматлари қанчалик адолатли тақсимланганлигини аниқлаш имконини бермайди. Иқтисодий ривожланишнинг юқори кўрсаткичларига қарамай, кўплаб ривожланган мамлакатларда аҳолининг турли гуруҳлари ҳаётида чуқур фарқлар борлиги кузатилади. Масалан, Америка Қўшма Штатларида оқ танли, қора танли ва испан тилида сўзлашувчи аҳолисининг ИРИ алоҳида ҳисоблаб чиқилганда, оқ танли аҳоли дунё бўйича биринчи ўринни эгаллади (умуман, мамлакат бўйича АҚШ Канададан кейин иккинчи ўринда туради), қора танли аҳоли – 27 ўринда (Люксембургдан кейин), испан тилида сўзлашувчилар эса – 32 ўринда (Уругвайдан кейин) туради⁵. Ушбу мисол шундан далолат берадики, ривожланиш тенглигига эришиш масалалари ҳар қандай давлат учун муҳим аҳамиятга эга.

Гендер омилини эътиборга олган ҳолда ривожланиш индекси (ГОРИ). Агар инсон ривожланиши индекси инсон ривожланишнинг ўртача кўрсаткичларини аниқлаш имконини берса, гендер омилини эътиборга олувчи ривожланиш индекси эркаклар ва аёллар ўтасида ривожланиш даражасидаги тенгсизлик даражасини аниқлаш имконини беради. ГОРИни аниқлаш куйидаги кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади:

- давомли ва соғлом турмуш кечириш даражасига кўра, у ҳаётнинг кутилаётган давомлилиги кўрсаткичи ёрдамида аниқланади;
- таълим даражасига кўра, у аҳолининг саводхонлиги даражаси ҳамда бошланғич, ўрта ва олий мактабда таълим билан қамраб олинганлик билан тавсифланади;
- турмуш сифати кўрсаткичига кўра, у аҳоли жон бошига ЯИМ реал даромад даражасига кўра аниқланади (ППС доллар ҳисобида).

ГОРИни аниқлашда эркаклар ва аёллар ҳаётининг кутилаётган давомийлигини, катта ёшли аҳолининг саводхонлик даражаси ҳамда аҳолининг бошланғич, ўрта ва олий мактабда таълим билан қамраб

⁵ «Гендер и культура. Учебное пособие для студентов гуманитарных факультетов. Бюро «Женщины в Развитии» при Правительстве РТ. Женская неправительственная организация «Традиции и современность», Российско-Таджикский Славянский Университет. Информационное агентство «Азия-плюс», Д., 1999.

олинганлигини ифодаловчи минимал ва максимал кўрсаткичлардан фойдаланилади. ГОРИ = 1,0 гендер тенглик соҳсида эришилган энг катта ютуқларни ифодалайди. Мамлакатлар бўйича ГОРИни ҳисоблаш мамлакатлар томонидан эркаклар ва аёллар ривожланиш имкониятлари тенглигига эришиш даражасини белгилаш имконини беради. Масалан, ГОРИнинг 146 мамлакат мисолидаги эксперт таҳлили шуни кўрсатдики, ҳали биронта ҳам мамлакат бу борада мукамалликка эриша олгани йўқ. Энг юқори кўрсаткич Австралияда, унда ГОРИ 0,956 га тенг бўлиб, биринчи ўринни эгаллайди. Иккинчидан тортиб бешинчи ўрингача қуйидагича тақсимланди: Бельгия (0,943) – 2 ўрин, Норвегия (0,941) – 3 ўрин, Швеция (0,940) – 4 ўрин, Канада (0,938) – 5 ўрин. Дунё рейтингига етарли даражада юқори ўринларни эгаллаган давлатлар орасида Исландияни (11), Гонконгни (23), Уругвайни (37), Чилини (39), Сингапурни (24) қайд этиш мумкин. Ўзбекистон 76 ўринни эгаллайди ҳамда гендер омилини ҳисобга олган ҳолда инсон ривожланишининг ўртача кўрсаткичларига эришган мамлакатлар қаторига киради. Умуман, ИРИ ва ГОРИ нинг солиштирма таҳлили шундай хулоса чикаришга имкон берадики, гендер тенгликка эришиш муаммолари даромадларнинг турли даражасида ҳал этилади.

Хотин-қизлар имкониятларни кенгайтириш кўрсаткичи (ХИКК).

Жамиятда тенг имкониятларни кенгайтириш даражасининг яна бир гендер кўрсаткичи хотин-қизлар имкониятларининг кенгайтирилиши ҳисобланади, у қуйидагиларни эътиборга олган ҳолда ҳисоблаб чикилади:

- жамиятнинг сиёсий ҳаётида ва қарор қабул қилишда иштирок этиш даражаси. Парламент аъзолари бўлган аёллар ва эркаклар фоизи ҳисобга олинади;
- жамиятнинг иқтисодий ҳаётида иштирок этиш ва қарор қабул қилишда ваколатлар кўлами, улар икки кўрсаткич ёрдамида аниқланади – бошқарувчилар даражасида эркаклар в аёлларнинг фоиз нисбати ҳамда эркаклар ва аёлларнинг профессионал ва техник ходимлар даражасидаги нисбати;
- иқтисодий ресурслардан фойдаланиш имкони, бу аҳоли жон бошига даромад билан белгиланади.

Санаб ўтилган индикаторлар ёрдамида ҳисобланган ХИКК кўрсаткичи энг самарали тарзда аёллар ва эркакларнинг жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий турмушидаги иштироки даражасини аниқлаш имконини беради. ХИКК иқтисодий имкониятлардан фойдаланишни ва турли даражаларда қарорлар қабул қилишда иштирок этишни ифодалайди.

Мазкур кўрсаткичга кўра гендер омилини ҳисобга олувчи ривожланиш индекси (ГОРИ) энг юқори бўлган бешта мамлакат рейтингига ўринлар қайта тақсимланади. Австралия мана шу кўрсаткич бўйича атиги ўнинчи ўринни эгаллайди, биринчи ўринда – Норвегия,

иккинчи ўринда – Исландия, учинчи ўринда – Швеция, тўртинчи ўринда – Дания ва бешинчи ўринда – Финландия. Ўзбекистонда, таассуфки, мазкур кўрсаткич ханузгача ҳисоблаб чиқилмаган.

Шу тариқа гендер статистикасининг тизимли равишда тўплаб бориладиган ҳар хил кўрсаткичлари мавжудлиги гендер тенгсизлик соҳасидаги ўзгаришларни ва инсон ривожланишидаги номувофикликларни аниқлаш имконини беради. Тенгликка эришиш нуқтаи назаридан инсон ривожланишининг мавжуд кўрсаткичларини таҳлил қилиш яна бир бор гендер тенглик масалаларини нафақат курук баёнотлар, балки ҳар бир инсон учун, қайси жинсга мансублигидан қатъи назар, ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини таъминлашга йўналтирилган реал амалий ҳаракатларни бажариш орқали ҳал этиш кераклигини кўрсатмоқда.

АДАБИЁТ:

1. Доклад о человеческом развитии за 1995 год. Нью-Йорк. Оксфорд, 1995. (1995 йил инсон ривожланиш ҳисоботи. Нью-Йорк. Оксфорд, 1995.)
2. Гендер и культура. Учебное пособие для студентов гуманитарных факультетов. Бюро «Женщины в Развитии» при Правительстве РТ. Женская неправительственная организация «Традиции и современность», Российско-Таджикский Славянский Университет. Информационное агентство «Азия-плюс», Д.,1999. (Гендер ва маданият. Гуманитар факультетлар учун ўқув қўлланма. Бюро «Женщины в Развитии» при Правительстве РТ. Женская неправительственная организация «Традиции и современность», Российско-Таджикский Славянский Университет. Информационное агентство «Азия-плюс», Д.,1999.)
3. Введение в гендерные исследования. Гл. Гендерная проблематика в экономической теории. Учебное пособие. Часть 1. Под редакцией И. Жеребкиной. Харьков, ХЦГИ, «Алетейя», 2001. (Гендер таджикотларга кириш. 1-боб. Иқтисодий назарияда гендер масалалари. Ўқув қўлланма. 1-қисм. И. Жеребкина таҳририда. ХЦГИ, «Алетейя», 2001.)
4. Росали Хьюсинга Норем. Пособие СЭИГА (Социально-экономического и гендерного анализа) для промежуточного уровня. FAO/UNDP. Rome, Italy, 1999. (Росали Хьюсинга Норем. Оралик даража учун ИИБГТ (Ижтимоий иқтисодий ва гендер таҳлили) қўлланмаси. FAO/UNDP. Rome, Italy, 1999.)
5. Пособие СЭИГА (Социально-экономического и гендерного анализа) на местном уровне. FAO. Rome, Italy, 1999. (Маҳаллий даража учун ИИБГТ (Ижтимоий иқтисодий ва гендер таҳлили) қўлланмаси. FAO/UNDP. Rome, Italy, 1999.)

6. Human Development Report. New York. Oxford. 2003. (Инсон ривожланиш ҳисоботи. New York. Oxford. 2003.)
7. Отчет экспертной группы по статистическим вопросам ООН в Европе. (E/CN.3/AC/1/ 1996/R/4), 1998 (БМТнинг Европадаги статистика масалалари бўйича эксперт гуруҳининг ҳисоботи. (E/CN.3/AC/1/ 1996/R/4), 1998)
8. Чирикова А.Е. Женщина менеджер в современном бизнесе. Гендерный калейдоскоп. Москва. 2002 (Чирикова А.Е. Замонавий тадбиркорликда аёл менежер. Гендерный калейдоскоп. Москва. 2002)
9. “Потенциал рыночной экономики и проблемы экономической самостоятельности сельских женщин Узбекистана. Конференция: “Социально-экономическое положение сельских женщин Узбекистана”. Материалы сборника. INTAS. Самарканд. Июнь 30, 2001. (Бозор иқтисодиёти салоҳияти ва Ўзбекистонда қишлоқ хотин-қизлари иқтисодий мустақиллиги масалалари. Конференция: “Социально-экономическое положение сельских женщин Узбекистана”. Материалы сборника. INTAS. Самарканд. Июнь 30, 2001.)
10. Гендерный глоссарий макроэкономических терминов. BRIDGE. GTZ. www.unifem.org
11. Калабихина И. Гендерный фактор в воспроизводстве человеческого капитала. Женщина. Гендер. Культура. РЛШГИ. Москва, 1999. (Калабихина И. Инсон капиталини қайта ишлаб чиқишда гендер омили. Женщина. Гендер. Культура. РЛШГИ. Москва, 1999.)
12. Беккер Г. Выбор партнера на брачных рынках. Женщина, мужчина, семья. THESIS.№6, 1994, с. 12-37. <http://www.hse.ru/science/igiti/thesis6.html> (Беккер Г. Никох бозорларида никох шеригини танлаш. Женщина, мужчина, семья. THESIS.№6, 1994, с. 12-37. <http://www.hse.ru/science/igiti/thesis6.html>)
13. Ф.Энгельс. Происхождение семьи, частной собственности и государства. М., Госполитиздат.1950 (Ф.Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. М., Госполитиздат.1950)
14. И.Н.Тартаковская. Социология пола и семьи. Основы гендерных исследований. Хрестоматия. Москва, 2001, МЦГИ, МВШСЭН. (И.Н.Тартаковская. Жинс ва оила социологияси. Основы гендерных исследований. Хрестоматия. Москва, 2001, МЦГИ, МВШСЭН.)
15. Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. Под общ. ред О.А. Ворониной .- М.: МЦГИ-МВШСЭН-МФФ, 2001. (Гендер тадқиқотлар назарияси ва методологияси. Маърузалар курси. О.А. Воронина умумий таҳририда.- М.: МЦГИ-МВШСЭН-МФФ, 2001.)
16. Маркс К., Энгельс Ф., Соч. Т.13, с.7.

17. Мировой обзор по вопросу роли женщин в развитии. Нью-Йорк, ООН, 1999. (Ривожланишда хотин-кизлар роли бўйича жаҳон обзори. Нью-Йорк, ООН, 1999)
18. Гендерная экспертиза учебников общеобразовательных школ Узбекистана. Отчет. Рук. Алимджанова Д.А. Проект «Basic Education Textbook Development». Азиатский банк развития. The British Council, 2001. (Ўзбекистон умумтаълим мактаблари учун дарсликларнинг гендер экспертизаси. Ҳисобот. Раҳбар Алимжорова Д.А. Проект «Basic Education Textbook Development». Азиатский банк развития. The British Council, 2001.)
19. Мезенцева, Е.Б. Профессиональная сегрегация по признаку пола. Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. МЦГИ. Московская Высшая школа социальных и экономических наук. М., 2001. (Мезенцева, Е.Б. Жинс белгиси асосида касбий сегрегация. Гендер тадқиқотлар назарияси ва методологияси. Маърузалар курси. МЦГИ. Московская Высшая школа социальных и экономических наук. М., 2001.)
20. Хоткина З.А. Гендерный подход к анализу труда и занятости. Гендерный калейдоскоп. М., 2002, с.355. (Хоткина З.А. Меҳнат ва бандлик таҳлилига гендер ёндашув. Гендерный калейдоскоп. М., 2002, с.355.)
21. Эрэнберг, Р., Смит Р. Современная экономика труда. Теория и государственная политика. Пер. с англ. Под ред. Колосовой Р., Разумовой Т., Рощина С. М.: МГУ, 1996. (Эрэнберг, Р., Смит Р. Ҳозарги меҳнат иқтисоди. Теория и государственная политика. Пер. с англ. Под ред. Колосовой Р., Разумовой Т., Рощина С. М.: МГУ, 1996.)
22. Женщины и мужчины Узбекистана. Статистический сборник. Государственный департамент статистики. Т., 1998, 2002, 2003. (Ўзбекистон хотин-кизлари ва эркеклари. Статистика тўплами. Статистика давлат департаменти. Т., 1998, 2002, 2003.)
23. Социально-экономическое развитие СССР в 1989 году. Статистический справочник. М., 1990. (СССРнинг 1989 йилда ижтимоий иқтисодий ривожланиши. Социально-экономическое развитие СССР в 1989 году. Статистический справочник. М., 1990.)
24. The New York Times Magazine, 1999, May 16 (The Second of Six Special Millenium Issues) (Зе Нью Йорк Тайм Мэгезин, 1999, May 16 (Минг йиллик олти масалаларидан иккинчиси))
25. Nieva V.F. and Gutek B.A. Sex Effects and Evaluation. // Academy of Management and Review, 1980, v.5. (Нийва В.Ф. ва Гутек Б.А. Жинс таъсири ва боҳолаш // Бошқарув Академияси. 1980. в.5)
26. Ferber & Teiman M. The Oldest, the Most Established, the Most Qualitative of the Social Sciences – and the Most Dominated by Men: The Impact of Feminism on Economics. In: D. Spender (ed.) Men’s Studies

- Modified; The Impact of Feminism on the Academic Disciplines. Oxford: Pergamon Press, 1981, pp.126-127. (Фербер анд Тейман М. Ижтимоий фанлардан энг ески, энг қарор топган, энг сифатли ва эркарлар энг катта устунликка эга фани: иқтисодиётга феминизм таъсири. // Oxford: Pergamon Press, 1981, pp.126-127.)
27. Van de Walle and Nead 1995, cited in World Bank, 1995.
 28. Joyce P. Jacobsen, Economics of Gender (Cambridge, Massachusetts: Blackwell Publishers Inc, 1996), pp. 3-4. (Жойс П. Жакобсен. Гендер иқтисоди. (Камбриж, Массачесетс: Блэквел паблишерс Инк. 1996).

2- боб

ГЕНДЕР ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ СОҲАСИДА

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ

Ирина Черкашина

Инсониятнинг ривожланиш тарихида инсон ҳуқуқлари учун курашишга доир кўплаб мисоллар бор. *Инсон ҳуқуқлари* деганда, авваламбор, унинг табиий ҳуқуқлари, яъни жамиятнинг барча аъзолари одам бўлганликлари боисидан инсоннинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур ҳисобланган унинг манфаатлари ва имкониятлари қондирилишини таъминловчи асосий ҳуқуқларга эга эканликлари тушунилади. Айрим асосий ҳуқуқлар, одатда, туғма ҳисобланади, яъни инсонга туғилиши билан, табиатан берилган бўлиб, ажралмас қисм ҳисобланади. Улар ҳеч ким томонидан, жумладан, давлат томонидан ҳам бузилиши мумкин эмас.

Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари ҳар бир шахснинг давлатга нисбатан ҳуқуқий ҳолатини белгилайди, меъёрий ҳужжатларда тасдиқланади ва унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги имкониятларини белгилайди. Бирон-бир мамлакатнинг сиёсий тизимига, ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ бўлиб қолмаган мазкур ҳуқуқларнинг асосийлари инсоният жамиятида эълон қилинган ва хатто қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган.

Улар илк бор Франциянинг 1789 йилдаги Инсон ва гражданин ҳуқуқлари декларациясида яққол акс эттирилган. Унда, хусусан, эркинлик ва тенгҳуқуқлик, шахснинг дахлсизлиги, мулкдорлик ҳуқуқи, сайлаш ҳуқуқи (кўплаб цензлар билан қисқартирилган бўлса ҳам) мустаҳкамланган. XX аср бошларида дунёда социалистик ҳаракатларнинг кенгайиши муносабати билан мазкур ҳуқуқларга ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ҳам қўшилди, масалан: меҳнат қилиш, дам олиш, ижтимоий ёрдам ва муҳофазаланиш ҳуқуқлари ва ҳоказо. XX асрнинг иккинчи ярмидан эълон қилинган фуқаролик, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар сезиларли даражада кенгайди ва уларга яшашга бўлган ҳуқуқ, атроф-муҳитнинг мақбул бўлишига бўлган ҳуқуқ, маълумот олишга бўлган ва ҳ.з. ҳуқуқлар қўшилади.

Ер юзидаги ҳар бир инсон эга бўлиши лозим ҳисобланган асосий ҳуқуқларнинг нуфузли изоҳи бу соҳадаги ўзига хос, халқаро стандартлар - 1948 йилда БМТга аъзо-мамлакатлар томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясидир. Ундан сўнг Декларацияга юридик куч берувчи яна учта ҳужжат қабул қилинган. Булар – Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.),

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (1966 й.), Юқоридаги пактга Факультатив протокол (1966 й.).

1976 йилда ҳужжатлар кучга кирган. Пактлар уни ратификация қилган давлатлар учун мажбуриятли кучга эга бўлган шартномалардир. Пактлар белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг халқаро ҳимоясини таъминлайди ва инсон ҳуқуқларининг амалга оширилишида камситишнинг барча шакллари тақиқловчи қоидалардан иборатдир. Мазкур тўртта ҳужжат БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро билл, деб номланган. У дунёдаги деярли барча давлатлар томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш эталони сифатида эътироф этилган.

Лекин инсон ҳуқуқлари фақат ҳуқуқий давлатда, демократик, фуқаролик жамиятдагина чинакам амалга оширилиши ва таъминланиши мумкин.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари муаммоларини ўртага қўйиш ва амалга ошириш йўллари мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин амалга оширилаётган ислохотларнинг иккинчи босқичига киритилган. «Барча дунёдаги қадриятлардан, - деб таъкидлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов, - биз энг улуғини, яъни инсонни ажратдик, ва шунинг асосида фуқаро, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга ҳаракат қилдик»¹.

Инсон ҳуқуқи – бу давлатнинг бирдан-бир мақсади эмас, айти пайта унинг нормал фаолият юритиши ва янада ривожланишининг, унинг халқаро ҳамжамиятга тенг ҳуқуқли субъект сифатида кириб боришининг зарур жиҳатидир.

Инсон ҳуқуқларининг ажралмас таркибий қисми хотин-қизлар ҳуқуқларидир. Хотин-қизлар ҳуқуқларининг алоҳида муаммо сифатида ажратилиши, авваламбор, эркаклар ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва вазифалари ҳар хиллиги билан боғлиқдир. Аёл – инсон зотининг давомчиси, ва бу ҳақиқат билан ҳисоблашмаслик нотўғри бўларди. Шунинг учун ижтимоий нуқтаи назардан у эркакка айлана олмайди ва шундай бўлиши ҳам мумкин эмас, лекин айти пайтда у давлат томонидан бериладиган ҳуқуқлар ва имкониятларда эркакларга нисбатан камситилиши керак эмас.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий мавқеи нафақат эркак билан тенгҳуқуқлилик, балки тўлақонли тенгҳуқуқлилик билан белгиланиши лозим, яъни аёл жамиятнинг фаол аъзоси ва унинг тараққиётига таъсир кўрсатувчи инсон бўлиш учун имкон яратувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг маълум ҳажмига эга бўлиши керак. Ҳуқуқлардаги

¹ Каримов И.А. Важнейшие задачи углубления демократических реформ на современном этапе. Т.:«Ўзбекистан», 1996, с.81.

тенглик имкониятларнинг тенглиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим.

Хуқуқий демократик давлатда аёллар учун шундай хуқуқлар ва мажбуриятларнинг мажмуини яратиш энг асосий мақсадлардан биридир. Уларни қонунчилик ҳужжатларида қайд этиш зарур, уларни рўёбга чиқариш механизмини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини кафолатлаш зарур. Бугунги кунда бу масала республикамизда энг муҳим ижтимоий муаммолардан биридир.

Ҳозирги кунда ақсарият аёллар кўплаб, шу жумладан, объектив сабабларга кўра, ўзларининг қонуний хуқуқлари, эркинликлари ва уларни ҳимоя қилиш имкониятлари ҳақида ҳеч нарса билмасликлари сир эмас. Бу уларни рўёбга чиқариш борасида жиддий тўсиқ бўлиб қолмоқда. Агар қонун ҳамма ва ҳар бир одам учун содда ва тушунарли бўлмаса, унда у “амал қилмайди”, деб ҳисоблаш мумкин. Жамиятнинг барча аъзолари уларга нафақат қандай хуқуқлар берилганлиги ва уларга қандай мажбуриятлар юклатилганлигини, балки мазкур хуқуқлари ким томонидан бузилишидан қатъи назар, давлат уларни бартараф этишига, айбдорлар эса жазоланишига ишончи қомил бўлиши керак.

Жамиятни бошқаришни амалга оширишга, унда ижтимоий барқарорлик ва ривожланишни таъминлашга даъват этилган давлат жамиятда барча инсонлар томонидан бажарилиши шарт бўлган ва мазкур давлатнинг ҳаётга лаёқатлилигини белгиловчи муайян одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишидан манфаатдордир.

Давлат шундай қоидаларни ишлаб чиқади ёки жамиятда вужудга келган одатларни, уларга умуммажбурий хусусият бахш этиб «ўзлаштириб» олади. Давлат ва хуқуқ назариясида мазкур одоб-ахлоқ қоидалари «хуқуқ», деб ном олган. Илгари ҳам мавжуд бўлган ва ҳозирда ҳам мавжуд давлатлар хуқуқсиз фаолият юрита олмаганлар, чунки уларнинг ҳар бирига ўзига хос ахлоқ-одоб қоидалари зарур бўлган. Лекин хуқуқ ҳам ҳеч қачон давлатсиз мавжуд бўлмаган, чунки жамиятнинг барча аъзолари ҳам белгиланган қоидаларга риоя этишни хоҳламаганлар, шунинг учун давлат томонидан мажбурлаш талаб этилган.

Шундай қилиб, **хуқуқ** деганда, хуқуқий меъёрларнинг бирлиги (хуқуқ-атворнинг умуммажбурий қоидалари) тушунилади, уларни давлат белгилайди ёки уларга руҳсат беради ҳамда ўзининг мажбурлаш кучи билан ҳимоялайди. Хуқуқнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу формал тенглик тамойили бўлиб, хуқуқ меъёрлари ижтимоий ўрни ва субъектларнинг мазкур кўрсатмаларга бўлган шахсий муносабатидан қатъи назар, барчага ўзининг бир хил таъсирини кўрсатади.

Одатдаги тушунчага кўра, хуқуқ алоҳида шахсга тегишли бўлиб, у давлат томонидан бирон кишининг аралашувларидан ҳимояланган ҳолда эркин фойдаланилиши ва қўлланилиши мумкин.

Янги ҳуқуқий меъёрларнинг пайдо бўлиши аксарият ҳолларда жамиятнинг мазкур босқичдаги унга бўлган объектив эҳтиёжлар, шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланиш даражаси, давлат томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат билан боғлиқ бўлади. Мана, масалан, мамлакатимизда мулкчиликнинг барча шакллари тенглигини тасдиқлаган ҳолда, хусусий корхоналар тўғрисида, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари тўғрисида, акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида ва бошқа махсус қонунлар қабул қилинди. Жиноятга доир қонунларни инсонпарварлаштириш сиёсатини изчил амалга ошириш республикамизнинг жазо сифатида ўлимга маҳкум этишни кўзда тутувчи Жиноят Кодексидаги моддаларнинг анча қисқаришига, келгусида эса уларнинг тўла бекор қилинишига олиб келди.

Аёлларнинг аҳволини белгиловчи ҳуқуқ меъёрлари турли тарихий даврлардаги давлатлар томонидан белгиланган. Уларнинг аксариятида аёлларнинг эркакларга нисбатан қарамлик аҳволи белгиланган.

Замонавий дунёда аёллар ҳуқуқлари алоҳида аҳамиятга эга, чунки хотин-қизлар ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётга ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшмоқда, оила ва болаларнинг тарбиясида муҳим ўрин тутмоқда. Ҳар бир мамлакат ва бутун инсониятнинг фаровон ва тинч бўлиши барча соҳаларда аёлларнинг эркаклар билан баб-баробар иштирок этишини талаб қилади. Бинобарин, аёлларнинг ҳуқуқлари бугунги кунда давлат томонидан бугун яратилаётган меъёрларда ўз аксини топиши лозим.

Хулқ-атвор коидасига юридик куч ва мажбурийлик тусини бериш учун улар меъёрий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилади. **Меъёрий ҳужжатлар** – бу ваколатли давлат органлари томонидан чиқариладиган ва ҳуқуқ меъёрлари белгилаб қўйилган расмий ёзма ҳужжатлардир. Меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар уни қайси давлат органи қабул қилганлиги ва унинг кучи кимга нисбатан қўлланилишига қараб турли юридик кучга эга.

Олий қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Мажлис томонидан (дастлаб Қонун чиқарувчи Палата, кейин Сенат томонидан) қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида умуммажбурий бўлган қонунлар, мазкур қонунларга қўшимча киритиш ва уларни бажаришга кўмаклашувчи кичик қонуний ҳужжатлар (Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкасининг қарорлари, ҳокимларнинг қарорлари ва ҳоказо) га нисбатан кўпроқ юридик кучга эга.

Конституция асосий қонун сифатида энг катта юридик кучга эга. Унга ҳеч қандай меъёрий ҳужжатларнинг қоидалари зид бўлиши мумкин эмас, бундан ташқари, бундай ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ равишда ишлаб чиқилиши керак. Конституция умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларининг устуворлигини тан

олган ҳолда, агар халқаро ва миллий қонунчилигининг меъёрлари ўртасида муайян низолар келиб чиқса, унда халқаро қонунчилик иш кўради, деган қонидани мустаҳкамлаб қўйган.

Барча меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажмуи давлатнинг қонун ҳужжатларидир. Ижтимоий муносабатларнинг ранг-баранглиги ва фарқлиги уни алоҳида соҳаларга бўлишнинг асосида ётади (фуқаровий, меҳнат, оилавий, жиноий ва бошқалар). Ҳар бир соҳанинг бири ўхшаш (турдош) муносабатларни мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг ҳуқуқий аҳволини алоҳида тартибга солиб турувчи ҳуқуқ ва қонунчиликнинг соҳаси мавжуд эмас. Аксарият қонун ва қонун ости ҳужжатларининг меъёрлари аниқ жинс вакилига урғу бермаган ҳолда шаклланган бўлиб, абстракт фуқарони кўзда тутади.

Айни пайтда аёлларнинг жамиятдаги ўрни кўпинча мазкур биологик жинсга мансублигига боғлиқдир. Шуни ҳисобга олиб, феминистик юриспруденцияси ривожланган замонвий демократик давлатлар ҳозирда аёллар ҳуқуқларини тартиблаштириш масаласига эркак ва аёл жинсидаги фуқаролар ўртасидаги фарқларни эътироф этиш нуктаи назаридан ёндашадилар. Ва шунга мувофиқ равишда ўз ҳуқуқларига оид тизимни ҳам турлича барпо этадилар.² Давлатимизнинг ҳуқуқий тизими учун – бу ҳали истиқболдаги ишлардир, чунки қонун чиқарувчи фақат амалга ошириш учун иктисодий ва сиёсий шартлар ва ижтимоий имкониятлар мавжуд бўлган ҳуқуқларнигина белгилайди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида эркаклар ва аёллар ҳуқуқий ҳолатининг негизида (де-юре) уларнинг тенгҳуқуқчилиги ётади. Булар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 й.) I-моддасининг қоидаларини қабул қилган ва акс эттирган Конституциямизда (18- ва 46- моддалар) белгиланган: “Барча инсонлар ўз ҳақ-ҳуқуқларида эркин ва тенг туғиладилар. Уларга ақл ва виждон берилган ҳамда улар бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”.

Бошқача қилиб айтганда, жинслар ўртасидаги тенглик – бу конституциявий тамойил. Шунинг учун у республиканинг бошқа қонунларида ҳам, улар ҳақида алоҳида айтиб ўтилмаган тақдирда ҳам, ўз ифодасини топади. Аммо бу тамойил ва қонунларнинг қиммати декларациялашда эмас, балки меъёрий қоидаларни амалга оширишда юзага келади.

Аёл жамиятнинг аъзоси сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ва унинг асосида қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда белгиланган ва қафолатланган асосий ҳуқуқлар ва

² Доклад Московского центра гендерных исследований и Сети женщин ВОСТОК-ЗАПАД (Network East-West Women) «Комитет по правам женщин СНГ»./ Хрестоматия к курсу «Основы гендерных исследований». Москва, 2001, с.160-161.

эркинликлар мажмуасига эга. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар шахсий, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларга таснифланади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, бундай таснифлаш шартлидир, чунки ҳеч қандай ҳуқуқ айтиб ўтилган тоифалардаги ҳуқуқларнинг биттасига таалуқли бўлиши мумкин эмас. Масалан, шахсий дахлсизлик билан чамбарчас боғлиқ бўлган, лекин шу билан бирга ўлим жазосини бекор қилиш, деб тушунтирилувчи яшаш ҳуқуқини хавфсиз шароитларда ишлаш, иш ҳақини кафолатланган равишда олиш, ишга лаёқатлилиқни йўқотганда ижтимоий таъминланиш ҳуқуқидан ва б.ш. ажратиб бўлмайди. Шундай қилиб, яшаш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатларни ва инсоннинг бошқа ҳуқуқларини – меҳнат қилиш, малакали тиббий хизматдан, таълим олишдан фойдаланиш ҳуқуқини талаб этади.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган (VII боби) ва анъанавий равишда тегишли бўлган табиий, ажралмас ҳуқуқлар қиради. Бу – яшаш, эркинлик, шахсий дахлсизлик ва уй-жойнинг дахлсизлигини таъминланиш ҳуқуқи, ноқонуний жазоланишдан, қийноқлар ва зўравонлиқнинг қўлланилишидан, номусига ва қадр-қимматига тегишдан, шахсий ҳаётига аралашушдан ҳимояланиш ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи, шунингдек, унга кириш ва кетиш (агар қонунда чекловлар бўлмаса), виждон эркинлиги ҳуқуқи, сўз, фикр, эътиқод эркинлиги ва уларни бемалол ифодалаш ҳуқуқи, ахборот олиш ҳуқуқи, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига оид ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш.

Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар, амалга оширилиши учун шахсий, табиий ҳуқуқлардан фарқли равишда давлат томонидан аралашувни талаб этади. Давлат мазкур ҳуқуқларнинг меъёрий таърифини белгилайди, уларнинг амалга оширилишини кафолатлайди, уларнинг бажарилиши борасидаги ижтимоий дастурларни ишлаб чиқади. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар қуйидаги асосий юридик жихатдан таъминланган имкониятларни қамраб олади: мулкка эга бўлиш ҳуқуқи, уни мустақил равишда тасаруф этиш ҳуқуқи (агар бу қонунчиликка зид бўлмаса ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаса); фаолият тури ва шаклини эркин танлаш ҳуқуқи; тенг меҳнат учун тенг иш ҳақи олиш ҳуқуқи; соғлиғи ва ҳаёти учун хавфсиз шароитларда ишлаш ҳуқуқи; ҳақ тўланадиган меҳнат таътилини (ёлланилган иш бўйича) ва бошқа турдаги таътилни олиш ҳуқуқи; ишга лаёқатлилиқ қобилиятини вақтинчалик ёки доимий йўқотган тақдирда, боқувчисини йўқотган ёки қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда нафақа, ёрдам пули шаклида ижтимоий таъминланиш ҳуқуқи; малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи; бепул умумий таълим ва олий таълимдан тенг фойдаланиш ҳуқуқи; фан ва техникавий ижодиёт билан эркин шуғулланиш ҳуқуқи.

Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари (шу жумладан, барча бошқа фуқароларнинг ҳам) жамият ишларини бошқариш соҳасида энг аввало сайлов тизими ва фаол сайлаш ҳуқуқини рўёбга чиқариш ҳуқуқи, яъни давлатнинг вакиллик органини сайлаш ҳуқуқи ва нофаол сайлаш ҳуқуқи – мазкур органларга сайланган бўлиш ҳуқуқи орқали амалга оширилади. Хотин-қизлар давлатни бошқаришда иштирок этиб, ушбу ҳуқуқлардан фойдаланиб, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида тенгликка эришишлари мумкин.

Сиёсий ҳуқуқларга, шунингдек, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларига бирлашиш ҳуқуқи, митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказиш ҳуқуқи, жамоатчилик ҳаракатларида иштирок этиш ҳуқуқи, ваколатли давлат органларига ариза, шикоят ва таклифлар тақдим этиш ҳамда уларни қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва уларга жавоб талаб қилиш ҳуқуқи (Ўз.Р Конституцияси, VIII боб) киради.

Юқориди айтиб ўтилган ҳуқуқлар ва эркинликларнинг асосий гарови давлат ҳисобланади. Мазкур соҳадаги унинг фаолиятининг сифати ушбу жамиятнинг демократиклиги қай даражада эканлиги, у қайд этилган ҳуқуқлар таъминланишидан қай даражада манфаатдор эканлиги ва бу иқтисодий нуктаи назардан қай даражада бажарилиши мумкинлиги билан боғлиқ.

Конституция давлатнинг мазкур ривожланиш босқичида энг муҳим ва аҳамиятли бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини ўз ичига қамраб олган. Соҳавий қонунчиликда улар батафсил ва қўшимчалар билан кўрсатилган.

Жумладан, шахсий ҳуқуқларнинг энг муҳими ҳисобланган – яшаш ҳуқуқи, авваламбор, фуқаролар соғлигини сақлаш орқали таъминланади. Бу борадаги ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни билан тартибга солиб турилади (1996 й.). Қонун томонидан ягона соғлиқни сақлаш тизими белгиланган бўлиб у давлат, хусусий ва бошқа кичик тизимларни ўз ичига олади.

Ўз.Рнинг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуниди (1993 й.) ишчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг натижаларидан устунлиги тамойили қайд этилган. Мазкур Қонунга мувофиқ, иш берувчи ходимга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб бериши шарт. Аёлларни уларнинг ва бўлажак фарзандларининг соғлиғига таъсир қилиши мумкин бўлган ишга қўйиш мумкин эмас. Агар иш оғир ҳамда зарарли шароитларда амалга оширилса, шахсий ҳимоя воситалари ва даволаш-профилактика озиқ-овқатлари билан бепул таъминлаш керак.

Инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоралари маъмурий ва жиноий қонунчиликда ҳам қайд этилган. Масалан, Ўз.Р. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг VI бобида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги қонунбузарликларнинг рўйхати берилган

ҳамда уларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан, буларга қуйидагилар киради: енгил тан жароҳати етказиш; гиёҳванд воситалар ёки психотроп моддаларни кам миқдорда тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш; эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш; венерик касалликлар ёки ОИТС билан касалланганларнинг текширишдан бош тортиши ва ҳ.з.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги³ меъёрларнинг 26% у ёки бу даражада фуқароларнинг ҳаётига зиён етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортишни назарда тутди⁴. Бунда агар жабрланган аёл киши бўлса, ва унинг ҳомиладорлигини айбланувчи олдиндан билган бўлса (ЖК 97-, 104-, 105-, 110- моддалари), бу ҳолат айбни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида кўриб чиқилади ва бу жиноят учун янада қаттиқроқ чора кўрилади.

Шундай тарзда ҳар қандай бошқа конституциявий ҳуқуқни ҳам кўриб чиқиш мумкин. Масалан, мулкка эга бўлиш ҳуқуқи. Мулкка эга бўлиш ҳуқуқи мулккий ҳуқуқ бўлгани учун у фуқаролик ҳуқуқининг предметини ташкил этади ва шу боис Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси томонидан тартибга солиб турилади⁵ (II бўлим). Бу ўринда мулкдорлик ҳуқуқи, шакл ва объект, мулкдорлик ҳуқуқига эга бўлиш ва тугатиш асослари, шунингдек уни ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари тушунчалари қайд этилган. Бундан ташқари, республикада 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг “Мулк тўғрисида”ги махсус Қонуни амал қилиб турибди. 1991 йилда Ўз.Р. “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди, унга кўра, мулкни хусусий мулк сифатида сотиб олишнинг ҳуқуқий усулларида бири белгиланган. Республиканинг Ер Кодекси (1998й.) ерга бўлган давлат мулккий ҳуқуқини белгилайди ҳамда юридик ва жисмоний шахсларда ер участкаларига бўлган мулкдорлик ҳуқуқининг юзага келиш асосларини ақс эттиради. Ўз.Р. “Тадбиркорлик фаолияти эркинликларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида (2000 й.) фуқароларнинг кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга бўлган ҳуқуқлари, ушбу фаолиятдан олинган даромадлар ҳисобига ўз мулкни тўлдириш ҳуқуқи белгиланган.

Кўриб турганимиздек, қонунчилик мазкур ҳуқуқларнинг олиниши ва амалга оширилишини маълум жинсга тегишлилик билан боғламайди, яъни уларни барча фуқароларга (жисмоний шахсларга) бирдек деб ҳисоблайди.

³ ЎзРнинг Жиноят Кодекси икки қисмдан иборат: Умумий қисм, унда жиноий ҳуқуқнинг принциплари, жиноят ва жазо тушунчалари, жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари белгиланган, ва Махсус қисм, унда конкрет жиноят состави ва уларни содир этганлик учун жазо чоралари кўзда тутилган.

⁴ Қаранг. Комментарий к Конституции Республики Узбекистан. Т.: Адолат, 1997, с.94.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси қисм-қисм қабул қилинди, аммо ҳар икки қисм бир вақтда 1997 йил 1 март кунинда қонуний кучга кирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси **de jure** қонунчилиги халқаро стандартларга тўлиқ мос бўлиб, ва юридик жиҳатдан бизда бир жинсга бошқасига нисбатан афзалликлар яратиб бериш имконияти мавжуд эмас. Масалан, меҳнат қонунчилигида мавжуд бўлган аёлларга оғир ва зарарли меҳнат шароитларида ишлашни ман этувчи чеклашлар, шунингдек, аёлнинг оналик вазифалари ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишини (тўлиқ бўлмаган иш соатида ишлаш, таътил муддатининг кўплиги ва б.ш.) рағбатлантирувчи имтиёзларни қўллаш эса халқаро ҳуқуқ меъёрларига кўра камситадиган, деб ҳисобланмайди, яъни бу ўзига хос ижобий камситиш. Бизнинг фикримизча, айти шуни ҳам аёл организмининг физиологик хусусиятларини инкор этиб бўлмайди.

Лекин ҳақиқатдан ҳам жинсий тааллуқлилиқ бўйича камситиш мавжуд эмасмикан? **de facto** камситишни йўқ деб ҳисоблаш мумкинми?

Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги БМТ Конвенцияси (1979й.) томонидан камситишнинг қуйидаги таърифи келтирилган: “Мазкур Конвенциянинг мақсади ўларок “хотин-қизларнинг камситилиши” тушунчаси, хотин-қизларнинг ҳар қандай сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий ёки ҳар қандай бошқа соҳада инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини оилавий аҳволидан қатъи назар, эркак билан аёлларнинг тенг ҳуқуқийлиги асосида сусайтиришга ёки йўққа чиқаришга, тан олишга, фойдаланишга ёки амалга оширишга қаратилган жинсий белгисига кўра ҳар қандай фарқлаш, истисно этиш, ёки чеклашни англатади” (1-модда).

Келтирилган таъриф камситишни нафақат қонунчиликда белгиланган бир жинснинг бошқасига қараганда қандайдир имтиёзлари ёки ҳуқуқларининг белгиланиши деб эмас, балки аёлларнинг эркаклар билан баббаравар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари турли омилларга боғлиқ ҳолда *амалда мумкин эмас*, деб ҳам таърифлайди. Мана шу тушунчадан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда *de facto* камситиш ҳоллари мавжуд. Эркаклар давлат идораларида деярли барча масъул лавозимларни эгаллаганлар, Олий Мажлис палаталари депутатлари орасида ҳам улар кўпчиликни ташкил этади, ва айти улар томонидан давлат сиёсати, шу жумладан қонунчилик сиёсати белгиланади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаларида, юқори ҳақ тўланадиган ишларда, тадбиркорликда ҳам аёлларга қараганда эркаклар аксарият қисми ташкил этади. Аммо ҳақ тўланмайдиган иш – уй-рўзғор юмушлари ва оила аъзоларига қараш – бу аксарият ҳолларда аёллар зиммасида. Статистика маълумотларига кўра, аёллар уй-рўзғор ишларини бажаришга эркакларга нисбатан 2,9 баробар кўп вақт сарфлайдилар⁶.

Юзага келган вазиятни ўзгартириш мумкин ва керак. Бунинг йўлларида бири – бу нафақат тақдим этиладиган ҳуқуқларнинг

⁶ Қаранг: Женщины и мужчины Узбекистана. Статистический сборник. Т., 2002.

тенглигини таъминлаш, шу билан бирга ижобий камситиш чораларини кўриш орқали имкониятлар тенглигини ҳам таъминлашдир. Яъни жамият учун ҳам, унинг аъзолари учун ҳам ижобий йўналишга эга бўлган «камситиш»ни таъминлашдир. Кўпинча бундай камситиш аёлларга у ёки бу имтиёزلарни берар экан, энг аввало уларнинг ижтимоий аҳволини эркакларники билан тенглаштиришга қаратилгандир. Аини пайтда эркакларнинг ҳуқуқлари жиддий поймол этилаётгани йўқ. Масалан, аёллар ҳокимият органлари ва бошқарувдаги лавозимларни эгаллашлари учун квоталар киритиш, улар учун давлат ва хусусий секторда янги иш ўринларини яратиш, тадбиркор-аёлларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун ўқув марказларини ташкил этиш, аёлларга кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш ва ҳоказо.

Гендер тенглигига бағишланган ва Ўзбекистон томонидан эътироф этилган халқаро ҳужжатлар кўп маротаба эътиборни ҳуқуқ ва имкониятларнинг тенглигини амалий таъминлаш масаласига қаратган. Жумладан, Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция (1979 й.)⁷ иштирокчи-давлатларга эркаклар ва аёллар тенгҳуқуқчилиги тамойилини нафақат миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш, шу билан бирга қонун ёрдамида ва унинг амалда рўёбга чиқарилишининг бошқа воситалари орқали таъминлаш мажбуриятини юклайди. Бу ўринда гап ишга қабул қилиш вақтида (бир хил танлаш мезонларни қўллаган ҳолда) бир хил имкониятлар яратиш, таълим олишда (ўқитишнинг бир хил дастурлари, бир хил тест саволлари, бир хил малакадаги ўқитувчилар таркиби, ишни давом эттиришга бир хил имкониятлар яратиш ва бошқалар), ижтимоий таъминот борасида (нафақалар, стипендиялар, пенсияларни тайинлаш ва тўлаш), шунингдек иқтисодий имкониятлардан тенг фойдаланишни таъминлаш (ёллаш бўйича ишни мустақил равишда танлаш ёки мустақил меҳнат фаолияти билан, яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланиш, кредитлар олиш ва суғурта хизматларидан фойдаланиш, шартномалар тузишда ва хусусий мулкни тасарруф этишдаги эркинлик) ҳақида бормоқда.

Иштирокчи-давлатлар, жумладан Ўзбекистон Республикаси эркаклар ва аёллар ҳулқ-атворининг ижтимоий ва маданий моделларини ўзгартириш, бир жинснинг бошқаси устидан ҳукмронлик қилиш, эркак ва аёллар ролининг стереотиплилигига асосланган ақидалар ва урф-одатларни бартараф этиш учун барча чоралар кўришлари лозим. Оилада эр-хотиннинг шахсий ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари мутлак тенг бўлишини, шунингдек, оналик вазифасини ижтимоий функция сифатида тўғри тушунишни ҳамда болалар тарбияси ва ривожланиши

⁷ CEDAW Конвенцияга қаранг.

учун ота-оналарнинг умумий жавобгарлигини эътироф этишни ўз ичига олувчи тарбияни таъминлаш зарур.

Камситишнинг ҳар қандай шаклларига қарши аёл давлат органларида, шу жумладан суд идораларида самарали ҳимоя олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Иштирокчи-давлатларда аёллар билан эркакларнинг ҳуқуқлари тенглигини амалда таъминлаш учун ихтисослаштирилган орган – Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш Кўмитаси тузилган бўлиб, унинг таркибига иштирокчи-давлатлар ўз фуқаролари қаторидан сайлайдиган юқори маънавий обрўга эга бўлган ва инсон ҳуқуқлари соҳасида билимдон экспертлар кирган.

Давлатлар ўз зиммасига Конвенция қоидаларини бажариш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотномани Кўмита кўриб чиқиши учун БМТ Бош қотибига тақдим этиш мажбуриятини оладилар, унда ана шу қоидаларни бажаришга тўсқинлик қилаётган омиллар ҳамда эришилган ютуқларни кўрсатиб ўтадилар. Экспертлар томонидан маълумотномалар ўрганилиб чиқилганидан ва юзага келган вазият таҳлил этилганидан кейин Кўмита умумий тусдаги тавсиялар ва таклифларни киритади, улар эса иштирокчи давлатлар томонидан амалий фаолиятда ўз миллий, маданий, иқтисодий ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, республикада “Тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар тўғрисида” махсус Қонун ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши гендер тенгликни таъминлашга кўмаклашган бўлур эди. Қонун “тенг ҳуқуқлар” ва “тенг имкониятлар” тушунчаларининг таърифини бериши, уларнинг стандартларини, тақдим этилиши ва ҳимоя қилинишининг кафолатларини, бажармаганлик учун масъулиятни белгилаши лозим.

Яна бир бор шуни таъкидлаш керакки, қонунларни, улар қанчалик яхши бўлмасин, қабул қилишнинг ўзи эркак ва аёлларнинг амалдаги тенглигини таъминланиши учун камлик қилади. Мазкур қонунларни ҳам фуқаролар, ҳам давлат (у кўпинча инсон ҳуқуқларининг бузилишига йўл кўяди) томонидан бажаришнинг самарали механизмлари бўлиши; тенг ҳуқуқлиликни бузганларга нисбатан амалдаги ҳуқуқий чораларни кўриш; қонунчиликда камситишга қарши махсус чораларни ишлаб чиқиш ва мустаҳкамлаш керак.

Лекин бугунги кундаги энг муҳим вазифа бу - Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир аёли ўз ҳуқуқларининг кадр-қимматини англаган ҳолда уларга эга бўлиши, улардан фойдаланиши ва ҳимоя қилиши учун барча чора-тадбирларни кўришдан иборат.

АДАБИЁТ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси
3. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси
4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси
5. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
7. Основы гендерных исследований. Учебник. МЦГИ. М., 2001. (Гендер таркиқотлар асослари. Дарслик. МЦГИ. М., 2001.)
8. Хрестоматия к курсу «Основы гендерных исследований». МЦГИ. М., 2001. (“Гендер таркиқотлар асослари” курсига хрестоматия. МЦГИ. М., 2001.)
9. Корбут Л.В., Поленина С.В. Международные конвенции и декларации, касающиеся прав женщин и детей. М., 1998. (Корбут Л.В., Поленина С.В. Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларига тегишли халқаро конвенция ва декларациялар. М., 1998.)
10. Поленина С.В. Права женщины в системе прав человека: международный и национальный аспект. М., 2000. (Поленина С.В. Инсон ҳуқуқлари тизимида хотин-қизлар ҳуқуқлари: халқаро ва миллий жиҳатлар. М., 2000.)
11. Мертус Джулия. Права женщин - права человека. Пособие для учебных занятий. М.: Глас, 1996. (Мертус Джулия. Хотин-қизлар ҳуқуқлари – инсон ҳуқуқлари. Ўқув машғулотлар учун қўлланма. М.: Глас, 1996.)
12. Гендерные проблемы и развитие. Стимулирование развития через гендерное равенство в правах, в доступности ресурсов и возможности выражать свои интересы. М.: Весь мир, 2002. (Гендер муаммолари ва ривожланиш. Ҳуқуқлар, рурсурлардан фойдалиниш қулайлиги ва ўз манфаатларини ифодалашда гендер тенглиги орқали ривожланишни рағбатлантириш. М.: Весь мир, 2002.)
13. Обеспечение равенства полов: политика стран Западной Европы. Пер. с англ. яз. Под ред. Е.Мезенцевой. М.: Идея Пресс, 2000. (Жинслар тенглигини таъминлаш: Гарбий Европа мамлакатлари сиёсати. Инглизчадан таржима. Е.Мезенцева тахририда. М.: Идея Пресс, 2000.)
14. Пол/гендер. Справочное пособие для юристов. Под ред. Соколовой А., Гаповой Е., Минск, 2000. (Жинс/гендер. Юристарлар учун ахборотли қўлланма. Соколова А., Гапова Е. тахририда, Минск, 2000.)
15. Бойченко Л.Д. ООН и права женщин: история и современность. (Бойченко Л.Д. БМТ ва хотин-қизлар ҳуқуқлари: тарих ва ҳозирги пайт.)

16. Права человека: изложение фактов. №22. Дискриминация в отношении женщин: конвенция и комитет. ООН, Женева, 1995. (Инсон ҳуқуқлари: фактлар баёни. №22. Хотин-қизларга нисбатан камситиш. ООН, Женева, 1995.)
17. Новикова Э. Международная защита прав женщин: история и современность. М.: Преображение, №3, 1995. (Новикова Э. Хотин-қизлар ҳуқуқини халқаро ҳимояси: тарих ва ҳозирги пайт. М.: Преображение, №3, 1995.)
18. Права человека: изложение фактов. №23. Опасная традиционная практика, пагубно отражающаяся на здоровье женщин и детей. ООН, Женева, 1995. (Инсон ҳуқуқлари: фактлар баёни. №23. Хотин-қизлар ва болалар саломатлигига халокатли равишда таъсир этувчи хавфли анъанавий амалиёт. ООН, Женева, 1995.)

МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚЛАР ТЕНГЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

Ирина Черкашина

Меҳнат – бу ҳаётий зарурат бўлиб, унга деярли барча ижтимоий муносабатлар боғланиб кетади. Бир нарсани истеъмол қилиш ёки ундан фойдаланиш учун авваламбор уни ишлаб чиқариш ёки табиатдан “олиб туриш” керак. Лекин мавжуд табиий бойликлар камайиб бормоқда ва инсоннинг ундан илгаригидек фойдаланишига имконияти етарли эмас. Шунинг учун инсон ўз ҳаёти ва фаолияти учун мақбул шароитларни ўз меҳнати билан яратади.

Инсоният тарихида аёл ижтимоий меҳнат муносабатларида иштирок этмаганлиги даврлари бўлмаган. Аёл патриархал жамиятда ижтимоий фойдали ишларни амалга оширишдан ташқари, уй-рўзғор юмушларини ҳам бажаради.

Аёллар объектив сабабларга кўра, ўз ҳаётларининг фарзанд туғилиши билан боғлиқ муайян даврларида меҳнат фаолиятида эркаклар билан тенг позициялар ва имкониятларга эга бўлмайдилар, шунинг учун давлат қонунчиликлари орқали уларга маълум имтиёзлар ва махсус кафолатларни белгилаб берган. Улар аёлнинг она сифатидаги вазифаси уни меҳнат соҳасида ва ижтимоий ва сиёсий фаолиятда эркаклар билан рақобатбардошлигини йўқотмаслигига қаратилган.

Шу муносабат билан меҳнатга бўлган ҳуқуқни амалга оширишда юзага келадиган ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштиришга хизмат қилувчи меҳнат ҳуқуқининг ва меҳнат қонунчилигининг асосий вазифаси – бу меҳнат бозорининг нормал ишлашини таъминлаш, ишчиларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва саломатлигини муҳофаза қилиш, адолатли ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини яратишдан иборатдир (Ўз.Р. Меҳнат кодекси 2-модда). Шу билан бирга қонунчилик ҳужжатларида энг кам меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари белгиланади. Ишчилар ва иш берувчилар ниманики қўшимча белгилаш керак, деб ҳисобласалар, улар буни жамоа шартномалари ва шахсий меҳнат шартномалари билан мустақамлаб олишлари мумкин, фақат уларни бир томоннинг хоҳиши билан ўзгартириш ман этилади. Мамлакатнинг меъёрий ҳужжатлари билан солиштирганда ишчилар аҳолини ёмонлаштирувчи битим ва шартномаларнинг шартлари ҳақиқий эмас, деб эътироф этилади.

Ўз.Р. Меҳнат кодекси¹ республика Конституциясига риоя этган ҳолда, ҳар бир инсоннинг унинг жинсидан қатъи назар меҳнатга, ўз хоҳишига кўра иш танлашга, адолатли меҳнат шароитларига ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 21 декабрь куни қабул қилинган. 1996 йил 1 апрель кундан кучга кирган. – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Хабарномаси, 1996, 1-сонга илова.

ишсизликдан қонуний равишда муҳофазаланишга тенг ҳуқуқини белгилаб берган (Ўз.Р. МК 16-модда).

Ҳар бир фуқаро ишлаб чиқаришга ва ижодий меҳнатга бўлган ўз қобилиятини ўзи тасарруф этиш учун мутлақ ҳуқуқга эга ва қонун томонидан ман этилмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши мумкин. Шуни таъкидлаш зарурки, амалдаги қонунда меҳнат қилиниши мажбурийлиги эмас, айнан *меҳнат қилиши ҳуқуқи* белгиланган. Шунинг учун ихтиёрий равишдаги бандсизлик жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди (Ўз.Р. МК 57-модда).

Аёллар ҳам, эркаклар ҳам ўзлари учун мустақил ва эркин равишда иш ва касб танлаш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзи хоҳламаган ишни бажаришга мажбурланиши мумкин эмас. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилувчи ва ҳимояловчи халқаро тамойиллар ва меъёрларга катъий риоя этган амалдаги қонунчилик мажбурий меҳнатни тақиқлайди².

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Меҳнат кодексиди адолатли меҳнат шароитлари учун ҳам ҳуқуқ белгилаб қўйилган. Яъни, шундай шароитларки, уларга кўра, иш берувчи ҳар бир ишчига нисбатан ҳолисона муносабатда бўлиб, унинг фақат намоён бўлган қобилиятлари, билими, сидқидилдан меҳнат қилишини ҳисобга олиб, шулар асосида меҳнатига ҳақ тўлаши ва хизмат поғоналарида кўтариши зарур.

Айтиб ўтилган ҳуқуқларнинг юридик қафолати сифатида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига меҳнат муносабатларида *камситишни* ман этувчи махсус модда киритилган (6-модда). Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга эканлигини яна бир бор таъкидлаб, қонунчиликда илк бор камситишнинг аниқ-равшан таърифи берилди. Бу ўринда ижтимоий келиб чиқиш, мулкый ёки лавозим даражаси, маълум жинс, ирқ, миллат ва динга мансублигига асосланган ҳамда ишчиларнинг ишбилармонлик фазилатлари ва уларнинг меҳнат натижалари билан ҳеч қандай боғлиқлиги бўлмаган меҳнат муносабатлари соҳасида бирон-бир чекловларни белгилаш ёки имтиёزلарни тақдим этиш назарда тутилади. Камситиш меҳнат соҳасида имкониятлар тенглигининг бузилишига ёки йўқ қилинишига олиб келади. Камситилган шахс ўзининг ҳуқуқ ва имкониятлари бузилганлигини бартараф этиш тўғрисидаги ариза билан ҳамда моддий ва маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Ҳуқуқлар эълон қилинган бўлишига қарамай, эркак ва аёлларнинг меҳнат соҳасидаги ҳақиқий аҳволи жиддий фарқланади. Шундай фикр

² Ўз.Р. Меҳнат Кодексининг 7-моддасида кўнгилли равишда бажарилмаслигига қарамай мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайдиган ишлар санаб ўтилган. Булар: ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида; фавқулотда ҳолат юз берган шароитда бажарилиши лозим бўлган ишлар; суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан тузатиш ва бошқа ишлар; қонунда назарда тутилган бошқа иш турлари.

мавжудки, аёлларни камситувчи анъанавий қарашлар ва урф-одатлар, шунингдек, аёлларнинг жамиятдаги ва оиладаги роли ҳақидаги ақидалар, нафақат амалиётда, балки айрим қонунларда ва қонун ҳужжатларида, айниқса, меҳнат қонунчилигида сақланиб келмоқда³.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат қонуни Меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситиш ҳақидаги 1958 йилги Халқаро Конвенциядан сўнг шуни алоҳида таъкидлаб қўйдики, давлат томонидан ижтимоий ҳимояга мухтож шахсларга – вояга етмаганлар, ногиронлар ва албатта, аёлларга алоҳида эътибор берилиши меҳнат соҳасида мавжуд бўлган фарқлар камситиш ёки ҳуқуқларнинг поймол қилиниши эмас (қаранг: охириги йиллардаги халқаро ҳужжатлар, жумладан, 158-сонли БМТнинг Конвенцияси). Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига аёлларнинг бевосита меҳнат ҳуқуқларига, уларнинг амалга оширилишига ва кафолатларига бағишланган махсус моддалар мавжуд⁴.

Жумладан, аёл бўш ишчи ўрнига эга бўлган иш берувчига бевосита муурожаат қилиш йўли билан ўзининг меҳнатга бўлган ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин (Ўз.Р. МК 57-моддаси). Меҳнат соҳасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши учун меҳнат шартномаси тузилиши керак, шартнома эса агар иккала тараф унинг шартларига рози бўлгандагина тузилади, бундан ташқари, нафақат ишчи ишга жойлашишни исташи керак, балки ишга олувчи ҳам ушбу ишчини ишга қабул қилишни хоҳлаши лозим. Бундай вазиятда субъектив омил ҳам муҳим аҳамият касб этади. Талаб этилаётган мутахассисликка, тегишли маълумотга, иш тажрибасига эга бўлган аёл у ёш боласи бўлгани учунгина иш берувчи томонидан ишга қабул қилинмаслиги мумкин. Иш берувчи учун – у энг яхши ходим эмас. Қонунчиликка кўра аёл учун берилган имтиёзлардан ташқари, у асосли равишда, аёл доимо яхши она бўлиши керакми ёки яхши ишчи бўлишими, деган саволга жавоб излайди, деб ҳисоблайди.

Ақсарият ҳолларда аёл яхши она бўлишни, ундан келиб чиқадиган барча оқибатлари билан, афзал кўради. Бинобарин, иш берувчи эракни ёки оиласи ва фарзандлари бўлмаган аёлни ишга қабул қилишдан манфаатдор. Чунки бундай аёлда ҳеч бўлмаганда яхши ишчи бўлиш истаги бўлади, деб ҳисоблайди.

Айнан шунинг учун бир қатор мамлакатларда аёлларнинг муаммога дуч келишларини, яъни улар олдида оилами ёки карьерами, деган савол кўндаланг бўлмаслиги учун “тўғрилаш” ёки “ижобий камситиш”⁵

³ Абдуразақова Д. Обзор гендерных аспектов в национальных законодательствах СНГ.- ПРООН/РБВС Региональный Центр Поддержки, Братислава, Словакия, август 2001 г., с. 2.

⁴ Қаранг. Меҳнат Кодексининг XIV боби «Айрим тоифадаги ходимларга бериладиган қўшимча кафолат ва имтиёзлар», параграф 1 «Аёлларга ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча кафолатлар» - 224-238-моддалар.

⁵ Ушбу атама, масалан, Швеция қонун ҳужжатларида қўлланган. Бу ерда «Тенг ҳуқуқчилик тўғрисида» қонун асосида 10 кишидан ортиқ ходим ишлайдиган хоҳлаган тур мулкчилик

қонунлари киритилмоқда. Ниҳоят, унга она, рафиқа ҳамда ... профессор, министр бўлишга имкон бериш керак.

Ўз.Р. Меҳнат кодексининг 78-моддасида қандай ҳолларда ишга қабул қилишни рад этиш ғайриқонуний деб тан олинishi аниқ қилиб қўйилган. Булар қаторида ҳомиладорлиги ёки уч ёшгача бўлган боласи борлиги сабаб аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади (Ўз.Р. МК 224-модда). Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 148-модда 2-қисмида белгиланганидек, ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс ишга қабул қилишни ғайриқонуний рад этганликда айбдор бўлса, ҳатто *жиноий жазога* ҳам тортилиши мумкин.

Лекин амалиётнинг кўрсатишича, қонунчиликнинг бу меъёрлари ҳозирга қадар амалга оширилмайди. Бунга бир неча сабаблар бор. Биринчиси – аёлларнинг кўпчилиги меҳнат бозорида ўзларининг эркаклар билан рақобатбардошлигини ва ҳомиладор ёки болалари бўлишига қарамай, ишга жойлашиш ҳуқуқини таъминлайдиган моддалар борлигини умуман билмайдилар. Иккинчиси – агар аёл ҳомиладор бўлса, унда у асабига салбий таъсир кўрсатувчи вазиятлардан қочишга ҳаракат қилади, бундай вазиятлар қаторига ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун суд жараёнларида иштирок этиш зарурати ҳам кириши шубҳасиздир. Учинчиси – айнан кўрсатилган сабабларга кўра ишга олиш рад этилганлигини исботлаш ниҳоятда мураккабдир. Бундай сабабларга кўра рад этганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида била туриб, иш берувчи, албатта, қонунга зид бўлмаган сабабларни кўрсатади. Ниҳоят, тўртинчиси – масалан, низо судгача борди, дейлик, судда ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги тасдиқланди, суд бу аёлни албатта ишга қабул қилиниши тўғрисида қарор чиқарди ва иш берувчи суднинг бу қарорини бажарди, шу жумладан, бундай ноқонуний раддия оқибатида аёлга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплади. Энди иш берувчи мазкур “жанжалкаш” аёлга у ўзи ишдан бўшаб кетишни хошлашига олиб келадиган “шароитлар” яратишга ҳаракат қилиши мумкин. (Ваҳоланки, иш берувчининг чидаб бўлмайдиган шароитларни яратиши ҳам далиллар, аёлнинг сабр-тоқати ва ўз ҳуқуқини қатъий ҳимоя қилиш истаги бўлганда суд тартибида кўриб чиқилиши мумкин).

Демак, ишга қабул қилишда аёлларнинг ҳуқуқларини камситилишдан ҳимоя қилишга қаратилган қонунчиликнинг тегишли меъёрлари мавжуд

шаклидаги барча қорхона ва муассасаларида бўш иш ўрни пайдо бўлгач (қасбий сифатлар – иш стажы, маълумот, малака ва ҳоказолар бир хил бўлган тақдирда) қорхонада вакиллари камрок бўлган жинсдаги кишини афзал кўришлари шарт. Чунончи, агар у ерда эркаклар кўпроқ бўлса, фақат аёлларни қабул қиладилар ва аксинча. Шведияда барча иш берувчилар ҳар йили «Тенг ҳуқуқликлик тўғрисида» қонун бажарилиши юзасидан ҳисобот беришлари шарт.

бўлса-да, улар ҳозирча амалда тадбиқ этилмапти. Шу билан бирга уларнинг қонунда мавжудлиги маълум даражада иш берувчининг ўзбошимчалик қилишини олдини олади, яъни бу меъёр тўхтатиб турувчи омил бўлади. Ҳар ҳолда иш берувчи рад этишнинг қонуний асосларини излашга мажбур бўлади.

Мазкур меъёрлар “ишлаши” учун барча айтиб ўтилган сабабларни баргараф этиш ҳамда иш берувчи билан (мутлақо асосли) ишга кирмокчи бўлган аёл-онанинг қонуний ҳуқуқлари ўртасида муроасага келиш зарур. Жумладан, аёлларга уларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига, мана шу ҳуқуқларнинг бузилишида айбдор бўлганлар эса – жазога тортилишига ишонч туғдириш лозим. Яна бир йўли аёллар учун уйда иш бажариш (касаначилик) имкониятларини кенгайтиришдан, улар учун даромад келтирувчи ишлаб чиқаришда махсус ишчи ўринларини яратишдан ва ҳоказолардан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Меҳнат кодекси оғир ишларда ва зарарли меҳнат шароитларида аёллар меҳнатидан фойдаланиш уларнинг соғлиғига ноҳуш таъсир кўрасатади, фарзанд кўриши ва бўлажак авлод саломатлигига салбий таъсир ўтказади, деган мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда аёлларни бундай ишларга қабул қилинишига йўл қўймайди (МК 225-модда). Хусусан, гап ер ости ишларида⁶ аёлларнинг меҳнат қилиши, уларнинг белгилаб қўйилган нормадан⁷ ортиқ юкни кўтаришлари ва бошқа жойга кўчиришлари, иссиқ цехларда ва ҳ.к.ларда ишлашлари ҳақида бормокда. Аммо агар аёл шахтер ёки пўлат қуювчи бўлишни истаса, ёхуд оғир юкларни кўтариб, шунчаки мушаклари кучини оширишни “орзу қилса”, унга тўсқинлик қилиш керак эмас, деювчилар ҳам топилиши шубҳасиз. Бундай ҳуқуқлар аёлларга бирон-бир салбий жиҳатларни келтириб чиқариши мумкинми? Дарслик муаллифларининг фикрича, бундай саволга ҳар бир кишининг ўз асосланган жавоблари бор. Айни пайтда иш ўринлари етарли бўлмаган, иш ҳақи барқарор бўлмаган ва бошқа ўтиш иқтисодиёти давридаги объектив мураккабликларни эсдан чиқармаслик керак. Аёл эса она сифатида ўз фарзандларининг қорнини тўйдириш учун, ўз саломатлиги ва келгуси авлодларнинг саломатлиги учун келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни ўйламай, ҳар қандай ишни бажаришга тайёр туради. Бундай вазиятда давлат аралашиши ва тегишли таъқиқлар ва чеклашларни

⁶ Ер остида доимий бўлиш билан боғланмаган ва жисмоний бўлмаган ишлар ёки санитария ва маиший хизмат кўрсатиш ишлари бундан мустаснодир.

⁷ Масалан, бир қарра кўтарилиб олиб қўйиладиган юкнинг тара ва ўрама билан энг оғири аёллар учун 15 кгдан ошмаслиги керак. Оғирликлар 1,5 мдан ортиқ баландликка кўтарилган ҳолда, шунингдек бутун иш куни давомида оғир юклар кўтарилиб олиб қўйилганда юкнинг оғирлиги 10 кг дан ортиқ бўлмаслиги керак. Жами иш сменаси давомида олиб қўйиладиган юк массаси 7 минг кг, яъни 7 тоннадан ошмаслиги керак.

белгилаган ҳолда бутун жамият учун (ва жумладан, унинг ҳар бир аъзоси учун) нохуш оқибатларнинг олдини олиши керакми?

Ўз.Р. Меҳнат кодексининг 226, 227, 228- моддалари ҳам оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган. Жумладан, уларга белгиланганидек, иш берувчи ҳомиладор аёлларни ва икки ёшгача боласи бор аёлларни аввалги иш ҳақидан кам бўлмаган ойлик иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда, енгилроқ ёки ноқулай ишлаб чиқариш омилларининг таъсиридан ҳоли бўлган ишга ўтказди. Ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга тўлмаган боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларни *уларнинг розилигисиз* тунги ишларга, якшанба кунлари ва байрам кунлари ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Агар ходимлар дам олиш учун ўзларининг конституцион ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятига эга бўлсалар, уларнинг меҳнати унумлироқ ва самаралироқ бўлади. Иш вақтининг давомийлигини – ҳафтасига 40 соатдан кўп бўлмаган вақт билан қонуний белгилаш бу ҳуқуқнинг кафолатларидан биридир. Ишчи ва иш берувчи, агар иш соатининг миқдори камайсагина, меҳнат шартномасида мазкур меъёрдан четга чиқиши мумкин.

Айни вақтда қонунчиликда ходимларнинг тўртта категорияси ажратилган бўлиб, улар учун *қисқартирилган иш вақти* белгиланган. Мазкур таснифлаш қуйидагиларни ҳисобга олиб амалга оширилган:

- ёши. Бу ўринда гап вояга етмаганлар хусусидадир. Масалан, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахслар учун иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги керак; 15 ёшдан 16 ёшгача бўлганлар, шунингдек 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган, таътил вақтида ишлаётган ўқувчилар – ҳафтасига 24 соатдан оширмасдан ишлайдилар. Агар улар ишни ўқиш билан биргаликда олиб борса, унда иш вақтининг давомийлиги ярмига қисқаради ва ҳафтасига 18 ва 12 соатдан ошмаслиги керак;

- саломатлигининг аҳволи. Бунда шифокор-меҳнат эксперт комиссиясининг (ШМЭК) хулосасига кўра, ишга рухсат олган I ва II гуруҳ ишлайдиган ногиронлар ҳақида сўз бормоқда. Улар иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги керак;

- меҳнат шароити⁸. Бу номақбул меҳнат шароитларида банд бўлган ишчиларга тааллуқли. Улар иш жараёнида саломатлик учун хавфли бўлган жисмоний, кимёвий, биологик ва бошқа омилларнинг таъсирига доимий равишда дуч келадилар, улар учун иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган;

⁸ Алоҳида зарарли ва алоҳида оғир меҳнат шароитидаги ишлар билан банд ходимларнинг иш вақтларининг энг узок муддати кунига соатда кўрсатилган рўйхати Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги Қарорига 8-иловада белгилаб қўйилган – Ўз.Р. ҚТ, 1997, № 3, 11-модда.

- меҳнат вазифаларнинг ўзига хослиги⁹. Бу алоҳида иш турига эга ходимларга хосдир. Уларнинг иши юқори эмоционал, ақлий, асабий зўриқиш билан боғлиқ (масалан, педагоглар, тиббиёт ходимлари, телевидение ва радио ходимлари ва ҳоказо). Улар учун иш вақти давомийлиги ҳафтасига 36 соатдан ошмаслиги керак.

Қисқартирилган иш вақтининг хусусияти шундаки, ишчи тўлиқ иш вақтида ишлайди (ҳафтасига 40 соат) ва шунга яраша тўлиқ иш вақти учун ойлик маош олади. Иш берувчи юқорида келтирилган тоифадаги ходимларга қисқартирилган иш вақтини белгилашни рад этиш ҳуқуқига эга эмас.

Қонунда ҳар бир ишчи учун ишга қабул қилиш ёки меҳнат шартномаси амал қилаётган вақтда иш берувчи билан келишилган ҳолда *тўлиқ бўлмаган иш вақтини* (иш куни ёки иш ҳафтаси) белгилаш имконияти кўрсатилган. Тўлиқ бўлмаган иш вақти шароитида ишлаш ҳақидаги ишчининг илтимосини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир, қачонки, агар унга бу илтимос билан ҳомиладор аёл, боласи 14 ёшгача бўлган аёл (16 ёшгача ногирон-боласи бўлган) ва тиббий хулосага кўра оилада касал боқаётган ҳар бир шахс мурожаат этса. Бу борада ишчининг меҳнат ҳуқуқларига нисбатан ҳеч қандай чекловлар юзага келмайди. Меҳнат стажы умумий равишда ҳисобланади, ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлиги сақланади, моддий ва маънавий рағбатлар тақдим этилади ва ҳоказо. Тўлиқ бўлмаган иш вақти қисқартирилганга караганда фақат иш ҳақига таъсир қилади. У ишлаб берилган вақт ёки соатбай ишга қараб мутаносиб равишда амалга оширилади.

Иш вақтининг қонунда белгиланиши ва амалиётда меъёрларнинг сақланиши аёлларга дам олиш ҳуқуқини беради, ва ишга лаёқатлилигини тиклайди. Бу ҳуқуқ бевосита қонун томонидан тақдим этилган дам олиш вақти орқали рўёбга чиқади, унга кўра ишчи бу вақтда меҳнат мажбуриятларини бажаришдан озод бўлади ва ундан ўз хоҳишига кўра фойдаланиши мумкин.

Меҳнат кодексида, шунингдек, дам олиш вақти деб иш куни давомидаги ёки ишчи смена вақтидаги танаффусларни, ҳар кунги дам олишни, дам олиш ва байрам кунлари ҳамда таътил вақти белгиланган.

Иш куни (смена) давомида *танаффуслар* овқатланиш ва дам олиш учун ажратилади. Уларнинг давомийлиги ва аниқ вақт бажарилаётган ишнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ички меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади (ички меҳнат тартиби, смена графиклари). 2 ёшгача бўлган эмизувчи оналар Ўз.Р. МК 236-моддасига мувофиқ болани эмизиш учун қўшимча маҳсус танаффус ажратилади, бу вақт иш вақтига киритилади ва ўртача ойлик маош бўйича ҳақ тўланади. У 3 соатдан кам

⁹ Қаранг: Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатилган 1997 йил 11 мартдаги Қарорига 4-илова, унда меҳнати маҳсус хусусиятга эга ходимлар рўйхати ва улар учун аниқ иш вақти мuddати белгилаб берилган.

вақт оралиғида давомийлиги энг ками 30 минутдан иборат (агар аёлда бу ёшдаги боладан иккита ёки кўпроқ бўлса, танаффуснинг давомийлиги энг ками 1 соатгача узайтирилади).

Аёлнинг хоҳишига кўра, бу танаффуслар умумлаштирилиб, дам олиш ва овқатланиш учун ажратилган танаффусларга қўшилиши мумкин, ёки иш кунининг (сменанинг) бошланиши ёки тугаш вақтига кўчирилиши мумкин. Бошқача айтганда, ишлайдиган эмизадиган аёл ишга бир соат кейин келиши ёки бир соат (агар тушлик танаффусидан фойдаланмаса, 2 соат) илгари ишдан кетиши мумкин, шунингдек тушлик танаффуси икки соатдан кам бўлмаслиги мумкин.

Агар аёл ишининг шароитлари ва хусусиятларига кўра иш вақтида болани эмизишга бориб келолмаса, уни вақтинчалик бошқа ишга олдинги ишининг ўртача маошини сақлаб қолган ҳолда ўтказишни иш берувчи зиммасига қўйилади.

Ҳафталик дам олиш вақти *дам олиш кунларини* белгилаш орқали амалга оширилади. Олти кунлик иш ҳафтасида – бир дам олиш куни, беш кунлик иш ҳафтасида эса – икки дам олиш куни. Қонун томонидан иш ҳафтасининг охирида давомийлиги 42 соатдан кам бўлмаган узлуксиз дам олиш вақти белгиланган. Умумий дам олиш куни бўлиб яқшанба куни ҳисобланади. Иккинчи дам олиш куни мазкур корхона ёки ташкилотда ишлайдиган барча ходимлар учун ягона бўлади, ёки график бўйича тақдим этилади (қоидага кўра, икки дам олиш куни бирин-кетин бўлади).

Дам олиш кунлари ишга жалб қилиниш қонун томонидан тақиқланади. У фақат фавқулодда қўлланилиши ва ишчининг хоҳишига кўра камида икки баробар иш ҳақи ёки бошқа дам олиш куни таъминланганлигида амалга оширилиши мумкин. Ҳомиладор аёл ва 14 ёшгача болалари бўлган аёллар бу кунларда мустасно равишда ҳам фақат уларнинг розилиги билан ишга жалб қилиниши мумкин (Ўз.Р. МК 228-моддаси).

Ногирон бола алоҳида эътибор ва ҳар томонлама парваришга муҳтож. Шунинг учун бундай боланинг отаси ёки онаси учун (улар бўлмаганда эса унинг васийси) у ўн олти ёшга тўлгунга қадар қонун томонидан бир ойда қўшимча ҳақ тўланадиган дам олиш бир куни давлат ижтимоий сўғуртаси ҳисобидан тақдим этилади (Ўз.Р. МК 230 моддаси).

Дам олиш кунларига, шунингдек, *байрам кунлари* ҳам кирди. Байрам кунлари рўйхати Ўз.Р. МК 131-моддасида белгиланган. Байрам кунлари ишчиларни ишга жалб қилиш ман этилади. Агар ишлаб чиқариш ёки фавқулодда вазият бунга талаб этса, унда оқибатлар дам олиш кунлари каби ишчиларни жалб қилинганлидагига ўхшаган бўлади.

Дам олиш ҳуқуқи ишчига қуйидагича амалга оширилиши мумкин: *ҳар йилги меҳнат таътили* (асосий, узайтирилган ва қўшимча), *ижтимоий таътиллار* (хомиладорлик ва туғруқ бўйича, болани

парвариш қилиш бўйича, ўқиш муносабати билан, ижодий) ва *иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътиллار*.

Ҳар йили барча ходимларга иш жойи ва ўртача ойлиги сақланганлиги билан ўн беш иш кунидан кам бўлмаган давомийликда меҳнат таътили берилиши керак¹⁰. Биринчи иш йилида у, умумий кондаларга кўра, олти ой ўтгандан сўнг берилади. Бу муддатдан илгари ҳомиладор аёлларга меҳнат таътилини бевосита ҳомиладорлик ва туғруқ таътили олдидан ёки ундан сўнг ёхуд болани парваришлаш таътилидан кейин берилиши қонун томонидан белгиланган. I ва II гуруҳ ногиронларига, вояга етмаган ходимларга таътил ёзги ёки уларга қулай бўлган бошқа вақтда ишга кирганидан кейин олти ой ўтганлигидан қатъий назар тақдим этилади. Иш ва ўқишни қўшиб олиб бораётган шахсларга биринчи иш йилига таътил ўқув таътили вақтига мослаштириб берилиши мумкин. Олти ой ўтгунга қадар таътил, шунингдек, штатларнинг қисқариши ёки корхонанинг тугатилиши муносабати билан меҳнат шартноманинг бекор қилинган ходимларга ҳам тақдим этилади. Мактаб, лицей, коллеж, университет, институт, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш курслари ўқитувчилари ҳар йилги таътилни (жумладан, иш фаолиятининг биринчи йилида ҳам) ёзги каникул даврида оладилар.

Иш фаолиятининг кейинги йилларида таътил янги календар йилининг бошигача иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишилган ҳолда тасдиқланган графикда белгиланади. Бундай график тузилишида қонун чиқарувчи қуйидаги ходимларга уларга қулай вақтда таътил олишини ҳисобга олишни талаб қилади:

- ҳеч кими йўқ ота-оналар (бевалар, ажрашган ва ёлғиз оналар, 14 ёшгача битта ёки кўпроқ болалари, агар бола ногирон бўлса, унда 16 ёшгача бўлган тезкор хизматдаги ҳарбийларнинг рафиқалари);
- I ва II гуруҳ ногиронлари;
- Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар;
- вояга етмаганлар;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим муассасаларида таълим олаётган шахслар.

Ишлаётган эркалар Ўз.Р. МК 144-моддасига мувофиқ ўз хоҳишига кўра ҳар йилги меҳнат таътилини рафиқасининг ҳомиладорлик ва туғруқ таътили давомида олиши мумкин.

Асосий таътиллاردан ташқари иш берувчи ходимларнинг айрим категорияларига қўшимча таътиллار тақдим этиши шарт. Шулар жумласига қуйидагилар киради: алоҳида хусусиятларга эга меҳнат билан шуғулланувчи ходимлар, хусусан номақбул табиий-иқлим шароитларида

¹⁰ У зайтирилган асосий таътил 18 ёшга тўлмаган шахсларга ва I ва II гуруҳ ногиронларга (30 календар кун) берилади– Ўз.Р. МК 135-модда.

ишловчи ишчилар (бундай таътилларни бериш муддати ва тартиби маҳаллий меъёрий ҳужжатларда белгиланади) ҳамда 12 ёшгача (агар бола ногирон бўлса, 16 ёшгача) бўлган икки ёки кўпроқ болалари бўлган аёллар камида 3 кун муддат давомида бу таътилни асосий таътилга қўшиб олади.

Бундан ташқари, кўрсатилган ёшдаги болалари бўлган аёлларга ҳар йили камида 14 календар кун давомийлигидаги *иш ҳақи сақланмаган ҳолда қўшимча таътил* олиш ҳуқуқи бор. У асосий таътилга қўшиб, шунингдек, ундан алоҳида бутунлай ёки иш берувчи билан келишилган даврда қисмларга бўлинган тарзда олиниши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қўшимча таътил ва аёлларга оналик муносабати билан боғлиқ бошқа имтиёзлардан (масалан, меҳнатнинг имтиёзли режими, тунги ва қўшимча ишларни камайтириш ва ҳоказо) шу билан бирга онасиз фарзандларига тарбия бераётган оталар ҳам куйидаги ҳолларда олиш ҳуқуқига эга: а) унинг ўлими; б) қонунда белгиланган тартибда аёлнинг оналик ҳуқуқидан маҳрум бўлиши; в) никоҳнинг бекор қилинганда болалар отаси билан қолиши; г) онанинг ўзоқ вақт давомида тиббий муассасасида бўлиши ва бошқа ҳолларда (Ўз.Р. МК 238-моддаси).

Таътилнинг давомийлиги (асосий + қўшимча) 48 ишчи кунидан ошмаслиги керак. Қоида бўйича у тегишли иш йили тугагунга қадар бутунлай тақдим этилади. Амалиётда бу кўпинча, масалан ишлаб чиқариш характери сабабли рўёбга чиқмайди. Бундай ҳолатларда қонун чиқарувчи таътилни бошқа вақтга ўтказиш ва ходимнинг ёзма равишдаги аризаси мавжудлигида таътилни қисмларга бўлиб бериш имкониятини назарда тутган. Ўз.Р. Меҳнат кодексининг 146-моддасига мувофиқ, таътилнинг тақдим этилаётган қисми камида 12 кун булиши мумкин. Таътилнинг фойдаланилмаган қисми шу йилнинг ўзида бошқа пайтда ёки кейинги йилнинг таътилига қўшиб берилиши керак.

Таътиллارнинг ўзига хос турларига *ижтимоий таътиллар* (Ўз.Р. МК 149-моддаси), хусусан, ҳомиладорлик ва туғруқ таътили киради. Мазкур таътилнинг давомийлиги туғруққача 70 календар куни ва туғруқдан кейин 56 (қийин туғиш ёки икки ва ундан кўп бола туғилганда – 70) календар кунидан иборат. 1990 йилдан бошлаб бу таътил умумлаштирилиб, туғруққача аёл томонидан фойдаланилган кунларнинг сонидан қатъи назар унга тўлиқ тақдим этилади. Бу таътилнинг вақти меҳнат стажига ҳисобланади, шу жумладан, ҳар йилги асосий ва қўшимча таътилни олишга ҳуқуқ берувчи стаж ҳам киради. Бу вақт мобайнида аёлнинг иш жойи ва лавозими сақланиб қолади.

Ҳомиладорлик ва туғруқ бўйича таътил тугаганидан сўнг аёлнинг хоҳишига кўра иш берувчи унга қисман ҳақ тўланувчи бола парвариши учун у икки ёшга тўлгунга қадар таътил бериши шарт. Ҳақ тўлаш ҳар ойлик нафақа пули орқали қонунчилик томонидан энг кам иш ҳақига фоиз жиҳатдан тасдиқланган миқдорда белгиланади ва унинг ошиши билан

кўтарилади. Мазкур таътил тўлиқ ёки қисман нафақат боланинг онасига, балки отаси, бувиси, буваси ёки болани парваришни амалга оширувчи бошқа қариндош учун ҳам тақдим этилиши мумкин. Қонуннинг бу қондаси ёш шижоятли оналарга жамоатчилик ҳаётидан узоқ муддатга кетмасдан, ўзи яхши кўрган иши билан шуғулланиш имкониятини беради. Шу билан бирга қонуний қисман ҳақ тўланадиган таътилни олувчи оиланинг бошқа аъзоси қарамоғига боласини қолдириши мумкин. Кўп ҳолларда иш берувчи ишчидан аризасини олғач нега она таътил олмаётганлигига асос келтиришни (масалан, унинг касаллиги ҳақидаги маълумотномани тақдим этишни) сўрайди. Таҳлил қилинаётган модданинг мазмунига кўра иш берувчининг бундай талаби қонуний эмас. Агар таътил айнан асос йўқлиги боис берилмаган бўлса, бундай қарор устидан жумладан судга шикоят қилиш мумкин.

Аёлнинг ёзма аризасига кўра, қисман ҳақ тўланадиган таътилни тугашидан сўнг иш берувчи унга болани парвариш қилиш бўйича иш ҳақини сақлаб қолмаган равишда фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар кўшимча таътил бериши шарт (таътил шунингдек, бола парвариши билан шуғулланаётган юқорида айтиб ўтилган оиланинг бошқа аъзоларига ҳам берилиши мумкин). Бу таътил тўлиқлигича ҳамда қисмларга бўлинган ҳолда берилиши мумкин. Аёл хоҳлаган вақтида ишга чиқиши мумкин, бунга иш берувчи қаршилиқ кўрсата олмайди. Зарурат бўлганда таътилни фойдаланилмаган қисмини бола уч ёшга тўлгунга қадар хоҳлаган вақтида олиши мумкин.

Агар иш ҳақи сақланмайдиган таътил вақтида аёлда бошқа таътил (масалан, ўқув таътили) олишга ҳуқуқи пайдо бўлса, унда у ишга чиқмаган равишда фақат ариза ёзиб, биринчи таътилни тўхтатиб, иккинчисини олиши мумкин.

Қисман ҳақ тўланадиган таътил ва болани парваришlash бўйича маош сақланмаган таътилни бериш тўғрисидаги қайд Меҳнат дафтарчасига ёзилмайди. Мазкур таътиллarda бўлиш вақти умумий стаж ва мутахассислик бўйича стажга кўшилади. У фақат ҳар йили ҳақ тўланадиган таътилни олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига киритилмайди. Шунинг учун болани парвариш қилиш бўйича таътил тугаганидан сўнг меҳнат таътилига чиқиш учун аёл ишга чиқиб, олти ой ишлаб бериши керак (агар бу муддатни қисқартиришга асос бўлмаса).

Амалиётда бола парвариши бўйича таътилда бўлган аёлларнинг ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Шу муносабат билан Меҳнат кодексининг маҳсус 234-моддасида болани парваришlash таътиллари даврида фарзанди 3 ёшга тўлгунга қадар аёлнинг иш жойи (лавозими) сақланиши белгилаб кўйилган. Демак, таътил тугаши билан иш берувчи аёлга илгариги лавозими бўйича иш бериши шарт. Охириги йилларда тобора кўпроқ болани парвариш таътилидан ишга чиққанда иш жойи ва лавозими берилмаган аёллар судларга мурожаат этмоқдалар.

Чунончи, К. исмли аёл, болани парвариш қилиш таътилига чиқишдан аввал «S» компаниясида матбуот котибаси бўлиб ишлаган. Биринчи болани парвариш қилиш таътили давомида у аёл иккинчи болага ҳомиладор бўлиб қолиб иш берувчига иккинчи болани парвариш қилиш таътилини олиш мақсадида ариза тақдим этди. Иш берувчи қўлига лавозими қисқартирилганлиги ҳақида буйруқни тутқазди, чунки компания матбуот котибига эҳтиёж сезмаган. К.нинг маълумоти ва мутахассислигига тўғри келадиган бошқа лавозим йўқлиги туфайли меҳнат шартномасини тугатиш ҳақидаги компания юристи имзо чеккан буйруқ чиқарилди. К. судга мурожаат этишга мажбур бўлди.

Суднинг қарорида ходим таътилда бўлган пайтда у билан меҳнат шартномаси тугатилиши мумкин эмас, деб кўрсатди. Аммо агар ишлаб чиқариш технологиялари ўзгаргани, корхонанинг ихтисослашуви ва бошқа узрли сабабларга кўра бундай ходимнинг лавозими қисқартирилса, иш берувчи аёлга шунга ўхшаш иш, лавозим тақдим этиши шарт, яъни уни ишга жойлаши керак. Суд қарорини бажариб иш берувчи К.га у таътилдан қайтганидан сўнг бошқа лавозим тақдим этди.

Аёл болани парваришлаш бўйича таътилда бўлган вақтида агар корхонанинг фаолияти тугатилса, унда худди шундай иш корхонанинг ҳуқуқий вориси томонидан тақдим этилиши лозим. Ҳуқуқий ворис бўлмаган тақдирда меҳнат бўйича тегишли идора бундай аёлга иш танлашда ёрдам беради ва қонунчиликда белгиланган ижтимоий нафақани тўлайди.

Кўриб турганимиздек, меҳнат қонунчилигида бевосита оналик ва болаликни муҳофаза этишга қаратилган кўплаб меъёрлар мавжуд. Бир томондан, бу ижобий ҳол. Лекин, бошқа томондан, бундай ҳимояловчи қонунчилик натижада номақбул таъсир кўрсатиши ва меҳнат бозорида яширин камситиш ва тенгсизликка олиб келиши мумкин. Қайд этилганидек, бозор иқтисодиёти шароитида хусусий корхоналар мулкдорлари одатда аёлларни ишга қабул қилишни унчалик хоҳламайдилар, чунки уларга кўплаб имтиёзлар, қўшимча дам олиш кунлари, таътиллار беришлари керак. Бундан ташқари, декрет таътили ва 2 ёшгача болани парвариш қилиш бўйича таътил иш берувчи томонидан унинг фойдаси ҳисобидан тўланиши лозим. Бундай қонунчилик аёлни ишчи кучи сифатида ноҳуш ҳолатга солиб қўяди. Натижада улар меҳнат бозорида камситилган аҳволда қоладилар¹¹.

Демак, қонунчиликда меҳнат фаолиятида кўплаб имтиёзларни ва қўшимча кафолатларни аёлларга тақдим этиш кераклигига қарамай, ўз штатида аёлларнинг бўлиши иш берувчини рағбатлантирадиган, ишлайдиган аёлларга нисбатан нотўғри ёндашувни бартараф этадиган шундай шароитларни ишлаб чиқиш ва белгилаш зарур.

¹¹ Абдуразакова Д. Кўрсатилган асар, 3-4-б.лар.

Меҳнат шартномасини тузиш жараёнида *меҳнатга ҳақ тўлаш* унинг асосий шартларидан бири ҳисобланади, унинг миқдорини тарафлар ўзаро келишиб оладилар. Ўз.Р. МКнинг 58-моддасида қайд этилганидек, давлат ҳар бир ходимга меҳнатга ҳақ олиш борасида имкониятларнинг тенглиги таъминланишини қафолатлайди, бу эса тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўланиши керак, деганидир. Меҳнат кодексининг 153-моддасига мувофиқ, ҳар бир ходимга бериладиган меҳнат ҳақи фақат унинг шахсий меҳнати улушига боғлиқ бўлиши керак ва унинг энг кўп миқдори бирон-бир тарзда чекланмайди.

Назарий жиҳатдан аёл эркакга нисбатан кам даромад олиши керак эмас, чунки унинг меҳнат улуши эркакникидан кам эмас, баъзан эса хатто кўпроқ ҳамдир. Аммо ҳозирги вақтда аёлнинг ижтимоий улушига (болаларга қараш, уй юмушларини бажариш) ҳеч қандай ҳақ тўланмайди. Аёл бу ўринда камситилган бўлади.

Бундай ҳолатни ўзгартириш учун асрлар давомида жамиятда шаклланиб келган аёлга фақат уй бекаси, эркакга эса – оила боқувчиси нуқтаи назаридан муносабатда бўлишни ўзгартириш керак. Уй-рўзгор ишларини қилишни истаган ва ёқтирган кўплаб эркаклар, бундай фаолият билан уларни атрофдагилар, шу жумладан аёллар ҳам “ногўғри тушуниши” мумкинлиги учун шуғуланмайдилар. Ёшлигиданоқ болаларга уй иши – энгил меҳнат эмас, уни ўғил болалар ҳам, қиз болалар ҳам бажариши керак, деган фикрни сингдириш лозим. Бунда келажакда уй юмушларининг ҳеч бўлмаганда бир қисмини эркакларга юклатиш мумкин бўлади. Стереотипларни ўзгартириш кўп жиҳатлар аёлларнинг ўзига боғлиқ.

Эркаклар билан ҳақиқий тенг ҳуқуқликка эга бўлиш учун аёл иқтисодий мустақилликка эришиши керак. Жамоат меҳнати туфайли ёки ўзи учун иш жойини яратган ҳолда у шахсий доимий даромадларга эга бўлиши мумкин. Лекин бу борада ҳам яширин камситиш мавжуд. Аёллар аксарият ҳолларда кам ҳақ тўланадиган ходимлар қаторига қирадилар, чунки улар таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий фаолият, маданият каби соҳаларда аксарият қисмини ташкил этадилар, бу соҳаларда иш ҳақи бандликнинг бошқа соҳаларига нисбатан пастдир. Бундан ташқари, аёлларга меҳнат фаолиятининг бошиданоқ мавқеи пастроқ ва нисбатан кам ҳақ тўланадиган иш ўринлари таклиф этилади¹². Шунинг учун аёлларнинг даромади эркакларнинг даромадига қараганда анча паст бўлади (аёллар иш ҳақи эркаклар иш ҳақининг тахминан учдан икки қисмини ташкил этади). Меҳнатга тенг ҳақ тўланишини таъминлаш масаласини фақат аёлларнинг ўзи ҳал эта олмайди. Лекин, шу билан бирга аёллар юқорироқ ҳақ тўланадиган «эркакларнинг иши» дейиладиган ишлар томон анча силжиш қилишлари лозим.

¹² Абдуразакова Д. Кўрсатилган асар 4-б.

Меҳнатга ҳақ тўлашга боғлиқ меҳнат қонунчилигидаги меъёрларнинг аксарияти кафолатловчи тусга эга. Жумладан, ходимнинг жинсидан қатъи назар, қонун томонидан қуйидагилар белгиланади:

- белгилаб қўйилган меҳнат нормасини ва ўзининг меҳнат мажбуриятларини тўлиқ бажарган ходимнинг энг кам иш ҳақи, унинг меҳнатига бундан кам ҳақ тўланиши мумкин эмас (МК 155-моддаси);
- иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни тўлаши шарт (МК 154-моддаси);
- меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари амалдаги меҳнат шартномасига кўра – ҳар ярим ойда 1 мартадан кам бўлмаслиги керак, агар ходимларнинг айрим тоифаси учун Республика Ҳукумати томонидан иш ҳақи тўлашнинг бошқа муддатлари белгилаб қўйилган бўлмаса (МК 161-моддаси); ва меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш ҳақини тўлаш муддатлари (МК 110-модда);
- иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари, байрам кунларидаги, тунги ишлар учун камида икки ҳиссадан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаш (157, 158-моддалари) ва бир неча касбда ёки лавозимда, шунингдек ўриндошлик асосида ишлаганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш (160-модда);
- ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг 50 фоизидан ошадиган иш ҳақидан ушлаб қолишларга йўл қўймаслик (164-модда);
- Ўз.Р МК 109-моддасида белгиланган асосларга кўра меҳнат шартномасининг бекор қилинишида ишдан бўшаш нафақасининг тўланиши ва унинг энг кам миқдори;
- Компенсация тўловлари, яъни ходим давлат ёки жамоат ишларини бажараётганлиги учун ҳақ ва ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ харажатларини қоплаш (Ўз.Р МК X боб) ва хоказо.

Шундай қилиб, давлат томонидан белгиланганидек, иш берувчи зиммасига ходимларга, шу жумладан аёлларга берилган уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш кафолатларини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Ҳақ тўлаш шакллари ва тизимлари, қўшимча ҳақни белгилаш, мукофотларни тўлаш тартиби ва шартлари, қўшимча ҳақлар ва рағбатлантирувчи тўловлар маҳаллий меъёрий ҳужжатларда ёки аниқ ходим билан тузилган шахсий меҳнат шартномасида белгиланади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида ягона тариф сеткаси жорий этилган ва у амал қилмоқда. Унинг ёрдамида ишнинг хили ва турлари бўйича тоифалаш амалга оширилади (энг қуйидагиси - оддий ишлардан бошлаб, энг юқоридагисигача – мураккаб ишлар), улар бўйича ставкалар тариф коэффициентига кўра фарқланади. Коэффициент кўриб чиқилаётган разряднинг тариф ставкаси ноль разряддаги тариф ставкасига

қараганда қанча юқорилигини кўрсатади. Конкрет ходимга разрядни белгилаш ишчи билан келишилган ҳолда ва Меҳнат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг тавсияларига кўра амалга оширилади.

Иш берувчи ходимга меҳнати учун ҳақ тўлаш юзасидан ўз мажбуриятларини бажармаса, унга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарликка тортиш чоралари кўрилади. Масалан, Ўз.Р. Фуқаролик кодексининг 327-моддасига кўра, иш ҳақини ўз вақтида тўланмаслиги шартнома мажбуриятларини бажармаганлик деб ходим судга даъво аризаси бериши мумкин. Мазкур моддага мувофиқ, ўзгаларнинг пул маблағларидан фойдаланганлиги учун (қонун бўйича ишчига тегишли маблағлар) уларнинг ноқонуний ушлаб қолиниши оқибатида, уларни қайтаришдан бош тортиш, уларни тўлашни бошқа сабабларга кўра чўздирish ҳолатида мазкур маблағлар суммасига фоиз тўланади (натура билан мажбуриятни бажаришдан ташқари, бу ҳолатда – иш ҳақини тўлаш. Лекин ҳозирча суд амалиётида бундай даъво аризалари ниҳоятда кам. Мана бир мисол. Тошкент шаҳрининг фуқаролик ишлари бўйича туман судига заводларнинг бирида ишловчи икки нафар аёлдан ариза тушган. Уларга 6 ой давомида иш ҳақи тўланмаган. Улар даъво аризаларида ишда бекор туриб қолишлар бўлмаганлигини, ишлаб чиқариш топшириқлари ўз муддатида ва сифатли бажарилганлигини таъкидлашган. Бироқ завод раҳбарияти улар шартнома тузган контрагентлар олинган товар учун пул ўтказишмаётганини рўқач қилган.

Судда завод маъмурияти иш ҳақини доимий равишда, узилишларсиз олганлиги ўз исботини топди. Даъвогарлар саросимага тушиб қолган эдилар, чунки сотиш мумкин бўлган ҳамма нарсаларини болаларини боқиш учун сотиб бўлган эдилар. Суднинг қарорига кўра, ана шу икки ходимага иш ҳақи бўйича барча қарзлар ва ана шу суммага фоизлар тўланди. Иш берувчи билан судлашишни истамаган қолган барча ходимлар яна бир неча ойлаб иш ҳақларини олишолмади, кейин эса заводнинг ходимлар олдидаги қарзи қисмларга бўлиб, фоизсиз тўланди, яъни уларга қонун орқали бериб қўйилган ҳуқуқ ҳимоясиз қолиб кетди.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, етарли даражада кенг ваколатларга эга бўлган, бутун меҳнат жамоасининг ва унинг ҳар бир аъзосининг манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган ходимларнинг ваколатли органи (хусусан касаба уюшмалари) пассивлигича қолаётгани таассуф уйғотади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, эрақлар ва аёлларнинг меҳнат соҳасидаги тенг ҳуқуқлари қонун билан мустаҳкамланади. Лекин жинсидан қатъи назар, ҳар бир ходим ана шу ҳуқуқини амалга ошира олиши учун қонунларни билиши, берилган ҳуқуқлар бузилганида эса (бу ким томонидан чиққан бўлишига қарамай) уларни ҳимоя қила билиши ва шуни исташи керак.

ОИЛАВИЙ ВА МУЛКІЙ МУНОСАБАТЛАРДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚІЙ АСОСЛАРИ

Ирина Черкашина

Оила – бу қон-қариндошлик ришталари билан ўзаро боғлиқ инсонларнинг кичик бир ижтимоий гуруҳидир. У жамиятнинг асоси ҳисобланади. Оиланинг бош вазифалари – бу аҳолини қўпайтириш ва фарзандларни тарбиялашдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига қўра, давлат оиланинг манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг жамиятдаги ролини ошириш вазифасини ўз зиммасига олади ва бунинг учун зарур ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларни яратиб беради.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ўзаро муҳаббат, ҳурмат, ишонч, бир-бирига қўмаклашиш ва ўзаро қўллаб-қувватлаш асосида қурилади ва булар асосан ахлоқий меъёрлар билан тартибга солиб турилади. Шу сабабли оилавий муносабатларда хулқ-атвор қоидалари сифатида одоб-ахлоқ, урф-одатлар ва анъаналарнинг меъёрлари амал қилади, агар улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг умумий тамойилларига зид бўлмаса.

Қўп асрлар илгари шаклланган урф-одатлар ва анъаналар авваламбор оилада яхши сақланиб келади. Лекин уларнинг барчаси ҳам ижобий саъй-ҳаракатларни акс эттирмайди. Ачинарлиси шундаки, ҳозиргача ҳам ўзбек оилаларида аёллар ҳуқуқларини камситувчи ва жамиятда яширин камситишни қўллаб-қувватловчи шариат оилавий меъёрларига асосланган консерватив характерга эгадир. Жумладан, гап қўп хотинлик, ота-оналар томонидан куёв ва келинни танлаб бериш, оила тузишда урф-одат бўлган диний “никоҳ” ўқитиш ҳақида бормоқда. Шу сабабли оилавий муносабатларда бугун ҳам аёллар ҳуқуқларига риоя этишда *de jure* ва *de facto* ўртасида узилиш мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги” конвенцияга қўшилган ва ўз зиммасига эркаклар ва аёллар хулқ-атворининг ижтимоий ва маданий моделини ўзгартириш, бир жинснинг бошқа жинсга нисбатан ожизлиги ғоясига асосланган ақида ва урф-одатларни бартараф этиш учун барча чораларни қўриш вазифасини олган. Мазкур Конвенция ва бошқа халқаро ҳужжатларга мувофиқ давлат хотин-қизлар ҳуқуқлари ва кадр-қимматига мос бўлмаган тажриба ва урф-одатларни аниқлаши ва бартараф этиши керак. Бу жараёнда ҳуқуқ меъёрларига муҳим ўрин бериледи, уларнинг бажарилмаслиги эса давлат томонидан мажбурлаш чораларини қўллашга олиб келади. Шундай қилиб, оилавий муносабатлар нафақат маънавий меъёрлар асосида шаклланади, балки қонун томонидан ҳам мувофиқлаштирилади.

Республикамизда оилавий ҳуқуқнинг асосий манбаи бу Оила кодексида. У 1998 йил 30 апрелда Олий Мажлисининг сессиясида қабул қилинган ва 1 сентябрдан бошлаб кучга кирган¹. Юқорида айтиб ўтилган Конвенцияга кўра Ўз.Р. Оила кодексига оилавий муносабатларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини белгиловчи махсус модда киритилган. У қуйидагича: “Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуққа эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, этники, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралаштиришга йўл қўйилмайди” (Ўз.Р. ОК 3-моддаси). Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат қонунга асосан ва фақат оиладаги бошқа аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида зарур меъёрадагина чекланиши мумкин.

Шундай қилиб, оила борасидаги қонунчиликнинг асосий тамойиллари сифатида эркаклар ва аёлларнинг оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги (Ўз.Р. ОК 2-моддаси) ва фуқаролар тенг ҳуқуқлилиги ҳисобланади. Шунингдек, алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, оилани муҳофаза қилиш тўғрисида (анъанага кўра, бу оналик ва болаликни муҳофаза қилиш билан тенг эди) гап борганда қонунда илк бор оталик ҳам қайд этилган. Мазкур меъёр қонуний равишда оилада нафақат эр ва хотин ўртасида тенг ҳуқуқлилиқ, балки болаларга нисбатан ота ва онанинг тенг бурчларини белгиланган. Оналик ва оталик мамлакатимизда шарафли бўлиши билан бирга, шунингдек, давлат ҳимоясидадир.

Юқорида қайд этилганидек, оилавий муносабатларнинг ҳаммаси ҳам ҳуқуқий меъёрлар билан мувофиқлаштирилмайди. Давлат оила ва унинг аъзоларининг ҳуқуқий мавқеини белгиловчи, шунингдек, ҳеч кимнинг ҳуқуқларини бузмаган ҳолда оиланинг нормал турмуш кечириши учун имкон берувчи мазкур мавқайдан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мулкӣ ва шахсий характердаги шундай масалаларни мувофиқлаштиришни ўз зиммасига олади.

Оилавий қонунчиликда оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устунлиги тамойиллари асосида

¹ ЎзР Олий Мажлиси Хабарномаси, 1998, 5-6-сонга илова.

амалга оширилади. Шунга мувофиқ, қонун томонидан қуйидагилар тартибга солинади:

- никоҳдан ўтишнинг шартлари ва тартиби;
- уни тўхтатиш ва ҳақиқий эмас деб эътироф этилишининг асослари;
- эр-хотин, ота-оналар ва болалар (шу жумладан, фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинганлар), айрим ҳолларда эса бошқа қариндош-уруғлар ўртасидаги шахсий мулкый ва номулкий муносабатлар;
- фуқаролик ҳолатини рўйхатга олиш тартиби;
- ота-онанинг қарамоғисиз қолган болаларни оилага жойлаштиришнинг тартиб ва шакллари.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига кўра унинг фуқаролари оилавий муносабатлардан келиб чиқувчи ҳуқуқларидан мустақил ва тўсқинликсиз фойдаланадилар. Шу билан бирга оилавий муносабатларнинг шундай соҳалари мавжудки, давлат билвосита бўлса ҳам унга аралashi мумкин, чунки бу унинг манфаатларига ҳам хизмат қилади. Масалан, булар қаторига туғиш ва оилани режалаштириш масалалари киради. Демографик ва аёлларнинг ҳуқуқ ва саломатлигини ҳимоялашга қаратилган икки Халқаро ҳаракат ер юзидаги, айниқса, жанубий минтақалардаги аҳолининг жадал ўсиши муносабати билан ҳавотирга тушган ва давлатлардан туғилишни чеклантиришга қаратилган самарали чораларни кўришни ҳамда оилани режалаштириш дастурларини ишлаб чиқишни талаб қилган. Шундай қилиб, туғилишни мувофиқлаштиришга алоҳида урғу берилган репродуктив ҳуқуқларнинг биринчи қоидалари вужудга келган. Хотин-қизлар аҳоли бўйича халқаро конференция (Найроби, 1985 й.) репродуктив ҳуқуқни аёлларнинг жамиятда тенг ҳуқуқли бўлишининг муҳим шарти эканлигини эълон қилди.

Репродуктив ҳуқуқлар инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистоннинг миллий қонунчилиги томонидан эътироф этилган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар барча эр-хотин жуфтликлари ва алоҳида шахсларнинг болалар сони, уларнинг туғилиш вақти ва уларнинг туғилиши ўртасидаги оралик вақтни белгилаш борасида мустақил маъсулиятли қарор қабул қилиш уларнинг асосий ҳуқуқи эканлигини таъкидланган. Шундай қилиб, репродуктив ҳуқуқни аёл ва эркакларнинг ўз ҳаётининг репродуктив жиҳатларини мустақил тасарруф этиш, зурриёт кўриш-кўрмаслик, қачон ва неча бола туғиш масалаларини ҳал қилиш юридик таъминланган имконияти деб таърифлаш мумкин. Бунинг учун уларга зарур маълумотлар ва маблағларни тасарруф этиш ҳуқуқи, шунингдек, жинсий ва репродуктив саломатликнинг энг юқори даражасига эришиш борасидаги ҳуқуқ тақдим этилиши лозим. Бу

ҳуқуқларни амалга ошириш аёлларнинг репродуктив саломатлигини ва пировард натижада болалар соғлигининг гаровидир.

“Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги” конвенциянинг 10h-моддасига кўра, иштирокчи давлатлар “оилалар соғлиги ва фаровонлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида таълим соҳасига бағишланган махсус ахборотларга, шу жумладан оиланинг катта-кичиклигини режалаштириш тўғрисидаги ахборот ва йўл-йўриқ маълумотларига эга бўлиш”² ҳуқуқини таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конвенция иштирокчиси сифатида аёлларнинг “оилада болалар сони, уларнинг туғилиши ўртасидаги ёши масаласини эркин ва масъулиятли ечишда ва бу ҳуқуқларни амалга оширишни таъминлаб берадиган воситаларга, маълумотларга ва таълим олишга бир хилда ёндашиш ҳуқуқига эга бўлиш” (16e-модда) ҳуқуқини кафолатловчи қонун ҳужжатларни ишлаб чиқиши шарт.

Лекин Ўз.Р. Оила кодексига аёлларнинг репродуктив ҳуқуқига бағишланган махсус кўрсатмалар йўқ ва натижада унда ҳеч кимга мазкур ҳуқуқларни таъминлаш бўйича мажбуриятларни бажариш юкланмаган. Бундай ҳолат умуман оилага (кўп болали оилада аксарият ҳолларда озиқ-овқатнинг, дори-дармонларнинг ва кийим-кечакнинг етишмаслиги) ва аёл саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, яъни, кетма-кет аборт ва туғруқлар, туғиш ўртасидаги қисқа вақт унинг жисмоний ва руҳий кучсизланишига олиб келади, бу эса унинг фарзандларининг соғлигида ҳам ўз аксини топади. Аммо репродуктив ҳуқуқнинг мавжудлиги ва уни ҳимоялаш тўғрисида оилавий ҳуқуқнинг умумий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда гапириш мумкин. Оила кодексининг 2-моддасига кўра, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши белгиланган. Бу тўлақонли равишда оилани режалаштириш масалаларига ҳам тегишлидир.

Афсуски, амалиётда, айрим ўзбек оилаларида қанча фарзанд кўриш, ўғил ёки қиз бола туғиш масалаларини эр ёки унинг ота-оналари ҳал қилади. Шундай қилиб, қонун бўйича репродуктив ҳуқуқларга эга бўлиш билан бирга амалда бундай оилаларда аёл бу ҳуқуқ билан фойдаланмайди ҳамда камситилади.

Бундай ҳолатни бартараф этиш учун, авваламбор, қонунчиликда алоҳида репродуктив ҳуқуқларни ва уларни бузганлик учун жавобгарликни белгилаш зарур. Бу ҳуқуқларни бузганлик учун жавобгарликнинг йўқлиги ушбу ҳуқуқларни баёнот ва ҳаёлийлигича қолдиради.

Иккинчидан, турмуш қураётган ва никоҳда бўлган ёш аёллар ўртасида уларнинг давлат томонидан ҳимояланувчи репродуктив

² CEDAW Конвенцияга

ҳуқуқлари мавжудлигини кенг тарғиб қилиш ва тушунтириш лозим (яъни мазкур ҳуқуқларнинг бузилиши ҳолатларида улар мутасадди давлат идораларига, шу жумладан, судга ҳам мурожаат қилишлари мумкин). Учинчидан, давлат аёлнинг шахсий ҳаётига, унинг оиласи ҳаётига яқин қариндошларининг ҳам аралашшига хизмат қилувчи урф-одатларга риоя этишга йўл қўйиши керак эмас.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳуқуқий мувофиқлаштириш соҳасига шунингдек никоҳни тузиш шартлари ва тартиби ҳам киради. Никоҳ тузишнинг шартларига унга ихтиёрий равишда кириш, яъни никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак (ОК 14-моддаси) ва қонунда белгиланган *никоҳ ёшига* этиш шартидир (ОК 15-моддаси).

Никоҳ тузиш оила қуришни назарда тутади. Оила мустаҳкам ва соғлом бўлиши учун у меҳр-муҳаббат ва ҳурмат туйғуларига асосланиши лозим. Никоҳ тузиш – бу ҳар бир инсоннинг ҳаётидаги энг муҳим қадам. Эр-хотин олдида янги мажбуриятлар, бир-бирлари ва бўлажак фарзандлари олдида масъулият пайдо бўлади. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Айнан шу одам билан оила қуришнинг ҳақиқийлигини ФХДҚ органлари ходимлари томонидан никоҳ тузиш ҳақидаги аризани қабул қилиш ва никоҳни рўйхатдан ўтказиш вақтида аниқланади.

Никоҳ тузиш ниятида бўлганлар ўз қўллари билан белгиланган намунадаги аризани тўлдирадидилар ва камида бир ой илгари куёв ёки келиннинг яшаш жойи бўйича ФХДҚ идорасига топширадидилар. Аризадаги саволларга жавоблар (улар бўлажак эр-хотиннинг хоҳишлари ихтиёрий эканлиги ва улар ўртасида никоҳ тузилишига тўсиқ йўқлигида иқрор бўлишга кўмаклашади) аниқ ва тўлиқ бўлиши ва тушунарли хат билан ёзилиши керак. Аризани қабул қилиш чоғида ФХДҚ ходими ариза бераётганларга никоҳ тузиш тартиби ва шартларини, бўлажак эр-хотин ва ота-оналарда юзага келаётган ҳуқуқ ва мажбуриятларни тушунтириб бериши шарт, никоҳга кираётганларнинг бир-бирларининг соғлиғи ва оилавий ҳолати тўғрисида хабардорлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиши, никоҳ тузишга тўсқинлик қилувчи вазиятларнинг яширилиши оқибатларини бартараф этиши лозим. Никоҳни рўйхатга олиш фақат никоҳдан ўтаётганлар ҳозирлигида қайд этилади, яъни ишонч хати ёки рўйхатга олиш вакили иштирокида мумкин эмас. Никоҳ тузаётганларнинг хоҳишига кўра рўйхатга олиш тантанали ва қариндош-уруғлар ва яқинлар ҳузурда қайд қилиниши мумкин. Агар никоҳдан ўтишга тўсиқлик қилаётган ҳолатлар аниқланса, шу жумладан, никоҳдан ўтаётганларнинг бирортасига нисбатан мажбурлаш бўлса, унда никоҳ расмийлаштирилмайди.

Бугунги кунда ҳам ота-оналар фарзандларига турмуш ўртоғини ўзи танлаб бериш одатлари мавжуд. Чунки ота-оналарда ҳаётий тажриба

кўпроклиги, улар болаларига яхшиликни раво кўриши ва фарзандларининг оила қандай инсон билан мустаҳкам ва бахтли бўлиши тўғрисида билишлари билан изоҳланади. Таъкидлашимиз жоизки, агар танланган, ота-оналарнинг фикрича муносиб, зўрлаш билан, қиз (ёки йигит) хоҳишига зид ҳолда тиқиштирилмаётган бўлса, унда, бундай номзодни танлаш ҳуқуқий меъёрларга зид бўлмайди.

Аёлни унинг хоҳишига қарши никоҳ тузишга зўрлаш эса ёки никоҳдан ўтишга унга тўсқинлик ким томонидан кўрсатилишидан қатъи назар (шу жумладан, ота-оналардан ҳам), Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 136-моддасига кўра жиноят деб ҳисобланади. Мазкур модда ҳозирги пайтда аслида амалда қўлланилмайди ва кўпроқ “ҳар эҳтимолга қарши” модда вазифасини ўтайди. Қиз мажбурлаб турмушга беришгани учун ота-онасини жинойий жавобгарликка тортишадиган аризани ёзишни тасаввур қилиш жуда қийин.

Фикримизча, Ўз.Р. Оила кодексининг 53-моддаси кўпроқ таъсирга эга. Бу моддага кўра мажбурланган никоҳ жабрланувчи ёки прокурор аризасига кўра суд томонидан бекор, яъни мавжуд бўлмаган ва ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларни юзага келтирмаган деб топилиши мумкин. Аммо бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, никоҳнинг бекор деб топилиши бундай никоҳда ёки никоҳ бекор деб топилишидан сўнг уч юз кун ичида туғилган болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилмайди (Ўз.Р. ОК 56-моддаси).

Ҳақиқатан кўнгиллилик асосида қурилмаган, никоҳланувчилар бир бирини севмаган никоҳ (гарчи бу ҳодиса ўзаро келишув ва муҳаббат асосида қурилган оилаларда ҳам кузатилса-да) кўп ҳолларда уйдаги зўравонлик билан боғлиқ бўлади. БМТнинг хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш декларациясига мувофиқ “жисмоний, жинсий ёки руҳий зарар етказадиган ёки етказиши мумкин бўлган жинс белгиси асосида содир этилган ҳар қандай ҳаракат, жумладан бундай ҳаракатларни содир этиш таҳдиди, мажбурлаш ёки хоҳ ижтимоий, хоҳ шахсий ҳаётда ихтиёрий равишда озодликдан маҳрум қилиш” уйдаги зўравонлик деб ҳисобланади. Демак, бу тушунча нафақат эрлар хотинларини уришини, яъни тан жароҳатлар етказишни, балки сўз билан таҳқирлаш, уйдан чиқишни, маълумот олишни, танлаган мутахассислиги бўйича ишлашни, бошқа одамлар билан мулоқот қилишни ман этиш ва ҳоказоларни қамраб олади.

Ҳозирги пайтда амалдаги конун ҳужжатларида эр-хотиннинг оилада, жумладан яшаш жойини, машғулот тури ва касб-корини танлаш жиҳатидан тенг ҳуқуқли эканлигини белгилаган ҳолда ушбу ҳуқуқларни муҳофаза қилувчи нормаларни, уларни бузганлик учун жавобгарликни белгиламайди.

Республика Жиноят Кодексига 5-“Оила, ёшлар ва ахлоққа қарши жиноятлар” бобига оилага қарши жиноят деб фақат вояга етмаганлар, меҳнатга қобилиятсизлар ва ота-онани боқишдан бош тортишни жиноят

деб белгилайдиган моддалар бор. Аммо айтиш шартки, ундан илгариги ҳаёт, соғлиқ, жинсий эркинликка қарши жиноятлар ҳақида айтилган тўрт бобда уйда зўравонлик содир этган шахсга қўлланиши мумкин бўлган моддалар бор.

Келажақда, қонун ҳужжатларини ривожлантира бориб ва халқаро стандартлар тавсияларини инобатга олиб аёллар – уйдагилар ёки зиён етказувчи билан яқин алоқадагиларга нисбатан ҳуқуқбузарликни олдини олиш ва уларга нисбатан зўравонлик содир этаётган шахсларни жазолаш учун жиноят қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўлланишини таъминлаш керак бўлади.

Республиканинг жиноят ва фуқаролик қонун ҳужжатлари нафақат оиладаги зўравонлик учун жазолаш ва унинг олдини олишга, балки айтиш шартки зўравонликдан жабрланувчиларнинг ҳимоясини кафолатлашга қаратилган нормалар билан тўлдириш керак.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида махсус бўлинмалар яратиш, бандлик соҳасида дастурлар ишлаб чиқиш, оиладаги зўравонлик жабрдийдаларига ҳуқуқий, руҳий, тиббий маслаҳатлар ва бошқа хилдаги ёрдам берадиган хизматлар ташкил этиш тавсия этилади.

Оиладаги зўравонлик шахсга ва жимиятга қарши жиддий жиноят ҳисобланади, уни оқлаб бўлмайди чунки у яқинларга қарши содир этилади ва у билан келишиб бўлмайди чунки у янги зўравонликни вужудга келтиради.

Никоҳ тузишнинг иккинчи шарт – бу никоҳ ёшига етишдир. Қонун бўйича эркеклар учун никоҳ ёши 18 ёш, аёллар учун эса – 17 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳ тузишни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин. Узрли сабаблар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак (масалан, келиннинг ҳомиладорлиги ёки қизи ёхуд ўғлининг, уларнинг ҳам истаги бўлган ҳолда, тўйини кўриш истагида бўлган ота-онанинг бири оғир касаллиги тўғрисида тиббий муассасанинг маълумотномаси ва бошқа).

Қонунда никоҳ ёшининг қуйи даражасини белгилаш илгаридан мавжуд бўлган қизлар учун эрта турмуш қуриш миллий урф-одатни сақлаб қолишга чора ҳисобланади. Ушбу қонуний меъёрнинг эркек томонидан бузилиши, яъни никоҳ ёшига етмаган қиз бола билан шариат қоидаларига кўра “никоҳланган” эркекга нисбатан қатъий жазо чораси кўрилади: қонунда кўрсатилган ёшга етмаган (16 ёшгача) қиз билан никоҳ муносабатларига кириш – жиноий жавобгарликка тортиладиган ҳаракат, деб белгиланган (Ўз.Р. ЖК 128-моддаси). Бу борада айтиб ўтилган модда бўйича жиноий иш қизнинг аризаси (жуда ҳам кам учрайди) ёки прокурор аризасига кўра қўзғатилади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан тузилган никоҳ ҳали никоҳ ёшига етмай никоҳ тузган шахснинг манфаатлари талаб қилган ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни никоҳ ёшига етмай никоҳ тузган шахс, унинг ота-онаси ёки ҳомийси, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органи ҳамда прокурор талаб қилишга ҳақлидир (Ўз.Р. ОК 51-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 13-моддасига мувофиқ, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилган никоҳ қонуний ҳисобланади, ва унинг рўйхатга олинган вақтидан бошлаб эр-хотиннинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини юзага келтиради ҳамда давлат томонидан ҳимояланади. Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлардан бири, Оила кодексига кўрсатилганидек, бу лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди. Демак, бизнинг оилавий қонунчилигимиз моногамия (бир никоҳда бўлиш) тамойилига асосланган. Шунинг учун Ўз.Р. ОК 13-моддаси 2- қисмида таъкидланганидек, диний маросимларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқӣ аҳамиятга эга эмас.

Диний маросимга кўра никоҳ тузиш мамлакатимизда ман этилган кўпхотинлик, яъни икки ёки ундан кўп аёллар билан умумий рўзғор асосида яшашига олиб келади. Айрим аёллар ўзларининг қонуний ҳуқуқларини билмай туриб, эрининг бундай ҳаракатларига қарши чиқиш у ёқда турсин, балки аёллар сони эркакларга қараганда кўпроқ, деб уни оклайди³. Ҳар бир аёл эса оила қуришни ва фарзанд кўришни истайди. Улар эрига уйга “иккинчи хотин”ни олиб келишга руҳсат беришади ва бу билан икки аёлнинг номуси ва кадр-қимматини камситадилар.

Қонун томонидан диний никоҳдан ўтган хотинларнинг мулкӣ ва шахсий ҳуқуқлари ҳимоя қилинмайди, чунки қонун уларни эр-хотин деб ҳисобламайди. Диний урф-одатларга кўра турмуш қурган шахслар биргаликда орттирилган мулкнинг мулкдорлари бўлмайдилар. Умумий биргаликда орттирилган мулк эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари уларнинг қайси бирлари топганлигидан қатъи назар уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Эр ёки хотин уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлганлиги боис мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаганда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади (Ўз.Р. ОК. 23-модда).

Аммо “иккинчи хотин” қонуний бўлмагани учун унга бу ҳолатлар қўлланилмайди. У билан умумий турмуш вақтида орттирилган мулкка

³ 2001 йил бошидаги ҳолатга кўра Ўзбекистон аҳолисида хотин-қизлар 50,2 %, эркаклар эса 49,8% ташкил қилар эди. Малумот «Мужчины и женщины Узбекистана», Т., 2002, 11-б.дан олинди.

нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш учун никоҳ шартномаси ҳам тузилиши мумкин эмас, чунки никоҳ шартномаси – бу қонуний никоҳдан ўтган ёки унда бўлган шахслар ўртасидаги битимдир.

Айни пайтда, умумий рўзгорни юритиш урф-одатга кўра “никоҳдан ўтган” аёлларнинг мулквий ҳуқуқларини юзага чиқаради. Бундай ҳуқуқлар эса умумий улушли мулкчиликни тартибга солиб турувчи меъёрларга мувофиқ, Фуқаролик кодекси билан ҳимоя қилиниши мумкин (Ўз.Р. Фуқаролик кодексининг 218-222-моддалари).

Диний урф-одатларга кўра тузилган никоҳдаги болалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 64-моддасида белгиланганидек, ўзаро никоҳда бўлмаган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзаро никоҳда бўлган шахслардан туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан тенг бўлади. Лекин бу ҳол ота уларнинг қонуний вакили сифатида фақат тегишли тарзда унинг оталиги аниқланганидан сўнг амалга ошиши мумкин.

Боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган шахсларнинг оталиги, Ўз.Р. ОК 61-моддасига мувофиқ, онанинг ва боланинг отаси деб ўзини тан олувчи шахснинг биргаликдаги аризасига кўра белгиланади.

Бундай ариза бола туғилганлигини рўйхатдан ўтказишда, шунингдек боланинг туғилганлиги қайд этилганидан сўнг берилиши мумкин. Агар туғилажак боланинг никоҳда бўлмаган ота-оналари ФХДҚ органларига бола туғилганидан сўнг шундай аризани беролмайдиган ёки бунга қийналадиган бўлсалар, бундай аризани улар онанинг ҳомиладорлиги пайтида беришлари мумкин.

Агар боланинг никоҳда бўлмаган ота-оналари ФХДҚ органларига биргаликда ариза беришмаган бўлса, у ҳолда оталик суд тартибида аниқланиши мумкин. Оталикни тан олиш тўғрисидаги ариза билан судга ота-оналарнинг бири ёки боланинг васийси (ҳомийси) ёхуд қарамоғига болани олган шахс, шунингдек боланинг ўзи балоғатга етгунига қадар, мурожаат қилиши мумкин.

Суд оталикни белгилаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида боланинг онаси билан ва бола туғилгунигача тахмин қилинган ота билан биргаликда яшаганликни ва умумий хўжаликни юритганликни ёки болани биргаликда тарбиялаганликларини ёхуд боққанликларини, шунингдек жавобгарнинг оталигини тан олишни ишонч билан тасдиқлайдиган барча бошқа исботларни эътиборга олади.

Шундай қилиб, қонуний никоҳда ва шундай никоҳсиз туғилган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглиги, айниқса ҳақиқий ота ўз оталигини ихтиёрий равишда тан олишни истамаган вазиятларда, амалда муайян қийинчиликлар билан боғлиқдир.

Ўз.Р.нинг янги Оила кодекси кучга кирганидан сўнг никоҳдан ўтувчи шахслар уни тузишдан олдин тиббий кўриқдан ўтадилар. Давлат соғлиқни

сақлаш тизимига қарашли муассасалар Вазирлар Маҳкамаси белгилаб берадиган ҳажмда тиббий кўриқдан бепул ўтказадилар (17-модда).

Айрим ҳолларда никоҳгача тиббий кўриқ қарама-қарши томоннинг яшираётган руҳий касаллигини (руҳий касаллиги ёки ақли заифлигини) аниқлашга ёрдам беради, бу эса суднинг муомалага лаёқатсиз шахслар ўртасида никоҳга йўл қўйилмаслигини тан олиши учун асосдир (Ўз.Р. ОК 16-модда).

Агар никоҳ тузишга қонуний⁴ ва субъектив тўсиқлар бўлмаса, унда ФХДҚ органларида шахслар эр-хотин бўлиб рўйхатга олинган пайтларидан бошлаб, оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган шахсий ва мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар. Оила кодексининг 19-моддасига мувофиқ бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенг ҳисобланади.

Эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқларига қуйидагилар киради:

- фамилия танлаш ҳуқуқи. Никоҳ тузиш вақтида эр ва хотин ўз хоҳиши билан эри ёки хотинининг фамилиясини умумий фамилия қилиб танлайди ёки уларнинг ҳар бири никоҳгача бўлган ўз фамилиясини сақлаб қолади (Ўз.Р. ОК 20-моддаси);
- болалар тарбияси ва оила турмуши масалаларини ҳал қилиш. Бу масалалар эр-хотин томонидан биргаликда ҳал этилади (Ўз.Р. ОК 21-модда);
- эр ва хотиннинг ҳар бири машғулоти тури, касбини ва яшаш жойини ва рўйхатдан ўтиш жойини танлаш ҳуқуқи. Эр ва хотиннинг ҳар бири нима билан шуғулланиш, қайси касбини танлаш, қаерда яшашни ва қаердан рўйхатдан ўтишни эркин ҳал қилиш ҳуқуқига эга (Ўз.Р. ОК. 22-модда).

Юқорида айтиб ўтилган ҳар бир ҳуқуқ учун тегишли мажбурият мавжуд. Масалан, эр-хотин томонидан фамилияни танлаш ҳуқуқи ҳеч ким томонидан бузилиши мумкин эмас, шу жумладан эр-хотиннинг ҳар бири томонидан ҳам. Барчага ва ҳар бир одамга эр-хотиннинг машғулоти тури ва касбини, яшаш ва туриш жойини танлашига тўсқинлик қилмаслик мажбурияти зиммасига қўйилади.

Болалар тарбияси ҳамда уларни боқиш ҳақида гап кетганда эса – бу нафақат ҳар бир ота-онанинг ҳуқуқи, балки уларнинг асосий конституциявий мажбуриятидир (Ўз.Р. Конституцияси 64-модда). Ота-оналар жамият ва давлат олдида ўз фарзандларини тарбиялаш ва уларни 18-ёшга тўлгунга қадар моддий жиҳатдан таъминлаш мажбуриятини оладилар. Агар бола вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз бўлса

⁴ Кўрсатилган шарт-шароитлардан ташқари (никоҳ тузаётган шахсларнинг лоақал бири рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса), қонунда насл-насаб шажараси бўйича туташган қариндошлар ўртасида, туғилган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, фарзандликка олувчи билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тақиқланган.

(масалан, болаликдан ногирон), ота-она зиммасида уни у ёрдамга қанча вақт мобайнида муҳтож бўлса, шу вақтгача таъминлаш мажбурияти ётади.

Оила кодексига белгиланганидек, Ўзбекистонда “оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади” (2-модда). Ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқига эга, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлиги остида катта бўлиш ва унинг манфаатларига зид бўлмаса, улар билан биргаликда яшаш, ҳар томонлама ривожланиш ва инсоний қадр-қимматининг ҳурмат қилиниши борасидаги ҳуқуқга эга. Ота-оналар тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва ўз фарзандларига нисбатан тенг мажбуриятларни зиммаларига оладилар, ҳатто никоҳ бекор қилинган ёки у ҳақиқий эмас, деб тан олинганда ҳам.

Боланинг ота-онаси алоҳида-алоҳида яшаётганда (жумладан, турли давлатларда), уларнинг ҳар бири бола билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва боланинг таълим олиши масалаларини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга. Боладан алоҳида яшаётган ота (она) тарбия, даволаш муассасаларидан ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларидан ўз фарзанди тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга (Ўз.Р. ОК 76-модда). Бу ҳуқуқлар давлат томонидан ҳимояланган. Агар ота-онанинг бири томонидан асоссиз равишда мазкур ҳуқуқларни амалга оширишда тўсқинлик кўрсатилаётган бўлса, унда улар суд тартиби орқали ҳимоя қилинади, чунки ота-оналар ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга (Ўз.Р. ОК 73-модда). Суднинг қарорини атайин бажармаётганда боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига кўра, суд боланинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, боланинг фикрини инобатга олиб, болани улардан бирига бериш тўғрисида қарор чиқаради.

Ота-оналик ҳуқуқлари болаларнинг манфаатларига зид равишда амалга оширилиши мумкин эмас. Ота-оналар ўзаро келишиб, болаларнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда уларнинг тарбияси ва таълимига оид масалаларни ҳал этадилар. Бола оилада ўзининг манфаатларига дахлдор бўлган ҳар қандай масалани ҳал этишда ўз фикрини билдириш, шунингдек ҳар қандай суд ёки маъмурий иш кўрилаётган пайтда ўз фикрини айтиш ҳуқуқига эга (Ўз.Р. ОК.68-модда).

Агар ўзаро ота-оналар ҳамда ота-оналар билан болалар ўртасида ушбу масалалар бўйича низолар юзага келса, уларни ҳал қилиш учун васийлик ва ҳомийлик органига ёки судга мурожаат этиш керак. Бундай вазиятда боланинг манфаатларини судда ҳимоя қилиш мақсадида васийлик ва ҳомийлик органи бола учун вакил тайинлаши керак бўлади.

Ота-онанинг ҳуқуқларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш боланинг жисмоний ёки руҳий саломатлигига, унинг маънавий

ривожланишига зиён етказилганида амалга оширилади. Тарбия жараёнида болаларнинг инсоний ғурури ва кадр-кимматини поймол қилувчи, камситадиган, шафқатсиз, кўпол усуллар, уларни таҳқирловчи ёки эксплуатация қилувчи, яъни ота-оналик ҳуқуқларини болаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига зид равишда амалга оширувчи усулларни қўллайдиган ота-оналар қонунда белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Ўз.Р. Оила кодексининг 67-моддасида болага ота-онанинг (уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) суистеъмолларидан ҳимояланиш ҳуқуқи берилган.

Боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, уларнинг ҳуқуқларини ота-оналар суистеъмол қилганда, *бола* улардан ҳимоя қилишларини сўраб, васийлик ва ҳимоя органига, ўн тўрт ёшдан бошлаб судга *мустақил мурожаат қилиш ҳуқуқига эга*.

Боланинг ҳаёти ва саломатлигига таҳдид қилинаётганлигига, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилаётганлигига шохид бўлган шахслар бу ҳақда бола ҳақиқатан яшаётган жойдаги васийлик ва ҳимоя органига хабар беришлари шарт. Мана шундай маълумотларни олган васийлик ва ҳимоя органи боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур чораларни кўриши шарт.

Кўриб турганимиздек, оила қонунчилигида ота-онанинг болаларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигининг асоси яратилган. Лекин оиладаги ҳақиқий тенгҳуқуқлилиқ муносабатлари фақат ота-онанинг тарбияси, уларнинг намунали хулқ-атворлари орқали шаклланиши мумкин. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, болалар одатда ўз оиласини ўзлари катта бўлиб ўсган оиласи каби қуради: улар ота-оналарига, турмуш ўртоғига, болаларига нисбатан ҳам, уй юмушларини бажаришда ва х.з.ларда ҳам ўзларини худди шундай тутадилар.

Оилавий муносабатларда эр-хотиннинг ҳақиқий тенг ҳуқуқчилигини кафолатлаш улар ўртасида иқтисодий қарамлик мавжуд бўлмагандагина юзага келиши мумкин. Қонун томонидан эр-хотиннинг, шунингдек улар фарзандларининг умумий биргаликдаги шахсий мулкнинг макоми; бундай мулкга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи ҳамда мулкий ҳуқуқлар; умумий мулкни бўлиш имконияти ва бу борада эр-хотиннинг ҳар бирининг улушини аниқлаш белгиланган.

Оила қонунчилигида *эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мулкига*⁵ уларнинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, бу мулк улардан қайси бирига расмийлаштирилган бўлишидан қатъи назар, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, лекин бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклар киритилади. Эр ва хотиннинг умумий мулкига ҳар бирининг даромадлари, шунингдек меҳнат

⁵ Қаранг: Ўз.Р. Оила Кодексининг 23-моддаси.

фаолиятдан, интеллектуал ва тадбиркорлик фаолиятдан орттирган даромадлари, уларнинг пенсиялари, нафақалари, ҳамда махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари, шунингдек уларнинг биргаликда фойдаланиш учун сотиб олинган буюмлари, жамиятдаги пайлари, кредит муассасаларига киритилган омонатлари ва капиталдаги улушлари киради. Тўй маросимида тақдим этилган совғалар ҳам, агар улар шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган бўлмаса, умумий биргаликдаги мулк ҳисобланади.

Умумий мулкка нисбатан эр ва хотин, агар уларнинг бири уй-рўзғор ишларини бажариш, болаларни парваришлаш ёки бошқа узурли сабабларга кўра мустақил маблағга ва бошқа даромадларга эга бўлмаган тақдирда ҳам, эр ва хотин агар умумий мулкни сотиб олиш, оиланинг эҳтиёжларини қондириш учун қарз олган бўлса, унда бу қарзлари ҳам умумийдир.

Умумий биргаликдаги мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда эр ва хотин тенг ҳуқуқларга эгадир. Эр ва хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиши билан боғлиқ битим тузилганда, бу ҳаракат бошқасининг розилигига кўра амалга оширилаётганлигини англатади. Эр-хотиндан бирининг умумий мол-мулкни тасарруф этиш юзасидан амалга оширган битими бошқасининг бунга розилиги бўлмаганлиги сабаблигина билдирган талабига биноан ва фақат битимни амалга оширган иккинчи томон амалга оширилган битим юзасидан эр (хотин) рози эмаслигини олдиндан билгани ёки билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳолларда суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин (Ўз.Р. ОК 24-модда). Эр (хотин) ўзининг номига расмийлаштирган кўчмас мол-мулкни тасарруф этиш бўйича битим тузиши учун хотин (эр)нинг нотариал тартибда тасдиқланган розилигини олиши лозим.

Эр ва хотиннинг ҳар бирининг хусусий мол-мулки сифатида қонун, авваламбор уларнинг шахсий фойдаланишидаги буюмларини, (кийим-кечак, пойафзал) агар улар умумий маблағлар ҳисобидан сотиб олинган бўлса ҳам, (қимматбаҳо буюмлар ва зебу-зийнатлардан ташқари), шунингдек никоҳгача уларга тегишли бўлган ёки уларнинг ҳар бири томонидан никоҳ давомида беғараз битимлар ҳисобига олинган (совға, мерос) мол-мулкни тан олади (Ўз.Р. ОК 25-модда).

Эр ва хотин ўртасидаги нотариал равишда расмийлаштирилган битимга ёки уларнинг бирининг суд тартибда кўриб чиқиш тўғрисидаги талабига кўра улар никоҳда бўлган даврда ҳам ёки никоҳ бекор қилинганидан кейин ҳам умумий мол-мулк бўлиниши мумкин. Мол-мулкни бўлиб, лекин барибир никоҳда бўлган эр-хотиннинг яна сотиб олинаётган мол-мулкка худди шундай умумий биргаликдаги ҳуқуқи пайдо бўлади. Агар улар келажакда никоҳни бекор қилмоқчи бўлсалар, унда бу мол-мулк ҳам бўлиниши керак.

Эр-хотинга тегишли бўлган, лекин бошқа шахсларнинг, одатда ота-оналарнинг маблағларини жалб қилган ҳолда қурилган уй-жойларни бўлиш амалиётда энг мураккаб ҳисобланади. Бундай ҳолатларда судлар уйнинг қайси қисми эр-хотиннинг маблағларига қурилганини, бинобарин, уларнинг умумий биргаликдаги мол-мулкни ташкил этишини, ҳамда қайси қисми учинчи шахслардан совға сифатида олинган кимнинг шахсий мол-мулки эканлигини аниқлаши лозим. Улушларни белгилаган ҳолда ҳам уйнинг ўзини ана шу улушларга мос равишда ҳар доим ҳам бўлиб бўлмайди. Бундай ҳолатларда эр-хотиннинг бирига уйнинг берилган натурадаги қисми унинг улушидан кўпроқ бўлса, унда суд бошқасининг фойдасига пуллик компенсация тўловини белгилайди.

Мол-мулкни бўлишда эр-хотиннинг улуши қонунчиликда тенг деб ҳисобланади (Ўз.Р. ОК 28-модда). Суд вояга етмаган болалар манфаатларидан ёки эр ва хотиндан бирининг эътиборга лойиқ манфаатини ҳисобга олиб, жумладан, агар эр ёки хотин узрсиз сабабларга кўра даромад олмаган бўлса ёхуд эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни оила манфаатларига зарар етказган ҳолда сарфлаган бўлса, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушлари тенглигидан чекинишга ҳақлидир.

Биргаликда орттирилган мол-мулкнинг ҳуқуқий тартиби нафақат қонунлар, балки эр-хотин ўртасидаги шартнома орқали белгиланиши ҳам мумкин. Бу шартнома *“никоҳ шартномаси”* деб аталади. Ўзбекистон Республикасида никоҳ шартномасини тузиш илк бор оила қонунчилигида назарда тутилган (Ўз.Р. ОК 6-боб), ҳолбуки бу жаҳон тажрибасида анчадан бери ва муваффақиятли қўлланиб келинади. Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг шахсий ҳуқуқлари ва мажбуриятларига дахл қилмаган ҳолда фақат мулкий муносабатлар соҳасида амалга оширилади. У эркак ва аёлнинг ҳаётидаги моддий ва маиший асосларини биргаликдаги турмуш даврида ҳамда никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам сақлаш гарови сифатида хизмат қилади.

Никоҳ шартномасида қайд этилган ўзаро келишувга асосан эр ва хотин томонидан биргаликда орттирилган мол-мулкка улар қай тарзда эгалик қилишлари, ундан фойдаланишлари ва уни тассаруф этишлари, уни сақлаш бўйича харажатларни қандай тақсимлашлари, оилавий харажатлар кимнинг зиммасида бўлиши, бир-бирларининг даромадларида уларнинг иштироки қандайлиги, никоҳ бекор қилинган тақдирда мол-мулк қандай бўлиниши аниқлаб олинади. Никоҳ шартномасида шу билан бирга биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, бир-бирларининг даромадларидан улуш олиш ва бошқа масалалар ҳам қайд этилган.

Қонун томонидан эр ва хотиннинг мол-мулкига оид белгиланган тартиб фақат у никоҳ шартномаси томонидан ўзгартирилганидагина қўлланилиши мумкин. Эр ва хотин никоҳ шартномасида улушли,

биргаликдаги ёки алоҳида мулкни мавжуд мулк, шунингдек бўлғуси мол-мулккага нисбатан ҳам белгилашлари мумкин.

Никоҳ шартномаси ёзма равишда ва нотариус томонидан тасдиқлангандагина ҳақиқий деб ҳисобланади. Уни никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар ҳам, шунингдек никоҳ даврида ҳам тузиш мумкин (лекин у давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг қонуний кучга киради. Шартноманинг мазмунини томонлар мустақил равишда белгилайди. Лекин никоҳ шартномасида эр-хотиннинг ҳуқуқ лаёқати ёки муомалага лаёқати, эр ва хотиндан бирини ўта ноқулай ҳолатга солиб қўювчи ёхуд оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг нормаларига зид келувчи бошқа шартларни назарда тутмайдиган бўлса, агар бундай шартлар шартномада ўз аксини топса, нотариус уни тасдиқлашга ҳақли эмас, чунки унинг вазифаси шартнома шартларининг қонун меъёрларига мувофиқ бўлишини таъминлашдир. Нотариус шунингдек томонларнинг лаёқатлилигини текшириши шарт⁶ ва шундай шартномани тузишга ҳақиқатан ҳам хоҳиши борлигини аниқлаши керак. Эр ва хотин шартномани расмийлаштиргач, унинг шартларини ихтиёрий равишда бажариш мажбуриятини зиммаларига олишади, агар шартнома амал қилаётган даврда қандайдир сабабларга кўра уларни мазкур шартнома қониқтирмаса, унда уларнинг розилигига биноан (расмийлаштирилган никоҳ шартномаси каби, яъни нотариус орқали) уни исталган вақтда ўзгартиришлари ёки бекор қилишлари мумкин (Ўз.Р. ОК 32-модда). Никоҳ шартномасини бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмайди. Никоҳ шартномасининг шартларини эр-хотиннинг бири қўпол равишда бузган ёки никоҳ шартномаси тузилаётган вақтдаги шарт-шароитлар сезиларли даражада ўзгарган ҳолдагина эр-хотиннинг бири шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақида судга талаб билан мурожаат қилиши мумкин. Тарафлардан бири бошқа тарафга зарар етишига олиб келадиган ва бунинг натижасида у шартномани тузиш пайтида кўзда тутган нарсаларига эришмаганда шартноманинг бузилиши жиддий деб тан олинади. Никоҳ тугатилган пайтдан бошлаб никоҳ шартномасининг амал қилиши ҳам тугайди, никоҳ шартномасида никоҳ тугатилганидан кейинги давр учун назарда тутилган мажбуриятлар бундан мустасно.

⁶ Муомалага лаёқат деганда шахснинг онгли ҳаракатлари орқали ўзи учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар орттириш қобилияти тушунилади. Тулиқ муомалага лаёқатли шахслар (умумий қоидага кўра, 18 ёшга етганлар) мустақил равишда хоҳлаган қонунда тақиқланмаган битимлар тузишлари мумкин ва ўз мажбуриятлари юзасидан мустақил равишда жавоб беришлари мумкин. Рухият бузилиши (руҳий касаллик ёки акли заифлик) туфайли ўз ҳаракатлари маъносини тушунмайдиган ва бошқара олмайдинган шахслар суд орқали муомалага лаёқатсиз деб топилади.

Никоҳ шартномаси амалиётда ҳали унчалик кенг тарқалмаган. Бу ҳолатнинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд. Биринчидан, давлатимизда ҳали мулкдорлар синфи тўла шаклланмаган. Иккинчидан, жамиятимизда никоҳ шартномаси эр-хотинни ажралишни ва мол-мулкни бўлишни мўлжал қилиб олишга ундайди, деган фикр мавжуд. Шунинг учун никоҳ шартномасига никоҳ тузувчилар ҳам, турмуш қурганлар ҳам ҳавотир билан қарайдилар. Эр ва хотиннинг мол-мулки қонунга кўра умумий бўлса, уларнинг ҳар бири унга нисбатан тенг ҳуқуқли бўлса, бундай шартнома нимага керак? Ажралишда ва мол-мулкни бўлишда ҳам қонунга кўра эр-хотиннинг ҳар бири тенг улушга эга бўлса?

Ҳаётда кўпинча бу тенг ҳуқуқлар оила учун маблағ топадиган эркаклар томонидан рад этиб келинади. Биргаликдаги ҳаёти давомида фақат уй-рўзғор ишларини бажарадиган ва шахсий даромадларга эга бўлмаган аёл доим эрига иқтисодий қарам бўлиб, пул сўрашга мажбур бўлади. Кўпинча ажралиш ҳолатларида у ҳеч вақосиз қолади. Эр ишлаб топган пуллари ҳисобидан сотиб олаётган мулкни (уй ёки квартира, машина, дала ҳовли ва ҳоказо) ажралиш ҳолатида хотини билан бўлмаслик учун қариндошларидан бирининг номига расмийлаштиради. Биргаликда орттирилган мулк йўқми, демак ҳеч нарсани бўлиш ҳам керак эмас. Эр ва унинг қариндошлари нуқтаи назаридан бу адолатли: хотин ҳеч қачон ишламаган (уй ишларига – ҳақ тўланмайди, ва у иш деб ҳисобланмайди), мол-мулкни сотиб олишга ўз ҳиссасини қўшмаган, шунинг учун бу мол-мулкка даъвогар бўлиши ҳам мумкин эмас. Никоҳ шартномаси эр-хотинга ижобий психологик таъсир кўрсатишга қодирдир, у ҳақиқий тенгҳуқуқлилиқ асосланган иқтисодий мустақилликка ишонч ҳосил қилади.

Қонунда белгиланган *никоҳни бекор қилиш тартиби ва шартлари* эркак ва аёлларнинг оилавий муносабатлардаги тенг ҳуқуқлилигига асосланган. Никоҳ эр-хотиндан бирининг вафоти ёки суд улардан бирини вафот этган, деб эълон қилиши оқибатида ўз-ўзидан тугайди⁷. Қолган барча ҳолатларда никоҳ эр-хотиндан бири ёки ҳар иккаласининг аризасига мувофиқ никоҳдан ажратиш тарзида тугатилиши мумкин. Никоҳ шунингдек суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган эр ёки хотиннинг шахсий ва мулкий ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида улардан бирининг васийси берган аризага мувофиқ тугатилиши мумкин (Ўз.Р. ОК 37-модда).

⁷ Фуқаро доимий ёки кўпинча яшайдиган жойида унинг қаердалиги тўғрисида уч йил давомида дарак бўлмаса манфаатдор шахслар аризасига биноан суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин. У ўлим хавфи бор ёки муайян бахтсиз ҳодиса натижасида вафот қилган деб ҳисоблашга асос берадиган шарт-шароитда бедарак йўқолган бўлса, судга ариза олти ой ўтиши билан берилиши мумкин (Ўз.Р. Фуқаролик Кодексининг 36-моддаси).

Хотиннинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида эр хотинининг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга ҳақли эмас (Ўз.Р. ОК 39-модда).

Эр ва хотинда вояга етмаган фарзандлари ва биргаликда орттирилган мол-мулкни бўлиш низоси бўлмаган тақдирда никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кўра ва уларнинг шахсий иштирокида уларнинг турар-жойи бўйича фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари (ФХДҚ) томонидан бекор қилиниши мумкин.

Агар эр-хотиндан бири суд томонидан бедарак йўқолган, руҳияти бузилиши сабабли муомалага лаёқатсиз⁸, ёки содир қилган жинояти учун уч йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган деб топилган бўлса ФХДҚ органларида никоҳдан ажратилади (Ўз.Р. ОК 43-модда). Агар оилада вояга етмаган болалар ва/ёки биргаликда орттирилган мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо пайдо бўлган бўлса никоҳни бекор қилиш суд тартибида амалга оширилади. Агар суд эр ва хотиннинг бундан буён биргаликда яшашига ва оилани сақлаб қолишга имконият йўқ деб топса, уларни никоҳдан ажратади (Ўз.Р. ОК 41-модда). Оила Кодексининг 40-моддасига мувофиқ никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни ўз зиммасига олган судья қандайдир шубҳа пайдо бўлса, оила сақлаб қолиш учун эр-хотинга ярашиш учун муҳлат (олти ойгача) бериш *ҳуқуқига эга*. Агар муддат ўтгандан кейин эр-хотин судга келмаса, унда никоҳни бекор қилиш жараёни тугатилган ва оила сақлаб қолинган ҳисобланади (лекин бу қайтадан ариза бериш учун тўсиқ эмас). Агар берилган муддат давомида эр-хотин ярашмаган бўлса, иш моҳиятига кўра кўриб чиқилади, ва ОК 41-моддасида кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, суд никоҳни бекор қилади.

Никоҳ суд қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб (агар қонунда белгиланган тартибда суд қарори даъво қилинмаган бўлса, у чиқарилган кундан бошлаб 20 кун кейин) бекор қилинган деб ҳисобланади. Кучга кирган суд қарорининг нусхаси никоҳдан ажратилганлик тўғрисидаги гувоҳномага тенглаштирилади. Уни беришда давлат божи ундирилади ҳамда паспортга ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатга никоҳдан ажратилганлик ҳақида белги қўйилади (Ўз.Р. ОК 47-модда). Суд зиммасига қарорнинг қонуний кучга кирганидан сўнг ўн кун муддат ичида никоҳни рўйхатга олган ФХДҚ органига рўйхат китобида никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида тегишли қайдни ёзишлари учун кўчирма юбориш юклатилади.

ФХДҚ органида никоҳ бекор қилинганда у мазкур ажралишнинг рўйхатга олинган кундан бошлаб тугатилган ҳисобланади. Собиқ эр-хотинга никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади, давлат

⁸ Фуқаро яшаш жойида бир йил давомида ҳозир бўлмаса ва ҳеч кимда унинг қаерда эканлиги тўғрисида маълумот бўлмаса бедарак йўқолган ҳисобланади – Ўз.Р. Фуқаролик кодексининг 33-моддаси.

божи ундирилади ҳамда паспортида ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатида тегишли қайд ёзилади. Шу дақиқадан бошлаб собиқ эр-хотин ўртасидаги муносабатлар оилага оид ҳуқуқ соҳаси эмас, балки ҳуқуқнинг бошқа соҳаларида бошқарилади. Масалан, мулкӣ **муносабатларнинг аксарияти**, мулкӣ муносабатлар, битимлар тузиш ва шахсий номулкӣ муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи – унинг асосий манбаи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (Ўз.Р.ФК) томонидан мувофиқлаштирилади⁹.

Тарафларнинг юридик тенглиги тамойили фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойили бўлгани учун бу ўринда ҳуқуқларни тақдим этиш ва амалга ошириш, шунингдек вазифаларни бажариш шундай муносабатлар иштирокчиларининг ижтимоий ҳолати, мақоми, жинсига боғлиқ эмас. Жисмоний шахслар (фуқаролар) ўзаро, юридик шахслар (жисмоний шахсларнинг бирлашмалари) ва давлат (давлат органлари) билан мутлақо тенгдирлар. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар субъектларнинг ихтиёрига кўра пайдо бўлади ва унга ҳеч кимнинг таъсир ўтказишга ҳақи йўқ. Агар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар зиён етказиш оқибатида юзага келган бўлса (яъни унинг иштирокчиларининг хоҳишисиз), зарарни қоплаш ва унинг миқдорини белгилаш мажбурияти икки томон учун мажбурий бўлган қонунчилик томонидан бошқарилади. Шундай қилиб, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқга эга бўлган бир тараф мажбур тарафдан маълум хатти-ҳаракатни фақат улар ўртасида тузилган шартнома ёки қонуннинг бевосита кўрсатмаси билан талаб қилиши мумкин.

Мулкӣ ҳуқуқий муносабатларнинг катта қисми *мулк ҳуқуқи* асосида пайдо бўлади. Давлат ўз зиммасига барча учун мулкга эга бўлиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш мажбуриятини олади. *Мулкӣ ҳуқуқ* деганда, шахснинг қонуний асосда харид қилинган мулкга эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи тушунилади (Ўз.Р.ФК 207-модда). Мулкдор қонун томонидан ман этилмаган, жамоат одоб-ахлоқига зид бўлмаган ҳамда бу борада бошқа мулкдорларнинг ҳуқуқлари бузилмаган ҳолларда ўз мулкига нисбатан ўзи истаганини ва унинг манфаатларига мос бўлган ишни қилиши мумкин.

Мулкдорлик ҳуқуқига эга бўлишнинг қонуний асосларига қуйидагилар қиради: меҳнат фаолияти; тадбиркорлик фаолияти; мулкдан фойдаланиш, шу билан бирга уни битимга кўра харид қилиш бўйича хўжалик фаолияти; давлат мулкни хусусийлаштириш; ворислик ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар. Кўрсатилган қонуний асосларнинг барчасидан ҳам амалиётда аёллар фойдаланишининг ва ишлаб топилган маблағлар ҳамда унга харид қилинадиган мулкнинг эгаси бўлишларининг имкони борми?

⁹ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси босқичма-босқич қабул қилинди: I қисм 1995 йил 21 декабрда қабул қилинди, II қисм – 1996 йил 29 августда. Иккала қисм бир вақтда 1997 йил 1 март куни қучга кирди.

Аёлларнинг меҳнат фаолияти ҳақида эса аввалги бўлимда батафсил сўз юритилди. Фақат шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги вақтда аёллар учун меҳнат фаолияти – бу мулкдорлик ҳуқуқи пайдо бўлишининг кенг тарқалган асосидир. Шунинг учун давлатнинг бугунги кундаги фаолиятининг муҳим йўналишлари қаторига аёлларнинг бандлигини таъминлаш, улар орасида, айниқса қишлоқ жойларида ишсизлик даражасини пасайтириш киради. Ўз.Р. аҳолининг бандлиги тўғрисидаги қонун¹⁰ шуни белгилайдики, ўзини иш билан мустақил равишда таъминловчи фуқароларни, тадбиркорларни, шу жумладан, юридик шахсни ташкил қилмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларни, кооперативлар (шунингдек, қишлоқ хўжалиги ширкатлари), деҳқон хўжалиқларининг аъзоларини, фермерлар ва ишлаб чиқаришда иштирок этувчи уларнинг оила аъзоларини ҳам банд аҳоли деб аташ мумкин. Шундай қилиб, ўз томорқасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ёки хусусий ёхуд сўқимга боқиш учун олинган чорва маҳсулотларини етиштирувчи қишлоқ аҳолиси меҳнат қонун ҳужжатларига кўра барча келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлари билан ишчилар деб ҳисобланадилар.

Тадбиркорлик фаолияти мулкдорлик ҳуқуқига эга бўлиш асосларидан бири сифатида аёлларнинг эътиборини тобора ўзига тортмоқда. Агар бу фаолият муваффақиятли ривожланса, у аёлларнинг мавқеини эркаклар билан реал тенглаштиришга қўмаклашиб, уларнинг ҳам жамиятдаги, ҳам оиладаги аҳолини кескин равишда ўзгартириб юбориши мумкин. Қонунга кўра тадбиркорлик фаолияти билан ишга лаёқатли 18 ёшга тўлган ва хусусий тадбиркор ёки юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган (агар у Ўз.Р. Фуқаролик кодексининг 28-моддасига мувофиқ тўла ишга лаёқатли деб топилса, унда 16 ёшдаги)¹¹ ҳар қандай фуқаро шуғулланиши мумкин. Яъни юридик нуқтаи назардан бу фаолият билан қонун талабларига жавоб берувчи ҳар бир истаган инсон шуғулланиши мумкин.

Амалда тадбиркорлик фаолияти билан бошланғич капитали бўлган, шахсий ишни очишга, уни олиб бориш ва кенгайтириш кўникмаларига эга шахслар шуғулланиши мумкин. Аксарият аёлларда булар мавжуд эмас. Шунга қарамадан, тобора кўплаб аёллар хусусий бизнесни ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар, улар маҳсус менежерларни тайёрлаш бўйича маҳсус бизнес-курслар ва факультетларни битириб, банклардан кредитлар

¹⁰ «Аҳоли бандлиги тўғрисида» қонунинг янги таҳрири 1998 йил 1 май куни қабул қилинган – Ўз.Р. Олий Мажлиси Хабарномаси, 1998, 5-6-сон, 97-модда.

¹¹ Ушбу моддада фуқаролик қонун ҳужжатлари балоғат ёшига етмай туриб тўлиқ муомалага лаёқатга эга бўлиш усули - *эмансипацияни* белгилайди, бунда *16 ёшга тўлган балоғатга етмаган шахсни* у меҳнат шартномаси асосида ишлаётган, ёки ота-онаси, фарзандликка олган ёки хомийси розилиги билан тадбиркорлик билан шуғулланаётган бўлса васийлик ва хомийлақ органи *тўлиқ муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши* тушунилади.

олмоқдалар. Улар кичик ва ўрта корхоналар очмоқдалар, тижорат ва хизмат кўрсатиш жабҳаларида фаолият юритмоқдалар.

Қонун чиқарувчи тадбиркор аёл ва тадбиркор эркак ўртасида ҳеч қандай фарқларни ажратмайди. Натижада улар капитал, ресурслар ва ишдан тенг фойдалана олмаганликлари туфайли амалда тенг бошланғич имкониятларга эга бўлмайдилар. Мавжуд ижтимоий маданий амалиёт ҳам аёллар иқтисодий ривожланишига ҳалақит қилади¹².

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш учун халқаро ташкилотлар микрокредитлашни қонунчилик билан мустаҳкамлаш ва уни амалиётда татбиқ қилиш, ихтисослаштирилган аёллар банклари ва жамғармалари, кредит уюшмаларини ташкил этиш, молиявий ресурсларга нисбатан аёллар учун имтиёзли шароитлар яратиб беришни яхши стратегия сифатида эътироф этадилар. Давлат аёллар тадбиркорлигини рағбатлантириш билан бирга хотин-қизлар бизнесига ва уларнинг халқаро савдода, технологик инновациялар ва сармояларда иштирок этишига кўмаклашишни амалга ошириши керак.

Аёллар тадбиркорлигига жамоатчилик нодавлат ташкилотлари, масалан, Тадбиркор аёллар уюшмаси ҳам ёрдам кўрсатиши лозим. Улар нафақат тадбиркор аёлларга зарур иқтисодий ва ҳуқуқий билим берадиган турли тренинглар, курсларни ташкил этадилар, шу билан бирга маҳаллий тадбиркор аёллар хорижий ҳамкасблари билан тажриба алмашиши учун халқаро алоқаларни йўлга қўядилар.

Мулқдорлик ҳуқуқи ва бошқа мулкӣ ҳуқуқлар (масалан, ижарага олинган мол-мулкга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи) *битимлар* тузиш, яъни шахсларнинг уларда фуқаролик ҳуқуқи ва мажбуриятларини ўрнатишга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳаракатлари натижасида ҳам юзага келади. Ҳуқуқ лаёқати ва тўлиқ ишга лаёқати бўлган жисмоний шахслар миллати, жинси, этникиди, оилавий ҳолатидан қатъи назар, қонун томонидан ман этилмаган ҳар қандай битимларни тузишлари мумкин. Мулқдорлик ҳуқуқи ва бошқа мулкӣ ҳуқуқларга эга бўлишга қаратилган келишувларни эр-хотин, ота-оналар ва болалар, бошқа яқин қариндошлар тузишлари мумкин, натижада улар хусусий мулқдорларга айланадилар.

Шартномалар, яъни, икки ёки ундан кўп шахслар ўртасидаги битим келишувларнинг энг кенг тарқалган тури ҳисобланади, уларнинг асосида эса бу шахсларнинг келишувни тузишга бўлган ўзаро ва келишилган истаги ётади. Масалан, олди-сотди, алмашиш, совға қилиш шартномаларига кўра шартнома предметиға мулкӣ ҳуқуқ бир томон (сотувчи, совға қилувчи) учун тугайди ва бошқаси (харидор, совға олувчи) учун пайдо бўлади.

¹² Қаранг: Материалы 23 сессии Генеральной Ассамблеи ООН «Женщина 2000: Гендерное равенство, развитие и мир в 21 веке».

Келишув истак-иродаси ҳеч кимга боғлиқ бўлмаган бир шахс томонидан ҳам тузилиши мумкин. Бундай келишув бир томонлама ҳисобланади. Нотариал жиҳатдан расмийлаштирилган *васиятномани* тузиш, яъни фуқаро томонидан вафот этадиган тақдирда ўз мол-мулкни тассаруф этиши мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Васиятномага кўра, фуқаро ўзига тегишли мулкдорлик ҳуқуқидаги мулкни ҳар қандай жисмоний шахсга, шу жумладан қонунчилик томонидан белгиланган ворислари қаторида бўлмаган юридик шахсга ёки давлатга ҳам бериши мумкин. Агар мол-мулк эр ва хотинга тегишли бўлган бўлса, унда уларнинг ҳар бири фақат ўз улушини васият қилиб қолдириши мумкин.

Васиятнома бўйича ворисларнинг доираси ва сони чегараланмаган. Васият қилувчи ворисларнинг ҳар бирига ўзи улуш белгилайди. Агар у буни қилмаса, унда васиятномада айтилган шахсларнинг улуши тенг бўлади. Васият қилувчи васиятномада барча ворисларни меросга эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин. Қонун чиқарувчи васият қилувчининг фақат вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз болаларга, меҳнатга лаёқатсиз турмуш ўртоғига ва меросни қолдирувчининг ота-онасига нисбатан хоҳиш-иродасини чеклайди. Улар васиятномадан кўрсатилган ёки кўрсатилмаганидан қатъи назар, мероснинг шартли улушини¹³ оладилар. Васият қилувчи ҳаётлигида ўзи тузган васиятномага ўзгартиришларни нотариал равишда тасдиқлаган ҳолда киритиши мумкин ёки илгари тузилган васиятномани бекор қилиши мумкин, шунда кейингиси ҳақиқий деб қабул қилинади.

Меросни қабул қилиш ҳам бир томонлама келишув ҳисобланади. Ҳеч ким меросхўрнинг хоҳиш-иродасига меросий мол-мулкга мулкдорлик қилиш ёки қилмаслик борасида таъсир кўрсатиши мумкин эмас, зеро мерос бўлиб нафақат ҳуқуқлар, балки мерос берувчининг шахси билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлар, унинг қарзлари ҳам ўтади.

Меросхўр тегишли меросга ёки унинг қисмига эгалик қилиш ҳуқуқини мерос очилган вақтдан бошлаб, агар у келгусида меросдан воз кечмаса, меросхўрлик ҳуқуқидан маҳрум этилмаса ёки васиятнома ҳақиқий эмас деб аниқланганлиги сабабли меросга эга бўлиш ҳуқуқини йўқотмаса, уни қўлга киритади (Ўз.Р. ФК 1145-модда). Меросдан воз кечиш ҳуқуқи меросхўр меросга эга бўлиши ҳақида билган ёки билиши керак бўлган кундан бошлаб олти ой давомида сақланади. Мана шу муддат ўтиб кетганидан сўнг ёки меросий мол-мулкга эгалик қилишга амалда киришганда, уни тасарруф этиш ва меросхўрлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат қилганда меросхўр бу ҳуқуқни йўқотади. Меросхўр мерос қолдирувчининг фақат ҳуқуқларини қабул қилиб, мажбуриятлардан воз кечиши, меросни изоҳлар билан ёки

¹³ Мажбурий улуш кўрсатилган шахсларга қонун асосида мерос олишда тегадиган улушнинг яримдар кам бўлмайди – Ўз.Р. ФКнинг 1142-моддаси.

шарт қўйиб қабул қилиши мумкин эмас. Шундай қилиб, вориснинг бир томонлама хохиш-иродаси унга тегишли меросни тўла қабул қилиш ёки умуман қабул қилмаслик ҳуқуқидагина таъсир кўрсатади.

Васиятнома ва меросни васиятга кўра қабул қилиш ҳам ҳозирги вақтда мулкдорлик ҳуқуқининг пайдо бўлишига кенг тарқалган асос бўлиб хизмат қилмоқда. Лекин агар васиятнома йўқ бўлса, ёки у ҳақиқий эмас деб топилган бўлса, барча меросхўрлар ундан воз кечган ёки улар номуносиб деб топилган бўлса, ёки васиятномада айтиб ўтилган шахс мерос очилгунга қадар вафот этган бўлса, унда меросий мол-мулкга мулкдорлик ҳуқуқи қонун бўйича меросхўр бўлган шахсларда пайдо бўлади.

Қонун бўйича мерос олиш – бу ҳам мол-мулкни ўз эгаллигига олишнинг бир асосидир. Мерослик ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи институти сифатида гендер нейтралдир. У меросхўрларга ҳеч қандай имтиёзлар бермайди ва уларнинг жинсига қараб ҳуқуқларини чекламайди. Қонун бўйича меросхўрлар қаторига киритилган эркаклар ҳам, аёллар ҳам навбатларга ажратилган, яъни уларнинг ҳар бири ундан олдингиси йўқ бўлса ёки меросдан воз кечган бўлса, кейинги навбатдагиларда ворислик ҳуқуқи пайдо бўлади.

Мамлакатимиз қонунчилигида қонун бўйича меросхўрларнинг бешта навбати белгиланган. Биринчи навбатга мерос берувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган ва мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг 300 кун давомида туғилган болалар), турмуш ўртоғи ва ота-оналари (фарзандликка олувчилар) қиради. Иккинчи навбатга тўлиқ қариндошлар (ота ва онаси умумий бўлганлар) ва тўлиқ қариндош бўлмаган (умумий ота – ягона қондош, умумий она – ягона қондош) ака-ука ва опа-сингиллар, шунингдек мерос берувчининг ҳам ота, ҳам онаси томонидан буваси ва бувиси тегишлидир. Учинчи навбатда меросни мерос берувчининг амаки-тоға ва амма-холалари олади. Тўртинчи навбатга – мерос қолдирувчининг олти авлод-аждодигача бўлган бошқа қариндошлари қиради (шу жумладан, бувининг онаси ва буванинг отаси, холавачча ака-ука ва опа-сингиллар, жияннинг неваралари ва ҳоказо). Устунлик кўпроқ яқин қариндошларга берилади. Бешинчи навбатда мерос қолдирувчининг меҳнатга лаёқатсиз боқими меросга жалб қилинади. Улар қаторига мерос қолдирувчи билан биргаликда унинг вафотида қадар бир йилдан кам бўлмаган вақт давомида у билан яшаган ва унинг қарамоғида бўлган шахслар қирмайди, чунки улар мерос олишга жалб қилинувчи навбатдаги меросхўрлар билан баробар мерос оладилар. Шу билан бирга бошқа меросхўрлар бўлган тақдирда мерос қолдирувчининг меҳнатга лаёқатсиз боқими ҳаммаси бирга мероснинг тўртдан бир қисмидан кўп бўлмаган қисмини меросга олишлари қонунда белгиланган (Ўз.Р. ФК 1141-модда).

Агар қонун бўйича меросхўр мерос очилгунига қадар вафот этган бўлса, у ҳолда Ўз.Р. ФК 1140-моддасига мувофиқ, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик бошланади, унда вафот этган меросхўрнинг улуши унинг авлодларига ўтиши кўзда тутилади. Бу улуш қонунга кўра тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворис билан бир хил қариндошлиқда бўлган авлодлар ўртасида теппа-тенг бўлиниши керак. Масалан, мерос қолдирувчи ўғлининг вафотидан кейин яшаб қолган бува бўлса, у ҳолда вафот этган ўғилнинг улуши унинг барча фарзандлари (мерос қолдирувчининг набиралари) ва турмуш ўртоғи (келин) ўртасида теппа-тенг бўлинади.

Бола, невара, чевара, эвара меросхўрлигида тақдим қилиш ҳуқуқи қариндошлиқ даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади, ен қариндошлиқ бўйича меросхўрликда тақдим қилиш ҳуқуқиға мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари (опа-сингиллари) номидан унинг жиянлари ехуд мерос қолдирувчининг туғишган амакиси (тоғаси) еки аммаси (холаси) номидан унинг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холаваччалари) эға бўладилар.

Турмуш ўртоғининг вафотидан кейин яшаб қолган эр (хотин)нинг меросға бўлган ҳуқуқи унинг бошқа мулкый ҳуқуқларига, шу жумладан никоҳ давомида биргалиқда орттирилган мол-мулкнинг бир қисмиға эғалиқ ҳуқуқиға даҳл қилмайди. Меҳнатға лаёқатли эр ёки хотин агар мерос очилгунға қадар никоҳ амалда тугатилган бўлса ва эр-хотин беш йилдан кам бўлмаган вақт давомида алоҳида яшаганликлари исботланса, суд томонидан қонун бўйича мерос олишдан четлаштирилиши мумкин.

Қонун бўйича мерос олган ҳар қандай меросхўр ворисларға тегишли бўлган улушларға мувофиқ мероснинг бўлинишини талаб қилиш ҳуқуқиға эғадир. Бўлиш меросхўрлар ўртасида келишувға кўра, унга эришилмаган ҳолда суд томонидан амалға оширилиши мумкин. Ўз.Р. ФКнинг 1153-моддасиға биноан меросға кирувчи мулкка айрим муросхўрларнинг имтиёзли ҳуқуқи белгиланган. Масалан, мерос қолдирувчи билан мерос очилгунға қадар уч йил давомида биргалиқда яшаган меросхўрлар турар-жой, квартира ёки бошқа яшаш хоналари, шунингдек уй-рўзғор буюмлари мероси таркибига нисбатан имтиёзли ҳуқуқға эғадирлар.

Агар меросхўрлар мерос қолдирувчи билан бирға мулкға умумий эғалиқ ҳуқуқиға эға бўлган бўлсалар, унда улар ушбу мулкни натурада олиш учун имтиёзли ҳуқуқға эға бўладилар. Қолган меросхўрларға мерос таркибидан бошқа мулк тақдим этилиши керак. Агар уларға тегишли бўлган улушни қоплаш учун мазкур мулк етарли бўлмаса, унда улар имтиёзли ҳуқуқға эға бўлган меросхўрдан пуллик ёки мулкый компенсацияни талаб қилиш ҳуқуқиға эғадирлар. Мерос таркибига кирувчи корхона натурада бўлиниши мумкин эмас ва у меросхўрларнинг уларға тегишли бўлган улушларига мувофиқ умумий улушли мулкға ўтади (Ўз.Р. ФК 1152-модда).

Кўриб турганимиздек, юқорида келтирилган мулкдорлик ҳуқуқига эга бўлиш асосларининг аксариятидан аёллар фойдаланиши мумкин. Улар бу ҳуқуқлардан эркаклардан иқтисодий қарамликни камайтириш, келажакда эса тўлиқ бартараф этиш, улар билан тенгҳуқуқлилиқка эришиш ва жамиятдаги ўз мавқеларини оширишда фойдаланишлари мумкин.

ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Ирина Черкашина

Аёлларнинг жамиятдаги аҳволини яхшилаш, уларнинг мавқеини ошириш уларга берилган барча ҳуқуқ ва эркинликларнинг тўлиқ амалга ошиши билан бевосита боғлиқ. Давлат буни қўллаб-қувватлаши, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши шарт. Давлатнинг ҳимоя чора-тадбирлари турлича бўлиши мумкин:

- қонунчиликни ислоҳ қилиш, мукаммаллаштириш ва унда аёлларни камситувчи қоидаларни бекор қилиш;
- қонунчиликда аёлларни ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишдан маҳрум этувчи камчиликларни бартараф этиш;
- хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминловчи тан олинган халқаро ва миллий қонунчиликка жорий этилган меъёрларга амалда риоя қилиниши мониторингини ўтказиш;
- хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;
- бевосита хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланувчи жамоатчилик ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Гендер тенглигини давлат томонидан ҳимоя қилиш чораларининг асосийларидан бири – бу аёлни камситувчи шахснинг юридик масъулиятидир. Давлат томонидан белгиланган ёки маъқулланган ҳуқуқ-атворнинг умумий мажбурий қоидалари, барча, шунингдек давлат органлари томонидан бажарилиши шарт. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, агар улар давлатнинг мажбурловчи кучи билан мустаҳкамланмаган бўлса, фақат қоғозда қолиб кетиши мумкин. Уларни бузиш эса, ким томонидан амалга оширилишидан қатъи назар, жазосиз қолмаслигини англади. Ҳуқуқбузарликнинг айбдорларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳеч қандай истисноларсиз ва изоҳларсиз жавобгарлик чоралари қўрилиши шарт. Жавобгарликнинг муқаррарлиги бошқа шахслар томонидан бу каби ҳуқуқбузарликлар содир этилишини бартараф этувчи превентив чора сифатида юзага келади.

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқбузарларга нисбатан қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг тўртта асосий тури маълум:

1. *Фуқаролик-ҳуқуқий (ёки мулкӣ) жавобгарлик.* Бу ҳуқуқбузарга нисбатан қонунда ёки шартномада белгиланган таъсир чораларини қўлланишдан иборат бўлиб, улар мулкӣ характердаги салбий оқибатларга, яъни зарарларни тўлиқ қоплаш, неустойкаларни (жарима, пеня) тўлаш, шу жумладан маънавий зарарни қоплашга олиб келади. Мулкӣ жавобгарликка меҳнат ҳуқуқида назарда тутилган иш берувчи томонидан ишчи ва ишчидан иш берувчига нисбатан етказилган зиён учун *моддий жавобгарлик* ҳам тааллуқли;

2. *Интизомий жавобгарлик* – меҳнат интизомини бузганлик учун жавобгарлик (меҳнат шартномаси тузилган шахсларга нисбатан қўлланилади). Ҳуқуқбузарларга қуйидаги интизомий чоралар қўрилиши мумкин: хайфсан, ўртача ойлик маошининг 20%дан кўп бўлмаган миқдорда жарима солиш (жиддий ҳуқуқбузарликлари учун – 40%гача) ва меҳнат шартномасини тугатиш;

3. *Маъмурий жавобгарлик* – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекса назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун фуқаро ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигидир. Маъмурий ҳуқуқбузарликларга нисбатан қуйидаги маъмурий чоралар қўрилади); жарима; маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита буюми бўлган буюмни муайян ҳақ эвазига ундириш; маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита буюми бўлган буюмни мусодара қилиш (муайян ҳақсиз олиб қўйиш); мазкур шахсга берилган махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш (транспорт воситаларини бошқариш, ов қилиш ҳуқуқи); маъмурий ҳибсга олиш (3 кундан 15 кунгача муддатга); хорижий фуқаро ёки фуқаролик мақомига эга бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юбориш;

4. *Жиноий жавобгарлик* – Жиноят кодексига назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилган шахсга нисбатан суд ҳукмига қўра давлат томонидан қўриладиган жазо, яъни мажбурлаш чораси. Жазонинг асосий турлари қуйидагилардан иборат: жарима; муайян ҳуқуқдан маҳрум этиш; ахлоқни тузатиш ишлари; хизмат бўйича четлантириш ва интизомий қисмга юбориш ва қўшимча жазо сифатида – ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум этиш (ҳарбий жиноятларда айбланувчиларга нисбатан); ҳибсга олиш; озодликдан маҳрум этиш.

Қонунчиликда белгиланган хотин-қизларнинг ҳуқуқини бузган шахс фақат мазкур жавобгарлик чораларига тортилиши мумкин, чунки ҳозирги вақтда қонунчиликда камситишга қарши махсус чоралар мавжуд эмас. Бундан ташқари, айна аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини камситувчи ва ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланувчи ҳамда бунинг учун жавобгарликка тортилиши шарт бўлган ҳаракатлар қонунчиликда ниҳоятда кам. Мисол тариқасида Ўз.Р.нинг Жиноят кодексидан атиги бир нечта моддаларни келтириш мумкин: 141-модда – фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш; 121-модда – аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш; 115-модда - аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш; 136-модда - аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш; 148-модда – аёлни ҳомилдорлиги ёки ёш болани парвариш қилаётганлигини била туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш орқали аёлларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш. Яна инсон ҳаёти ва саломатлигига қарши қатор жиноятлар мавжуд, бу борада ҳомилдорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан

содир этилган жинойатлар учун жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатлар (97, 104, 105, 110 моддалар).

Шундай қилиб, республикамизда амал қилаётган қонунчилик умуман олганда, эркаклар ва аёлларнинг вакилларига нисбатан амал қиладиган махсус меъёрларни ажратмаган. Аёллар ахволини умумий меъёрлар билан таққослаганда фарқловчи барча чоралар улар учун имтиёз сифатида белгиланади, уларни тақдим этиши керак бўлганлар эса бунга салбий муносабатда бўладилар. Масалан, иш берувчи (шу жумладан, хусусий корхона раҳбари ҳам) қонун бўйича ўз даромади ҳисобидан аёлга фарзанди 2 ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш бўйича таътил учун ҳақ тўлаши керак. Табиийки, унинг ишлаб чиқаришига меҳнатини сарфламаётган, ходимга нисбатан у олдиндан салбий муносабатда бўлади, чунки даромаднинг бир қисми иш берувчига тегиши керак. Натижада бундай вазиятда бўш иш ўрни малакаси юқори ва мутахассислиги бўйича тажрибаси кўпроқ бўлса-да аёлга эмас, балки эркакга таклиф этилади.

Жаҳон тажрибасида аёллар ҳуқуқларини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларни ҳимоя қилишга турлича ёндашувлар мавжуд. Аёл ва эркак жинсига мансуб фуқаролар ўртасидаги фарқни эътироф этган, ушбу фарқларни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқлар ҳар бир жинсга¹ мос равишда уларнинг биронтасини ҳам камситмаган ҳолда белгиланади. Мамлакатимизда жинслар ҳуқуқларини бу тарзда рўёбга чиқариш, эҳтимол, ҳуқуқий ислохотнинг келгусидаги босқичларидан бири бўлади.

Ҳозирги вақтда қонун моддаларининг аёлларни ҳамон камситувчи моддаларини имкон қадар камайтириш зарур. Бунинг учун хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ халқаро ҳужжатларда иштирокчи-давлатларга аёллар ҳуқуқларини камситувчи қоидаларни бартараф этиш мақсадида амалдаги қонунчиликнинг гендер экспертизасини ўтказиш тавсия этилган. Қонунчиликнинг янги қабул қилинаётган ҳужжатларида камситувчи меъёрлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун барча қонун лойиҳаларини гендер экспертизадан ўтказиш ҳам тавсия этилади.

Қонунчиликнинг гендер экспертизасини ўтказиш авваламбор, қонунчилик меъёрларида бартараф этишни талаб қилувчи жинсга оид ҳуқуқларни фарқлаш ёки чеклашни аниқлашга, ва, иккинчидан, хотин-қизлар ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонунчиликни инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларига мослаштиришга қаратилган.

¹ Қаранг: Комитет по правам женщин СНГ. Доклад Московского центра гендерных исследований и Сети женщин ВОСТОК-ЗАПАД (Network East-West Women) «Комитет по правам женщин СНГ». – В кн.: Хрестоматия к курсу «Основы гендерных исследований». – М., 2001, с.161.

Бундай экспертизанинг долзарблиги ва муҳимлигига шубҳа йўқ, аммо уни амалиётга тадбиқ этишда муаммолар мавжуд: аёлларнинг ҳуқуқлари бўйича ихтисослашган, эксперт кенгашига киришлари мумкин бўлган ҳуқуқшунос-тадқиқотчиларнинг етишмаслиги; хотин-қизларга нисбатан камситишни баҳолаш мезонлари ва ёндашувлари ишлаб чиқилмаган; хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга ва миллий қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилувчи механизм мавжуд эмас.

Экспертиза Ўзбекистон томонидан эътироф этилган, бошқа қонунлар уларга зид бўлмаган халқаро ҳуқуқий меъёрларга ва мамлакатимиз Конституциясига асосланадиган бўлса, у ҳолда унинг эксперт хулосаларида ақс этган натижалари бажариш учун мажбурийдир. Гендер экспертизасининг салбий хулосасини олган қонунни Олий Мажлис қабул қилиши, Президент имзолаши мумкин эмас. Шу тариқа, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияда (1979 й.)² мавжуд бўлган аксарият тавсияларни бажаришни таъминлаш мумкин бўлади.

Юқорида қайд этилган фикр-мулоҳазалардан шундай хулоса келиб чиқадики, гендер тенглиги миллий ҳамда халқаро даражада ҳам ҳимояга муҳтож. Миллий қонунчиликдаги меъёрлар давлатлар томонидан имзоланган ва ратификация қилинган ҳужжатлардаги халқаро ҳуқуқ меъёрларига зид бўлмаслиги керак. Қонунчилигимизда халқаро меъёрларга устунлик берилди. Агар халқаро шартнома ёки битим томонидан миллий қонунчиликда кўзда тутилган меъёрлардан фарқли ўларок, бошқа қоидалар белгиланган бўлса, унда халқаро шартнома ёки битимнинг қоидалари қўлланилади.

Миллий қонунчиликни халқаро меъёрларга мослаштириш – халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаган ва ратификация қилган давлатларнинг мажбуриятларидан биридир. Ҳозирги вақтда жаҳон ҳамжамияти аёлларнинг ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига ниҳоятда жиддий муносабат билдирмоқда. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги масалалар мунтазам равишда БМТ Бош Ассамблеясининг кун тартибига қўйилмоқда.

БМТ раҳнамолигида махсус ўтказиладиган Хотин-қизлар аҳволи бўйича жаҳон анжуманларининг аҳамияти ҳам жуда катта. Биринчи Умумжаҳон конференцияси (Мехико, 1975й.) БМТ Аёллар ўн йиллигини (1976-1985 й.й.) эълон қилишининг ташаббускори бўлган, Копенгагендаги (1980й.) ва Найробидидаги (1985й.) конференцияларда БМТга аъзо давлатларнинг ҳукуматларига эркаклар ва аёллар ўртасида тенгликни таъминлаш масаласини ҳал этиш бўйича йўналишлар тақлиф этилган.

² CEDAW Конвенцияга қаранг.

1995 йилда Пекинда бўлиб ўтган Тўртинчи Умумжаҳон хотин-қизлар анжумани, аниқроқ айтганда, унда қабул қилинган Декларация ва Ҳаракат дастури гендер тенглиги масаласини биринчи ўринга қўйди. Улар аёллар аҳволини яхшилаш бўйича халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг асосий йўналишларини белгиладилар, шунингдек, жинслар тенглигини амалга оширишда давлатнинг роли муҳимлигини таъкидладилар. Бу устун йўналишлар БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилда Нью-Йоркда бўлиб ўтган “Аёллар 2000 йилда: XXI асрда эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик, ривожланиш ва тинчлик” мавзусидаги махсус сессиясида тасдиқланди. Мазкур сессия Найробидаги конференцияда ишлаб чиқилган истикболли стратегияларни амалга оширишда давлатларнинг эришган ютуқларини баҳолашга бағишланган эди. Унда Пекин Ҳаракат дастури қабул қилинганидан сўнг беш йил ичида дунёда аёлларнинг аҳволида юз берган ўзгаришлар таҳлил этилган эди. Шу билан бирга давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг бу борадаги янги ташаббуслари ва истикболдаги ҳаракат режалари муҳокама қилинди. Сўнгги икки халқаро анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўлақонли аъзоси сифатида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Жаҳон ҳамжамияти гендер тенглиги муаммоларини ихтисослаштирилган органлар ва ташкилотларни тузиш орқали ҳал қилишга уринмоқда. Жумладан, БМТ Уставига мувофиқ (22-модда) Бош Ассамблея Инсон ҳуқуқлари бўйича доимий ишлаб турадиган комиссияни тузган. Мазкур комиссиянинг асосий вазифаларидан бири – бу дунёда гендер сиёсати юритилишини ва аёлларнинг аҳволи яхшиланишини кузатишдан иборат. Комиссия мазкур соҳадаги ечими қийин бўлган муаммоларни ўрганиш, уларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда давлатларга уларни ҳал қилиш йўллариини таклиф этадиган махсус кузатувчилар ва маърузачилардан фойдаланади.

Халқаро миқёсда аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқаро битимлар асосида таъсис этилувчи конвенциявий органлар муҳим ўрин тутди. Бундай органлардан бири – бу Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенция (1979 й.) томонидан унинг амалга оширилишини кўриб чиқиш учун таъсис этилган Хотин-қизлар камситилишини бартараф этиш қўмитасидир.

Иштирокчи-давлатлар Конвенция қоидаларини бажариш учун улар қабул қилган қонунчилик, суд, маъмурий ва бошқа жазо чоралари ҳамда бу борада эришилган ютуқлар тўғрисидаги маърузани Қўмита кўриб чиқиши учун БМТ Бош Котибига тақдим этиш мажбуриятини оладилар. Маърузада Конвенция бўйича мажбуриятларнинг бажарилишига таъсир кўрсатаётган омиллар ва қийинчиликлар кўрсатилиши мумкин.

Ўз навбатда Қўмита ҳар йили БМТ Бош Ассамблеясига ўз фаолияти тўғрисидаги маърузани тақдим этади. Иштирокчи-давлатларнинг

маърузаларини ва улардан олинган маълумотларни ўрганиш асосида Қўмита Ассамблеянинг кўриб чиқиши учун умумий характердаги таклиф ва тавсияларни киритиш ҳуқуқига эга.

Хотин-қизларни камситишни бартараф этиш қўмитаси йигирма тўртинчи сессиясида (2001 йилнинг 25 январидан 30 январигача бўлган мажлисда) Конвенциянинг мамлакатимизда қандай бажарилаётганлиги юзасидан Ўзбекистоннинг дастлабки ҳисоботини кўриб чиқди. Маърузада таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳукумати аёлларни лавозимларга кўтариш бўйича фаолиятнинг олти устун йўналишини белгилаган. Шу жумладан:

- гендерга йўналтирилган ҳуқуқий базани яратиш (Ҳукумат аёлларнинг аҳолига оид масалага бевосита алоқадор бўлган 70 та қонун ва меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олган тўпламни чоп этди);

- аёллар мавқеини ошириш борасида миллий механизмларни яратиш (Республика Президенти ва Ҳукумати томонидан тегишли давлат органларига турли соҳаларда аёллар манфаатларини ҳимоя қилувчи янги қонунларни ишлаб чиқиш, шунингдек мавжуд қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни гендер жиҳатдан баҳолашни амалга ошириш юклатилган эди);

- инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институционал тузилмаларнинг кенг тармоғини ташкил қилиш (Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, хотин-қизлар ишлари бўйича Бош Вазир ўринбосари ва жойлардаги ҳокимларнинг тегишли ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш масалалари қотибияти).

- аёллар учун сиёсат ва дастурларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этувчи хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари сонининг (100 зиёд) кўпайиши;

- Ҳукумат томонидан инсон ҳуқуқлари, хотин-қизлар ҳуқуқларини қамраб олган ҳолда, миллий ҳаракат дастурининг қабул қилиниши (мактаблар ва университетларда инсон ҳуқуқлари бўйича махсус курслар киритилган);

- Ҳукумат ва ишбилармон доиралар томонидан хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш.

Қўмита маъруза бўйича ўз шарҳларини берган, унда жумладан Конвенцияни бажариш бўйича мамлакатда олиб борилаётган тадбирларнинг ижобий жиҳатлари, шунингдек, унинг амалга оширилишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва қийинчиликлар таъкидланган. Конвенциянинг тўлиқ бажарилишига асосий тўсиқлар сифатида иқтисодий ва сиёсий соҳаларда ўтиш даврининг салбий оқибатлари ҳамда мамлакатдаги экологик вазиятнинг ёмонлашгани айтиб ўтилган.

Қўмитанинг алоҳида эътибори шунга қаратилдики, Конституция ва ички қонунлар барча фуқароларнинг тенглигини кафолатласа-да, лекин уларда Конвенциянинг (1979 й.) 1-моддасида назарда тутилган аёлларга

нисбатан камситишнинг таърифи берилмаган. Шу билан бирга Қўмита жойлардаги суд органлари томонидан Конвенция қоидалари эътиборга олиниши ёки олинмаслиги ҳақида ахборотларни маърузада кўрмади.

Қўмита Ўзбекистон Республикасига куйидагиларни тавсия этди: Конституцияга ва инсон ҳуқуқларини тартибга солувчи бошқа қонунларга камситиш таърифини киритиш; вақтинчалик махсус чоралар тўғрисидаги қоидаларни киритган ҳолда аёллар ва эркакларнинг тенг имкониятлари ҳақидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш (1979 й. Конвенциянинг 4-моддасига мувофиқ). Қўмита кейинги ҳисоботда мазкур тавсияни бажариш ҳамда аёлларнинг республика Конституциясида ва Конвенцияда қафолатланган ҳуқуқларини тиклаш учун хотин-қизлар қандай механизмлардан фойдаланиши мумкинлиги тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини сўраган.

Қўмита томонидан маърузанинг 20 дан кўпроқ банди бўйича қўмитани ташвишга солувчи жиҳатлар таъкидланган ҳамда Ўзбекистонда аёллар аҳволини яхшилашга доир тавсиялар берилган. Шарҳда маърузада акс эттирилмаган масалалар кўриб чиқилган (масалан, патриархал муносабатлар ва қоидаларнинг айниқса оилада қайта тикланиши; хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг тарқалиши ва ҳоказо), чунки Қўмита республикада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ишларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида муқобил маърузани олган. Бу Қўмита ишининг самарадорлигини оширади, лекин бу самарадорлик ҳали ҳам жуда оз, чунки конвенцион органлар иштирокчи давлатлар учун мажбурий бўлган қарорлар ва ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Маълум бўлишича, мулоҳазалар ва тавсияларни осонгина рад этиш, уларни бажармаслик ҳам мумкин.

Халқаро даражада аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ижобий жиҳатларидан бири бу Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга Факультатив протоколнинг қабул қилинишидир (1999 й.). Протокол аёлларга инсоний ҳуқуқларнинг бузилиши юзасидан норозилик билдиришларига ва миллий даражада бошқа чоралар бўлмаганда Факультатив протоколнинг чораларидан (“шикоят чораси” ва “тергов жараёни”) фойдаланишга имкон беради.

Факультатив протокол аёлларга уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳукумат органлари устидан, агар миллий ҳукумат томонидан ёрдам олишнинг имкони бўлмаса, шикоят қилишга рухсат беради. Қўмита Конвенцияга кўра давлатларнинг илгари сурилган талаб ва мажбуриятлари билан боғлиқ барча фактларни кўриб чиқиши мумкин эди. Агар давлат мазкур мажбуриятларни бажаришининг имкони бўлмаса, Қўмита бундай вазиятдан қандай чиқиб кетиш ҳақида ҳукуматга тавсия бериши мумкин. Тергов жараёни Қўмитага аёлларнинг инсоний ҳуқуқлари жиддий ва мунтазам бузилаётгани юзасидан тергов олиб

бориш ҳамда бундай ҳуқуқ бузилишлари ҳақидаги маълумотларни олган тақдирда, ўз ташаббуси билан чоралар кўриш имконини беради³.

Таъкидланганидек, ҳуқуқи поймол этилган аёлни ҳимоя қилиш, агар давлатдаги барча ички ҳуқуқий ҳимоя воситалардан фойдаланиб бўлинган бўлса, халқаро ташкилотлар, жумладан юқорида айтиб ўтилган Қўмита томонидан амалга оширилиши мумкин.

Аёллар ҳуқуқларинг бузилишини бартараф этиш, уларга берилган ҳақ-ҳуқуқлар ва эркинликларни рўёбга чиқаришга доир тегишли ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш учун нафақат миллий қонунчиликнинг халқаро-ҳуқуқий меъёрларга мослиги, шу билан бирга бу меъёрларни амалда қўлланиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган воситалардан уларнинг ўзлари фойдалана олишлари доимий *мониторингини* (кузатишни) олиб бориш зарур. Аёлларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши мониторингини нафақат махсус ваколатли давлат органлари (Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, статистика органлари), шу билан бирга хотин-қизлар нодавлат ташкилотлари ҳам олиб бориши мумкин. Мазкур органлар ва ташкилотлар аёлларнинг ҳуқуқлари бузилганлигига доир маълумотларни тўплаб ва таҳлил қилиб, қонунчиликни мукамаллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқадилар ҳамда уларни Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссияларига юборадилар.

Хотин-қизларнинг манфаатларини таъминлаш чоралари Давлат дастурига мувофиқ⁴, илк бор 1999 йилда Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган халқаро меъёрларнинг бажарилиши юзасидан мониторинг ўтказилган эди. Ўзбекистон Республикаси ўзининг халқаро мажбуриятлари ҳамда аёллар ҳуқуқлари тўғрисида қабул қилинган қонунларнинг амалга оширилиши соҳасидаги вазиятни кузатиб туриш мақсадида доимий ишлаб турувчи мониторинг тизимини яратишни зарур деб тан олди. Дастлабки ўтказилган мониторинг бўйича ҳисобот давлат тузилмалари, жамоатчилик ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларидан олинган материалларга ва аёллардан тушган аризаларга асосланган минтақадаги вазиятни таҳлил қилиш асосида турмушнинг ҳар хил соҳаларида аёлларнинг ҳуқуқлари бузилиши фактлари тўғрисидаги маълумотлар тўпламидан иборат

³ Факультативный протокол к Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин (1979 г.).

⁴ Дастур Олий Мажлис 1998 йилда маъқуллаган Ўзбекистонда хотин-қизлар вазиятини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш миллий ҳаракат платформасининг ажралмас қисмидир.

бўлган⁵. Шундай қилиб, барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ички ва халқаро ҳуқуқ меъёрларини қандай бажараётганликлари устидан давлат ва жамоатчилик назорати йўл қўйилган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг сабабларини ўрганиш ва уларнинг олдини олиш чораларини кўришга кўмаклашади.

Республикамизда аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш суд ва судга тегишли бўлмаган ҳимоя томонидан қафолатланади. Бажарилиши мажбурий бўлган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда бевосита белгиланган аёлларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳақидаги ариза кўриб чиқиш учун судлар томонидан қабул қилинади. Адолатли судни амалга ошириш жараёнида судьялар фақат қонунга асосланидилар. Ҳеч кимнинг – давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар – ишни қандай хал қилиш юзасидан судга кўрсатма беришга ҳақи йўқ. Аризалар қандай ҳуқуқлар бузилганига қараб, фуқаролик ишлари бўйича судларга берилади (меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, эр-хотиннинг ажралиши ва мол-мулкнинг бўлиниши, мулкӣ ҳуқуқнинг ҳимояланиши, ҳаёт ва соғлиққа етказилган зарарни қоплаш, уй-жой низолари ва ҳоказо) ҳамда хўжалик судларига (тадбиркорлик фаолият билан шуғулланиш билан боғлиқ низолар) мурожаат қилинади. Жиноий судларда жиноят содир этилганлиги билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилади. Агар чиқарилган қарорлар ва ҳукмларни шахслар ноқонуний деб ҳисобласа, унда улар бу ҳукмларни юқори судларга апелляция (агар ҳукм қонуний кучга кирмаган бўлса) ва кассацион (агар ҳукм қонуний кучга кирган бўлса) тартибда олиб чиқишлари мумкин. Агар асосли сабабларга кўра апелляция (кассация) идорасининг суд қарори (ҳукми) баҳслашувчи тарафларни қониқтирмаса, улар Ўзбекистон Республикаси Олий Судига ёки Прокуратурасига назорат тартибида шикоят қилишлари мумкин. Инсон ҳуқуқлари давлат томонидан ҳимояланишининг ягона тизимини тузиш ҳуқуқ ва эркинликнинг суд ҳимоясини тўлдиришга хизмат қилувчи қатор институт ва механизмларни ташкил этишни талаб қилади. Судга тегишли бўлмаган ҳимоя воситаларига кризис марказларини тузиш ва уларнинг фаолиятини юритиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш қиради. Ҳозирги вақтда энг самарали воситалардан бири – бу Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятидир⁶.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил – бу давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, корхоналар, муассасалар,

⁵ Рашидова С.Ш. Права женщин – права человека. «Состояние и перспективы развития гендерного равенства в Республике Узбекистан». – Ташкент, 7-8 сентября 2000 г. конференция материалларида. 3-б.

⁶ «Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман) тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелдаги қонуни – Ўз.Р. Олий Мажлиснинг Хабарномаси, 1997, 4-5-сон, 102-модда.

ташкilotлар, жамоатчилик бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан барча даражаларда инсон ҳуқуқларига оид қонунларга қандай рия этилаётганлигининг парламент назоратини таъминлаш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсдир. Қонунчиликда ташаббускорлик ҳуқуқига эга бўлган Вакил республиканинг инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга ва уни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштиришга, шунингдек, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари борасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

Вакил ўз ваколатини мустақил равишда, давлат органларига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга оширади. Ўз фаолияти тўғрисида у ҳар йили Олий Мажлис Сенатида ҳисобот беради. Вакилнинг ваколатига фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузаётган ташкilotлар ёки мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликлари устидан шикоят аризасини кўриб чиқиш киради. Шикоятни кўриб чиқиб, у ариза берувчига ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши учун қандай восита ва шакллардан фойдаланиши мумкинлигини кўрсатиши, аризани моҳиятига кўра ҳал қила оладиган ташкilotга ёки мансабдор шахсга шикоятни юбориши, ариза берувчини унинг ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳужжатлар ва материаллар билан таништириши ҳамда қонунчиликка зид бўлмаган бошқа чораларни кўриши мумкин.

Омбудсман ҳуқуқбузарлик фактларини ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш учун шахсий текшурув олиб бориш ҳуқуқига эга. Шу муносабат билан у вазиятларни текшириш учун ташкilot ва мансабдор шахсларга кўмак сўраб мурожаат қилиш; ташкilotларнинг вакилларини вазиятларни аниқлаш учун таклиф қилиш; ташкilotлардан ҳужжатлар, материаллар, бошқа маълумотларни сўраш ва олиш ҳамда мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш; ташкilotлар ва мансабдор шахсларнинг олдига тўсиксиз ташриф буюриш; мутахассисларга аниқланиши лозим бўлган масалалар юзасидан хулосалар тайёрлашни топшириш; инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилишида айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги масалалар судлар ваколатига тегишли бўлганда, Вакил бу масалаларни кўриб чиқиш учун ўзига олиш ҳуқуқига эга эмас.

Келиб тушган шикоятни текшириш тугаганидан сўнг Вакил томонидан инсон ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш юзасидан чоралар кўриш тўғрисида ташкilotлар ва мансабдор шахсларга тегишли тавсиялардан иборат хулосани тузади.

Шундай қилиб, ҳокимият олий органи қошидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти айни вақтда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашишга қаратилган. Республикамиз учун бу илк қадамлардир. Жаҳон тажрибасида фуқаро

билан давлат аппарати ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиб турувчи турли механизмлар, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқларига риоя этилаётганлиги устидан назоратни таъминлайдиган яхлит тизим мавжуд.

Аммо тажрибадан кўришиб турибдики, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлашнинг аниқ ҳуқуқий асослари ва механизмлари етарлича эмас. Мамлакатда тенглик маданиятини шакллантириш, аёлнинг жамият ва оиладаги мавқеини кучайтириш, унга нисбатан ижтимоий муҳитни ўзгартириш ҳамда аёлнинг ўзининг ўзига бўлган муносабатини ўзгартириш зарур.

**БОШҚАРУВДА ГЕНДЕР МАСАЛАЛАРИ:
ИШТИРОК ЭТИШ ТАМОЙИЛЛАРИ**

*Зулфия Турсунова,
Нодира Азизова*

Ҳокимиятнинг гендер назарияси. Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан давлат сиёсати. Ҳокимият органларида хотин-қизларнинг тенг вакиллиги: мақбул ва эътирозли жиҳатлар. Чет мамлакатларда электорал хатти-ҳаракат тажрибаси. Парламент сайловларининг гендер жиҳатлари. Ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги. Хотин-қизларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ишидаги иштироки.

Ҳокимиятнинг гендер назарияси. Гендер тадқиқотлари – дунёдаги энг ёш ва истиқболли илмий йўналишлардан биридир. У ҳуқуқ, оилавий муносабатлар, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият ва ҳоказо соҳаларни камраб олади. Гендер муаммоларини ҳал этиш учун комплекс ёндашув ҳамда эркаклар ва аёлларнинг кенг қатламини жалб қилиш талаб этилади. Гендер муносабатларини уйғунлаштириш жараёни бугунги кунда Ўзбекистонда содир бўлаётган умумдемократик жараённинг бир қисми сифатида англашилади.

“Гендер – бу жинслараро ижтимоий муносабатлардир. Айниқса, Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича IV умумжаҳон конференциясидан сўнг (Пекин, 1995 й.) ушбу атама тез-тез қўлланиладиган бўлди. Демократик давлат қуриш пайтида давлат эркакларнинг ҳам, хотин-қизларнинг ҳам фикрини инобатга олиш керак. Гендер муаммолари нафақат хотин-қизларга тааллуқли, у ҳокимият, мавқе, мулк тақсимоти масалаларига ҳам татбиқ этилади”.

Ижтимоий муносабатларнинг гендер нуқтаи назаридан кўриб чиқилиши биринчи навбатда, эркаклар ва хотин-қизларнинг ижтимоий вазибаларини ва ролларининг фарқи сифатида намоён бўлади. “Гендер” тушунчаси асосида эркаклар ва аёллар тўғрисида фақат биологик мавжудот сифатида қарашга асосланган гендер стереотиплардан воз кечиш мумкин бўлди.

Шу тариқа “Гендер атамаси – ҳар қандай жамиятда эркак ва аёл жинсига хос бўлган шахсга нисбатан англашиладиган хатти-ҳаракатлар ва нуқтаи назарлар бирлигидир. Гендер ёндашув эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик ёки жисмоний фарқларга эмас, балки мазкур

фарқларга жамият томонидан бериладиган маданий ва ижтимоий аҳамиятга асосланади”¹.

Ижтимоий муносабатларнинг гендер таҳлилида гендер номувофиқлик аниқланади. Бир жинс иккиламчи бўлиб, бошқасига бўйсундирилган. Шу нуқтаи назардан ҳокимият тақсимланишининг гендер таҳлили аҳамиятлидир. Ушбу таҳлил тарихийлик тамойилига асосланган. Яъни – давлат сиёсати ривожланиш жараёнида кўриб чиқилади, турли вақт босқичларида хотин-қизларга нисбатан ҳокимият тузилмалари англашилади. Хотин-қизларга нисбатан юритиладиган давлат сиёсатининг бир нечта кўриниши мавжуд:

Патриархат тур. (“патриархат” оталар ҳокимлиги дегани). У оилада ва жамиятда эркаклар ва аёллар вазифаларининг муайян тақсимланиши тамойилига асосланган. Патриархал онг ҳукмронлик қиладиган жамиятга қуйидаги хусусиятлар хосдир: “1) ижтимоий ва оилавий муносабатларда роллар қатъий бўлинган бўлиши керак, деган ишонч; 2) оилада ва жамиятда эркаклар етакчи, фаол рол ўйнайдилар, аёллар эса бўйсунувчан, пассив рол ўйнайдилар, деб англашиладиган қараш; 3) эркаклар ва аёлларнинг ҳаётий кадриятлари ҳар хил, деган ишонч: оила ва севги – аёллар учун асосий кадриятлар; оиладан ташқарида иш, касб, ўзини ўзи намоён этиш – эркакларга хос кадриятлар; 4) оилавий муносабатларнинг устунлигида эркаклар оила бошлиғи ҳисобланадилар, унинг бюджетига асосий ҳиссани қўшадилар; 5) аёлнинг жамиятдаги асосий роли оналик, яъни болани туғиб, тарбиялаш билан боғлиқ бўлган ҳулқ-атвор деб билиш; 6) аёлларнинг ҳулқ-атворини қоралаш, қачонки, аёл оиладан ташқарида ўзини-ўзи намоён этса, касбий ютуқларга эришса; 7) қизларнинг ҳулқ-атворидаги ўзига хос хусусиятлар ҳар томонлама мустаҳкамланиши ва ривожлантирилиши кераклигига бўлган ишонч; 8) жамиятнинг патриархал модели табиий, жинсларнинг биологик фарқларига асосланади, деган тасаввур; 9) аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини қоралаш”².

Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги тарихи патриархат сиёсат турига ёрқин мисолдир. Ислом Марказий Осиёнинг ўрта асрдаги жамиятида жуда катта рол ўйнаган. Ислом давлатчилиқ ва тартиб асоси бўлган. Шу сабабли хотин-қизларнинг нафақат оилада, шу билан бирга жамиятдаги иккинчи даражали ва бўйсунувчанлик роли динни расмий талқин қилувчиларга қўл келган. Бирок, аёллар шахсини кучли тарзда бостиришларга қарамай, истеъдодли шахслар - шоираларнинг номлари тарихда қолган: Хафиза-Мариям, Зебуниссо-бегим, Нури-Жаҳон-бегим, Жаҳон-отин Увайсий, Мохлар-ойим, Нодири-бегим, Дилшод, Анбар-отин

¹ Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. Воронина О.А. «Универсализм и релятивизм культуры в конструировании гендерной системы». М., 2001. с. 15.

² Г.Хасанова Гендер, политика, демократия. Институт Развития Казахстана, А., 2002, с. 153

ва бошқалар. Юқори табақадаги хотин-қизларнинг маълумотлилик даражаси етарлича юксак бўлган, бир нечта хорижий тилларни билиш мажбурий бўлган, шунингдек олий диний мадрасаларда энг яхши устозлардан сабоқ олиш имконияти бўлган. Шундай қилиб, патриархал тузум барча диний маросимлар ва анъаналарга қаттиқ амал қилишни талаб этган, жамият қабул қилган ақидалардан озгина чекинишга ҳам йўл қўйилмаган.

Полигамия ислом турмуш тарзининг ўзига хосликларидан бири бўлган. У инсонпарварлик ва эркаклар табиатини эътироф этиш нуқтаи назаридан кўпгина тадқиқотларда исломнинг ижобий жиҳатларидан бири деб қаралади. Бу эса хотин-қизларнинг нуқтаи назарига мутлақо зид бўлиб, уларни ҳисобга олмайди. Аёлнинг оиладаги шусиз ҳам камситилган аҳволи чидаб бўлмас даражага етади, аммо у эркакка тўла қарам бўлганлиги боис бунга чидашга ва тоқат қилишга мажбур.

XVI-XIX асрларда Ўрта Осиё ҳудудида давлатчилик асосларининг сусайиб бориши жараёни, ташқи ва ички сиёсатда иқтисодий ютуқларнинг барбод бўлиши, сиёсий парчаланиш юз бердики, буларнинг ҳаммаси тировардида чор Россиясининг ана шу ҳудудни мустамлакага айлантиришига олиб келди. Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин 1867 йилнинг 11 июлида Туркистон генерал-губурнаторлиги тузилди.

Каримова О., Омонова О., Основы государства и права Республики Узбекистан. Т., 2002. с. 111.

Туркистон Россия империясининг таркибига киргач, аста-секин маҳаллий буржуазия шакллана бошлади. Айнан ўрта ва кичик буржуазия муҳитида *жадидчилик* янги ҳаракати шаклланди (арабчада «янги» деган маънони билдиради). Ана шу ҳаракат вакиллари иқтисодиётда, маданиятда, айниқса таълим соҳаларида янги ислохотлар ўтказиш тарафдори эдилар. Улар янги намунадаги мактабларни ташкил этишга, мажбурий дастурга нафақат гуманитар, шу билан бирга техникавий фанларни ҳам киритишга ҳаракат қилишган. Қизларни янги мактабларга жалб этишга уринишлар муваффақиятсиз бўлди. Хотин-қизлар хусусида жадидлар уларнинг эзилишига қарши чиқдилар. Улар хотин-қизларни ҳимоя қилишга отландилар, аёл – бу ҳаётини танлаш, таълим олиш ҳуқуқига эга бўлган ШАХС эканини тан олдилар. Абдулла Қодирий, Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий, Абдулҳамид Чўлпон сингари ўзбек халқининг буюк ёзувчилари ўз асарларида хотин-қизларнинг янги яшашга бўлган хоҳишларини акс эттирдилар.

Айни бундай ижобий ўзгаришлар эндигина вужудга келаётган эди. Мусулмон аёл диний қонунларга тўлиқ қарам аҳволда эди. Шунингдек,

дин тақиқлари шунчалик кучли эдики, ундан бир оз оғиш ҳам шариат қоидаларни бузиш ҳисобланарди³.

VIII аср бошларида (705-715) араблар Қутайба ибн Муслим йўлбошчилигида Ўрта Осиёни ва жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудини босиб олдилар. Халифалиkning Моварауннаҳрдаги сиёсий ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва барқарорликни таъминлаш мақсадида ислом тарғиботига, унинг маҳаллий аҳолининг барча қатламлари орасида кенг тарқалишига алоҳида аҳамият берилган. Моварауннаҳрнинг диний ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган барча бошқа динлар ёлгон деб эълон қилинган. Маҳаллий аҳолининг қадимий дини бўлган зардуштийлик айниқса шафқатсиз таъқиб қилинган. Барча оташ ибодатхоналар вайрон қилинган ва уларнинг ўрнига жоме масжидлари бунёд этилган.

Каримова О., Омонова О., Основы государства и права Республики Узбекистан. Т., 2002. с. 111.

Шу тарзда инкилобгача бўлган даврда Туркистондаги тўлик ҳуқуқсизликка ва мусулмон аёлларнинг камситилганлигига гувоҳ бўламиз. Улар мутлақо ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлишмаган, давлат бошқарувида иштирок этиши тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди, яъни ушбу даврда сиёсатнинг патриархал тури тўла устунлик қилган.

Патерналистик сиёсат – бу хотин-қизларга нисбатан давлат протекционизми сиёсатидир. Сиёсат бу турининг асосий қисмлари куйидагилардан иборат: хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли юридик ижтимоий мавқеига эришиш; хотин-қизларнинг жамоат ишлаб чиқаришида кенг иштирок этиши, аёл кишининг учта ролни: ишчи, она ва уй бекаси вазифаларини барабар бажариши учун шароитларни яратиш; фарзанд туғилиши ва уни парваришлаш муносабати билан имтиёзлар, нафақалар, таътиллер бериш, аёллар меҳнатидан фойдаланишни чеклаш ва х.з.лар билан аёлларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини ташкил этиш⁴.

Сиёсатнинг бу тури 1970-1991 йилларга тўғри келади. Октябр инкилобидан кейин 1917 йилда Туркистонда ҳам фуқаролар уруши бошланди. Унга жамиятнинг барча табақалари жалб этилди. Бир томондан, деҳқонлар ва диндорларнинг катта қисми, бошқа томондан Советлар ва уларнинг шиорларига ишонган жадидлар, кейинчалик улар қатағонга учраганлар. Шундай қилиб, Туркистон бутунлай бўйсундирилди ва янгича усуллар билан эксплуатация қилина бошлади.

³ Шариат – бу Куръон асосида ишлаб чиқилган диний қонунлар ва нормалар мажмуаси. Арабчадан таржимада шариат “тўғри йўл”, “илоҳий йўл”, “қонун ҳужжатлари” маъносини беради.

⁴ Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. Хасбулатова О.А. «Гендерный подход в изучении политики и права». М., 2001. с. 186

Ўзбекистоннинг айна Совет даврида ҳукумат сиёсати хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг коммунистик-партиявий концепциясига асосланган. Барча Конституцияларда, аввалига РСФСР, сўнгра СССР Конституцияда аёллар меҳнат қилиш, таълим олиш, соғлиқни сақлаш ва ҳоказоларда эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга эканлиги қайд этилган. Бу банд Туркистон Автоном ССР Конституциясига киритилган. XX асрнинг 20-йиллариданоқ Ўзбекистонда хотин-қизлар ишлаб чиқаришга фаол жалб этила бошлади. Паранжини ташлаш бўйича “Хужум” компанияси хотин-қизларни озод қилишнинг чўққиси бўлди. 1927 йилнинг 8 мартида бутун Ўрта Осиё бўйлаб хотин-қизлар кенгашлари уюштирган хотин-қизларнинг оммавий митинглари бўлиб ўтди, улар вақтида исломий аёлларни бутунлай қорага ўраб олган паранжилар ёқиб ташланди. Жамият бундай ғояни қабул қилиб олишга тайёр эмасди. Бу эса эркак ва оила ор-номусини топташ деб баҳоланди, булар шарият қоидаларини, диний кишанларни тағ-томири билан тугатишга бўлган уринишлар эди. Хотин-қизларнинг кўплари ўғирлаб кетилди ва ўлдириб юборилди. Хотин-қизларни жамоат турмушига жалб этиш йўли қонли бузғунчиликларга тўла бўлди.

Бироқ бундай тенденция камситувчи тусда эди ва шундай бўлиб қолмоқда. Аёлларнинг кўпчилиги иқтисодий сабаблар туфайли фабрика ва заводларга бориб ишлашга мажбур бўлди. Давлат турар-жойларга яқин ерларда артеллар очиб ва озиқ-овқатлар учун талонлар бериш ва ҳ.з.лар тарзида бироз ижтимоий ёрдам кўрсатиб, хотин-қизларни эксплуатация қилишдан манфаатдор эди. Қуйидагича боғланиш кузатилади: соҳада хотин-қизлар улуши қанчалик кўп бўлса, ўртача иш ҳақининг даражаси шунчалик паст бўлди. Социалистик қурилишнинг барча босқичларида хотин-қизлар зарур ишчи кучи бўлиб, мамлакат иқтисодий ҳаётининг муҳим субъекти ҳисобланган. Шунга қарамай, давлатнинг ижтимоий сиёсати хотин-қизларнинг касбий ва оилавий вазифаларини бирга қўшиб олиб боришларини анча енгиллаштириши, меҳнат салоҳиятини ошириши, улар касбий фаолиятининг сифат характеристикаларини яхшилаши мумкин бўлган қатор муаммоларни ҳал этишга қодир эмас эди.

Дин Ўрта Осиёда ҳамisha жамиятнинг ажралмас хусусиятларидан бири эди ва шундай бўлиб қолмоқда. Советлар даврида боши берк кўчага олиб кириб қўйилган, барча шаклдаги кўринишлари билан тақиқланган дин коммунистик мафкура ғоясини ниқоб қилиб олди.

Янги совет тузумининг кўпдан-кўп камчиликларига қарамай, шуни таъкидлаш керакки, ўзбек жамиятини янгилашга кўмаклашган анчагина ижобий жиҳатлар ҳам йўқ эмас эди. Саводсизликка барҳам берилди, катта маълумотли қатлам пайдо бўлди. Хотин-қизлар жамият қурилишининг қатнашчиларига айланишди. Зотан бу жараён ҳам оилавий муносабатлар даражасида, ҳам давлат даражасида ўрта аср аъёнлари ва гендер стереотиплар билан ҳамма вақт тўқнаб келмоқда. Ҳуқуқлар тенглиги имкониятлар тенглиги билан кафолатланмаган. Хотин-қизлар масалаларини

ҳал этишдаги хоҳиш билан ҳақиқат доимо бир-бирига зид бўлган ва бу нарса кўплаб кўринмас тўсиқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

Бошқарув соҳасида ҳам хотин-қизларнинг улуши жуда кам бўлган. Бутун совет даврининг ижтимоий амалиёти шуни кўрсатдики, сиёсат ва бошқарув соҳасида хотин-қизларнинг олий маълумотлилиги ва касбий салоҳияти, ташаббускорлиги ва ишга қобилияти давлат томонидан унчалик талабга муҳтож бўлмади. “Ғарбдаги феминистлар курашадиган ўтмиш сарқитлари эркакларнинг хотин-қизларга турли шаклларда эгалик қилишга бўлган даъвоси бўлса, совет тизимида янги хусусият юзага келди. Давлат хотин-қизларни эксплуатация қилувчи ва бу борада эркаклар билан рақобатлашувчи учинчи қудратли кучга айланди”⁵.

Шу сабабли бугунги кунда бошқарув соҳасида хотин-қизларнинг устун вакилликка эришишга ҳаракат қилиш зарур. Бу қонунчилик ва сиёсий ҳокимият органларида, ишлаб чиқариш ва меҳнат жамоаларини бошқаришда хотин-қизлар билан эркакларнинг тенг вакилликдир.

Давлат сиёсатининг **эгалитар тури** шахснинг жинсидан қатъи назар, барча ижтимоий соҳаларда ўзини ўзи намоён этиши учун тенг шароитларни яратишни мақсад қилиб қўйган. “Хотин-қизларнинг касбий фаолиятнинг барча соҳаларида, шу жумладан давлатни бошқаришда иштирок этиши, ишлаб чиқариш ва касбий ноишлаб чиқариш фаолиятида тармоқлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлашда нисбатларни тенглаштириш, оила аъзоларини зерикарли уй ишларидан мумкин қадар бўшатиш учун шарт-шароитларни яратиш, ота-оналарга болаларни парваришлаш билан боғлиқ давлат имтиёзларини тадбиқ этиш, жамиятда эркаклар билан аёлларнинг роли хусусидаги патриархат ақидаларни бартараф этиш, жинсларнинг ижтимоий тенглиги тўғрисида жамоатчиликда мақбул фикрни вужудга келтириш эгалитар сиёсатнинг асосий йўналишларидир”⁶.

Ўзбекистонда хотин-қизларга нисбатан давлат сиёсати **1991 йилдан бошлаб замонавий хотин-қизлар ҳаракатининг ривожига янги босқични очиб берди**. Ўзбекистон мустақил давлат бўлди. Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикасида аёлларнинг жамиятда ва оиладаги мавқеини мустаҳкамлаш борасида катта ўзгаришлар содир бўлди. Давлат устиворликлардан бирини юртдош аёлларимиз аҳволини яхшилаш ташкил этди. Ҳозирги давлат сиёсати эркаклар ва аёллар учун **тенг ҳуқуқлар** ва эркинликлар принципини амалга оширишга, Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ **тенг имкониятлар** яратишга қаратилган.

Ўтиш даврининг мураккаб шароитида, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига кириб бораётган ва демократик сиёсий тизимни

⁵ Тохтаходжаева М. «Между Лозунгами Коммунизма и Законами Ислама». Т., 2000. с. 49.

⁶ Теория и методология гендерных исследований. М., 2001. с. 186

шакллантираётган бир пайтда жинслар тенглиги муаммоси замонавий ютуқлар нуктаи назаридан танқидий қайта кўриб чиқилмоқда. “Хотин-қизларга муносабат жамиятимизнинг маънавий, ахлокий етуқлигини ўлчовчи мезон бўлиши керак”⁷. Президент И.А.Каримовнинг мазкур сўзлари кўпдан-кўп ва оғрикли муаммоларнинг ҳал этилишига ишонч ва умид уйғотади.

Ижтимоий ривожланишнинг ҳар қандай жараёнларига хос бўлган зиддиятли йўналишлар тўкнашуви ўтиш даври шароитида жамиятнинг консерватив руҳдаги қисмида хотин-қизлар тенг ҳуқуқлигига зид бўлган патриархал урф-одатларни тиклашга ва мустаҳкамлашга бўлган интилишда ўзини кўрсатмоқда. Маданий меросни тиклаш ниқоби остида диний ақидапарастликнинг муайян элементлари намоён. Айрим аёлларни ақидапарастлик руҳидаги жамоат ахлоқига бўйсунуш ва уни қабул қилишга мажбур қилишди, айни пайтда, бошқалар унга қарши чиқиб, хотин-қизлар ҳуқуқлари тўғрисидаги масалаларни кўтариб чиқишди. Ақидапарастлик меъёрларига бўйсунувчи аёллар асосан Фарғона водийсида жойлашган Наманган, Қўқон, Фарғона каби аҳолиси зич бўлган шаҳарларда истиқомат қилади.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда жамоатчилик онгида мавжуд бўлган қарама-қаршилиқлар ўтказилган социологик сўровларнинг натижаларидан ҳам кўриниб турибди. “Ўтказилган тадқиқотлардан чиқариладиган биринчи ва асосий хулоса шундан иборатки, Ўзбекистонда жамият, сўнги йиллардаги ўзгаришларга қарамай, оилада ҳам, жамоатчилик ҳаётида ҳам эркаклар билан аёлларнинг тенглиги масаласига нисбатан кўп даражада патриархал ва анчагина қолоқлигича қолмоқда. Бунинг устига, кейинги йилларда хотин-қизларни жамоатчилик ҳаётидан сиқиб чиқариб, кўпроқ оила ва турмуш соҳасига киритиб юбориш мақсадида уларга нисбатан ижтимоий ва психологик босим кучайтирилмоқда. Эрақ ва аёлларнинг ижтимоий роли катта ёшдагилар томонидангина эмас, шу билан бирга ёшлар томонидан ҳам ўтмиш авлодларнинг анъаналарига мувофиқ бўлиши керак, деб тушунилмоқда”⁸.

Бундай тамойил инсон ҳуқуқлари концепциясига зид бўлиш билан бирга, ижтимоий- сиёсий ҳаётни асл демократик асосларда тубдан қайта ўзгартириш ғоясининг ўзига ҳам қарама-қаршидир. Жамиятнинг, шу жумладан хотин-қизларнинг ижодий яратувчанлик кучига таянмасдан туриб, туб ўзгаришларни амалга ошириб бўлмайди.

Шу муносабат билан хотин-қизларнинг Ўрта асрлардаги анъанавий қарашлардан озод бўлишга қаратилган ташаббусларига кўмаклашиш зарур. Оммавий ахборот воситаларида гендер масалаларининг тарғиботи

⁷ Каримов И.А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. Т., 1995. с. 230.

⁸ Хаджимухамедов М., Взаимоотношение полов в Узбекистане: традиции и современность. Т., 2002. с. 48

анъанавий қарашларни тубдан ўзгартиришга ёрдам бериши мумкин. ОАВ орқали замонавий етакчи аёл янги сиймосини яратиш, тарихий шахсларни эсга олиш ва бу борада миллий адабиётга мурожаат этиш зарур. Бугунги кунда бошқа мамлакатларда, шу жумаладан мусулмон давлатларида гендер масалаларини ҳал этишнинг ижобий намуналари тўғрисидаги ахборотлар айниқса долзарб аҳамиятга эга.

Ҳукумат хотин-қизларнинг ижтимоий ва маданий тараққиётдаги, муқим иқтисодиётни ва барқарор сиёсий жамиятни шакллантиришдаги ролини тан олгани ҳолда, уларнинг аҳволини тубдан яхшилаш учун тегишли молиявий маблағлар билан таъминлаши ва уларни турмушнинг барча соҳаларига жалб этишнинг ижтимоий механизмларини яратиши керак.

Бизнинг давлатимиз биринчилардан бўлиб аёлларнинг жамиятдаги ролини юқори баҳолаб, 1999 йилни “Аёллар йили” деб эълон қилди. Ҳукуматимиз хотин-қизларни иш билан банд қилиш муҳимлигини таъкидлайди ва, уларни қуйи, ўрта ва юқори бошқарув бўғинларига раҳбарлик лавозимларига тобора кўпроқ жалб этишга ҳар томонлама қўмаклашмоқда. Хотин-қизларни давлат бошқарувида жалб этиш – Ўзбекистонда демократик давлат қурилишининг асосий элементларидан биридир.

Ўзбекистон БМТ таркибига киргач, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини халқаро миқёсда тасдиқловчи ҳамда давлатларнинг ана шу ҳуқуқларни ҳимоя қилишга йўналтирилган хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи қўллаб халқаро шартномалар ва конвенцияларга қўшилди. Ўзбекистоннинг қатор халқаро ҳужжатларга, жумладан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”га (91.30.09), Тўртинчи Умумжаҳон хотин-қизлар конференцияси декларацияси ва Ҳаракат платформасига (Пекин, 1995), “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103 конвенцияси”га (95.06.05.), “Эркаклар ва хотин-қизларнинг бир хил меҳнати учун бир хил ҳақ тўлаш тўғрисидаги конвенция”га (97.30.08.), “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция”га қўшилиши аёлларнинг ҳуқуқларини таъминламоқда⁹. Ташланган бундай қадамлар Ўзбекистоннинг сиёсий тараққиёт динамикасидаги энг ёрқин кўрсаткичлардир. Ҳукуматимиз мазкур энг муҳим ҳужжатларни ратификация қилар экан, халқаро ҳамжамият олдида хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш бўйича қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

БМТнинг Нью-Йоркдаги Марказий муассасаларида 28 февралда бошланиб, 11 мартда яқунланган хотин-қизларнинг аҳволи бўйича БМТ Комиссиясининг 49-сессиясида баёнот қабул қилинди, ушбу баёнотда бундан ўн йил муқаддам Пекинда қабул қилинган мажбуриятлар тасдиқланди, ва ҳукуматларга келгусидаги тадбирларни кўриш учун

⁹ Женщина, закон и общество. Пособие для женщин. Т., 1999. с. 15.

чакириқ қабул қилинди. Анжуман қатнашчилари ҳукуматларнинг эркаклар билан хотин-қизлар ўртасида тенгликка эришиш ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш мақсадида кўшимча чора-тадбирлар кўришлари зарурлигини таъкидладилар. Қатнашчилар ялпи мажлисда сўнги ўн йил мобайнида бутун дунёда хотин-қизларнинг аҳолидаги, айниқса қизларнинг таълим олиши, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш соҳаларидаги силжишларни кўриб чиқдилар. Делегатлар хотин-қизларнинг сиёсатдаги иштирокини кучайтириш, шунингдек камситувчи тусдаги қонунларни бекор қилишга қаратилган ислохотларни ўтказиш масалаларини кўриб чиқдилар. Шуни таъкидлаб ўтамазми, “БМТ хотин-қизларнинг тўлиқ иштирокисиз ва уларга ҳокимият ваколатларини бермай туриб, ижтимоий ва иқтисодий қийинчиликлар хавф солиб турган жамиятда барқарор қарорлар қабул қилиб бўлмайди, деган асосий тамойилга амал қилган ҳолда хотин-қизларни камситиш масалаларини инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлайди”¹⁰.

Халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган меъёрлари устунлик тамойили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида (92.08.12.) белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Конституцияси Ўзбекистон фуқароларининг жинси, irqи, динидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги ва эркинлигини кафолатлайди, шунингдек, эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлилиги тамойилини эълон қилади¹¹. Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар шахснинг сиёсий ҳокимиятга нисбатан ижтимоий нуктаи назарини, унинг сиёсий мустақиллиги даражасини, сиёсий жараёнларда иштирок этиш имкониятларини очиб беради. Давлат тизимининг асосини ташкил этувчи сайлов ҳуқуқи – барча ҳукумат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлар орасида муҳим аҳамиятга эга. Давлат бошқарувида иштирок этиш орқали хотин-қизлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ҳақиқий тенгликка самарали эришишлари мумкин.

Хотин-қизларни шахсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида камситишдан ҳимоялашга йўналтирилган мавжуд ҳуқуқий база иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўзгаришлар амалиётга жорий этилган тақдирдагина самарали бўлади. Айнан мана шундай ижобий ўзгаришлар туб ижтимоий янгиланишларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон сиёсий партияларидаги хотин-қизлар сони ҳам гендер номувозанатлилигидан далолат беради. 2006 йил маълумот буйича хотин-қизлар сони энг кўп бўлган партия – Халқ демократик партияси - унда хотин-қизлар – 30,5%ни (102 613 нафар). Кейинги ўринда Ўзбекистон либерал- демократик партияси 34% (50 513 нафар). Ундан кейин

¹⁰ Хасанова Г., Гендер, политика, демократия. Қазақстан. 2002. с. 8.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 18-модда. Т., 1992.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидир - 43,18% (25 551). Кейинги ўринда “Фидокорлар” миллий демократик партиясида – 43,1%ни (31 567 нафар) ва “Миллий тикланиш” демократик партиясида – 45,51%ни (2005 йил маълумоти) ташкил этади. Шуни таъкидлаб ўтамизки, “Хотин-қизлар иштирокисиз демократиянинг бўлиши мумкин эмас, хотин-қизлар манфаатларини эътиборга олмайдиган сиёсий партиялар эса ҳеч қачон ишончга ва таъсир кучига эга бўлмайди”¹².

1995 йилда Пекинда хотин-қизлар аҳволи бўйича VI Умумжаҳон конференцияси бўлиб ўтди, унда Пекин Ҳаракат платформаси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат хотин-қизларнинг гендер тенглик учун курашида янги бобни очиб берди, энг муҳим 12та муаммоли соҳаларни ажратди. Битта соҳадаги муаммоларни ҳал этиш бошқа соҳа муаммолари билан чамбарчас боғланиб кетади.

2000 йилда БМТ Тўртинчи умумжаҳон хотин-қизлар конференциясининг ҳамда бугун дунёда хотин-қизларнинг мақомини ошириш юзасидан Пекин Ҳаракат платформаси қабул қилинганлигининг беш йиллиги нишонланди. Шу муносабат билан 2000 йилнинг биринчи ярмида БМТ бир қатор учрашувлар ва конференцияларни, шу жумладан БМТ Бош Ассамблеясининг Йигирма Учинчи Махсус Сессиясини ўтказди.

«Пекин+5» обзори БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 5-9 июнда Нью-Йоркда, АҚШда бўлиб ўтган махсус сессияси доирасида ўтказилганди. Махсус сессиянинг вазифаси Пекин Ҳаракат платформаси қабул қилинганидан кейин беш йил ўтгач, уни амалга оширишда эришилган муваффақиятларга баҳо беришдан иборат эди. 2000 йилнинг 7-8 сентябр кунлари Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси ва Халқаро Ҳамкорлик бўйича Қўшма Штатлар Агентлиги (ЮСАИД)/«Глобал» лойиҳаси “Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликнинг аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболлари” хусусида конференция ўтказилар. Мазкур конференциянинг асосий мақсади хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотларини ва тегишли давлат тузилмаларини Пекин Ҳаракат платформаси асосида қабул қилинган, бажарилиши 2005 йилгача мўлжалланган “Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича Миллий ҳаракат платформаси” қандай бажарилаётганлиги билан таништиришдан иборат бўлган. Конференцияда Пленар сессияларда иш олиб бориш кўзда тутилганди, уларда Ўз.Р. расмий делегациясининг БМТ Бош Ассамблеяси Махсус Сессиясидаги маърузалари, БМТ сессиясининг турли секция мажлисларида ўзбекистонлик бошқа қатнашчиларнинг маърузалари тингланди.

¹² Ўзбекистон Республикаси Аёллар Кўмитасидан олинган маълумотларга кўра.

Давлат сиёсати тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятлар тамойилини амалга оширишга йўналтирилган. Бунинг учун ҳаётнинг барча соҳаларида муаммолар комплекс тарзда ҳал этилиши керак. Миллий Ҳаракат платформасида кўрсатилган қатор устун йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- Хотин-қизлар саломатлигини, жумладан репродуктив саломатлигини яхшилаш ва оилани режалаштириш хизматини кенгайтириш;
- Таълим ва аёлларнинг профессионал ва функционал саводхонлигини ошириш;
- Хотин-қизларнинг, хусусан кишлоқ жойларда яшайдиган хотин-қизларнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш, даромад келтирувчи фаолият турларида хотин-қизлар ташаббуслари ривожланишини рағбатлантириш;
- Хотин-қизларга экологик муаммоларнинг таъсирини камайтириш, атроф-муҳитни бошқаришда хотин-қизлар ролини ошириш;
- Хотин-қизларни сиёсий қонунчилик ва ижро даражаларида қарорлар қабул қилишда тенг иштирок этиши;
- Қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича махсус дастур яратиш;
- Оммавий ахборот воситаларида, маданият ва санъатда Ўзбекистоннинг янги аёли сиймосини яратиш, мавжуд стереотипларни енгиб ўтиш;
- Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллари ва зўравонликка йўл қўймаслик;
- Хотин-қизларнинг ноҳуқумат ташкилотларини ривожлантириш ва ролини кучайтириш, кенг миқёсли гендер тадқиқотларини олиб бориш;
- Республика аёллари аҳолини, мақомини яхшилаш бўйича миллий механизмни такомиллаштириш;
- Хотин-қизлар тинчлик учун, қуролли можароларга қарши.

Моҳияти хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг ташаббусларини ривожлантиришга, кўп профилли дастурларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳолини яхшилашга доир Миллий ҳаракат дастурининг рўёбга чиқарилиши аёллар салоҳиятини янада оширишга, мамлакатни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришга кўмаклашади ва Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳолини яхшилашда кенг истиқболлар яратади. Афсуски, хотин-қизларнинг ўзлари кучли, фаол ташаббус кўрсатмаса, барча давлат фармонлари ва декларациялари самарасизлигича қолади. Бугунги кунда ўзбек аёли асрий гендер ақидаларни яқсон қилишга, иш билан оналикни қўшиб олиб боришга, бошқарувда иштирок этишга интиломқда. Бироқ, бу йўлда ҳали енгиб ўтилиши лозим бўлган тўсиқлар мавжуд.

Асосий тўсиқлардан бири хотин-қизларни юкори лавозимга зарурий тайёргарликсиз кўтариш билан боғлиқ. Ҳатто олий маълумотга эга бўлиб туриб ҳам хотин-қизлар менежмент, инсон ресурсларини бошқариш, бизнес соҳасида етарлича касб малакасига эга эмаслар. Таассуфки, яна тил тўсиқлари ҳам мавжуд. Чет тилларини билмаслик, замонавий компьютер технологияларидан фойдалана олмаслик, сўзсиз равишда, раҳбар аёллар имкониятини чеклайди. Бундай муаммолар хотин-қизларнинг ноҳукумат жамоат ташкилотлари ёрдамида, шунингдек, давлат ва бизнес ташкилотлари фаолларининг мададида ҳал қилиш мумкин эди. Фақат шундагина гендер масалаларини ҳал қилишда ижобий натижаларга умид билдириш мумкин.

Шу тарзда ижтимоий ҳаётнинг демократлаштирилиши жаҳон ҳамжамияти ишлаб чиққан янгича ёндашувларни жорий этишни тақозо қилади, хусусан ҳокимиятнинг гендер замонавийлаштирилишини, жамият ҳаётининг барча соҳаларида гендер таъсирчан сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни, шунингдек, бундай ёндашувларнинг афзалликларини кенг тарғиб этишни тақозо этади. Фақат гендер мувозанатга эришиш орқалигина жамиятимиз тинчлик, уйғунлик ва фаровонликка эришиши мумкин. Айнан шу йўналишда бутун жамиятимизнинг аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатлари билан давлатнинг қатъиятли сиёсий иродаси ўртасида мустаҳкам иттифоқ зарур.

Хотин-қизларнинг ҳокимият органларидаги тенг вакиллиги: мақбул ва эътирозли жиҳатлар. Ёш мустақил давлат Ўзбекистон Республикасига энди 16 йил тўлди. Ҳукуматимиз ХХ асрнинг 90-йилларида вужудга келган мафкуравий бўшлиқ вазиятда кескинлашган турли диний оқимлар билан қаттиқ курашиш натижасида, янги демократик давлат куриш йўлини танлади. Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон БМТ таркибига киргач, хотин-қизлар ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳамда уларни ҳимоя қилиш юзасидан давлатнинг ҳаракат дастурини белгилаб берувчи кўплаб халқаро шартномалар ва конвенцияларга қўшилди. Хотин-қизларни жамиятнинг сиёсий ҳаётига жалб этишнинг фаоллашуви ҳукумат фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланди, зеро, бусиз ҳақиқий демократик давлатни қуриб бўлмайди.

Барча соҳаларда, айниқса сиёсат соҳасида гендер тенгликка эришиш осон иш эмас. Айнан шу сабабли демократия қарор топган мамлакатлардаги хотин-қизлар ҳаракати ривожланиши тажрибасини ўзлаштириш, уни мамлакатимизда қўллаш имкониятларидан фойдаланиш зарур. Бу масалада сиёсий партиялар эмас, балки хотин-қизларнинг ноҳукумат ташкилотлари (НХТ) фаоллик кўрсатмоқда. Бизнингча, айнан шу ташкилотлар сиёсий етакчилик малакаларини шакллантириш имкониятига эга. 1995 йилдан бошлаб, мамлакатимизда хотин-қизлар ташкилотлари жадаллик билан ривожлана бошлади.

Ҳозирги вақтда маҳаллий, миллий ва халқаро даражаларда хотин-қизларнинг ноҳукумат ташкилотларидаги иштироки хотин-қизлар сиёсий иштирокининг асосий шаклларида биридир. Хотин-қизларнинг жамоат ташкилотларидаги фаолияти сиёсий иш тажрибасини орттиришга кўмаклашади ва умумий сиёсий маданият даражасини оширади. Хотин-қизлар муаммоларини қарорлар қабул қилиш даражасида амалий ҳал этиш учун парламент аъзолари бўлган хотин-қизлар билан хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари ўртасида яқиндан ҳамкорлик зарур.

“Хотин-қизлар НХТларининг кўпайиши, бир томондан, хотин-қизлар муаммоларининг кўпайиши натижаси бўлса, иккинчи томондан - бу хотин-қизлар сиёсий онгининг ўсишидан далолат беради. Бугун аёллар жамиятга фаол киришишлари лозимлигини тушунадилар, улар янги тизимнинг сиёсий муассасаларида иштирок этишга интилмоқдалар. Бугунги кунда НХТ фуқаролар фаоллиги даражасини ошириш ва хотин-қизларни жамиятга интеграция қилиш учун давлат билан ҳамкорлик қилиш имконига эга”¹³.

Бугунги кунда Ўзбекистон учун квота муаммоси айниқса долзарб аҳамиятга эга. **Квота** – бу аҳолининг у ёки бу гуруҳи вакилликнинг (мазкур ҳолатда хотин-қизлар) қонун йўли билан қўллаб-қувватланадиган меъёридир. Халқаро амалиётда квоталашнинг бир неча тури мавжуд. **“Қатъий”** квота – бу вакилликнинг сон жиҳатидан белгиланган меъёри, бунда олдиндан қисқартирилмайдиган ўринларнинг сони ёки миқдор чегараси белгилаб қўйилган бўлади»¹⁴. Шунингдек **“юмшоқ”** квоталаш ҳам мавжуд, бунда бир ўринга бўлган танловда икки жинс вакиллари иштирок этиши шартлиги кўзда тутилади.

“Қатъий” ва **“юмшоқ”** квоталашни Конституцияда, сайлов тўғрисидаги қонунда, сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги қонунда белгилаб қўйиш керак. Квоталар хотин-қизларнинг янада кенгрок вакиллиги асосларини яратиш учун ўтқинчи механизм сифатида қабул қилинади. Квоталар ажратилиши

¹³ Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин в Казахстане: вопросы реализации и отчетности. Отчет о проведении рабочего семинара. Алматы. 7-8 ноября 2000. с. 31.

¹⁴ Гендер и культура, Учебное пособие. - Душанбе, 2000. с. 23.

Национальная платформа действий по улучшению положения женщин в Узбекистане и повышению их роли в обществе. Т., 2000. с. 9. Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хохиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

тарафдорлари ва бунга қарши чиққанлар турли хил асосларни илгари суришди¹⁵. Квоталаш тизими берган айрим афзалликлар куйидагилардан иборат:

- Хотин-қизлар учун квоталар эркакларни камситмайди, балки сиёсий ўринларни адолатсиз тақсимлаш пайтида юзага келадиган тўсиқларни енгиб ўтишга ёрдам беради.
- Квоталар комитетда ёки ассамблеяда бир неча аёлнинг бўлиши кўпинча аёллар фақат эркаклар орасида бўлишганда юзага келадиган стресс ҳолатларини камайтиришга ёрдам беришини кўзда тутди.
- Хотин-қизлар тенг вакиллик ҳуқуқига эга.
- Хотин-қизлар тажрибаси сиёсий ҳаётда зарурдир.

Бирок, ушбу ижобий хусусиятлардан қатъи назар эътиборга олинмиши лозим бўлган бир қатор камчиликлар ҳам бор. Қуйида уларнинг айримларини келтирамыз:

- Квоталар барча учун тенг имконият тамойилига зиддир, чунки хотин-қизларга афзаллик берилади.
- Квоталар демократик эмас, чунки ким энг кўп даражада сайланишга муносиб эканини сайловчилар ҳал этиши керак.
- Квоталар сиёсатчилар малакасига қараб эмас, балки жинсига қараб сайланишини, ва малакаси юқорироқ бўлган номзодлар сунъий равишда четлаштириб қўйилиши мумкинлигини кўзда тутди.
- Кўпчилик хотин-қизларнинг ўзлари ҳам фақат аёл бўлганликлари учун сайланишни истамайдилар.
- Квоталарнинг жорий этилиши номзодларни илгари суриш пайтида ташкилотнинг ичида жиддий ихтилофларни келтириб чиқариши мумкин.

Бирок, ушбу камчиликларга қарамай БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш” тўғрисидаги конвенциясида ҳар бир мамлакатга квоталашнинг миллий механизмини яратиш тавсия этилади. БМТ квоталаш тизимидан фойдаланиш ҳисобига биринчи шахслар даражасида хотин-қизларнинг 30% иштирокига эришишни тавсия этади. Бунда квота принципини босқичма-босқич, хотин-қизлар вакиллиги даражасини 10%дан бошлаб амалга ошириш кўзда тутилади.

БМТ ҳужжатларида таъкидланадики, “30%ли критик босқич хотин-қизлар томонидан миллий миқёсда эгалланадиган йўриқномавий тусдаги лавозимнинг минимал улуши сифатида кўриб чиқилиши керак ...30%ли босқич якуний вазифа сифатида эмас, балки минимал мақсад, деб кўриб

¹⁵ Women in Transition, REGIONAL MONITORING REPORT № 6, 1999.

чиқилиши лозим. Бироқ, бундай босқичга эришиш тўлиқ тенгликка эришиш учун олиб бориладиган курашга кучли туртки беради»¹⁶.

Масалан, “Ғарбий Европа мамлакатлари 30%ли маррани енгиб ўтиб, барқарор гендер мувозанатга яқинлашиб келди. Парламентлараро Иттифоқ маълумотларига кўра, 2001 йил 1-июл ҳолатига кўра, Норвегия ва Финландия парламентларида хотин-қизлар сиёсий вакиллиги 37%га тенг, Швецияда – 43%га, Данияда 37%га тенг. Бундан ташқари, Швецияда жаҳон тарихида биринчи марта мутлақ мувозанатланган (50%-хотин-қизлар) вазирлар маҳкамаси шакллантирилди”¹⁷.

СССРда 1937 йилда хотин-қизларнинг барча босқичлардаги ҳокимият органларида иштироки бўйича норасмий партиявий ўлчов жорий этилган эди. “СССР Олий Совети депутатлари орасида ўша даврда хотин-қизлар 30%ни, маҳаллий советларда 40%га яқин миқдорни ташкил этган. 1960 йилда ҳокимият вакиллик органларида хотин-қизлар фойзи 27% атрофида бўлган, СССР Олий Советида 41% гачани, халқ депутатлари туман кенгашларида ташкил этган”¹⁸. Лекин Совет Иттифоқи таназулга юз тутган пайтда бошқарув органларида хотин-қизлар вакиллиги бўйича партиявий разнарядқалар бекор қилинди. Натижада қонунчилик ва ижроия ҳокимиятининг барча бўғинларида хотин-қизлар сони сезиларли даражада камайди.

Фикримизча, Марказий Осиё мамлакатларида хотин-қизлар аҳволини яхшилаш масалалари ўзига хос хусусиятларга эга. Бу борада диний омил муҳим аҳамиятга эга. М.Тўхтаҳўжаева таъкидлашича: “Гап шундаки, КПССнинг кадрлар сиёсати борасида монополияни қўлдан чиқарганлиги жамиятнинг аёллар унинг ҳаётида иштирок этишига бўлган ҳақиқий муносабатини очиб берди. Эркаклар ва хотин-қизлар тенглигининг баён этилаётган ғояси Ўрта Осиё жимиятида ҳеч қачон қўллаб-қуватланмаганлиги аён бўлди. Бу жамиятнинг Ўрта асрларга хос моҳиятини, фуқароларнинг паст сиёсий маданиятини, хотин-қизларнинг ўрнига тегишли диний стереотипларнинг барқарорлигини тасдиқлади”. Янги ҳокимиятнинг аёллар масаласига муносабати шундай ифодаландики, республика Олий Советига сайлов пайтида, қайта куриш даврида депутат хотин-қизлар сони камайиб, Ўзбекистон парламентининг 9/1 қисмини ташкил этди (46 киши)”¹⁹. Бизнингча, БМТ таклиф этаётган квота тизими самарали ва асослидир. Бугунги кунда квоталаш тизими Ўзбекистон учун зарур, чунки бу тизим ўзининг қатор камчиликларига қарамай, катта афзалликларига ҳам эга.

¹⁶ Доклад о развитии человека за 1995 год ПРООН, 1995. с. 5.

¹⁷ Парламентлараро иттифонинг расмий веб-сайти.

¹⁸ Женщины в СССР; Статист. материалы. М., 1990. с. 65.

¹⁹ М.Тохтаходжаева. Между лозунгами Коммунизма и Законами Ислама. Т., 2000. с. 163.

Ўзбекистон хотин-қизлари, бутун жамият билан бирга давлат ривожланишида оғир ўтиш даврини бошидан кечирмоқда. Шу сабабли квоталаш механизми зарур. Шуни англаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати 2004 йилда партия рўйхатларида номзод-аёллар учун 30% квоталашни жорий этди. Бундан ташқари, хотин-қизларнинг парламентдаги вакилликни таъминловчи бошқа усуллар ҳам мавжуд. Масалан, айрим мамлакатларда сайлов қонуни партиялардан маълум миқдорда номзод аёлларни илгари суришни талаб этади. Хусусан, Аргентина, Бельгияда хотин-қизларни партия рўйхатининг охирида эмас, балки қулай вазиятларда жойлаштириш кераклиги хусусида қўшимча қоида бор.

Сиёсий партиялар мустақил равишда парламент ўринларига аёл-номзодлар учун норасмий квоталарни қабул қилиши мумкин. Мана, масалан, Буюк Британия лейбористлар партиясининг тажрибаси қизиқиш уйғотади: 1997 йилдаги сайловларда партия фақат аёллардан ташкил топган алоҳида рўйхатлардан фойдаланган, бу эса парламентдаги хотин-қизлар сонини икки баравар – 60 нафардан 119 тагача кўпайтирган. Мазкур усулларнинг барчасидан фойдаланиш мумкин, чунки улар дунёнинг кўп мамлакатларида самарали қўлланмоқда. Бирок, фаол ташаббуссиз бундай сай-ҳаракатлар самара бермайди. Мазкур тажрибадан Ўзбекистон Республикасида бемалол фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Хорижий мамлакатларда электорал ҳатти-ҳаракат тажрибаси.

Сиёсий фанда қатор асосий назариялар мавжуд бўлиб, улар ёрдамида замонавий электорал сиёсий жараёни таҳлил қилиш мумкин. **Социологик назария** доирасида таклиф этилган концепциядан бошлаймиз. Бу соҳадаги концептуал асослар П.Лазарсфельд бошчилигидаги бир гуруҳ америкалик олимларнинг тадқиқотлари натижасида яратилди. Уларнинг фикрича, сайловчиларнинг аксарияти сиёсатда афзал кўрадиган нарсаларга эга эмас. Сайлов пайтида улар ўзларини тегишли деб ҳисоблаган йирик ижтимоий гуруҳларга қўшиладилар. Шу тариқа овоз бериш ҳодисаси индивиднинг гуруҳ билан ҳамкорлигини ифодалайди. Гуруҳларнинг ҳар бири ўз манфаатларини ифодаловчи у ёки бу сиёсий партиянинг электорал қўллаб-қувватланишини таъминлайди. Сайловчиларнинг бундай ҳаракати экспрессив деб аталади. Электорал ҳатти-ҳаракатнинг бошқа изоҳи **ижтимоий психологик назария** доирасида таклиф этилади. Бундай ҳолларда электорал ҳатти-ҳаракат асосан экспрессивлигича қолади, бирок сайловчи эндиликда йирик ижтимоий гуруҳ билан эмас, балки партия билан ҳамжиҳат бўлади. Маълум партияни қўллаб-қувватлаш индивиднинг бошланғич ижтимоийлашуви жараёни билан боғлиқ. Одам кўпинча ота-боболари овоз берган партия учун овоз беради. Бундай “партиявий ўзни таниш” маълум манфаатлар шуни талаб этган ҳолда ҳам воз кечиш қийин бўлган муҳим индивидуал кадриядир.

Бироқ, электорал хатти-ҳаракатни ўрганиш пайтида ушбу концепцияларнинг маълум даражага чекланганлиги намоён бўлди. Улар сайлов афзалликларидаги сезиларли ўзгаришларни мутлақо изоҳлай олмади. Электорал ҳаракат таҳлили учун ишончлироқ асос топиш зарурати пайдо бўлди.

Э.Даунс ва М.Фиорин шундай асос сифатида **оқилона-воситали** концепцияни таклиф этди. Улар иқтисодиётдаги аҳволи билан сайлов натижалари ўртасидаги бевосита боғланишни аниқладилар. Бундай ҳолда сайловчи иқтисодий сиёсат тафсилотларини билмайди. Бироқ, унинг фикрича, ҳукумат иқтисодиётнинг аҳволи учун масъулдир. Агар сайловчи унинг ҳукмронлиги даврида яхши яшаган бўлса, номзодни қўллаб овоз беради, ёмон яшаган бўлса - қарши овоз беради. Сайловчининг ҳаракати ушбу концепцияга кўра оқилонадир, чунки бунинг учун қўшимча ахборот тўплаш талаб этилмайди.

Афсуски, Ўзбекистонда фуқароларнинг электорал ҳаракати соҳасида гендер тадқиқотлар олиб борилмаган, бу соҳага оид бирон-бир статистик маълумот йўқ. Электорал ҳаракат таҳлиliga мисол сифатида россиялик тадқиқотчиларнинг ишларига мурожаат этамиз. Яқин ва узоқ чет давлатлари тадқиқотчиларининг тажрибасини ўрганиш ва қўллаш бизнинг республикамиз учун жуда муҳимдир, чунки демократик ўзгаришлар пайтида республикамизнинг сиёсий ҳаётида аёлларнинг ўрни муҳимдир.

Парламент сайловларининг гендер хусусиятлари. Сиёсатнинг энг муҳим элементларидан бири сайловдир. Сайлов – бу муайян коидаларга кўра фуқароларнинг сиёсий иродасини ифодалаш ёрдамида ҳокимият ва бошқарув органларини шакллантириш усулидир²⁰. Сайлов ҳаётнинг турли жабҳаларида қўлланилади. Сайлов туфайли фуқароларнинг маҳаллий органлардан тортиб президентгача бўлган вакиллик ҳокимиятини шакллантиришга доир сиёсий ҳуқуқлари амалга оширилади. Сайлов натижалари биринчи навбатда, жамиятнинг етилган муаммоларни тинч сиёсий йўллар билан ҳал эта олиш лаёқатидан далолат беради. Демократияни қарор топтириш учун сайловларнинг аҳамияти ҳар бир муайян давлатнинг ижтимоий-сиёсий шарт-шароитига боғлиқ. Сайлов – халқ суверенитети ифодасининг асосий шаклидир. Сайловнинг мазмуни ва моҳиятини белгилар эканмиз, куйидаги тасдиққа бемалол кўшилишимиз мумкин, яъни сайлов – бу ўзига хос сиёсий бозор, шунингдек, бу:

- халқ иродасини ифодалаш орқали ҳукмрон доираларни алмаштириш усули, ҳокимиятни қонунийлаштириш ва барқарорлаштириш воситаси;

²⁰ Пугачев В.П., Соловьев А.И Введение в политологию. Учебник для вузов. М., 1999. с.409.

- сиёсий кучларнинг жойлашувини аниқлаш, жамиятнинг партияларга ва уларнинг дастурларига бўлган ишончи даражасини белгилаш;
- сиёсий ижтимоийлаштиришни амалга ошириш, сиёсий кадриятларни ўзлаштириш, сиёсий малака ва тажриба тўплаш; аҳолининг ҳукмрон доиралар устидан назорат қилиш шакли.

Агар ҳокимият сайловчилар манфаатини ифода этмаса, сайловлар уни алмаштиришга, ҳукмронлик жоловини, одагда, сайловга мавжуд ҳокимиятни танқид қилиш учун борадиган муҳолифатга топширишга имкон беради.

Ҳар қандай сайлов сайлов тизимлари тўғрисидаги қонун амал қилганда ҳамда фуқаролик жамияти нодавлат тузилмалари бирлиги сифатида мавжуд бўлганда самара беради.

Сайлов тадбирлари ҳар бир мамлакатнинг сайлов ҳуқуқи билан белгиланади. Қонунчиликда, номзодларни илгари суриш тартиби тўғрисидаги қоидалар, номзодларга қўйиладиган талаблар, овоз бериш ва уларни ҳисоблаш тартиби, ОАВ хизматидан ва молиялаш манбаларидан фойдаланиш имкониятлари белгиланган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тизими умумий, бевосита, яширин ва тенг сайловларнинг демократик тамойилларига асосланган бўлиб, сайлов кунига 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқарога овоз беришда бевосита иштирок этиш имконини беради. Суд томонидан лаёқатли эмас деб топилган ёки суд ҳукмига қўра озодликдан маҳрум қилинган шахсларгина сайловларда иштирок эта олмайди. Қолган барча ҳолатларда сайлов ҳуқуқларининг бевосита ёки билвосита чекланишига йўл қўйилмайди. Олий Мажлис депутатлари, Президент сайлови Ўзбекистонда умумий ва тенгдир. Ҳар бир сайловчи битта овозга эга. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ижтимоий келиб чиқиши, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга бўлган муносабати, машғулот тури, шахсий, ижтимоий ва мулкый аҳолидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эга²¹.

Фаол ва *пассив* сайлов ҳуқуқи фарқланади. **Фаол** сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг вакиллик ҳокимиятининг барча даражаларидаги сайловларда иштирок этишини кўзда туттади. У бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Бевосита сайловлар фуқароларнинг депутатларни бевосита сайлашини кўзда туттади. Билвосита сайловда фуқаролар аввалига сайловчиларни сайлайди, улар эса сайлов жараёнини якунлайди. АҚШ, Бразилия, Финляндия президентлари, Ҳиндистон, Малайзия ва бошқа давлатлар парламентларининг юқори палаталари икки босқичли сайлов йўли билан сайланади.

Ўзбекистонда барча фуқаролар бевосита Президент, Олий Мажлиснинг Қонунчилик Палатаси депутатлари, маҳаллий ҳокимият

²¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 90-модда.

органлари сайловларида иштирок этади. Сайловда овоз бериш махфийлиги таъминланади²². АҚШда умуммиллий президент сайловида иштирок этиш учун шу жойда камида 30 кун, Канада ва Финландияда 1 йил, Норвегияда 5 йил яшаган бўлиш керак. Айрим мамлакатларда ҳарбий хизматчилар сайлаш ҳуқуқидан маҳрум, бу армиянинг сиёсатга боғлаб қўймаслик зарурати билан изоҳланади.

Пассив сайлов ҳуқуқи – бу сайланиш ҳуқуқидир. Бу ўринда ҳам номзодларга муайян талаблар қўйилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилларида бемалол сўзлаша оладиган, Ўзбекистонда 10 йилдан кам бўлмаган муддат давомида истиқомат қилаётган фуқароси президент лавозимига ўз номзодини қўйиш ҳуқуқига эга. Судланганлар, муомалага лаёқатли эмас, деб тан олинганлар, шунингдек, ҳарбийлар ва диний арбоблар бундай ҳуқуққа эга эмас. Битта шахснинг ўзи президентлик лавозимини кетма-кет икки мартабадан ортиқ эгаллаши мумкин эмас, бир муддатнинг давомиёлиги 7 йил. Айни пайтда унинг ваколатлари президентлик лавозими даврида Олий Мажлисда тегишли жараёндан ўтгач, 3 йилга узайтирилиши мумкин. Президент президентлик ваколатларини бажараётган вақтда уни илгари сурган партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас²³. АҚШда президентликка номзод 35 ёшга тўлган бўлиши ва мамлакат ҳудудида камида 14 йил истиқомат қилган бўлиши керак. Ушбу мамлакатда 30 дан ёш бўлмаган, тўққиз йил давомида АҚШ фуқароси бўлган шахс сенатор бўлиши мумкин.

Абсентеизм деган атама ҳам мавжуд. У сайловчиларнинг сайлашдан овоз беришда қатнашишдан бош тортишини англатади. Австрия, Бельгия ва Голландияда мажбурий овоз бериш жорий этилган, сайловда қатнашмаганлар жаримага тортилиши кўзда тутилган.

Сайловларнинг гендер тахлили учун сайлов тизимининг тури ҳам аҳамиятлидир. **Сайлов тизими** сайланаётган округларни шакллантириш тамойиллари ва шароитларини, шунингдек, сайловларнинг ташкил этилиши ва тартибини эътиборга олади. У ҳар бир мамлакатнинг бошқарув шакли ва сиёсий маданияти билан боғлиқ. Сайлов тизимининг бош вазифаси – халқ иродаси вакилликни таъминлаш, шунингдек, ҳаётга лаёқатли ва самарали ҳокимият органларини шакллантиришдир. Сайлов тизимининг икки хил асосий тури - **мажоритар ва мутаносиб** турлари мавжуд.

Сайловнинг **мажоритар** тизими Англия, АҚШ, Канада, Япония, Франция ва бошқа мамлакатларда қўлланилади. Ушбу тизимда сайланиш учун номзод ёки партия сайлов округи ёки бутун мамлакат бўйича аксарият овозга эга бўлиши керак. “Қандай кўпчилик талаб этилишига боғлиқ равишда

²² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 90-модда.

²³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 91-модда

мажоритар сайлов тизимлари **мутлак** кўпчилик ва нисбий кўпчилик тизимларига бўлинади, биринчиси кўпроқ президентлик сайловларида қўлланилади ва бунда ғолиб овозларнинг ярмидан кўпини қўлга киритиши керак (энг камида 50% ва қўшув битта овоз) ва иккинчисиди, (АҚШ, Буюк Британия, Канада, Япония, Франция ва хоказо) ғалаба учун бошқа номзодларга нисбатан биров бўлса-да ўзиб кетиш керак”²⁴. Ҳар бир сайлов тизими ўзининг ижобий ва салбий жиҳатларига эга.

Мажоритар тизимнинг асосий афзалликларидан бири шундаки, бунда ҳукуматнинг шаклланиши нисбатан энгил кечади ва у ниҳоятда барқарор бўлади. Мандатларнинг йирик партиялар ўртасида тақсимланиши кичик партияларни коалиция ташкил этишга ёки сайловгача у билан бирлашишга ундайди. Унинг яна бир афзаллиги сайловчилар билан депутатлар ўртасида барқарор алоқа шаклланиши, деб ҳисобланади. Ҳар бир депутат қайта сайланишдан манфаатдор экан, ўз электорати билан ҳамжиҳат бўлади, электорат эса ўз навбатида, мутаносиб тизимдагидек умумий партиявий рўйхатни эмас, муайян депутатни яхши билади.

Мажоритар тизимнинг энг катта камчиликларидан бири шундаки, қонун бўйича рейтинг овоз беришда бир мандатли округ бўйича сайланган депутат бутун “ўз” сайлов округи номидан ҳаракат қилаётгандек бўлади, ҳатто рақиблари устидан кам афзалликлар билан ғалаба қозонган бўлса ҳам.

Мажоритар тизимнинг асосий илллати шундан иборатки, унда сайловчиларнинг жуда кўп миқдордаги овози доим йўқолиб кетади ва натижада ҳар бир партия парламентда олган депутатлик ўрни мазкур партия бутун мамлакат бўйича тўплаган овозлар сонидан ҳамиша озми-кўпми фарқ қилади. Ҳолбуки, мажоритар тизимнинг моҳияти шундаки, ҳар бир сайлов округида депутатлик ўрни белгиланган кўпчилик овозни тўплай олган партияга насиб қилади, камчилик овоз тўплаган қолган партиялар эса ваколатга эга бўлмай қолади.

Мажоритар тизимнинг айрим камчиликларини бартараф этишга **мутаносиб** сайлов тизими ёрдам бериши мумкин. Мутаносиб тизимда депутатлик мандатлари партиялар ўртасида уларга берилган овозлар сонига мувофиқ тарзда тақсимланади. Сайловчилар партиявий рўйхатлар ва муайян дастурлар учун овоз берадилар. Мутаносиб тизимнинг иккита кўриниши бор:

- умумдавлат миқёсидаги мутаносиб тизим. Бунда сайловчилар сиёсий партиялар учун бутун мамлакат миқёсида овоз берадилар. Сайлов округлари ажратилмайди;
- сайлов округлари даражасидаги мутаносиб тизим. Бунда мандатлар партияларнинг округлардаги таъсирига кўра тақсимланади.

²⁴ Пугачев В.П., Соловьев А.И Введение в политологию. Учебник для вузов. М., 1999. с 409.

Ушбу тизим афзаллиги унинг репрезентативлиги бўлиб, у парламентда турли партияларнинг бир хил вакилчилигини таъминлайди ҳамда сайловчиларга танловларини муҳимлиги жиҳатидан тартиблагга имкон беради. Мажоритар тизимда бунга эришиб бўлмайди. Пропорционал тизим давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги қайта боғланишни мустаҳкамлайди, плюрализм ва кўп партиявийликнинг ривожланишига кўмаклашади. Партия рўйхатлари бўйича сайланган депутатлар, бир мандатли депутатлардан фаркли ўлароқ, сайловчига кўпроқ боғлиқ бўладилар, чунки улар кейин нима бўлиши нафақат фуқароларнинг иродасини ифодалашга, балки сиёсий партиянинг фаолияти ва унинг аҳоли орасида ҳосил қилган имижига ҳам боғлиқ.

Бироқ, мутаносиб тизимда ҳам жиддий камчиликлар бор. Улардан бири - «яширин» тарзда овоз бериш. Партиялар ва блоклардан номзодларнинг ёпиқ партия рўйхати учун овоз берар эканлар, аслида партиянинг «номи» учун ва уларнинг «бош» сиёсий фигуралари учун овоз берадилар, бу йўқ деганда сиёсий маънавий одобсизликдир. Партиялар ва блоклардан номзодларнинг очик рўйхатлари эса ниҳоятда баҳайбат ва сайловларни ташкил этишда ва овозларни санаб чиқишдагина эмас, шу билан бирга сайловолди ташвиқотини ўтказишда ҳам чалкашиб кетган бўлади.

Мана шу муаммолардан ташқари, мутаносиб тизим бўйича очик партия рўйхатларига кўра овоз беришда партияларнинг ўзи учун ҳам ноқулай вазият юзага келади. Ҳар бир партиядо кенг жамоатчилик оммасига яхши маълум бўлган ёрқин сиёсий фигуралар ҳам, партиянинг ўзи учун жуда қимматли бўлган, лекин муносиб шахс сифатида алоҳида машҳур бўлмаган, уларга парламентдаги самарали иш учун зарур бўлганлар ҳам шубҳасиз бор. Шу сабабли очик партия рўйхатлари бўйича овоз беришда партия учун ноҳуш вазият вужудга келиши мумкин, яъни сайловчилар овозларининг юқори фоизини тўплаган ҳолда ҳам, мамлакат парламентида қонун чиқарувчи вакиллик органида ишлаш учун уларга ниҳоятда зарур бўлганларни эмас, фақат машҳурларни тавсия қилишлари мумкин. Бундай вазият партияларнинг позицияларини парламентда ҳам, умуман мамлакат бўйича ҳам сусайтириши мумкин ва сусайтиради ҳам²⁵.

Мазкур тизимда кичик партияларнинг роли анча ошади, улар йирик партияларни қўллаб-қувватлаганлиги учун алоҳида имтиёзларни талаб этади, ва шу тарика порахўрлик учун шароитлар, фойдали ўринлар учун кураш юзага келади. Бундай ҳолда мутаносиблик тизимининг ўзи бузилади. Шу муносабат билан айрим мамлакатлар мутаносиб сайлов тизимидан фойдаланган ҳолда мандатларнинг сайловчиларнинг уч-беш фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган партиялар ўртасида тақсимланишини кўзда тутаяди. Бундай тўсиқ Германия, Испания ва Швеция қонунчилигида белгиланган.

²⁵ Қўрсатилган асар. 25-б.

Мутаносиб тизим Норвегия, Финляндия, Италия, Бельгия каби мамлакатларда амал қилади. Бунда Австрия, Италия ва Швейцарияда сайловчилар умуман партиялар рўйхати учун ва айрим номзодлар учун афзал кўриш тартибида овоз берадилар.

Мутаносиб тизимнинг гендер тахлили у хотин-қизларнинг сиёсий вакиллиги учун энг катта самарага эга эканлигини кўрсатди. Сиёсатшуносларнинг фикрича, “1970 йилларда ҳам ва 1990 йилларда ҳам демократия қарор топган энг катта ва ўртача мамлакатларда парламентдаги аёллар вакиллиги сайлов тизими асосида пропорционал вакиллик тури бўйича ҳамма жойда устун шакли ёки сайлов тизимининг тури мажоритар бўлган мамлакатлардагига қараганда юқори бўлган”²⁶.

1970 йилга қадар пропорционал тизим шароитида аёллар учун устунлик бир мандатли мажоритар тизимли мамлакатлардагига нисбатан унча кўп бўлмаган ва фарқи 2%дан юқорини ташкил этган. Бироқ, 1970 йилдан бошлаб ва ҳозирги пайтгача пропорционал тизимлардаги хотин-қизлар вакиллиги кескин ошди. Парламентлараро Иттифок тадқиқотларига кўра, “аралаш сайлов тизимида хотин-қизлар вакиллиги мутаносиб сайлов тизимидан фойдаланадиган мамлакатлардаги вакилликка нисбатан (парламентда хотин-қизларга 15% ва ундан кўп ўрин берилган мамлакатлар таққосланган) 1/3 кам”²⁷.

Аралаш турдаги сайлов тизими ҳам бор. У ҳар икки тизимнинг ижобий жиҳатларини ўз ичига олган. Бундай тизим Германия ва Россияда қўлланилади. Бундай ҳолда депутатлик корпусининг бир қисми мажоритар тизим бўйича, қолган қисми эса мутаносиб тизим бўйича сайланади. Сайловлар турли округларда ўтади.

Ўзбекистонда мажоритар сайлов тизими қабул қилинган. Сайловлар бир мандатли округлар бўйича ҳудудий тамойил асосида олиб борилади.

Сайлов округи – “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида” ва “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайловлар тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ ташкил этилган ҳудуд, ана шу ҳудуддан бевосита Ўзбекистон фуқаролари томонидан депутат сайланади. Олий Мажлис Қонун чиқарувчи палатасига сайлов бўйича сайлов округларининг чегараси Марказий сайлов комиссияси томонидан қонунда кўзда тутилган талабларга ва тартибга мувофиқ, сайловчиларнинг сони ҳақидаги маълумотлар асосида тасдиқланади.

²⁶ Н.Шведова Политическая культура: гендерный аспект. Доклад на семинаре, организованном гендерной секцией Российской ассоциации политической науки 22 января 2001 года.

²⁷ Men and women in Politics. Democracy Still in the Making. A World Comparative study. Series “Reports and documents” #28, Inter-Parliamentary Union, Geneva, 1977. P. 82-98

Бир мандатли сайлов округи – битта депутатдан иборат сайлов округи. Бир мандатли сайлов округлари сайловчиларнинг сони ва сайлов округи ҳудудининг бирлиги бўйича округларнинг тахминий тенглиги тўғрисидаги талабларга мувофиқ ташиқил этилади.

Манба: «Жаҳон» ахборот агентлиги

Сайлов натижасида 50%+1 овоз олган номзод сайланган деб ҳисобланади. Ҳокимиятнинг вакиллик органи шакллантирилаётган ҳудуд сайловчиларнинг сони тахминан тенг бўлган сайлов округларига бўлинади.

Сайлов тайинланишидан кечи билан олти ой аввал Ўз.Р. Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига берилган.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимида ижтимоий ёки мулкый ҳолатга кўра бирон-бир чеклов йўқ. Одамлар шахси, ёши, ирқий ёки миллий мансублиги, эътиқодига кўра камситилмайди, ҳолбуки, шу факт эълон қилинишининг ўзи хотин-қизларнинг ҳокимиятнинг барча даражаларига кириб боришига ёрдам бермайди.

Сайлов – бу давлат сиёсий йўналишини ўзгартиришнинг энг демократик, маданий усулидир, мамлакатдаги сиёсий кучлар нисбатини ва мамлакатнинг келажак ривожланиши тенденцияларини акс эттирувчи регулятордир.

2004 йил 26 декабрдаги сайловлар ҳамда 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг барча 120 депутати сайланди ва рўйхатга олинди.

Сайловларда 489 нафар депутатликка номзод, шу жумладан сиёсий партиялардан 435 киши ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан бўлган мустақил номзодлардан 54 киши қатнашди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 (85,1%) сайловчи, 2005 йилнинг 9 январидаги сайловда 5400000дан зиёд киши ёки такрорий овоз беришда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган сайловчиларнинг 80%га яқини иштирок этди. Сайлов якунларига кўра, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси энг кўп овоз тўплади, яъни 34,2% депутат сайланди: Ўзбекистон Халқ-демократик партиясидан 23,3% депутат сайланди. "Фидокорлар" партиясининг 18 аъзоси, "Миллий тикланиш" партиясининг 11 аъзоси, "Адолат" партиясининг 10 аъзоси ҳам сайланди.

Қонунчилик палатасидаги ўрин учун сиёсий партиялар ўртасидаги кураш натижасида қарийб 77% округларда битта депутатлик мандати учун 4 нафардан 6 нафаргача номзод кураш олиб борди. Масалан, 55та

сайлов округида битта депутатлик мандати учун тўрттадан депутат курашди, 32та округда беш нафардан, 5 та округда олти нафардан номзод кураш олиб борди. Бундан ташқари, 5та сайлов округида битта депутатлик мандати учун икки нафардан, 23та округда эса уч нафардан номзод кураш олиб борди. Сайланган депутатлар орасида атиги 18 киши (15%) илгари Олий Мажлис депутатлигига сайланган.

Квотага мувофиқ, сиёсий партиялар илгари сурган номзодлар орасида камида 30% аёллар бўлиши лозим, бу эса аҳамиятга эга бўлди. Қонунчилик палатасига 159 нафар аёлнинг номзоди кўрсатилган. Натижада Қонунчилик палатасига сайланганлар орасида хотин-қизлар қарийб 18%ни ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловларга нисбатан икки ярим баравар кўпдир.

Қонунда кўзда тутилган сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзодларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқи ўзининг долзарблигини ва асослигини исботлади. Бевосита фуқаролар илгари сурган мустақил номзодлар катта фаоллик кўрсатдилар, улар сиёсий партиялардан номзодларга нисбатан муносиб рақобатни вужудга келтирдилар, бунинг натижасида ташаббускор гуруҳлардан илгари сурилган 54 нафар номзоддан 14 нафари депутат этиб сайланди. Шундай қилиб, улар Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 11,6%ни ташкил этадилар.

Қайтадан сайланган депутатлар корпусининг сифат таркиби Қонунчилик палатасининг профессионал тусини акс эттиради. Сайланган депутатлар орасида ҳуқуқшунослар 18,3%, иктисодчилар 21,7%. Бунда қуйи палатада жамиятнинг деярли барча ижтимоий қатламлари мавжуд. Депутатларнинг 10% саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳасидан, 7,5% - қишлоқ хўжалигидан, 12,5% - тадбиркорлар, 20% - маориф, илм-фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг ходимларидир. Депутатларнинг қарийб 16% - нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакиллари дир. Сайланган депутатлар орасида деярли 91%ни ўзбеклар ва 9%ни қорақалпоқлар, қozoқлар, тожиклар, туркманлар, руслар, татарлар ва украинлар ташкил этади²⁸.

Ўзбекистонда сайлов жараёни демократия ютуқларини ҳасобга олган, шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари устунлигини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликнинг кўп йиллик ислоҳ этиш ва такомиллаштиришнинг самараси бўлган ҳуқуқий замирдан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон қонун ҳужжатларини объектив тарзда баҳолаётган эканми у сайлов ҳуқуқининг бош устун мақсади – халқнинг арзигулик намоёндаларига ҳокимиятга имконини таъминлаш, сиёсий партиялар ғоя ва дастурларининг тенг ва одилона курашини кафолатлашга жавоб беради деб таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон давлатининг стратегик мақсади демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдан, фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат эканини таъкидлаган ҳолда айтиш мумкинки, сайлов жараёни давлат конституцион тузумининг

²⁸ <http://2004.press-service.uz/rus/pressa/p01172005.htm>, Проверено 31 октября 2006г.

мустақкам устунларидан бири ва инсоният цивилизациясининг ютуғидир. Ҳозирги пайтда мамлакатдаги барча соғлом сиёсий кучлар Ўзбекистонда ҳалол сайловолди курашидан ва эркин сайловлар ўтказилишидан манфаатдордир.

Ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглиги. Жинслар тенглиги тамойили Фарбий Европа мамлакатлари социал-демократик, либерал демократик тузумлари устунларидан бири сифатида кўриб чиқилмоқда. Кўпгина мамлакатлар ҳукуматлари гендер тенглигини таъминлашга қаратилган бир қатор чораларни қабул қилиб ўз мамлакатлари шароитларига мослаб олдилар ва мустақкамладилар. XX аср охирида жинслар тенглиги тамойили давлат сиёсатининг зарурий жиҳатига айланди.

Гендер тенглик – бу технократик мақсад эмас. Бу муҳим сиёсий мажбуриятдир. Унга эришиш – узоқ муддатли жараён бўлиб, унинг доирасида барча маданий, сиёсий ва иқтисодий меъёрлар принципиал ўзгаришларга учрайди. Шунингдек, бу мутлақо янгича фикрлашни талаб этади. Токи унинг доирасида эркаклар ва аёллар тўғрисидаги эскича қарашлар уларнинг танлов эркинликларини чегараламаслиги лозим. Ривожланиш жараёни эса бир жинснинг эмас, ҳар икки жинс вакилларининг танлов эркинлигини кенгайтириш сифатида англашилади. Жинслар тенглиги – инсон салоҳияти ривожланишининг муҳим жиҳатидир²⁹.

Пекин Ҳаракат платформаси шуни белгилаб бердики, гендер муаммоси – бу эркаклар ва аёлларнинг ҳаёт ва фаолиятнинг барча соҳаларидаги тенглигидир. У ўз ичига тўртта асосий йўналишни қамраб олади:

- Ҳуқуқлар тенглиги,
- Масъулият тенглиги,
- Имкониятлар тенглиги,
- Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳамкорлик муносабатлари.

Жинслар тенглиги муаммосига комплекс ёндашув мавжуд. Мазкур стратегия жинслар тенглиги муаммосини сиёсий қарорлар қабул қилишда унинг эътиборга олиниши тизимини ташкил этиш йўли билан жамиятнинг барча соҳаларига татбиқ этилишини кўзда туттади.

Жинслар тенглиги муаммосига комплекс ёндашув ғояси БМТнинг хотин-қизлар аҳволи бўйича III конференциясидан (Найроби, 1995) сўнг турли халқаро ҳужжатларда вужудга келган. 1996 йилдан БМТнинг хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссияси фаолияти тўғрисида резолюция қабул қилинди. Унга қўра ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларига бир нечта истиқболли стратегияларни киритиш кўзда тутилган. Комиссия БМТ таркибига кирувчи барча ташкилотларга жинслар тенглиги бўйича умумий стратегияни ишлаб чиқиш ҳамда уларни узоқ муддатли дастурларга киритиш таклифи билан мурожаат этди.

²⁹ Хегай М., Гендер и культура. Учебное пособие. Д., с. 11.

“Сўнгги йилларда концепция Европадаги турли ҳукуматлараро ва миллий ташкилотлар фаолияти доирасида айниқса ривож топди. Норвегия, Швеция, Голландия, Дания, Финляндияда ана шу концепцияни жорий этиш бўйича катта тажриба тўпланди. Жинслар тенглиги муаммосига комплекс ёндашув сиёсатни амалга ошириш учун жавобгар бўлган ёки жинслар тенглиги муаммосини ҳисобга олган ҳолда уни амалга оширишга жалб этилган шахсларнинг қарорлар қабул қилиш жараёнини ташкил этишни, такомиллаштиришни ва унга баҳо беришни кўзда тутди. Концепция жинслар тенглиги тушунчасини талқин қилишда улар ўртасидаги мавжуд ижтимоий маданий фарқларни эътиборга олиш зарурлигидан келиб чиқади. Комплекс ёндашув баёнида сиёсатнинг мақсадига, жараёнига ва фаол субъектларга асосий эътибор қаратилади. Бундай ёндашув сиёсатчилар ва амалдорларнинг ўз фаолиятлари соҳаларига жинслар тенглигининг “ўлчови”ни жорий этиш юзасидан билимлари улар касбий малакасининг ажралмас қисми бўлиб қолишини кўзда тутди. Комплекс ёндашув хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенгликни таъминлаш соҳасида ишлаб турган механизмлар ва сиёсий дастурларнинг ўрнини боса олмайди, балки шу соҳадаги анъанавий сиёсатга янги фундаментал стратегия ва қўшимчадир, деб ҳисобланади.

Жинслар тенглигини таъминлаш сиёсатини тушунишга турлича ёндашувлар. Жинслар ижтимоий тенглиги тушунчасига бир нечта концептуал ёндашув мавжуд:

1. “Классик” либерал феминизми доирасида ҳисобланишича, хотин-қизларнинг таълим олиш, мулкка эгаллик қилиш, ишга жойлашиш ва сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқларидан эркин фойдаланишлари йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш гендер тенгликнинг асосидир. Бундай ёндашув ижтимоийлаштириш жараёнини ўзгартириш орқали ҳар икки ота-онанинг ўзаро масъуллиги ахлоқини жорий этиш мумкинлиги тўғрисидаги ғояга асосланган. Бунда хотин-қизлар болаларни парваришлаш учун хусусий секторнинг пулли хизматларидан фойдаланиб, эркин равишда хизмат поғоналарида ўсиш имкониятига эга бўладилар.

2. Социалистик турдаги феминистлар мазкур назариянинг қатор камчиликларини қайд этадилар. Хусусий сектор хизматидан фақат “оқ ёқалилар”, ўрта синф вакиллари фойдаланиши мумкин. Камбағаллик шароитида яшаётган, ўз мол-мулкига эга бўлмаган, ўз болаларига яхши билим, тиббий хизмат кўрсатилиш имкониятидан маҳрум бўлган аёллар нима қилиши керак? Бундай ҳолларда давлатнинг аралашуви зарур. Агар давлат натижалар тенглигини таъминласа, яъни даромадлар ва ижтимоий тўқинчиликларни фақат аҳолининг камбағал қисми, ва шу жумладан камбағал қатламдаги хотин-қизлар фойдасига қайта тақсимлашни амалга оширсагина, хотин-қизлар овоз ва мустақил бўла оладилар.

3. Радикал йўналишдаги феминистларнинг фикрича, “эркаклар” дунёсида жинслар тенглигига эришиш ғоясининг ўзи эркаклар ва аёлларнинг қадриятли йўналишлардаги, турмуш тарзи ва анъаналардаги фарқларини эътиборга олмайди. Шу сабабли мамлакатларнинг ҳукуматлари хотин-қизларнинг ҳаётий мақсадларини: оналик ва аёлнинг оиладаги ўрнини эътиборга олиши, ишнинг мослашувчан жадвалларини таъминлаши, ота-оналар учун таътиллер берилишини, болани парваришлаш инфратузилмаси яратилишини таъминламоғи керак. Бунда худди шундай имтиёзлар эркакларга ҳам, уларни анъанавий аёллар соҳаларига жалб этган ҳолда, берилади.

4. Либерал бозор ёндашуви доирасида тенгсизлик бозор иқтисодиётининг табиий зарарли оқибати, деб ҳисобланади. Эркин иқтисодий ва сиёсий бозор рақобатни таъминлайди, бу эса барча истеъмолчиларга фойда келтиради, одамлар эса нима ишни яхши уддалай олсалар, шу билан шугилланишлари керак, деб таъкидланади. Бунинг оқибати ўлароқ, хотин-қизлар одатда, турмушга чиқишга ва оналикка интилишлари керак. Ҳозирги пайтда шуниси аёнки, гендер омилини жорий этишда умумий фаровонликдаги давлатга нисбатан маскулинлик карашларнинг асосий қоидалари қайта кўриб чиқилиши керак.

Гадинер ва Лейенаар “етақчи” мамлакатлар ва “орқада қолган” мамлакатларни Европа Иттифоқига аъзо давлатларда гендер тенглик сиёсатини амалга ошириш нуқтаи назаридан таснифлайдилар. Уларнинг таснифига кўра, Скандинавия мамлакатлари “етақчи”лик қилади, кейинги ўринларни Голландия, Австрия, Люксембург ва Германия эгаллайди. “Орқада қолган” мамлакатларга жанубий Европа давлатлари: Италия, Испания, Португалия ва Греция қиради, буларга Британия, Ирландия, Бельгия ва Франция қўшилади”³⁰. Парламентдаги хотин-қизлар сони, давлатнинг ижтимоий таъминот даражаси, ишчи кучи таркибида хотин-қизларнинг улуши мана шундай баҳо учун меъзон ҳисобланади.

Данияда ҳозирги пайтда ҳукмрон доираларнинг 48%ини хотин-қизлар ташкил этади. Хотин-қизларнинг сиёсий тузилмалардаги иштирокини тўла таъминлаш учун Англия ва Швецияда пропорционал вакиллик тизими қўлланилмоқда.

Францияда ҳам эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига мамлакат ижтимоий ҳаётини янгилаш асосларидан бири сифатида қаралмоқда. Франция ҳукумати тегишли конституциявий меъёрларни қайта кўриб чиқди, бундан кўзланган мақсад эркаклар ва аёлларнинг сайланадиган лавозимлар бўйича тенглигини таъминлашдан иборат. Ривожланаётган мамлакатларда гендер тенгликка эришиш сиёсати ўзига хос бошқача хусусиятларга эга. Бу ерда биринчи ўринга камбағаллик, саводсизлик,

³⁰ Обеспечение равенства полов: политика стран Западной Европы. Москва, 2000. – С. 24.

ўлим даражасининг юқорилиги, ичимлик сувидан фойдаланиш учун кураш кабилар чиқмоқда.

Ислом давлатлари ўртасида хотин-қизлар аҳволини яхшилашга доир самарали мисоллардан бири Мисрда кузатилади. Миср давлати хотин-қизлар муаммолари билан шуғулланувчи қатор муассасаларни, хусусан, Ижтимоий ишлар вазирлигининг хотин-қизлар ишлари бўйича департаментини, Хотин-қизлар ишлари бўйича миллий кенгашни ташкил этди. Миср давлатининг эркаклар ва аёллар тенглигини рағбатлантириш борасидаги асосий ютуқлари қуйидагилардан иборат:

- хотин-қизларнинг иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларидаги иштирокини кенгайтириш (хусусан, кам таъминланган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш мақсадида, саноат ишлаб чиқариши соҳасида);
- хотин-қизлар эҳтиёжини ва бозорнинг ишчи кучига бўлган талабларини эътиборга олган ҳолда касбий тайёргарлик ва ўқиш дастурларини қайта кўриб чиқиш ва мослаштириш;
- кам даромад оладиган, оиласининг боқувчиси бўлган аёллар томонидан тузилган кичик корхоналарни кредитлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш орқали қўллаб-қувватлаш, бунда уларнинг турмуш даражасини кўтариш учун таълим олиши ва касбий тайёргарлигига ёрдам бериш;
- асосий фаолияти хотин-қизлар аҳволини яхшилаш билан боғлиқ бўлган ноҳукумат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш³¹.

Давлат хизматидаги хотин-қизларнинг улуши, шу жумладан энг юқори мансабдагилар улуши изчил равишда ошиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳукумат хотин-қизларга нисбатан фаол протекционистик сиёсатни амалга оширмоқда. Мамлакат Президенти И.А.Каримовнинг 1995 йил 2 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш тадбирлари тўғрисида”ги Фармони шундан далолат беради. Мазкур Фармон ижроия ҳокимиятининг барча даражаларида хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини жонлантиришга тўртки бўлди. Ўтиш даврининг барча қийинчиликларига қарамай, мавжуд ҳуқуқий база билан мустаҳкамланган тенг имкониятларни таъминлаш давлат сиёсати хотин-қизларга давлатнинг жамоат, иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги демократик ўзгаришларда иштирок этиш ҳуқуқини беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 100 дан ортиқ хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда ижтимоий ривожланишнинг гендер тенглик концепцияси шаклидаги янги моделининг қарор топиши хотин-қизлар ҳаракатининг фаоллашуви учун рағбатлантирувчи омил бўлмоғи керак.

³¹ Исследование и преподавание гендера в Центральной Азии: Проблемы высшего образования. Материалы международной конференции. Т., 2002. с. 52.

Хотин-қизларнинг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари фаолиятидаги иштироки. Ўзбекистон ҳукумати хотин-қизлар масаласини ҳал қилиш учун кучли қонуний-ҳуқуқий база яратди. XX аср давлатлари сиёсатида хотин-қизлар тенг ҳуқуқийлиги масаласини ҳал қилиш иқтисодий ривожланиш даражасини, сиёсатчилар ва фуқаролар менталитетини белгиловчи мезонга, шунингдек, ҳукуматларнинг инсонпарварлик ва демократия тамойилларига содиқлигининг муҳим омилига айланди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати фаолиятининг устун йўналишларидан бири давлат ҳокимияти бошқарув органлари тузилмаларида, ижтимоий ўз-ўзини бошқаришда, корхоналар бошқарувида, ноҳукумат ташкилотларда, жамоат бирлашмаларида ва сиёсий партияларида хотин-қизлар ролини оширишдан иборат³². Фақат мустақил Ўзбекистондагина хотин-қизлар ҳаракатининг янги тўлқини бошланди. 1991 йилни тарихий босқичнинг бошланиши деб ҳисоблаш мумкин. “Пекин Ҳаракат платформаси қоидаларини бажариш мақсадида Миллий Ҳаракат режаси ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ва жамоат қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чоралари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди”. Фармонга мувофиқ барча даражадаги ижроия ҳокимияти органларида маъмурият раҳбарлари лавозимига хотин-қизлар тайинланган, 2002 йил 1 январ ҳолатига кўра улар 16,3%ни ташкил этган³³. Мазкур Фармон билан Ҳукумат хотин-қизлар масаласини давлат сиёсати даражасига кўтарди³⁴.

1991 йил 23 февралда Республика Хотин-Қизлар Кенгашининг Иккинчи Пленумида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси–ташкилот аёлларнинг ижтимоий, фуқаролик, маданий ва иқтисодий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш билан шугулланувчи дастлабки ташкилотлардан бири ташкил этилди.

Ўша йилнинг ўзида адлия органлари томонидан яна бир йирик ташкилот “Тадбиркор аёл” рўйхатга олинди, орадан бир йил ўтгач, катталиги бўйича учинчи республика ташкилоти – “Олима” Ўзбекистон олима аёллари уюшмаси рўйхатдан ўтди. Кейинги уч йил давомида ана шу ташкилотлар республика хотин-қизлар ҳаракатида етакчилик мавқесини сақлаб қолди.

“Олима” олима аёллар уюшмаси хотин-қизлар ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларнинг ақлий имкониятларини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган. Шу муносабат билан “Олима” қатор таълим дастурлари ва лойиҳаларни амалга оширди. Бундан ташқари

³² Гендер и развитие. Информационный бюллетень №4 ЖРУ 1998. с. 2.

³³ Статистический сборник. Мужчины и Женщины Узбекистана. Т., 2002. с. 101.

³⁴ Справочник. Женские Негосударственные Некоммерческие Организации Узбекистана. Т., 2000. с. 307.

Уюшма тадқиқот ишларини олиб бормоқда. “Хотин-қизлар ва таълим”, “Хотин-қизлар ва ҳуқуқ”, “Хотин-қизлар ва саломатлик” мавзулари бўйича ҳисоботлар тайёрланди, бундан ташқари фаол маърифий фаолият олиб борилди, аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган конференциялар, семинарлар, танловлар ўтказилди.

“Тадбиркор аёл” уюшмаси тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ишбилармонлик фаоллигига кўмаклашиш мақсадида ташкил қилинди. Ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида Уюшма қатор йўналишларда иш олиб бормоқда: таълим ва ўқув дастурлари амалга оширилмоқда, ахборот хизматлари кўрсатилмоқда, алоқа воситаларидан фойдаланиш, маслаҳат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган.

Аmmo хотин-қизлар ташкилотлари энг кўп ташкил этилган давр 1995-1996 йилларга тўғри келади. Ана шу йиллар давомида Тошкент етакчи аёллар маркази, “Фахрий аёллар” Уюшмаси, Аёллар Ресурс Маркази, Самарқанддаги “Сабр” ишонч маркази ва шу каби нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ) рўйхатга олинди.

Шуни қайд этиш керакки, ушбу ташкилотларнинг яратилишида халқаро ташкилотлар ва хорижий донорлар: БМТ ТД, ЮСАИД, “Евросиё” жамғармаси ва бошқалар катта ёрдам кўрсатди. Айнан мазкур ташкилотлар гендер тенглик ғояларининг тарқалишига ҳамда фуқаролик жамияти қурилишида хотин-қизлар ташкилотларининг муҳим ролини тан олишга ёрдам берди.

Бугунги кунда энг йирик ташкилотлар сирасида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон “Тадбиркор аёл” уюшмаси ва республика олима аёлларининг “Олима” уюшмасини санаб ўтиш мумкин. Ушбу ташкилотлардан ҳар бирининг республика бўлиmidан ташқари 14 та худудий филиали бор.

Демократия ва фуқаролик жамияти ривожланишига қўшган ҳиссаси учун Европа Ҳамжамияти (ЕҲ) томонидан “Сабр” ишонч маркази фаолияти дипломга сазовор бўлди. Марказнинг асосий мақсади – зўравонликка учраган ёки оғир вазиятга тушиб қолган болалар ва хотин-қизларга психологик, ҳуқуқий ва тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, ахборот-маърифий ва таълим фаолиятидан иборат.

Аёллар ресурс маркази турли касбдаги аёллар гуруҳи ташаббусига қўра, 1995 йилда ташкил этилган эди. Марказнинг асосий вазифаси – барқарор иқтисодий ижтимоий тизимни яратишга кўмаклашиш ва Ўзбекистондаги демократик ислохотларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Ташкилот мақсади: хотин-қизлар мустақиллигини мустаҳкамлаш, уларнинг руҳий, ақлий, касбий салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг ижтимоий ҳаётнинг ҳодисаларига фаол муносабатда бўлишларини қўллаб-қувватлаш ва аёллар ташаббусларини рағбатлантириш; барча табақаларга оид хотин-қизларни уларнинг жамиятнинг ижтимоий,

иктисодий, сиёсий ҳаётидаги роли тўғрисида хабардорлигини кучайтириш ва булардан фойдаланиш аёлларга ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳақиқий тенг ҳуқуқлилиқка эришишга ёрдам беришини тушунтириш.

Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигининг оширишга “Меҳри” хотин-қизлар жамияти ҳам ёрдам бермоқда. “Аёл, оила, маҳалла” мазкур ташкилот фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Турли касалликларнинг олдини олиш ва репродуктив саломатлик бўйича таълим дастурлари, ҳуқуқий таълим, “Кексаларга ёрдам” тармоғини ташкил этиш – айни маҳаллаларда маҳалланинг обрў-эътиборига ва мададига таянган ҳолда лойиҳаларни амалга ошираётган “Меҳри”нинг кун тартибидаги масалалар шулардан иборат.

Очиқ демократик давлат қураётган эkan, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати маҳаллий даражада, яъни маҳаллаларда демократиянинг аҳамиятини тиклаш лозимлигини тан олади ва бунга мустақилликка эришилгандан бери катта эътибор ажратади. Кучли маҳаллий демократия - бу миллий даражадаги соғлом демократия учун асосдир.

“Маҳалла тарихий ва замонавий нуқтаи назардан ижтимоий тузилма сифатида англашилади, унинг субъектлари ўзаро боғлиқ бўлиб, унга жой, анъаналар ва одатлар, мулоқот шакллари, ҳуқуқий, хўжалик ва оилавий муносабатлар бирлиги хосдир. Маҳалла одамларни бирлаштиради, уларни яқинлаштиради, ҳар бир инсонга унинг миллий мансублиги, эътиқоди ва сиёсий қарашлардан қатъий назар ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўргатади”³⁵. Маҳалла – бу энг аввало соғлом ижтимоий муҳит. Бу ерда таъсир кучига эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳли турмуши ва ҳатти-ҳаракатини, уларнинг ўзаро муносабатларини адолатлилиқ ва ахлоқийлик нуқтаи назаридан тартибга солади. Маҳалла тинчлик-тотувликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга у оилани мустаҳкамлаш ва айниқса ёш авлодни тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

“Ҳозирги пайтда республикада 12 мингдан зиёд маҳалла бўлиб, улар мамлакатнинг бутун аҳолисини қамраб олган”³⁶. Президент И.Каримовнинг ташаббусига кўра, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий асосини кучайтиришга йўналтирилган қатор фармонлар қабул қилинди. Фуқаролар йиғинлари давлат манфаатларининг ифодачиси сифатида намоён бўлмоқда. Улар бошқа мамлакатларда одатда давлат ҳокимият органлари ва ҳуқуқ-тартибот органлари бажарадиган қатор мустақил функцияларга эга. Шу сабабли, маҳалла мақомининг оширилиши мослашувчан, тўлақонли ва ижроия ҳокимиятини шакллантиришда муҳим бир босқич бўлди.

³⁵ Валиева Б.С., Черкашина И.А. Женщина, закон и общество в Узбекистане. Т., 1999. с. 8.

³⁶ Қўрсатилган асар. 9-б.

Фуқароларни ижтимоий жиҳатдан таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан биридир. Фуқаролар йиғинлари ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилиш ва аҳолининг муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича асосий органлардан бирига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 13 январдаги “Аҳолига мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини кучайтириш тўғрисида”ги Фармони аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини кучайтиришга, ҳудудларнинг ижтимоий ривожланиши бўйича ушбу органларнинг ваколатлари ва масъулиятларини кенгайтиришга қаратилган.

Тошкент шаҳри ҳокимлигининг 328-сонли 2002 йил 14 июндаги “Маҳаллий хотин-қизлар кенгашларига пул маблағларини ажратиш тўғрисида”ги буйруғи ҳам бу борадаги муҳим қадам бўлди. Хотин-қизлар кенгаши раҳбарлари маҳалланинг барча аъзолари томонидан сайланади ва улар учун тан олинган обрўли етакчи ҳисобланадилар.

Ҳозирги кунда Тошкентда 454 маҳалла ва шунга кўра 454 та хотин-қизлар кенгаши бор. Чунки улар бевосита маҳалладаги ҳар бир оилага таъсир кўрсатади. Улар қайнона ва келин, эр ва хотин, кўни-кўшнилар ўртасидаги можароларнинг олдини олишга ёрдам беради, ажралишлар сонини камайтиришга ҳаракат қилади. Ишсиз аёлларга ёрдам кўрсатиш, жиноятлар, ўз жонига қасд қилиш ҳолларининг олдини олиш муҳим масалалардир. Етакчи хотин-қизлар маслаҳати ўзбек халқининг миллий ва маданий қадриятлари, унинг ўзига хослигини асрашга ёрдам беради. Бироқ, маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллиги ҳали жуда суст. Масалан, Ҳамза тумани аҳолиси 213.165 минг кишидан иборат, уларнинг – 117.329 минги аёллар. Туманда 50 та маҳалла бўлиб, шунча хотин-қизлар кенгаши бор. Мазкур туманда Шаҳар Депутатлар Кенгашига 7 нафар, Олий Мажлисга 1 нафар аёл сайланган.

Шу тариха ҳақиқатдан ҳам демократик давлат куриш учун маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини тўғри ташкил этиш ҳамда кучайтириш керак. Буни Ўзбекистон Республикаси ҳукумати яхши тушунади. Президент Ислом Каримовнинг таклифига кўра 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиснинг X сессиясидаги нутқида жамиятимизда маҳалланинг мақомини янада ошириш, унинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш хусусида сўз борди.

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Обод маҳалла йили” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Республика комиссиясини тузиш тўғрисида”ги Фармонида қуйидаги устун йўналишлар: маҳалланинг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимидаги муҳим ролини белгилаш, давлат ва жамоат ҳокимияти ва бошқарув органлари тизимида мазкур жамоат институти ўрнини таъминлашга ёрдам берувчи чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ажратиб кўрсатилган.

- маҳалланинг ҳуқуқий мақомини ҳамда унинг ҳокимият тизими, яъни туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари ва нодавлат тузилмалари билан, шу жумладан уй-жой эгалари ширкатлари билан юридик муносабатларини белгилаб берувчи қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни танқидий таҳлил қилиш. Тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш, маҳаллаларнинг ваколатлари ва масъулиятини қатъий фарқлаб беришни таъминловчи, маҳалланинг фуқаролик ҳокимияти муассасаси сифатидаги ҳуқуқий мақомини, штатлари ва ташкилий тузилмасини аниқ белгилаб берувчи янги қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;
- маҳалланинг ҳуқуқий мақомини аниқ мазмун билан тўлдиришни танқидий таҳлил қилиш, бунда унинг моддий ва молиявий базасини, бюджетини, маҳалланинг ушбу маблагларни, шунингдек, ўз балансидаги асосий фондларни тасарруф этиш ҳуқуқини назарда тутишни таъминлаш;
- маҳалланинг хизмат кўрсатиш, савдо, бизнес ва аҳолининг бандлиги соҳаларини ривожлантиришдаги ҳуқуқларини ва аниқ-равшан ролини кучайтиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ёшларни спортга жалб қилиш;
- маънавият соҳасида, хусусан, ахлоқий тарбия соҳасида маҳалла ролини кучайтириш, энг яхши миллий анъаналарини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Турмушдаги урф-одатлар, тўйлар, дафн маросимлари ва бошқа маъракаларни ўтказишда маҳалланинг ҳамда маҳалла аҳлига ёрдам кўрсатувчи тузилмаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаб бериш»³⁷.

Пировард натижада, дастур аҳолининг сиёсий, ижтимоий фаоллигини кучайтиришни, жамоат ҳаёти, фуқаролик институтлари, фуқаролик ҳокимияти тизимларини яратиш масалаларининг ҳал этилишини таъминлаши керак.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши мамлакат фуқароларига турмушнинг барча жабҳаларини демократиялаштиришга асосланган мустақил йўлни танлаш имконини берди. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ишончли юридик қонун ҳимоясидадир, уларнинг тенг ҳуқуқлари, эркинликлари ва имкониятлари Конституция ва бошқа қонунлар билан кафолатланади, уларнинг республика турмушининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги ролини оширишга доир тадбирлар кўрилмоқда. Мақсади хотин-қизларнинг жамиятда тугган ўрнини мустаҳкамлашдан иборат бўлган хотин-қизлар ташкилотларининг

³⁷ «Правда Востока» 17 декабря 2002 год.

сони ва обрў-эътибори ошиб бормоқда. Хотин-қизларни сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ишида, маҳаллий ҳокимият органларига сайловларда кенг иштирок этишга кенг жалб қилиш зарур. Буларнинг ҳаммаси қонунчилик ва ижроия ҳокимияти тузилмаларида хотин-қизларнинг вакилликни оширишга, давлат муаммоларини ҳал этишдаги, ислохотларни амалга оширишдаги ролларини кучайтиришга олиб келиши керак. Хотин-қизлар кўмиталари мамлакатдаги турли сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан қалин ва амалий ҳамкорликни йўлга қўйишлари лозим. Бу эса уларга ҳуқуқий демократик давлатни барпо этишда, республикада иқтисодий барқарорлик, фуқароларнинг тинчлиги ва тотувлиги вазиятини сақлаб туришда фаол иштирок этишга имкон беради. Шу боисдан республика хотин-қизлар ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири – Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни амалга оширишга амалий ҳисса қўша оладиган ўз етакчиларини ўз сафларидан етиштириб чиқаришдир.

АДАБИЁТ:

1. Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги БМТ конвенцияси, 1979
2. Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенцияси, 1993
3. Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича миллий ҳаракат платформаси. Тошкент, 1996
4. Гендер и методология гендерных исследований, М., 2001. (Гендер ва гендер тадқиқотлар методологияси. М., 2001.)
5. Women in transition, United Nations Children's Fund (UNICEF), the MONEE Project, CEE/CIS/Baltics, Regional Monitoring report – N0.6 1999
6. Hunter College Women's Studies Collective *Women and Political Power*, in *Women's Realities, Women's Choices: An Introduction to Women's Studies*. 498-536. New York & Oxford: Oxford University Press, 1995
7. Женщина, закон и общество в Узбекистане. Пособие для женщин. Изд. Женский Ресурсный Центр, Т. 1999. (Ўзбекистонда хотин-қизлар, қонун ва жамият. Хотин-қизлар учун қўлланма. Изд. Женский Ресурсный Центр, Т. 1999.)
8. Женщины и мужчины Узбекистана. Статистический сборник, Т., 2002. (Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркаклар. Статистик тўплам. Т., 2002.)
9. The Making of European Women's Studies, Volume III, ATHENA, Advanced thematic network in Activities in Women's Studies in Europe, Utrecht University, the Netherlands, 2001. (Европа хотин-қизлар тадқиқотининг юзага келиши.

10. Женщины Центральной Азии. Сборник статей N 4, 10, Женский Ресурсный Центр, Т. 2002. (Марказий Осиё хотин-қизлари. Мақолалар тўплами. N 4, 10, Женский Ресурсный Центр, Т. 2002.)
11. М.Тохтоҳоджаева, “Между лозунгами коммунизма и законами Ислама”, Т., 2001. (М.Тўхтаҳўжаева, “Коммунизм шиорлари ва Ислом қонунлари орасида”, Т., 2001.)
12. М.Тохтоҳоджаева, “Утомленные прошлым”, Т., 2001. (М.Тўхтаҳўжаева, “Ўтмиш чарчатганлар”, Т., 2001.)

3-боб

ИЖТИМОЙ СЕКТОРДА ГЕНДЕР

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ГЕНДЕР ЖИҲАТЛАР

Людмила Ким

Таълим ва гендер тенгсизлиги. Таълим соҳасида гендер сегрегация. Таълимдаги тенгсизликни изоҳловчи назариялар. Педагогикада анъанавий, танқидий ва феминистик ёндашувлар. Педагогикада гендер ёндашув.

Маълумотлилик: тенгликка йўлни ёки аксинча? Маълумотли дегани нима? Авваламбор, шу сўзнинг одатдаги қўлланилишини кўриб чиқамиз. Биз маълум бир шахсни маълумотли, ёки ўқимишсиз деб баҳолаганимизда, нимани назарда тутамиз? “Маълумот олиш” (яъни ёки ёмонлиги – бу бошқа масала) деган тушунча нимани билдиради? Таълим тизими ва унинг таркибий қисмлари деганда нимани тушунамиз? Бу каби катор масалалар «маълумот» тушунчасининг кўп маънолилиги ва мураккаблигини англашга олиб келади. Одатда, бу борада таълим муассасаларининг тизими назарда тутилади, лекин айнан бундай таъриф кўриб чиқиладиган тушунчанинг маъно доирасини қисқартиради.

В.И.Далнинг таърифлашича, маълумотлилик (ақл ва ахлоқ) ўсиб келаётган инсонга руҳий, ақлий ва маънавий қиёфа бағишлашнинг яхлит жараёнини англатади. Бундай ходисани ҳозирги вақтда биргина “маълумотли” тушунчаси билан таърифлаш қийин, чунки бу ўринда бир шахс томонидан нафақат янги ахборотни олиш, балки у томонидан маълум (жумладан, ахлоқий) қоидаларни ҳам қабул қилиш ва ўзлаштириш назарда тутилади, бу жараёнлар эса “тарбия” тушунчасида ҳам ўз аксини топади. Шундай қилиб, таълим тушунчаси тарбия тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Бундан ташқари, ўзининг яхлитлигига қарамасдан “маълумот” сўзининг таърифида унинг “мазмуний шарҳининг тўртта жиҳатини ажратиш мумкин: маълумот *қадрият* сифатида; маълумот *тизим* сифатида; маълумот *жараён* сифатида; маълумот *натижаси* сифатида”¹.

Бошқа таъриф бўйича, маълумотлилик тушунчаси учта асосий мазмунга эга: “маълумотлилик – бу шахснинг эришган ютуғи, маълумот олиш – бу шахс томондан ўз ютуғига эришиш жараёни; таълим тизими – бундай ютуққа эришиш учун барча фуқароларга ёрдам бериш учун мавжуд бўлган ижтимоий институт”². Бундай таъриф бирмунча

¹ Гершунский Б.С. Философия образования. М: «Флинта», 1998, с. 29.

² Гусинский Э.Н., Турчанинова Ю.И. Введение в философию образования. М.: «Логос», 2000, с.96.

баландпарвоз туюлса-да, аммо амалда, мураккаб ва кенг қамровли маълумот тушунчасининг моҳиятини қамраб олади.

Таълим – жамият ҳаётининг муҳим жабҳаларидан бўлиб, инсон ижтимоийлашувининг етакчи омиллари ва институтларидан биридир. Ўзбекистонда таълим тизимининг ривожланиши давлатнинг ижтимоий сиёсат соҳасидаги устун йўналиши сифатида эътироф этилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга; давлат текин умумий таълим олишни кафолатлайди (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси).

1997 йилнинг 29 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Парламент) томонидан “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Қонунда жинси, тили, ёши, ирқи ва миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, касби, табақаси, яшаш жойи, мамлакат ҳудудида яшашининг давомийлигидан қатъи назар, таълим олишда тенг ҳуқуқлилик кўзда тутилади. Таълим соҳасида давлат сиёсатидаги асосий тамойиллар сифатида қуйидагилар кўрсатилган: таълим ва тарбиянинг гуманистик, демократик характери; таълимнинг узвийлиги ва изчиллиги; умумий ўрта, шунингдек ўрта касбий таълимнинг мажбурийлиги; ўрта махсус, касбий таълимнинг йўналишларини танлашда ихтиёрийлик; давлат таълим стандартлари доирасида таълим олиш имкониятининг барча учун тенглиги ва бошқалар (Таълим тўғрисидаги Қонун, 3-модда). Мазкур тамойиллар асосида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида» (КТМД) Қонун қабул қилинди. КТМДни амалга ошириш уч босқич белгиланиб 2005 йилгача мўлжалланган эди³.

Бизни давлатнинг таълим соҳасидаги ижтимоий сиёсати ҳақиқатан ҳам барча фуқароларининг жинсидан қатъи назар, амалдаги тенглигини таъминлайдими ёки йўқми деган масала қизиктиради. Таълимда ижтимоий гуруҳ сифатида эркаклар ва аёлларнинг манфаатлари ижтимоий сиёсатнинг йўналишларидан бири сифатида намоён бўлганми; бунда ижтимоий фаровонликка эришишда ва патриархат қоидаларни тугатишда тенг имкониятлар бериш учун қандай чора-тадбирлар тақлиф қилинади.

Барча фуқаролар учун таълим олишдан тенг фойдаланиш принципини эълон қилар экан, таълим ана шу тенгликни, шу жумладан гендер тенгликни таъминлаш вазифасини бажариши керак. Таълим соҳасидаги гендер тенглик таълим олишда эркаклар ва аёлларнинг тенглигини билдирибгина қолмай, шу билан бирга ана шу имкониятлардан фойдаланишнинг тенг натижаларини ҳам аниқлатади. Бу пировардида, умуман олганда жамиятда ресурслардан фойдаланишда

³ Национальная Программа по подготовке кадров. Цифры и факты. Проект АБР/ЮНЕСКО: Т., 2001.

гендер тенглик принципига қанчалик риоя этилаётганлигига ҳамда жинслар ўртасида имкониятларни тенглаштиришга боғлиқдир.

Таълимда гендер тенглик сиёсатини қўлланиш мазкур соҳада тенгсизлик мавжудлигини англашдан ва унинг микёсларини баҳолашга, пайдо бўлиш сабабларини таҳлил этишга ва камайтириш йўллариини таклиф этишга тайёрликдан бошланиши керак. Бундай ҳолатда таълимда мавжуд бўлган гендер сегрегация феноменининг таҳлили асосий ўрин тутди.

Ўзбекистонда таълим соҳасида гендер сегрегация. Бу бобда биз таълимнинг гендернинг таркибий қисми бўлган жараён ва ижтимоий институтлар тизими сифатидаги “кўринмас” хусусиятини кўриб чиқишни ният қилганмиз. Шу муносабат билан бизларни нафақат таълим жараёни ва унинг институтлари, балки биз гендерга хос деб белгилаётган муаммолар яққол кўзга ташланадиган таълимдаги ҳодисалар ҳам қизиқтиради.

Бундай ёндашувда биз авваламбор дуч келадиган ҳодисалардан бири – бу таълим соҳасида эркаклар ва аёллар тенг тақсимланмаганлигида намоён бўлувчи шу соҳадаги гендер тенгсизлиқдир. Бундай тақсимлаш гендер сегрегация дейилади. Бу ҳодисанинг умумий кўринишини намоён этиш учун айрим рақамларни келтирамиз.

«Бугун Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимида 6,5 млн.дан зиёд одам таҳсил олади, уларнинг 3170,4 минги – аёллар (таҳсил олаётганларнинг 48,4%) ва 3374,7 минги эркаклардир (51,6%)»⁴. Таълимда аёллар ва эркакларнинг тақсимланиши қуйидаги жадвалда батафсил келтирилган.

1-жадвал.

2000-2001 ўқув йил бошига таълим муассасалари турлари бўйича таҳсил олаётганларнинг сони

	Жинси бўйича тақсимлаш % ҳисобида	
	аёллар	эркаклар
Таълим муассасаларида таҳсил олувчиларнинг умумий сони	48,4	51,6
Умумтаълим мактабларида	48,9	51,1
Бошланғич касб таълим муассасаларида	43,0	57,0
Ўрта махсус ўқув муассасаларида	52,0	48,0
Олий ўқув муассасаларида	37,8	62,2

Манба: Статистический сборник. Мужчины и женщины Узбекистана, издание Макроэкономстата РУз, Гос. деп. стат., Т., 2002, с.61, 65.

⁴ Статистический сборник. Мужчины и женщины Узбекистана», издание Макроэкономстата РУз, Гос. деп. стат., Т., 2002, с.56.

1-Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, таълим муассасаларининг ҳар хил турларида таҳсил олаётган эркаклар ва аёллар сонининг нисбати номуносибдир. Масалан, ўрта махсус ўқув юртларида аёллар улушининг кўплиги кузатилади, таълим муассасаларининг бошқа турларида эса – эркаклар улуши устунлик қилади, айни вақтда бошланғич касб ва олий ўқув юртларида бу ҳолат муҳим аҳамият касб этади. Таълим олаётган эркаклар ва аёллар улуши ўртасидаги энг катта фарқ олий таълим тизимида кузатилади. Жумладан, олий ўқув юртлари талабалари сонининг 62,2% эркаклардан ва 37,8% аёллардан иборат (1-жадвални қаранг).

Олий таълим соҳасида таҳсил олаётган эркак ва аёлларнинг улушлари ўртасидаги тафовут бакалаврият ва магистратурага ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги миқдорий маълумотларни таққослаганда кўринади. Масалан, “Мужчины и женщины” статистик тўпламининг маълумотларига кўра, “2000-2001 ўқув йилларида бакалавриятга ўқишга кирганлар сони 42 минг кишини ташкил этди, бакалавриятга кирганлар умумий сонининг 37,4%ни қизлар ташкил этади, 62,6%ни – эркаклар”. Мазкур ўқув йилида магистратурага 2694 та одам қабул қилинган эди, уларнинг қарийб 35%ни аёллар, 65% эса эркаклар ташкил этади⁵.

Демак, таҳсил олувчиларни таълим муассасалари бўйича тақсимлашда қуйидаги ҳолат кузатилади: аёллар ўрта махсус ўқув муассасаларида кўпроқ бўлиб, улар бошланғич касб таълими муассасаларида кам даражада ва энг ками – олий ўқув юртларида.

Навбатдаги жадвалда ўрта махсус муассасалар ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабаларининг соҳа бўйича ихтисослашувидаги тақсимланиши келтирилган.

⁵ Ўша ерда.

2-жадвал.

Ўқувчи ва талабаларни 2000-2001 ўқув йили бошида соҳа ихтисослашуви бўйича, жинси бўйича тақсимлаш, %

Мутахассислар гуруҳи	Ўрта махсус ўқув юртларида		Олий ўқув юртларида	
	Аёллар	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар
Таълим	85,5	14,5	46,5	53,5
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт	87,8	12,2	51,1	48,9
Санъат ва кинематография	40,8	59,2	41,9	58,1
Иқтисодиёт ва ҳуқук	39,7	60,3	22,8	77,2
Саноат ва қурилиш	33,0	67,0	21,9	78,1
Қишлоқ хўжалиги	22,2	77,8	14,1	85,9
Транспорт ва алоқа	14,5	85,5	16,4	83,6
Жами	52,4	47,6	37,8	62,2

Манба: Статистический сборник. Мужчины и женщины Узбекистана», издание Макроэкономстата РУз, Гос.деп.стат., Т., 2002, с.61, 63-б.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўрта махсус ўқув юртларида уларда таълим олаётган аёллар сони эркакларга нисбатан кўпроқ (52% аёллар ва 48% эркаклар). Мазкур ўқув муассасаларида соҳа бўйича ихтисослашувдаги тақсимотни кўриб чиқиб, саноат ва қурилиш жабҳалари билан боғлиқ бўлган мутахассисликларда ўғил болалар кўп эканлигини (67,0% эркаклар ва 33,0% аёллар), қишлоқ хўжалигида (77,8 ва 22,2%), транспорт ва алоқада (85,5 ва 14,5%) кузатиш мумкин. Ўғил болалар сонининг кўплиги, шунингдек, иқтисодиёт ва ҳуқук соҳаларида (60,3 ва 39,7%), санъат ва кинематографияда (59,2 ва 40,8%, 2-жадв. қаранг) кўзга ташланади. Бу ҳол шунингдек соҳа бўйича олий ўқув юртларининг талабалари таркибидаги эркаклар ва аёллар сонини таққослаганда ҳам тақдорланади. Бу ўринда ҳам эркаклар яна саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, иқтисодиёт, ҳуқук, алоқа, жисмоний тарбия ва спорт соҳалари билан боғлиқ факультетлар ва ихтисосликларда сони бўйича аёллардан олдинда туради. Аёллар сонидagi сезиларли бўлмаган миқдорий кўплик фақат соғлиқни сақлаш соҳасида кузатилади (54,3% талаба қизлар). Санъат ва кинематография борасида ҳам аёллар эркакларга нисбатан камроқ (мазкур ихтисослашувда таҳсил олаётганлар сонининг 41,9% аёллар ташкил этади).

Шундай қилиб, аёллар сонининг ўрта ўқув юртларида аксарият қисмини ташкил этиши фақат икки мутахассислик гуруҳларида кузатилади: таълим

соҳаси – мазкур соҳада ўқувчилар умумий сонининг ҳиссасига 85,5% тўғри келади, ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида аёлларнинг сони энг юкори, яъни 87,8% (2-жадв.қаранг) тенг. Олий таълим соҳасида эса бундай устунлик фақат соғлиқни сақлаш борасидаги бир гуруҳ мутахассисликларда кузатилади, ва унинг ҳажми сезиларли эмас (51,1% аёллар).

1997/1998 йиллардан 2000/2001 ўқув йиллари давомида олий ўқув юртлари талабаларини таълим йўналишларига жинсига қараб тақсимлаш тузилмасининг динамикасини кўриб чиқамиз.

3-жадвал.

Олий ўқув юртлари талабаларининг таълим йўналишларига жинсига қараб тақсимланиши ўқув йили бошига, якунига % да

	1997/1998		1998/1999		1999/2000		2000/2001	
	А	Э	А	Э	А	Э	А	Э
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Саноат ва қурилиш	4,9	10,4	4,1	10,1	4,0	9,0	4,3	9,0
Транспорт ва алоқа	0,9	3,1	0,9	3,4	1,3	3,4	1,1	3,6
Қишлоқ хўжалиги	2,9	12,8	3,0	11,7	2,9	10,6	2,6	9,7
Иқтисодиёт ва ҳуқуқ	1,6	3,8	2,3	3,7	2,1	4,0	2,0	4,1
Соғлиқни сақлаш	11,2	6,5	12,1	6,4	13,7	7,3	12,9	6,6
Жисмоний тарбия ва спорт	0,2	0,7	0,3	0,8	0,3	1,0	0,3	1,1
Маориф	70,2	44,2	68,1	45,7	67,3	46,5	68,2	47,6
СУММА	91,9	81,5	90,8	81,8	91,6	81,8	91,4	81,7
Бошқалар	18,1	18,5	9,2	18,2	8,4	18,2	8,6	18,3

*Манба: Статистический сборник. "Мужчины и женщины Узбекистана", издание Макроэкономстата РУз, Гос. деп. стат., Т., 2002, с. 71
Изоҳ: Жадвалда айрим соҳалар бўйича тақсимлаш келтирилган.
Шунинг учун устунлардаги сумма 100 %ни ташкил этмайди.*

Кўриниб турганидек, тақдим этилган олий ўқув юртлари талабаларининг тақсимланиш тузилмасида маориф соҳасида ихтисослашув устивор бўлиб, 1997 йилдан бошлаб 2000 йилгача бу гуруҳда аёллар улшининг камайиши ва эркеклар сонининг кўпайиши

кузатилади. Жумладан, 1997/1998 ўқув йилида олий таълим тизимида таҳсил олувчи аёлларнинг 70,2% маориф соҳасида ихтисослашган, эркаларда эса бу кўрсаткич 44,2% ташкил этган. 2000/2001 ўқув йилининг бошига бу кўрсаткичлар аёллар ва эркалар учун тегишли равишда 68,2% ва 47,6% ташкил этган. Аёллар ўртасида кейинги машхур бўлган соҳа соғлиқни сақлаш соҳаси бўлиб, эркаларда - қишлоқ хўжалиги, саноат ва курилишдир.

Аспирант ва докторантлар ўртасида ҳам эркалар кўпчилиқни ташкил қилади. Агар тақсимлашни мамлакатимизнинг алоҳида ҳудудлари сифатида тақсимлашни кўриб чиқсак (4-жадв. қаранг), унда эркаларга нисбатан аёл аспирантлар ва докторантлар сонининг кўпроқлигини ягона вилоят – Андижон вилоятида кузатиш мумкин. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам аспирантурада ўқиётган аёллар сони жуда ҳам кўп эмаслигини кўриш мумкин, лекин бу докторантлар орасида бошқа кўпгина вилоятлардаги сингари эркалар устунлик қилади. (4-жадвалга қ.).

4-жадвал.

**Аспирантлар ва докторантлар сони
жинси бўйича тақсимлаш %да**

Худуд	Аспирантлар		Докторантлар	
	аёллар	эркалар	аёллар	эркалар
Ўзбекистон Республикаси	40,8	59,2	39,0	61,0
Қорақалпоғистон Республикаси	51,4	48,6	22,0	78,0
Андижон	31,5	68,5	70,0	30,0
Бухоро	27,6	72,4	35,0	65,0
Жиззах	-	100,0	-	-
Қашқадарё	45,0	55,0	-	-
Наманган	44,8	55,2	-	-
Самарқанд	35,8	64,2	22,0	78,0
Сурхондарё	18,9	81,1	-	-
Сирдарё	57,9	42,1	-	-
Тошкент	17,4	82,6	29,0	71,0
Фарғона	43,7	56,3	8,0	92,0
Хоразм	34,0	66,0	-	100,0
Тошкент ш.	43,1	56,9	43,0	57,0

Манба: Статистический сборник. "Мужчины и женщины Узбекистана", издание Макроэкономстата РУз, Гос. деп. стат., Т., 2002, с.75.

1997 йилдан 2000 йилгача аспирантларнинг сони динамикасини кўриб чиқиб, шуни таъкидлаш мумкинки, кўрсатилган йиллар давомида аёл-аспирантлар сони 11%га ошди: 1997 йилда бу кўрсаткич 30% ташкил этган, 2000 йилда эса – 41,1%. Шундай қилиб, кўрсаткичлар динамикаси етарлича умидбахш, лекин бу борада қатор саволлар пайдо бўлади.

Уларнинг биринчиси аспирантларнинг ихтисослиги соҳасига тегишли. Аспирантларнинг жинсига қараб у ёки бу ихтисосликни танлашда боғлиқлик борми? Эҳтимол, мавжуд бўлса керак, чунки буни статистика тасдиқлайди. Масалан, эркак-аспирантлар сонининг сезиларли даражада кўплиги қишлоқ хўжалиги соҳасида (бу ерда мазкур ихтисосликдаги умумий аспирантлар сонидан эркак аспирантлар сони 79,2% ташкил этади), ветеринария соҳасида (82,4%), юридик (81,3%), физика-математика (76,1%), техника соҳасида (74,9%) кузатилади. Эркак аспирантлар сони география, геология ва минералогия ҳамда политология соҳаларида ҳам аксарият қисмини ташкил этади. Айни пайтда аспирантурада ўқиётган аёллар улуши санъатшунослик соҳасида (79,1%), психологияда (69,1%), социологияда (68,8%), филологияда (62,5%), педагогикада (60,9%), доришуносликда (57,9%)⁶ кўпдир⁷. Шундай қилиб, қайд этиш мумкинки, 1997 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда аёл аспирантлар сонининг ошиши улар томонидан кўпроқ илмий фаолият соҳалари кенгайтирилгани учун эмас, балки аспирантурада ўқиётганлар ва аёллар учун анъанавий бўлган фан соҳаларида ихтисослашаётганлар таркибида улар сонининг ошганлиги натижасидир.

Аёл аспирантлар сонининг ошиши сабабли пайдо бўлаётган иккинчи савол шундан иборатки, уларнинг неча фоизи номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиб, илмий даражани олади? Ачинарлиси шундаки, бу борада бевосита статистик маълумотлар йўқ, лекин илмий даражага эга илмий ходимлар сонининг кўрсаткичларини кўриб чиқиб, биз бу ҳақда таассуротга эга бўлишимиз мумкин. Бу кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

⁶ Статистик тўплам. Мужчины и женщины Узбекистана, 73-б.

⁷ Стат. тўплам. Мужчины и женщины Узбекистана, 73-б.

6-жадвал.

Илмий ходимлар сони жинс бўйича тақсимлаш % да

	1997		2000	
	Аёл	Эркак	Аёл	Эркак
Илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширувчи мутахассис-тадқиқотчилар	38,0	62,0	40,0	60,0
<i>Улардан илмий даражага эгалари</i>				
Фан докторлари	12,0	88,0	13,0	87,0
Фан номзодлари	28,0	72,0	28,0	72,0

Манба: Статистический сборник. "Мужчины и женщины Узбекистана", издание Макроэкономстата РУз, Гос. деп. стат., Т., 2002, с. 77.

Юқорида қайд этилган маълумотларнинг далолат беришича, илмий даражага эга илмий ходимлар орасида ҳам аёлларга нисбатан эркаклар сони кўпроқдир, ва бу ҳолат юқорида кўрсатилган вақт мобайнида сақланиб келмоқда. Бундан ташқари, илмий даражага эга аёл ва эркак илмий ходимлар сонининг нисбати 1997 йилдан 2000 йилгача деярли ўзгармаган. 1997 йилдаги каби 2000 йилда ҳам илмий ходимлар орасида фан номзоди илмий даражасига эга аёллар сони 28%, эркаклар эса барқарор равишда – 72% ташкил этади. Бундай “барқарорликнинг” сабаби нимада? Нима учун кўриб чиқилаётган кўрсаткичларда худди шу даврда қайд этилган аспирант аёллар сони ўз ифодасини топмайди? Аспирантурани тугатган аёллар илмий иш билан шуғулланишни тўхтатиши ёки барча аёллар ҳам диссертацияни ёклаш вақтигача етиб бормаслиги буни исботламайдими? Бу савол ҳозирча очиклигича қолмоқда, чунки уни аниқлаштириш учун махсус тадқиқотлар талаб этилади.

“Мужчины и женщины Узбекистана” тўпламида бу борада шундай таъкидланадики, “ўқув юртларида таҳсил олишда ихтисослашувни танлаш аёллар ва эркаклар ўртасида сезиларли даражада фарқ қилади. Одатда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талаба кизлари маориф, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни афзал кўрадилар, эркаклар эса – саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, таълим соҳаларини”⁸. Рақамларнинг кўрсатишича, касбий ихтисослашув бўйича ҳаётда ҳам эркаклар ва аёллар тақсимланиши айнан худди шундай тарзда юзага келади. Лекин шуниси шубҳалики, талаба кизлар соғлиқни сақлаш ва маориф соҳаларини афзал кўради. Бу танлов ҳар доим ҳам ихтиёриймикан, ижтимоий теварак

⁸ Стат. сборник. Мужчины и женщины Узбекистана, с.56.

танлов ўқитувчи, шифокор ва ҳамшира касблари билангина чекланиб қолмаслигини улар англаб етишларига қанчалик кўмаклашади? Мазкур тўпلامда ушбу ҳолатга ҳам қисқача таъриф берилган: “Аёллар ва эркеклар томонидан ихтисосликни танлашга асосан шаклланган эскича фикрлаш, яъни меҳнатнинг “аёллар” ва “эркеклар”никига бўлиниши, оиладаги аънаналар ва иқтисодий тартиб омиллари таъсир кўрсатади”⁹. Қандай қилиб эскича фикрлаш, оилавий аънаналар ва иқтисодий омиллар аёлларнинг таълимдан фойдаланиш имкониятига таъсир кўрсатади? Олий маълумот ва ундан кейинги маълумотни олишда аёллар тенглик ҳуқуқларидан етарлича фаол фойдаланмасликларининг сабаби нимада қам ҳақ тўланадиган меҳнат соҳаларини танлашга уларни нималар ундайди? Давлат эълон қилган таълим соҳасидаги гендер тенглик тамойилини амалда рўёбга чиқаришга қандай омиллар тўсқинлик қилади? Мана шу саволларга жавобларни топиш учун кўплаб социолог-мутахассислар, биринчи навбатда таълимдаги тенгсизлик назариясининг муаллифлари кўп изланишди. Булар хусусида батафсил тўхталамиз.

Таълимдаги тенгсизликни ифодаловчи назариялар.

Умумтаълимнинг кенг тарқалиши демократия ғоялари билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир инсон учун нафақат билим олиш, балки шахсий салоҳиятини намоеън этиш учун имкон. Таҳмин қилинишича, ёшлар учун билим олиш имкониятидаги тенгликни таъминлаш уларнинг фаровон ҳаёт даражаси ва ижтимоий мавқеидаги ижтимоий тенгсизлик кўламини бироз камайтиради. Шунинг учун таълим келиб чиқиши, моддий таъминоти, миллати, фуқаролиги, диний эътиқоди ёки жинсидан қатъи назар, барча инсонлар учун тенгликни таъминловчи восита сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам таълим тенгликка эришишга кўмаклашадими? Бу саволга жавобни кўплаб тадқиқотчилар излаган, аммо ҳар доим ҳам унга бир хил жавоб олмаганлар. Бундан ташқари, мазкур масалани ўрганишга бағишланган аксарият тадқиқотлар шунини яққол кўрсатдики, “таълим кўп жиҳатдан мавжуд тенгсизликни бартараф этишга кўмаклашиш ўрнига уни акс эттириш ва тасдиқлашга мойил”¹⁰.

Америка таълим тизимида тенгсизлик борасидаги мумтоз тадқиқотлар натижалари (Д.Коулман раҳбарлигидаги социологик тадқиқотлар, 1964) ўқувчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши ўқув жараёнига самарали таъсир кўрсатишини аниқлаш имконини берди: ўқувчилар ота-оналарининг ижтимоий келиб чиқиши қанчалик юқори бўлса, шунчалик улар ўқишда катта муваффақиятларга эришган¹¹. Ўша вақтдаги Америка таълим тизимида ижтимоий тенгсизлик шу тарзда

⁹ Ўша ерда, 57-б.

¹⁰ Coleman J.S. et al. Equality of Educational Opportunity. Washington, 1966. Цит. По: Гидденс Э. Социология. М.: Эдиториал УРСС, 1999, с.398.

¹¹ Кўрсатилган асар.

аниқланган эди. Кейинги тадқиқотлар айрим ҳолларда Коулменнинг хулосаларини тасдиқлаган, гоҳида эса буни рад этган, лекин ижтимоий фарқликларни умумтаълим тизими орқали тенг даражага олиб келиш ҳолати шубҳа остига қўйилган эди. Таълим тизими орқали тенгсизликни қайта ишлаб чиқишдек бундай феномени тушунтириш мақсадида ушбу ҳолатни турлича ифодаловчи бир қатор назарий концепциялар таклиф этилди.

Ижтимоий тенгсизликни ифодаловчи мактаб таълими назарияси. Замонавий таълим унинг тенгсизлик феномени билан боғлиқлиги табиатини изоҳловчи назарияларга қуйидагилар киради: тил коди назарияси (Б.Бернстайн), мактаб ва саноат капитализми назарияси (С.Боулва ва Г.Гинтис) ҳамда яширин дастур назарияси (И.Иллич).

Бернстайннинг¹² фикрича, ижтимоий келиб чиқиши турлича бўлган болаларда таълим олишнинг муваффақиятли бўлишига таъсир кўрсатувчи турли тил кодлари ривожланади (яъни вербал мулоқот шакллари). Қуйи ижтимоий қатламлардаги болалар нутқи амалий тусга эга (Бернстайннинг айтишича, «чегараланган тил кодига» эга), шунинг учун уларга ўрта ижтимоий қатламга мансуб нутқи бой («ривожланган тил кодига») болаларга нисбатан таълим олиш мураккаброқ кечади, натижада улар абстракт даражада билимларни эгаллашда камроқ қийинчиликларга дуч келади. Бундай ёндашув муаллифининг таъкидлашича, ривожланган нутқ кодига эга болалар мактаб дастуридаги фанларни қабул қилишга тайёрроқ бўладилар, шунинг учун мактаб муҳитига осонроқ қўникадилар. Шундан келиб чиқиб, нима учун турли ижтимоий қатламларга мансуб болаларнинг мактабда таҳсил олиши баб-баробар муваффақиятли эмас, деган хулосалар қилинган.

Американинг мактаб таълими тизимини таҳлил қилишга асосланган мактаб ва саноат капитализми назарияси (С.Боулз ва Г.Гинтис)¹³ замонавий таълимни саноат капитализмининг иқтисодий эҳтиёжларига жавоб берувчи институт сифатида тушуниш кераклигидан келиб чиқади. Мактаб ўқувчиларнинг кўп бўлмаган қисмини муваффақиятга эришишга йўналтиради. Уларга зид ўлароқ, кам ҳақ тўланадиган ижрочилик ишида ишлаш эҳтимоли кўпроқ бўлган ўқувчилар ҳокимиятга бўйсиниш руҳида тарбияландилар. Шундай қилиб, муаллифларнинг таъкидлашларича, мактаб иқтисодий тенгликка эришишга хизмат қилмайди, балки аксинча, тенгсизликнинг мустаҳкамланишига қўмаклашади.

Таълимни тенгсизлик феномени билан боғловчи учинчи назария бу Иван Илличнинг “яширин дастур” назариясидир¹⁴. Ушбу назария муаллифи ҳозирги мавжуд шаклдаги таълимни шубҳа остига қўяди.

¹² Berstein B. Class, Codes and Control. London, 1975.

¹³ Boules S. and Gintis H. Schooling in Capitalist America. London, 1976.

¹⁴ Illich I.D. Deschooling Society. Harmondworth, 1973.

Олдинги муаллифлар каби у жамиятнинг иқтисодий тизими ўртага ташлайдиган интизом ва субординацияни талаб қилиш каби таълим элементлари ҳақида гапиради. Энтони Гидденс шундай деб таъкидлайдики, Илличнинг фикрича, “мактаб тўртта асосий вазифани ҳал қилиш учун ривожланган: болаларга васийлик қилиш, уларни жамиятда эгаллайдиган ролларга тақсимлаш, уларда асосий кадриятларни шакллантириш ва уларга ижтимоий фойдали билимлар, кўникмаларни ва маҳоратни бериш”¹⁵.

Иллич назарияси доирасида қизиқарли ва муҳим янгилик кашф этилди: у биринчилар қаторида мактабларда “яширин ўқув дастури” мавжудлиги ҳақида гапирди, ва бу феномени куйидагича изоҳлади. Илличнинг таъкидлашича, мактабларда болалар ўртасида *пассив истеъмолчи*, яъни мавжуд ижтимоий тартиб-қоидаларга нотанқидий муносабат ривожлантирилади, бундай муносабат мактабдаги тартиб-интизом қоидалари ва ўқувчиларга нисбатан кўриладиган қатъий ташкилий шакллар натижасида юзага келади. Бундай дарслар англамаган ҳолда ўтилади, улар мактаб ташкилоти ва кун тартибида яққол кўзга ташланмайди. Яширин дастур болаларни “ўз ўрнини билиб, ортиқча ўзини кўрсатмаслик”¹⁶ ролига ўргатади. Шу муносабат билан Иллич мавжуд таълим тизимига қарши чиқади. Унинг фикрича, таълим тизими аслида мажбурий бўлиши ва қандайдир бир муқаррар ҳодиса, деб қабул қилиниши керак эмас. У қуйидаги саволни кўтаради: агар мактаблар шахснинг ижодий салоҳиятини тўла намоён этиши учун шароит яратиб бермаса, улар нимага керак? Бу ўринда у таълим тизимидан бутунлай воз кечишга даъват этмайди, лекин таълим авваламбор, барча хоҳловчилар учун мавжуд манбалардан фойдаланишни таъминлаши керак деб, хисоблайди.

Тақдим этилган назарияларда таълим тизими ва ижтимоий тенгсизлик феномени ўртасидаги боғлиқликни тушунтиришга ҳаракат қилинган ва улар бошқа ижтимоий институтлар қатори мактаблар ҳам маданий қайта вужудга келишнинг воситаси эканлиги ҳақида хулосага келишга имкон берган. Ўзларининг “яширин дастурини” рўёбга чиқариб, улар жамият томонидан маъқуллаб келинган қоидалар, кадриятлар, одоб-ахлоқ намуналари ва моделини таҳсил олаётганларга сингдиришга ёрдам берганлар. Шунинг учун агар жамиятда ижтимоий тенгсизлик мавжуд бўлса, унда у албатта мактаб таълими тизимида ҳам ўз аксини топади.

Педагогикадаги анъанавий, танқидий, феминистик ва гендер ёндашувлар. Таълим ижтимоийлаштирув институти ва билимга эга бўлиш жараёни сифатида ўсиб келаётган авлод таълим ва тарбиясининг турли парадигмаларига эга педагогик фан билан чамбарчас боғлиқдир.

¹⁵ Гидденс Э. Социология. М.: Эдиториал УРСС, 1999, с. 403.

¹⁶ Illich I.D. Deschooling Society. Harmondworth, 1973.

Гендер назариясининг ривожланиши педагогика фанида ҳам янги ёндашувлар пайдо бўлишига таъсирини кўрсатди. Педагогиканинг ривожланиш жараёнида бу борада таълим олишнинг турли ёндашувларга тегишли бўлган бир неча босқичларни белгилаш мумкин: анъанавий, танқидий, феминистик ва гендер.

Анъанавий ёндашув ўтган асрнинг 60-чи йилларигача педагогикада устун йўналиш ҳисобланган ва ҳозирги кунгача ҳам ўз таъсирини йўқотмаган. Мазкур ёндашув доирасида ўқувчи таъсир кўрсатиш объекти сифатида кўриб чиқилади. Педагогиканинг асосий мақсадларига, яъни жамиятга фойдаси тегадиган шахснинг билимини шакллантириш ва уни тарбиялашга эришиш дастлабки вазифалардан бири эди. Мазкур йўналишдаги педагогикада *таълимнинг анъанавий услублари* ва қарор топган *анъанавий “устоз-шогирд” муносабатлари қўлланилган*, уларга кўра ўқитувчи “асосий ўрин” эгаллаб, ўқувчи эса унга берилаётган билимларнинг истемолчиси бўлган. Бу борада таълим жараёни педагогик бошқарув, ўқувчи шахсининг “ташқаридан” унинг фаоллиги ва индивидуаллиги ҳисобга олинмаган ҳолда шакллантирилиши нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Пировард натижада анъанавий педагогикада ўқувчи итоаткор рефлексиясиз (мулоҳазасиз) бажарувчи ҳисобланади.

Педагогикадаги анъанавий ёндашув мактаб шахсга жамиятда ўз ақлий ва бошқа имкониятларига мос равишда оқилона тақсимлашга ёрдам бериши ва бу билан инсоннинг ижтимоий муҳитга кўникишига кўмаклашиши ҳақидаги ғояга асосланади. Шундай қилиб, “мактабнинг вазифаси гуманитар соҳада қобилияти бўлган болалар гуманитар синфларда ўқиши, техника соҳадагилари эса – техникага ихтисослашган синфларда ўқиши учун уларни “саралаш” зарурлигига, таълим олишга қобилияти бўлган болалар ўқишни давом эттириши, қобилияти бўлмаганлари эса – умуман ўқимаслигини белгилаш”дан иборат¹⁷. Бунинг учун болаларни қобилиятларига қараб тақсимлаш, рағбатлантириш ва жазолаш тизимидан, баҳолашнинг мусобақа тизимидан фойдаланиш қўлланилади.

Анъанавий педагогикага зид равишда 1960 йилларнинг охирида Ғарб педагогикасида янги йўналиш – **танқидий педагогика** ёки **таълимнинг танқидий назарияси** пайдо бўлди, унга кўра анъанавий педагогиканинг омилкорона тамойиллари қатъий танқид остига олинади ва қайта кўриб чиқилиши талаб этилади. Мазкур йўналишнинг етакчилари қаторида АҚШ академик педагогикаси вакиллари (Анри Жиро ва Питер Макларен), француз танқидий педагогикаси вакили (Пьер Бордо) ва бошқалар бор. Ушбу йўналишнинг назарий манбалари сифатида Л.Альтюссер, А.Грамши, П.Бурдьё, Б.Бернштейннинг асарлари ҳисобланади. Ўша 1960-чи

¹⁷ Введение в гендерные исследования. Учебное пособие под ред. Костиковой И.В. М.: МГУ, 2000, с. .201.

йилларда таниқли россиялик олимлар – Л.В.Занков, Д.Б.Эльконин, Г.П.Шchedровицкий, В.В.Давидов ва бошқалар ҳам педагогикада нуктаи назарларни ўзгартиришган.

Танқидий педагоглар замонавий мактабларни турли белгиларига: жинси, этник мансублиги, моддий ва ижтимоий мавқеи ва бошқа жиҳатларига қараб болалар сараланадиган ва селекция қилинадиган “фабрикалар”га қиёслайдилар. Уларнинг фикрича, мактаблар шу тариха жамиятнинг маданий ва ижтимоий манфаатларига хизмат қилади, ва унинг кадрятларини қайтаради. Мактабнинг вазифаси, танқидий педагогларнинг фикрича, жамиятнинг манфаатларига мувофиқ таълим тизимини унификациялашдан ва болаларни “меъёрлаштиришдан” иборат бўлмаслиги керак, аксинча уларга тахлилий қобилиятларини ва ўзларининг “мен”ини ривожлантириш учун имконият беришдан иборат бўлиши керак. Универсаллаштириш эмас, хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш керак. “Бундай мактаблардан дунёни ўзгарувчан деб кўрадиган фуқаролар чиқиши лозим” ва айни “мактаблар ижтимоий трансформация ва эмансипация манбаи бўлиши керак”¹⁸. Бунда ана шундай эмансипация учун болаларга имкон берадиган ва уларнинг имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклаша оладиган ва шундай қилиши лозим бўлган муаллимга катта рол ажратилади.

“Танқидий педагоглар” “яширин ўқув дастури” ёки “яширин режа” (Hidden curriculum) тушунчасидан фойдаландилар. “Яширин дастур деганда, ўқувчиларга у ёки бу тамойилларни тўғридан-тўғри сингдириш эмас, балки таълимнинг алоҳида тузилмаси ва услуби, вазифалар ва мисолларни танлаш тушунилади”¹⁹, ва улар ўқувчиларга сезиларли бўлмаган даражада таъсир кўрсатади. Демак, таълимнинг мазмунини тахлил қилар эканлар, танқидий педагоглар шундай хулосага келдиларки, ўқув дастурлари ва дарсликлар нафақат “объектив билимларни”, балки исталган келажакни тасаввур қилишга мувофиқ муайян ижтимоий афзалликларни ҳам ўз ичига олган. Ўқувчилар нимани ва қандай усуллар билан ўрганишда танлаш имкониятига эга эмаслар, билимлар эса уларга “махфийлаштирилган маълумот” сифатида тақдим этилади, уларда эса ижтимоий хулқ-атворнинг маълум қонун-қоидалари имплицит равишда мавжуддир.

Мактаб таълимида тенгсизликни қайтадан яратиш муаммосини артикуллаштириб, танқидий педагогика ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш воситаси сифатида анъанавий педагогикада қўлланиладиган ўқитиш ва тарбия усулларини тубдан ўзгартиришни таклиф этадилар. Уларнинг фикрича, мактаблар баҳолашнинг мусобақа ва таққослаш тизимидан ва стандарт тестлардан воз кечиши, ўқитувчилар ва ўқувчиларга катта

¹⁸ Фрумин И.Д. Вызов критической педагогики// Вопросы философии. 1998. № 12, с.57.

¹⁹ Введение в гендерные исследования. Учебное пособие под ред. Костиковой И.В. М.: МГУ. 2000., с. 202

автономия бериши керак. Танқидий педагоглар эмансипацияга олиб борадиган ёки йўналтирадиган билимни таълимда муҳим деб ҳисоблайдилар, бундай билим ўз ижтимоий позициясини ишлаб чиқишга имкон беради ва “фуқаролик дадиллигини сақлашга” имконият яратади²⁰.

Юқорида қайд этилган мактаб таълими назарияларида ва педагогикадаги ёндашувларда таълимдаги тенгсизлик муаммоси ўқувчиларнинг синфий ёки ирқий келиб чиқиши нуктаи назаридан кўриб чиқилган. Кейинчалик танқидий педагогикада янги йўналиш – **феминистик педагогика** юзага келди, унинг вакиллари таълим тизимида мавжуд бўлган гендер тенгсизлигини асосий муаммо сифатида ўртага қўйишган. Шундай қилиб, феминист педагогларнинг диққат-эътиборида гендер муносабатлари пайдо бўлди.

Феминистик педагогика тарафдорлари ғарб мамлакатларидаги таълим тизимини таҳлил қилиб, шундай хулосага келишди: мактаб таълими анъанавий гендер роллар ва эскича ёндашувларни мустаҳкамлашга ва қайта тиклашга қўмаклашади. М.Макдональд ёзишича, мактабда боланинг хулқ-атвори унинг жинсига нисбатан талаб этиладиган ундан кутиладиган меъёрларга қараб баҳоланади: қиз болаларнинг хулқи умумий қабул қилинган феминин моделга, ўғил болаларнинг эса – маскулин моделга мос келиши керак. Мактаб тизими жинсий ролли хулқ-атвор моделларини (гендер ролларини) сингдиришга ўз “ҳиссасини” қўшади, унга қўра ўғил болаларни бўлажак касбий фаолиятга тайёрлаш, қиз болаларни эса – оилавий вазифаларни бажаришга йўналтириш зарур. Мактаб таълимидан бошлаб ўғил болаларга “эркакларга” хос машғулотлар, қиз болаларга эса – “аёлларга” хос вазифалар белгиланади. Айниқса, бу мактабдаги меҳнат дарсларида ва касбга йўналтиришда яққол ўз ифодасини топади, уларда аслида анъанавий жинсий ролларни қатъий мустаҳкамлаш юзага келади: қизлар аёллар касби ва машғулотларига (уй бекалиги, котиба, тикувчи ва х.з.), ўғил болалар эса – эркаклар касбига (дурадгор, пайвандчи, хайдовчи, алоқачи ва х.з.) йўналтирилади.

Бундан ташқари, феминистик педагогика вакиллари томонидан таълим тизими қиз болаларга қараганда, кўпроқ ўғил болаларга йўналтирилганлиги тўғрисидаги факт аниқланди, бунинг асосида мактаб таълимида қиз болаларни камситиш тўғрисида хулоса юзага келди. Феминист аёлларнинг фикрича, мактаб тизимининг тузилмаси ўғил болалар учун қулай ва одатий тусга эга, ва қиз болаларга унда камроқ эътибор берилади. Уларнинг фикрича, айнан ўғил болаларни ўқитувчилар кўпинча фаоллик ва изланувчанликка рағбатлантирадидилар. Мактабда мавжуд бўлган “эркаклар” фанларига (техникавий ва аниқ фанлар) ва

²⁰ Giroux H. Modernism, Postmodernism and Feminism: Rethinking the Boundaries of Educational Discourse. NY., 1993, p. 47.

“аёллар” фанларига (гуманитар фанлар) ноошкора бўлиш шуни кўрсатадики, ўғил болаларни мураккаб фанлар билан шуғулланишга рағбатлантирадilar, демак, уларнинг қобилятлари юқорирок баҳоланади. Таълимда мураккаб фанлар устун бўлгани туфайли, феминист педагогларнинг фикрича, мавжуд таълим тизими ўғил болаларга нисбатан ижобий муносабатда, қиз болаларга нисбатан эса – “душманлик” кўзи билан қарайди.

Феминистик педагогика вакилларининг бундай хулосалари америка таълимида узоқ вақт мобайнида ўғил болалар афзалроқ жинсга мансублиги ва мактаб қиз болаларни камситиши ҳақидаги фикр ҳукм сурган. Бу нуқтаи-назарни тарғибот қилиш “ўғил болаларни имтиёзлардан маҳрум қилиш ва қиз болаларга етказилган зарарни қоплашга” қаратилган чораларни мактабларда фаол жорий қила бошлашга олиб келди²¹. 1990 йилларда таълим тизимининг қурбони бўлиб, эсанкираб, саросимага тушиб қолган бечора қизчанинг образи ва унга жамиятнинг муносабатини акс эттирувчи қатор нашрлар чоп этилди (Мира ва Дэвид Садкерлар “Рўёбга чиқмаган адолат”, П.Оренстайн “Ўқувчи қизлар: ёш аёллар, ўз кадр-қиммати ва ўзига ишонмаслик”, М.Пифер “Офелияни тирилтириш” ва бошқалар).

Лекин феминистик педагогика борасида юзага келган хулосалар жуда кўп танқидий фикр-мулоҳазаларга сабаб бўлди. Кристина Ҳофф Соммерснинг ёзишича, бу борада олиб борилган тадқиқотларда “кўплаб хатолар мавжуд бўлиб, уларни деярли биронтаси ҳам нуфузли илмий журналларда чоп этилмаган”²². Бундан ташқари, ўзининг “Ўғил болаларга қарши уруш” мақоласида у Американинг таълим тизимида замонавий ўғил болаларнинг “ночор” аҳволи тўғрисида гувоҳ берувчи далилларни келтиради. Анна шу далилларга кўра, ўртача савиядаги ўғил бола ўртача савиядаги қиз боладан ўқиш ва ёзишда бир ярим йилга орқада қолади; қиз болалар уй вазифасини бажаришда масъулиятлироқ бўлиб, юқори баҳолар оладилар; ўғил ва қиз болаларнинг мактабда фанларни ўзлаштиришидаги фарқнинг ошиши коллеж талабалари гендер нисбатининг ўзгаришига олиб келади, ва ҳозирги вақтда уларда аёллар сонининг ошиш тенденцияси кузатилмоқда. Соммерс, шунингдек, қизлар мактабнинг ижтимоий ҳаётида ва ундан ташқарида фаолроқ иштирок этади, уларнинг қизқиши, дунёқарашини ўғил болаларга нисбатан бой. Бу борада ўғил болаларни одатда ўқишдан четлаштиришади ёки хайдашади, ва кўпинча уларнинг кўпчилиги жиноят йўлига кириб кетади, гиёҳвандликка ёки ичкиликбозликка ружу қўяди.

Бундай маълумотлар россиялик муаллифлар томонидан олиб борилган айрим натижалар билан таққосланган. Масалан, Г.Бреслав ва

²¹ Соммерс К. Х. Война против мальчиков. Учебные материалы Ереванской Летней Школы по Гендерной Культуре: Развитие Программ по Гендерному Образованию. Е., 2002.

²² Қўрсатилган асар.

Б.Хасаннинг маълумотларига кўра, ўспиринлик даврида ўғил болалар қиз болалардан ривожланишда (жисмоний ва аклий) орқада қолади, бу эса қизларга IV – V синфларда етакчи бўлишга, ўқишда ҳам, жамоатчилик ишида ҳам биринчилар қаторида юришга имкон беради²³. Ҳақиқатан ҳам, тажриба шуни кўрсатадики, аълочи ва фаол қизларнинг сони ўғил болаларга қараганда кўпроқ. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, жамоатчилик фаолияти алоқаларни ўрнатиш, муайян вазифаларни итоткорлик билан бажаришни талаб этади, бу эса кўпроқ қизларнинг характериға хосдир. Шундай қилиб, мактаб ўқувчиларға феминистик хулқ-атвор меъёрларини рағбатлантирувчи талабларни қўяди, улар эса маълум бир вақтда ўғил болалар учун номеъёрий қоида бўлиб қолади. Ўғил болалар буни қабул қилар эканлар, тенгдошлари орасида обрўсини йўқотмасликка ҳаракат қилиб, уларни эркакларға хос бўлмаган хулқ-атворда айбашларидан чўчиб турадилар. Лекин агар ўғил болалар бу талабларни ошқора рад этсалар, унда уларнинг хулқи меъёрдан чиқиб кетган бўлиб ҳисобланиб, уларға нисбатан мактаб маъмурияти томонидан чоралар кўрилиши мумкин. Г.Бреслав ва Б.Хасан таъкидлаганидек, ўғил болаларнинг мактабдан кетишиға ўқитувчилар қиз болаларға қараганда осонроқ қарайдилар, шунинг учун юкори синфларда аксарият ҳолатларда қизлар кўпроқ бўлади²⁴.

В.В.Солодниковнинг мактабгача таълим муассасаларининг педагоглари тассавуридаги баркамол фарзанд сиймосини ўрганиш бўйича тадқиқоти бу фактнинг мавжудлигини исботлайди. Масалан, сўров қилинган кўплаб боғча тарбиячилари қиз болаларни афзалроқ кўриб, ўғил болаларни эса, аксинча, унча ёқтирмасликларини билдирган. Бу борада рад этилаётган болада урушқоқлик, қатъиятлик, беллашишға интилиш каби хусусиятлар, яъни маскулин типға тегишли фазилатлар мавжуд. Муаллифнинг хулосасиға кўра, бундай натижаларда “аёл-педагоглар ўз жинсига мансуб болаларға кўрсатган илтифоти (балки ҳар доим ҳам англамаган) яққол кўзға ташланар эди”²⁵.

Шундай қилиб, тақдим этилган тадқиқотларнинг натижалари кўрсатганидек, мактабгача таълим ва мактаб таълимида ўғил болалар ҳар доим ҳам энг нуфузли инсонлар бўлиб қолмайдилар, кўпинча аксинча бўладилар. Кўп ҳолатларда аёлларға йўналтирилган таълим тизимида ўғил болалар аутсайдерлар бўлиб қолганлари учун “аёллар олаמידан” умуман фарқ қилувчи ўзларининг «эркаклар дунёсини» яратишға мажбур бўладилар ва у ерда улар эркакларға хос хулқ-атвор моделларини ва маскулин хусусиятларни намоён қиладилар. “Эркаклар эътирози, деб ном

²³ Бреслав Г.М., Хасан Б.И. Половые различия и современное школьное образование// Вопросы психологии. 1990. №3.

²⁴ Кўрсатилган асар.

²⁵ Алешина Ю.Е., Волович А.С. Проблемы усвоения ролей мужчины и женщины // Вопросы психологии. 1991. № 4.

олган бу жараён, қизларга нисбатан яққол салбий муносабат ва қўпол ва кескин фарқ қилувчи “эркакча” муомала билан ифодаланади”²⁶. Тақдим этилган маълумотларга кўра, мактаб таълими тизимида қизлар кўпроқ афзалликларга эга, натижада, ўз салоҳиятини намойиш этишга имкониятлари ортиқроқ.

Шундай қилиб, феминистик педагогларнинг фикрича, таълим тизимида, биринчи навбатда, қизлар камситилади. Танқидчилар ва юқорида қайд этилган россияликларнинг тадқиқотларда таъкидланишича, ўғил болалар ҳам таълим тизимида аянчли аҳволда. Лекин биз учун мактабда камситилиш объекти ким – ўғил болаларми ёки қизларми – муҳими бу эмас, балки айнан жинсига кўра камситиш мавжудлиги аҳамиятга эга. Феминистик педагогларнинг хизмати шундан иборатки, улар бу ҳақда илк бор гапира бошладилар. Ёндашувларининг бироз бир томонламалигига қарамасдан, феминистик педагогика гендер тенгсизлик билан боғлиқ таълимдаги яширин муаммолар муҳокамаси бошланишига кўмаклашди.

Педагогик ёндашувларни ривожлантиришдаги кейинги қадам - бу гендер назарияси ютуқларини таълим ва тарбия соҳасига интеграциялаш ва **педагогикада гендер ёндашувни ёки гендер педагогикани** шакллантириш эди.

Болани унинг қайси жинсга мансублигини ҳисобга олиб тарбиялашни иккита асосий парадигмадан келиб чиқиб кўриб чиқиш мумкин: анъанавий (жинсий-рол тарбия) ва гендер (социо-жинсий тарбия).

Анъанавий *жинсий-рол тарбия* жинслар ўртасидаги биологик (туғма ва шартсиз) фарқликлар тўғрисидаги тассаввурга асосланади ҳамда ҳар бир жинсга тегишли бўлган қатъий хулқ-атвор моделларни, муайян машғулотларни, касбларни, шахсий фазилатларни белгилайди. Кундалик ҳаётда у биз болалигимизда катталардан эшитган сўзларда: “Йиғлама, ўғил болалар йиғламайди” ёки “Ўйнашма, ахир сен қиз бола эмассан-ку” ва ҳ.з.ларда ўз аксини топган. Мактабда меҳнат дарсларида қизлар одатда уй-рўзғор юмушларини, яъни бўлғуси оналар ва бекалар учун зарур бўлган маҳорат ва кўникмаларни ҳосил қиладилар. Ўғил болалар эса бу дарсларда анъанавий эркак ролларини чилангар ва дурадгорлик хунарини ўзлаштириш орқали ўрганадилар. Агар бир қиз мактабда “темир-терсақ” билан боғлиқ машғулотлар билан шуғулланмоқчи бўлиб қолса, ёки ўғил бола – торт пишириш билан қизиқиб қолса, унда уларнинг интилишлари анъанавий эркаклар ва аёллар ролига мос келмайди деб баҳоланиши, тенгдошларида ва катталарда ҳайрат уйғотиши ва хатто улар томонидан кулгига қолиши ҳам мумкин.

Социо-жинсий ёки гендер тарбияси шундан келиб чиқадики, турли жинсга мансуб инсонлар хулқига нисбатан муносабатда қатъий

²⁶ Қўрсатилган асар.

талабчанлик мавжудлиги аслида йўқ, жамият эса уни ўзи шахсининг социализацияланиши жараёнида яратади. Мазкур ёндашув тарафдорларидан бири Л.Попова кичик ўспирин ёшдаги ўқувчиларнинг кадриятлари борасидаги йўналтирилганлигини ўрганиб, ўғил болалар ва киз болаларнинг жинсий-ролли тарбиясидаги ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ кадриятларидаги фарқни аниқлади²⁷. Масалан, ўғил болалар ўз кадриятларининг юқори поғонасига ички зиддиятлар ва шубҳалардан холи бўлган “ўзига ишонганлик” хусусиятини қўшган, кизларда эса уларнинг юксак кадриятлари каторига ўзига ишонганлик фазилати киритилмаган. Ҳақиқатан ҳам маскулинлик эскича қараши ўз ичига қарорлар қабул қилиш ва эркакларни муваффақиятли социализация қилиш учун зарур бўлган хусусиятларни киритади. Қизлар эса бўлажак уй бекаси сифатида оилавий кадриятлар руҳида тарбияланади, шу боис улар учун ўзига ишонганлик, бир қарашда, ўта муҳим фазилат эмас. Лекин агар бундай тарбиянинг салбий оқибатлари таҳлил қилинса, унда вазият ҳам ўғил болалар, ҳам киз болалар учун унчалик мақбул эмас. Катта бўлгач, аёллар ўзларини профессионал соҳада намоён этишда қийинчиликларга дуч келади, эркаклар олдида эса баъзан уларнинг ҳақиқий имкониятлари ёки ҳоҳишларига одатда мос келмайдиган вазифалар пайдо бўлади.

Л.В. Штилева таъкидлаганидек, таълим ва унинг институтларининг мақсад ва вазифалари, биринчи қараганда кўринганидек, унчалик осон ва бир хил маънога эга эмас²⁸. Бир томондан, унинг мақсади – болага жамиятга мослашишига, унинг қоидаларини ўзлаштиришига, унинг қонунларига мувофиқ яшашига ёрдам бериш ва ҳоказо. Бошқа томондан, таълимнинг мақсади кенг маънода – бола шахсига ўзининг салоҳиятини намоён этиши, ўзининг имкониятларини, ички ресурсларидан мумкин қадар фойдаланиб, рўёбга чиқаришига кўмаклашидир. Баъзан бу икки асосий мақсад зиддиятга тушиши мумкин ва педагогларнинг вазифаси уларни муваффақиятли ҳал этишдир.

Болаликдан ўзлаштириладиган жинсий-ролли меъёрлар шахсининг намоён бўлишига жиддий тўсқинлик қилмаслиги учун таълим муассасаларида қандай қилиб тарбиявий таъсир кўрсатиш керак? Бу йўналишдаги муайян йўл – гендер педагогикасида режалаштирилган, унинг асосий мақсади “гендер стереотипларини бартараф этиш бўлмасида, ҳеч бўлмаса юмшатишдир”²⁹. Бунинг учун педагоглар болаларда нафақат ўғил бола ёки киз болани кўриши ва шунга мувофиқ ўзининг тарбиявий таъсири тизимини шакллантириши керак, балки боланинг

²⁷ Попова Л.В. Некоторые тенденции в ценностных ориентациях девочек и мальчиков младшего подросткового возраста. // Женщина в российском обществе. 1996. № 4

²⁸ Гендерный подход в дошкольной педагогике: Теория. Часть 1. под ред Штылевой Л.В. С. 9 Монография в 2-х частях, под ред. к. пед. н. Л.В.Штылевой, Мурманск, 2001, с. 108, 92

²⁹ Введение в гендерные исследования. Учебное пособие под ред. Костиковой И.В. М.: МГУ. 2000, с. 209.

гендер бир хиллигининг ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳар бир омилини билиши ва таҳлил қила билиши керак.

Бу ўринда андрогиния назариясидан кўмак сифатида фойдаланиш мумкин. Анъанавий жинсий-рол ёндашувга мувофиқ, педагогикада ўғил ва киз болаларга уларнинг шахси билан боғлиқ шахсий фазилатлар ва хусусиятлар қаттиқ бириктириб қўйилган. Айрим “эркакча фазилатлар”нинг киз болаларда, “аёлларга хос фазилатлар”нинг ўғил болаларда пайдо бўлиши узок вақт мобайнида меъёрлардан чекиниш деб ҳисобланган ва ота-оналарда ва педагогларда ташвиш уйғотган. 1974 йилда Америкалик психолог Сандра Бем эркаклар ва аёлларнинг хусусиятлари бирлашганлигини англатувчи *андрогиния* (лотинча Andros – эркакларга хос, Gynes – аёлларга хос) тушунчасини киритди³⁰. Унинг фикрича, инсон бир вақтнинг ўзида маскулинлик ва фемининликка эга бўлиши мумкин, ва унинг ёки бунинг ифодалилик даражаси жинс эгаси билан қаттиқ боғланмаган. Қолаверса, Бемнинг фикрича, эркак ва аёл фазилатларининг бундай уйғунлиги одамнинг руҳий саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. С.Бем томонидан шахснинг гендер ролини, маскулинми, фемининми, андрогинми, дифференцияланмаганми, белгилаб берувчи жинсий-ролли сўровнома (Bem Sex Role Inventory, bsri) ишлаб чиқилди³¹. Дастлабки икки тур “эркакларга хос” (маскулин тур) ёки “аёлларга хос” (феминин тур) фазилатлар ва хусусиятлар устунлигидан ва яққоллигидан далолат беради. Дифференциялашмаган тур шахсда ҳам “эркакларга хос”, ҳам “аёлларга хос” фазилатлар сустанмоён бўлишининг кўрсаткичидир. Гендер ролининг андрогин тури шахсда фемининлик ва маскулинлик фазилатлари тенг даражада уйғунлашганидан ва улар етарлича намоён бўлишидан далолат беради. 1970 йилларнинг охиридан 1990 йилларгача ўтказилган бир қатор тадқиқотларнинг натижалари андрогин турнинг айрим бошқа шахсий хусусиятлар билан ижобий боғлиқлигини аниқлаган: вазиятдаги эгилувчанлик, ўзини ҳурмат қилиш даражасининг юқорилиги, ютуқларга интилиш, ҳаётдан қониқишдаги субъектив ҳиссиётлар ва б.ш.³² Н.А. Коноплеванинг тадқиқотларида қобилиятли болаларда ҳам ўзининг, ҳам бошқа жинснинг хусусиятлари ва фазилатлари ҳам бўлиши аниқланган³³. Шундай қилиб, андрогиния эркак ва аёллар хусусиятларини бирлаштирадиган инсоннинг муҳим психологик тафсирифномаси ҳисобланади, деб айтиш мумкин. Андрогинлик шахслар шароит ўзгаришига тез мослашадилар, эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам машғулотларини бемалол бажарадилар, ҳаётга умид билан қарайдилар, ундан завқланадилар.

³⁰ Bem S. The measurement of psychological androgyny. Journal of Consulting and Clinical Psychology. NY. 1974.

³¹ Э. Пайнс, К. Маслач. Практикум по социальной психологии. – СПб.: Питер, 2001, с. 199-202.

³² Берн Ш. Гендерная психология. – СПб.: прайм-ЕВРОЗНАК, 2001, с.71.

³³ Коноплева Н.А. Одаренность и Гендер.// Женщина в Российском обществе. 2000. № 1.

Мазкур назария илмлар оламида ҳар хил қабул қилинди ва бир қатор танқидий фикрларга сабаб бўлди. Бироқ бу назария гендер педагогикаси ўзанида тарбиявий таъсирларни амалга ошириш йўллари тўғрисидаги муҳокама қилинаётган масала доирасида мен учун қимматли туюлади. Менинг назаримда, андрогиния тушунчаси жинсига қараб шахсий хусусиятларни мажбурлаш ва уларни сўзсиз мустаҳкамлаш тўғрисидаги ўрнашиб қолган фикрларни сусайтиради ва хилма-хилликка ва алоҳидаликка қандайдир даражада ҳуқуқ беради.

Демак, гендер педагогикасининг моҳияти жинс тушунчасини рад этиш эмас, балки жинс тўғрисидаги анъанавий тасаввурларга боғланиб қолмай, шахсий қобилиятларини ҳар томонлама ривожланиши учун шароит яратишга қаратилган муайян чора-тадбирлар ёрдамида боланинг муваффақиятли ижтимоийлашувига кўмаклашишдан иборат. Кейинги мавзуда гендер педагогикасининг амалий жиҳатларини кўриб чиқарамиз, ҳозирча эса айрим хулосаларни чиқарамиз.

Таълим ижтимоийлашувнинг бошқа агентлари билан бир қаторда ўсиб келаётган авлодни тарбиялашда гендер тенглик сиёсатини амалга ошириш учун пойдевор куриши керак. Бироқ амалда таълим муассасалари жамиятга хос бўлган эркаклар ва аёлларнинг нотенг мақомида ўз ифодасини топадиган гендер асимметрияси билан характерланади. Жумладан, таълим соҳасидаги гендер сегрегация асосий позицияларни эркаклар эгаллашида ва таълимнинг унчалик обрўли бўлмаган соҳаларини аёллар банд қилганлигида ўз ифодасини топади. Социологияда мавжуд бўлган мактаб таълими назарияси ва танқидий педагогика мактаб таълими тизимида ижтимоий тенгсизликни қайтадан тиклаш мавжуд феномени хусусида ўз тушунтиришларини таклиф қилди, феминистик ва гендер педагогика эса шу соҳадаги гендер тенгсизлик муаммосини артикуляция қилди.

Бугунги кунга келиб республикамиз маорифида гендер тенглик сиёсатини амалга ошириш тўғрисида гапиришга ҳали эрта. Бунинг учун қулай ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар ҳам, тенгликнинг барча шакллариغا эришишга қаратилган умумий сиёсий маданият ҳам бўлиши зарур. Бироқ маориф соҳасида гендер тенгликка эришиш мана шу соҳа ходимларининг ўзига ҳам, ўқитувчилар, педагоглар, тарбиячилар ва бошқаларга ҳам кўп даражада боғлиқдир. Уларнинг энг асосий вазифаси содир бўлаётган ижтимоий жараёнларни ҳамда ҳозирги замон ғоялари ва ёндашувларини, шу жумладан гендер тенглик муаммосини кенгрок тушунишдан келиб чиққан ҳолда ёш авлодда қарашларни, қимматли мақсадларни, дунёқарашни шакллантиришга кўмаклашишдан иборат.

ГЕНДЕР ПЕДАГОГИКАСИНING АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Людмила Ким

Таълим жараёнида гендер стереотиплар ва уларнинг кўриниши: яширин ва очиқ гендер стереотиплар. Болалар китоблари ва мактаб дасрликларининг гендер экспертизаси. Ўз.Р. мактаб дарсликларидида гендер стереотиплар. Маориф тизимида сексизмга барҳам бериш йўллари. Мактаб тизимида ва ундан ташқарида сексизмни бартараф этиш чора-тадбирлари. Болалар китоблари ва мактаб дарсликларини чиқаришга доир тавсиялар. Ўқитувчилар учун гендер таълим.

Таълимда гендер стереотиплар. Таълим амалиётида гендер стереотиплар қандай намоён бўлади ва мустаҳкамланади? Таълим жараёнида *яширин* ва *очиқ* деб аталадиган гендер стереотипларининг ҳаракатини кузатиш мумкин.

Аввалги мавзуда эслатиб ўтганимиз меҳнат тарбияси дарсларида ўқувчиларни фарқлаб ажратиш мактаб дастурида *очиқ гендер стереотипларнинг* энг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади. Бундай вазиятларда қизларни уй юмушларига ва хизмат кўрсатиш ишларига, ўғил болаларни эса “эркакларга хос” хунармандчилик ишларига бириктириб қўйиш А. Мишелнинг таърифлашича, очиқ ифода этилган сексист стереотиплар билан боғлиқдир, “чунки бундай таълим дихотомияси ҳар хил жинсдаги ёшларнинг бир хил амалий ишни бажаришларига йўл қўймаслик билан тенгдир”¹. Муаммони бундай ўртага қўйишнинг моҳияти ўғил болаларни “қизларга хос” ишларга, қизларни эса “эркакларга хос” машғулотларга йўналтириб, гендер ролларни алмаштиришдан иборат эмас, аксинча меҳнат машғулотларини танлаш ҳуқуқини ўқувчиларнинг ўзларига қўйиб беришдан иборат.

Очиқ стереотиплар махсус ва олий таълим олиш даражасида ҳам мавжуддир. Фақат эркакларни қабул қиладиган ўқув юртлари ҳам бор. Буларга ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимларига қарашли ўқув юртлари киради, буларда хотин-қизлар ё мутлақо қабул қилинмайди ёхуд уларнинг сони катъий равишда чеклаб қўйилади. Бундан ташқари, айрим, фуқаролар учун олийгоҳлар деб аталувчи билим масканларида ҳам узоқ вақт мобайнида гендер жиҳатдан ўқувчиларни у ёки бу факультетларга қабул қилишда ошкора бўлмаган ажратишга амал қилиб келинган. Бунда, одатда, энг нуфузли мутахассисликларга ўғил болалар бажонидил қабул қилинади. Шу тариқа, очиқ стереотиплар таълим амалиётида мустаҳкамланиб қолган ва у ёки бу даражада “қўзга ташланган”. Яширин ифодаланган стереотиплар билан иш мураккаброк

¹ Мишель А. Долгой стереотипы! Преодолеть сексизм в школьных учебниках: Париж: ЮНЕСКО, 1991, с. 21.

кечади. Улар очикдан-очик кўринмайди ва эшитилмайди, лекин яширин таъсирини ўтказишади.

Биз аввалги мавзуда эслатиб ўтган “яширин ўқув дастури” тушунчаси (ёки “яширин ўқув режаси”) ўқув дастурида мавжуд бўлган яширин гендер стереотипларни кўриб чиқишга имкон беради. Е.Ярская-Смирнованинг таъкидлашича, яширин ўқув дастури учта ўлчовга эга: биринчиси – ўқув муассасасининг ўзида гендер муносабатлар ва гендер стратификация, иккинчиси – фанлар мундарижаси, ва учинчиси – ўқитиш усули².

Ўқув юртларида *гендер стратификация* таълим соҳасидаги бандликка доир статистик маълумотларни кўриб чиқишда аниқ-равшан кўзга ташланади ва эркаклар билан хотин-қизларнинг нотенг мақомини намоён этади. Чунончи, республикамиз умумий таълим мактабларида аёл ва эркак ўқитувчиларнинг нисбати тегишли равишда 64,5% и 35,5%³ ташкил этади, яъни мактаб педагоглари таркибида аёллар кўпроқ. Таълим муассасасининг мақоми юқорилигига қараб эркак ўқитувчилар сони кўпайиши кузатилмоқда. Масалан, ўрта махсус ўқув юртларида эркаклар улуши жами ўқитувчилар сонининг 51,4%ни, олий ўқув юртларида 60,8%ни ташкил этади⁴. Бунда мактаб директорлари ва директор ўринбосарлари сифатида аёллар атиги 31,6%дир⁵. Шу тарика, олий ўқув юртларининг ректорлари ва проректорлари эркаклардир.

Шундай қилиб, бундай тақсимланишнинг ўзи таълимда мавжуд бўлган гендер тенгсизликни оқлаш учун асос яратади. Мактаб ўқувчилари таълимнинг биринчи куниданок оддий ўқитувчилар кўп ҳолларда аёллар эканини, юқори мавқедаги позицияларни эса асосан эркаклар эгаллаб олганини кўрадилар. Бундай ҳол улар учун одатга айланган, ва шу сабабли келгусида уларда бутун жамиятда эркаклар ва аёлларнинг нотенглиги адолатли эканлиги хусусида шубҳа туғилиши эҳтимолдан узок. Яширин ўқув режаси *фанларнинг мазмунида* ҳам мавжуд. Бундай вазиятда гендер стереотипларнинг кўринишини мактаб дарсликлари мазмунини ўрганиб чиқиб намоён этиш мумкин.

ЮНЕСКО ташаббуси билан тайёрланган бир қатор тадқиқотлар мактаб дарсликлари ва болалар адабиётларининг гендер экспертизасини ўтказишга бағишланган⁶. Гендер экспертиза энг аввало гендер стереотипларини ва мазкур адабиётларда кўрсатилган сексизм кўринишларини уларни бартараф этишга доир тавсияларни ишлаб чиқиш

² Ярская-Смирнова Е. Гендерное неравенство в образовании: понятие скрытого учебного плана.// Гендерные исследования, 5 (2/2000): Харьковский центр гендерных исследований. 2000, с. 295.

³ Статистический сборник. Мужчины и женщины Узбекистана», издание Макроэкономстата РУз, Гос. Департамента статистики. Т., 2002, с. 79.

⁴ Кўрсатилган асар.

⁵ Кўрсатилган асар, 81-б.

⁶ Мишель А. Долой стереотипы! Преодолеть сексизм в школьных учебниках: Париж: ЮНЕСКО, 1991.

мақсадида бирхиллаштиришдан иборат бўлган. Республикамизда мактаб дарсликларини такомиллаштириш доирасида мактаб дарсликлари гендер экспертиза қилинган⁷. Мазкур тадқиқотда бошланғич мактаб дарсликларининг мазмуни таҳлил қилинган ва матнларда ҳамда расмларда эркаклар ва аёллар образларини ёритиб беришдаги ўзига хосликлар аниқланган. Биз ўрганиш давомида контент-таҳлилнинг сифат-миқдор усулидан фойдаландик⁸. Ўтказилган миқдор таҳлили биринчи навбатда шуни кўрсатдики, таҳлил қилинаётган барча дарсликларда ўғил болалар ва эркаклар персонажлари сони матнми ёки расм таҳлил қилинаётганими, *бундан қатъи назар*, қиз болалар ва аёлларни эслатиб ўтишга қараганда анча кўпдир. Умуман олганда, эслатиб ўтилган дарсликлардаги эркак персонажлар аёл персонажларига қараганда бир ярим барабар кўп эканлиги аниқланган. Шу нарса намойиш этилдики, асосий ўқув фаолиятидан ташқари, ўғил болалар ва эркакларни тасвирлаш кўпинча дам олиш соҳаси билан, қиз болалар ва аёлларни тасвирлаш эса оила билан боғлаб кўрсатилган. Қиз болалар ўйинли ҳолатларда ўғил болаларга қараганда кам тасвирланган, аммо улар хонадондаги вазиятларда кўпроқ ёритилган. Эркак персонажларининг тасвири аёл персонажларини эслатиб ўтишга қараганда фаолият туси, вазият, бериладиган сифатлар ва роллар ва ҳоказоларга кўра бир мунча хилма-хил тусга эга.

Айтиб ўтилган маълумотлар шундан далолат берадики, мактаб дарсликларида эркаклар устун кўринадиган образларда тасвирланади ва кўпинча у ёки бу ҳаракатларда намунали инсонлар сифатида эслатиб ўтилади. Е. Ярская-Смирнованинг фикрича, “агар эркаклар дарсликлар матнида устун кўринадиган персонажлар қилиб тасвирланса, ўқувчилар эркакларнинг устунлиги бу меъёр, жамоат стандарти деб, шунга ишониб қоладилар. Эркак персонажлар ёрқин, фаол ва жамият учун ғоят муҳим деб ҳисобланадиган турмуш соҳаларига киришиб кетган қилиб кўрсатилади”⁹. Мазкур дарсликларнинг *мазмунини* сифатли таҳлил қилиш чоғида гендер стереотиплар янада аниқроқ кўзга ташланди.

Эслатиб ўтамиз, гендер стереотипларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: биринчи гуруҳ –феминлик/маскулинлик стереотиплари, иккинчи гуруҳ – ижтимоий ролларга нисбатан стереотиплар, ва учинчи гуруҳ – меҳнати мазмунида фарқлар билан боғлиқ бўлган стереотиплар¹⁰. Ўтказилган таҳлил биз ўрганаётган дарсликларда гендер стереотипларнинг барча учта

⁷ Алимджанова Д., Ким Л., Ганеева Э. Гендерные вопросы и стереотипы в учебниках общеобразовательных школ Узбекистана. Проект «Совершенствование издания учебников и учебной литературы для общеобразовательных школ Узбекистана» АБР и БС, Т., 2002.

⁸ Контент-таҳлил усули ҳақида қ. Прикладная социальная психология. / Под ред. А.Н. Сухова и А.А. Деркача – М.: «Институт практической психологии», с. 113-118.

⁹ Ярская-Смирнова Е. Гендерное неравенство в образовании: понятие скрытого учебного плана, с. 297.

¹⁰ «Гендерные стереотипы» бобини қаранг.

гуруҳи борлиги кўрсатилган. Ҳар бир гуруҳ бўйича аниқланган гендер стереотипларни кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидагиларни қайд этиш мумкин. Феминлик/маскулинлик стереотиплари хусусида эркак жинсидаги персонажга кўплаб шахсий фазилатларни бириктириш умумий тенденцияси кузатилади. Улар кўпинча жисмонан кучли, қўли очиқ, дадил, ақлли, мохир, собитқадам, изланувчан, эпчил, ботир сингари фазилатларга эга қилиб кўрсатилади. Аёл персонажларни кўпинча батартиб, сабрли қилиб, кам ҳолларда эътиборли ва мустақил деб кўрсатишади.

1-синфлар учун рус тили дарслигидан олинган мисолни келтираемиз:

114-машқ. Ўқиб беринг. Кўчириб олинг. Яна иккита жумла тузинг¹¹.

«Гая – менинг партадош қўшим. Унинг дафтарлари тоза, баҳолари яхши.»

Мазкур ҳолатда биз фемининлик стереотипининг кўринишини кузатамиз, яъни қизга анъанавий тарзда аёлларга хос бўлган батартиблик, тиришқоқлик сифатлари бириктирилган. Таҳлил қилинаётган дарсликларда бундай мисоллар талайгина. Аёл жинсидаги персонажларнинг ақлий салоҳияти хусусида дарсликларда ҳар хил баҳолар берилган. Мана бир мисол.

238-машқ Прочитай¹².

«Твердый знак»

Первоклассница Таня никак не может запомнить название буквы Ь.

- Таня, это твердый знак. Повтори.

- Твердый знак.

Через несколько минут.

- Таня, какой же это знак?

- Крепкий.

- Не крепкий, а твердый. Запомнила?

Еще через несколько минут.

- Таня, какой же это знак?

- Жесткий.

(Мазмуни қуйидагича: биринчи синф ўқувчиси Таня “Ь” айириш белгиси номини (твердый знак) сира эслаб қолаолмайди. У ҳарфни унинг номига умумий қўллашда синоним бўлган бошқа сўзлар билан атайди “крепкий” (мустаҳкам), “жесткий” (заранг)).

Тасвирланган манзара услубига кўра кўпроқ биринчи синф ўқувчилари учун ибратли ҳикояни эмас, балки лағифани эслатади. Бундан ташқари, ҳикояда хаспўшланмаган равишда қаҳрамоннинг калта фаҳмлилигига ишора этилади. Шу ҳам кузатилганки, ўғил болалар урушқоқ ёки кўпол қилиб тасвирланиши мумкин, лекин кам ҳолларда

¹¹ Тохтаходжаева М.Х. и др. Русский язык. Экспериментальный учебник для 1 класса школ с русским языком обучения. Т.: «Шарк». 1998, с. 78.

¹² Кўрсатилган асар, 146-б.

зеҳнсиз қилиб кўрсатилади. “Зеҳни паст” ўғил болани тасвирлашга куйидаги мисолда ҳаракат қилинган.

Рассказ под рубрикой «Веселая страничка»¹³.

«Шутка»

Учительница написала на доске отдельные слова и сказала ребятам:

- Спишите их. Только – не спешите. Все пишут, а Алеша – нет.

- Почему ты не работаешь, Алеша?

- А я не знаю, что надо делать. То Вы говорите «спишите», то «не спешите»...

Почему Алеша не понял учительницу?

(Мазмуни: ҳикоя “Қувноқ саҳифалар” рукнида келтирилган. Ўқитувчи доскага ёзилган сўзларни кўчириб олишни (*спишите*) топширади, лекин шошманглар (*не спешите*), дейди. Алёша эса ёзмайди. Нега ёзмаётганини сўраган ўқитувчига, нима қилишни билмаяпман, дейди. Бир “ёз” (*спишите*) дейсиз, бир “ёзма” (*не спешите*) дейсиз, деб тушунтиради у ўқитувчига. Рус тилида урғусиз “е” “и”га яқин талаффуз қилинади ва шунинг учун Алёша “шошманг” деганни “ёзманг” деб тушунган бўлади).

Ҳикоя юмор жанрида бўлганини ҳисобга олмасак, у қаҳрамони шахсияти муносабати билан нималарни ҳаёлга келтиради? Муаллифлар мўлжали бўйича Алёша “спешите” (шошилинг) ва “спишите” (кўчириб ёзинг) орасидаги фарқни тушунмаган (дарвоқе, ўқитувчи аниқ талаффуз қилмаган бўлиши мумкин). Ҳатто бу ҳолда ҳам ўғил бола зеҳни пастдек қабул қилинмайди, ва унинг калта фаҳмлилигига ишора Тая ва унинг айириш белгиси билан муносабатида келтирилган мисолдагидек очик-ойдин берилмайди.

Келтирилган мисоллар, албатта, муайян даражада бўрттирилган мисоллардир, бироқ улар ёрдамида “экраклар акли” ва “аёллар омилиги” тўғрисидаги кенг тарқалган стереотипнинг намоён бўлишини кузатиш мумкин. Умуман олганда, шуни қайд этиш мумкинки, дарсликларимиздаги эркак персонажлар уларни фаол субъектлар сифатида характерланадиган сифатлар билан кўрсатилса, аёл персонажлар тарифида кўпинча меъёрий кўрсатмалар бўладик, уларда дарсликлар муаллифларининг аёллар/қизлар қандай бўлишлари керак (*ёки қандай бўлмасликлари керак*)лиги ҳақидаги тасавурлари акс эттирилган. Шунга ўхшаш натижалар ЮНЕСКО бир қатор мамлакатларда ўтказган болалар ва ўсмирлар учун китоблардаги гендер стереотипларни аниқлашга доир тадқиқотлар чоғида олинди. Масалан, норвегияликларнинг тадқиқотлари маълумотларига кўра, эркаклар “фаол, масъулиятли, қатъиятли, қаҳрамон

¹³ Кўрсатилган асар, 61-б.

қилиб тасвирланади”, аёллар эса бир мунча пассив сифатларга эга қилиб кўрсатилади¹⁴.

Дарсликларда аниқланган стереотипларнинг иккинчи гуруҳи хусусида қуйидагиларни айтиш мумкин. Аёл персонажларга асосан уй юмушларини бажарадиган (уй йиғиштириш, кир ювиш, овқат пишириш, болаларга қараш) уй бекалари, оналар, опалар роллари берилади ва касбга доир роллар чекланиб, кўпроқ ўқитувчи роли берилади. Бу ўринда эркак персонажлар оилавий ролларда (ота, ака, оила бошлиғи) ҳамда ҳар хил касб эгалари ролида кўрсатилади. Оғир жисмоний меҳнат, шунингдек ов, балиқ ови ва бошқа шу сингари ишларни бажариш билан боғлиқ роллари фақат эркакларга берилади. Фақат аёлларга бериладиган ролларга тикиш-бичиш, каштачилик ва шу сингари анъанавий “хотин-қизларга хос” ишлар киритилади. Муайян жинсга аниқ бириктириб қўйилган меъёрий ахлоқ моделлари ҳам аниқланган. Мана, масалан, соғлом турмуш тарзи (қун тартибига риоя этиш, бадантарбия) – бу эркак персонажлар амалга оширадиган ахлоқ моделларидир, тиббий ёрдам кўрсатиш ва болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш фақат аёл персонажларнинг ахлоқ модели. Шуниси қизиқки, биз жинсга нисбатан нейтрал деб ҳисоблайдиган роллар ва хатти-ҳаракатлар ҳам гендер бўёқларга эга. Масалан, спорт билан шуғилланиш, ҳаракат ўйинлари, велосипедда учиш, газеталар ўқиш ва телевизор кўриш ва бошқа шунга ўхшаш ишлар эркак персонажларга аёл персонажларга қараганда икки баравар кўп берилган.

Умуман олганда, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатдики, эркак персонажларга роллар фаолиятнинг барча соҳаларида – меҳнат, ўқиш, спорт, дам олиш, маданият, оила ва бошқа соҳаларда берилган. Бунда аёл персонажларнинг ижтимоий роллари кўлами анча тор бўлиб, асосан оила, ўқиш ва маданиятга тааллуқли. Бундан ташқари, тадқиқот давомида анъанавий роллар у ёки бу жинсга бириктириб қўйилиши аниқ тенденцияси кўзга ташланди. Айтиб ўтилганидек, эркак персонажлар “эркакларга хос” фаоллик турларига (жисмоний ишларни бажариш, овга чиқиш, балиқ ови ва х.з.) мувофиқ тасвирланади, аёл жинсига мансуб персонажларни тасвирлаш эса уй йиғиштириш, овқат тайёрлаш, шунингдек болаларни парваришлаш ва уй ишларида катталарга кўмаклашиш каби ишлар доираси билан чеклаб қўйилган. Мисол тариқасида “Окружающий нас мир” (Атрофимиздаги дунё) иккинчи синф дарслигидан бир шеър келтирамиз¹⁵:

¹⁴ Мишель А. Долгой стереотипы! Преодолеть сексизм в школьных учебниках: Париж: ЮНЕСКО, 1991, с. 27.

¹⁵ Окружающий нас мир. Учебник для 2 класса. Ташкент, 1998.

«Помогает старшим»

Фартук беленький вчера

Мехрихон надела,

Мыть посуду начала

Ловко и умело.

Мама веник подняла,

Подмести решила,

- Дайте веник, мама, я все уже помыла.

Мехрихон не первый раз

В доме помогает.

В махалле ее у нас

Каждый уважает.

Рахим Малянов.

(Шеър қахрамони, Мехрихон исмли қизча, этак тақиб идиш-товок ювган, онасининг қўлидан супургини олиб уй тозалаган, ва шунинг орқасидан маҳаллада одобли қиз бўлиб танилган, қилиб кўрсатилади).


Кўриниб турибдики, ижтимоий жиҳатдан маъқулланадиган хотин-қизлар аҳлоқи намунаси уй ишларидир, бошқа, фақат аёллар ролига бериладиган вариантлар деярли тақлиф этилмайди.

1-синф математика дарслигидан олинган ушбу расмларда ҳам эркак ва аёл персонажлар ролларнинг анъанавий тақсимланишига мувофиқ тасвирланганини кўриш мумкин.

1-расм. Хотин-қизлар иши



2-расм. Эркаклар иши



«Математика»¹⁶ дарслигидан

Мазкур расм бошқа мамлакатларда ўтказилган қиёсий тадқиқотларнинг натижалари билан тўғри келади. Юқорида эслатиб ўтилган Норвегия болалар адабиёти тадқиқотлари маълумотларига кўра, оила ичида меҳнатни тақсимлаш анъанавий тарздадир: эркак бир нечта ролда (оилавий ва касбий), аёлга биргина она-уй бекаси роли ажратилган. А.Мишелнинг таъкидлашича, “бунинг оқибатида биринчидан, эркак ролини оширадиган, фақат унга бириктириладиган вазифалар, лекин уларни бажаришда албатта аёл иштирок этадиган тенденцияларни кучайтириш; иккинчидан, уйда ҳам, ундан ташқарида ҳам хонадоннинг хўжалик ишлари доирасида ана шу ролни чеклаш натижасида аёл меҳнатини камситиш”¹⁷.

Бажарилаётган ишнинг мазмунидаги фарқлар билан боғлиқ бўлган гендер стереотипларининг учинчи гуруҳига нисбатан биз ўтказган тадқиқотлар қуйидагиларни аниқлади. Эркак ва аёл персонажлари муносабати билан ўрганиб чиқилган дарсликларда эслатиб ўтилган барча касблар таҳлил қилинди. Шу нарса қайд этилдики, мазкур дарсликларда эслатиб ўтилган 56та турли касбдан атиги 9таси аёл персонажлари билан боғланган. “Эркакларга хос” машғулотларнинг узундан-узоқ рўйхатида турли меҳнат соҳаларига оид касблар ва мутахассисликлар – техникага оид, ишчилик, қишлоқ хўжалигига оид, ҳарбий соҳа ва бошқа (масалан, муҳандис, дурадгор, учувчи, тракторчи, ўрмончи) мутахассисликлари бор. Бундан ташқари, маданият, тиббиёт, спорт соҳаларидаги профессионал

¹⁶ Бикбаева Н.У. и др. Математика. Учебник для 1-го класса общеобразовательной школы, Т.: «Ўзбекистан», 1998, с. 32, 41.

¹⁷ Мишель А. Долой стереотипы! Преодолеть сексизм в школьных учебниках: Париж: ЮНЕСКО, 1991, с. 27.

машгулотлар (масалан, шоир, тренер, шифокор ва бш.) кўпинча эркакларга бириктириб қўйилади. Дарсликларимизда “аёлларга хос” ишлар қаторида асосан ўқитувчи, тарбиячи, ҳамшира, тикувчи, сут соғувчи касблари кўпроқ эсга олинган. Маданият соҳасидаги касблар орасида, масалан эркак персонажлар расом, шоир, композитор, дирижер, артист, мусикачи, ашулачи, аёллар персонажлари эса раққоса ва кутубхоначи сифатида кўрсатилган. Менимча, бу ўринда изоҳнинг хожати йўқ. Ҳосил бўлган тасаввур эркак меҳнатининг бунёдкорлик ва ижодкорлик тусига эга бўлган, аёл меҳнатининг ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи сифатидаги стереотип таърифини тасдиқлайди.

Францияда болалар учун китоблар туркумини ўрганишдаги маълумотларга кўра, “эркакларнинг касблари ҳокимият, обрў, нуфуз ва техник кўникмаларни олиб келади, айни вақтда аёлларнинг касблари паст малакали ва кам ҳақ тўланадиган (бугунги француз аёллари ишлай оладиган масалан, малакали ишчилар, эркин касблар, тадқиқотчилар ва бошқа касблар четлаб ўтилмоқда) ҳисобланади”¹⁸.

“Ҳам ҳаётда, ҳам адабиётда эскириб кетганлик тусини олган, инсоният фаолиятининг бошқа бирон-бир соҳасида бир жинснинг иккинчи жинсдан устунлигини акс эттирадиган фикрни” англлатувчи “аҳамиятлилик стереотипи” бизнингча алоҳида аҳамият касб этади¹⁹. Масалан, мактаб дарсликларида асосан эркак жинсидаги буюк одамларнинг ҳаётидан олинган мисоллар келтирилади, аёлларнинг тажрибаси эса деярли кўрсатилмайди. Тадқиқотларимизда биз ўрганган дарсликларнинг биронтасида буюк аёллар эслатилмаган, гўёки бундай аёллар мутлақо бўлмагандек. Бундан ташқари, эркаклар одатда қайта-қайта кўрсатиладиган аёл қиёфасига нисбатан юқорироқ мақомга эга бўлган хилма-хил касблар ва бошқа ижтимоий ролларда тасвирланиши эркак образига катта аҳамият берилишига кўмаклашади. Такқослаб кўрайлик, Хитой Халқ Республикасида ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, болалар учун китобларда “ўғил болалар ва эркаклар ижодкорлар ва қарорлар қабул қиладиган шахслар қилиб, қиз болалар ва аёллар эса бўйсинувчилик ролини ўйнаётган “пассив” персонажлар қилиб тасвирланади”²⁰.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида мактаб дарсликларини гендер экспертиза қилиш натижалари ва бошқа мамлакатларда ўтказилган шундай тадқиқотлар билан қиёсий таҳлил мактаб дарсликларида ва болалар адабиётида анъанавий гендер стереотиплар мавжудлигидан далолат беради.

Болалар адабиётида ва, айниқса мактаб дарсликларида гендер ва сексист стереотиплари бўлишининг ҳавфи нимада? Маданий, ахлоқий ва

¹⁸ Кўрсатилган асар, 28-б.

¹⁹ Кўрсатилган асар, 26-б.

²⁰ Кўрсатилган асар, 26-б.

бошқа меъёрларни сингдириш воситаси ўларок, улар ахлоқнинг жинсий-ролли моделига нисбатан кадриятлар ва меъёрий тасаввурлар тизимини шакллантиришга таъсир кўрсатади. Меъёрий тасаввурлар эса, ўз навбатида, шахснинг ривожига ва шахсий танлашни шакллантиришга бевосита таъсир кўрсатади.

“Яширин ўқув режаси” тушунчасига ўқитиш усули ва услуби ҳам киради, улар у ёки бу стереотипларни мустаҳкамлашга яширинча таъсир ўтказиши мумкин. Яширин дастурнинг ана шу қисмини таҳлил қилиш бизга бирмунча мураккаб туюлади, чунки аудиторияда коммуникациянинг у ёки бу усули ҳамда унинг гендер стереотиплаштиришга таъсири ўртасида корреляция ўтказиш анчагина мушкул. Чунончи, анъанавий педагогика учун хос бўлган ўқитишнинг анъанавий усулини эркаклар модели билан боғлашади, чунки у қаттиқ имтиҳонлар топширишни, рейтинг назоратини ва бошқаларни кўзда тулади. Бирок, ўқитишнинг анъанавий усуллари “эркакларга хос” моделдан фойдаланилиши туфайли ўғил болалар учун қулай шарт-шароитларни ва киз болалар учун ноқулай шарт-шароитларни яратади, деб айтиш менимча унчалик одобдан эмас. Ўқитишнинг турли усуллари ва услубларидаги умумий камчиликлар ёки афзалликлар (ҳам анъанавий, ҳам инновацион, шунингдек интерактив) ва уларнинг ўрганилаётган фанлар билан ўхшашлиги ҳақида гапиришдан маъно борга ўхшайди. Ўқувчиларда танқидий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган ва очик мунозараларда, эсселар ёзишда ва машғулотларни ўтказишнинг бошқа шаклларида ўз фикрини ифодалашига кўмаклашадиган ўқитиш усулларида фойдаланиш бошқа гап. Бу айниқса гендер таълими бўйича янги курслар ёки дарсларни жорий этишга тааллуқлидир. Масалан, ҳозирги вақтда, республикамизда мақсади гендер сезувчанлик кўникмаларини сингдиришдан иборат бўлган Ваколатли таълим дастури амалга оширилмоқда. Ана шу дастур бўйича машғулотлар мактаб ўқувчилари ва катта ёшдагилар билан ўтказилмоқда, уларда интерактив усуллarning турли шаклларида фойдаланилмоқда. Мустақил тафаккур, фикрлар хилма-хиллигини, гендер муаммоларига танқидий ва қайишқоқлик билан ёндашиш қобилиятини талаб этувчи гендер курсларни ўқитишда шундай технологияларни қўлланиш муҳимга ўхшайди.

Шундай қилиб, биз ёпиқ ўқув дастури учта жиҳатининг таълим амалиётида гендер стереотипларни мустаҳкамлашга бўлган таъсирини кўриб чиқдик. Мактаб дарсликларидан келтирилган мисоллар болалар дарсларда фақат бирон-бир фанни ўрганибгина колмай, шу билан бирга бир жинснинг иккинчи жинсдан устунлиги тўғрисидаги билвосита билимларни ўзлари билмаган ҳолда олишларини намойиш этди. Бу ўринда ҳавф шундан иборатки, “ёпиқ ўқув дастури” канали орқали бериб бориладиган гендер стереотиплар сексист кўрсатмаларни шакллантиришга кўмаклашиши мумкин.

Таълим тизимида сексизми бартараф этиш йўллари. Болалар адабиётида ва мактаб дарсликларида сексизми бартараф этиш йўлларида бири носексист китобларни чиқаришдир. Чунончи, носексист асарлар бўйича Қисқача қўлланмада (Америка ва Франциядаги болалар адабиётлари ноширларининг материаллари асосида)²¹ қуйидагилар асосий тавсиялар сифатида келтирилади.

1. Аёл ва эркак персонажларнинг адолатли тақсимланиши. Бу расмларга ҳам, матнларга, сарлавҳаларга ва бошқаларга ҳам тааллуқли бўлиши керак.

2. Аёл ва эркаклар бажарадиган ролларни адолатли тақсимланиши. Бундай тавсия ҳам оилада, ҳам мактабда ва касбий ҳаётда эркаклар ва аёллар ролларини қайтадан презентация қилишга тааллуқлидир.

Қўлланма муаллифларининг фикрича, оилада иккала жинс персонажлари уй юмушларида тенг қатнашишлари кўрсатилиши керак, уй ишлари билан, болалар тарбияси билан шуғилланаётган эркакларни тасвирлаш лозим. Қизлар фақат кўғирчоқ ўйнаётганини эмас, балки бошқа ўйинчоқларни ҳам ўйнаётганини, шунингдек ўйинли фаолиятнинг бошқа хилма-хил турлари билан (масалан, компьютер ўйинлари ёки копток ўйинлари) шуғилланаётганини тасвирлаш керак. Ўғил болаларни “қизларнинг иши” деб аталадиган ўйинларда (масалан, тикувчилик билан машғул бўлишда) тасвирлашдан чўчимаслик керак.

Мактаб ҳаётини тасвирлашда ўғил ва қиз болаларни касбга тайёрлаш тўғрисидаги умумий қабул қилинган тасаввурларга риоя этишга уринмаслик керак. Қизлар меҳнат дарсларида, дурадгорлик иши билан шуғилланаётганини, ўғил болалар эса уй бекалиги дарсларида шуғилланаётганини тасвирлаш мумкин.

Касбий ҳаётда ҳам роллар адолатли тақсимланганини кўрсатиш керак. Аёлларни фақат рўзгор юмушлари билан машғул ҳолда кўрсатишга тиришмаслик керак, уларни ноанъанавий ишлар устида тасвирлаш лозим. Масалан, учувчи аёл, жарроҳ аёл, меъмор аёлни кўрсатиш мумкин. “Ёрдамчи ишларни” бажараётган ёки хизмат кўрсатиш ишлари билан машғул бўлган (сотувчилар, ошпазлар ва х.з.) эркакларни тасвирлаш мумкин. Бундан ташқари, эркак ва аёлларни тасвирлашда уларни мақоми бўйича адолатли тақсимлаш ҳам муҳимдир – яъни уларни тахминан бир хил нисбатда раҳбарлар сифатида кўрсатиш лозим. Ижтимоий ва сиёсий ролларни тақсимлашда ҳам худди шундай бўлиши керак.

3. Иккала жинс ўртасида ижобий ва салбий сифатларни адолатли тақсимлаш. Бу тавсия анчагина оддий: ҳам эркак, ҳам аёл персонажларига у ёки бу психологик, шахсга оид, жисмоний ва бошқа ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларни тенг даражада юклаш керак.

²¹ Қўрсатилган асар, 70-б.

Санаб ўтилган тавсияларга риоя этилган тақдирда болаларда у ёки бу ижтимоий характеристикалар бўйича бир жинс вакилининг бошқа жинс вакилидан ўзини анчагина узоқроқда тутиши учун шарт-шароит камроқ вужудга келади. Шундай қилиб, жинслар ўртасидаги ижтимоий масофа қисқаради ва сексизм кўринишларига барҳам берилади.

Аммо болалар учун носексистик китоблар чиқариш билан чекланиб қолмаслик керак. Таълим тизимида қўллаб қатнашчиларни: маориф вазирлигини, таълим институтлари маъмуриятини, ўқитувчилар таркибини, ўқувчиларни ва бошқаларни қамраб олган сексизмни бартараф этиш учун комплекс чора-тадбирлар кўриш талаб этилади. Бундан ташқари, таълим соҳасидан ташқарида бўлган бошқа тизимларга таъсир ўтказмасдан туриб, сексизмга барҳам бериб бўлмайди. Бу, биринчи навбатда, болалар учун китоблар ва дарсликлар чиқарадиган нашриётларга, ана шу китобларни сотиб олувчиларга (асосан ота-оналар), оммавий ахборот воситаларига, шунингдек иш берувчиларга тааллуқлидир.

Аммо ҳозирги пайтда ўқитувчилар таркибининг гендер таълими, унинг орқали эса Сандра Бем айтганидек, “гендер линзалари” ёрдамида ўқувчиларга билимларни етказиш асосий вазифадир²². Ва, биринчи навбатда, бу мактабларнинг ва мактабгача тарбия муассасаларининг педагогларига тегишли. Уларнинг роли асосий, чунки улар бевосита болалар аудиторияси билан ишлайдилар.

Шундай қилиб, гендер назариясини ва гендер таҳлил қилиш ускуналарини таълимнинг малакали ходимларини тайёрлаш жараёнига киритиш бугунги кунда ўта долзарбдир. Чунки таълим муассасаларида болалар қандай тарбияланишлари: қаттиқ анъанавий ёндашув руҳидами ёки гендер ёндашув руҳидами, бу таълим тизими ходимларининг гендер саводхонлигига боғлиқдир.

Гендер ёндашувнинг афзаллиги нимада?

Биринчидан, таълим амалиётида гендер ёндашувни қўлланиш ҳар бир жинс учун бемалол бўлган болаларнинг ўзларини ўзлари рўёбга чиқариш ҳудудларини кенгайтиради, қиз болаларни спорт ёки “эркакларга хос” бошқа фаолият турлари билан шуғилланишга, ўғил болаларни эса “аёлларга хос” меҳнат кўникмаларини эгаллашга рағбатлантиради.

Иккинчидан, бундай ёндашув орқали мактаб педагоглари дарсларда, кундалик турмушда, ўйинларда ва бошқа ҳолатларда ўғил ва қиз болаларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорликка эга бўлишларига қўмаклашадилар.

Учинчидан, гендер стереотипларнинг сусайиши юз беради, бунинг оқибатида ахлоқнинг жинсий-ролли моделларига нисбатан айрим

²² Bem, Sandra L. The lenses of gender: transforming the debate on sexual inequality. Yale University Press, 1993.

маданий тақиқлар олиб ташланиши мумкин. Бундай ҳолатда ўғил болалар хиссий ўзини ўзи ифодалаш, қиз болалар эса касбда ўзларини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шундай қилиб, ўз педагогик амалиётида гендер ёндашувни қўллаётган педагоглар қизларнинг ҳам, ўғил болаларнинг ҳам имкониятлари ва ҳаётий умидлари ошишига кўмаклашади²³.

Умуман олганда, таълимдаги гендер ёндашув гендер сезувчанликни, бинобарин, толерантликни ва хилма-хилликка бўлган сезгирликни шакллантириш учун шарт-шароит яратади, ва шахснинг ички салоҳиятини эркин очиши учун имкон беради.

АДАБИЁТ:

1. Берн Шон. Гендерная психология. СПб., 2001. (Берн Шон. Гендер психологияси. СПб., 2001.)
2. Бреслав Г.М., Хасан Б.И. Пол и образование. Кр., 1995. (Бреслав Г.М., Хасан Б.И. Жинс ва таълим. Кр., 1995.)
3. Гидденс Э. Социология. М.: Эдиториал УРСС, 1999.
4. Костикова И.В. Гендерные исследования и образование. М.: МГУ, 1998. (Костикова И.В. Гендер тадқиқотлар ва таълим. М.: МГУ, 1998.)
5. Мишель А. Долой стереотипы! Преодолеть сексизм в книгах для детей и школьных учебниках. Париж: ЮНЕСКО, 1986. (Мишель А. Йўқолсин стереотиплар! Болалар учун китоблар ва мактаб дарсликларига сексизмни енгайлик. Париж: ЮНЕСКО, 1986.)
6. Бреслав Г., Хасан Б. Половые различия и современное школьное образование//Вопросы психологии. №3. 1990. (Бреслав Г., Хасан Б. Жинсий фарқлар ва ҳозирги мактаб таълими// Психология саволлари. №3. 1990.)
7. Мид М. Культура и мир детства. М., 1988. (Мид М. Маданият ва болалик дунёси. М., 1988.)
8. Попова Л., Орешкина Н. Как школа может содействовать реализации способностей одаренных девочек// Педагогическое обозрение. №3.1995. (Попова Л., Орешкина Н. Қандай қилиб мактаб истеъдодли қиз болалар қобилиятини амалга оширишга ёрдам бериши мумкин// Педагогическое обозрение. №3. 1995.)
9. Психология. Словарь/ Под общ. Ред. А.В.Петровского, М.Г.Ярошевского. – 2-е изд., испр. и доп. – М.:Политиздат, 1990.
10. Солонников В.В. Идеальный ребенок в представлении педагогов // Социологические исследования. 1989. №4. (Солонников В.В. Педагоглар тасаввурига идеал бола. // Социологические исследования. 1989. №4.)

²³ Штылева Л.В. Конструирование новых идеалов. Мурманск: МГПИ, 2002.

11. Фрумин И.Д. Вызов критической педагогики // Вопросы философии. 1998. № 12. Методическое пособие. Иваново, 2000. (Фрумин И.Д. Критик педагогика ўртага ташлаган муаммо. // Вопросы философии. 1998. № 12. Методическое пособие. Иваново, 2000.
12. Щеглова С.Н. Гендерные модели поведения: анализ школьных учебников//Женщины России на рубеже XX-XXI вв. Иваново, 1998. (Щеглова С.Н. Хатги-ҳаракатнинг гендер моделлари: мактаб дарсликлари таҳлили //Женщины России на рубеже XX-XXI вв. Иваново, 1998.)

4-БОБ ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК МАСАЛАЛАРИ

ГЕНДЕР ЗЎРАВОНЛИК

Элеонора Файзуллаева

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда зўравонликнинг таърифланиши.

I. Зўравонликнинг турлари ва шакллари. Гендер зўравонлик. Трэффик. Сабаблари ва оқибатлари. Сексуал шилқимлик тушунчаси. Сексуал шилқимлик ва ҳокимият. Қуролли можароларда ва можаролардан кейинги вазиятларда гендер зўравонлик. Зўравонликнинг аёллар, болалар, оила, жамият учун оқибатлари.

II. Уй/Рўзгордаги зўравонлик. Турмушдаги зўравонлик муаммолари хусусидаги асосий афсоналар ва фактлар. Зўравонлик туркуми. Ўзбекистон кризис марказларининг (КМ) иши. Уйдаги зўравонлик бўйича мамлакатимизда ва хорижда ўтказилган тадқиқотлар. Гендер зўравонликнинг олдини олиш ва тугатиш чора-тадбирларини ва воситаларини интеграциялаш, шу жумладан зўравонликка қарши курашнинг ҳуқуқий механизмлари. Потенциал механизмлар, улар ёрдамида CEDAW Конвенцияси қоидалари турли мамлакатларда амалда рўёбга чиқиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда зўравонлик тушунчасининг таърифланиши. Зўравонлик дегани нима? Бу турлича изоҳланиши мумкин бўлган кенг сиғимли тушунча. Қонун чиқарувчилар томонидан қўлланиладиган атамалар ва тушунчалар кўпинча аниқ, конкрет ва бир маъноли бўлмайди. Шу туфайли зўравонликнинг ҳуқуқий қўлланилиш соҳаси исталганча кенг маънода, яъни ихтиёрий равишда шарҳланиши мумкин. Асосий сўзларга аҳамият берайлик. “Зўравонлик” атамаси одамларнинг бир-бирига нисбатан чексиз таъсирлари, хусусан, жисмоний таъсирдан (тарсаки уришдан то котилликкача) руҳий таъсирга (буйруқдан то гипнозгача) нисбатан қўлланилади. Зўравонлик ва шафқатсизлик тўғрисидаги тасаввур тарихий нуқтаи назардан ҳам ниҳоятда ўзгарувчандир. Масалан, 60-йилларда “зўравонлик шахсни уриш, калтаклаш ва унга жисмоний куч ишлатиш орқали бошқа таъсирлар кўрсатиш билан боғлиқ жиноят”¹ деб талқин қилинган. Ҳозирги кунда бу атаманинг маъно кўлами кенгроқ. Катта юридик энциклопедия луғатида зўравонлик қуйидагича таърифланади: “Зўравонлик – бир одамнинг фуқароларнинг Конституция томонидан

¹ Большая Советская Энциклопедия, Москва, 2-е изд., 1954, т. 29, с. 193

жисмоний ва маънавий маънода шахсий дахлсизлигини кафолатловчи ҳуқуқининг бошқа одам томонидан бузувчи жисмоний ёки руҳий таъсирдир”.

Жисмоний зўравонлик инсон организмга нисбатан бевосита таъсир кўрсатишда намоён бўлади: калтаклаш, тан жароҳатларини етказиш, турли воситалар билан азоблаш (шу жумладан, бирон-бир турдаги предметлар ва моддалар воситасида) ва ҳоказо. Жисмоний таъсир натижасида жабрланувчига азоб етказилиши, соғлиғига зиён етказилиши мумкин.

Руҳий таъсир деганда, инсон руҳиятига кўрқитиш, шантаж, таҳдид қилиш орқали таъсир ўтказиш (хусусан, жисмоний зўравонлик билан кўрқитиш) бу орқали жабрланувчининг қаршилиқ қилишга, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган иродасини синдириш тушунилади.

Зўравонлик жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат бўлиши мумкин (жиноят содир этилганда алоҳида шафқатсизлик ёки жабрланувчини таҳқирлаш йўли билан), жиноятни амалга ошириш воситаси (масалан, қотиллик, ҳаво кемасини олиб қочиш) ёки жиноят таркибининг конститутив (тоифаловчи) белгиси (масалан, номусга тегиш пайтида) бўлиши мумкин². “Зўравонлик” атамасининг ўзидаёқ салбий маъно бор.

БМТ Бош Ассамблеяси 1993 йилда қабул қилган Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисида декларациясида кўриб чиқилаётган атамага қуйидагича таърифлар берилди:

1-модда: Ушбу Декларацияга мувофиқ “хотин-қизларга нисбатан зўравонлик” атамаси аёлларга нисбатан жисмоний, жинсий ёки психологик зиён етказиши, унга азоб бериши мумкин бўлган гендер хусусиятига кўра содир қилинган ҳар қандай зўравонлик тушунилади. Бунга: шундай ҳаракатларни содир қилиш таҳдиди, шилқимлик ёки ихтиёрий равишда ижтимоий ёки шахсий ҳаётда уни эркидан маҳрум қилиш қиради.

2-модда: “Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик» - қуйидагиларни қамраб олувчи лекин улар билан чекланмайдиган атама:

а) оилада калтаклаш, аёл жинсига мансуб болаларни йўлдан уриш, сеп билан боғлиқ зўравонлик, эр-хотинга нисбатан жинсий зўравонлик, аёллар жинсий органларига шикаст етказиш ва аёлларга зарар етказувчи бошқа анъанавий ҳаракатлар, шунингдек, эксплуатация билан боғлиқ эр-хотинликка оид бўлмаган жисмоний зўрлаш ёки руҳий зўравонлик;

б) жамиятнинг доимий ячейкаларида содир бўладиган жисмоний, жинсий ёки психологик зўравонлик: иш жойида, таълим муассасаларида

² Большой Юридический Энциклопедический Словарь, Составитель А. Б. Барихин, М., 2000, с. 264.

ёки бошқа жойларда зўрлаш, йўлдан уриш, жинсий таъкиб, ҳамда хотин-қизлар савдоси ва фоҳишалikka мажбур қилиш;

в) каерда содир этилишидан қатъий назар, давлат томонидан рағбатлантириладиган ёки қораланадиган жисмоний, жинсий ёки психологик зўравонлик»³.

Айрим ҳолларда зўравонлик жамият томонидан оқланади ва ҳатто қўллаб-қувватланади. Хусусан, бу фукаролар урушлари ва курулли тўқнашувлар пайтидаги зўравонлик. Бундай вақтларда бошқа одамлар, миллатлар, этник гуруҳларга нисбатан зўравонлик ўз Ватанини, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва ватанпарварлик деб тушунилади.

Зўравонликнинг ҳар қандай шакли шахсга нисбатан жисмоний, жинсий, психологик, иқтисодий зарар етказиши мумкин. Энг кенг маънода зўравонлик бу бир инсон ёки одамлар гуруҳи ҳуқуқларининг бошқа одам (одамлар, давлатлар) томонидан ўзлари учун қулай бўлган ҳокимият таркибини сақлаб қолиш мақсадида камситилишини англатади. Зўравонликнинг ҳар қандай туридан кўзланган мақсад одамлар ва ресурслар устидан ҳукмронлик ва назорат қилишдир.

Зўравонликнинг турлари ва шакллари. Зўравонлик давлатнинг ўзига хослиги, турмуш тарзи, мафқураси, миллий менталитети, анъана ва одатлари ўзига хослигига кўра турли шаклларда намоён бўлиши мумкин. Зўравонлик илдизлари чуқур бўлиб, бир жиҳатдан у давлат тузилмасига тегишли – бу қонунлар ҳамда давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, мафқураси, иқтисодиёти орқали кўрсатадиган тазйиқи, иккинчи томондан, у маданият, ахлоқ, дин, анъаналар ва урф-одатларга тегишли.

Яқин даврларда ҳам зўравонлик ҳақида ошқора гапирилмас эди. Эндиликда ушбу муаммо кўплаб мамлакатларда ижтимоий даражада намоён бўлмоқда. Халқаро даражада зўравонликнинг шаклларида бири – хотин-қизларга нисбатан зўравонликни инсон ҳуқуқларини бузиш деб тан олинишига ва тегишли равишда қатор мамлакатларнинг қонунчилигида, ижтимоий-психологик, тиббиёт ва юридик амалиётида ўзгартиришлар киритилишига эришилди.

Зўравонликнинг қатор илдизлари ва манбалари бўлгани туфайли унинг шакллари ҳам кўп ва уларни шартли равишда уч тоифага ажратиш мумкин⁴.

- I. Давлат томонидан зўравонлик.
- II. Гендер зўравонлик.
- III. Уйда содир этиладиган зўравонлик.

³ Декларация о Ликвидации Насилия над Женщинами, 1993.

⁴ «Мир свободный от насилия», Бишкек, 1999, с.22

Зўравонликнинг ўзига хос шакли – инсонни ўзига нисбатан зўравонлик қилишни ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ҳозирги кунда ўз жонига қасд қилиш ҳоллари кўпаймоқда. Бундай фожиавий қарорнинг сабаблари турлича бўлиши мумкин, бироқ, у ҳар доим ўтқир ёлғизлик туйғуси, кишининг бошқаларга керак эмаслиги ҳамда атрофдагилар томонидан ёрдам кўрсатилмаслиги билан боғлиқдир.

1. Давлат томонидан зўравонлик

1. Этник зўравонлик:

- Этник можаролар, этник урушлар. Масалан, XXI аср арафасидаги Болкон ярим оролида миллий негизда юзага келган кўп сонли урушлар ва қуролли ўзаро тўқнашувлар, Исроил билан Фаластиннинг кўп йиллик уруши ва бошқа кўп сонли мисоллар шундан далолат берадики, давлатлар ватанпарварлик ёки “озодлик” тусидаги турли шиорлар воситасида бутун-бутун халқларни урушга жалб этади. Уруш эса ҳар доим инсоннинг асосий ҳуқуқи – яшаш ҳуқуқининг поймол бўлишини англатади.

- Депортация – бу мамлакатдан шахсларни сиёсий, давлат ва бошқа тусга эга бўлган турли асосларга кўра зўравонлик билан чиқариб юборилиши (масалан, агар одам мамлакатдаги виза тартибини бузганлиги аниқланганда).

- Мажбурий миграция (этник ёки бошқа хусусиятга кўра этник ёки бошқача камситишлар туфайли мамлакатдан чиқиб кетиш).

- Жойдан кўчириш (этник ёки ирқ хусусияти туфайли, мамлакат ичидаги бошқа турар жойга, одатда, ноқулай шароитли жойга мажбурлаб кўчириш). Масалан, қрим татарларнинг Улуғ Ватан уруши пайтида кўчириб юборилиши.

2. Иқтисодий зўравонлик:

- Меҳнат ҳуқуқларининг камситилиши, яъни ишсизлик. Масалан, дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг Конституцияларида шахснинг ишлашга бўлган ҳуқуқи белгилаб қўйилган, бироқ, давлат, қатор сабабларга кўра, асосан иқтисодий тусдаги сабаблар туфайли аҳолининг тўлиқ бандлигини таъминлай олмайди. Шу тарзда меҳнат қилиш ҳуқуқи амалга оширилмай қолади.

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, ишсизликни оиладаги ёки ишдаги зўравонлик сингари зўравонлик кўриниши деб аташ шарт эмас. Ишсизлик ихтиёрий тусда ҳам бўлиши мумкин, масалан, одамлар шу пайтда уларга тўланаётган пулга ишлашга рози бўлмасликлари мумкин ёки шу пайтда уларга таклиф этилган иш ўринларида ишлашни хоҳламаётган бўлишлари мумкин.

• Мехнат бозорида сегрегация. Бу – маргинализация (чеккага чиқариб қуйиш) айрим кам сонли гуруҳларнинг кам ҳақ тўланадиган ва/ёки бозорнинг нуфузи паст бўлган секторларига сиқиб чиқарилиши, раҳбарлик лавозимларига қўйилмаслиги. ГЕНДЕР СЕГРЕГАЦИЯ (gender segregation) ҳам мавжуд.

“Мазкур атама эркаклар ва аёлларнинг жамият ҳаётий фаолиятининг турли соҳаларида, турли машғулотлар ва касбларда жамланишини англатади. Хотин-қизларнинг нуфузи паст, кам ҳақ тўланадиган ва кам даромадли соҳаларда жамланиши гендер сегрегациянинг ўзига хос хусусиятидир. Патриархат жамиятни анъанавий тарзда икки қарама-қарши соҳага – эркаклар устунлик қиладиган оммавий (ёки продуктив), ва аёллар улуши кўп бўлган хусусий (оилавий, репродуктив) соҳага бўлиш бундай сегрегациянинг асосидир. Хотин-қизларга мўлжалланган мафкура ва у билан боғлиқ бўлган сексистик стереотиплар хотин-қизлар сиёсат, бизнес ва ишлаб чиқариш соҳаларига кириб келган, лекин бир мунча паст даражаларда қолаётган ҳозирги замон жамиятида ҳам юмшатирилган тарзда қайтадан жонлантирилади.

Жинсий белгисига кўра касбий сегрегация муайян тармоқларда банд бўлган ва муайян лавозимларни эгаллаган эркаклар ва аёллар нисбатида намоён бўлмоқда. Тадқиқотчилар “бандликнинг жинсга кўра типиклаштирилиши” деган атамадан ҳам фойдаланадилар, бу атама маданиятда қабул қилинган эркаклар ва аёллар машғулотларини хариталаштиришни англатади. Горизонтал сегрегация эркаклар ва аёллар касблар ва иқтисодий тармоқларда нотенг тақсимланганлигида акс этади (тармоқ сегрегацияси). Шундай қилиб, бандлик эркаклар бандлиги (ишлаб чиқариш секторида) ёки аёллар бандлиги (хизмат соҳасида, таълимда, соғлиқни сақлашда, савдода) билан характерланади. Вертикал сегрегация лавозим иерархияси позицияларида эркаклар ва аёлларнинг нотенг тақсимланишида акс этади (аёллар пастроқ мақомдаги ва пастроқ малакани талаб этувчи лавозимларни эгаллайдилар)”⁵.

Масалан, собиқ Иттифок давлатларида хотин-қизлар асосан мехнат бозорининг “аёллар” соҳаларида – соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, санъат ва илмий хизмат кўрсатиш соҳаларида мехнат қилган. Ўзбекистонда бу соҳаларда хотин-қизлар улуши 70%дан 86%гача бўлган миқдорни ташкил этади⁶. Маълумки, булар энг кам ҳақ тўланадиган соҳалардир. Бунда раҳбарлар орасида хотин-қизлар улуши 24,4%ни ташкил этар эди, айниқса олий раҳбарлик органлари ва бошқарувда хотин-қизлар сони кам. Шунини қайд этиш керакки, муайян тармоққа ишга

⁵ Воронина О.А. Глоссарий гендерных терминов для регионального проекта по гендерному образованию. 2005, с.9, www.genderpolicy.ru

⁶ Женщины и мужчины Узбекистана. Стат. сборник, Т., 2002, с.82.

қабул қилишда мунтазам равишда камситиш мавжуд экан, меҳнат бозоридаги сегрегацияга зўравонлик деб қараш мумкин.

Шу билан бир вақтда ўзини ўзи камситиш деган камситиш ҳам бор, унга кўра, аёллар фақат хотин-қизларга хос деб ҳисобланадиган у ёки бу касб позицияларида ишлашга даъво қилишдан ўзлари воз кечадилар, бунинг ўрнига “хотин-қизларнинг касбий геттоси”да, масалан, тўқимачилик саноатида жамланадилар. Бундай вазиятда касб танловини беихтиёр деб таснифлаб бўлмайди, зотан у маданий асосланганлиги шубҳасиз. Бу ўринда маданий зўравонликнинг ўзига хос шакли ҳақида гапириш керак, чоғи.

- Ҳисобга олинмайдиган ва ҳақ тўланмайдиган уй меҳнати. Мамлакат ялпи миллий маҳсулотларига сарфланадиган меҳнат улшини ҳисоблаш пайтида одатда фақат самарали фаолият турлари эътиборга олинади. 1997 йилда давлат статистика органлари ўтказган меҳнатга лаёқатли ёшдаги аёллар ва эркаклар вақтининг сарфи бўйича тадқиқотлар шундан далолат берадики, аёлларнинг ҳақ тўланмайдиган ишларга (уй юмушлари, оила аъзоларига қараш) вақтларининг сарфи эркакларга нисбатан 2,9 мартаба кўпроқдир⁷.

3. Экологик зўравонлик:

- Атроф-муҳитнинг бузилиши оқибатида миллат генофондининг ўзгариши ва мажбурий миграция.

4. Сиёсий зўравонлик:

- Фуқаролик урушлари. Бу ҳолда бир этник гуруҳдаги одамлар ичида зўравонлик бор. Бу нарса сиёсий, мафқуравий ва турли синфлар ва ижтимоий қатламлар вакиллари, турли партиявий оқим тарафдорлари ва ҳокимиятга интилаётган гуруҳлар ўртасидаги бошқа келишмовчиликларга асосланади.

- Сиёсат соҳасида ҳуқуқларнинг камситилиши. Бу ўринда сиёсий ҳаётда ва сиёсий қарорлар қабул қилишда аҳолининг муайян қатламлари ва, шу жумладан, ирқий, этник, жинсий ва бошқа миллий озчилик учун турли хил тўсиқларнинг қўйилиши кўзда тутилади (масалан, Афғонистонда Толиблар тузуми пайтида хотин-қизлар ижтимоий ва сиёсий ҳаётда иштирок этишдан бутунлай четлаштириб қўйилган).

II. Гендер зўравонлик

Зўравонликнинг бу тури жинсий хусусиятига кўра камситишга асосланган бўлиб, одатда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик сифатида изоҳланади. Бунга кўп сонли муаммолар киради ва уларнинг асосийлари куйидагилар:

⁷ Женщины и мужчины Узбекистана. Стат. сборник, Т., 2002, с.105.

• Эркаklar ва аёлларнинг ижтимоий субъектлар сифатида тенглигига асосланган ҳар иккала жинс учун тенг ҳуқуқлилик, тенг имкониятлар ва тенг жавобгарлик сиёсатининг тан олинмаслиги. Бундай сиёсат сеҳ – яъни биологик жинс тушунчасидан фойдаланишга асосланган. Бундай сиёсатнинг юритилиши патриархат қарашларнинг қарор топишига кўмаклашади ва хотин-қизларни шахс сифатида камситишга, уларнинг жамиятдаги мақомини пасайтиришга олиб келади.

• Тра(э)ффик (Россиянинг Шимоли-Ғарбида шундай анъана вужудга келганки, “траффик” сўзи наркотикларнинг ноқонуний айлалишини англатади, “трэффик” сўзи эса одамларнинг ноқонуний кўчишини ёки одамлар, биринчи навбатда аёллар ва қизлар савдосини англатади.

• Жинсий шилқимлик, шу жумладан, иш жойида эгаллаб турган лавозимидан маҳрум қилиш ёки ишсиз қолиши, хизмат поғоналаридан кўтарилишдан маҳрум қилиш йўли ва бошқа йўллар билан қўрқитиш орқали жинсий алоқага мажбурлаш.

• Хотин-қизларнинг камситилишига, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузишга олиб келадиган патриархал қарашлар сиёсатини юритиш ва шундай урф-одатларни тарғиб қилиш.

Аёллар асрлар давомида зўравонликдан озор чеккан. Зўравонлик ижтимоий, юридик, психологик ва тиббий муаммоларнинг бутун бир мажмуасини юзага келтиради, бироқ, моҳияти ўзгармасдан қолади. Аёлга нисбатан зўравонлик – бу ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи – шахсияти ва бадани дахлсизлиги ҳуқуқининг бузилишидир. Статистика бундай ташвишли ҳолатнинг тўлиқ манзарасини ақс эттира олмайди. Кўпинча аёлнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига таҳдид жамият эътиборидан ташқарида қолиб кетмоқда, айниқса, оилада бундай ҳолатлар юз берса. Муҳими, мутлақ рақамларда эмас, балки, энг аввало, йўналишлардадир.

Шу тарзда гендер зўравонлик, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик – бу глобал муаммо бўлиб, у билан барча даражаларда – индивидуумдан тортиб умуман давлат миқёсигача кураш олиб бормоқ зарур.

Трэффик. Сабаблар ва оқибатлар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг⁸ маълумотларига кўра, ҳар йили 4 миллиондан зиёд киши ёлланиб ишлаш учун давлат чегараларидан ўтказиб юборилади, бу эса жиноий синдикатларга йилига 7 миллиард миқдорда ноқонуний фойда келтиради. Одамлар билан савдо қилишининг энг ривожланиб бораётган тури бу - секс савдосидир.

⁸ Цитируется по Мальшева М.В., Тюрюканова Е.В. «Женщина, миграция, государство», М., 2001.

Ҳар куни минглаб хотин-қизлар чет элда яхши ҳаёт ва яхши ҳақ тўланадиган иш ваъда қилиниши натижасида халқаро секс савдоси тузоғига тушиб қолмоқда. Бундай ёлғон ваъдалар собиқ иттифок ҳудудидаги қашшоқлашиб қолган ҳудудлар ва жамиятлардаги ишсиз ёки иш билан тўлиқ банд бўлмаган, тирик қолиш учун қурашаётган хотин-қизларга ниҳоятда жозибали бўлиб туюлади. Уларни автобус, поезд ва самолётларда Европага, Осиё, Яқин Шарқ ва Шимолий Америкага олиб кетишади, улар бу ерда ўзлари кутмаган тарзда қуллик аҳволига тушиб қолишади ҳамда шафқатсиз жинсий эксплуатацияга дучор бўлишади. Улар ваъда қилинган ҳақни олмасдан ойлаб ва йиллаб меҳнат қилишига ҳамда оғир жисмоний ва руҳий азобларни бошдан кечиришга мажбур бўладилар. Айрим фожиали ҳолатларда улар нафақат эркидан, балки ҳаётидан ҳам ажралиб қолади⁹.

Одам савдоси, хусусан хотин-қизлар савдоси, узоқ вақтдан буён халқаро ташкилотларнинг диққат марказида турибди. Бундай феноменнинг келишилган таърифи эндигина ишлаб чиқилмоқда. Одам савдосини англатувчи инглиз тилидаги *trafficking* сўзи ўзбек тилига универсал таржима қилинмайди. Бу, шунингдек феноменнинг мураккаблиги унинг турлича талқин қилинишига сабаб бўлади. Масалан, ХМТ (Халқаро Миграция Ташкилоти таърифига кўра “Одам савдоси – бу одамларни ноқонуний эгаллаб олиш (ёллаш учун, одамларни ўғирлаш, уларни сотиш ва ҳоказо) ва/ёки мигрантларни миллий чегаралар доирасида кўчириш, ёки чегаралар кесишган жойда кўчириш, буларнинг воситасида воситачи “савдогарлар” алдаш, мажбурлаш ва/ёки эксплуатациянинг бошқа шаклларида фойдаланган ҳолда иқтисодий ёки бошқа фойда олиши, мигрантларга инсоннинг фундаментал ҳуқуқларини бузувчи шароитларнинг яратилиши”¹⁰.

Одам савдосининг куйидаги шакллари мавжуд:

- Мажбурий меҳнат, шу жумладан, “тер тўкиб ишлатувчи цехлар” (sweat shops).
- Секс савдоси: “фуқаролик” фоҳишалигини ташкил этиш, ҳарбий ҳаракатлар ва ҳарбий қисмлар жойлашган жойда ҳарбий фоҳишаликни ташкил этиш, секс сайёҳликни ташкил этиш.
- Уйдаги қулчилик.
- Мажбурлаш орқали тузилган никоҳлар, шу жумладан, “почта орқали келин олиш” тизими.
- Репродуктив вазифаларни бажаришга мажбурлаш, шу жумладан, бола туғиш ва тарбиялаш.

⁹ Преступление и порабощение, Доклад Всемирной сети за выживание., Предисловие Посадская-Вандербек А., М., 1997, с. 3.

¹⁰ Trafficking in Migrants: Policy and Responses. IOM, 1999. См. У.Тюрюканова, М.Малышева. Женщина, миграция. Государство. М., 2001, с. 96.

- Мажбурий донорлик (одамларни органлар ва тўқималар трансплантацияси учун сотиш).
- Боланинг ҳоҳишини инобатга олмасдан мажбурий болаликка олиш¹¹.

Шуни қайд этиш керакки, одам савдоси – глобал жараён бўлиб, (уни глобаллаштириш жараёнининг таркибий қисмига киритишади) нафақат хотин-қизларга дахлдор, балки болаларга ва меҳнатга лаёқатли эркекларга ҳам тегишлидир. Бироқ, фойда олиш мақсадида хотин-қизлардан фойдаланиш кўлами анча кенг. АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси маълумотларига кўра, одам савдосининг атиги 2 фоизи эркеклар зиммасига тўғри келади¹².

Эксплуатация тушунчасига инсон ҳуқуқларининг аниқ шакллари бузилиши: жисмоний ва психологик зўравонликни қўллаш, кўрkitиш, ҳужжатларни олиб қўйиш, қарзга ботириб қўйиш, меҳнатга мажбур қилиш, ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш, меҳнат контрактини бузиш (етарли ҳақ тўламаслик, иш кунини узайтириш, меҳнат шароитларининг оғирлиги) ва бошқалар кирилади. АҚШ Конгресси маълумотларига кўра, йилига 2 миллионга яқин киши одамлар савдоси қурбони бўлиб қолмоқда. Уларнинг тахминан 500 000 нафари АҚШга олиб кирилади¹³.

Уқориди одам савдоси қурбонларининг кўпчилигини хотин-қизлар ташкил этганлиги боис аксарият тадқиқот материаллари, миллий ва халқаро ҳужжатлар бу муаммони хотин-қизларни секс эксплуатация қилиш мақсадида сотиш ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ бошқа меҳнат турлари учун сотиш нуқтаи назаридан муҳокама қилади. Масалан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) маълумотларига кўра, 1997 йилда 175 000 хотин-қиз контрабанда йўли билан Марказий ва Шарқий Европадан ва МДХдан ЕХХТ иштирокчи мамлакатларига олиб чиқиб кетилган. Германия жиноий статистикаси шуни кўрсатадики, бу мамлакат ҳудудидида фоҳишаликка жалб қилинадиган аёллар ичида МДХ мамлакатлари аёллари биринчи ўринда, польшалик аёллар иккинчи ўринда ва “тирик товар” олиб келинадиган анъанавий мамлакатлар (Хитой, Таиланд, Филиппин ва бошқалар) эса кейинги ўринларда туради¹⁴.

Жинсий шилқимлик тушунчаси. Маданияти ривожланган мамлакатларда жинсий шилқимлик деганда нима англашилади? Бу фақат жинсий алоқага интилишинигина билдирмайди. Бунга жинсий талабларга

¹¹ Тюрюканова Е., Малышева М., Женщина, миграция, государство, М., 2001, с.97-98, 100-101.

¹² Синицын Ф., Что такое проблема торговли людьми, www.narod.ru.

¹³ Bill NHR 3244 <http://www.house.gov/chris-smith/>

¹⁴ Тюрюканова Е., Малышева М., Женщина, миграция, государство, с. 104.

бўйсунуш ёки бунинг оқибатидан жабрланишдан кўрkitишгина эмас, балки уятсиз ҳазиллар, анекдотлар, ишоралар, беҳаё кўл теккизишлар, яъни оқила аёлга тўғри келмайдиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар киради. Аёл иш жойида ўзига нисбатан муайян ҳаракат андозаларини талаб этишга ҳақли ва улар жинсий маънодан ҳоли бўлиши керак¹⁵.

Жинсий шилқимликлар қуйидагича белгиланади:

- Ишга қабул қилиш, ишда сақлаб қолиш, хизмат лавозимида ўсиш, шунингдек, ўқув юртида ўқиш, баҳо олиш ва ҳоказолар шарти сифатида жинсий таклифлар, “жинсий хизматларни” талаб қилиш ва бошқа жинсий тусдаги оғзаки ёки жисмоний ҳаракатларнинг амалга оширилиши;

- Хотин-қизларнинг бундай таклифларга мажбурий кўниши ёки бош тортиши уни ишга олиш ёки ишда сақлаб қолиш ёки ўқишда қолишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳолларда;

Агар аёл бундай муносабатнинг ноўринлигини ҳис қилса, ва унинг тажовузкорона моҳиятини тушунса, бундай ҳаракатлар жинсий шилқимлик деб ҳисобланиши мумкин. Иш жойида жинсий шилқимликни белгилловчи яна бир муҳим жиҳат аёлнинг қарам аҳволи билан боғлиқ: у тажовузкорга нисбатан хизмат вазифаси паст бўлиб, унга тобе бўлади.

Тушунчанинг ўзида ҳеч қандай янгилик йўқ. Бироқ, у ўтмишда шахсий муаммо деб ҳисобланган ёки эътиборга олинмаган, натижада жабрланувчи аёлнинг ишдан ёки ўқишдан кетишдан бошқа иложи қолмас эди. Ишловчи аёллар сони кўпайиши билан жинсий шилқимлик шунчалик кўпайиб кетдики, у инсон ҳуқуқлари бузилиши деб тан олинди ҳамда ушбу ҳодисани ўраб олган сукунат деворлари вайрон бўла бошлади.

Кичкина корхоналарда, ўқув юртлари талабаларида, касаба уюшмалари йўқ корхоналарда ишловчи хотин-қизларда жинсий шилқимликга учраш эҳтимоли юқори бўлади. Ишга қабул қилинган янги ходимлар ҳам осон илинадиган ўлжа бўлиб, бошқаларга нисбатан ишсиз қолишдан кўрқади ва янги иш жойига ўрганмаган бўлади. Аксарият ходимлари эркаклардан иборат бўлган корхоналарда ишлайдиган хотин-қизлар кам даражада ҳимояланган бўлади. Бундай ҳолатда эркаклар одатда аёлларга хизмат лавозимида ўсиш имконини рўқач қилиб, жинсий шилқимликдан фойдаланади.

Жинсий шилқимликка қарши кураш тарихидан. 1979 йилда, хотин-қизлар ҳаракатининг иккинчи тўлқини авжида аёллар илк бор жинсий тегажакликка қарши чиқа бошладилар, шу хусусдаги дастлабки қарорлар эса 1980 йилда пайдо бўлди. 1991 йилда ҳуқуқшунослик профессори Анита Хилл Олий суд аъзоси Кларенс Томас ЕЕОС – жинсий

¹⁵ Лопатина Т.А., Авидзба М.Г., Синецына Л.Д., Михайлюков Д.А. «Сексуальные домогательства на работе», Тула 1999, с. 8-9.

шилқимликка қарши курашувчи ташкилотда унинг бошлиғи сифатида ишлаган пайтида берган кўрсатмаси ҳаммани ҳайратга солди. Афсуски, унинг кўрсатмалари Томасни Олий судга сайланишига ҳалакит бермаган бўлса-да, бу хол бутун АҚШ хотин-қизларининг жинсий шилқимлик муаммосини ижтимоий муҳим масала сифатида қўтариб чиқишига сабаб бўлди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) маълумотларига кўра, саноати ривожланган мамлакатларда ишлайдиган хотин-қизларнинг 15%идан 20%изигача жинсий шилқимлик қурбонлари бўлмоқда, бироқ арзларнинг фақат учдан бир қисми судгача етиб боради. ХМТ, шунингдек, хабар берадики, ҳар икки даниялик аёлнинг биттаси, австриялик аёлларнинг учдан биттаси, франциялик аёлларнинг тўртдан биттаси жиддий жинсий шилқимликнинг қурбонларига айланган¹⁶.

Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳозирги пайтда бирон-бир тадқиқот йўқ, демак, ишда, айниқса олий ўқув юртларида таълим олаётган талаба қизларга нисбатан жинсий шилқимликлар кўлами ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

Аёлнинг ҳимоясизлиги, айниқса ишга кириш пайтида намоён бўлади. Илк танишувдаёқ иш берувчи уни товар, ўз офиси учун мебель сифатида кўздан кечиради. Касбий малакаси деярли эътиборга олинмайди. Энг муҳими – юзи чиройли ва қомати келишган, 30 ёшга тўлмаган бўлиши керак.

Сексуал шилқимлик ва ҳукмронлик. Жинсий алоқага мажбурлаш, алоқанинг ўзи учун қилинмайди, бу ҳукмронлик ва бўйсундириш масаласидир. Шу сабабли, жинсий таъқибни муҳокама этар эканмиз, бу ўринда ҳукмронлик ва камситиш тушунчаларига алоҳида аҳамият берамиз. Жинсий мажбурлаш хизмат лавозимини суистеъмол қилишнинг энг маккор усулларида биридир. Сексуал шилқимлик ҳолатларининг аксариятини аёлга нисбатан эркак томонидан қилинадиган шилқимлик ташкил этади, чунки айни эркаклар шилқимликдан ўз устунликларини намойиш этиш учун фойдаланишга имкон берадиган, қурбон кишининг бўйсинишини талаб қиладиган ҳукмронликка эгадирлар. Шу боисдан биз ушбу бобда айни шундай ҳолатлар ҳақида сўз юритамиз, ваҳоланки баъзан бундай ҳолатларнинг акси ҳам бўлиши кузатилади.

Аёллар учун ишга жойлашиш ёки бошқа имтиёзлар учун бошлик билан бирга бўлиш тўғрисидаги бошликнинг бешарм таклифи фақат таҳқирловчи тусга эга. Бундай таклиф унинг эркаклар билан тенг аҳволда эмаслигини таъкидлайди. Шилқимликка учраган аёлларнинг 48%и ва қолган аёлларнинг 60%и фикрича, жабрланган аёлнинг ўзи буни хоҳлаган ва шу сабабли шундай ҳаракатларни ўзи келтириб чиқарган. Бу ғоят

¹⁶ Ежегодный аналитический отчет МОТ, М., 200, с. 118.

жиддий муаммо бўлиб, бу ўринда айти зўравонлик қурбони “айблаш объекти” ҳисобланади.

Жамиятда бу масалада яқдил ҳукм мавжуд: “ишдаги ҳамма аёлларга ҳам шилқимлик қилинмайди”. Айримларнинг фикрича, гўзал, бошлиқ қўлида ўйинчоқ бўлишни истамайдиган, ўзига нисбатан таъқибга жавобан қатъий ахлоқий тамойилларини илгари сурадиган ҳамда ўз қадрини биладиган аёлга нисбатан таъқиб қилиш ҳолларини тасаввур этиб бўлмайди. Бу мутлақо нотўғри. Биринчидан, АҚШдаги тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ишлайдиган аёлларнинг 80%и таъқибга учраган – яъни, деярли ҳар қандай аёл шилқимликка учрайди¹⁷. Иккинчидан, бундай таъқиб ҳукмронликдаги тенгсизликка асосланган. Бу аёлнинг ташқи кўриниши ёки ҳаракатига эмас, балки эркак-бошлиққа боғлиқ. Биз жабрланувчини қонун бузувчининг ҳаракатларида айбляпмиз. Агар қонун мавжуд бўлса, ҳар бир инсон ўз ҳаракати учун жавоб бериши керак. Агар эркак - бошлиқ ахлоқ-одоб ва инсонийликнинг одатдаги андозаларига хилоф иш тутса, у жавобгар бўлиши керак. Аёлнинг нима қилган, қилмаганининг аҳамияти йўқ. Эркак танлаш имкониятига эга, лавозимини суистеъмол қилишни лозим топди. Бу аёлнинг эмас, эркакнинг айбидир.

Ушбу ижтимоий уйдирманинг зиддияти шундаки, (инглиз тилидаги “victim”-қурбон атамаси қурбонни жиноятни содир қилишга гиж-гижлашда айблаш амалиётини англатади) агар ўғри очик қолган сумкангиздан ҳамёнингизни ўғирлаб олса, уни шахсий мулкни ўғирлаганликда айблашади. Сизга эҳтиётсизлигингиз учун танбех беришлари мумкин, бироқ, ўғрини шундай ҳаракатга ундаганликда айблашмайди. Бироқ, жиноят аёлга, айниқса аёл ва сексга тегишли бўлса, бунда аёлнинг ўзини гиж-гижлаганликда айблашади. Аёнки, бундай икки ёқлама андоза қайта-қайта кўриб чиқилиши керак, токи жамоатчилик фикри учун жинсий шилқимликнинг аёлларга қарши қаратилган зўравонлик эканлиги аён бўлсин¹⁸.

Сексуал шилқимлик сексуал хужумга жуда ўхшаб кетади. У қурқув ва саросима уйғотиши ва унинг психологик оқибатлари узоқ вақт давом этиши мумкин. Шилқимликдан азият чекканлар ўзларини айбдордек ҳис қилишади, уялишади ёки қўрқишади, баъзилари эса уларга ишонч билан қарамайдилар ва керакли даражада муомала қилмайдилар, деб ҳисоблашади. Бош оғриғи, уйқусизлик, босимнинг ошиши, асабий зўриқишлар, ҳимоясизлик ва камситилиш ҳисси – булар қурбонлар дуч келадиган нохушликларнинг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир. Қурбонлар бошидан кечирганларининг ҳам жисмоний, ҳам маънавий оқибатлари етарлича жиддий бўлиши ҳам мумкин.

¹⁷ www.stopvaw.org

¹⁸ Лопатина Т.А., Авидзба М.Г., Синецына Л.Д., Михайлюков Д.А. «Сексуальные домогательства на работе», Тула, 1999, с. 15.

Қуролли тўқнашувлар ва можароли вазиятларда гендер зўравонлик. “Аҳоли ярмининг манфаатлари ва овозлари қарорларда ўз ифодасини топмаган тақдирда мавжуд бошқарув тизимлари ва жараёнларининг қонунийлиги шубҳа туғдириши лозим. Қонунийликнинг бундай таназзули қуролли тўқнашувнинг гендер табиатида яққол намоён бўлади: хотин-қизлар камдан-кам ҳолларда урушда қарорлар қабул қиладилар ёки иштирок этадилар, бироқ уларнинг оқибатларидан доим азият чекадилар”¹⁹.

Эркаклар ва аёллар ролларининг стереотиплари уларга ихтилоfli вазиятларда қандай эътибор ажрата олишимизга таъсир кўрсатади. Бу шуни англатадики, қуйидаги турли-туман ролларнинг ҳар бири диққат-эътиборимиздан ташқарида қолиши мумкин. Масалан, уруш кўпинча эркаклар ҳаракати соҳаси сафида кўриб чиқилса-да, уларга аёллар турли йўллар билан жалб қилинади:

- Хотин-қизлар аскарлар сифатида.
- Хотин-қизлар аскарларнинг хотинлари ва оналари сифатида.
- Хотин-қизлар ҳарбий тўқнашув йўналтирилган фуқаролик ҳамжамиятларининг аъзолари сифатида.
- Хотин-қизлар зўравонлик ва бошқа ҳарбий жиноятлар қурбонлари сифатида.
- Хотин-қизлар оила боқувчилари ва рўзғор бошлиқлари сифатида.
- Болалар, қариялар, яраланганлар тўғрисида ғамхўрлик қилувчи хотин-қизлар.
- Хотин-қизлар ижтимоий ва сиёсий ташкилотчилар сифатида.
- Хотин-қизлар босқинчилар сифатида.

Шунингдек, тўқнашув ва урушлар эркакларга ва эркаклик концепциясига қандай таъсир кўрсатишини кўздан кечириш фавқулудда аҳамиятга эга. Эркакларнинг кўпчилиги урушда иштирок этиш ёки этмаслик тўғрисида мустақил қарор қабул қилмайди, бунга уларни қонун орқали ёки зўрлашнинг бошқа воситалари ёрдамида мажбурлашади. Бундай ҳолларда ожизлик, ҳис-туйғулар ва ҳаяжонлар жазоланади ва атрофдагилар томонидан масҳара қилинади, эркаклар стереотиплари мажбуран сингдирилади ва натижада уларда оғир руҳий асоратлар келиб чиқиши мумкин.

Сўнгра, тўқнашув ва уруш гендер роллари ва стереотипларининг мустақамланишига хизмат қилади, айти пайтда улар қутилмаган тарзда ижтимоий силсилалар вазиятида анъанавий бўлмаган ролларни келтириб чиқаради. Уруш кризис вазияти бўлиб, можаронинг жамият ичида гендер ролларга таъсири урушдан кейинги давр стратегияларида ҳам фаол йўналтирилган бўлиши керак.

¹⁹ G. Ashworth, Dossier 23/24, London, 2001.

Ҳарбий можаро ҳудудларида одамлар савдоси алоҳида муаммони ташкил этади. Жиноий гуруҳлар қурбонлари бўлган мигрантлар ҳуқуқларининг бузилиши, ва уларнинг одатда, ноқонуний тарзда олиб келиниши ҳамда алдов ва зўравонлик йўли билан турли вазифаларни бажаришга мажбур этилиши жуда қўпол шаклларда амалга оширилади. Бундай жиноий ҳаракатларнинг фақат кам қисми ошкор бўлиб, халқаро ҳамжамиятга маълум бўлади. Хусусан, ХМТ маълумотларига кўра, бу ташкилот Болқон можароси ҳудудларидан 30-40 кишидан иборат бир неча гуруҳ аёлларни озод қилишга ёрдам берган. Бу аёллар ушбу ҳудудларга алдов йўллар билан олиб келинган (уларга аввалига официант ёки бошқа хизматчи ходим бўлиб ишлаш таклиф этилган) ва улар фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур қилинган²⁰.

Ҳарбий тўқнашудаги зўравонликнинг гендер характери алоҳида қайд этиш керак. Зўравонлик ва мажбурий ҳомиладорлик шу тарзда уруш ва геноцид қуроли сифатида ишлатилади. Мунтазам равишда зўрлаш бугунги кунда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғилланувчи халқаро ташкилотлар томонидан расман ҳарбий жиноят деб ҳисобланади. Эрак ва аёлларнинг уруш пайтида зўрлаш ва бошқа жинсий тажовуз қурбонлари деб тан олиш адолат масаласи ҳисобланади.

Хотин-қизлар, болалар, оила ва жамият учун гендер зўравонлик оқибатлари. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик глобал муаммо бўлиб, инсоният унинг ҳақиқий кўламлари ҳақида қатор сабаблар туфайли аниқ маълумотларга эга эмас. Энг аввало, дунёнинг кўплаб мамлакатларида бу муаммо ёки умуман кўтариб чиқилмаган ёхуд эндигина гапира бошланмоқда ва ошқора муҳокама қилинмоқда, бироқ унинг кўламлари тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ.

Кўпчилик қуйидаги даҳшатли фактлардан хабардор бўлмаса керак: дунё бўйича хотин-қизларнинг 20 дан 50%изигачаси ўзининг жуфти – эри ёки партнери томонидан зўрланган. Дунёда ҳар беш аёлнинг биттаси ўз ҳаёти давомида зўравонликка учраши мумкин. Маълумки, инсониятнинг бутун тарихи давомида аёллар урушлар ва қуроли тўқнашувлар пайтида шафқатсиз зўравонликлар объектига айланган, бу ҳол уруш ўлжаларининг “ажралмас” қисми ва ҳарбий ғалабаларнинг белгиси ҳисобланган. Бироқ, ҳамма ҳам билавермаса керак, тинчлик даврида ҳам энг барқарор демократик жамиятларда аёлларнинг 10-15%и ўз партнерлари томонидан жинсий зўравонликка учрайди. Уйда содир этиладиган қотилликларнинг 30%издан 60%изигачаси уйдаги зўравонлик билан боғлиқ. Сўнгги йилларда матбуотда болаларга нисбатан, хусусан, қизларга нисбатан жинсий зўравонлик (номусга тегиш) тўғрисидаги даҳшатли воқеалар чоп

²⁰ IOM Press Briefing Notes, 17, November, 2000.

этилган. Малайзия, Мексика, Папуа-Янги Гвинея, Чили ва АҚШ каби мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, номусга тегишларнинг 36%дан 62%гачаси 15 ёшга тўлмаган кизларга нисбатан, 32%и 18 га тўлмаган, ҳатто 10 ёшдан кичик кизларга нисбатан амалга оширилган. Масалан, Лима, Перуда туғруқхоналардаги 12 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёш оналарнинг 90%и ўз оталари, ўғай оталари ва бошқа қариндошлари томонидан зўрланган. Коста-Рикадан олинган ҳисобот эса шуни кўрсатмоқдаки, 15 ёшдан кичик бўлган ҳомиладор кизларнинг 95%и инцест қурбонларидир²¹.

Мазкур муаммонинг бундай улкан кўлами сабабларидан бири кўрсатилган жиноятларнинг жазосиз қолишидир. Чунки, хотин-кизларнинг кўпчилиги зўравонликка индамасдан чидаб келади. Бунинг сабаби – ўз ҳуқуқларини билмаслик, шарманда бўлишдан ва жамият томонидан қораланишдан қўрқиш. Янада кўпроқ зўравонликка учрашдан қўрқув, адолатга ишонмаслик, жамият томонидан сингдирилган гендер стереотиплар натижасида бундай жиноятлар жазосиз қолмоқда. Зўравонликнинг жазоланмай қолиши эса янги зўравонликларни келтириб чиқармоқда.

Чет эллик психолог-тадқиқотчилар фавқулудда ҳаётий ҳодисалар оқибатларини ўрганиш доирасида яқин пайтларгача оммавий ҳалокатлардан – урушлар, зилзилалар, миллатлараро тўқнашувлардан азият чекканларга асосий эътибор қаратар эди. Бирок, индивидуал, алоҳида ҳаётий жароҳатланиш тажрибаси оқибатлари бундан кам бўлмаган ижтимоий ва психологик масалаларни келтириб чиқармоқда. Чет эллик олимларнинг тадқиқотларига кўра, энг шафқатсиз зўравонликлардан бири – жинсий зўравонликдир (ЖЗ)²². Жинсий зўравонлик ва унинг оқибатлари муаммоси бир неча асрлар давомида мавжуд бўлса-да, фан томонидан яқиндан бошлаб, XX асрнинг 70-йилларида – АҚШда, сўнгра Европада, 90-йиллардан МДХнинг айрим мамлакатларида ўрганилмоқда. Бугунги кунда зўравонликнинг аёллар ва болалар саломатлигига кўрсатадиган таъсири ва оқибатлари тўғрисида жиддий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва диссертациялар ёзилмоқда. Жумладан, бизни О.А.Кравцова²³ томонидан жинсий зўравонликнинг оқибатларини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари кизиштириб қолди. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, жинсий

²¹ Tomris Tutmen, Family and reproductive Health, World Health Organization, Switzerland keynote speech Health, Gender and Human rights. Aspects of violence against women. Johannesburg, South Africa, 2001, p.8-10.

²² Kilpatrick D.G., Saunders B.E., Amick-Mcmillan A., Best C.I., Victim and Crime Factors Associated with the Development of Crime-Related Post-Traumatic Stress Disorder.

²³ Кравцова О.А., Сексуальное насилие как психологическая травма., Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата психологических наук., М., 2000.

зўравонлик кўп ҳолларда интенсив руҳий муаммоларни келтириб чиқарувчи жароҳатловчи ҳаётий воқеадир. Жинсий зўравонлик – кучли стресс уйғотувчи бўлиб, жабрланганларнинг аксариятида оғир асоратларни келтириб чиқаради: турли кўрқувлар, ғазаб, депрессия, ўзига паст баҳо бериш, турли психосоматик чекланишлар. Ёлғизлик, бегоналик ва руҳий тушкунлик, келажакка ва ҳаётга ишонмаслик, назоратнинг йўқолиши, ўзига ишончнинг йўқолиши ва атрофдагилар билан муносабатларнинг қийинлашиши муаммолари келиб чиқади. Руҳий тусдаги жинсий бузилишлар юзага келиб, узоқ давом этиши мумкин. Ҳатто зўрлашга уриниш ҳам турли психологик муаммоларни келтириб чиқаради. Фавқулдда стресс уйғотувчи жинсий зўравонликнинг ўзига хослиги шундаки, унинг қурбонлари ҳуқуқий, тиббий, ижтимоий ва маданий муаммоларнинг мураккаб чигалликлари вазиятга тўкнаш келади. Омилларнинг ўзаро таъсири ва зўрлаш сабабларининг турличалиги вазиятга ва қурбонларнинг ҳаракатларига нисбатан кўп сонли уйдирмаларни келтириб чиқаради ва кўпинча жабрланувчи томонидан ўз вақтида ва тўғри ёрдам олишни қийинлаштириб, унга тўсқинлик қилади. Шуниси аҳамиятлики, салбий қарашларга кўпинча оила аъзолари ҳам қўшилади, ваҳоланки, бундай вазиятга учраган аёллар яқинларининг ёрдамига айниқса муҳтож бўладилар. Маълумки, жинсий зўравонликнинг кўп ҳоллари шу сабабли яширин қоладик, жабрланувчилар содир бўлган воқеа ҳақида оила аъзоларига ҳам, ҳуқуқ-тартибот органларига ҳам гапиришни хоҳламайдилар, Чунки бундай қурбонлар тегишли ёрдам ўрнига фақат қораланиш ва тушунмасликка учрашдан, зўравон эса жазосиз қолишидан чўчийдилар.

Бугунги кунда кўп сонли халқаро ташкилотлар тадқиқотлари натижасида гендер зўравонлик билан вояга етмаган қизлар ўртасида ҳомиладорлик ҳолларининг кўпайиши, жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг (ЖИЮК) кўпайиши, жумладан, ОИТС – ОИВ, чақалоқлар ва ўсмирлар ўлими, аёллар жинсий аъзоларининг жароҳатланиши (Африкадаги айрим мамлакатларда), оналар ва болалар ўлимининг юқорилиги муаммолари ўртасида боғланиш борлиги аён бўлди.

Барча ҳолларда гендер зўравонлик тушкунликларга, изтиробларга, оилаларнинг бузилишига, узоқ муддатли руҳий таназзулга ва пировард натижада – бутун жамият учун ижтимоий ва иқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Уйдаги зўравонлик қурбонлари саломатлиги учун салбий оқибатларни камайтириш бўйича жамиятнинг иқтисодий сарфлари, масалан, соғлиқни сақлаш тизими харажатлари (касаллик варақалари, тиббий хизматлар қиймати) ниҳоятда катта. Зўравонлик оқибатлари жисмоний ва маънавий бўлиб, айна пайтда қурбонларнинг иқтисодий ва психологик–социологик имкониятларини пасайтиради.

БМТ Хотин-қизлар тараққиёти фондининг (ЮНИФЕМ) минтақадаги ресурс материалларидан:

«МДХда оилада аёлга қарши зўравонлик – бу жиддий муаммо бўлиб, у инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва жиноят деб қўриб чиқилмайди. Минтақадаги статистика масаланинг фақат бир қисмидан далолат беради. Масалан, Россияда йилга қарийб 14000 аёл уйдаги зўравонлик оқибатида ҳалок бўлади. Қийёслаш учун: Афғонистондаги ўн йиллик уруш давомида 13000 нафар россиялик аскар ҳалок бўлган. Тожикистонда аёлларнинг ярмидан кўпи уйдаги зўравонликка учрайди, тахминан 47 фоизи ўз эрлари томонидан зўрланган».

Манба: Zuzanna Jeserska, Regional Project Manager²⁴

Маълумки, зўравонлик ҳолатларининг аксарияти эркаклар томонидан содир қилинади. Гендер зўравонлик бу маънода истисно эмас. 1993 йилда репродуктив саломатлик бўйича Эберт²⁵ Фонди томонидан ўтказилган конференцияда эркакларнинг ўз табиатига кўра тажовузкорлиги тўғрисида эътироф этилган қарашга нисбатан норозилик билдирилган. АҚШда ёшлар ўртасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, “аёллар эркакларга қараганда кўпинча ўз жуфтлари томонидан шафқатсизликка учрайди, бунинг сабаби эркакларнинг кўпроқ урушида эмас, балки қаттиқроқ урушидадир”. Шундай қилиб, зўравонлик соф биологик ҳам бўлмаган, маданий ҳам бўлмаган ҳодисадир. Эркакларнинг кўпроқ даражада тажовузкорлиги учун бирон-бир асос мавжуд бўлса-да, ушбу салоҳият ижтимоийлашиш жараёнида тубдан қайта тирилиши мумкин.

III. Уйдаги/Турмушдаги зўравонлик. Бу зўравонликнинг энг кенг тарқалган турларидан бири. Яқин пайтларгача ушбу муаммо деярли яширин бўлиб, қабул қилинган фикрга кўра, зўравонликнинг бундай тури «одамнинг шахсий иши» ва жамият ҳам, давлат ҳам оиланинг (жинсий жуфтларнинг) шахсий ишларига аралашини лозим деб билмаган.

Уйдаги зўравонлик зўравонликнинг бошқа турларидан нимаси билан ажралиб туради? Асосий фарқ шундаки, уйдаги зўравонлик яқин ёки қариндошлик алоқаларида бўлган, бир-бирлари учун ҳавф туғдирмайдиган ва аксинча бир-бирларини ҳимоя қиладиган ва бир-бирларига мадад берадиган деб ҳисобланувчи одамлар орасида содир бўлади.

Уйдаги зўравонлик – мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг келиб чиқишини тушунтириш осон эмас. Унинг илдизлари аънанавийликка ва

²⁴ Практическое руководство по решению проблем, связанных с домашним насилием, законодательным путем, издание UNIFEM, сост. Д. Абдуразакова, 2002.

²⁵ Материалы конференции «Некоторые проблемы репродуктивного здоровья и прав женщин», Т., 1993, с. 24.

хотин-қизларнинг шахсий ва жамият ҳаётидаги иккинчи даражали ролига бориб тақалади. Билашган Миллатлар Ташкилотининг Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги Декларациядан тан олинадики, уйдаги зўравонлик “эркак ва аёл ўртасида тарихий вужудга келган кучларнинг нотенг нисбати бўлиб, аёллар устидан устунлик қилишга интилиш ва эркаклар томонидан аёллар камситилишининг намоён бўлишидир. Зўравонлик асосий ижтимоий механизмлардан бири бўлиб, унинг ёрдамида аёлларнинг эркакларга нисбатан иқтисодийда, сиёсатда, ижтимоий ҳаётда қарам аҳволда бўлишга мажбур қилинишидир”²⁶.

Юқорида айтилганидек, уйдаги зўравонликнинг куйидаги асосий шакллари ва турлари ажратилади.

Жисмоний зўрлаш зўравонликнинг энг яққол шакли бўлиб, жисмоний зиён етказиш, жумладан, калтаклаш, азоблаш, қотиллик тушунилади.

Жинсий зўрлаш хотиннинг(а)/жинсий жуфт (а) истагига зид ўлароқ, жинсий алоқани англатади ва турли кўринишларга эга бўлиши мумкин: мажбурлаб жинсий тегинишларнинг шаклларида ташқари, жинсий тусдаги бузуқликлар, номусга тегиш ёки инцест шаклида бўлиши мумкин.

Психологик зўрлаш уйдаги зўравонликнинг энг кучли, кенг тарқалган ва айни пайтда аниқланиши ва йўқ қилиниши қийин бўлган туридир. Психологик зўрлашда аёлнинг ўзига бўлган ишончига зиён етказувчи турли усуллар қўлланиши мумкин, жумладан, масхаралаш, ҳақоратлаш, қўполлик, жисмоний зўрлаш ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш таҳдиди, доимий равишда оилавий ёки оналик бурчи бажарилмаслигида ёки ёмон бажарилишида айблаш, ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш, ёлғизлатиб қўйишидир.

Ижтимоий-маданий зўрлашнинг ҳам турли шакллари бор: этник келиб чиқишига кўра оилада камситиш (бошқа этник гуруҳга, миллатга, ҳудудга тегишлиги асосида камситиш), эътиқодига кўра камситиш, асосий репродуктив ҳуқуқларнинг бузилиши (эрта никоҳлар, турмуш ўртоғини танлашда эрксизлик, аёлга қачон қанча ва қандай жинсдаги бола туғиши лозимлигини уқтириш ва ҳоказо).

Иқтисодий зўрлашга иқтисодий қарамликдан фойдаланишни киритиш мумкин: ишга киришга рухсат бермаслик, вақтини ва ҳаракатларини тўлиқ назорат қилиш, молиявий ёрдамдан маҳрум этиш ёки маҳрум этиш билан кўрkitиш.

Уйдаги зўравонлик муаммолари ҳусусидаги асосий уйдирмалар ва далиллар. Уйдаги зўравонлик муаммолари тўғрисидаги мулоҳазалардаги янглиш фикрлардан бири зўравонликдан азият чекканларни бундай зўравонликни келтириб чиқаришда айблашдан иборатдир. Афсуски,

²⁶ www.stopvaw.org

жабрланганларга нисбатан бундай муносабат тез-тез учраб туради. Турмушдаги зўравонлик қурбонларини ортиқ даражада жабрдийда қилиб кўрсатиш барчанинг онгидаги уйдирмалар ва стереотипларнинг бутун бир тизими доирасида айланади, буларнинг кўпи ғоят барқарор бўлиб, аксарият ҳолларда одамларга болалигидан сингдирилади, лекин улар ҳеч қандай оқилона фикрга асосланмаган. Стереотиплаштирилган афсоналар зўравонликнинг кўп ҳоллари аёлларга нисбатан амалга оширилиши фактини акс эттиради. Бироқ бундай уйдирмаларнинг бўлиши хотин-қизлар ҳамма вақт ҳам зўравонликнинг сўзсиз қурбонлари ролида бўлишларининг исботи эмас. Оиладаги зўравонлик муаммоси тўғрисидаги мавжуд стереотиплар ва уйдирмалар зўравонликка дуч келадиган аёллар елкасига қўшимча юк бўлиб тушади. Буларнинг ҳаммаси – ана шу хотин-қизларнинг нормал ҳаёт кечиришлари йўлига қўйилган тўсиқлардир.

Шундай қилиб, қуйидаги уйдирмалар мавжуд.

1-уйдирма: Оилада зўравонликка учрайдиган аёллар – мазохистлардир. Асосан, шундай деб ҳисобланадики, “калтакланишни истайдиган ва шунга муносиб бўлган” аёллар калтакланади, шу сабабли улар оиладан кетмасдан шундай муносабатларга чидаб келади. Бу уйдирмага кўра, аёл ўзи яхши кўрадиган эркак томонидан калтакланганидан жинсий лаззат олади.

2-уйдирма: Айрим аёллар зўравонликка ўзлари сабаб бўлади ва шунга муносибдирлар. Бундай кенг тарқалган қараш хотин-қизларни калтаклаш ижтимоий муаммо эканидан дарак беради: у одамларга болалигидан сингдирилган гендер стереотипларга бориб тақалади. Ҳеч бир инсон калтакланишга муносиб эмас, бироқ амалда, жабрланувчи ўзини қандай тутмасин, айбдор ўз ҳаракатларини оқлашга ҳамма вақт имкон топади.

3-уйдирма: Оила аъзолари ёки жуфтларига нисбатан зўравонлик қиладиган эркаклар руҳан носоғломдир. Бундай эркаклар тажовузкор ҳаракати авжини назорат қила олмаса-да, кўпинча “нормал” ҳаёт кечирадilar. Уларнинг ижтимоий мақоми юқори бўлиши мумкин, улар раҳбарлик лавозимларини эгаллаб, фаол ижтимоий ҳаёт кечириши, бизнесда муваффақиятга эришиши мумкин.

4-уйдирма: Зўравонлик қиладиган эркаклар ўз хотинлар ёки жуфтларини севмайдилар. Улар аёлни зўравонлик муносабатлари доирасида ушлаб туриш учун севгидан фойдаланадилар. Бу ҳол зўравонлик туркуми мавжудлиги билан ҳам исботланадики, бу ҳақда кейинроқ гап боради.

5-уйдирма: Зўравонлик қиладиган эркаклар бошқа инсонлар билан ҳам ўзларини тажовузкорона тутади. Уларнинг кўпчилиги ўз ҳаракатини назорат қила олади ҳамда қаерда ва кимга нисбатан зўравонлик қилиш мумкинлигини яхши билади.

6-уйдирма: Зўравонлик қиладиган эркаклар омадсиз одамлар бўлиб, стресслар ва ҳаётдаги муаммоларини ҳал эта олмайдилар. Стресс ҳолатини деярли барча одамлар ўз бошидан кечиради, бироқ, ҳамма ҳам аламини бошқалардан олмайди.

7-уйдирма: Зўравонликнинг сабаби алкоғолизмдир. Спиртли ичимликлар ичиш ўз ҳаракатини назорат қилиш қобилиятини пасайтиради, бироқ, зўравонлар орасида тамаки ёки алкоғолдан фойдаланмайдиган эркаклар ҳам кўп. Айрим одамлар алкоғолизмдан даволанган бўлса-да, яқинларига нисбатан тажовузкор ва шафқатсиз бўлиб қолаверган. Ичкиликбозлик ёки спиртли ичимликларни ичиш зўравонликларни оқлаш учун сабаб бўла олмайди.

8-уйдирма: Эр билан хотин ўртасидаги жанжаллар ҳар доим мавжуд бўлган, бу табиийдир ва у жиддий оқибатларга олиб келмайди. “Эр-хотиннинг уруши - дока рўмолнинг қуриши”. Уруш ва жанжаллар ҳақиқатдан ҳам кўпгина муносабатларда учраб туриши мумкин. Зўравонликнинг ўзига хос хусусияти унинг жиддийлиги, даврийлиги ва содир бўлаётган ходисаларнинг интенсив суръати ва оқибатлари билан белгиланади.

9-уйдирма: Тарсаки ҳеч қачон жиддий зарар етказмайди. Зўравонлик даврий тусга эга ва аста-секин кучайиб боради. У шунчаки танқиддан бошланиб, камситиш, яккалаб қўйиш, кейинчалик тарсаки тушириш, уриш, доимий равишда калтаклаш, баъзан эса ўлимгача олиб келиши мумкин.

10-уйдирма: Бир марта зўравонликка учраган аёл – доимо зўравонликка учрайверади. Зўравонлик даврийлиги бузилиб, аёл зўравонлик ва хавф туғдирувчи вазиятда бўлмаса, мутахассислар маслаҳатини олгач, аёл одатдаги ҳаётга қайтиши мумкин.

11-уйдирма: Зўравонликка учраган аёл хоҳлаган пайтида уйдан кетиши мумкин. Аёл кишига маданий нуқтаи назардан оила ва муҳаббат унинг ҳақиқий ва ягона жабҳаси эканлиги сингдирилган бўлса, кўпинча, зўравонлик жиддийлашгач, у уйдан кетиш ҳуқуқи ва

эркинликка эгадир, деб ҳисобланади. Аслида эса бу борада аёл кишининг олдида ниҳоятда кўплаб тўсиқлар бўлади.

12-уйдирма: “Турмуш қурганимиздан сўнг” эркак зўравонлик қилмай қўяди. Аёллар ўйлайдики, бундай эркаклар турмуш қуришгач, зўравонлик қилмай қўяди. Уларнинг фикрича, эркак ўз мақсадига етгач, тинчийди ҳамда аёлнинг муҳаббатига ишонади, чунки никоҳ муҳаббатнинг энг олий далилидир. Бироқ муаммо шундаки, ҳукмронлик чегара билмайди ва зўравонлик даврийлиги давом этади.

13-уйдирма: Зўравон бўлса ҳам, болаларга ота керак ёки “мен фақат болаларим учун у билан яшайман”. Шубҳасиз, болаларга отаси ҳам, онаси ҳам керак. Бироқ оиладаги зўравонлик муҳотида яшайдиган болалар зўравонликдан қутулиш учун онасидан оиладан кетишни илтимос қилиши мумкин.

14-уйдирма: Уйдаги жанжаллар, калтаклашлар ва муштлашишлар билимсиз ва камбағал одамларга хос. Даромади ва маълумоти юкори бўлган оилаларда бундай ҳоллар кам учрайди. Оиладаги зўравонлик аҳолининг муайян қатламлари ва гуруҳлари билан чегараланмайди. Бундай ҳоллар билим даражаси ва даромадидан қатъий назар барча ижтимоий гуруҳларда содир бўлиши мумкин. Ваҳоланки, турли маълумот гуруҳларига мансуб одамлар зўравонлик қиладилар, ёки зўравонлик қурбонлари бўладилар, деб тан олишга тайёрлик даражасини баҳолаш анчагина қийин масала. Ҳар ҳолда бундай фарқ маскулинлик қонунларида маълумотлиликка боғлиқдир, деб таъкидлайди, Европа мамлакатларида ва АҚШдаги тадқиқотларининг натижаларини умумлаштирар экан, Игорь Кон.

“Маскулинлик меъёрий қонунлари ва уларга йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлар одамларнинг ижтимоий мақомига ва маълумотлилик даражасига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Билимлироқ эркаклар оддий, кўпол маскулинликдан уяладилар, уларнинг қадрият йўналишлари ва турмуш тарзлари анча маданийлашган бўлади, улар хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги ғоясини жон деб, лекин ҳамма соҳада эмас, албатта, қабул қиладилар ва уларга ён босишга тайёр турадилар (қўпинча уларда бошқа илож қолмайди, чунки уларнинг атрофидаги аёллар эмансипациялашган ва мустақилдирлар, уларнинг кўпол кучи итариб туради). Ишчи-деҳқон оиласида анъанавий маскулинлик қонуни кучли бўлиб, уни ҳамманинг олдида намойиш этишга уялишмайди”²⁷. Шу сабабли бизнинг тахминимизча, мана шу зўравонлик кўринишлари сон

²⁷ И.С.Кон. Меняющиеся мужчины в изменяющемся мире.
http://sexology.narod.ru/publ018_2.html

жиҳатидан хатто бир хил кўрсаткичга эга бўлганда ҳам, унинг кўринишлари аҳолининг маълумоти кам ва паст мақомли қатламларида юқори даражада “ижтимоий кўриниш” га эга бўлади.

15-уйдирма: Уйдаги зўравонлик – замонавий иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, ҳаётнинг тобора тезлашиб бораётган суръати ва янги стресслар натижасида келиб чиқаётган янги ҳодисадир. Хотинни калтаклаш одати никоҳнинг ўзи каби қадимийдир. Энг қадимги пайтларда қонун хотинни калтаклаш одатини очикдан-очик рағбатлантирган ва бунга рухсат берган.

16-уйдирма: Ҳозирги кунда уйдаги зўравонлик – кам учрайдиган ҳодиса. У ўтмишда - қарашлар шафқатсиз бўлган ва аёллар эрларининг мулки ҳисобланган даврда қолиб кетган. Оиладаги зўравонлик, бугунги кунда ҳам кенг тарқалган ҳолат. Кўпгина мамлакатлардаги хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган ҳуқуқшунослар ва адвокатларнинг фикрича, уйдаги зўравонлик улар ҳақидаги маълумотлар камдан-кам ҳолларда ҳуқуқ-тартибот органларига етиб борадиган жиноятлар орасида биринчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Зўравонликка учрайдиган хотин-қизлар одатда қуйидаги умумий хусусиятларга эга бўлиши мумкин:

- ўзига паст баҳо беради;
- зўравонлик тўғрисидаги барча уйдирмаларга ишонади;
- оила, аёлнинг оиладаги ва жамиятдаги роли ҳақидаги жуда анъанавий қарашларга, “аёл тақдирига” қаттиқ ишонади;
- зўравоннинг хатти-ҳаракати учун масъулиятни ўз зиммасига олади;
- айбдорлик туйғусидан азоб чекади ва зўравонга нисбатан бўлган ғазаб туйғусини инкор этади;
- стрессларни оғир бошидан кечиради ва психофизиологик шикоятлари бор;
- жинсий муносабатлар умумий муносабатларни тартибга солиши мумкинлигига ишонади;
- бирор киши уларга оиладаги зўравонлик муаммосини ҳал этишда ёрдам беришига ишонмайди.

Ўз хотини ёки турмуш ўртоғига зўравонлик қиладиган эркакларнинг ҳам ўзига хос умумий хусусиятлари бор:

- ўзига паст баҳо бериш;
- зўравонлик муносабатлари тўғрисидаги уйдирмаларга ишониш;

- эркакнинг оиладаги ва жамиятдаги етакчилик роли тўғрисидаги анъанавий қарашларга қўшилиш;
- ўзлари содир қилаётган хатти-ҳаракатларда бошқаларни айблади;
- ниҳоятда рашкчи;
- икки юзлама одамлар;
- ўзларининг тажовузкорона хатти-ҳаракати оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини англамайди;
- ўз кадрини ошириш мақсадида жинсий муносабатларда тез-тез тажовузкорлик содир қиладилар.

Зўравонликнинг даврийлиги. 1984 йилда Элис Уолкер²⁸ Селигманнинг “орттирилган ҳимоясизлик” назарияси нуқтаи назаридан зўравонликка учраган аёлларнинг психологик ва ҳаракат реакциясини таҳлил қилиб чиқди. Зўравонликка учраган кўп сонли аёллар ўртасидаги сўровлар асосида Уолкер “зўравонликнинг даврийлиги назариясини” ишлаб чиқди. Унинг учта босқичи белгиланди. Биринчиси – “тазйикнинг ўсиши босқичи”га хос бўлган хусусият оғзаки ҳақоратлаш ва майда жисмоний тўқнашувлар билан характерланади. Аёл жиддий тўқнашувлардан қочишга интилиб, ўз жуфтини тинчлантиришга ҳаракат қилади. Тўқнашувлар жиддийлашгани сайин аёлда ҳимоясизлик ва кўрқинч туйғуси ортиб боради. Бундай босқич ҳафталаб ёки йиллаб давом этиши мумкин ва охир оқибат кескинлик ўтиш босқичига етиб келади. Иккинчи босқич – “жиддий зўравонлик кўриниши” жиддий зўравонликни англатади ва 2 соатдан 24 соатгача давом этади. Аёл иккинчи босқич натижасига таъсир кўрсата олмайди ва фақат ўзини ва болаларини ҳимоя қилишга интилади. Учинчи босқич – “оқибат” бўлиб, эркак афсус чекиши, муҳаббатини ва ўзгариш истагини билдириши мумкин. Ушбу босқич аёлда калтакланиш ҳоллари барҳам топишига умид уйғотади. Афсуски, бундай даврийлик деярли доимо такрорланади. Вакт ўтгач учинчи босқич тобора камроқ учрайди ва аёл кескинликнинг тобора кучайиши билан зўравонлик ўртасида қолиб кетади.

Уолкернинг зўравонлик даврийлигини текширишга оид эмперик тестлари барча жабрланувчиларга нисбатан мана шу учта босқич қўлланилишини исботловчи аниқ маълумотларни бермайди. Аёл калтакланганидан кейинги вазият батафсил тасвирланганда сўралганларнинг 65%и кескинлик кучайишидан калтаклашгача бўлган даврнинг мавжудлигини ва сўралганларнинг 58%и калтаклангандан сўнг афсус ва муҳаббат туйғуларининг намоён бўлишини исботлайди. Уолкер тасвирлаган зўравонлик даврийлиги профессионаллар ва профессионал

²⁸ www.stopvaw.org

бўлмаганлар томонидан ҳам зўравонликка учраган аёлнинг ҳаракатини тушунтирувчи кўрсаткичлар сифатида қабул қилинди. Шуниси ҳам аёнки, вақт ўтгач зўравонликнинг шафқатсизлиги ва тез-тез такрорланиши ортиб боради.

Ўзбекистонда кризис марказларининг (КМ) фаолияти. Ўзбекистонда КМни яратиш бўйича тайёргарлик ишлари 1999 йилдан бошланган. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар бу жараёнда муҳим рол ўйнаган.

Лойиҳанинг биринчи босқичида КМнинг эҳтимол ходимлари – психологлар, ишонч телефони операторлари, ҳуқуқшунослар таълим олди. Уларнинг кўпчилиги Россиянинг етакчи КМларида стажировкадан ўтиш учун грантларга эга бўлди. Навбатдаги босқичда республика ҳудудларида КМ ёки ишонч марказлари, шошилинч/ишонч телефонлари яратиш учун ташаббус лойиҳалари қўллаб-қувватланди.

Ғарб мамлакатларида КМ кенг тарқалган бўлиб, давлат ва маҳаллий маъмурият (муниципалитетлар, полиция маҳкамалари ва ҳоказолар) томонидан қўллаб-қувватланади. Ғарбда КМларнинг энг кенг тарқалган тури – «шелтерлар» бўлиб, бу ерда жабрланувчи зўравоннинг таъкибидан яширинади. Бундай марказларда зўравонлик қурбонлари дастлабки ойлар мобайнида психологик ва тиббий реабилитациядан ўтади, уларга моддий ёрдам кўрсатилади. Кейинчалик уларга янги турар-жой, зарур касбий тайёргарлик ва кейинчалик ишга жойлашиш имкониятлари туғилади. Болалар яшаш жойига кўра мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактабларга жойлаштирилади. Шелтерлар ўз мижозларининг тўлиқ махфийлигини таъминлайди. Бир пайтнинг ўзида ноҳуқумат ноτιжорат ташкилотлари томонидан зўравон эркаклар билан катта тарбиявий ва профилактика ишлари олиб борилади. Улар учун махсус мажбурий курслар ташкил этилган бўлиб, у ерга суд қарорига кўра йўлландилар. У ерда узоқ вақт мобайнида улар билан тажрибали профессионаллар – психологлар, юристлар, жамоат ташкилотларининг етакчилари иш олиб боради.

Ғарбдаги КМ ларидан фарқли равишда, Ўзбекистонда ҳозирги пайтда «шелтерлар» –хотин-қизлар қароргоҳи эндигина ривожлана бошлади, бу анъанавий миллий маданиятнинг ва менталитетнинг ўзига хослиги билан изоҳланади. Уйидан ташқарида (бунинг устига эри ва қариндошлари учун ноъмалум жойда) тунаган аёлнинг эрининг оиласига қайтиши гумон ва у ўз ота-онасидан бошпана сўрашга, ёки дуч келган жойда яшашга мажбур бўлади. Ажрашган аёл бугунги кунда ҳам оиласи учун шармандали ҳол ҳисобланади.

Аста-секин КМнинг «ўзбекча» модели шакллана бошлади. Ўзбекистондаги КМларнинг асосий вазифалари уйдаги зўравонликдан

жабрланган одамларга турли ёрдамлар кўрсатишдан иборат. Унга телефон орқали сиртдан маслаҳатлар бериш, психологлар, ҳуқуқшунослар, шифокорлар (кўпинча акушер–гинекологлар ва наркологлар)нинг маслаҳатлари киради. Худудлардаги телефон алоқаси ниҳоятда ёмонлиги туфайли узоқ худудлар ва қишлоқлар аҳолиси алоқанинг бу туридан фойдалана олмайди. Шу сабабли КМ жойларда хизмат кўрсатишга йўналтирилган стратегияларни ишлаб чиқа бошлади. Вилоятда жойлашган марказларнинг аксарияти махсус дастурлар – тренинглар билан узоқ худудларга йўл олишади. Бундай кўчма семинарларда КМ ходимлари ва тренерлари ўз марказлари фаолияти, ўзларига мурожаат этувчиларга кўрсатилган ёрдам турлари ҳақида сўзлаб беришади. Кўп сонли текширишлар, сўровлар, кузатувлар, суҳбат ва мунозаралар натижалари хотин-қизларнинг (КМ мижозларининг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади) зўравонлик қурбони бўлишига олиб келувчи асосий сабабларни кўрсатди. Бунга ҳуқуқий саводхонликнинг паст даражаси (баъзан умуман йўқлиги), ўзига паст баҳо бериш, ҳаётда ижобий ўзгаришлар бўлиши мумкинлигига ишонмаслик кабилар киради. Ушбу омилларни эътиборга олган ҳолда КМлар интерактив услубиётлар ёрдамида ҳуқуқий саводхонликни ошириш, гендер таълими, уйдаги зўравонлик ва низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича тренинглар, шунингдек, ОИВ–ОИТС, жинсий йўл билан юкадиган касалликлари ҳақида, наркологлар иштирокида махсус тренинглар ўтказди.

Кўплаб КМ лар ҳозирги кунда судларда уйдаги зўравонликдан азият чеккан аёллар ҳуқуқининг ижтимоий ҳимоячиси бўлиб иштирок этмоқда.

1-воқеа. *Марказга уч нафар вояга етмаган фарзанди бор (уларнинг биттаси эмизикли) аёл мурожаат этди. У эри ажраллишга қарор қилганлигини айтди. Эр ажраллиш учун судга ариза берган, суд эр-хотинларни ўйлаб кўриш учун 6 ой муҳлат берди. Бу вақт давомида эр хотинини уч нафар фарзанди билан уйдан ҳайдаб чиқарди. Марказ ички ишлар органлариغا, судга, прокуратурага мурожаат этиб, аёл ва унинг фарзандалари устидан зўравонликка барҳам беришни илтимос қилди. Шунга қарамай, зўравонлик давом этди: суд жсараёнидан икки ой олдин аёлнинг эри умумий хонадонга ота-онаси ва опасини олиб келади, улар биргаликда бахтсиз аёлни уйдан ҳайдаб чиқаришига ҳаракат қилишган.*

Суд жсараёни давомида Марказ ходимлари жабрланган аёлнинг ҳуқуқини тиклаб, адолатга эришишига муяссар бўлди: суд қарорига кўра эр хотини ва болалари учун 3 хонали квартира сотиб олди, уни таъмирлади ва мулкни бўлишишни келишиб олди.

2-воқеа. *Марказга ёш (19 ёш) аёл мурожаат этиб, эри уйдан ҳайдаб юборгани, ўғай она эса уни отасининг уйига қўймаётганини айтиб берди. Шунингдек, ўғай она унинг паспортини ҳам тортиб олиб, эри билан ажраллишига ва мустақил яшашига қаршилик қилди.*

Эри унинг ягона имкони – бу ўзини ўлдириши эканлигини, унинг хужжатлари йўқлиги сабабли уни ҳеч ким қидирмаслигини уқтирарди. Бу аёлга ёрдам кўрсатиши давомида унинг паспорти тикланди, ўлган онасига тегишли уй топилди. Катта қийинчиликлар билан Марказ ходимлари унинг мазкур уй эгасининг қонуний меросхўри эканлигини исботлади, бу манзил бўйича рўйхатдан ўтганлиги ҳам аниқланди. Марказ қизга ана шу уйга кўчиб киришга ёрдам берди.

3-воқеа. Марказ ходимлари Дилрабони ертўлада икки боласи билан яшаётган жойида топиб олишди. Уни эри болалари билан уйдан ҳайдаган. Ёнида ҳеч қандай хужжати, на паспорти, на болаларининг тугилганлик ҳақидаги гувоҳномаси бор эди. Турмушга чиққунча, онасининг ўлимидан сўнг, Дилрабо отаси ва ўғай онаси билан Самарқандда яшаган. Ортиқча таъвишидан қутулиши учун ўғай она Дилрабони 10-синфни тугатиши билан жиззахлик узоқ қариндошига эрга бериб юборган, ҳатто аттестат билан паспорт олишини ҳам қутиб ўтирмаган. Улар фақат диний никоҳдан ўтишган. Тўйдан сўнг эр кўпинча ичадиган, ва хотинини калтаклайдиган бўлиб қолди, бироз вақт ўтгач, иккита кичкина боласи билан кўчага ҳайдаб юборди. Тўққиз ой мобайнида Дилрабо икки нафар боласи билан энг оддий шароити ҳам йўқ чойхонанинг ертўласида яшаган. Чойхона ходимлари ва миждозлари раҳми келганидан уларга ош-овқат қолдиқларини бериб боққан. Ҳозирги кунда Марказ аралашувидан кейин Дилрабо ётоқхонага кўчирилди, унинг ва болаларининг хужжатларини расмийлаштириши, ёлғиз она сифатида нафақа тўлаши масаласи ҳал этилди.

Хотин-қизлар марказларга асосан қуйидаги муаммолар билан мурожаат этади – бу оиладаги низоли вазият, эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар, келин ва қайнона муносабатлари, ёки эрининг қариндошлари (одатда, келин улар билан бирга яшайди) билан муносабатлар, ота-оналар ва болалар муносабатлари. Низоли вазиятлар одатда такрорланадиган уйдаги зўравонлик билан яқунланади ва улар жабрланувчилар учун кўркув, стресс, тушкунлик, ўз жонига қасд қилишга тайёрлик каби ҳолатларни келтириб чиқаради. КМларга ёрдам сўраб мурожаат қилинадиган юридик тусдаги асосли муаммолар сирасига турар жой ҳуқуқининг, мулкый ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши, аёлнинг инсон сифатидаги асосий ҳуқуқларининг бузилиши кабилар киради.

Кўпинча жойларда КМлар зўравонликдан жабрланган аёл мурожаат этиши мумкин бўлган ягона жой ҳисобланади. Бунинг кўпдан-кўп сабабларидан бири энг аввало “индамаслик кодекси” билан боғлиқ бўлиб, оилавий муаммоларни умумий равишда муҳокама этиш, “уйнинг гапини кўчага олиб чиқиш уят” ҳисобланади. Бундай ҳолларда КМлар хизматларининг махфийлиги ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Кўп ҳолларда уйдаги зўравонлик оиладан ташқарига чиқмаслигининг сабаби

республикада ҳозирги кунда бундай зўравонлик қурбонларини ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича жиддий механизм мавжуд эмас.

Уйдаги зўравонлик бўйича мамлакатимиздаги ва хориждаги тадқиқотлар. Уйдаги зўравонлик муаммоси бўйича расмий статистика маълумотлари энди ривожланаяпти.

Бугунги кунда оилаларда ажралиш ҳоллари, уйдаги зўравонлик ҳоллари, низолар кўпайиб кетди. Илгаригидек, замонавий оилаларда муносабатлар тенгсизлик тамойилига, оиланинг бир аъзоси бошқасидан устунлигига асосланмоқда. Болалар ана шундай муҳитда вояга етиб тарбияланмоқдалар, улар келгусида ўз оилаларида ота-оналари уйда кўрган ва ўзлаштирган оилавий-турмушдаги ахлоқ моделини ва намунасини такрорлайдилар.

ЕХХТ Тошкентдаги марказининг “Айрим урф-одатларнинг хотин-қизларнинг оиладаги аҳволига таъсири” лойиҳаси бўйича ҳисоботда келтирилган Ўзбекистон бўйича маълумотлар оилавий турмуш соҳасида жиддий муаммолар мавжудлигидан далолат беради: “Ўзбекистон бўйича ўтказилган тадқиқотлар - сўралган 100 нафар аёлнинг 95%и низоли вазиятлар учраб турадиган оилаларда истиқомат қилади. Оилавий низоларни ҳал қилишда эрларнинг 35%и қайнонанинг ёнини олади. Ўз оиласининг манфаатини ҳимоя қила туриб, эрлар ота-онасига таянадилар. Бу уларнинг инфантилиги оқибатидир. Кўпинча ўзбек оилаларида можароли вазиятлар қайнона келин муносабатлари туфайли вужудга келади. Қайнонанинг зулми ҳамда эрнинг мутлоқ тушунмаслиги ва эътиборсизлиги аёлни оғир аҳволга солиб қўяди ва у бундай оғирликка чидай олмайди, натижада ихтилоф вужудга келади. Баъзи ҳолларда эса аёл киши чидашда давом этади. Оиладаги оғирлашиб бораётган низолар тузалмас оқибатларга – аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳоллари, руҳий касалликларга олиб келади. Оилавий вазифаларнинг анъанавий “эр - боқувчи, аёл – уй бекаси” тамойилига кўра бўлиниши эркакларни тарбия жараёнидан узоқлаштиради. Оилада “оталар ва болалар” дилеммаси юзага келади. Оиладаги тарбия жараёнида фақат аёллар иштирок этади, бу эса CEDAWнинг 5-моддасига зиддир. Болалар боғчалари, мактаблар ва олий ўқув юртларида (нисбатан кам даражада) педагогик-тарбиявий ишларни хотин-қизлар бажаради. Натижада тарбияда аёллар таъсири кучайиб, эркаклар таъсири камайиб кетади. Эркаклар томонидан тарбия беришнинг етишмаслиги ўғил болаларда ҳаётга мослашмаганлик, ҳимоясизлик, мустақил фикрлай олмаслик, ота-оналар (кўпроқ оналар) иродасига қарамлик каби хусусиятларнинг шаклланишига олиб келади. Буларнинг

барчаси ҳозирги ёш эркакларга хос хусусиятлар бўлиб, келгусида оилаларда ихтилофли вазиятларга олиб келиши мумкин”.²⁹

Ўзбекистон ҳукумати, мустикалликка эришилган пайтдан бошлаб, аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқий мақомини расман эълон қилди. Ҳукумат уйдаги зўравонлик муаммосини ҳал этиш салоҳиятига эга бўлган бир неча ташкилотлар тузган. Хусусан, Президентнинг 1995 йилдаги Фармонида кўра, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг раиси Бош вазир ўринбосари қилиб, мазкур кўмитанинг барча миллий шаҳар ва маҳаллий бўлинмалари бошлиғи бўлган аёллар ҳокимларнинг хотин-қизлар муаммолари бўйича ўринбосарлари қилиб тайинланган. Шу йили Ўзбекистон Парламенти инсон ҳуқуқларига тегишли тарзда рия қилинишини таъминлаш ва қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил миллий институтини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этди. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил институти хусусий шахслар аризаларини кўриб чиқади, қонунчиликнинг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мослиги мониторингини амалга оширади ва ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўради. Унинг бўлимларидан бири хотин-қизлар, оналик ва болалалик масалалари билан шуғулланади ва хотин-қизлар ҳуқуқларига рия қилиш тўғрисида йиллик ҳисоботни эълон қилади.

Ҳозирги замон жаҳон амалиётида гендер зўравонликнинг олдини олиш ва уни тугатишнинг интеграциялашган чоралари ва воситалари, шу жумладан асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек халқаро ташкилотлар ва институтларни ўз ичига олган зўравонликка қарши кураш ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқилган.

Асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар:

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948);

БМТнинг хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларацияси (Вена декларацияси) (1993);

БМТнинг “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисида”ги конвенцияси, 1979 йил 18 декабрь;

Пекин конференцияси материаллари (1995) ва Пекин +5;

Аҳолишунослик бўйича халқаро конференция материаллари (1994);

БМТ Бош Ассамблеясининг Болалар бўйича махсус сессияси (2002).

Гендер зўравонликнинг олдини олиш соҳасида ишловчи асосий халқаро ташкилотлар ва институтлар:

БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари бошқармаси;

БМТнинг қочоқлар бўйича олий комиссари бошқармаси;

БМТнинг хотин-қизлар ривожланиш жамғармаси;

²⁹ Отчет по проекту Центра ОБСЕ в Ташкенте «Влияние некоторых обычаев и обрядов на положение женщин в семье», Т., 2002.

Халқаро меҳнат ташкилоти;
 БМТнинг аҳолишунослик бўйича жамғармаси;
 БМТнинг болалар жамғармаси;
 Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти;
 Жаҳон банки ва бошқалар;
 БМТ қўмиталари (CEDAW, инсон ҳуқуқлари бўйича) ва Махсус маърузачилар (CEDAW, инсон ҳуқуқлари, зўравонлик бўйича).

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини, шу жумладан, зўравонликдан ҳимоя қилувчи асосий ҳужжат 1999 йилда қабул қилинган “Хотин-қизлар аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш бўйича миллий платформа ва ҳаракатлар режаси” ҳисобланади. “Миллий Платформа” Пекин Платформасининг асосий қоидалари ва тамойилларига таянади.

Ўтган йиллар давомида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Улардан айримларини пастда кетирмоқдамиз:

Қарор номи	Сана
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони	02.03.1995
Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар масалалари бўйича концепция тўғрисида	16.11.1995
Ўзбекистон Республикасининг “Аёлларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида”ги қонуни	14.04.1999
Оилавий тадбирлар, тўйлар, дафн маросимларини ўтказиш тўғрисида	28.10.1998
Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавият ва маърифат соҳаларида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори	24.07.1998
Ижтимоий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида	26.03.1998
Президентнинг “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги фармони	10.06.1998
Вазирлар Маҳкамасининг “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори	21.09.2002
Вазирлар Маҳкамасининг “Қарияларни кадрлаш йили” давлат дастури тўғрисидаги қарори	24.01.2002

Вазирлар Маҳкамасининг “2002-2003 йилларга мўлжалланган аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини мақсадли қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори	25.01.2002
Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизлар ва ўсиб келаётган ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори	21.01.2002
Вазирлар Маҳкамасининг “Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланишнинг устивор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори	5.07.2002
Вазирлар Маҳкамасининг “Обод маҳалла йили” дастури тўғрисидаги қарори	7.02.2003
“Виждон ва эътиқод эркинлиги тўғрисида”ги қонун	2002
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитасини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида”ги фармони	25.05.2004

Хотин-қизлар ўз ҳуқуқларининг қонунийлигини англаганлари сайин хотин-қизлар ҳуқуқларини инсон ҳуқуқлари сифатида ҳимоя қилиш халқаро ва миллий механизмларини яратиш зарурати кучайди.

90-йилларда хотин-қизларнинг бутун дунёда олиб борилган кураши туфайли уларнинг аҳволида инқилобий ўзгаришлар содир бўлди. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 1993 йили Венада бўлиб ўтган Бутунжаҳон Конференциясида хотин-қизларга нисбатан зўравонликни таг-томири билан тугатиш тўғрисида БМТ Декларацияси имзоланган, ушбу Декларация хотин-қизлар ҳуқуқларини ва жинслар тенглигини катъий аниқлаб берди.

Декларацияга кўра, Давлатлар аёллар устидан зўравонликни қоралаш, зўравонликка барҳам бериш бўйича мажбуриятларини бажармасликни оқлаш учун ҳеч қандай урф-одат, анъана ёки диний қарашларни рўқач қилмаслиги керак. Давлатлар мумкин бўлган барча чоралар билан ва кечиктирмаган ҳолда хотин-қизларга нисбатан зўравонликка барҳам беришга қаратилган сиёсатни амалга оширишга киришишлари керак. Шу мақсадда улар куйидагиларни амалга ошириши лозим:

а) Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш бўйича Конвенцияни (бу иш амалга оширилмаган мамлакатларда) ратификация қилиш ёки унга қўшилиш;

б) хотин-қизларга нисбатан зўравонлик қилишда қатнашишдан ўзини тийиш;

в) хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳоллари давлат ёки хусусий шахслар томонидан содир қилинишининг синчковлик билан олдини олиш, текшириш ва давлат қонунларига мувофиқ жазолаш;

г) маҳаллий қонунчиликда жинойатчиларни жазолаш ва зўравонлик ҳаракатлари объекти бўлган аёлларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш учун жинойий, фуқаролик, меҳнат ва маъмурий жазо чораларини ишлаб чиқиш;

д) зўравонлик ҳаракатларидан жабрланган аёллар уларга етказилган зарарларни адолатли ва самарали қоплаш чораларига эга бўлган давлат қонунчилиги томонидан ҳимояланиши керак; давлат хотин-қизлар уларга етказилган зарар ҳуқуқ-тартибот механизмлари ёрдамида қопланишига доир ҳуқуқлари тўғрисида ҳам хабардор қилиши керак;

е) хотин-қизларни зўравонликнинг ҳар қандай шаклларида ҳимояланишига кўмаклашиш мақсадида миллий ҳаракат режасини амалга ошириш имконини кўриб чиқиш, ёки мавжуд режаларга тегишли қоидаларни киритиш, бунда нодавлат ташкилотлари, айниқса вазифаси хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муаммолари билан боғлиқ бўлган ташкилотлар билан ҳамкорликдан имкон қадар фойдаланиш лозим.

2000 йилда “Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги (кейинги ўринларда – CEDAW Конвенцияси) Конвенция ратификация қилиш учун очилган кунга 20 йил тўлди. Конвенциядан бутун дунёда хотин-қизлар ҳуқуқларининг конституциявий қафолатлари меъёрларини аниқлаш учун, қонунларни тушунтириб бериш учун, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатини ишлаб чиқиш соҳасидаги актив фаолият учун ва камситишга қарши кураш учун фойдаланилган.

Конвенция жинслар тенглигини таъминлашда ғоят муҳим роль ўйнаган ва ҳозир ҳам шундай роль ўйнамоқда, чунки мазкур ҳужжат шу соҳадаги асосий халқаро-ҳуқуқий воситадир. Конвенциянинг ноёблиги хотин-қизларнинг принципиал тенгликка, нафақат расмий-ҳуқуқий, айти вақтда реал, амалий тенгликка эришишларига қаратилган унинг мандатидир. Камситиш ижтимоий омил эканини ва қонунлар, сиёсат ва амалиёт хотин-қизларга нисбатан ўзи билмаган ҳолда камситувчи тусда бўлишини тан олар экан, Конвенция хотин-қизлар аҳволини ўзгартиришга босқичма-босқич, фаол ёндашиш лозимлигини таклиф қилади. Энди, агар қонунлар ва сиёсат хотин-қизларни очикдан-очик камситмаса, хотин-қизларни камситиш мавжуд эмас, деб бўлмайди. Конвенциянинг асосий принципларига мувофиқ, нейтрал ёндашувнинг мавжуд бўлишга ҳаққи йўқ. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун курашда давлатларнинг фаол ҳаракатлари зарур.

Бундан ташқари, CEDAW Конвенциясининг қоидалари ва принципларига розилик 160тадан зиёд шартномада ва уларга қўшимчаларда

қайд этилган. CEDAW Конвенцияси маданиятга ва миллий анъаналарга боғлиқ ҳолда қарор топадиган эркаклар ва аёллар ўртасидаги нисбий тенглик хусусидаги фикрларга қарши жиддий салмоқли посонгидир.

CEDAW Конвенцияси меъёрларини қўлланишга доир ишлар хотин-қизлар ташкилотлари билан давлатларнинг Конвенция талабларини қандай бажараётганликлари мониторингини амалга ошираётган CEDAW Комитети ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришни ҳам кўзда тутуди, чунки бу нарса Конвенция моддаларини талқин қилишда хотин-қизлар ташкилотлари қарашларини бирлаштиришга кўмаклашиши мумкин. Бу, биринчи навбатда, турли мамлакатларда Конвенция қоидаларини қўлланиш кўламини кенгайтиради ва БМТ тизимида хотин-қизларнинг ҳуқуқлари юридик жиҳатдан таъминланишини ривожлантиришга кўмаклашади. Шу тариқа, хотин-қизлар Конвенциянинг амалий воситага айланишига кўмаклашишлари ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқлари соҳасида меъёрлар ва стандартларни ишлаб чиқишда улар асосий қатнашчилар бўлишлари мумкин.

Инсон ҳуқуқлари универсал минимал стандартларини ишлаб чиқиш зарурати муносабати билан турли минтақалардаги хотин-қизларнинг халқаро-ҳуқуқий меъёрларни яратишда қатнашишлари ғоят муҳимдир. Бундай фаолият дунёнинг кўпгина мамлакатларида фундаментализм позицияларининг кучайиши муносабати билан алоҳида долзарблик касб этмоқда.

Конвенциялар қоидаларини турли мамлакатларда амалда рўёбга чиқариш воситаси бўлган потенциал механизмлар.

I. Конституция.

Хотин-қизлар ҳуқуқлари мамлакат Конституциясига киритилгач, улар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояси ва мажбуриятлари тизимининг бир қисмига айланади. Турли мамлакатлар конституциялари хотин-қизлар ҳуқуқларини турлича ифодалайди. Айрим давлатлар миллий қонунчилик тизимида қирадиган халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш йўлидан бормоқда. Бошқа давлатлар ўзи конституцияларига эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиқ қафолатларини киритади. Хотин-қизларнинг ноҳуқумат ташкилотлари 1979 йилдан бошлаб CEDAW Конвенцияси қоидаларини давлатларнинг конституцияларига киритиш мақсадида катта иш олиб боришди. Конвенция тамойиллари янги конституцияларга қўшиб юборилди ва мавжуд бўлган конституцияларга эса қўшимча сифатида киритилди. Судлар хотин-қизлар тенг ҳуқуқчилигининг мавжуд конституцион қафолатларига батафсилроқ ва аниқ моҳият бериш мақсадида Конвенция қоидаларини қўллашга тайёр бўлганида Конвенция тамойиллари ҳам билвосита конституцион мақомга эга бўлиши мумкин.

II. Судлар.

Судлар ҳар доим ҳам CEDAW Конвенцияси каби халқаро шартномалар асосида қарор қабул қилишга тайёр эмас. Агар мамлакат мазкур Конвенцияни ратификация қилган бўлса, судлар, одатда, уни миллий қонунчиликнинг бир қисми сифатида ёки миллий қонунчиликни шарҳлаш учун қўшимча манба сифатида кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар, бироқ аксарият судьялар учун бундай амалиёт нотаниш ва ноқулайдир. Судларни Конвенцияни қўллашга ишонтириш учун шундай амалиётни қўллайдиган бошқа мамлакатлар судларидан мисоллар, шунингдек бошқа судлар халқаро шартномалар ва битимларни қўлланаётганидан мисоллар келтириш мумкин.

III. Мамлакат қонунчилиги.

CEDAWнинг таъсири билан мамлакат қонунчилигидаги ўзгаришлар орасида боғланиш борлиги аён. Конвенция ратификация қилинган, хотин-қизлар аҳволига тааллуқли қўплаб муҳим қонунлар қабул қилинди; хотин-қизлар миллий ташкилотлари Конвенциядан кўпинча ушбу қонунларни илгари суриш бўйича ўз кампанияларининг таркибий қисми сифатида фойдаландилар. Ҳукумат CEDAW Қўмиталари сессияларида мазкур Конвенция бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни исботлаш учун мазкур қонунларга таянадилар. Бироқ аниқ бир қонунни қабул қилиш учун нималар ҳал қилувчи омил бўлганини белгиловчи кўрсаткичлар амалда йўқ. Бундан ташқари, Конвенция мамлакатда инсон ҳуқуқлари маданияти кўлами тобора кучайиб бораётгани сайин унинг улуши чегараларини белгилаш қийин бўлмоқда. Ўзбекистон ҳукумати CEDAW Қўмитасига Республика хотин-қизларининг аҳволи тўғрисидаги расмий ҳисоботини тақдим этади.

2001 йилдан бошлаб ННТ тайёрлаган “Ўзбекистондаги, хотин-қизларнинг аҳволи тўғрисидаги муқобил ҳисобот”³⁰ тақдим этилади.

2007 йилда Республика Хотин-Қизлар Қўмитаси айрим бир миллий муассасалар ҳамда БМРД билан ҳамкорлигида CEDAW Қўмитасининг тавсияларини амалга келтириш Миллий ҳаракатлар дастурини ривожладилар.

Қонунларни янгилаш ва ўзгартиришга оид саъй-ҳаракатлар аҳолининг билим даражаси ва ҳуқуқий саводхонлиги ошиши билан бирга давом этиши муҳимдир. Аёллар қонунларнинг тегишли моддаларини амалда қўлланишдан олдин ўзларининг юридик ҳуқуқлари ва имкониятларидан хабардор бўлишлари лозим. Ҳукумат амалдорлари, маҳаллий маъмурият, полиция департаментлари ҳам уларни амалиётда қўллаш учун бундай янги ҳуқуқларни тан олишлари ва ҳурмат қилишлари керак.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Ҳукумати CEDAW Қўмитаси тавсияларини бажаришга йўналтирилган бир қатор чораларни амалга оширмоқда.

³⁰ Қаранг: Материалы конференции «Преодоление гендерных стереотипов», Т., 2001.

АСОСИЙ АДАБИЁТ

1. Конвенция ООН о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин.
2. Модельное законодательство ООН по домашнему насилию.
3. Мир, свободный от насилия., Центр «Женщины в средствах массовой информации» (WIMCA), при содействии UNIFEM, Бишкек, 1999.
4. UNICEF “Statistical Review of the Situation of Children in the Family”, NY, 1986.
5. United Nations. “Violence against Women in the family”, 1989.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТ

1. «Женщины и Мужчины Узбекистана», статистический сборник, Ташкент, 2004.
2. «Женщина: Её Права и вободы», Центр по изучению прав человека и гуманитарного права, Ташкент, 2001.
3. «Гендерная Социология», Тартаковская И.Н., Москва, 2005.
4. Материалы международной конференции «Состояние и перспективы развития гендерного равенства в Республике Узбекистан», Т. 2000.
5. Материалы международной конференции «Преодоление гендерных стереотипов», Т. 2001.
6. «Программа поддержки кризисных центров/центров доверия», Т. 2000.
7. Тохтаходжаева М. «Утомленные прошлым», Т., 2001.
8. Аналитическая записка по проекту «Гендерная политика и СМИ. Насилие в отношении женщин», Узбекистан, 2002.
9. Вопросы гендерного равенства и гендерных стереотипов (Итоговый отчет по результатам изучения домохозяйств города Ташкента и Ташкентской области). Узбекистан, 2002.
10. Bernard, Cheryl, “Patterns of Violence against Women in the Family”, UN Background document of the Expert Group Meeting, Vienna, 1986.
11. Carrillo, Roxana, “Battered Dreams: Violence against Women as an Obstacle to Development”. NY, UN Fund for Women.
12. Center for Women Global Leadership. “Women, Violence and Human Rights”, NJ, Rutgers University, 1992.
13. Flavia d’Oliveira, “Violence against Women as a Public Health Issue”, Atlanta, Georgia, 1993.
14. Fourth Meeting of the International Research Network on Violence against Women. Proceedings. Johannesburg, South Africa, 2001.
15. Violence against Young Women in Europe, Seminar report by Ingrid Ramberg, Budapest, 2001.
16. Linda Hutcheon, “The politics of Postmodernism”, 1990.

5-боб ГЕНДЕР: ОИЛА ВА МАДАНИЯТ

ГЕНДЕР ВА ОИЛА

Нодира Азимова, Жамила Шермухамедова

Оила, қариндошчилик, никоҳ. Оила ижтимоий институт сифатида. Инсоният тарихида никоҳ дастурлари. Гуруҳли никоҳ, полигиния, полиандрия, моногамия. Ғарб оилаларидаги тадқиқотларда гендер услубийтини қўлланиш. Феминизмнинг турли оқимларида оила институти. Анъанавий патриархал оилада гендер роллар иерархияси. Оилада ролларнинг тақсимланиши.

Оила, қариндошлик, никоҳ ва гендер роллар тарихи. Қариндошлик ташкилоти ва унга хос бўлган дуал **экзогамиянинг**¹ пайдо бўлиши билан ибтидоий тузумда никоҳ, яъни жинслар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи алоҳида муассаса вужудга келди. Айни бир вақтда, баъзи бошқа нуқтаи назарларга қараганда, кейинроқ эр-хотин ўртасидаги, шунингдек ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи оила институти барпо этилди. Этнография ва археология маълумотлари никоҳнинг бошланғич шаклларига нисбатан икки хил нуқтаи назарни ажратишга имкон беради. Биринчиси: дастлабки шакли гуруҳли никоҳ бўлган, кейинчалик у якка никоҳнинг турли шакллари билан ўрин алмашган. Бошқа бир нуқтаи назар: аввал бошданок якка никоҳ ва якка оила мавжуд бўлган.

Дастлабки ечимни Л. Г. Морган бошлаб берган. У бир-бирининг ўрнини изчиллик билан босадиган беш хил оила шаклини белгилади: **қондош** (бир авлодга мансуб барча шахслар ўртасида никоҳ умумийлиги), **пуналуал**² (худди шундай умумийлик, ундан **сиблинглар**³ мустасно) жуфтлик (икки эр-хотиннинг мустаҳкам бўлмаган ва иқтисодий асосдан махрум бўлган бирлашмаси), оралиқ патриархал (эр яққол ҳукмрон бўлган оила) ва **моногам**⁴ (хусусий мулки сифатида эр ҳукмрон бўлган эр-хотиннинг мустаҳкам бирлашмаси). Иккита дастлабки шакл гуруҳли никоҳга, қолганлари якка никоҳга асосланган. Бу схема Ф. Энгельс томонидан бир неча писандалар билан қабул қилинган. “Оила, хусусий

¹ Экзогамия- (грекча *Ехо*-ташқари ва *gamos*- никоҳ) ўз гуруҳи ичида қиз олиш - қиз бериш тақиқланиб никоҳ бошқа гуруҳ ёки гуруҳлардаги хотин-қизлар билар тузилишни тақозо этиш.

² (ҳавайсча *Punalua*- яқин ўрток) – Ҳавайи зодагонлари орасида одат бўлган бир неча ака-ука ўзларига қариндош бўлмаган бир неча аёллар билан никоҳда бўлиши.

³ (инглизча *siblingsдан*) – туғишган ака-ука ва опа-сингиллар.

⁴ (грекча *Μονος*-бир ва *gamos*- никоҳдан) бирикоҳлик.

мулк ва давлатнинг келиб чиқиши⁵нинг тўртинчи нашрида у қондош оилани универсал эмас, деб фараз қилган ва пуналуа оиласининг универсаллигига қарши кескин фикр билдирган. Тез орада ҳам қондош, ҳам пуналуа оиласининг мавжудлигига қарши шубҳасиз далиллар олинди.

Хусусий реконструкциялар бир нарса, гуруҳий никоҳ умумий концепцияси бошқа нарса. Олимларнинг бир қисми биринчидан, қариндошликнинг энг архаик тизимларини ва иккинчидан, сақланиб қолган бир қатор никоҳ-оила тартибларини таҳлил қилиш асосида ана шу концепцияга амал қилиб келади.

Гуруҳли никоҳни бирламчилигини ёқлаб чиққан тадқиқотчилар у *дислокал*⁵ эди, яъни эр-хотин бир жойда яшаб қолмай вақти-вақти билан бирор жойда учрашиб ўз гуруҳларида яшашни давом этган, деб ҳисоблайдилар. Бошқа, жуфт никоҳнинг бирламчи эканлиги тарафдори бўлган олимлар уни *унилокал*⁶ эр-хотин бирга яшашига ва оила ҳосил бўлишига олиб келувчи, деб қарайдилар.

Тасвир этилаётган даврда *полигиния*⁷, жумладан кейинчалик вафот этган хотиннинг опаси/синглиси билан яшашга ўтган бир неча опа-сингил билан яшаш *сорорат*⁸, кейинчалик ака ёки уканинг бевасига уйланишга айланган у(лар)нинг хотини билан яшаш *левират*⁹ шаклида амалда эди. Шунинг билан бир қаторда ёки ўрнига *полиандрия*¹⁰ амалда бўлар эди. Кўп ҳолларда эркак киши умри давомида бир неча хотинни, аёллар эса – бир неча эрни алмаштирарди.

Эр-хотин жинслараро меҳнат тақсимооти жараёнида хўжалик фаолитини айрбошлар эдилар. Бундан ташқари оила болалар ижтимоийлашувида ўз вазифасини бажарар эди: нафақат она, балки ота ҳам улар ҳақида ғамхўрлик қилар эди. Лекин бу барча вазифалар жуфтлик оилада куртак ҳолида эди, чунки оила мустақил, жамоа-уруғ тузумига қарши турадиган гуруҳ бўлмаган. Эркаклар ва аёллар кўпинча алоҳида-алоҳида меҳнат қилиб меҳнат маҳсулидан ҳам алоҳида-алоҳида фойдаланар эдилар; бунда улар кўпроқ куда-андалар билан эмас, уруғдошлар билан баҳам кўришар эди. Мол-мулк ҳам, мерос тарзида ўтган ҳолларда, энг яқин уруғдошларга ўтар эди. Умумоила мулки кўпроқ истисно тариқасида мавжуд эди.

⁵ (лотинча *Dis* – ажралиш маъносини билдирувчи олд кўшимча ва *locus* - жой) эр-хотиннинг алоҳида-алоҳида яшаши.

⁶ (лотинча. *unus* –бир ва *locus* - жой) эр-хотиннинг бир жойда яшаши.

⁷ (грекча *Poly-* кўп ва *gynе* -хотин) кўп хотинлилик.

⁸ (лотинча *Soror* –опа/сингил) айна пайтда икки ёки ундан кўпроқ опа-сингил, кейинроқ эса вафот этган хотиннинг опаси/синглиси билан никоҳда бўлиш.

⁹ (лотинча *levir* –қайнога, қайни) айна пайтда икки ёки ундан кўпроқ ака-ука, кейинроқ эса вафот этган эрнинг укаси/акаси синглиси билан никоҳда бўлиш.

¹⁰ (грекча. *Poly-* кўп ва *andros* -эр) кўп эрлилик.

Кеч ибтидоий жамоа босқичида жуфтли никоҳ ҳукм суришда давом этар эди. Аввал бўлганидек, никоҳ хоҳлаган томоннинг истаги билан осонлик билан бекор қилинар ва унда гуруҳ муносабатлар ҳам кўринар эди. Эрта ишлаб чиқариш хўжаликли қабилаларда кўпроқ полигиния, хусусан сорорат шакли амалда эди, чунки деҳқончиликда аёллар меҳнатининг катта аҳамияти туфайли бир неча хотин олиш ютуқ ҳисобланарди. Аксинча, олий овчилар, балиқ овчилари ва йиғувчилар қабилаларида полиандрия, хусусан левират шакли, кенг тарқалган эди, чунки бу ерда эркак асосий топувчи эди. Илк даврларда хўжаликнинг ҳар иккала шакли бирга келгани туфайли, баъзи ерларда полигиния полиандрия билан бир пайтда учрар эди. Айни пайтда, никоҳдан аввалги муносабатлар эркинлиги сақланар эди, чунки қизлар бола туға олишини исботлаши керак эди.

Шунинг билан никоҳ айрбошлаш тусини йўқотди, хотин-қизлар ишчи кучи учун бадал талаб қилина бошлади. Обрўли хўжалик ривожланиши билан бу талаб асосан ишлаб бериш, кейничалик эса никоҳ ҳақини тўлаш шаклини олди. Шу муносабат билан никоҳ ҳақини тўлашда ёрдам кўрсата оладиган қавм-қариндошларнинг аҳамияти ошиб борди. Шу билан бирга балоғатга етмаганлар билан, хатто кичик ёшдаги болалар билан никоҳ ҳақида битим тузиш амалиёти ривожлана бошлади. Тарихда шундай воқеалар ҳам маълумки, қариндошлар ҳали туғилмаган болалар (қориндаги битим) ва чақалоқлар (бешиқдаги битим) никоҳи ҳақида келишиб олишарди. Илгари қадим ибтидоий даврда эркак ва аёл эр ва хотин бўлиш истагини шунчаки эълон қилган бўлишса, энди уларнинг бирлашини бирон-бир тадбир билан расмийлаштириш одати пайдо бўлди. Ўшандан бошлаб тўй маросими пайдо бўлади, унда ҳар иккала томоннинг қариндошлари ўзаро совға-салом алмашишлари асосий ўринни эгаллайди.

Никоҳдан сўнг эр-хотинлар яшаш жойи кеч ибтидоий жамоада матрилокал (уксорилокал)¹¹ ҳам, патрилокал (вирилокал)¹² ҳам бўлган. Никоҳдан сўнг яшаш жойининг утиш босқичи сифатида деярли барча ерда авункулокаллик - эркак қариндошлар, лекин ота билан эмас, балки тоға билан яшаш - мавжуд эди.

Отанинг ўз фарзандлари ҳақида моддий ғамхўрлик қилиш имкониятига эга бўлиши, баъзи олимларнинг фикрича, жуфт оиланинг пайдо бўлишига, бошқа олимларнинг фикрича эса, жуфт оиланинг мустақамланишига олиб келди. Давом этиб келаётган жинслар тарқоқлигига қарамай, эр ва хотин кўпинча биргаликда ишлашган,

¹¹ (лотинча *Pater* – ота ва *locus* - жой) эр-хотиннинг никоҳ тузилгач эрнинг гуруҳида яшаб кетиши.

¹² (лотинча *mater* – она ва *locus* - жой) эр-хотиннинг никоҳ тузилгач хотиннинг гуруҳида яшаб кетиши.

уларнинг умумий мулклари пайдо бўла бошлаган. Аста-секин ажралишлар камайиб борган. Патрилокал жамиятларда нуфузли иқтисодиётнинг ривожланиши ва эркакларнинг ижтимоий мақоми оша бориши билан хотинлари эрларининг қариндошлари ва қариндошларининг ичидаги гуруҳларга тез-тез қўшилиб туришган, бу нарса уларнинг уруғ маросимларида, уруғ кабристонларидаги дафн маросимларида ва бошқа тадбирларда қатнашишларида намоён бўлган. Оталар ўз фарзандларига шахсий мол-мулкларини топширишга ҳаракат қилишган. Ишларнинг бундай кўриниши жуфтлик оиланинг кичик, ёки моногам оилага айлана бошлагани ҳақида гапиришга имкон беради¹³.

Эркакларнинг меросига нафақат уларнинг фарзандлари, балки қариндош-уруғлари ҳам даввогарлик қилишган, бунда кўп ҳолларда айни қариндош-уруғлар устунлик қилишган. Эркак киши хотининг гуруҳига ўтиб, матрилокал яшаётганида ўз қариндошлари билан хўжалик алоқаларини узмаган ва деярли “икки уй учун” ишлаган. Аёл киши патрилокал яшаганида ҳам деярли шундай қилишига тўғри келган.¹⁴ Шундай қилиб, сўнгги ибтидоий жамоа босқичида жуфтлик оиланинг уруғ жамоасига қарама-қарши туриши жараёни кузатилади. Жамоа-уруғчилик алоқалари мустаҳкамланганида оила заифлашган. Оила мустаҳкамланганида, уруғ жамоаси заифлашган.

Жинслар аҳволидаги кескин ўзгариш. Синфлар пайдо бўлиши даврида ишлаб чиқаришнинг юксалиши ва хусусий мулк муносабатларининг етилиши жинслар ҳолатида ўзгаришларга олиб келди. Меҳнатнинг жинслар ўртасида тақсимланиши янги тартиби бунинг дастлабки асоси бўлди. Қўлда бажариладиган деҳқончилик ишларига қарама-қарши ўлароқ ерларни ҳайдаш асосан эркаклар фаолиятининг соҳаси бўлиб қолди. Молбоқарлик фақат эркаклар иши бўлиб қолган. Аёлларга уй ҳайвонларининг олдига яқинлашиш ҳам тақиқланган. Хўжалик фаолиятининг аввалги йўналишлари сақланиб қолган жойларда ҳам, уларнинг янгича ривожланиши эркак меҳнатининг аҳамиятини сўзсиз оширган.

Буларнинг ҳаммаси учта муҳим оқибатни келтириб чиқарган:

- Хотин-кизларни хўжалик фаолиятининг асосий турларидан, жамоат ишлаб чиқаришида иштирок этишдан четлаштириш;
- Шундан келиб чиқадики, деярли барча ишлаб чиқариш воситаларининг эркаклар ихтиёрига ва мулкига ўтиши аёлларнинг иқтисодий қарамлигига олиб келди. Шундан сўнг, аёл киши текинхўр ва эрининг қаромоғида, деб қарала бошланди;

¹³ (грекча *monos*- бир ва *gamos* - никоҳ) бир никоҳлилиқ.

¹⁴ В.П. Алексеев, А.И. Першиц. Кўрсатилган асар. 1990, 234-б.

• Эркакларнинг ўз мулкани болаларига қолдиришга интилиши қариндошликни она томонидан ҳисобидан ва мерос қолдиришларидан ота томонидан ҳисобига ва мерос қолдиришларига ўтишга асос бўлди.

Синфларнинг юзага келиш даврида дунёдаги халқларнинг кўпчилигида рўй берган жинслар аҳволидаги ўзгаришларнинг ва ҳамма жойда патрилокалликка ўтиш билан бирга бўлган патриархат¹⁵ ўрнатилишининг асосий негизлари шулардир.

Аёл киши турмушга чиқар экан, бегона муҳитга тушиб қолади, айна вақтда эрнинг уруғларига қўшила олмайди ва ўз уруғлари билан алоқани маълум даражада йўқотади. Кейинчалик айрим жамиятларда аёл киши эр уруғига расман қира бошлаган, лекин бунда унинг тенгсизлиги анъанаси амал қилган. У халқ йиғинларида, суд мажлисларида ва маданий йиғилишларда қатнашишдан четга чиқиб қолган ёки уларда жимгина туриб қатнашган. Аёлларга белгиланган бир қатор ўзига хос патриархат турмуш кўрсатмалари пайдо бўлди, яъни эркакларга йўл бериш, эркаклар тўпланган жойларга бормаслик, бошқа жамоат жойларида зарурат бўлмаса кўринмаслик ва х.к.. Жамоат жойларида заруратсиз кўринмаслик аёлларнинг одамлардан узоқлашиб кетишига олиб келди, бу эса кейинчалик мусулмонларнинг диний ҳуқуқи шариат томонидан тасдиқланди.

Патриархат синфлар пайдо бўлиши даврида мутлақо устун, лекин ҳар ҳолда жинсларнинг ўзаро ҳолатида универсал тартиб бўлди. Жамиятларнинг бир қисмида эркакларнинг ҳукмронлиги ва аёлларнинг тўла ҳуқуқга эга эмаслиги дастлабки давлатлар пайдо бўлгунига қадар ҳам қарор топмаган, ўшанда ҳам уларда аёлларнинг нуфузли аҳволдан сезиларли жиҳатлар сақланиб қолган. Булар асосан қўл деҳқончилигини амалда қўллаган давлатлар бўлган, бу эса меҳнатнинг жинслар ўртасида тақсимланишининг аҳамиятини ва жинслар ҳолатида юз берган ўзгаришлар учун мулкчилик муносабатларига таъсирини кўрсатади¹⁶.

Бу ўринда биз жинслар ҳолатининг иккита шакли ҳақида гапиришимиз мумкин. Булардан бири патриархат тамойиллар устун бўлган ер ҳайдаш-деҳқончилик ва чорвачилик жамиятларида мавжуд бўлган. Бошқа шакли, патриархат тамойиллар кечиккан ва синфий жамиятнинг кейинги ривожига вақтига келибгина устун бўлган қўл деҳқончилиги жамиятларида мавжуд бўлган.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва меҳнат унумдорлигининг юксалиши ишлаб чиқариш жараёнининг индивидуаллашига йўл очиб берди, “парцелляр меҳнатни хусусий ўзлаштириш манбаи” қилиб қўйди¹⁷. Чунки инсоннинг техника билан қуролланганлиги юқори бўлган сари, йирик

¹⁵ Эркакларнинг оила ва жамиятда ҳукмронлиги.

¹⁶ В.П. Алексеев, А.И. Першиц. Кўрсатилган асар, 294-б.

¹⁷ Маркс К., Энгельс Ф., Соч. 2-е изд. Т. 19, с. 419.

жамоанинг биргаликдаги фаолиятига зарурат ҳам шунчалик кам бўлган. Натижада синфлар пайдо бўлиши даврида жамоа ва уруғнинг коллектив хўжалиги ва коллектив мулки аста-секин хусусий хўжаликка ва алоҳида оилаларнинг хусусий мулкига айланиб борган. Бу эса бундай оилаларни барқарор ижтимоий бирликка айланиш заруратига олиб келади ва никоҳ-оила муносабатларининг янги шакллари талаб этади.

Мустаҳкам бўлмаган жуфтли (ибтидий эгалитар) никоҳ ва тегишли оила шаклини одатда бирникоҳлик, ёки моногамия деб аталадиган эр-хотиннинг мустаҳкам бирлашуви сиқиб чиқаради. Бу атама унчалик ўрнига тушмаган, чунки кўп хотинлик, ёки полигинияда ҳам шундай тартиб вужудга келади; аниқроғи, ҳозирги адабиётда бундай никоҳ оила ташкил топишини патриархал деб аталиши ўрнига тушмаган.¹⁸ Эркаклар хўжалик ролининг ортиб бориши кеч ибтидий жамоа босқичида юзага келган никоҳга кириш шаклини янада ривожланиши ва мустаҳкамланишини ва никоҳда матрилокал яшаш жойидан патрилокал яшаш жойига уришни тезлаштирди.

Синфлар вужудга келиш даврида эркаклар учун аёлларнинг қийматини тўла қоплаб бериш мажбурияти юзага келади. Шундай тарзда шунчаки ҳақ тўланадиган никоҳ эмас, балки тарафлар келишуви (этнография атамаларига кўра – тил бириктириши) асосида битиладиган никоҳнинг ҳукмрон турига айланган сотиб олинган никоҳ вужудга келади. Жамоаларнинг бир қисми, қалинни қариндошлик гуруҳ доирасида сақлаб қолишга, уни камайтиришга ёки бутунлай йўқ қилишга интилиб ортокузен (кузенлараро) никоҳларни амалга кирита бошлади¹⁹. Бу никоҳларнинг икки шакли маълум: умумтарқалган туғишган ака-укалар, уғил амакивачча, холавачча, тоғавачча ва аммаваччалар ўғиллари ва қизлари орасида ва камроқ учрайлиган опа-сингиллар болалари орасидаги никоҳлар.

Никоҳда яшаб кетиш жойининг патрилокаллиги турли компромисс шакллари орқали жорий бўлган, уларнинг кўпи узоқ вақт давомида сақит шаклида сақланиб борган. Биринчи болани туғиш пайтида хотинни ота-онаси уйига қайтариб юбориш ёки уни эрининг уйида бўлса ҳам махсус алоҳида аёлга бир нав экстерриториалликни таъминлайдиган хонада яшаши бунга мисол бўла олади. Қариндошлар ва куда-андалар/қайин-бўйинлар орасидаги баъзи қочиш одатлари шу жумладандир. Хусусан, патриархал жамоаларда хотин эрининг катта қариндошлари олдида кўринмасликни тақозо этган кенг тарқалган тақиқ ва ҳоказо. Шу йўл билан гўё ёш эр-хотин матрилокаллик нормаларини бузмагандек бўлишига эришилди.

¹⁸ В.П. Алексеев, А.И. Першиц, Кўрсатилган асар. 296-б.

¹⁹ (грекча *Orthos* – тўғри ва инглизча *Cousin* – амакивачча, холавачча, тоғавачча ва аммаваччалар) ёки параллел кузен никоҳ – тоғанинг ёки холанинг қизига уйланиш.

Дастлаб бу одатлар аёллар учун камситувчи бўлмаган: улар келин-куёв оилалари орасидаги муносабатларни йўлга соларди, холос. Аммо вақт ўтиши билан улар айнан шундай тус олди. Бу гап айниқса аста-секин келинни олди-сотди нарсага айлантриб борган қалинга нисбатан тўғри. Бундан ташқари, сотиб олинган никоҳ амалиёти бошқа патриархал никоҳ одатлари, аввало бадавлат чолларнинг ёш кизларга уйланиши, кўп хотинлик ва бу паллада кўпинча калинни қайтариб бермаслик мақсадида ишга солинган левиратнинг жонланишига олиб борди.

Эркак киши мулкни жиянларига эмас, ўз болаларига қолдиришга интилган. Бунинг учун эса қариндошликнинг ва меросхўрлик тартибининг онадан ҳисобини отадан ҳисоблашга алмаштириш керак эди. Табиийки, хатти-ҳаракати ва онгида ҳали-ҳамон анъана кучи улкан аҳамиятга эга бўлган ўша давр кишиси учун бундай ўзгариш осонлигича кечмаган. Янгиликни бошқалар олдида ва ўзи учун оқлаш мақсадида ва шунинг билан янгича таомиллар тантана қилишини енгиллаштириш учун у, Маркс айтганидек, анъанани анъана доирасида бузишга ҳаракат қилган. Ундан аввал маълум бўлган травестизм ва кувада каби одатларнинг синфлар ҳосил бўлиши даврига хос гуркираши шундан. Травестизм “жинсни ўзгартириш” амалиёти: эркак (камроқ холладар аёл) киши ўз жинсидан воз кечиб аёллар кийимини кияр эди ва аёллар, ҳатто хотинлик, вазифаларини бажарар эди, амма шунинг билан у аёллар ҳуқуқини ҳам ўзлаштиради. Кувада – отанинг боласи билан қалин яқинлигини намойиш этилиши - янада ифодалироқ. Кувада эркак кишининг ўзини тўғридан-тўғри туғаётгандек кўрсатишидан бола туғилишига алоқаси борлигининг билвосита, масалан ҳолсизланишдан шикоят қилиш ёки парҳез тутиш каби белгиларни намойиш этишгача шаклларда намоеъ бўлади. Кўпчилик олимлар кувадани эркакларнинг оталик ҳуқуқи тан олиниши ва уруғни ота томонидан белгилаш учун кураш деб изоҳлайдилар²⁰.

Жамиятнинг яхлит иқтисодий ячейкаси сифатидаги алоҳида оиланинг биринчи шакли мураккаб оила деб аталадиган катта оила бўлган. Унинг яна бир номи патриархал оила. Бундай оилада иккита асосий турни фарқлашади. Бу вертикал (ёки бир чизикли) катта оила бўлиб, одатда тўғри чизик бўйича уйланган ва уйланмаган қариндошларнинг уч-тўрт авлодидан иборат, ҳамда горизонтал (ёки кўп чизикли) катта оила, бу оила ён чизикли уйланган ва уйланмаган қариндошлардан ташкил топади. Катта оила моногамияда ҳам, полигамияда ҳам қурилган; оиланинг барча аъзолари бирга яшашган, ерга, чорвага ва ишлаб чиқаришнинг бошқа воситаларига умумий эгалик қилишган, биргаликда хўжалик юритишган ва ишлаб чиқарилган

²⁰ В.П. Алексеев, А.И. Першиц. Қўрсатилган асар, 300-б.

махсулотларни биргаликда истеъмол қилишган, умумий запасдан еб-ичишган ва кийинишган.

Бироқ катта оиладаги жамоачилик муносабатлари хусусий мулкчилик тамойиллари билан бузила бошлаган. Оила бошлиғи ягона тасарруф этувчи бўлишга, амалда оилавий мулкнинг эгаси бўлишга, ўз хукмронлигини кучайтиришга ҳаракат қилган. Бу эса катта оиланинг алоҳида мустақил оилада яшашга интилаётган бошқа аъзоларида қаршилиқни келтириб чиқарган. Тез орада ажралиш ва бўлинишлар юз берган, катта оилалар бошқа оилаларга бўлинишган, лекин ҳозирча ўшандай катта, аммо оила аъзоларининг сони бўйича кичикроқ оилаларга бўлинишган. Бироқ бундай оилаларда ҳам ички зиддиятлар авж олган, ва улар яна ва яна бўлиниб кетган. Катта оила тарихан янги оила шакли бўлган кичик (оддий, нуклеар, элементар ва х.з.) оилага, хусусий мулкчилик бошланишини ўзида энг кўп даражада мужассам этган оилага ўрнини бўшатиб берди. Катта оиладан нуклеар оила сари ҳаракат синфий жамият остонасида, шунда ҳам ҳамма жойда эмас, балки товар ҳўжалигининг ривожланиши хусусий мулкчилик муносабатларини қарор топиши учун айниқса қулай шарт-шароит яратиб берган жойларда рўй берди. Оилавий турмушда эркаклар ва аёлларнинг, катталар ва кичикларнинг тенгсизлиги акс этган патриархал тартиблар ўрнатилди. Қиз бола ўзининг катта ёшдаги қариндошларига сўзсиз бўйсиниши керак бўлган. Эрга теккан аёл ўзини сотиб олган оилага: “каттасига”, “энг каттасига”, ўз эрига сўзсиз итоат этиши керак бўлган. Ажралиш амалда эркакларнинг бир томонлама имтиёзи бўлган, агар аёл ўз ота-онасининг уйига қайтиб кетишни истаса, унинг қариндошлари қалин пулини қайтариб беришлари керак бўлган; бунинг устига аёл кишига бошқатдан эрга тегишнинг ҳамма вақт ҳам имкони бўлмаган. Левират одати шундай тартибни таъминлаганки, унга кўра, эрининг вафотидан кейин ҳам бева аёл унинг оиласига тегишли бўлишни давом эттирган. Аёл кишининг мулкий ва меросга доир ҳуқуқларининг камайиши шунга олиб келганки, кўпгина халқларда унинг мулки деб фақат унинг сепи ҳисобланган. Аёлнинг болаларга бўлган ҳуқуқи ҳам чеклаб қўйилган, яъни ажралиш ҳолатларида болалар отаси билан қолган ёки катта бўлишгач отасининг олдига қайтишган.

Мерос қолдириш тартиби ҳам патриархал тусда бўлган. Бу никоҳ ахлоқининг янги қоидаларида акс этган. Хотиннинг ўз эрига ҳиёвати уйига ҳайдаб юбориш, майиб қилиб қўйиш, кулликка сотиб юбориш, хатто ўлдириш билан жазоланган; эр эса аксинча, аввалги жинсий эркинлиги қолдиқларидан фойдаланишни давом эттирган. Никоҳ ахлоқийлиги меъёрларининг ўзига хос хусусиятлари никоҳгача бўлган меъёрларга ўз таъсирини ўтказган: эркаклардан фарқли ўларок, қизлардан қатъий ифбатни талаб этишган, ва никоҳгача бундай ифбатга риоя этмаган қизни биринчи никоҳ кечасидан кейин шармандаларча уйига

хайдаб юборишган, кизларни эса уйларида ҳеч бир яхшилик кутмаган. Оилавий турмушда алоҳида патриархат одоб ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, аёл эркакдан кейин таомни тановвул қилиши, эрига ва унинг катта ёшдаги қариндошларига ва бошқаларга ҳар хил эътибор кўрсатиб туриши керак бўлган.

Кичик ёшдаги эркакларнинг аҳволи аёлларнинг аҳволига ўхшаб кетган. Улар аста-секин катталарга, ва энг аввало оила бошлиғига қарам бўлиб борган. Бу эса ўзига жуфт танлашда эркинликнинг йўқлигида, ўз хоҳишига кўра мустақил уй хўжалигини юритиш имконияти бўлмаслигида акс этган. Меросдан махрум бўлиб қолишдан қўрқиб, ўғиллар отага сўзсиз итоат қилишган. Ишларнинг бундай аҳволи ҳам патриархал одоб билан мустаҳкамланган, яъни бунга кўра, масалан, кичик ёшдагилар катталар олдида ётиши ёки ўтириши, қаттиқ овозда гапириши ёки кулиши, пала-партиш кийимларда кўриниши ёки биринчи бўлиб гап бошлаши тақиқланган.

Ғарбдаги оилаларда ўтказилган тадқиқотларда гендер услубийтини қўллаш. 50-йилларнинг охири ва 60-йилларнинг бошларида Америкада рамзий интеракционизм ватузилмавий-функционал ёндашув оила социологиясида энг кенг тарқалган назариялар бўлиб чиқди. Бунинг устига эмперик ишларнинг аксарияти “жинсий роллар” тушунчасидан фойдаланган ҳолда никоҳ ва оилавий ўзаро ҳамжиҳатлик микротадқиқотларига бағишланди. Оила бошқа ижтимоий муассасалардан фаркли ўлароқ “шафқатсиз дунёдаги бошпана” эканлиги, унда аёлларга комплиментар ролни амалга оширишга имкон берадиган бутунлай бошқача ижтимоий муносабатлар устун эканлиги кўзда тутилган.²¹ Ҳолбуки, “оилачи” социологларнинг кўпчилиги шуни исботлашганки, уларнинг ишлари сиёсатдан узоқ бўлган. Социологларнинг ишлари оилавий муаммоларнинг ижтимоий манбалари тўғрисидаги масалаларни ўртага қўйишга эмас, балки никоҳ ва оилани мустаҳкамлашга қаратилган.

Функционализмга асос солганлардан бири бўлган Э. Дюркгеймнинг фикрича, жинслар ўртасидаги вазифаларни тақсимлашда айна тарихий жараён эр-хотинликнинг асоси бўлган. АҚШда урушдан кейинги давр иқтисодий шароити ўрта синф кенг қатламларининг ривожланишини рағбатлантирди. Мана шу синф вакиллари бўлган эркаклар оилани бир нечта бола ва уй бекаси бўлган хотини билан боқиш имкониятига эга бўлишган. Бу даврни “беби-бум”и даври дейишади – Америкада туғилиш жадал тусда ошган, оммавий ахборот воситалари “ўз вазифасини” бажараётган аёлларни қўллаб-қувватлашган. Айна шу даврда тузилмавий функционализм вакиллари Т. Парсонс ва Р. Бейлс оилада эркак

²¹ Социология гендерных отношений. Под редакцией ЗМ Саралиевой. М.: РОССПЭН, 2004, с. 210.

инструментал ролни, аёллар эса экспрессив ролни бажаришлари, яъни хонадонда қулай муҳитни яратишлари, эрнинг ва болаларининг руҳий ҳолати ҳақида ғамхўрлик қилишлари, қариндош-уруғлар ва кўни-қўшнилар билан муносабатларни сақлаб туришлари керак, деган тезисни илгари сурганлар²².

Улар концепциясининг айна шу қисми ҳам функционализм ичида, ҳам айниқса феминизм томонидан катта танқидга учради. Т. Парсонсининг шогирдларидан бири - Р. Мертон ана шу идеал конструкциянинг эркаклар тажрибасига мувофиқ келмаслигини аниқлади. У эрлар хатти-ҳаракатларининг турлар таснифини – меъёр деб белгиллаган: эр оилада яхши топармон бўлиш маданий меъёрни, ҳамда маданиятда маъқулланган бу “мақсадга эришиш йўлларини” қабул қилади (яъни, кўп ишлайди ва касби-корида муваффақиятга интилади) хатти-ҳаракатдан “девиация”лар (оғишлар)ни келтиради²³. Девиациянинг биринчи турини у “*инновация*” деб атади: эр моддий муваффақият қадриятини қабул қилади, лекин жамият маъқуллайдиган унга эришиш воситасини рад этади ва нолегал усуллардан фойдаланади. Девиациянинг иккинчи тури – “*маросим ахлоқи*”: эр муваффақиятга эришишни истайди, лекин бунинг учун ҳақиқатан ҳам “ишлаш”га рози эмас ва шу тариқа топармонлик ролини бажармайди. Ахлоқнинг учинчи тури – “*тарқ қилиш*”: эрлар ижтимоий маъқулланмайдиган топармонлик ролини ҳам, ана шу мақсадга эришиш воситасини ҳам қабул қилмайдилар. Булар сурункали алкоголиклар, наркоманлар, дайдилар, бошпанасизлардир. Мертоннинг фикрича, улар жамиятнинг бирон-бир тарзда қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезмайдилар ва уларни келишувчилик йўли билан иш тутишга мажбур қилишга қаратилган салбий жазо чораларига аҳамият ҳам бермайдилар. Девиациянинг тўртинчи турида – “*қаршилик кўрсатиш*” - ижтимоий жиҳатдан маъқулланадиган мақсадлар ҳам, уларга эришиш воситалари ҳам рад этилади, бундай турдаги одамлар жамиятга янги мақсадлар ва уларга эришиш воситаларини олиб киришни ва вужудга келган меъёрларни ўзгартиришни истайдилар. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам (масалан, 60-йиллардаги “қаршимаданият” ҳаракати тарафдорлари) моддий қадриятларни рад этган ҳолда, уларни маънавий ва ақлий ривожланиш билан алмаштирадилар.

Функционализмни, жумладан, Т. Парсонс ва Р. Бейлс қарашларини энг фаол танқид қилиш Америкада феминизмнинг иккинчи тўлкини вужудга келиши билан боғлиқдир. 1963 йилда Б. Фриданнинг “Латофатлилик сири”, китоби нашр этилди, муаллиф унда функционализмни ҳам, классик психотахлилни ҳам танқид қилади. Оммавий журналларда, кинофильмларда,

²² Family, Socialization and Interaction Process / Parsons T. and Bales R. (eds.) Glencoe, 1955. P. 23.

²³ Merton R. K. Social Theory and Social Structure. Glencoe (И.), 1957. P. 140.

телеэшиттиришларда кўрсатилган “ҳақиқий” аёл стереотипини 300 нафар ишламайдиган типик аёлларни сўров қилиш натижалари билан солиштирар экан, у бахтиёр уй бекаси образи – бу аёлларга тикиштириладиган уйдирмадир, деган хулосага келади. Аслини олганда, деб исботлайди у, ўрта синф орасидаги аёлларнинг моддий фаровонлиги, шунингдек уларнинг олий маълумотлилиги уларга беками-кўст эмасликларини, салоҳиятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганини, ҳаётдан қониқмаётганликларини англашнинг ўрнини тўлдиролмайди. Шу сабабли улар орасида кўпинча руҳий хасталиклар, алкоголизм, ўз жонига ўз қасд қилиш, болалар билан шафқатсиз муносабатда бўлиш ҳоллари учрайди.

Худди шу даврда “асосчи оталар”нинг ишларига танқидий қарайдиган социолог аёлларнинг академик ишлари пайдо бўлди. Тўғри, оиланинг ҳар қандай классик тадқиқотида аёллар ҳамisha объект сифатида тасвирланганлар ва бунинг устига “аёллар оилага тенглаштирилган ва оила томонидан концептуал белгиланган”²⁴. Лекин аёлларнинг ўзлари тадқиқотчилар ролида чиққанларида, улар илгари фанда маълум бўлмаган кўплаб кашфиётларни қилишди. Масалан, К. Сафилиос-Ротшильд “ресурслар” назариясига асосланган оила ҳукмронлиги классик тадқиқотини танқид қилади, ва эр-хотинлар ўртасидаги ҳукмронликнинг эркаклар фойдасига номутаносиблиги аёллар қиладиган фаолиятининг турлари кадрланмаслиги ва уларнинг “иши кўзга кўринмаслиги” билан асосланади, деб кўрсатади. Бундан ташқари, деб таъкидлайди муаллиф, ҳатто “эр ва хотин аслида бир хил ресурсга эга бўлишсада, хотинлар уларга бириктириб қўйилган “жинсий роллар” туфайли оилада унча ҳукмронлик қила олмайдилар”²⁵. Д. Бернард, ёлғиз, ажралган ва никоҳда бўлган аёл ва эркакнинг руҳий фаровонлиги кўрсаткичларини таққослар экан, “эркаклар никоҳдан кўпроқ манфаатдордирлар” деган хулосага келади.²⁶ Мана шу қонуниятни кейинги тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. М. Комаровски ёш йигитларнинг бўлажак хотинларининг сифатларига нисбатан нималарни афзал кўришларини таърифлар экан, шундай хулосага келади – ёш аёлларнинг “муваффақиятдан кўркишлари” бежиз эмас, уларнинг оиладан ташқаридаги ютуқлари бўлгуси эрлари томонидан маъқулланиши амри маҳол²⁷. Уйдаги зўравонликка диққат жалб этилади. “Эркаклар кўпинча ўзларининг кучсизлигини ҳис этишини, шунингдек “кучли”, “мустақил” эркак сифатида ўзига ўзи баҳо беришнинг оилада ва ишхонадаги

²⁴ Osmond M.W., Thome D. Feminist Theories: The Social Construction of Gender in Families and Society // Source book of Family Theories and Methods. N.Y., 1993. P. 591.

²⁵ Safilios-Rothschild C. Family Sociology or Wives' Family Sociology: A Cross-Cultural Examination of Decision-Making // Journal of Marriage and the Family. 1969. № 31

²⁶ Bernard J. The Future of Marriage. N.Y., 1972.

²⁷ Komarovskiy M. Dilemmas of Masculinity. N.Y., 1976.

ишларнинг реал аҳволи билан тўғри келмаслигини зўравонлик ёрдамида қоплайдилар”²⁸. Эрлар кўпинча юқори даражада маълумотли бўлган хотинларини ёки касб соҳасида катта муваффақиятга эришган хотинларини, яъни тузилган меъёрларнинг реал вазият билан номувофиқлиги юзага келадиган ҳолларда калтаклайдилар.

Аста-секин “жинслар роли” тушунчасининг ўзи ҳам танқид объекти бўлиб боради. Х. Лопата-Знанецки “ана шу тушунчанинг сексуал бўёқларини” кўрсатади²⁹. Кейинчалик ягона “эркаклар” ёки “хотинлар” жинсий роллари бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилди. Болаликда ўзлаштирилган “жинсий рол”, яъни эртаги социализацияга эмас, аниқ-равшан ҳаётий вазиятлар – муайян ижтимоий муассасаларда ва ижтимоий-маданий шароитларда улғайиш ва қайта ижтимоийлашув – катта ёшдаги аёллар ва эркакларнинг ўз ҳаётларининг муайян босқичидаги фаолиятларини, қадриятларини ва ўхшашликларини белгилаб беради. Бундай танқид охир-окибатда гендер ёндашувни ишлаб чиқишга олиб келди.

Феминизмнинг турли оқимларида оила институти. Феминизм асосий оқимлари вакилларининг оилага ҳамда аёллар ва эркакларнинг хусусий соҳадаги ўзаро муносабатларига нисбатан қарашлари муайян социологик анъанага мансублиги билангина эмас, балки маданий-тарихий даврнинг ўзига хосликлари билан, шунингдек у ёки бу олимнинг шахсий тажрибаси билан боғлиқ бўлган.

Россияда марксистик феминизм ғояларининг ёрқин ифодачиси Александра Коллонтай бўлган. Мазкур йўналишнинг асосий тезиси шундан иборатки, капиталистик жамият қурилиши хотин-қизлар муаммоларининг манбаидир. “Капитализм аёллар елкасига оғир юкни юклади: у аёлларни ёлланма ишчиларга айлантирди ва уларни на хўжалик, на оналик билан таъминлади”³⁰. Бундай вазифаларни кўшиб олиб бориш турмушга чиққан аёл учун ҳаёт эмас, аксинча “дўзахдир”.

Илгариги буржуазия оиласи ўрнига, деб ҳисоблаганди А.Коллонтай, келгусида “эркак билан аёл ўртасида мулоқотнинг янги шакли, икки нафар эркин ва мустақил, ишлаб пул топадиган кишиларнинг, коммунистик жамият тенг ҳуқуқли аъзоларининг ўртоқлик ва самиймий иттифоқи” қарор топади³¹.

Либерал феминизм тарафдорлари оила институтининг қадриятини эътироф этганлар. Улар оилавий муносабатларда аёлларга тенг ҳуқуқни таъминлайдиган қонунлар қабул қилинишини талаб қилганлар. Улар

²⁸ O'Brien J.E. Violence in Divorce-prone Families // Journal of Marriage and the Family. 1971. №3. P. 696.

²⁹ Лопата Н. З., Томе В. On the Term «Sex Role»// Signs. №3. P. 718

³⁰ Коллонтай А. Семья и коммунистическое государство. М, 1918, с. 8.

³¹ Кўрсатилган асар, 21-б.

шунингдек хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётда кенгроқ иштирок этишларини ҳам талаб қилганлар.

Ана шу даврнинг либерал феминизмидаги ёрқин сиймолардан бири Б. Фридан хотин-қизларнинг оилавий ва касбга доир ролларни биргаликда қўшиб олиб боришлари учун ижтимоий шарт-шароитлар яратиб бериш фикрини ўртага ташлаган. Қуйидагилар мана шундай шарт-шароитлар жумласидандир:

- таълим муассасаларида, ишга қабул қилишда жинсига қараб камситишга барҳам бериш,
- хотин-қизлар учун малака ошириш махсус дастурларини ишлаб чиқиш,
- мактабгача тарбия болалар муассасаларини, шунингдек ишнинг ўзгарувчан жадвалини ташкил этиш, эркакларни уй юмушларини бажаришга ҳамда болаларга қарашга жалб этиш, аёллар ва эркакларга болани парвариш қилиш учун таътиллер бериш.

С. Окин оилани бузмасликни, аксинча уни адолат тамойилларига мувофиқ қайта ташкил этишни – хотинлар ва эрлар ўртасида уй ишларини ва болаларга қарашни адолатли тақсимлашни таклиф этди. Бундай вазиятларда ўғил ва қиз болалар тенг ҳуқуқлилиқ намуналарини кузатиш имкониятига эга бўладилар. Айни вақтда эркаклар бошқаларни парвариш қилиш ва ғамхўрлик кўрсатишга ўрганадилар, бу эса уларга бошқаларнинг нуқтаи назарини қабул қилишда ва адолатлироқ бўлишда, хусусан, хотин-қизларга нисбатан, қўмаклашади: “Болалар ҳақида ёки бошқа катталар тўғрисида жисмоний ва руҳий ғамхўрлик тажрибаси уларнинг эмпатияга қобилиятини оширган бўлур эди...”³². Шундай қилиб, феминизмнинг мазкур йўналиши оила социологиясида эркаклар ва аёлларнинг оила ва жамиятдаги ролларини “универсаллаштириш”, эр-хотинлиқни эгалитаризациялаш деб аталувчи тушунчани ўртага ташлади.

Феминизмнинг бошқа йўналишларида бундай мақсадга эришишнинг эҳтимоли кам кўринади. Улар эркаклар оилавий мажбуриятларини шижоат билан бажара бошлашлари мумкин эмас, деб ҳисоблардилар. “Аёлларга хос” деб ҳисобланган уй иши ва ота-оналик ишлари нуфузли эмас ва ҳақ ҳам тўланмайди, уни ҳеч ким бажаргиси келмайди. Шу сабабли ўтган аср охирлари давомида турли мамлакатларнинг социологлари эркакларнинг уй юмушларига қўшадиган ҳиссалари анча ошганлигини қайд этишга муваффақ бўлмадилар, айни пайтда аёлларнинг уйдан ташқарида, ҳеч бўлмаганда Ғарбдаги бандлиги ҳамма жойда тарқалган эди. Бундай кенг тарқалган “адолатсизлик” қарорлари хотин-қизларнинг “ташабуслари” бўлди – дастлаб оилаларда болалар сонининг

³² Okin S. M. Justice, Gender and The Family. N.Y., 1989. P. 18. 202

камайиши, ажралишлар, кейин эса никоҳсиз болаларнинг туғилиши ёки фарзандсизлик онли турмуш тарзи сифатида.

Радикал феминистлар учун оила ўз моҳиятига кўра оммавий соҳада патриархатни сақлаб туради, бинобарин аёлларни эзишнинг манбаидир. Уларнинг фикрича, оила хотин-қизлар меҳнатини эксплуатация қилувчи ижтимоий институт бўлиб, унда эркеклар сексуаллиги ва ҳукмронлигининг зўравонлик кўринишлари учун шароитлар яратилган, унда гендер бир хиллик стереотиплари ва хотин-қизларга нисбатан камситувчи ахлоқ моделлари қайтадан тикланади. Вужудга келган вазиятда оилада нуфуздан маҳрум бўлишни ва жамоат институтида ҳокимиятини йўқотишни истамайдиган айни эркеклар айбдор.

К. Миллетга кўра, “оила патриархатнинг асосий институти”³³. Оила – бу болалар ижтимоийлашадиган асосий манба экан, бу ўринда, унинг фикрича, биринчи марта ўғил ва қиз болалар патриархат ҳокимият ва жинслар бўйича меҳнат тақсмотига ўргатилади. Кейин бу стереотиплар тенгдошлар ўртасида, мактабларда, ОАВ орқали, келгуси ҳаётда мустаҳкамланиб боради.

Ана шу йўналиш вакиллари либерал феминист аёллар сингари уй ишларини қониқиш келтирмайдиган ва таназзулга кўмаклашадиган меҳнат деб ҳисоблашган. Улардан фарқли ўларок, радикал феминист аёллар ишларнинг бундай аҳволини шунчаки тасодиф деб ўйламайдилар. Эркеклар вужудга келган аҳвoldан ҳам оилавий шинамлиқ, ҳам “аёлларни ногиронлаштириш” йўли билан афзалликка эга бўладилар, бундай аёллар уй юмушларининг кўплигидан сиёсат соҳасида ва ҳақ тўланадиган ишларда эркеклар билан рақобат қила олмайдилар.

Ҳаракатнинг баъзи тарафдорлари эркекларга маиший хизмат кўрсатишни давом эттиришдан бош тортиш керак, деб ҳисобладилар. Бошқалари мана шундай никоҳга асосланган анъанавий оилани рад этиб, фақат хотин-қизларнинг уй хўжаликларида яшашни тақлиф қилдилар. Бироқ тажриба шуни кўрсатдики, жинсга кўра меҳнатни тақсимлаш нуклеар оилаларда бўлгани сингари коммуналларда ҳам рўй берди. “Илғор эркеклар” ўзларини тенг ҳуқуқлилик тамойилларига амал қилаётгандек кўрсатишади, аслида эса улар патриархатдан кўп нарса ютишади ва шу сабабли аёлларнинг “арз-додларига” парво қилишмайди.

Айрим радикал феминист аёллар патриархат эзишнинг институти сифатида оила ҳақидаги тезисни тасдиқлаб, кундалиқ турмушда хотинлар ва болалар устидан жисмоний ва сексуал зўравонлик фактларига эътиборни қаратадилар. С. Файерстоун шунини тасдиқлайдики, эркекларнинг муҳабати кўпинча аёллар эзилишининг асоси бўлиб қолади. Агар аёл киши никоҳида эркек жаҳдининг ёмон шаклларида қочишга муваффақ бўлганда ҳам,

³³ Миллет К. Сексуальная политика (главы из книги)// Вопросы философии. 1994. №9. С.

никоҳ уларга “сексуал ва ҳиссий эркинликни бермайди, аксинча севги билан никоҳланган устунлик шаклини сақлаб қолаверади”³⁴.

Жинсий белгига қараб бир хилликни шакллантириш жараёнига *психоаналитик феминизм ўз эътиборини қаратди*. Психотаҳлил назариясига кўра, аёллар ва эркеклар шахсининг ўзига хослиги эрта болаликдан шакллана бошлайди. Бироқ феминист муаллифлар мана шундай психологик дифференциация механизмларини анча бошқача тушунтирадilar.

К. Хорни нима учун яхши никоҳлар кам, нима учун севги ва севишганларнинг жинсий майллари тезда сўнади, деган саволлар кизиқтиради? Унинг учун эр-хотинлик муаммоси ва уларнинг бир-бирига нисбатан ошиб борадиган ғзаби – бу болаликда ҳал этилмаган низоларни никоҳга олиб кириш натижасидир. Кўпинча жуфтни танлаш қиз бўлажак эрининг қизнинг отасига ўхшашини, ўғил бола бўлажак хотинини боланинг онасига ўхшашини исташи принципига кўра амалга оширилади. Болаликда онага ва отага нисбатан муносабат инцестни тақиқлаш билан боғлиқ бўлган экан, бу кўрсатма никоҳдаги жуфтликка ҳам ўтказилади. Азият чекиш – шундай шароитлардан бирики, унда никоҳ инцест ниҳоят даражада тақиқлашига бардош бера олади. Бахтсиз бўлиш шароити ва азоб чекиш, масалан, уйдаги турмушда ёки касбий ҳаётда бўлиши мумкин, бунда инсон онгли равишда “оиласининг манфаати учун доимий равишда қурбон бўлади”.

Никоҳдаги жуфтга бўлган якка ҳуқуқ талабини ва у билан боғлиқ рашкни ҳам олима она ёки отага якка эгаллик қилиш болаларча истагидан келтириб чиқаради. Бунда, деб ёзади муаллиф, эркеклар садокатни талаб қилишда аёллардан ўзиб кетишди. Хорнининг фикрича, буни қисман эркекларнинг ўз оталигига ишонч ҳосил қилишга бўлган истаги билан тушунтириш мумкин. Лекин энг асосий сабаб патриархат жамиятдадир. Эркеклар учун “хотиннинг садокати” муҳаббат масаласи эмас, балки обрў ва ҳукмронлик масаласидир. К. Хорни аёлларнинг идентификациясига қараганда эркекларнинг идентификацияси қарор топаётганлиги муаммосини ҳам кўтаради. Масалан, унинг фикрича, маскулинликнинг қайд этилган кўрғазмали кўриниши асосида кўпгина эркекларнинг аёлни қондира олмасликдан болаларча қўрқув ётади. Аёл фригидлигича қолиб жинсий алоқада бўла олади, хомиладор бўлади ва бола туғади. Туб биологик фарқлардан бири шундаки, эркеклар ўз маскулинликларини исботлашлари керак, аёллар эса фемининликларини исботлашлари керак эмас.

Кейинчалик бу ғоялар америкалик психоаналитик феминизм вакиллаларининг ишларида ривожлантирилди. Чунончи, Н. Чодороу “тарбия иши аёл кишига тегишли бўлган ота-оналар ғамхўрлигини асимметрик

³⁴ Firestone S. The Dialectic of Sex. N.Y., 1979. P. 121.

ташқил этилганлиги аёллар ва эркеклар идентификация жараёнлари ўртасидаги катта тафовутларнинг асосий сабаби³⁵, қилиб кўрсатади, гендер муносабатларнинг келгусидаги қайта тикланишига кўмаклашади. Қиз болалар ўзларини оналарга ўхшатишади, шу сабабли улар келгусида бошқаларга йўналтирилган бўлади, уларда эмпатия, ғамхўрликка эҳтиёж ривожланган бўлади. Шундай қилиб, оналик – бу биологик инстинкт эмас, балки ижтимоий муносабатларни “қайта тиклашдир”. Ўғил болаларда идентичликнинг шаклланиши анча қийин жараён. Эркакларнинг аёллардан устун бўлишга бадавий эҳтиёжи эрта болаликдан ўзини онасига қарама-қарши қўйиш, онага бўлган боғлиқлигини бостириб туриб, “қўркув, ғазаб ва алам” ҳиссиётлар фониди ўз ўзлигини шакллантириш заруратидан келиб чиқади. Отаси бўлмаган ёки отаси одатда уйдан ташқарида яшайдиган ўғил болаларда мардликнинг маданий асосланган образлари ва унинг модели сифатида танланган эркеклар билан идентификациялаш орқали мардлик тўғрисидаги тасаввурлар ривожланади. Чодороунинг фикрича, онанинг қизларига ва ўғилларига нисбатан муносабати фарқ қилади. Она қизларига ўзининг давомчиси деб қарайди, ўғилларини эса “бошқа” деб ҳисоблайди, ва жинсий белгисига қараб фарқлашни ҳар томонлама рағбатлантиради. Бунинг натижасида “мардларча мен” ажратишга асосланган, “аёлларча мен” – бошқалар билан алоқага асосланган.

А. Россининг фикрича, агар эркек ва аёлларнинг ота-оналик услуби жинсий диморфизм тамойилларига қурилган бўлса, кичкина болаларга ғамхўрлик қилишда эркеклар қатнашувининг ортиши зарур самарани бермайди. Эркак оталикка “маскулинлик” олиб киради, аёл эса – “фемининлик”³⁶. Шу сабабли отанинг ўғлини тарбиялашнинг эрта босқичларида қатнашиши ўғил болаларни бугунги кунда қизлар қандай бўлса, шундай қилиб қўймайди, лекин кўпроқ жинсга боғлиқ фарқларни кучайтиради, ёки энг яхши ҳолатда ўғилларда ҳам, қизларда ҳам шахсий фазилятлар кўламини кенгайтиради.

Психоаналитиклар оқ танли ўрта синфга мансуб тўлиқ нуклеар оилаларнигина меъёрий оилалар деб ҳисоблаганлар. Бошқа маданиятларда ва бошқа тарихий даврларда оилалар таркиби ва шунга мувофиқ тарбия модели бошқача бўлган. Масалан, катта акалар ва опалар, амаки-тоғалар ва амма-холалар, бувилар ва бувалар, энагалар ва болаларга қаровчилар ва бошқалар тақлид учун намуна бўлишлари мумкин. Мутахассислар эркеклардаги онага нисбатан душманлик муносабатини ва уларнинг илиқ ҳиссиётли муносабатларни ўрнатишга кодир эмасликларини ҳам кўп марта қайд этишган.

³⁵ Чодороу Я. Воспроизводство материнства: психоанализ и социология пола // Антология гендерной теории/Сост.Гапова Е., Усманова Ал. Минск, 2000, с. 30.

³⁶ Rossi A. Gender and Parenthood // American Sociological Review. 1984. Vol. 49. №1. P. 105.

Постмодернист феминизмда хоҳлаган назариянинг қисман билиш қиммати тан олинади, қарама-қарши - эркак-аёл, ижтимоий-хусусий, маданият-табиат категориялар (бинар оппозиция) рад этилади, “билим”, мулоҳаза (“дискурс”) ва ҳокимият ўртасидаги алоқа таҳлил қилинади. “Билим” - аслини олганда, эркакларнинг, яъни ҳукмрон кишиларнинг “дискурс”и, деб таъкидланади. Жамиятда камситилган бошқа ижтимоий гуруҳлар, жумладан аёллар тажрибаси ва “дискурс”лари истисно этилади.

Феминист социологлар “оила” тушунчасининг универсаллигини шубҳа остига оладилар. Улар турли маданиятларда ва ҳатто бир жамият доирасида аёллар ва эркаклар турли уй-рўзгорларда, турли қавм-қариндошлик иттифоқларда яшаганлари, интим ва жинсий алоқаларда бўлганларини кўрсатадилар. Шунингдек улар оила ҳақида ягона синфий позиция, турмуш андозалари ва кизиқишлар доирасига эга бирлик “actor” (ҳаракат қилувчи) сифатидаги тасаввурни янглиш ҳисоблайдилар. Айнан постмодернизмнинг феминист вакиллари 80-нчи йиллар охиригача кўп қўлланилган “оила” – “ноанънавий оилавий шакллар” бинар оппозициясини оила социологияси муомаласидан чиқариб ташлашди. К. Бейбер и К. Эйллен ҳаққоний равишда бундай қарши қўйиш ижтимоий сиёсатга жиддий таъсир кўрсатган деб ҳисоблайдилар, чунки “оиланинг муайян шакллари рағбатлантирилган, бошқалари эса аксинча, камситилган”³⁷.

Постмодернизм муаллифларининг фикрича, “оила” деганда ўз муносабатларини “оилавий” муносабатлар деб белгилайдиган одамлар ўртасидаги ҳиссиётли ва қариндошлик алоқалари тушунилади. “Уй ҳўжалиги” - биргаликдаги сарф-харажатларни, биргаликда яшайдиган оила аъзоларининг хизмат кўрсатишга доир меҳнатини назарда тутувчи иқтисодий мезондир. Бунда, ҳар иккала тушунча классик атамаларда бўлганидек, мос клише шарт эмас³⁸. Ғарбда “оила” атамаси йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён кўплик шаклида, яъни “оилалар” деб ишлатилади, - бунда аёллар ва эркакларнинг шахсий ҳаётларини йўлга қўйишнинг кўпдан-кўп моделлари кўзда тутилади. Социологлар турли синфлар, ирқлар вакиллари, турли сексуал йўналишлар вакиллари орасида оилавий турмушни ташкил этишдаги ўзгаришларга алоҳида аҳамият беришади.

Анъанавий патриархал оилада гендер роллар иерархияси. Оилавий ролларнинг тақсимланиши. Оилавий муносабатларни тадқиқ қилишда этнографияда одатда анъанавий ва замонавий муносабатлар ажратиб кўрсатилади. Биринчисига оилавий муносабатлар тизимида оиланинг ҳар бир аъзоси ўрни ва ролининг аниқ иерархия ташкил қилиши билан

³⁷ Baber Kr. M., Allen K. R. Women and Families: Feminist Reconstructions. N.Y., 1992. P. 6.

³⁸ Қаранг, масалан: Харчев А. Г. Брак и семья в СССР. М., 1979, с. 75.

ажралиб туради. Бунда эр (уч авлодли оилада - ота) оилавий ҳаётнинг барча масалаларини ҳал қилишда имтиёзли ҳуқуққа ва эътирозга ўрин қолдирмайдиган обрўга эга бўлган бош, ҳўжаин ҳисобланади. Унга йўл кўрсатиш ва назорат қилиш вазифалари тегишли бўлади. Хотиннинг ўрни тобе бўлиб вазифаси асосан уй-рўзғор ишлари, эрига, болаларга, оиланинг бошқа аъзоларга қарашдан иборат бўлади. Бунда моддий ҳўжалик вазифаларга катта эътибор берилади. Оила ичидаги муносабатлар кўп жиҳатдан одат ва шариат билан, белгиланган анъанавий нормалар билан белгиланади.

Оила ички ҳаётининг демократлашуви, эр-хотиннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бараварлаштириш, оила аъзоларининг шахсий хусусиятларини, уларнинг майлларини, уйдан ташқаридаги ишларга қодирликларини ва бошқа шартларни кўзда тутган ҳолда бир мунча эгалитар шароитларда ролларни тақсимлаш ҳозирги замондаги янги тузилмадаги оилавий муносабатларга хосдир. Бундай оилаларда ҳиссий-руҳий тусдаги кадриятлар катта аҳамият касб этади. Эндиликда оила аъзоларининг амалдаги тенг ҳуқуқчилигини аёллар ёрдамчи ва маслаҳатчи, болаларнинг тарбиячиси бўлган оддий кичик оилаларда кузатиш мумкин.

Оилавий муносабатларнинг янги замонавий тузилмаси мавжудлигини рад этмаган ҳолда, шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, шахсий алоқалараро анъанавий шакл ўрганиб чиқилган кўпгина оилаларга хосдир. Мазкур бўлимда Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида ўтказилган тадқиқотлар натижасида ушбу мақоланинг муаллифларидан бири эга бўлган дала материалларидан суҳбатлашиш усуллари ва кузатишлар орқали фойдаланилган. Оилавий ички муносабатларда, оила аъзоларининг қўни-қўшнилар, маҳалла билан ўзаро муносабатларида оиланинг сон, ижтимоий ва ёш таркиби катта аҳамиятга эга. Иқтисодий, демографик ва ишлаб чиқариш тусидаги вазифалар ички оилавий муносабатлар комплексини белгилайди. Қўйида келтириладиган баёнларда анъанавий патриархал оила, асосан қишлоқ жойларда, ва унда мавжуд бўлган ўзаро муносабатлар асосий ўринни эгаллайди.

Биз ўзгарувчан муносабатлар сифатида фойдаланган ички оилавий муносабатларнинг тузилмавий-ташкилий элементлари оилавий ролларни тақсимлаш, шу жумладан оила бошлигини, оилавий турмушнинг турли масалаларини ҳал этишда оила аъзоларининг иштирок этиш даражасини аниқлаш, уй юмушларини тақсимлаш, оила аъзолари ўртасида муносабатларни сақлаб туришдан иборат бўлди.

Ички оилавий муносабатлар қандай йўлга қўйилади? Кичик ёшдаги болалар оилада катталарнинг бўйсинувида бўладилар. Агар биринчи фарзанд ўғил бўлса бу нарса айниқса кучли намоён бўлади. Катта ака қолган барча болаларга қараб юради ва уларни уйдан ташқарида ҳам

муҳофаза қилади. У вазифаларни тақсимлайди, кичкиналарга топшириқлар беради: ким уйда нима иш қилишини айтади. Ким ҳовлини супиради, молларга қарайди, дарахтдаги меваларни териб олади ва х.з.

Синглисининг турмушга чиқиш масаласида ҳам катта аканинг сўзи бир қадар инобатга олинади. Ўғил болалар ва ўспирин йигитларга одатда кўчада кўпроқ бўлишга рухсат берилади, табиийки, улар тенгдошлари билан тез-тез мулоқотда бўлишади ва бир-бирларини фақат афтидан танибгина қолмай, улар характеридаги ижобий ва салбий хислатларни ҳам яхши билиб оладилар. Қизига совчи келган ота ана шу йигит ҳақида ўғлининг фикрини сўрайди.

Вақт ўтиши билан болалар ўзи ота-она бўлиб ота-онаси оламдан ўтганда ҳам бари бир кичиги каттасининг олдига маслаҳат олгани бориб туради. Катталарга хурмат болаларда ота томонидан ўзининг акасига кўрсатган хурмат ўрнагида тарбияланади ва авлоддан авлодга ўтади.

Кичик ука ўғлини уйлантирмоқчи ёки қизини эрга бермоқчи бўлса, катта ака тўйни ўтказишда энг фаол иштирок этади. У унаштириш маросимида қатнашади: келиннинг отаси куёв томоннинг олдига қўядиган шартларни айтади ва х.з. Тўй куни ака дарвоза олдида туриб, меҳмонларни кутиб олади.

Ички оилавий муносабатларда уйланган ўғил билан уйланмаган ўғил ўртасида катта фарқ бўлади. Ота-оналар уйланган ўғилларининг маслаҳатларига қулоқ солишади. Ҳар қандай маросим уларнинг иштирокида ўтади. Кейинги ўғилни уйлантириб тўй қилиш масаласида уйланган ўғилга катта рол ажратилади. У ота-онасига ташкилий масалаларда ёрдам беради: агар ота-она кекса бўлса, тўйнинг бутун масъулияти уйланган ўғил зиммасида бўлади.

Ёш оила ота-онасидан алоҳида яшасада, ўғил уларга ёрдам беришни давом этади: қишга кўмир, моллар учун ем олиб келиб бериши, ота-онасининг уйидаги барча тадбирларда қатнашади. Оилавий турмушнинг илк йилларида келин қайнонасининг уйига келганда уй-рўзгор ишларида ёрдам беради. Бази оилаларда ёш оила ота-онанинг уйида узук-кун бўлишади, ўз уйларига фақат ухлашга боришади.

Ўрганиб чиқилган оилаларнинг кўпчилигида ота-оналар ўз ўғиллари ўртасида низо чикмаслиги учун уларнинг қозонини алоҳида қилиб қўйишади. Бундай оилаларда болалар иқтисодий жиҳатдан бирмунча мустақилроқ бўлиб қолишади. Аммо шу билан бирга улар молиявий имкониятларига қараб иложи борица ота-оналарига ёрдам беришни давом эттиришади.

Болаларнинг шахсий ҳаётларига оид масалалар кўпинча ота-оналар томонидан ҳал қилинади. Шу билан бирга, ота-оналар қариндошлар, маҳалладошлар билан маслаҳатлашадилар. Болаларнинг ўзлари ҳам умр йўлдош танлашни ўз ота-оналарининг ихтиёрига қўйиб беришади.

Кўпинча агар қизга бирон-бир йигит ёқиб қолган бўлса, у билан яширинча учрашиб туради. Қиз атрофдагиларнинг қоралашидан қўрқади, чунки шундан кейин биронта ҳам йигит агар ота-онаси танлаган қиз бошқа биров билан учрашганини билиб қолса, унга уйланмаслиги мумкин. Агар эр бу ҳақда тўйдан кейин билиб қолса, жанжалли вазиятларда унга бу ҳақда эслатиб туради. Кўпинча “Йигит юрса ҳеч нарса қилмайди, қиз юрса унга бутун умрга иснод бўлиб қолади”, деган фикрлар юради. Агар қиз билан йигит ўртасида ҳеч қандай яқин алоқа бўлмаган бўлса ҳам, уларни ёнма-ён кўришининг ўзи айб ҳисобланади.

Шундай қилиб, ёшларнинг тақдири кўпинча катталар томонидан ҳал қилинади. Кўпинча улар тўйдан аввал бир-бирларини яхши билмайдилар ёки мутлақо билмайдилар. Баъзида эса улар тўйгача бир, икки марта, шунда ҳам гувоҳлар ҳозирлигида, келлиннинг опалари ёки амма-холалари олдида учрашишлари мумкин.

Уйланадиган йигитларнинг аксарияти келин танлашга жуда осойишта муносабатда бўлишади. Йигитларнинг изоҳлашича, келин кўпроқ қайнона билан мулоқотда бўлади, агар улар бир-бирларига ёқишса, оилада тинчлик ҳукм суради.³⁹

Болаларнинг маълумот олиши масаласи ҳам йигитлар фойдасига ҳал этилади. Ҳозирги пайтда иқтисодий муаммолар туфайли маълумотни кўпроқ ўғил болаларга беришга ҳаракат қилишади.

Оила аъзолари ўртасида уй юмушларини тақсимлаш оиладаги муносабатларни белгилаб берувчи ички оилавий муносабатлар тузилмасининг яна бир элементларидан биридир. Кўпчилик ҳолларда уй ишларини тақсимлашнинг анъанавий меъёрлари сақланиб қолади.

Шуни қайд этиш керакки, уй юмушлари “эркакларга хос” ва “аёлларга хос” ишларга бўлинади. “Эркакларга хос” ишларга ўтин ёриш, томорқа ерини чопиш, бозорга бориб келиш, қишга моллар учун озуқа таёйрлаш ва бошқалар киради. Бундай ишларни ота ёки катта ака оиладаги эркаклар ўртасида тақсимлаб беради. “Аёлларга хос” ишларга сув ташиш, уйларни йиғиштириш, овқат пишириш, кир ювиш, нон ёпиш, кўп сонли меҳмонларни кутиб олиш, ва бошқалар киради. Кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпчилик оилаларда аёллар нафақат ўзларининг ишларини, шу билан бирга эркакларнинг ишларини ҳам бажаришларига тўғри келади. Шуни қайд этиш зарурки, “аёлларга хос” ишлар ўзбеклар турмушининг ўзига хосликлари билан мураккаблашиб кетади. Уйни йиғиштиришга ҳам анчагина жисмоний куч кетади. Масалан, ётоқхоналарни йиғиш учун, қишлоқ аёли оғирдан-оғир кўрпачаларни йиғишига тўғри келади. Майишй шароитлар йўқлиги сабабли овқат

³⁹ Поляков С.П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе. М.,1989, с.161.

пишириш, нон ёпиш ва оиланинг барча аъзоларининг кир-чирларини ювиш осон иш эмас.

Бундай чегаралаш узоқ тарихий ўтмишга бориб тақалади ва ҳозирги кунгача ҳам ўз хусусиятларини йўқотмаган. Н.П. Лобачева ўз кузатувларида шуни аниқладики, Ўрта Осиё халқларининг анъанавий турмушида жамиятнинг генетик жиҳатдан жуда қадимий жинсий-ёш градацияси излари сақланиб қолган,⁴⁰ бу эса чегаралаш нафақат жинсга нисбатан, ёшга нисбатан ҳам рўй беришини англатади.

Уй юмушларига ҳаддан зиёд ўралашиб қолганликлари сабабли барча ижтимоий, ёш ва таълим гуруҳларидаги аёлларнинг жамоат фаоллиги эркакларникига қараганда бир мунча паст.

Ўғил болалар хотинлар бажарадиган ишларда қатнашишлари қўллаб қувватланмайди. Маҳалла аҳлига ўрнашиб қолган фикрга кўра, хотин-қизлар бажарадиган уй ишлари эркаклар учун обрў келтирмайди, атрофдагиларнинг кўз ўнгига унинг кадр-қимматини пасайтиради. Бундай фикр ўғил болаларнинг онгида илдиз отиб, улар келгусидаги ҳаётларида ҳам шунга амал қиладилар.

Қиз болаларга ёшлигиданоқ эрининг уйида қилиши керак бўлган ишларни ўргатишади. Умумий қабул қилинган тасаввурдаги “яхши” келин эрта тонгдаёқ, ёз кунлари соат бда туради, ҳовлига сув сепади, супуради, нонушта тайёрлайди, кейин оиланинг бошқа аъзоларини уйғотади. Ҳамма дастурхон атрофига йиғилганда у чой куйиб беради, дастурхонда ҳамма нарса бор бўлишига қараб туради. Бази бир вилоятларда, дастлабки қирқ кун мобайнида келин қайинсингиллари билан алоҳида овқатланади. Баъзида бу муддат чўзилиб ҳам кетади. Келиннинг қайнотасининг олдида овқат ейиши уят деб ҳисобланади. Эҳтимол бунда ҳам бир оқиллик бордир: миллий одатлар асосида тарбия кўрган қиз бегона эркакдан, яъни қайнотасидан уялиши мумкин.

Келин нафақат кечки овқатни, агар оила аъзоларидан бири тушлик пайтида уйга келиб қолса, улар учун тушлик таомни ҳам тайёрлайди. Аммо ҳозирги пайтда кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари қимматлашиб кетганлиги боис овқат асосан бир марта пиширилмоқда.

Яхши келин кун бўйи уй ишларини бажаради: йиғиштиради, кир ювади, овқат пиширади ва мол-холларга қарайди. Хафтасига 2-3 марта тандирда нон ёпадиган булса, бу унинг яна бир фазилати ҳисобланади. Келин таом тайёрлашдан олдин қайнонадан ва эридан улар нима овқат ейишни хоҳлаётганликларини сўрайди. Шундай оилалар ҳам борки, овқат тайёрлаш учун маҳсулотларни қайнона ажратиб беради.

⁴⁰ Н.П. Лобачева. Сверстники и семья. / К вопросу о древней половозрастной градации общества у народов Средней Азии и Казахстана// С, Э, №5, 1989, с. 83.

Кечки овқатдан кейин, келин дастурхонни йиғиб олади, идишларни ювади, ухлаш учун жойларни солади ва х.з. У ухлашга ҳаммадан кейин кириб кетади. Бу уйга меҳмон келганда айниқса сезилади, чунки меҳмонлар қачонгача ўтирса ҳам келин уларга хизмат қилади: чой дамлаб туради, дастурхонга егуликларни қайнонасининг айтгани билан олиб келиб қўяди. Бошқаларнинг ижобий фикри келин учун жуда муҳим аҳамиятга эга, шунинг учун келинлар ўзларининг яхши хислатларини кўрсатишга ҳаракат қилишади, аммо кўпинча бунинг учун уларнинг вақти ҳам, соғлиғи ҳам етишмайди.

Маҳаллаларда кекса аёллар бир-бирлариникига чиқиб туришни хуш кўришади. Улар тўда-тўда бўлиб йиғиладиган хонадонларда келин уларни яхши кутиб олиши керак, акс ҳолда ана шу аёлларнинг келин ҳақидаги фикрлари салбий бўлиб қолиши ва улар буни ҳаммага гап қилиб тарқатишлари мумкин.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кўпинча ўзбек оилалари бўлинмайди, яъни бир ховлида бир нечта уйланган ака-укалар яшашади. Бунда уй ишларини келинлар учун қайнона тақсимлаб беради. Одатда катта келин кичигига қараганда қайнонага яқин бўлади, оиладаги тартибларни яхши билади. У билан кўпроқ маслаҳатлашишади. Кам ҳолларда бўлса ҳам, лекин барибир катта келин қолган келинлар ўртасида ишларни тақсимлаб бериш ҳоллари учраб туради. Бу ўринда ҳам оиланинг ички иерархияси, яъни кичикларнинг катталарга бўйсиниши намоён бўлаётганини кўриш мумкин.

Кузатув ўтказилган оилаларда қайнона билан келиннинг ўзаро муносабатлари тўғрисида гапирганда шуни қайд этиш керакки, ишлайдиган ёш аёллар ишлаб топган барча пулларини ўз эрларининг онасига беришади, оналар эса уйга, набираларга, болаларга ва келинларга нималар сотиб олиш кераклигини ҳал қилишади. Бу ўринда ҳам ижобий жиҳат бордек туюлади, яъни оиланинг умумий пуллари тежаб-тергаб ва тўғри тақсимланади. Баъзида келиннинг ишлаб топган пули оилавий бюджетга анча фойда келтиради, бироқ бу нарса унинг ижтимоий мақомини ва тоъбелик ҳолатини ўзгартирмайди.⁴¹

Ота томондан бўлган буви пулнинг тўртдан бир қисмини набирасининг суннат тўйига йиғиб қўяди. Набиралар қанча кўп бўлса, пул имкони борича кўпроқ йиғилади. Агар келин ишламаса, лекин дўппи, чорси ва миллий қўйлақлар, нимчалар, чопонлар тикишни билса, уларни сотишдан тушган пулни ҳам қайнона тасарруф этади.

Мавжуд меъёрларга кўра, келин қайнонаси ва эрининг рухсати билан ўз ота-онасиникига, қариндошлариникига бориши мумкин. Бунинг

⁴¹ Поляков С.П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе. М., 1989, с.184.

асосида эрнинг ота-онасини ва барча ўзидан катталарни хурмат қилиш талаби ва тоъбелик ётади.

Албатта, ички оилавий ўзаро муносабатлар маълумотлилик даражасига, ижтимоий келиб чиқишига боғлиқ. Кўрсатиб ўтилган параметрлар канчалик юқори бўлса, ички оилавий муносабатларни демократлаштириш фойдасига жиҳатлар шунчалик кўп бўлади.

Тарбиянинг гендер тамойиллари оиладаги ўзаро муносабатларнинг патриархал тамойиллари авлоддан авлодга ўтиб доимий равишда янгиланиб боришининг муҳим сабабидир. Бола жинсига қараб тарбияланиб боради. Ўғил ва қиз болалар тарбияси шуниси билан фарк қиладики, болаларга ҳар хил роллар, кадрятлар, ахлоқлар сингдирилиб борилади. Қизларни бўлажак она булиш, эрини ва унинг оиласини хурмат қилиш, болаларига ва оиласига ҳаётини бағишлаш ролларига тайерлайдилар. Қизларнинг хулқи ўғил болаларга қараганда кўпроқ даражада чеклаб қўйилади. Аёлларнинг хулқ-атвори тўғрисидаги билимларни қизлар одатда оналаридан оладилар.

Оиланинг ҳар қандай аъзоси мавжуд қоидаларни ўзгартиришга ҳаракат қилса, бу нарса тушунмовчиликларга ва нохушликларга, энг ёмони оиланинг бошқа аъзолари томонидан низоларга олиб келиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР:

1. В.П. Алексеев, А.И. Першиц . Указ.соч. 1990.
2. *Маркс К., Энгельс Ф*, Соч. 2-е изд.
3. Социология гендерных отношений. *Под редакцией ЗМ Саралиевой*. М.: РОССПЭН, 2004.
4. Family, Socialization and Interaction Process / Parsons T. and Bales R. (eds.) Glencoe, 1955.
5. Merton R. K. Social Theory and Social Structure. Glencoe (И.), 1957.
6. Osmond M.W., Thome D. Feminist Theories: The social Construction of Gender in Families and Society // Sourcebook of Family Theories and Methods. N.Y., 1993.
7. Safilios-Rothschild C. Family Sociology or Wives' Family Sociology: A Cross-Cultural Examination of Decision-Making // Journal of Marriage and the Family. 1969. №31.
8. Bernard J. The Future of Marriage. N.Y, 1972.
9. Komarovsky M. Dilemmas of Masculinity. N.Y., 1976.
10. O'Brien J.E. Violence in Divorce-prone Families // Journal of Marriage and the Family. 1971. №3.
11. Lopata H. Z., Thome B. On the Term «Sex Role»// Signs. №3.
12. Коллонтай А. Семья и коммунистическое государство. М, 1918.
13. Okin S. M. Justice, Gender and The Family. N.Y., 1989.

14. Миллет К. Сексуальная политика (главы из книги) // Вопросы философии. 1994. №9.
15. Firestone S. The Dialectic of Sex. N.Y., 1979.
16. Чодороу Я. Воспроизводство материнства: психоанализ и социология пола // Антология гендерной теории/Сост.Гапова Е., Усманова Ал. Минск, 2000.
17. Rossi A. Gender and Parenthood // American Sociological Review. 1984. Vol. 49. №1.
18. Baber Kr. M., Allen K. R. Women and Families: Feminist Reconstructions. N.Y., 1992.
19. Харчев А. Г. Брак и семья в СССР. М., 1979.
20. Поляков С.П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе. М.,1989.
21. Н.П.Лобачева. Сверстники и семья. / К вопросу о древней половозрастной градации общества у народов Средней Азии и Казахстана// С, Э, №5, 1989.

ГЕНДЕР ВА МАДАНИЯТ

Александр Жумаев

Замонавий маданиятшунослик ва санъатшунослик тадқиқотларида гендер муаммолари. Марказий Осиё маданияти тарихида гендер ташиқил этувчисининг эволюцияси. Тарихнинг совет даврида муаммони ҳал этиш тажрибаси. Ўзбекистон маданияти маҳаллий анъаналарида гендер (ҳудудлар: Фарғона - Тошкент, Бухоро - Самарқанд, Хоразм).

Маданият – ниҳоятда мураккаб ва кўп маъноли тушунча. Тадқиқот натижаларида ва ўқув қўлланмаларида ушбу тушунчага берилган таърифларнинг хилма-хиллиги бу соҳада турли маданиятлар, мамлакатлар ва халқларнинг узоқ муддатли тарихий тажрибасидаги хилма-хилликни англайди.

Маданиятни белгилашнинг муҳим белгиси инсонда фақат моддий манфаатлар билангина изоҳланмайдиган ижодий ибтидонинг мавжудлиги ҳисобланади. Бунда биз “хотин-қизлар масаласида” ўз ҳолича ва шартли равишда замонавий гендер муаммосини фарқлаб олишимиз керак. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, “хотин-қизлар масаласини” ўз ҳолича, “маданиятшунослик муаммоси сифатида кўриб чиқиш лозим”¹.

Мазкур бўлимда гап хотин-қизларнинг нафақат маданий жараёнда эркак кишига зид қўйилган “алоҳида мавжудот” сифатида кўриб чиқиш ҳақида эмас (баъзан гендер тадқиқотларнинг моҳияти фақат шу билан чеклаб қўйилади), – балки ундаги иккала жинснинг нисбий (мутаносиб) “вакиллигини” кўриб чиқамиз. Бу ерда вужудга келадиган барча муаммоларнинг ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда эркак ва аёл ибтидосининг “улушбай иштирокини” белгилаган ҳолда биз замонавий дунёдаги янги вазиятда – гендер йўналиш тенденциялари кучайиб бораётган бир ҳолатда маданият тушунчасини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Маълумки, замонавий маданиятда, ва, айниқса, бадий ижодда тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бирини турли этник, миллий, конфессионал ва бошқа анъаналар ҳамда компонентларнинг ёнма-ён мавжудлиги ва мулоқоти ташкил этади. Хусусан, замонавий мультимаданий жамият концепцияси шу асосда қурилган. Бундай жамиятга тенг аҳамиятлилиқ ва барча таркибий қисмларнинг кадрлилиги хосдир (айниқса, АҚШ ва Ғарбий Европа давлатларида). Мазкур жараённинг ичида “гендер” деб номланган янги мулоқот тури қарор

¹ Тохтаходжаева М. Между лозунгами коммунизма и законами ислама. Т., 2000, с.11.

топади. У эркалар ва аёллар маданий ижодининг тенг ҳуқуқлилиги ва тенг қимматлилиги ғоясига асосланган. Замоनावий санъат ва бадий маданиятда бундай мулоқот етарли даражада кенг тарқалган ходисадир. Тарихий ўтмишда ҳам гендер мулоқотнинг айрим намуналарини учратиш имконияти истисно этилмайди. Булар Марказий Осиё минтақаси маданий тарихи материалларида яхши акс эттирилган.

Маданиятда муҳим омил сифатида гендер мулоқотини англашда йўқ деганда урта муҳим компонентни ҳисобга олмасдан бўлмайди:

1. Турли халқлар, мамлакатлар ва маданиятларда санъат ва маданиятни ривожлантиришга хотин-қизлар мустақил қўшган улушни тан олиш;

2. Маданий ривожланиш ва қурилиш жараёнида хотин-қизларнинг юқори мақомини тан олиш;

3. У ёки бу мамлакат, ҳудуд, халқ, миллат маданиятида яхлит бирликни ташкил этувчи дунёни бадий тарзда англаш ва ифодалашда гендер фарқлар мавжудлигини илмий асослаш.

Фанга маълум бўлган “гендер нисбатлар” орасида гендер ва маданият тарихан қадимий, табиий ва барқарор, ўзаро боғлиқ ходисалардир. Образли қилиб айтганда, ҳар бир халқда мавжуд бўлган алла билан бирга аёл азалдан эркаларнинг бадий эстетик тарбияланишига, унинг бадий дидининг руҳий-ҳиссий асосларини шакллантиришга дахлдордир. Инсон фаолиятининг бошқа бирон-бир соҳасида аёл маданиятдаги каби, айниқса, бадий ижоддаги каби ўзининг жинси билан белгиланган хусусиятларини, шу қадар ёрқин ва ўзига хос тарзда намоён эта олмаган. Рассом аёл одатда эркалар томонидан ишлаб чиқиладиган бадий эстетик қонуниятларга аҳамият бермаслиги, “эркалар” ижодининг, мавжуд, лекин аниги таърифланмаган, андозаларига мослашмаслиги мумкин. Ҳар ҳолда, айти шу соҳада эркалар амри асоссиз ва унча ифода этилмаган.

Инсоният маданияти тарихида аёллар ижодининг қарор топиши узвийликсиз ва низоларсиз бўлмаган. У ўз мустақиллигининг ва нисбий озодлигининг узоқ муддатли ва мураккаб йўлини босиб ўтди. Аёлларнинг ижод қилишга бўлган ҳуқуқи маданий кадрлардан фойдаланиш ҳуқуқига табиий қўшимча бўлди. Турли мамлакатларнинг тарихий-маданий тажрибаси ва анъанасида “аёл ва маданият” тушунчаси қатор ақидаларни енгиб ўтиш орқали қарор топди. Яқиндагина вужудга келган “гендер ва маданият” тушунчаси илмий-терминологик ва концептуал маънода маданиятдаги эрка ва аёл муносабатлари сифатида узоқ йўл босиб ўтган тушунчани мустаҳкамлаб қўйди.

Юқориди айтилганидек, маданиятдаги гендер муаммоларни фақат аёлларнинг маданий жараёндаги иштироки билан тенглаштириб бўлмайди. Эркалар ва аёлларнинг ўзаро мулоқоти, биргаликдаги ижоди хусусида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир. Бундай биргаликдаги ижод

хар доим ҳам уйгун бўлмаслиги ҳамда ўзида рақобат ва зиддият элементларини мужассамлаштирган бўлиши мумкин. Айни пайтда ижодий жараёнда жинсларнинг ўзаро уйгун муносабатига ҳам эришиш мумкин. Бундай муносабат илмий адабиётда базъан “гендер бирдамлик” (gender solidarity) деб аталади². Бу борада юзага келадиган ўзаро муносабатларнинг барча жиҳатлари “гендер ва маданият” муаммосининг моҳиятини ташкил этади.

Шу тарзда, юқорида айтилганларни эътиборга олган ҳолда маданиятни куйидагича таърифлаш мумкин: **Маданият – бу манфаатпарастлик хусусиятларига эга бўлмаган ҳамда гендер мулоқот ва гендер ҳолатларнинг ўзига хослиги билан изоҳланадиган инсоннинг ижодий, рухий ёки моддий тажрибасидир.**

Ушбу таърифда манфаатпарастликни инкор этиш билан боғлиқ қисми муаммоли бўлиб, эндиликда ушбу хусусият ялпи бозор муносабатлар шароитида тижорий йўналишга эга бўлган глобаллашган маданият модели томонидан ҳамма жойда сиқиб чиқарилмоқда.

Замонавий маданиятшунослик ва санъатшунослик тадқиқотларида гендер муаммоси. Гендер ва маданият муаммосини мутлақо янги ва номаълум деб бўлмайди. Совет олимларининг илмий тадқиқотларида уни ишлаб чиқишга жиддий аҳамият қаратилган, бироқ, муайян тарихий вазият туфайли улар “гендер бўлмаган” илмий асосларга таянган эди. Умуман аёл ибтидосини унинг ўзига хос тарзда ифодаланишини намойиш этишга қаратилган услубий йўналиш амал қилар эди, у тарихнинг ижтимоий майдонида ўзини қарор топтириш заруриятига кўра эркак ибтидосига қарама-қарши кўйилган эди. Аёллар муаммосига эътибор совет Шарқида содир бўлаётган сиёсий жараён - социализм куриш учун авж олган курашга қаратилган эди³.

Замонавий гендер тадқиқотлари услубияти – сўнги ўн беш йил ичида аввалига СССР, сўнгра МДХ мамлакатларига кириб келган нисбий янги тушунчадир. Унга мурожат этиш, бир томондан СССРнинг, социалистик тузумнинг таназзулга юз тутиши ва шундан кейин юз берган хотин-қизлар масаласини ҳал этишга эскича ёндашувларнинг

² Gender and Music (Section 4). - In: The Garland Encyclopedia of World Music. Volume 6. The Middle East. New York and London, 2002, p.289.

³ Пальванова Б.П. Эмансипация мусульманки. Опыт раскрепощения женщины советского Востока. М.: «Наука». Главная редакция восточной литературы, 1982; Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941 гг.). Краткий историографический очерк. Ташкент: Издательства «ФАН» Узбекской ССР, 1987. Ҳозирги Ўзбекистонда “хотин-қизлар масаласи” ўзбек давлатчилиги вужудга келиши контекстида кўриб чиқилади. Қаранг, масалан: Азамат Зиё. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. Томир хотун, Кабаж хотун, Сароймулкхоним, Гавҳаршодбегим. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Фан» нашриёти, 2002.

кадрсизланиши билан изоҳланади. Иккинчи томондан, у фаннинг тараққиёти – янги илмий парадигмаларни ва мавжуд муаммоларни англаш йўлларини излаш билан боғлиқ. Бунга жаҳон илмий тафаккурининг энг янги ютуқларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайиши ва уларни турли миллий ҳудудларда, шу жумладан Марказий Осиё давлатларида вужудга келаётган вазиятларга нисбатан қўллаш имконияти (совет пайтида чеклаб қўйилган эди) туфайли эришилмоқда. Шу тарзда “гендер ва маданият”, “гендер ва санъат” тушунчаси бошқа шунга ўхшаш муаммолар сингари илм аҳли томонидан фаол ўзлаштирилмоқда. Бу жараён Россияда айниқса жадал рўй бермоқда, у ерда олимлар Ғарбий Европа ва Американинг мазкур соҳадаги бой материалларини ўзлаштиришмоқда⁴.

Ғарбий Европа мамлакатларида ва АҚШда маданиятшунослар ва санъатшунос олимлар сўнгги 20-30 йил давомида гендер ва маданият, гендер ва бадий ижод масалалари билан шуғулланмоқда. Унинг шаклланиш жараёни Европа ва Америка жамиятлари ва маданиятини сўнгги пайтларда қамраб олган глобал ижтимоий ва гуманитар ўзгаришлар билан бирга давом этар эди, унга инсон борлигининг индивидуаллашуви, шахс ҳуқуқларини муҳофаза қилиш концепциясини ривожлантириш, феминистик ҳаракатлар, гендер фарқларни англаш ва чуқурлаштириш каби жуда мураккаб жараёнлар киради. Умумий мавзулар билан бир қаторда санъатнинг алоҳида турлари бўйича ихтисослашув ҳам ривожланмоқда: гендер ва мусиқа (унинг ичида масалан, “бастакор аёллар”), гендер ва тасвирий санъат, гендер ва халқ ижодиёти ва ҳоказо. Хусусан, ЮНЕСКО қошидаги анъанавий мусиқани ўрганиш бўйича Халқаро Кенгаш доирасида “гендер ва мусиқа” илмий тадқиқотлар дастури самарали амалга оширилмоқда. Йирик тадқиқот ишлари, энциклопедияларда бутун боблар, илмий конференцияларда эса махсус секциялар гендер муаммоларига бағишланмоқда⁵.

Европа маданиятларида гендер фарқларни тадқиқ этиш билан бирга олимлар бундай ёндашувни европача бўлмаган маданиятлар ва бадий тизимларга тадбиқан илмий тадқиқот усулларини ишлаб чиқишмоқда. Масалан, “гендер ва мусиқа” муаммоси Ҳиндистон, Ява, Индонезия, Афғонистон ва Осиёдаги бошқа давлатларга тадбиқ қилинган ҳолда кўриб чиқила бошланди. Хусусан, сўнгги йилларнинг тадқиқотларидан бири “Гарланд” Америка янги мусиқа энциклопедиясида Якин Шаркка

⁴ Пол. Гендер. Культура. Немецкие и русские исследования. Сборник статей. /Составление и общая редакция: Элизабет Шоре, Каролин Хайдер. Вып 1. М.: Российский Государственный гуманитарный Университет, 1999; Вып. 2. М., 2000; Введение в гендерные исследования. Часть I, II. Учебное пособие. Под редакцией И.Жеребкиной. Харьков: ХЦГИ, СПб.: «Алетейя», 2001.

⁵ Mark Slobin. Music in the Culture of Northern Afghanistan. Tucson, Arizona, 1976, p. 29, p. 53-55 (Women’s Music).

бағишланган бўлимда келтирилган⁶. Унда араб Шарқидаги аёллар мусиқашунослиги, ижрочи, мусиқачи аёлларнинг араблар мусиқа санъати ривожига қўшган ҳиссаси ёритилади.

СССР таназулидан ва янги тарихий вазият вужудга келганидан кейин халқ ҳаётининг табиатида яшириниб ётган ва ярим ошқора ҳолатда мавжуд бўлган анъанавий маданий кадриятларнинг қайта тикланиш жараёни кучайди. Ўзбекистонда, Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида XX асрда юз берган жамиятнинг жиддий секуляризацияси билан турли маданий анъаналар синтезига қарамай, асрий исломий кадриятларга, анъанавий архаик уруғчилик–қабилачиликка, этник ва бошқа элементлар, шу жумладан исломгача бўлган кадриятларга қайтиш кузатилмоқда. Ушбу ҳолат христианлик асосидаги Европа маданияти негизида ишлаб чиқилган Марказий Осиё давлатларидаги вазиятга услубий ёндашувларни қўлланish чегаралари тўғрисидаги масалани кўтариб чиқишга ёрдам беради⁷. Ғарб маданиятининг феминистларига хос бўлган бундай ёндашувларнинг зўрлаб киритилиши хотин-қизлар масаласини “инқилобий” ҳал этиш бўлмайдами? Маданиятда гендер вазиятларни таҳлил қилишга нисбатан қандайдир универсал ёндашувлар умуман мавжуд бўлиши мумкинми?

Ҳозирги замонда маданиятлар ўртасида кучайиб бораётган боғлиқлик олимлар олдида мавжуд назариялар ва ёндашувларни анъаналарнинг бутун спектори таҳлили билан бирга олиб бориш масаласини қўяди. Ғарбда гендер муаммоларини ўрганиш натижалари Марказий Осиё маданиятида гендер муносабатлари тарихий тажрибасини умумлаштириш билан бирга кўриб чиқилиши керак. Анъанавий турмуш тарзини, минтақада муаммони ҳал этишга русча ва совет ёндашуви тажрибасини мутлақо инкор этиш ҳамда замонвий дунёни бир-биридан алоҳида бўлган, чегараланган маданий тизимлар сифатида кўрсатишга уринишлар ҳам баббаравар самара бермайди.

Марказий Осиё маданияти тарихида гендер ташкил этувчисининг эволюцияси. Маданиятда ва бадий ижодиётда эркак ва аёл ибтидолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар маданият тарихининг мустақил муаммосидир. Мазкур тадқиқотда уни яхлит тизим сифатида кўриб чиқиш вазифаси қўйилмайди. Маданият ва ижодиётда у ёки бу тарихий даврда гендер ривожланишнинг даражаси ва энг жиддий кўрсаткичларини белгилаш муҳимдир. Ана шундай кўрсаткич-мезонлар

⁶ Gender and Music (Section 4). - In: The Garland Encyclopedia of World Music. Volume 6. The Middle East. New York and London, 2002, p.289-307.

⁷ Европача назарияларни дунёнинг бошқа минтақаларига «экспорт» қилиниши масаласида қаранг, хусусан: Can Liberal Pluralism be Exported? Western Political Theory and Ethnic Relations in Eastern Europe. Edited by Will Kymlicka and Magda Opalski. Oxford: Oxford University Press, 2001.

сифатида юқорида қайд этилган “гендер мулоқот” ёки “гендер бирдамлик” дир.

Марказий Осиёда ва Ўзбекистонда гендер ташкил этувчиси эволюциясининг умумий даврийлиги асосан тарихий ривожланишнинг 3та босқичига мос келади. Ҳар бир даврни кўриб чиқишда биз қандайдир априор (хужжатли манбаларни таҳлил қилишга асосланган) умумлаштирилган характеристикаларга ва гендер ривожланиш тенденцияларига асосланамиз:

1) Ўрта Осиёнинг қадимий маданиятида аёлларнинг юқори ижтимоий мақоми (мақомининг секуляризация қилиниши билан бирга);

2) XX асрнинг биринчи чорагигача (инкилобгача, совет давригача) мусулмон маданиятида аёллар ва эркакларнинг ижоди. Бунда аёллар бадий дунёсининг алоҳидалиги ва ижтимоий айрилиги (аёллар муҳитида, “уйнинг ярми” бўлган аёллар);

3) Инкилобий чоралар билан аёлнинг ҳамда унинг эркаклар билан бир қаторда маданий қадриятларни яратишдаги иштирокининг юксак ижтимоий мақомини тасдиқлаш – (жамоат эътирофи) совет даврида;

4) Стереотипларни енгиб ўтиш ва аёллар бадий тафаккурининг алоҳида, эркаклар нуктаи назаридан ўзгача бўлган ўзига хослигини англашга ўтиш – мумкин бўлган келажақда.

Дунёнинг бошқа мамлакатларидаги каби Ўрта Осиёда бадий ижод ва маданий ҳаёт жинсий мансубликка кўра фарқланар эди. Аёллар ва эркаклар томонидан ўзларининг ижодий имкониятлари, эҳтиёжлари ва талабларини қондириш минглаб йиллар давомида ва XX асрнинг биринчи чорагигача бутунлай ва асосан алоҳида амалга оширилган. Айни пайтда бадий ижоднинг алоҳида қўшма шакллари, гендер мулоқотнинг мавжудлиги Ўрта Осиё маданиятининг қандай турга мансублигига – ўтроқ, деҳқончилик, шаҳар ёки саҳровий кўчманчи, ярим кўчманчиларга хослигига боғлиқ эди. Биринчи турдаги маданиятга гендер мулоқот шакли исломгача бўлган қадимий даврдаёқ маълум эди; мусулмончилик даврида улар тўлиқ йўқолиб, исломгача бўлган маданиятларнинг қолдиқлари сифатида яширин шаклда ёки вақт ва макон билан чекланган шаклда сақланиб қолган (совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йилликларидаги этнографларнинг маълумотларига кўра). Ўрта Осиё шаҳар маданиятида гендер мулоқотининг яққол анъанаси учрайди (халқ ашулалари ва лапарларида, халқ театрларида ва хоказо), бироқ бу анъана ёки фақат эркакларга ёки аёлларга ўтар эди.

Дашт туридаги, кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларда - қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва туркманларда аҳвол ўзгача эди. Бу ерда узок пайтлардан буён ва доимий равишда биргаликдаги маданий ижодиёт, маданий хордиқ ва гендер мулоқотнинг яққол ифодаланган алоҳида шакллари мавжуд бўлган. Уларга, масалан, мулоқот туридаги шеърӣй ва мусиқӣй ижодиёт турли шаклларда – ҳар хил ўтиришлар, қозоқлар,

киргизлар ва қорақалпоқларда⁸, йигитлар ва қизлар ўртасидаги муסיқий-шеърый айтишувлар, Ғарбий Туркменистон туркманларидаги “кўнгилхушлик зикри” қабилар қиради. Бироқ, тўлақонли биргаликдаги маданий фаолият шакллари фақат совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейингина пайдо бўлди, айна пайтда анъанавий алоҳида шакллар ҳам сақланиб қолаверди.

Ҳар бир тарихий даврда етарли даражада мустақил бўлган ва ҳатто бир-бирдан мутлақо айри гендер бадиий ибтидоларни кўриш мумкин. Улар кўпинча эстетик жиҳатдан яққол ифодаланган бўлиб, услуби, қўлланилган воситалари, мақсади ва бошқа кўрсаткичларига кўра фарқланади. Уларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати, ўзаро таъсири, бадиий элементлар ва воситаларнинг бир-бирини тўлдириб туришига ҳам мисоллар талайгина.

Қадимги давр, дастлабки ва етук ўрта аср маданиятлари ўртасида гендер анъаналарнинг ворисийлиги йўқ. Ўрта Осиёда (энг аввало унинг шаҳар маданиятида) ислом монотеистик дини мажбурий тарзда сингдирилиши натижасида пайдо бўлган узилиш маданиятда гендер мувозанатсизликка олиб келди.

Қадимги (мусулмон дини қабул қилингунча) давр (эрамиз VIII асргача) – Ўрта Осиёда гендер муносабатлар ва маданият ривожининг тарихида алоҳида саҳифани ташкил этади. Ёзма, археологик ва бошқа материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёда аёллар тарихий жараёнга фаол таъсир кўрсатган, улар сиёсий ҳаётда муҳим роль ўйнаган, давлат ишлари ва ҳарбий ишлар билан, иқтисодий фаолият билан шуғулланган, унинг мақоми кўпинча жамиятда эркакларникига нисбатан юқорироқ деб тан олинган⁹. Ўрта Осиё тарихида айрим ҳукмрон хотин-қизлар ва лашкарбошиларининг номлари ҳамда ишлари сақланиб қолган: Бухоро ҳокими Хотун, малика Тўмарис ва бошқалар. Ўрта Осиё маданиятининг икки тури – дашт ва шаҳар маданияти – жамиятдаги аёллар маданиятининг юқори даражасидан далолат берган.

Марказий Осиёда деҳқончилик ва шаҳар типидagi қадимий жамиятда аёллар ва эркаклар ижоди ўртасидаги чегаралар аниқ белгиланган эди. Муסיқа маданиятида фақат хотин-қизлардан ташкил топган ансамбллар қайд этилган (Ўзбекистон жанубида Термиз шаҳрининг ёнида топилган эрамизнинг дастлабки асрларига мансуб машҳур Айрторм пештоқидаги

⁸ Қозоқ анъанасида айтис ҳақида, масалан: Едыге Турсунов. Возникновение баксы, акынов, сэри и жырау. Астана: ИКФ «Фолиант», 1999, китобида қаранг, 127-160-б.лар.

⁹ Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. М.: МГУ, 1948, с. 325-331; Байпаков К.М., Терновая Г.А. Женские божества Казахстана на Великом Шелковом Пути. – Манба: Известия Министерства образования и науки Республики Казахстан, Национальной Академии Наук Республики Казахстан. Серия общественных наук. № 1 (230), январь-февраль 2001 г. Алматы, 2001, с. 219-234.

тасвирлар), буларнинг барчаси махсус аёллар мусиқа санъатининг мавжуд бўлганидан ва унинг эҳтимол, эркаклар санъатидан жиддий фаркланишидан далолат беради.

Айни пайтда ижодий ва маданий фаолиятда, маданий ҳаётнинг ташкилий шаклларида гендер ўзаро ҳамжиҳатлик ва мулоқот сақланиб қолган. Аёллар эркаклар билан баравар ва биргаликда жамоат ва маросимга оид маъракаларда, саройдаги зиёфатларда ва театрлаштирилган томошаларда иштирок этган. Кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларнинг оғзаки ижодидаги эпик асарларнинг қаҳрамонлари мисолида ҳам аёл ва эркак ибтидоси ўртасидаги кураш ифодасини кўриш мумкин, бунга мисол тариқасида “Қирқ киз” қорақалпоқ эпосини келтириш мумкин.

Бунда аёллар ижоди юқори мақомга эга бўлиб, эркакларникига нисбатан унинг аҳамияти кам эмас эди. Жамиятнинг ижтимоий иерархиясида унга алоҳида жой ажратилган эди: расмий давлат маросимларида, диний маросимларда иштирок этиш, сарой аъёнларининг зиёфатларида хизмат кўрсатиш. Ана шу вазифа маданият тарихида кенг тарқалган бўлиб, ўрта аср мусулмончилиги даврларида (айниқса сарой амалиётида) сақланиб қолган. Айрим топилмалар (масалан, юқорида тилга олинган Айртом пештоқи) қадимги давлатлар ва ўрта асрларнинг бошида (аввало, Кушонлар империясида) диний маросимлар (хусусан, бутпарастликка оид маросимлар) ва зодагонлар зиёфатларида хизмат қилиш учун мусиқачи аёлларни тайинлаш бўйича махсус “институтлар” бўлганлигидан далолат беради.

Аёл образи расмий ва диний йўналишдаги тасвирий санъатда кенг ифодаланган. Антик даврга ва ўрта асрларнинг дастлабки даврига оид бўлган кўп сонли ҳайкалчалар (шу жумладан, олий табақага мансуб аёллар сиймоси) кичик ва катта ҳажмдаги аёллар ҳайкаллари, девордаги чизмалар ҳамда ҳозирги Марказий Осиё ва Қозоғистон давлатлари ҳудудларида топилган бошқа буюмлар Ўрта Осиёнинг тарихий, маданий соҳаларида алоҳида аёллар санъати мавжуд бўлгани, улар мураккаб ғоялар ва эътиқодларни³⁸ ифодалаганидан далолат беради. Қадимги Ўрта Осиё халқларининг санъатнинг турли кўринишларида ифодаланган аёллар образлари орасида илоҳий Анахита, Нана, Умай, мифологик фигуралар, тарихий персонажлар ва бошқалар кўпчиликка маълум.

Ўрта Осиёда ислом дини ва унинг ҳуқуқий меъёрлари қарор топганидан сўнг хотин-қизларга нисбатан туб ўзгаришлар содир бўлди. Замонавий илмий адабиётда ислом динининг маданиятда гендер масаласига нисбатан роли ва аҳамияти ҳақида яқдил фикр йўқ. Фикрлар хилма-хиллигини икки асосий турга бўлиш мумкин: 1) бир-бирига зид – бирон-бир ижобий ролни тўлиқ инкор этишдан унинг фавқулодда илғор аҳамиятини тан олишгача; 2) зиддиятли – ислом дини теологик асосининг зиддиятчилигини ҳамда унинг маданий-тарихий тажрибасини тан олиш.

Маълумки, ушбу масалани кўриб чиқишда ислом динининг ичидаги зиддиятларни, теологик хилма-хиллигини, манбаларнинг турлитуманлигини, тарихий ривожланиш динамикасини, исломнинг шаҳар ва дашт (кўчманчи) турлари ўртасидаги фарқларни, назария билан амалиётнинг ўзаро мос келмаслигини, турли тарихий даврларда тенденцияларнинг алмашиши, клерикал кучларнинг кучайиши ёки сусайиши, жамият ва давлатнинг дунёвий йўналишини ва ҳоказоларни эътиборга олиш керак.

Ўрта Осиёда ислом дини ундан аввал мавжуд бўлган маҳаллий динлар, эътиқодлар ва конфессиялар элементларини ўзида мужассамлаштирган ҳолда халқ дини сифатида ривожланган, бу эса ислом ақидаларининг маҳаллий шароитларга мослашишига ижобий таъсир кўрсатган (ислом дини даставвал асосан араб кўчманчиларига мўлжалланган эди). Иккинчи томондан, айнан Ўрта Осиёда (тарихий Моварауннаҳрда) қатор йирик ҳуқуқшунос ва фикхшунослар фаолияти ривож топди, натижада ҳадисшунослик - Муҳаммад пайғамбарнинг¹⁰ саҳиҳ ҳадисларини ва суннатини йиғиш (имом Исмоил ал-Бухорий, 810-870) ва ҳуқуқшуносликнинг (фикх) - ҳанафий, шафийя, мотрудия ва бошқаларнинг ўз йўналишлари ва мактаблари тараққий этди (асосчиларининг номлари билан аталган – Абу Ханифа, Муҳаммад аш-Шафи‘ий, Муҳаммад ал-Мотридий ас-Самарқандий). Мана шу мактабларнинг асарлари – муҳим ва ислом-гендер-маданият муаммолари бўйича деярли ўрганилмаган манбадир. Уларнинг тадқиқотлари ва таълимотларида хотин-қизларнинг бадийий маданиятга ва умуман маданиятга муносабатлари билан боғлиқ вазиятлар кўриб чиқилади. Мана бир мисол: Мовароуннаҳрда ҳанафий туридаги қонунчиликка оид “Салати Масъудий” (XIV асрнинг боши “Масъуднинг ибодати”) асарининг муаллифи Факих Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф ас-Самарқандий сотилаётган қул-муסיқачи аёлнинг қийматиға унинг муסיқа асбобининг қиймати ҳам кириши ёки кирмаслиги тўғрисидаги масала хусусида тўхталади, ва бунга салбий жавоб беради. Шуниси аҳамиятлики, имом ал-Бухорий ҳадисларида (“Джами‘ ас-Саҳиҳ”), келтирилган Муҳаммад Пайғамбарнинг муסיқаға муносабати аёллар ижоди билан (қул-муסיқачи аёллар) билан боғлиқ.

“Илм ишташ – ҳар бир мусулмоннинг бурчидир” деган машҳур ҳадис исломнинг маданий тарихида жуда қатта аҳамиятга эга¹¹. Муҳаммад Пайғамбарнинг ушбу ҳадиси Бухородаги Улуғбек мадрасасида безак сифатида ёзиб қўйилган. XX аср бошида – Ўрта Осиёнинг мусулмон

¹⁰ Ҳадис – Ислом ҳуқуқининг Қуръондан кейинги ўринда турадиган манбаи.

¹¹ Ушбу ҳикматнинг XI аср исломнинг энг йирик ислохотчиси имом Абу Ҳамид ал-Ғазолий берган шарҳи, қаранг: Абу Ҳамид Муҳаммад ал-Ғазали ат-Туси. Кимийа-йи са‘адат («Эликсир счастья»). Часть 1: Унваны 1-4. Рукн 1. Перевод с персидского А.А.Хисматулина. Санкт-Петербург, 2002, с.115.

жамиятида ривожланишнинг янги йўллари қизгин излаш даврида ушбу ҳадис турли жамоат кучлари - теологлар ва маърифатчи-жадидлар томонидан қайта шарҳланган¹². Расмий ислом вакиллари ўзларининг босма нашрларида (“Ал-Ислах”, “Ал-Изоҳ” ва ҳоказо) ҳадисдаги дин ва “диний фанлар” асосларини ўрганиш зарурати ҳақида эслатиб қўйишган. Жадидлар, исломни ислоҳ қилиш учун курашиб, анъанавий лигитим манбаларга таянишган. Бироқ улар эслатиб ўтилган ҳадисларни кенгрок тарзда, диний ва дунёвий фанларни бирга қўшиб олиб борувчи ўзларининг янги услуб мактаблари дастури доирасида талқин қилдилар. Уларнинг фикрича, мазкур ҳадис нафақат диний билимларни, шу билан бирга турли бошқа билим ва маданий бойликларни эгаллашда аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилигини эълон қилади. Чунончи, ўша даврнинг энг ёрқин маърифатчи-жадидларидан бири, шоир ва олим Абдурауф Фитрат (1886-1938) ўзининг “Мунозара” (Истамбул, 1911, русча таржимада “Спор бухарского мударриса с европейцем из Индии о новометодных школах”, Тошкент, 1911) асарида хотин-қизларнинг билим олишини ҳимоя қилувчи далилларни келтиради¹³.

Амалда эркеклар ва аёллар билимининг ҳажми ва хусусияти тенг эмас, билим олиш жараёни, шунингдек аёллар ва эркеклар ижоди эса бири-биридан катъий ажратиб қўйилган эди. Масалан, аёллар учун эркек сўфий - исломдаги мистик маънаблар издошларининг зикр (мусикали рақс)ни кузатиш тақиқланган ҳисобланарди¹⁴. Бироқ шунга ўхшаш маросимларни аёлларнинг ўзлари ҳам ўтказарди, бу ерга, ўз ўзидан, эркеклар учун йўл ёпиқ эди. Исломи мистикларининг таржимаи ҳолини тузган ўрта аср ёзувчилари (хусусан, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, XV аср), эркеклар билан бир даражадаги ҳақиқатга эришган такводдор мутасаввуф аёллар тўғрисида маълумот келтирадilar¹⁵.

Ажратиб қўйилган аёллар ва эркеклар дунёларининг ҳар бирида маданий ҳаётнинг ўзига хос шакллари ва анъаналари бор эди. “Аёллар қисмида” чак-чақлашиб ўтиришлар (мажлислар, гап, ош ва ҳоказо), мусика эшитиш, мусика ва мусикий асбобларнинг ўзига хос жанрлари (масалан, Ўрта Осиёнинг шаҳар маданиятига дутор хос эди) кенг

¹² Жадид – асли арабча сўз бўлиб маъноси: «янги» – 20 аср бошидани мусулмон жамиятининг маърифатли қисмидаги Россиядаги ислом ва Туркиядаги ислохотлар таъсирида юзага келган маданий оқартув ҳаракат.

¹³ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 1 жилд. Шеърлар, насрий асарлар, драмалар. Тошкент, 2000, с. 59.

¹⁴ Адам Мец. Мусулманский Ренессанс. Издание 2-е. М, 1973, с. 239 (ссылка на труд автора XI века Худжвири «Кашф ал-махдуб»).

¹⁵ Абдурахмони Чоми. Осор. Чилди ҳашгум. Нафахот ал-унс. Душанбе, 1990, с. 129-132; Алишер Навоий. Мукамал асарлар туплами. 17 том. Насойим ул-муҳаббат. Тошкент, 2001, с. 482-498. Ушбу мавзу борасида шарқ ва ғарб тилларда кўламли адабиёт мавжуд: Women of Sufism. A Hidden Treasure. Writings and Stories of Mystic poets, scholars and saints. Selected and introduced by Camille Adams Helminski. Boston & London: Shambala Publications, 2003.

тарқалган, аёллар санъат ва бадиий ижоднинг турли жанрларида – шеърят, мусиқа, ракс, хунармандлик ва ҳоказоларда катта ютуқларга эришган.

Ўрта Осиёнинг туркий ва форсий шеърятда хотин-қизлар ижоди алоҳида йўналишни ташкил этиб, ўнлаб шеърят юлдузлари ижоди бизга мерос қолган (айниқса XVIII асрда ва XX аср бошида): Зебунисо, Увайсий, Нодира, Маҳзуна, Муаззамхон ва бошқалар¹⁶. Улар орасида Туркистон аёлларининг мураккаб тақдирини англаб етган ўзининг ижтимоий-фалсафий йўналиши билан Анбар отин (1870-1914) шеърятни ажралиб турарди. Ўрта Осиёнинг шаҳар маданиятида мусиқа билан бир қаторда ижодиётнинг яна бир тури бор эдики, бунда ўзига хос гендер ижодий ҳамжиҳатлик, мусобақа мавжуд эди, буни “воситаланган гендер мулоқот” деб аташ мумкин. Шоира аёллар ўзларидан аввал яшаб ўтган ўтмишдошларининг ва замондошларининг, уларнинг орасида эркаклар ҳам бўлган, асарларига “назира”лар ёзишган. Сарой шоири Фазлий билан кўнлик олимнинг кизи Маҳзуна (XIX аср)¹⁷ ўртасидаги шеърый мусобақа тўғридан-тўғри гендер ўзаро ҳамжиҳатлик намунаси бўлиб хизмат қилади.

Исломи дини устунлик қилган даврда хотин-қизлар ижоди учун ижтимоий соҳалар, расмий маросимлар ва тадбирларда қатнашиш тақиқланган эди. Аёллар санъатидан фойдаланиш шаклигина (раққосалар, мусикачилар, ашулачилар ва б.ш.), айнақса, сарой маданиятида эркакларнинг - ҳукмдорлар, зодагонлар, шаҳарлик бойларнинг кўнгилхушлиги учун сақланиб қолган. Бухоро амирларининг сарой штатида одатда аёл раққосалар ва ашулачиларнинг (созандалар) махсус гуруҳи бўлган. Аёл киши сарой “концертларида” тамбурда мумтоз мусиқа ижрочиси сифатида чикқанлиги тўғрисидаги маълумотлар камдан-кам учрайди (масалан, амир Олимхон ҳузуридаги Оймуллои Тамбурий шу жумладан)¹⁸. Ўша даврда ахлоқ посбонлари одоб-ахлоқнинг энг кичик бузилишлари, яъни аёл билан эркакнинг ошқора ёки яширин мулоқотларини устидан ҳам кузатиб борганлар. Шарқшунослик адабиётларидан бирида қуйидагилар қайд этилган: “XIX аср охирида камбағал бир аёл қизи билан Бухорога келиб қолади ва созандага шогирд тушади [хотин-қизларнинг ракс ва вокал санъати, Бухоро ва Самарқандда тарқалган – А.Ж.]. Тез орада бу ширали овоз соҳибаси зўр раққоса ва ашулачи бўлади. Уни нозиклиги ва нафислиги учун халқда Майда-кичкина деб аташган. Кунларнинг бирида бу қиз эркаклар тўдасида ижро

¹⁶ Тухтасин Жалолов. Ўзбек шоирлари. Тошкент, 1980. Шунингдек қаранг: Хакима ва Мутриба. Шеърлар. Нашрга тайёрловчи Муҳаммаджон Маҳмудов. Тошкент: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1962. 48-б.

¹⁷ Юқорида зикр этилган Фазли тузган шоирдар антологиясида акс эттирилган: Мажмуат ашшуара. Ташкент: Типо-литография В.М.Ильина, 1900, с. 502-503.

¹⁸ Якубова М. Как я стала актрисой. Ташкент, 1984, с. 20.

қилмоқчи эканлиги ҳақида амирга хабар етказишади. Аслида эса уни бойваччалар тўдасига алдаб олиб келишади. Майда уйга қадам босишга ҳам улгурмай, уни миршаблар қуршаб олади ва тунда отиб ташлашади. Уни ҳатто чачвонини ечмаган ҳолда ўлдиришади: ислом қонунарига қўра, аёл киши жамоат жойида ва улими олдидан ҳам юзини очишга йўл қўйилмаган. Бу воқеа тахминан 1903 йилда юз берган. Ушбу фактни М.С.Андреев ҳам тасдиқлайди [машҳур рус совет шарқшуноси, 1873-1948 - А.Ж.]”¹⁹.

Ашулани ёки раққоса аёлга нисбатан муносабат иккиёклама бўлган. Ўрта аср манбаларидан бирида мусиқачи аёлни олтинга ёки фоҳишага тенглаштирилган мисолни учратамиз: “Ахир олим ва билимли эркаклар шундай деган: “Олтиндан худди мусиқачи ёки фоҳишадан фойдаланган сингари фойдаланиш ва ундан эркаклар лаззатланиши керак. Уни ўзгалар нигоҳидан ҳам асраш керак бўлган қонуний хотин сингари асраш ярамайди”²⁰. Шунини тан олиш керакки, ўз санъатини омма олдида намойиш эта оладиган (асосан тўйларда раққосалар ва қўшиқчилар) ижрочи аёлга бундай муносабат ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган.

Аёл лаззатланиш манбаи сифатида минглаб шеърӣ сатрларда мадҳ этилган ҳамда фалсафӣ-ахлоқӣ ва бошқа асарларда қуйланган. Ўрта аср тарихий манбаларида аёллар ижоди батафсил ёритилмаган, бу ҳам унинг ижтимоӣ мақоми пастигидан далолат беради. Шунга қарамай, айрим маълумотлар сақланиб қолган ва уларнинг кўпи ҳали ўрганилмаган. Мана, масалан, XV-XVI асрларда хотин-қизларнинг бадий ҳунармандчилик турларида, касб-корларда ва бошқа машғулотларда иштироки (мусиқачилар, ашулчилар, раққосалар, йиғи берувчилар турли ҳунармандлар, ювгучилар ва ҳоказо) шунини кўрсатадики, “ўрта асрлар жамиятида аёллар тўлиқ ажратилиб қўйилмаган”²¹.

Ўрта Осиё маданияти тарихида хотин-қизларнинг маънавий ҳаётда (сўфӣ аёллар, эшонлар, кейинчалик – отинойи, эшонбиби, аямулло ва ҳоказо) ва ўз даврининг сиёсий воқеаларида, бадий ижодда ҳамда унинг аҳамияти ортишидаги иштирокига кўплаб мисоллар бор²². Бироқ, улар умуман олганда барқарор тизимли ижтимоӣ ҳодисани ташкил этмай, кўпроқ Ўрта Осиё шаҳар маданиятида умумий маданият билан зиддиятга

¹⁹ Нурджанов Н. Традиции созанда в музыкально-танцевальной культуре таджиков на рубеже XIX-XX веков. В кн.: Музыка народов Азии и Африки. Выпуск третий. М., 1980, с. 153.

²⁰ Джумаев А.Б. Общественное положение музыканта на средневековом Востоке. В кн.: Культура Среднего Востока – развитие, связи и взаимодействия (с древнейших времен до наших дней). Музыкальная, театральная культура и фольклор. Ташкент, 1992, с. 16-28.

²¹ Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана в XV-XVI вв. Ташкент, 1985, с. 53.

²² Аёлларнинг мусулмон Шарқ сиёсий таҳидаги ўрни ҳақида турк таджикодчиси китобида қаранг: Баҳрие Учок. Женщины-правительницы в мусульманских государствах. Москва, 1982.

киришувчи истиснолардир. Ютуқлари кейинчалик мустаҳкамланмаган ва ривожлантирилмаган алоҳида тарихий даврлар хусусида фикр юритиши мумкин. Нисбий гендер тенг ҳуқуқлилиқ ва маданиятдаги мулоқот ислом маданияти ривожланган даврда – X-XII асрларда, XIV-XV асрларнинг иккинчи ярмида кузатилган; уларнинг ахамияти анча пасайиши – XVI асрдан XX асргача давом этган.

Шу тариқа ислом дини Ўрта Осиёдаги тарихий эволюцияси мобайнида (энг аввало шаҳар муҳитида) эркаклар ва аёллар ижодий жараёнининг алоҳида шаклини мустаҳкамлаб, гендер мулоқотнинг кўринишига имкон қолдирмади.

XIX аср иккинчи ярмининг ўрталарида Россия империяси ҳудудида, Волга бўйида (Қозон, Уфа) ва Қримда ислом динининг янгиланиши (замонавийлаштирилиши) тенденцияси вуҷудга келади. Мусулмон жамятида муслима аёлларни ўқитиш ва маълумотли қилиш масаласига янгича муносабат ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилади. Биринчилар қаторида ушбу муаммога татар олими ва маърифатпарвари Шиғабуддин Маржоний (1818-1889) мурожаат этган, унинг фикрича, аёлларга таълим бериш, шу жумладан мусиқий билим бериш зарур. Муслима аёллар учун илғор Европа ва Россиянинг ютуқлари асосида таълим тизimini яратиш, уларнинг бу масалада эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги масаласини буюк қрим-татар маърифатпарвари, Россия мусулмонлари ўртасида ташкилотчи ва янгиланиш ҳаракатининг етакчиси Исмоил Ғаспирали (1851-1914) ўз асарларида ва жамоат фаолиятида катта эътибор қаратган. Мусулмон аёлларнинг озодликка чиқиши, уларнинг маданий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши тарафдори бўлган Исмоил Ғаспирали жуда катта маърифий ишларни олиб борган ва ўз ғояларини машҳур “Таржимон” газетасида, “Аёллар олами” махсус журналида, “Аёллар” (Бохчасарой, 1903) деб аталган китобида ва бошқа асарларида тарғиб қилди. Унинг ғоялари Ўрта Осиёда яхши маълум бўлган, улар туркистон маърифатчи-жадидларининг хотин-қизларга доир маданий дастурининг шаклланишига катта таъсир ўтказди.

XIX асрнинг охирида ва XX асрнинг бошларида татар зиёлилари хотин-қизларнинг ижтимоий ва ижодий фаоллиги, гендер мулоқотнинг турли шакларини намойиш этади. Ана шу муҳитда тарбия топган қўлаб аёллар Ўрта Осиё шаҳарларига йўл олиб, у ерларда умуман гендер муносабатлари ва маданий вазиятга сезиларли таъсир кўрсатади. XX асрнинг биринчи ярмида бу борада маҳаллий зодагонлар вакилларининг (турли даражадаги раҳбарлар, ижодий зиёлилар) татар аёллари билан никоҳлари муҳим роль ўйнаган.

Ўрта Осиё маърифатпарвар жадидларида интеллектуал тадқиқотга интилишнинг пайдо бўлишига кўп жиҳатдан минтақадаги рус маданияти кўмаклашди. Рус ва Европа маданияти ва санъати ютуқлари, техника янгилликлари, турмуш, ҳаёт тарзи маҳаллий зиёлиларда ўзгаришлар қилиш

зарурлиги тўғрисидаги фикрни уйғотди. Зиёлиларнинг тафаккурига шаҳарлардаги русча муҳитга хос бўлган биргаликдаги (эркаклар ва аёллар) ижтимоий маданий фаолият (гендер мулоқот) – концертлар, кечалар, оммавий йиғинлар ва ҳоказолар сезиларли таъсир кўрсатди. Айрим бадавлат жадидлар ўз ташаббусига кўра қизларига русча таълим бериб, уларни расм чизиш ва мусиқа асбобларида чалишга (шу жумладан, европача асбобларда ҳам) ўргата бошлади²³. Шу тариқа рус маданияти, Россия мусулмонлиги ғоялари, татар маърифатпарварлиги ва хотин-қизлар зиёлилари, Туркия ва Европадан келаётган янги йўналишлар Ўрта Осиё жадидларида аёл ва маданият муаммосининг долзарблигини белгилади. Аёлларга публицистик ва бадий асарларда (Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат ва бошқалар), матбуот саҳифаларида, шу жумладан расмий исломий нуктаи назарни ифодаловчи нашрларда (“Ал-Ислоҳ” ва “Ал-Изоҳ” журналлари) катта эътибор қаратила бошланди.

Бирок, умуман олганда, хотин-қизлар таълими масалаларида жадидлар анъанавий қарашларга содиқ қолди (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бундан мустасно бўлиб, шу масалага инқилобий ёндашуви учун ўлдирилган). Абдурауф Фитрат “Оила” деб номланган кичик рисола чоп этди. Унда “Қизлар ҳам билим олиши керакми?” деб номланган боб ҳам бор²⁴. Ушбу саволга ижобий жавоб берар экан, Фитрат аёллар таълимини унинг фақат анъанавий (мусулмонча) ҳаётий нуктаи назаридан – эри, оиласи, болалари тўғрисида ғамхўрлик, уй-рўзгор ишларини бажариш жиҳатидан таърифлайди. Амалда жадидларнинг мақолаларида аёллар масаласи исломий матнлар (Қуръон, суннат, фикҳга оид мумтоз асарлар) доирасида ҳал қилинар эди. Ўрта Осиёда жадидлар маданий ислохотларининг тадқиқотчиси Адиб Ҳолид шундай деб ёзади: “Ўрта Осиё жамиятида хотин-қизлар аҳволининг танқиди жадидлар ислохотларининг ажралмас қисмини ташкил этар эди. Умуман, мусулмон дунёсидаги каби Ўрта Осиё жадидлари полигамия амалиётини, хотин-қизларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати пастлиги, уларда маълумот етишмаслигини танқид қилар эди. Бирок, жадидлар бундай танқиднинг қонунийлигини замонавий билим воситасида эришиладиган “соф” исломни англашда кўрар эдилар [...]”²⁵.

²³ Таниқли маърифатчи Саидносир Миржалиловнинг (1878-1937) оиласи бунга ёрқин мисол. Унинг уйида миллий чолгулар билан бир қаторда Европа асбоблари - пианино, гитара, мандалина, скрипка ҳам бор эди, ҳамда қизларининг турли чолгуларни чалишга ва расм чизишга бўлган қизиқиши рағбатлантирилди. Қаранг: Зарифа Саидносирова. Ойбегим менинг. Хотиралар. Тошкент, 1994, с. 32, 34-35.

²⁴ Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. //Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова. Таржимон ва изохлар муаллифи: Ш.Вохидов. Нашрга тайёрлашда Д.Рашидова ва Г.Музаффар кизи иштирок эди. Тошкент: «Маънавият», 1998, 95-100-б.

²⁵ Adeeb Khalid. The Politics of Muslim Cultural Reforms. Jadidism in Central Asia. Berkeley and Los Angeles: University of California Press, 1998, p. 222.

Марказий Осиёда исломни аста-секин эволюцион янгилаш ва замонавийлаштиришнинг мураккаб жараёни совет ҳокимияти томонидан тўхтатиб қўйилди. XVIII асрнинг охирида ҳалокат ҳолатига тушиб қолган ислом дини ривожланиш учун ўзининг ички имкониятларини амалга ошира олмай, бу масалада совет ҳокимиятининг расмий сиёсатига таъсир кўрсатишдан четлаштириб қўйилди. Бироқ, бунда анъанавий жамият ва ундаги аёллар турмуш тарзига ўз таъсирини сақлаб қолди.

Айни пайтда мусулмон Шарқи мамлакатларида ислом динини ислоҳ қилиш тажрибаси шуни кўрсатдики, хотин-қизлар аҳволи масаласи энг мураккаб ва мунозаравий бўлиб қолаверади. Унинг ҳал қилиниши кўпинча ислом дини маданияти ва замонавий маърифий жамият даражасига боғлиқ эди. Индонезия Президенти Сукарно шундай деб ёзган: “Мусулмон жамияти маданияти (мусулмон дини эмас) аёлга унга муносиб ўрин ажрата олмай қолганидан буён мусулмон маданияти куёши ботди ёки ҳеч бўлмаганда қоронгулашди!”²⁶.

Жадидларнинг хотин-қизлар масаласига оид меросини қайта ўзлаштириш ишлари Ўзбекистонда ва Марказий Осиёнинг бошқа республикаларида мустақилликка эришилгандан кейин бошланди.

Тарихнинг совет даврида муаммони ҳал қилиш йўллари. Ўрта Осиё республикаларида ва Қозоғистонда “хотин-қизлар” масаласини ҳал этиш совет тажрибаси алоҳида эътиборга молик²⁷. У катта ижобий ва жиддий салбий оқибатларга эга.

Маданий қурилишнинг биринчи босқичи (1917 йилдан 1940-йилларнинг бошларигача) эълон қилинган маданий инқилоб доирасида амалга оширилган. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки: 1) янги маданиятнинг қарор топиши ва унга хотин-қизларни жалб этиш инқилобий йўл билан, кўпинча зўрлаш ва мажбурлашнинг турли усуллари кўллаш орқали амалга оширилган; 2) маданиятнинг ўзи, унинг мазмуни ва характери ушбу маданий-тарихий ва ижтимоий эксперимент давомида тубдан ўзгариб борган. Янги совет социалистик маданиятини қарор топтириш аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини кўзда тутган. У анъанавий турмуш тарзи ва у билан боғлиқ анъанавий маданиятга фаол ҳужум қилиш билан бирга кечган. Бундай маданиятнинг асровчилари, энг аввало, аёллар бўлган.

Янги маданиятни қарор топтириш мураккаб жараён бўлган. Уни идеаллаштириш ҳам, айни пайтда фақат бузғунчи ва салбий хусусиятларнигина ажратиб кўрсатиш ҳам керак эмас. Уни зиддиятли ва фожиали, айни пайтда ўзгаришлар табиатига кўра далил ва инқилобий деб

²⁶ Сукарно. Сарина. Задачи женщин в борьбе республики Индонезии. Перевод В.В.Агафонова и В.И.Печурова. Второе издание. М., 1961, с.18.

²⁷ Ахмедшина Ф. Ушбу тўплам. 3-боб. Совет даврида “Хотин-қизлар масаласини” ечишнинг тажрибаси.

баҳолаш мумкин²⁸. Бунинг натижасида Ўзбекистон маданиятида анъанавий ва рус-европача ва миллий анъаналар бирикувиги асосланган янги маданиятга бўлиниш содир бўлди. Бу борада зиёли аёлларнинг роли катта бўлган. Маданият ва бадий ижодда гендер мулоқот ўрнатилди ва мустаҳкамланди. Айни пайтда янги воқеликни қабул қилмаган ёки атрофдаги ҳасадгўйлар томонидан бўҳтонга учраган эски маданиятнинг йирик намояндалари ва вакиллари жабр кўрдилар.

Совет даврида жадаллашган маданий янгиланиш ва замонавийлаштиришни ифодаловчи бир неча босқични ажратиш мумкин. Унинг нафақат инқилобий хусусиятини, балки кенг қўламини – икки хил маданият – Европа ва Шарқ маданияти, христианлик ва мусулмон маданияти тўқнашувларини эътиборга олиш керак. Жамиятнинг секуляризация қилиниш бўйича умумий йўналишига қарамай, маданиятнинг ҳар икки тури у ёки бу тарзда (яширин, воситали) ўзини намоён этар эди. Маданий инқилоб собиқ СССР ҳудудларига: Болтик бўйи давлатлари, Россиянинг марказий қисми, Волга бўйи, Сибирь, Ўрта Осиё ва Кавказ давлатларига турлича таъсир кўрсатган. Ва тегишли равишда, турлича баҳоланмоғи лозим. Қайта қуриш ва СССР таназулидан сўнг совет даври меросига нисбатан “бир тусдаги” (бир нуқтаи назардан) пайдо бўлган ёндашиш аниқ илмий асосга эга эмас.

Анъанавий маданий қадриятларни стихияли тарзда яқсон қилиш ҳоллари инқилобнинг дастлабки йилларида кузатилган. Улар синфий душман – феодал-бойлар маданияти, унинг йўлбошчилари ва ҳимоячилари – ислом клерикал доираларига нисбат бўлар эди. Ушбу даврни босиб олиш ва бузиш даври деб аташ мумкин. Тарихий туб бурилиш даврларига хос бўлган, маданиятнинг бир туридан иккинчисига мажбурий жадаллаштириш ёки зўрлаш йўли билан ўтиш пайтида кўпинча универсал салбий бузгунчилик аломатлари кўзга ташланади. Айни шу пайтда, “ҳар бир миллий маданиятдаги икки хил маданият” тўғрисидаги ленинча синфий назарияга мувофиқ, анъанавий маданиятда синфий моҳиятига кўра инқилобий тусга эга бўлган ҳамда келгусида янги маданиятни қарор топтиришда жуда катта фойда келтириши мумкин бўлган элементлар ва қатламларни излаш ишлари бошланди. “Эски маданий қадриятларни” бегона синфий аломатлардан тозалаш, уларни янги маданий маконга олиб кириш ва мослаштириш жараёни бир неча ўн

²⁸ Ушбу давр хотин-қизларининг ёрқин ва фожиали қисматлари Марфуа Тўхтаўжаеванинг китобларида ўз аксини топган: Межу лозунгами коммунизма и законами ислама. Ташкент, 2000; Утомленные прошлым. Реисламизация общества и положение женщин в Узбекистане; Судьбы и время. Штрихи к прошлому Узбекистана в устных рассказах женщин – свидетелей и современниц событий. М., 2004 (лойиха ҳаммуаллифлари – Доно Абдуразоқова, Олмоз Кодирова).

йилларга чўзилиб кетди ҳамда 1970-йилларда, айрим ҳолларда эса, ундан ҳам кечроқ муддатда яқунланди.

Янги маданиятни қарор топтириш бир неча ўзаро боғлиқ масалаларни ҳал этиш билан баровар давом этди:

1. Эски маданий тизимни енгиб ўтиш билан;
2. Жамиятнинг ялпи секуляризацияси билан;
3. Маърифат ва ижтимоий жараёнга ўтмишда эзилган ва камситилган ижтимоий синфлар ва қатламларни жалб этиш орқали;
4. Эзилган мусулмон аёлини озод этиш йўли билан.

Совет тарихчилигида Шарқ эзилган аёлининг озод қилиниши социализмнинг Шарқдаги энг кўзга кўринарли ва реал ютуқларидан бири сифатида баҳоланган²⁹. Ушбу жараённинг салбий томонлари эса одатда мардонавор кураш саҳифалари, инқилобий жараённинг сўзсиз оқибатлари сифатида баҳоланар эди. Айни пайтда, Ўрта Осиёнинг анъанавий шаҳар жамияти ва унга хос бўлган 100% диний тафаккурида совет давлатининг бу йўналишдаги инқилобий ҳаракатларининг аксарияти қаршилик уйғотди ҳамда кўпинча анъанавий консерватив ва клерикал кучлар томонидан шафқатсиз чиқишларга олиб келди. 1930-йилларнинг ўрталаригача мусулмон аёлларни озод қилиш кўпинча қон тўкилишига сабаб бўлди. Бу ҳол айниқса Ўрта Осиё шаҳарларининг аҳолисига хос бўлган либос - паранжига хужум ҳаракати давомида яққол намоён бўлди. Аёлларда озодликка интилиш туйғусини уйғотишда инқилоб маърифатпарвар шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг поэтик ижоди ва фаолияти муҳим роль ўйнади, у хотин-қизларни ўтмиш сарқитларидан озод бўлишга, паранжи ва зоҳидона ҳаётнинг бошқа аломатларидан воз кечишга ундади (“Озод хотин-қизлар кўшиғи”, “Хотин-қизлар овози”, “Ўзбек хотин-қизларига”, “8 март” ва ҳоказо). Шунингдек Ҳамза ўзларининг оми қариндошлари ва эрлари қўлида қурбон бўлган хотин-қизлар образлари галереясини (“Узилган гуллар”) яратди.

Совет ҳокимиятининг хотин-қизларни янги маданиятга жалб этиш борасидаги қарашлар уларни ана шу янги маданиятнинг фаол иштирокчисига айлантириш билан бирга олиб борилди. Совет тарихининг ёрқин ва фожиали саҳифаларидан бири бу - Шарқ аёлининг янги ижтимоий мақомини – унинг янги касбларни, хусусан, ижодий ва бадиий тусдаги касблар – ўқитувчилик, шифокорлик, артистлик касбларини танлаш билан боғлиқ. Агар 1920-йилларда аёллар ролларининг эркаклар томонидан ижро этилиши давом этган бўлса, 1930-йилларда вазият тубдан ўзгарди. Бунга жавобан театр саҳнасига чиқишга журъат этган аёллар, хотинлар, опа-сингилар, қизларнинг қанчасининг қони тўкилган. Нурхон исмли актрисанинг фожиали тақдири халқимизга маълум.

²⁹ Пальванова Б.П. Эмансипация мусульманки. Опыт раскрепощения женщины советского Востока. М., 1982.

Шунга қарамай, айнан театр сахнасида мохир ўзбек актрисалари ижросида 1920-30-йиллардаги идеал ўзбек аёли образи яратилган. Мазкур идеалнинг асосий хусусиятларини театршунос Л.А.Авдеева ифодалаб берган, у ўзбек драматургиясида сезиларли из қолдирган Комил Яшиннинг “Тулсара” мусикали драмасидаги хотин-қизлар бўлими раиси Рўзвонхон (Марям Ёқубова ижро этган) образини таҳлил этган: “Йигирманчи-ўттизинчи йиллардаги “идеал” аёл қандай бўлган? Ўзига ва қилаётган ишига мутлақо ишонадиган, мутлақо ростгўй, мутлақо ишбилармон, албатта эътиборли, қалби одамлар учун очик, ҳаётда ўз йўлини қидираётган ва бу йўлда ўзига халал берувчи нарсаларга асло тоқат қила олмайдиган аёлдир. Яна бир муҳим фазилат – ўзининг ички кечинмалари, ҳатто изтиробларини ҳам ўзгалардан яшира оладиган, ҳар қандай шароитда ўз ишини давом эттириб, ўзи ҳақида қайғурмайдиган аёлдир. Ҳа, бундай аёллар ҳаётга ва ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан бўлган. Шунга қўшимча равишда улардаги ташаббускорлик ўзига хос мурасасиз ахлоқий аскетизмни келтириб чиқарган. Бундай сифатларнинг барчаси ўша давр, ҳаёт учун зарур эди. Ҳатто ўттизинчи йиллардаги ижтимоий фаоллар ва оддий ишлайдиган аёлларнинг либослари ҳам ўша даврда дунёда урф бўлган либослардан кескин фарқ қилган. Арзон матодан тикилган инглизча ярим эркакча костюм, паст пошнали туфли, кепка ёки беретлар, юбкалар ва футболкалар. Модалар ишбилармон илғор аёлларнинг характерини ифодалаш билан бирга уларнинг ҳамда бутун мамлакатнинг оғир моддий турмушини акс эттирар эди. Ташаббускорлик, максимализм, ахлоқий поклик, ўз ишининг зарурлигига бўлган қатъий ишонч, совет турмушининг ягона, бўлинмас ҳақиқатига ишонч ва ўзини қурбон қилишга ҳозирлик ўша давр аёлларига эркаклар билан биргаликда улкан мамлакатни вайронагарчиликдан тиклаш, Магниткани бунёд этиш ва бутун ҳаётни қайта қуриш имконини берди”³⁰.

Мусулмон аёлининг маданий маърифатига ўзбек ва тожик тилларида араб графикасида, кейинчалик эса, лотин графикасида чоп этиладиган газета ва журналлар саҳифаларида катта эътибор қаратилган. Улар орасида “Аланга”, “Янги йўл” “Ўқитувчи” каби нашрлар ажралиб турарди. Маърифий ташвиқот тусидаги материалларга расмлар ва суратлар илова қилинар, бу эса уларнинг таъсирини кучайтирар эди. Янги маданиятга ўтиш учун кураш кўпинча мутлақо турлича ҳодисаларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга асосланган маданий нигилизм тусига эга бўлиб, бунда авалги маданий қадриятлар анъанавий турмуш тарзи билан бевосита боғланар эди. Бунга яққол мисол тариқасида Ўзбекистон Коммунистик партияси хотин-қизлар бўлимининг орган бўлган “Янги йўл” журналидаги “Танбурчи кизга” шеърини келтирамиз³¹. Унда

³⁰ Авдеева Л.А. Слово о Марьям. – В кн.: Якубова Марьям. Как я стала актрисой. Ташкент, 1984, с.112-113.

³¹ Янги йўл. Ташкент, 1926, № 5, с.9.

танбурнинг ғамгин наволарини тингламаслик, уни синдириб ташлашга, фабрика гудогига кулоқ солишга даъват этилади.

Маданий инқилоб натижасида зиёлиларнинг янги қатлами вужудга келди ва унда аёллар салмоқли ўринни эгаллади. Минглаб аёллар-ўқитувчилар, шифокорлар, қишлоқ хўжалиги, маданият ва санъат ходимлари, олимлар, мухандислар ижтимоий ҳаёт саҳнасига чиқди.

Улар ўртасида ижодкор аёллар алоҳида эътиборга молик. Совет даврида маданиятшунослик нуктаи назаридан ниҳоятда муҳим жараён амалга ошди: тор тизим доирасидаги шахсий ижодга бўлган ҳуқуқдан (анъанавий жамиятда совет давригача мавжуд бўлган) ижтимоий тизим доирасида ижод қилиш ҳуқуқига ўтиш (эркаклар билан барабар) содир бўлди. Аёллар орасидан эркаклар билан бир қаторда турадиган ижодкорлар етишиб чиқди. Ёзувчи аёллар, шоира аёллар, расом аёллар, актрисалар, композиторлар, муסיқачилар, дирижёрлар ва ҳоказолар пайдо бўлди. Ҳатто аёлларнинг орасида ҳам маданиятнинг у ёки бу соҳасида биринчилик учун рақобат бошланди. Биринчи ўзбек актрисаси, биринчи ўзбек фольклёрист олимаси, биринчи дирижер аёл, композитор аёл, шоира ва ҳоказо. Бунинг ўзигина эмас, балки аёлларнинг ижодий меҳнати жамият томонидан тан олинаши, умумий маданий-тарихий жараёнга киритилишининг ўзи муҳим аҳамиятга эга. Мазкур жараён совет маданий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида расмий жиҳатдан қўллаб-қувватланган, совет тизимининг асосий ютуғи бўлиб қолган.

Бироқ бундай ютуқларга берилиб кетиб, кўпинча жинсларга хос бўлган (табиий) фарқлар ёддан кўтарилган ва рад этилган. Аёлларнинг шахсий турмушида ижтимоий омил етакчилик қилган; меҳнаткаш аёл, ишлаб чиқариш илғори, янги жамиятнинг фаол бунёдкори. Шахсий ҳаётга, айниқса ижтимоий фаол аёлларнинг шахсий ҳаётига узоқ вақт давомида алоҳида эътибор қаратилмаган, унинг замонавий совет оиласидаги муносиб она образини ҳисобга олмаганди. Аёлнинг жинсий ҳаёт иккинчи, ва ҳатто учинчи ўринга суриб чиқарилади. Мазкур муаммо эндигина англаб етилмоқда, шунда ҳам фақат эълон қилиш даражасида.

Жамият ва давлатнинг ижтимоий ва маданий масалаларини тезкор ҳал қилиш усули сифатида танланган зўравонлик эртаги-кечми ўз асоратларини келтириб чиқариши керак эди. Кечроқ бўлса-да, 1950-йилларнинг ўрталарида зўравонлик шакли “йўриқномавий кўрсатмалар”га ўзгартирилди, ижтимоий муаммоларни зўравонлик йўли билан ҳал қилиш қайта қуриш даврида Ўрта Осиёнинг барча республикаларида, бутун СССР ҳудудларида акс миллатчилик ҳаркатларни юзага келтирди. Анъанавий маданият, анъанавий турмуш тарзи, дин, тарихий ўтмишга нисбатан йўл қўйилган зўравонлик яқин ўтмишни ва совет даврининг барча ютуқларини қайта баҳолашга сабаб бўлди.

Мустақиллик йилларида хотин-қизлар маданий фаолиятининг анъанавий шакллари ва турлари жадаллик билан тиклана бошланди. Вилоятлар ва қишлоқларда, маҳаллаларда аёллар ҳамжамиятига отин-ойилар таъсири кучайди. Айрим тадқиқотчилар уларни исломий кадриятларни мужассамлаштирган анъанавий маданият ташувчилари сифатида баҳолай бошлади.

Ҳозирги давр анъанавий диний йўналишлар билан жамиятнинг янги қарашлари ўртасида мувозанатга интилиш билан тавсифланади. Жамиятда устунлик учун кураш кечмоқда. Бу бир томондан, совет дарвидаги турғунлик йилларидан сўнг хотин-қизлар ташкилотларининг фаоллигини кўрсатса, иккинчи томондан, аёлларнинг тикланаётган анъанавий турмуш тарзига қаршилиқни англатади. Маданий ҳаётнинг эски тарихий шаклларига қайтиш асосан қишлоқ жойларида ва шаҳарларда маҳаллалар доирасида содир бўлмоқда. Фаол аёлларнинг фақат кичик бир қисмигина асосан халқаро ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватлангани ҳолда маданий ҳаётнинг замонавий шаклларини сақлаш ва ривожлантириш борасида иш олиб бормоқда.

Давлат анъанавий турмушдаги зиддиятлар ва кўп томонламалиликни эътиборга олгани ҳолда, эҳтиёткорлик билан мураккаб сиёсат юритишга мажбур бўляпти. Анъанавий турмушга иккиёқлама муносабат мавжуд: бир томондан, анъаналар давлат сиёсат даражасида қўллаб-қувватланади, иккинчи томондан эса – уларнинг ҳаддан зиёд кучайиб кетиши ва замонавий шакллари сиқиб чиқариши хавфи бор ва бу яхши англашилади. Ўзбекистон учун, мусулмон дунёсининг бошқа кўпгина давлатларига (масалан, Туркия, Эрон ва Ҳоказо) хос жиддий муаммо кун тартибига чиқмоқда: эски ва янгининг уйғунлигига, анъанавий ва замонавий тушунчаларнинг мувозанатига эришиш.

Ўзбекистоннинг алоҳида маданий анъаналарида гендер (Фарғона-Тошкент, Бухоро-Самарқанд, Хоразм ҳудудлари). Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида аниқ ажралиб турадиган ўзига хос гендер бадиий анъаналар вужудга келган. Ўзбекистон маданиятида ўзига хос бадиий анъаналарига эга бўлган учта йирик маҳаллий ҳудуд фарқланади: Фарғона-Тошкент, Бухоро-Самарқанд, Хоразм³². Аслида Ўзбекистон маданияти ранг-барангдир, унда халқ бадиий санъатининг кўплаб маҳаллий кўринишларини учратиш мумкин.

Эслатиб ўтилган ҳар бир маҳаллий ҳудуд маданиятида ўзига хос гендер бўлиниш мавжуд, улар мисолида Ўзбекистоннинг анъанавий муҳитида аёллар санъати амал қилишининг ўзига хос хусусиятларини кузатишимиз мумкин. Хотин-қизлар санъатининг барча маҳаллий кўринишлари, услубий ва бадиий-эстетик фарқлари бўлишига қарамай,

³² Қаранг, масалан: Н.Н. Миронов. Песни Ферганы, Бухары, Хивы. Самарқанд-Ташкент, 1931.

ўзларининг ижтимоий ва маънавий ҳаётдаги вазифалари билан бир-бирига мос келади. Ўтган асрда мазкур учта ҳудудда, бутун Ўзбекистондаги каби аёллар ва эркекларнинг ижодий ҳаёти намён бўлиш шакллари ва негизларига кўра қатъий фарқланган. Уларнинг ўзига хос кўнгил очиш ва хордиқ чиқариш турлари, байрамлари ва улардан келиб чиқадиган маросимлари мавжуд бўлиб, аҳамиятига кўра бир-бирига мос келса-да, амалда бир-бирига таъсир кўрсатмаган. XX асрда совет даврида айрим ҳолларда аёллар ва эркеклар ижоди ўртасидаги чегаранинг йўқ қилинишига эришилди, лекин айрим ҳолларда гендер ихтисослашув сақланмоқда.

Эркеклар ва аёлларнинг маданий ҳаётига хизмат кўрсатиш учун махсус эркеклар ва аёллар “ижодий уюшмалари” мавжуд. Масалан, Бухоро, Фарғона ва Хоразм мусикали ҳаётида махсус аёллар ансамбллари мавжуд, масалан – созандалар, яллачилар, халфа каби. Созандалар ижоди мисолида аёллар бадиий санъатининг вазифалари ва уларнинг эркеклар ижоди билан алоқаларини кузатиш мумкин.

Бухоролик созандалар сўнгги асрлар мобайнида (XIX-XX асрлар) ўзларида мусика, ракс ва театрни бирлаштирган санъат турини яратган. Созандалар санъатининг ўзига хослиги шундаки, улар аёллар томонидан яратилган репертуарда эркеклар ижоди намуналарини ўз талаб ва эҳтиёжларига мослаштирган ҳолда фойдаланадилар. Масалан, созандалар халқ оғзаки санъати билан бирга эркеклар ижоди намунаси бўлган мақом санъатига мурожаат этишган. XX асрда созандаларнинг тор ижодий муҳитида жиддий ўзгариш содир бўлди: ансамблларда эндиликда эркеклар ҳам иштирок эта бошлади. Айни пайтда созандалар ҳамон ёпиқ профессионал тузилма бўлиб, бошқа ижодий бирлашмалардан фарқли равишда, ўзи фаолиятининг анъаналарини сақлаб қолган (касб пирлари ва аввалги усталар арвоқини хотирлаш, камарбандон маросимлари каби). Шаҳар ва вилоятларда созандаларнинг ижтимоий мақоми анча юқори, уларнинг санъатини халқ севади ва ҳурмат қилади. Айни пайтда уларга иккиёклама муносабат кузатилади. Бунинг сабаби созандалар доираси ёпиқлиги туфайли вужудга келадиган турли миш-мишлар билан боғлиқ (гўёки уларнинг энгилтаклиги, аёллар ўртасидаги алоҳида муносабатлар мавжудлиги ва ҳоказо). Ушбу санъат ривожининг сўнгги босқичида (XIX аср охирилари - XX аср бошларида) уларда яхудий динига мансуб бухоролик жухудлар иштирок эта бошлагани бежиз эмас. Бундай ҳолат созандаликни ислом қоидалар ва ахлоқи билан қўшиб олиб бориш мумкин эмаслиги билан изоҳланади.

Мустақиллик шароитида хотин-қизлар бадиий ижодининг алоҳида анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларнинг халқ ижодиётининг ўзига хос шаклларини, халқ хунармандчилигини ривожлантиришни қўллаб-қувватловчи халқаро сайёҳлик бизнесига фаол қўшилишлари билан бу жараён рағбатлантирилмоқда.

Ҳозирги дунёни қамраб олган глобаллашув жараёнида чуқур ички зиддиялар мавжуд бўлиб, бир томондан, миллий маданиятларнинг кўп хиллилигини унификациялаш ва стандартлаштириш, бошқа томондан, ўз миллий маданиятларига кучайтирилган эътибор, миллий ва этник ўзини англашнинг жўшқин юзага чиқиши, турли маданиятлар ва дунёларда маданий анъаналарнинг қарама-қаршилиги содир бўлмоқда. Бундай вазиятда христиан ва мусулмон дунёларидаги маданий анъаналар бир-бирига нисбатан ўта зиддиятли бўлиб қолмоқда.

Бироқ ҳозирги замондаги туб ўзгаришлар у ёки бу жамият, давлат, маданиятнинг маданий ҳолатига баҳо беришдаги энг жиддий кўрсаткичлар ва меъзонлардан бири бўлган аёлга ва болага муносабатни ўзгартира олмади. Маълумки, бу меъзондан кўпинча турли сиёсий мақсадларни кўзлаб фойдаланишади, бу эса XX асрнинг давлат-мафкуравий амалиётида айниқса яққол намоён бўлди. Бундай вазиятлар гендер ва маданият муаммосини алоҳида аҳволга солиб қўяди ва уларга доимий эътиборни талаб қилади.

Ҳозирги гендер ва маданият муаммоси модели камида 3та муҳим ишни ўз ичига олмоғи даркор: 1) қонун билан мустаҳкамланган ва хотин-қизлар томонидан реал амалга ошириладиган маданий ривожланиш ва таълим олиш ҳуқуқи, 2) маданият ва санъат ютуқларидан эркин тенг ҳуқуқли фойдалана олиш, 3) гендер фарқларни тан олган ҳолда маданий ва бадиий қадриятларни яратишда қатнашиш (ўзини намоён этиш).

Ўтмишда мана шу учта санаб ўтилган бандни баб-баравар амалга оширган жамиятни топиш мушкул. Аён бўлиб турибдики, мақсад ҳам ана шуларга эришиш, маданиятда гендер ривожланишнинг ҳозирги замондаги жараёни ҳам шу мақсадга қаратилган. Бундай ҳаракатнинг муваффақияти кўп жиҳатдан энг хилма-хил анъаналар ва маданиятларда шу соҳада тўпланган улкан тарихий тажриба қанчалик чуқур ва ҳар томонлама назарда тутилишига ва қайтадан англанишига боғлиқдир.

АДАБИЁТ:

1. Авдеева Л.А. Слово о Марьям. – В кн.: Якубова Марьям. Как я стала актрисой. Ташкент, 1984. (Авдеева Л.А. Марьям ҳақида сўз. – Якубова Марьям. Как я стала актрисой. Ташкент, 1984 китобида.)
2. Алимова Д.А. Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941 гг.). Краткий историографический очерк. Ташкент: Издательство «ФАН» Узбекской ССР, 1987. (Алимова Д.А. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласининг ечилиши (1917-1941 гг.). Қисқа историография очерки. Ташкент: Издательство «ФАН» Узбекской ССР, 1987.)
3. Введение в гендерные исследования. Часть I. Учебное пособие. Под редакцией Ирины Жеребкиной. Харьков: ХЦГИ, Санкт-Петербург: Издательство «Алетейя», 2001 (раздел Альмиры Усмановой)

- «Гендерная проблематика в теории культуры», с. 427-492). (Гендер тадқиқотларга кириш. 1-қисм. Ўқув қўлланма. Ирина Жеребкина таҳрири остида. Харьков: ХЦГИ, Санкт-Петербург: Издательство «Алетейя», 2001.) (Алмира Усмонованинг “Маданият назариясида гендер муаммолари” 427-492-б.лар.)
4. Введение в гендерные исследования. Часть II. Хрестоматия. Под редакцией Сергея Жеребкина. Харьков: ХЦГИ, Санкт-Петербург: Издательство «Алетейя», 2001 (здесь подборка статей зарубежных авторов в разделе «Гендерная проблематика в теории культуры», с. 649-758). (Гендер тадқиқотларга кириш. II -қисм. Хрестоматия. Сергей Жеребкин таҳрири остида. Харьков. ХЦГИ, Санкт-Петербург: Издательство «Алетейя», 2001.) (бу ерда хорижий муаллифларнинг “Маданият назариясида гендер муаммолари” бўлимидаги мақолалари термаси.)
 5. Ал-Газали ат-Туси, Абу Хамид Мухаммад. Кимийа-йи са’адат («Эликсир счастья»). Часть 1: Унваны 1-4. Рукн 1. Перевод с персидского А.А.Хисматулина. Санкт-Петербург, 2002.
 6. Жалолов, Тўхтасин. Ўзбек шоирлари. Тошкент, 1980.
 7. Джумаев А.Б. Общественное положение музыканта на средневековом Востоке. – В кн.: Культура Среднего Востока – развитие, связи и взаимодействия (с древнейших времен до наших дней). Музыкальная, театральная культура и фольклёр. Ташкент, 1992, с. 16-28. (Жумаев А.Б. Ўрта аср Шарқида музрибнинг ижтимоий ҳолати.)
 8. Миронов Н.Н.. Песни Ферганы, Бухары, Хивы. Самарканд- Ташкент, 1931. Миронов Н.Н.. Фарғона, Бухоро, Хива кўшиқлари. Самарканд-Ташкент, 1931.)
 9. Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана в XV-XVI вв. Ташкент, 1985. (Мукминова Р.Г. Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг XV-XVI асрларда ижтимоий дифференциацияси. Ташкент, 1985.)
 10. Бахрие Учок. Женщины-правительницы в мусульманских государствах. М., 1982. (Бахрие Учок. Муслмон давлатларда хокималар. М., 1982)
 11. Азамат Зиё. Ўзбек аёллари тарих саҳнасида. Томир хотун, Кабаж хотун, Сароймулкхоним, Гавхаршодбегим. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Фан» нашриёти, 2002.
 12. Пальванова Б.П. Эмансипация мусульманки. Опыт раскрепощения женщины советского Востока. М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1982. (Полвонова Б.П. Муслмон аёлнинг эмансипацияси. Совет Шарқи хотин-кизларининг эркинликка чиқиш тажрибаси. М.: Наука. Главная редакция восточной литературы, 1982.)

13. Пол. Гендер. Культура. Немецкие и русские исследования. Сборник статей./ Составление и общая редакция: Элизабет Шоре, Каролин Хайдер. Вып 1. М.: Российский Государственный гуманитарный Университет, 1999; Вып. 2. М., 2000. (Жинс. Гендер. Маданият. Немис ва рус тадқиқотлари. Мақолалар тўплами./Тузиш ва умумий таҳрир: Элизабет Шоре, Каролин Хайдер. Вып 1. М.: Россия Давлат Гуманитар Университети, 1999; Вып. 2. М., 2000.)
14. Саидносирова, Зарифа. Ойбегим менинг. Хотиралар. Тошкент, 1994.
15. Толстов С.П. Древний Хорезм. Опыт историко-археологического исследования. М.: Издание МГУ, 1948. (Толстов С.П. Қадимги Хоразм. Тирихий археологик тадқиқот тажрибаси. М.: Издание МГУ, 1948)
16. Тохтаходжаева Марфуа. Между лозунгами коммунизма и законами ислама. Ташкент, 2000. (Тўхтаҳўжаева Марфуа. Коммунизм шиорлари ва ислом қонунлари орасида. Ташкент, 2000.)
17. Фитрат, Абдурауф. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. //Масъул муҳаррир: Д.А.Алимова. Таржимон ва изоҳлар муаллифи: Ш.Воҳидов. Нашрга тайёрлашда Д.Рашидова ва Г.Музаффар кизи иштирок эди. Тошкент: «Маънавият», 1998.
18. Янги Йул. Ташкент, 1926, № 5, с.9.
19. Adeeb Khalid. The Politics of Muslim Cultural Reforms. Jadidism in Central Asia. Berkeley and Los Angeles: University of California Press, 1998. (Адиб Халид. Ислом маданият ислохотлар сиёсати. Марказий Осиёда жадидчилик. Беркли ва Лос Анжелес: Калифорния Университети Матбуоти, 1998.)
20. Сукарно. Сарина. Задачи женщин в борьбе Республики Индонезии. Перевод В.В.Агафонова и В.И. Печкурова. Второе издание. М., 1961. (Сукарно. Сарина. Индонезия Республикаси курашида хотин-қизлар вазифалари. В.В.Агафонов ва В.И. Печкуров таржимаси. Иккинчи нашр. М., 1961.)
21. Can Liberal Pluralizm be Exported ? Western Political Theory and Ethnic Relations in Eastern Europe. Edited by Will Kymlicka and Magda Opalski. Oxford: Oxford University Press, 2001 (Либерал плюрализмни экспорт қилиб бўладими? Гарб сиёсий назарияси ва Шарқий Европадаги этник муносабатлар. Вилл Кимлицка ва Магда Опалски таҳририда. Оксфорд: Оксфорд Университети Матбуоти, 2001)
22. Djumaev Alexander. Nation Building, Culture, and Problems of Ethnocultural Identity in Central Asia: The Case of Uzbekistan. – In: Can Liberal Pluralizm be Exported? Western Political Theory and Ethnic Relations in Eastern Europe. Edited by Will Kymlicka and Magda Opalski. Oxford: Oxford University Press, 2001, p. 320-344. (Жумаев Александр. Миллатнинг вужудга келиши, маданият ва Марказий

- Осиёда этник ва маданий ўзни таниш масалалари. Либерал плюрализмни экспорт қилиб бўладими? Гарб сиёсий назарияси ва Шарқий Европадаги этник муносабатлар. Вилл Кимлицка ва Магда Опалски тахририда. Оксфорд: Оксфорд Университи Прес, 2001 китобида. 320-344-б.лар)
23. Gender and Music (Section 4). – In: The Garland Encyclopedia of World Music. Volume 6. The Middle East. New York and London, 2002, p. 289-307. (Гендер ва мусика. (4 бўлим)).
 24. Slobin Mark. Music in the Culture of Northern Afghanistan. Tucson, Arizona, 1976. (Слобин Марк. Шимолий Афғонистон маданиятида мусика. Туксон, Аризона, 1976)
 25. Давыдова Н.А. Женские образы в советском искусстве (концепция личности). – В кн.: Труды Академии художеств СССР. Выпуск 5. М., 1988, с. 53-72. (Давидова Н.А. Совет санъатида хотин-қизлар образлари (шахс концепцияси). – Труды Академии художеств СССР. Выпуск 5. М., 1988, китобида. 53-72-б.лар)
 26. Зиганшина Н., Абдуллаев Ш. Мир глазами женщины. Мастера изобразительного и декоративно-прикладного искусства Узбекистана. Ташкент, 2000. (Зиганшина Н., Абдуллаев Ш. Аёл назари билан кўрилган дунё. Ўзбекистон тасвирий ва декоратив амалий санъат усталари. Ташкент, 2000.)
 27. Романовская Е.Е. Народные песни, записанные от ферганских женщин. – В кн.: Романовская Е.Е. Статьи и доклады. Записи музыкального фольклора. Составитель М.С.Ковбас. Ташкент, 1957, с. 63-136. (Романовская Е.Е. Фарғона хотин-қизларидан ёзиб олинган халқ кўшиқлари. – Романовская Е.Е.)
 28. Олимбоева-Аҳмедова, Карима. Ўзбек аёли ҳаётида мусика. Тошкент: Ёзувчи нашриёти, 1996.
 29. Razia Sultanova. Musik hinter Wänden. Im Verborgenen tradiert – die rituelle sufische Musik von Frauen. – In: Abseits der Seidenstraße. Kunst und Kultur aus Zentralasien. Berlin: Haus der Kulturen der Welt, 2002, p.28-31. (Разия Султонова. Девор ортидаги мусика. Хилват жойда – мутасаввуф аёллар мусика маросимлари.)
 30. Султанова Разия. Поющее слово узбекских обрядов (опыт лирического исследования). Ташкент, 1994. (Султонова Розия. Ўзбек маросимларининг куйловчи сўзи (лирик тадқиқот тажрибаси). Ташкент, 1994.)
 31. Тохтаходжаева Марфуа. Утомленные прошлым. Реисламизация общества и положение женщин в Узбекистане. Ташкент, 2001. (Тўхтаҳўжаева Марфуа. Ўтмиш чарчатганлар. Жамиятнинг қайта исломийлашуви ва Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳоли. Ташкент, 2001.)

32. Капустин М.П. Диалектика национального и общечеловеческого в художественной культуре Советского Востока. Ташкент: ФАН, 1978, с. 120 – Выражение общечеловеческой духовности через образ новой женщины Советского Востока. (Капустин М.П. Совет Шарки бадий маданиятида миллий ва умумбашарий ҳодисаларнинг диалектикаси. Ташкент: ФАН, 1978, с. 120 – Совет Шарки янги аёли образи орқали умумбашарий маънавийликнинг ифодаси.)
33. Мейер М.С. Послесловие редактора. – В кн.: Бахрие Учок. Женщины-правительницы в мусульманских государствах. М., 1982, с. 146-154. (Мейер М.С. Мухаррир хотима сўзи. Бахрие Учок. Мусулмон Давлатларида хокималар. М., 1982, китобида. 146-154-б.лар.)
34. Adeeb Khalid. The Politics of Muslim Cultural Reform. Jadidism in Central Asia. Berkeley and Los Angeles: University of California Press, 1998, p. 145-154 – Public morality; p. 222-228 – Women and the Nation. (Адиб Холид. Ислохотлар маданияти ислохотлар сиёсати. Марказий Осиёда жадидчилик. Беркли ва Лос Анжелес: Университети Калифорния Матбуоти, 1998, 145-154-б.лар – Жамият ахлоқи; 222-228-б.лар – Хотин-қизлар ва миллат.)
35. Femmes et Islam. Actes du colloque. Role et statut des femmes dans les sociétés contemporaines de tradition musulmane, Paris, CHEAM, 15-16 decembre 1999. Paris, 2000. (Хотин-қизлар ва ислом.)
36. Nabiba Fathi. Le Pouvoir des otin, institutrices coraniques dans L'Ouzbekistan contemporain. – Cahiers d'Asie centrale, 5-6. Edisud, 1998. (Ҳабиба Фатхий. Отинлар, ҳозирги Ўзбекистондаги Куръон ўқитувчиларининг аҳамияти. 1998.)
37. Женщина в мифах и легендах. Энциклопедический словарь. Автор-составитель О.П.Валянская. Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1992. (Миф ва афсоналарда хотин-қизлар. Энциклопедик луғат. Тузувчи муаллиф О.П.Валянская. Ташкент: Главная редакция энциклопедий, 1992.)
38. Троицкая А.Л. Женский зикр в старом Ташкенте. – Сборник Музея антропологии и этнографии, т.VII. Ленинград, 1929. (Троицкая А.Л. Эски Тошкентда аёллар зикри. – Сборник Музея антропологии и этнографии, т.VII. Ленинград, 1929.)
39. Женщина и время. Узбекистан. XX век. Автор и составитель Нелли Зиганшина. Ташкент, 2002. (Хотин-қизлар ва замон. Ўзбекистон. XX аср. Муаллиф ва тузувчи Нелли Зиганшина. Ташкент, 2002.)

6-Боб ТАРИХ ФАНИДА ГЕНДЕР МУАММОЛАРИ

«АЁЛЛАР ТАРИХИДАН» «ГЕНДЕР ТАРИХИГА». ГЕНДЕР ТАРИХИНИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ

*Фания Аҳмедшина,
Ольга Шнирова,
Игорь Школьников*

Жамият ижтимоий тарихий ривожининг гендер ўлчови гуманитар фанларда мутлақо янгилашди. Бу йўналиш, тарихий кичик фан сифатида XX аср 70-йилларининг охири ва 80-йилларининг бошларида Ғарбий Европада ва АҚШда феминизм назарияси таъсири остида ва феминизм ҳаракатининг иккинчи тўлкинида янги ижтимоий тарих доирасида шаклланди. Тез орада хотин-қизлар тарихи мустақил ривожлана бошлади ва тарих фанининг муҳим таркибий қисмига айланди. Агар шу чокқача жаҳон тарихи вақеалари умумий, универсал ўтмиш сифатида қаралган бўлса, эндиликда, “Аёллар тарихи” алоҳида кичик фан сифатида ажратилгандан кейин “умумий” тарих ҳам эркаклар, ҳам аёлларнинг тажрибасини тадқиқ қилиб қамраб олиши керак деган позиция асослаб берилди.

Радикал кайфиятдаги тадқиқотчи аёллар ҳатто ўзлари «His-story» «эркакнинг тарихи» деб ўқийдиган одатдаги «History» - “Тарих”ни «Her-story» - «аёлнинг тарихи» билан алмаштиришни таклиф қилдилар. Улар тарихга оид анъанавий дарсликлар ва илмий нашрлар хотин-қизларнинг тарихи цивилизацияси ривожига кўшган ҳиссасини ҳисобга олмаган ва ҳали ҳам ҳисобга олмаслигини исботлашган. Тарихий асарлар ижтимоий тарихни рад этган ҳолда, ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тарихни ёритади, бу эса хотин-қизларнинг ҳаётни муҳофаза қилиш, сақлаб туриш ва қайта тиклаш бўйича амалга оширган улкан ишларини тарихий ўтмиш манзарасидан ўчириб ташлашга олиб келади. Уларнинг фаолиятига етарлича баҳо берилмайди, ижтимоий аҳамиятли деб қабул қилинмайди, аксинча шахсий, оилавий, ғайри расмий, хусусий ва шу боисдан кам аҳамиятли деб қабул қилинади. Феминизм классиги Симона де Бовуарнинг таъкидлашича, «Аёлга пешонасидаги энг оғир тавқи лаънат бу унинг ҳарбий юришларда қатнашмаслигидир. Инсон ҳаёт бериши билан эмас, балки ҳаётини ҳавф остига қўйиш билан ҳайвондан устун туради, шу сабабли инсоният туғадиган жинсни эмас, жон оладиган жинсни кадрлайди. Бутун сир-асрорнинг ечими ана шунда»¹. Симона де

¹ Симона де Бовуар. Второй пол. См. Хрестоматия к курсу «Основы гендерных исследований» (далее «Хрестоматия») М., МЦГИ МВШСЭН, 2001, с. 31.

Бовуар ёзади: «Оламни тасвирлаш, оламнинг ўзи каби эркаклар иши, улар уни ўз нуктаи назарларидан тасвирлайдилар ва бу нуктаи назарни мутлақо ҳақиқат билан чалкаштирадилар»².

Тадқиқотчиларнинг кўпчилиги шуни тасдиқлашадики, барча тарихий даврларда барча маданиятлар ва жамиятларда хотин-қизларнинг тажрибаси ва фаолияти ерга урилган ва тадқиқ этилмаган. Аёлнинг хусусий соҳага, оилавий ишларга, уй хўжалигига мансублиги «табиий», «азалдан шундай», деб ҳисобланган.

Аёллар тарихи бўйича машхур мутахассис Гизел Бокнинг фикрича, аёллар уларнинг тажрибаси, фаолияти, турмуш соҳалари тарихий қизиқиш ва аҳамиятга эга бўлмагандек туюлиши боис сезилмай қолиб кетаверган. Бироқ «аёлларнинг тарихи эркакларнинг тарихи сингари умумий деб ҳисобланиши керак»³, чунки бу тарих «нафақат ярим инсониятга, балки бутун инсониятга дахлдордир».

Хотин-қизлар тарихи бўйича яна бир таниқли тадқиқотчи Жоан Келлининг фикрича, масала «аёллар тарихини қайтариш» ҳақида эмас, балки, «аёлларга тарихни қайтариш» ҳақидадир. Аёлларнинг жамият ривожига ролини тарихий таҳлил қилиш алоҳида, мустакил тадқиқот соҳаси бўлиб ажралиб чиқди.

Ана шу илмий йўналишнинг шаклланиши қандай юз берганини кўриб чиқамиз. Аёллар муаммоларини илмий тадқиқотлар соҳасига киритиш Ғарбда XX асрнинг 60-йилларида бошланди ва бир қатор омиллар: мавжуд ижтимоий тузумда ўзгаришлар учун ҳар хил позицияларда туриб курашган радикал ҳаракатларнинг (маоизм, янги марксизм, негрларнинг ва миллий озчиликни ташкил қилувчи халқларнинг ҳуқуқлари учун кураш ҳаракати, ёшлар ҳаракати, урушга қарши ҳаракат) оммалашуви билан, феминизм ҳаракатининг янги тўлқини пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган, мазкур оқим вакиллари юқорида тилга олинган радикал ҳаракатлар, «жинс муаммолари тўғрисида очикдан-очик гапиришга имкон берган» жинсий инқилоб билан боғлиқ бўлишган⁴. 1960-йилларнинг охири-1970-йилларнинг бошларида АҚШнинг бир қатор университетлари ўқув режаларига фанлараро «хотин-қизлар дастури»ни киритди. Унинг умумий қабул қилинган номи «Women's studies», «аёллар тадқиқотлари», яъни 1) аёллар мавзуида ёзилган, 2) кўпинча аёлларнинг ўзлари ёзган «тадқиқотлар»⁵.

² Кўрсатилган асар, 34-б.

³ Бок Г. История женщин, история полов. Хрестоматия, с. 276.

⁴ Пушкарева Н. Л. Предмет и перспективы гендерного подхода в исторических науках./ Пол и гендер в науках о человеке и обществе. Материалы работы по проекту «Интеграция гендерных исследований в преподавание базовых социально-гуманитарных дисциплин высшей школы». Ред. В. И. Успенская. Тверь, Феминист-пресс, 2005 С. 18.

⁵ Кўрсатилган асар, 21-б.

Тарих фанида “хотин-қизлар мавзуи” шу каби 1960-йиллар охирида юзага келган замонавий ҳукмронлик институтларини ўзгартириш лозимлигини асослаб бериш мақсадида иркий, синфий, диний зулм намоён бўлишини ўрганган “янги ижтимоий тарих” номи билан юритилган фанга яқин янгради. АҚШда ва Ғарбий Европада сўл йўналишдаги кўпгина ёш тарихчилар аёллар тарихини кўзга кўринарли қилиш, инсоният тарихига киритиш мақсадида уларни ташаббускорона ўрганишга киришдилар. Мутлақо табиийки, «аёлларга уларнинг тарихини қайтариб беринг» деган чақириққа жавоб берган тарихчилар орасида энг аввало тарихчи-феминист аёллар бор эди. Чунончи, XX асрнинг 70-йиллари охири – 80-йилларининг бошларида «аёллар тарихи» - ижтимоий аёллар тажрибаси вужудга келди, уни кўп ҳолларда аёлларнинг ўзлари ёзишган. Агар дастлаб шу соҳадаги тадқиқотлар олимлар муҳитида шубҳа билан қабул қилинган бўлса, кейинчалик улар «академиялашди», ва ҳозирги пайтда аёллар тарихи тарих фанининг умумий тан олинган йўналиши бўлиб қолди. Ана шу йўналишдаги фундаментал илмий лойиҳалардан бири ижтимоий тарих соҳасининг етакчи мутахассислари Натали Земон Дэвис, Жорж Дюби, Мишель Перро, Арлетта Фарж ва бошқа мутахассислар таҳрири остида нашр қилинган олти томлик «Ғарбда аёллар тарихи»дир. Бу асарда қадимий даврлардан бизнинг кунларимизгача бўлган аёллар тарихи яратилган⁶.

Аёллар тарихи соҳасида ихтисослашаётган тарихчиларнинг мувофиқлаштириш мақсадида 1989 йилда XVII тарих фанлари конгрессида «Аёллар тарихи тадқиқотчиларининг халқаро федерацияси» тузилди, бир қатор халқаро учрашувлар ўтказилди. Масалан, 1989 йилда Беллажиода (Италия) биринчи конференция ўтказилди, 1990 йилда эса «Аёллар тарихи» соҳасида илмий ишларни олиб бораётган тадқиқотчиларнинг биринчи халқаро конгресси бўлиб ўтди. 1970-йилларда ва ундан кейин БМТнинг хотин-қизлар мақомини оширишга доир сиёсати гендер муаммоси бўйича тадқиқотларни кенгайтиришга ижобий таъсир ўтказди. Бунда 1975 йилни ЮНЕСКО Халқаро хотин-қизлар йили эълон қилиши ҳамда БМТ доирасида нишонланган хотин-қизлар Ўн йиллиги (1975 – 1985) билан боғлиқ тадбирлар муҳим рол ўйнади. БМТ ҳомийлигида ўтказилган бир туркум жаҳон хотин-қизлар конференциялари турли тарихий даврларда ва турли ижтимоий-тарихий шароитларда хотин-қизларнинг аҳволини ва мақомини ўрганиш бўйича узоқ муддатли мувофиқлаштирилган халқаро лойиҳаларнинг пайдо бўлишига кўмаклашди.

⁶ Ҳозирги пайтда ушбу асарнинг рус тилидаги наشري тайёрланмоқда. Уни Гендер таркиотлар Харков маркази Ж. ва К. Макартурлар жамғармасининг молиявий ёрдами билан амалга оширмоқда.

Профессор Н. Л. Пушкареванинг фикрича, хотин-қизлар тарихининг (бошқачасига у «тарихий феминология» деб аталади) тарих фанига ҳиссаси куйидагилардан иборат: «аёллар тажрибаси» тушунчаси психологиядан ва социологиядан тарих фанига кўчирилди ва турли маданиятларда унинг модификацияси ўрганилди, бу эса ўтмишдаги маънавий маданият тўғрисидаги тасаввурни кенгайтди; саноат бўлмаган жамиятларда мавжудликнинг иккита бир-бирига боғлиқ соҳалари – Эркак хукмронлиги соҳаси (сиёсат, дипломатия, ҳарбий иш) ва Аёл хукмронлиги соҳаси (уй, оила, уй хўжалиги) мавжуд деган хулосага келинди. Бу соҳалар саноат бўлмаган ва илгари саноати бўлган жамиятларнинг амал қилиши учун баб-баравар муҳим бўлган; патриархал тузилмалардаги аёлларни бўйсиндиришнинг ва улар устидан хукмронлик қилишнинг мавжуд шакллари тадқиқ қилинди; аёллар ҳаракатининг ва суфразимнинг тарихи ишлаб чиқилди, бу эса танлаш эркинлиги принципи асос қилиб олинган феминизмни сиёсат сифатида реабилитация қилишга кўмаклашди; аёллар тарихи пайдо бўлиши билан эркаклар ҳам ўз тарихларини яратиш зарурлиги ҳақида ўйлаб қолишди, ва бу нарса эркаклар тарихининг пайдо бўлишига олиб келди, ҳозирги пайтда бу тарих тикланиш жараёнида турибди⁷.

1970 – 1980-йиллар маррасида феминизм назарияси янгиланади, фанлараро аёллар тадқиқотларининг услубий базаси кенгайтирилади. Тадқиқ этилаётган фанни назарий жиҳатдан қайтадан англаш ва концептуал аппаратни қайта кўриб чиқиш натижасида аёллар тарихи янги сифат касб этади. Шу муносабат билан «аёлларнинг янги тарихи» ҳақида гапириш мумкин бўлди. Юқорида эслатиб ўтилган кўп томли «Ғарбда аёллар тарихи» китобининг кириш қисмида муҳаррирлар Жорж Дюби и Мишель Перро мазкур нашрда аёлларнинг тарихидан кўра кўпроқ жинсларнинг ўзаро муносабатлари тарихи кўрсатилган, деб ёзишган⁸.

1980-йилларда яна “ижтимоий маданий жинс» деб аталувчи “гендер” таҳлилнинг марказий категориясига айланади, ҳамда аёллар тарихи замирида “гендер тарихи” деб аталувчи фан шакллана бошлайди. Тарихда гендер таҳлилини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги биринчилар қаторида асослаб берган америкалик тарихчи Жоан Скоттнинг фикрига кўра «гендер эркак ва хотин-қизлар орасида ижтимоий ролларни белгилаш мақсадида ишга солинади. Унинг қўлланиши биологик важларни аниқ-равшан рад этади ... аксинча, гендер маданий конструкция - аёллар ва эркакларга ярашадиган роллар тўғрисидаги ғояларни белгилаш усули бўлиб қолади. ...Гендер...жинси бор жисмнинг ижтимоий

⁷ Пушкарева Н. Л. Гендерная методология в истории. / Гендерный калейдоскоп. М., Academia, 2001, с. 55-58

⁸ A History of Women in the West. / Gen. eds. G. Duby, M. Perrot. V.I Cambridge (Mass.), 1992. P. XIX.

категориясидир»⁹. Шундай қилиб, гендер жинслар ўртасида қабул қилинадиган фарқларга асосланган ижтимоий муносабатларнинг таркибий элементидир. Бошқа томондан, гендер маъмурият муносабатларини белгилаш учун бошланғич воситадир, чунки барча тарихий босқичларда индивиднинг ва жамиятнинг гендер онгини ҳукмронлик/бўйсиниш муносабатларининг вужудга келган тизими, барча соҳалардаги иерархия шакллантирган. Жамоатчилик фикри институтлари, оилавий ва оммавий тарбия, ахлоқ, маълумот, оммавий маданият, фаолиятнинг муайян турларига қўйилган тақиқлар ва рағбатлар ва хоказолар гендер мақомини, гендер иерархиясини ва ахлоқнинг гендер моделини белгилаб берган. Бунда ҳокимиятни, обрўни ва мол-мулкни тақсимлаш тизими, ирқий, этник ва синфий мансублик эркак ва аёл мақомига белгиловчи таъсир ўтказган.

Тарихда гендер ёндашув ижтимоий тарихнинг яхлитлигидан келиб чиқади, у фақат «аёллар тарихи»ни ёки «эркаклар тарихи»ни ўрганиш билан чекланиб қолмайди, гендер муносабатлар тарихини ўзининг асосий предмети сифатида ажратади. Гендер тарихчилар жинслар иерархиясини, уларнинг ишлашини ва ижтимоий-тарихий ривожланиш жиҳатида қайтадан тикланишини таҳлил этадилар.

Гендер муносабатлар динамикасини ўрганиш, жамиятнинг тарихий ривожланишини гендер таҳлил қилиш гендер тарихи услубий аппарати шаклланишига ёрдам берди. Бундай аппаратсиз тарихий манбаларни ўрганиш амри маҳол бўлур эди. Гендер тарихининг янги концепцияси умуман цивилизация тарихини, хусусан миллий тарихларни ўрганишда янги ёндошувни тақозо этди. Инсоният ривожланишининг барча - ибтидоий жамоя тузумдан бошлаб ҳазирги вақтгача - даврлари гендер тарихчиларнинг диққатини жалб қилади. Уларнинг илмий таҳлили бирламчи меҳнат тақсимоли сабаблари ва оқибатларини, хотин-қизлар устидан ижтимоий назоратнинг шакллари, жамиятда эркаклар устуңлиги мафқурасининг шаклланиши жараёнини, оила, никоҳ муносабатларнинг эркаклар ва аёллар ҳаётига таъсирини, жамиятда гендер тенгсизлик шаклланишига диний қарашларнинг таъсирини, аёллар ва эркакларнинг ижтимоий ҳуқуқий мақомини, сиёсатда ва юқори ҳокимият тизимларида хотин-қизлар йўқлигига ва гендер масалаларининг бошқа муҳимлиги булардан кам бўлмаган жиҳатларини ўрганишга қаратилган. Мутахассисларнинг фикрича, тарих фанида гендер муносабатларнинг аҳамияти алоҳида тарихий қимматга эга бўлиб, шу тариқа тарих ривожиди янги истиқболларни очиб берди. Ана шу тадқиқотлар давомида шу нарса аниқландики, гендер муносабатлар инсоний муносабатларнинг барча бошқа турлари сингари шу қадар муҳимки, улар жамият тарихига катта

⁹ Скотт Дж. Гендер: полезная категория исторического анализа. / Гендерные исследования, №5. 2000, с. 146.

таъсир ўтказади, жамоат муносабатларининг бошқа турларини шакллантиришда иштирок этади. Гендер тарихи бўйича машхур мутахассис Гизелла Бок, тарихий тараққиёт гендер таҳлилини қўлланиш тарих умумий концепциясини ўзгартиришини ва ижтимоий тарихий тараққиётни янгича кўриш учун асос яратишини исботлайди. Унинг фикрича, тарихнинг «буюк масалалари»дан жинслар ўртасидаги муносабатларни чиқариб ташлаш билим чўққилари сари йўлни беркитиб кўяди...».¹⁰

Гендер тарихда асосийси – бу жамиятда гендер фарқлашнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил этишдир, яъни устун хукмронлик тизими пайдо бўлишини ва жинсий белгиси бўйича камситишни, эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий фарқларини ва ана шу фарқларга жамиятнинг баҳосини таҳлил этишдир.

Гендер тарих инсоният тарихига бошқача кўз билан қарашга, одат бўлмаган нарсаларни одатдагидек кўришга, тарихда тарихчилар шу пайтгача кўриб чиқмаган кўплаб янги мавзуларни (сексуаллик тарихини, бадан ҳислари тарихини, тарихий жараёнда эркаклар ва аёллар тажрибасининг маданий репрезентациясини ва ҳоказони) очишга имкон беради. Шундай қилиб, гендер тарих туфайли дунёнинг тарихий манзараси янада тўлиқ ва объектив кўринади.

Гендер тарих концепцияси гуманитар фанларда нисбатан янги йўналишдир ва унинг МДХ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда шаклланиши ғарб мамлакатларидан фарқли ўлароқ суёт бормоқда. Бунинг бир қатор сабаблари бор: совет даврида феминистик ва гендер концепциялар кенг ривож топмади, чунки улар социалистик жамиятнинг объектив шартларига жавоб бермайди, деб қараларди, бу жамиятда «хотин-қизлар масаласи» «ҳал қилинган» деб ҳисобланган, ғарбнинг барча тажрибаси эса «буржуача» деб, шу сабабли «зарарли» ва «беғона» деб қаралган. Совет тарихий адабиётида аёллар тарихига оид асарлар бўлмаган деб бўлмайди, аммо улар Октябрь инқилобидан кейин хотин-қизлар мақомининг яхшиланишига бағишланган, уларга она ва меҳнаткаш аёл сифатида қаралган.

Советдан кейинги даврда ҳам тарихдаги гендер ёндашув бир қатор қийинчиликларга дуч келган. Тарихда хотин-қизлар ва гендер муаммоларига иккинчи даражали деб қаралган. Тарихчилар, социологлар сингари, илгаригидек хотин-қизларни ё оила тарихи, ёки (аввало) фоҳишалик тарихи бўйича асарларда) ижтимоий четланиш (девиация)лар ўзанида кўришга мойиллар. Тарихнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар йўналиши деб кўрсатиладиган ҳамда уларнинг услубидан фойдаланадиган хотин-қизлар ҳаракати тарихи яна бир, етарли даражада фаол ривожланаётган йўналишдир. Ғарб мамлакатларининг тарих фанида

¹⁰ Г. Бок. История, история женщин, история полов. Хрестоматия, с. 287

оммавий бўлган ва фаол ишлаб чиқиладиган сексуаллик тарихи, бадан хислари тарихи, гендернинг маданий репрезентациеси сингари йўналишлар деярли йўқ. Тарих фанининг консервативлиги ва гендер таҳлил услубиетини билмаслик ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда, бу эса тарих тадқиқотларида эскириб қолган, лекин одатдаги биодетерминистик ёндашувнинг гендер никоби остида қўлланилишига олиб келмоқда.

Бироқ юқорида санаб ўтилган қийинчиликларга қарамай, хотин-қизлар ва гендер тарихи тарих фанида аста-секин ўз ўрнини эгалламоқда. Бугунги кунда Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларнинг илмий доираларида ўтказиладиган гендер тадқиқотларга тобора катта аҳамият берилмоқда. Чунончи, Россияда ҳозирги пайтгача бу соҳада катта муваффақиятларга эришилди. Россиядаги бир қатор университетларда ва академик институтларда ана шу йўналишни ривожлантираётган илмий мактаблар ва марказлар ташкил этилди. Булар Тверь давлат университети қошида ишлаб турган Хотин-қизлар тарихи ва гендер тадқиқотлар маркази, Иваново давлат университети, бу ерда ҳар йили хотин-қизлар ва гендер тарих бўйича бир неча диссертациялар ёқланмоқда ва ана шу фанлар бўйича маърузалар ўқилмоқда, РФА умумий тарих институти, бу ерда хотин-қизлар ва гендер тарих соҳасида ишлайдиган деярли барча олимларни ўз атрофига бирлаштирган «Адам ва Ева» гендер тарихи альманахи доимий равишда чоп этилади¹¹.

Л.П.Репинанинг мақолаларида библиографиялари ва таҳлили берилган юзлаб асарлар эълон қилинган¹². Хотин-қизлар ва гендер тарихга доир адабиётларнинг айниқса қимматли ва тўла кўрсаткичи Н.Л.Пушкареванинг «Рус аёли: тарих ва ҳозирги замон» асарида тўпланган, унда «аёллар тарихи» соҳасидаги энг янги ишланмалар таҳлил этилади, XX аср сўнгги ўн йиллиги мобайнидаги илмий изланишларнинг йўналишлари ва усуллари ўрганилади¹³.

Ватанмиз гуманитар фанларида ҳозирча «аёллар тарихи» билан, шунингдек «гендер тарих» билан боғлиқ гендер тадқиқотлар йўқ, бу эса ушбу муаммони ўрганишни ғоят муҳим ва долзарб қилиб қўймоқда. Бир томондан, талаба ёшларда гендер дунёқарашни ва илмий малакани

¹¹ Батафсилроқ қаранг: Шнырова О. В. Женская история в России. / Пол и гендер в науках о человеке и обществе. Материалы работы по проекту «Интеграция гендерных исследований в преподавании базовых социально-гуманитарных дисциплин высшей школы». Ред. В.И.Успенская. Тверь: Феминист-пресс, 2005, с. 15 – 19.

¹² Репина Л. П. История женщины сегодня. Человек в кругу семьи. Очерки по истории жизни в Европе до начала нового времени. М, 1996, с. 35 – 73; Уша муаллиф. Гендер в истории: проблематика и методология исследований. Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. М. МЦГИ – МВШСЭН – МФФ, 2001, с. 351 – 356.

¹³ Пушкарева Н. Л. Русская женщина и современность: Два века изучения «женской темы» русской и зарубежной наукой 1800 – 2000: Материалы к библиографии. М.: Ладомир, 2002.

шакллантириш ва бошқа томондан, ёш тадқиқотчиларнинг эътиборини гендер муаммосига жалб этиш мақсадида республика олий ўқув юртларида гендер назарияси ва усуллари асосларини ўрганиш ҳам долзарбдир.

Шундай қилиб, хотин-қизларни тарихга олиб кириш ва тарихдаги андроцентристликка барҳам бериш мақсадида тарих билимларини қайта кўриб чиқиш ўтган асрнинг 70-йилларида бошланди, бунга Ғарб мамлакатларида 1960-йилларнинг охири – 1970-йилларнинг бошларида юзага чиққан феминистик ҳаракат янги тўлқинини кўп жиҳатдан таъсир кўрсатди. Илмий йўналиш сифатида аста-секин институтлаштирилган аёллар тарихи шу тарзда вужудга келди. 1980-йилларда аёллар тарихи негизида янги йўналиш – гендер тарих пайдо бўлди, унинг предметлари қуйидагилардир: «1) жинс белгиси бўйича жамиятни табақаларга ажратадиган муносабатлар ва ўзаро ҳамжиҳатликлар тизимининг юзага келиши ва ишлаши тарихи; 2) ижтимоий иерархия тартиби турлари тўғрисидаги тасаввурлар сингари «эркаклар» ва «аёллар» тўғрисидаги тасаввурлар тарихи»¹⁴. Шундай қилиб, аёллар тарихи жамиятда у ёки бу тарихий босқичда мавжуд бўлган гендер муносабатлар доирасида кўриб чиқилмоқда. Профессор Л. П. Репинанинг аниқ таъкидлашича, тарихда гендер ёндашувнинг пайдо бўлиши аёлларнинг монолог тарихидан диалог гендер тарихига ўтишни англатган¹⁵. Қийинчиликларга қарамай, гендер тарих тобора кўпроқ ўз тарафдорларини топмоқда ва аста-секин собик совет мамлакатлари олимлари ўртасида эътироф этила бошламоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1. A History of Women in the West. / Gen. eds. G. Duby, M. Perrot. V.I. Cambridge (Mass.), 1992.
2. Пушкарёва Н. Л. Гендерная методология в истории / Гендерный калейдоскоп. М.: Academia, 2001.
3. Пушкарёва Н. Л. Предмет и перспективы гендерного подхода в исторических науках / Пол и гендер в науках о человеке и обществе. Материалы работы по проекту «Интеграция гендерных исследований в преподавании базовых социально-гуманитарных дисциплин высшей школы». Ред. В. И. Успенская. Тверь: Феминист-пресс, 2005.
4. Репина Л. П. История женщины сегодня. Человек в кругу семьи. Очерки по истории жизни в Европе до начала нового времени. М, 1996.

¹⁴ Пушкарёва Л.Н. Гендерная методология в истории, с.37.

¹⁵ Репина Л.П. Женщины и мужчины в истории: новая картина европейского прошлого, с.37.

5. Репина Л. П. Гендер в истории: проблематика и методология исследований. / Теория и методология гендерных исследований. Курс лекций. М. МЦГИ – МВШСЭН – МФФ, 2001.
6. Скотт Дж. Гендер: полезная категория исторического анализа. // Гендерные исследования, № 5, 2000.
7. Хрестоматия к курсу «Основы гендерных исследований». М., МЦГИ – МВШСЭН – МФФ. 2001.
8. Шнырова О. В. Женская история в России./ Пол и гендер в науках о человеке и обществе. Материалы работы по проекту «Интеграция гендерных исследований в преподавании базовых социально-гуманитарных дисциплин высшей школы». Ред. В. И.Успенская. Тверь, Феминист-пресс, 2005.

7-боб

ЎТИШ ДАВРИ ВА ЖАМИЯТДАГИ ТУБ
ЎЗГАРИШЛАРДА ГЕНДЕР ЖИХАТЛАР

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОИТИДА
ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕНДЕР МУАММОЛАРИ

Фания Аҳмедшина

Ҳукуматнинг халқаро мажбуриятлари ва гендер тенглик соҳасида давлат сиёсати. Хотин-қизларнинг эркаклар билан тенглиги кўпгина демократик давлатларнинг Конституциялари билан кафолатланади. Айни вақтда, улар инсон ҳуқуқларига дахлдор бўлган бир қатор халқаро ҳужжатлар, битимлар, конвенциялар, декларациялар билан ҳам кафолатланади. Буларга қуйидагилар киради: БМТ Устави (1945 й. 26 июн), Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (1948 й. 10 декабр), Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар, БМТ томонидан 1966 йилда қабул қилинган иктисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро тизимини ташкил этувчи кўпдан-кўп халқаро битимлардир. Уларда эркак ва аёллар учун ягона бўлган инсон ҳуқуқлари умумий концепциясини ташкил этувчи салкам 70та халқаро стандартлар қайд этилган.¹ БМТга аъзо давлатлар уларни ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишлари керак. У шахснинг ижтимоий ҳимояланганлигини, унинг шахсий эркинлигини, унинг жамоат ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатлари халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устунлигига таянади. Янги қонунлар Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг барча қоидаларини ўз ичига олади. Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилигига қаратилган кўплаб муҳим халқаро ҳужжатларни имзолади ва тасдиқлади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин: 1991й. 30 сентябрда ратификация қилинган «Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, «Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция» (92.09.12), «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт» (95.31.08), «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга Факультатив Протокол» (95.31.08), «Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция» (95.06.05), «Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Декларация» (97.30.08), «Тенг қимматли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг меҳнат ҳақи тўлаш тўғрисидаги Конвенция» (97.30.08),

¹ Права человека – права женщин в Узбекистане (Пособие для тренеров). Т., 2002, с. 214.

«Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция» (97.30.08), «Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» (97.30.08), «Меҳнат ва иш билан бандлик соҳасидаги камситиш тўғрисидаги Конвенция» (9730.08), «Дин ёки эътиқодлар асосидаги муросасизлик ва камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Декларация» (97.30.08) ва бошқалар.²

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрлар ва стандартлар асосида Ўзбекистонда миллий қонунчилик ҳужжатларини уларга мувофиқлаштириш юзасидан анчагина ишлар қилинди, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига доир 100дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди.³ Миллий қонун ҳужжатларини халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштиришнинг биринчи босқичи 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилиш билан ниҳоясига етди. Иккинчи босқичда миллий қонунчиликнинг алоҳида тармоқларини халқаро ҳуқуқнинг меъёрларига мувофиқлаштиришни таъминлаш ишлари бошланди ва давом этмоқда. Давлат инсон ҳуқуқларига, шу жумладан хотин-қизларнинг ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро шартномалар ва конвенцияларда мустаҳкамланган энг муҳим тамойилларни республика қонун ҳужжатларида ҳисобга олишга қаратилган аниқ-равшан чора-тадбирларни кўрмоқда. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги ролини ошириш, оналик ва болаликни, оилани муҳофаза қилиш давлат дастурининг яхлит концепцияси ишлаб чиқилган. Концепция эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятлар сиёсатини ривожлантиришга, иш билан таъминлаш соҳасида жинс белгиси бўйича аёлларни камситишни тугатишга, улар меҳнатига тўланадиган ҳақни оширишга ва хизмат поғоналаридан кўтаришга қаратилган. Оилани мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ҳам устун вазифалар ҳисобланади.

Гендер сиёсатини амалга оширишда биринчи навбатда, аёлларни, оилани, оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини яратишга, иккинчидан, аёлларни ва оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлашга, жойларда уларга аниқ ёрдам кўрсатишга алоҳида аҳамият берилади. Давлат сиёсати тенг ҳуқуқ ва эркинликлар принципини амалга оширишга, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятларни яратишга қаратилган. Аёллар ва эркаклар ҳуқуқлари ва манфаатларининг тенглиги Меҳнат, Фуқаролик, Оила, Жиноят, Фуқаролик-процессуал, Жиноят-процессуал кодекслар билан мустаҳкамланган, Президентимизнинг «Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Оилаларга давлат ёрдамни ва ижтимоий ёрдамни

² Обзор действующего законодательства Республики Узбекистан. Т, 1999, с. 10.

³ Доклад о положении женщин в Республике Узбекистан. Т, 1999, Региональная программа «Гендер и развитие» RBEC/UNDP, проект UNOPS, с. 30.

кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини амалга оширишни таъминлаш юзасидан 1998 йилга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинган. 2001 йилнинг бошларида Ўзбекистоннинг 70та қонун ҳужжати аёлларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бевосита алоқадор бўлган.

Бироқ, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг қонуний асослари бўлишига қарамай, бу соҳада қилинадиган ишлар ҳали кўп. Ҳақиқий ҳаётда аёл айна жинсига кўра ҳали ҳам эзилган, камситилганлигича қолмоқда. Бу эса асосан, тасаввурлар ва кўрсатмалар билан асосланадики, булар биринчи навбатда хотин-қизларни фақат истъёмолчилар сифатида (иш билан бандлик соҳасида, ижтимоий нафақалар ва болалар учун нафақалар олишда ва ҳоказо) ҳисобга олишга қаратилган ижтимоий сиёсатда ўз асоратини қолдирмоқда. Хотин-қизларни қарорлар қабул қилиш жараёнларига жалб этиш, яъни янада кенгроқ ва чуқурроқ шерикчилик сиёсатини жорий этиш суғ бормоқда. Хотин-қизларни ана шу сиёсатнинг ўзини ишлаб чиқишда қатнашишларини кенгайтиришга қаратилган давлат ташаббуси бўлишига қарамай, шундай бўлмоқда. Аёллар диний чекланишлар оғирлигини ҳам бошларидан кечирмоқдалар. Жамиятда аёлларнинг эркакларга қарамлиги диний дунёқараш концепцияси, аёлларнинг сиёсий фаолиятига салбий муносабат сақланиб қолмоқда. Ислонинг аёл кишининг асосий вазифаси оила эканлиги тўғрисидаги мафқураси ҳали ҳам кучли. Жамият турмушга чиққан аёлнинг ишлашини қораламасда, у аёлларнинг ишлаши аҳолининг гендер маданияти ҳолатига ноҳуш таъсир қилишидан, ҳуқуқий билимлар даражасининг пастлигидан, инсон ҳуқуқларини, шу жумладан ижтимоий ҳаётни демократлаштириш умумий жараёнининг ажралмас қисми сифатида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳимлигини тушуниб етмасликдан ташвиш билдирган ҳолда, одамларнинг дунёқарошига яширин таъсир ўтказмоқда⁴. Айна вақтда фикрлашнинг патриархал усули, айрим раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг гендер билимсизлиги, кичкинтойларни анъанавий руҳда тарбиялашга қаратилган жамиятда гендер стереотипларининг сақланиб қолганлиги камситиш ҳолларига йўл қўйилаётганлигининг сабабидир. Мана шундай хурофотлар, ижтимоий кўрсатмалар, меъёрлар ва стереотиплар хотин-қизларнинг ижодий салоҳиятини ривожлантиришни чеклаб қўймоқда, фуқароларнинг тинчлиги ва ижтимоий тотувлигини, демократияни мустаҳкамлашни тўхтатиб қўймоқда, мамлакатда маданийлашган тартибни ва янги руҳий-маънавий турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашмаяпти.⁵

⁴ Ўша ерда, 28-б.

⁵ Ўша ерда, 63-б.

Хотин-қизларнинг ўз ўзини паст баҳолаши ғоят ташвишли тамойил бўлиб қолмоқда. Гендер тенгсизликни улар ҳаёт нормаси деб қабул қилмоқдалар, улар ҳатто эркакларга қараганда кўпроқ патриархалдирлар. Жувонлар аёлларнинг сиёсий саҳнадан кетишларини ва оила муаммоларига нисбатан ҳукм сураётган узоқ жимжитликни табиийдек қабул қилмоқдалар.⁶

Ҳукумат инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмини яратиш юзасидан муайян ишларни амалга оширди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили Инститuti (Омбудсман); Инсон ҳуқуқлари миллий маркази; Олий Мажлис ҳузурида амалдаги қонунчилик мониторинги институти; Жамоатчилик фикрини ўрганиш институти ташкил этилди ва ишлаб турибди. Айни вақтда жамоат ноҳукумат тузилмалар куч тўпламоқда. 2000 йилнинг февралида Олий Мажлис ҳузурида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича Қўмита ташкил этилди. Мана шу ташкилотларнинг барчаси умуман инсон ҳуқуқларига ва аёлларнинг ҳуқуқларига давлат ва унинг органлари томонидан қандай ривож этилаётганлиги устидан жамоат назоратини олиб борадилар, мансабдор шахсларга улар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан тегишли сиёсат олиб боришлари учун таъсир ўтказиш ҳуқуқига эгадир.

1991 йилда ҳукуматнинг ташаббуси билан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, барча вилоятларда, шаҳарларда, туманларда ва қишлоқларда унинг бўлинмалари ташкил этилди. Уларнинг асосий вазифаси хотин-қизларга нисбатан давлат сиёсатини амалга оширишдан иборат. Бироқ ислохотлар чуқурлашган сайин хотин-қизларнинг аҳволи тобора ёмонлашди, уларнинг жамиятдаги мақоми тушиб кетди. Ҳукумат мана шуларни назарда тутган ҳолда аёлларни ҳокимиятнинг сиёсий тузилмаларига жалб этишга қўмаклашувчи аниқ-равшан чораларни кўрди.

1995 йил 2 мартда «Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамоат қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш тадбирлари тўғрисида» Президентнинг Фармони қабул қилинди, ушбу фармон хотин-қизлар мақомининг пасайиш тенденциясига қарши туриш зарурлиги тасдиқлади ва хотин-қизлар ҳаракатига катта қўмак бўлди. Мана шу Фармон билан Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар Қўмитасининг раиси Бош вазир ўринбосари бўлди, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарининг раислари ҳокимларнинг ўринбосарлари бўлишди, шу тариқа хотин-қизлар қарорлар қабул қилиш даражасидаги лавозимларга эга бўлишди. Вазирлар Маҳкамасида ва жойларда оила, оналик ва болалик, ижтимоий ҳимоя масалалари билан шуғилланувчи Котибиятлар ташкил этилди. Шу тариқа аёллар барча даражаларда ижроия ҳокимият органларида қатнашиш учун

⁶ Вопросы гендерного равенства и гендерных стереотипов. По результатам изучения домохозяйств города Ташкента и Ташкентской области. В кн. Взаимоотношения полов в Узбекистане: традиции и современности. Т., 2002, ст 71.

катта имкониятларга эга бўлдилар. Ҳукумат томонидан қўйилган талабга кўра, иш билан таъминлашнинг барча бўғинларида ижрочилик даражасида албатта хотин-қизлар ҳозир бўлишлари лозим.

Ҳукумат хотин-қизлар учун ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатни таъминлаш юзасидан дастурий ҳужжат бўлиб қолган махсус концепцияни ишлаб чиқди. Ана шу концепция асосида «Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш», «Экология ва аёл», «Хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий ҳимоялаш», «Аёл, оила ва маҳалла», «Соғлом авлод соғлом жамият асоси» деб аталувчи ва бошқа амалий дастурлар ишлаб чиқилди⁷. Бундай тадбирлар аёллар мақоми мустаҳкамлашга қаратилган, хотин-қизлар ҳаракатини ривожлантиришга ижобий таъсир ўтказди.

Пекин ҳаракат Платформасини амалга ошириш Миллий дастурида хотин-қизларнинг жамоат ва сиёсий ҳаётда тенг иштирок эта олишларини таъминлашга жиддий аҳамият берилган. Хотин-қизлар ҳар қандай ташкилотда ходимлар таркибининг камида 30%ни ташкил этиши кераклигидан иборат халқаро стандартга амал қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон хотин-қизларининг Парламентга ва бошқа ўзини ўзи бошқариш органларига сайловларда қатнашиши учун тенг шароитларни яратиш мақсадида квоталашни жорий этиш хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилигига эришишнинг муҳим воситаси бўлди. Ана шу қарорларни ҳаётга тадбиқ этиш, ҳокимият тузилмаларида янада адолатли гендер нисбатни таъминлаш, аёллар учун ҳозиргидан кўра яна ҳам қулайроқ ижтимоий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш шубҳасиз лозимдир.

Бироқ шу нарса аён бўлдики, маъмурий органларда аёлларнинг иштирок этиши билангина жамоатчиликнинг, шу жумладан хотин-қизларнинг ўзларини аёллар муаммоларига қизиқишини оширишни таъминлаш мутлақо етарли эмас. Хотин-қизларнинг давлат раҳбарлик лавозимларидаги улушини кўпайтиришга ҳаракат қилиш зарур, бундай лавозимларда аёллар жуда кам ўринни эгаллашган. Ишлаб чиқилган «Ўзбекистон хотин-қизларининг аҳволини яхшилаш юзасидан миллий ҳаракат режаси»да ҳаётий фаолиятнинг барча даражаларида тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятларни таъминлаш устун йўналишлари белгилаб олинди. Президентнинг Фармони билан 1998 йил «Оила йили» деб эълон қилинди ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли дастур ишлаб чиқилди.

Президентнинг 1998 йил 9 декабрдаги фармойиши билан оилада, давлат ва жамоат қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тадбирлар дастурини ишлаб чиқувчи Республика комиссияси тузилди. 1999 йил «Аёллар йили» деб

⁷ Женщины стран Центральной Азии и Кавказа в переходный период. Т., 1999, с. 63.

эълон қилинди ва унинг доирасида хотин-қизлар мақомини оширишга доир хилма-хил тадбирлар амалга оширилди. Хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш ва уларни ҳимоя қилиш юзасидан 1999 йилга мўлжалланган тадбирлар давлат дастури хотин-қизлар манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни, уларнинг давлат, жамоат ва маданий қурилишдаги ролларини оширишни, жамиятни маънавий ва демократик янгилашни; оналар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни яратишни, жисмоний маданиятни ривожлантиришни, таълим даражасини юксалтиришни; хотин-қизларнинг иқтисодий ўзгаришлар ва ислохотларда фаол қатнашувини таъминлашни; тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни; хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилинган халқаро ва миллий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни амалга ошириш мониторингини; оналик ва болаликни; давлат ҳокимияти тузилмаларида, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида, корхоналар, жамоат бирлашмалари ва сиёсий партияларни бошқаришда хотин-қизлар ролини оширишни; гендер муаммоларининг илмий ва ижтимоий тадқиқотларини кенгайтириш ва кучайтиришни ўз ичига олган. Миллий хусусиятларни ва шароитларни ҳисобга олган ҳолда Пекин ҳаракат Платформаси таркибидаги барча жиҳатлар ва талаблар кўриб чиқилганидан кейин, 1999 йилнинг мартида тайёрланган Ўзбекистонда хотин-қизлар аҳволини яхшилаш ва уларнинг жамиятдаги ролини оширишга доир Миллий ҳаракат Платформасининг тасдиқланиши шу фаолиятнинг якуни бўлди.

Давлат сиёсатида хотин-қизлар ва болаларнинг аҳволи билан шуғилланадиган институтларни мустаҳкамлашга эътибор қаратилди. 2001 йил «Она ва бола» йили деб эълон қилинди. Аёл кишининг ўз касб меҳнатини оналик ва жамиятдаги фаоллик билан қўшиб олиб бориши масаласига катта аҳамият (лекин етарлича эмас) берилди. 1999 йилда илк бор йўл қўйилаётган конун бузилишларини аниқлаш, уларнинг сабабларини белгилаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида аёлларнинг манфаатларини, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш юзасидан қабул қилинган меъёрларни амалга ошириш мониторинги ўтказилди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши, оналик ва болаликнинг ҳимоя қилиниши доимий ишловчи мониторинги республиканинг барча ҳудудларида қўплаб масалаларни ўрганиш, аёллар ва болаларнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисидаги тасаввурларни яхшилаш, қарорларнинг амалда қандай бажарилаётганлигига баҳо бериш, конун бузилишларини аниқлаш ва вужудга келган муаммоларни муҳокама қилиш имконини беради. Бироқ ўтказилаётган мониторинг ҳанузгача ёпик мавзу бўлиб қолаётган хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муаммосига етарлича аҳамият бермаяпти; шу турдаги жиноятни қайд этувчи расмий статистика йўқ. Бу эса хотин-қизларга нисбатан камситишга барҳам

бериш Кўмитасининг тавсиялари билан ҳам тасдиқланади, кўмита ўзининг 24-сессиясида (2001йил 15 январь-2 феврал) Ўзбекистоннинг дастлабки ҳисоботини (CEDAW CUSB) кўриб чиқди. Кўмита хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг, шу жумладан уйдаги зўравонликнинг тарқалиб бораётганидан ташвиш билдирди ва Ўзбекистон Ҳукуматини ана шу муаммога қарши курашиш учун қонуний йўллар билан чоралар кўришга чақирди.⁸

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги кўпдан-кўп муаммоларни ҳал этиш жамиятда эркаклар билан аёллар ўртасидаги тенглик маданиятига, гендер муносабатлар маданиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунга эса аёлга нисбатан шахс сифатида ҳурмат билан муносабатда бўлишни тарбияламасдан туриб, унинг мақомини оширмасдан, унинг оиладаги ва жамиятдаги аҳволини яхшиламасдан, унинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамламасдан туриб эришиб бўлмайди. Шу сабабдан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашнинг аниқ ҳуқуқий асосларини, аёлга нисбатан қулай ижтимоий муҳитни яратиш, унинг оилада ва жамиятдаги мақомини мустаҳкамлаш, ҳокимиятнинг давлат тузилмаларига тобора кенгрок жалб этишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Шу билан бирга инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро меъёрларни амалга ошириш миллий механизми турли бўғинлари келишиб ишлашининг, эркаклар ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан хотин-қизлар ва хотин-қизлар жамоат бирлашмалари фаоллигининг аҳамияти ошиб бормоқда.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этишлари учун Ўзбекистонда яратилган ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир. Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга аёлларни тобора кўпроқ жалб этишга; аёлларнинг молиявий кредитлардан фойдаланишини таъминлашга,

⁸ Маълумки, БМТ ва унинг Кўмиталари ишлар аҳволдан хабардор бўлиш ва зарур пайтларда юзага келган муаммоларни муҳофаза этиш ва уларни бартараф этиш учун тавсифлар бериш мақсадида миллий ҳукуматлар хотин-қизлар ҳуқуқлари борасида ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни қандай бажараётганликларига эътибор беради. Бундай чоралар қаторида тўрт йилда бир марта тақдим этиладиган мунтазам ҳисоботлар энг кенг қўлланиладиганидир. БМТ иштирокчи мамлакатларига, у ёки халқаро шартномани имзолаган мамлакатларга зарур маълумотларни йиғиш ва тақдим этишга тегишли аниқ кўрсатмалар берилади. Баъзи ҳолларда мониторинг ўтказиш, хотин-қизлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги халқаро сиёсат натижаларини муҳофаза қилиш учун махсус кўмиталар тузилади. Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча турларига барҳам бериш бўйича кўмита шундай тузилган эди. У ҳукуматлар, қасаба уюшмалари, муқобил манбалар, жумладан хотин-қизлар ҳуқуқларига риоя этиш устидан назорат қилиш хотин-қизлар ННТлари, тақдим этган ҳисоботларни кўриб чиқади ва қабул қилинган қарорлар бажарилишини назорат қилади. Вазиятни назорат қилиш, баҳолаш ва таҳлил қилиш Конвенция мақсадларини амалга оширишда у ёки бу камчиликларни вақтида аниқлаш имконини беради.

аёллар ва болалар жиноятига қарши курашга, экологик ҳавфсизликка, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда, қонун лойиҳалари муҳокамасида, сайлов жараёнида хотин-қизларнинг қатнашишига аҳамият берилмоқда. Бироқ инсон ҳуқуқларига ва унинг асосий эркинликларига, шу жумладан эркаклар ва аёллар учун тенг имкониятларни таъминлашга демократик ёндашувлар кўпинча қуруқ гаплича қолиб кетмоқда. Бу эса ижтимоий ноқулайликни ва аёлларнинг ҳуқуқий заифлигини келтириб чиқаради. Шу сабабли гендер тенглик ва аёлларнинг аҳволини яхшилаш, эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва тенг имкониятларни янада тўлароқ таъминлаш сари реал ҳаракат жинслар тенг ҳуқуқчилигига эришиш бўйича сиёсий ҳаракатлар аниқ мақсадли йўналишга эга бўлгандагина амалга ошиши мумкин.

Ўзбекистонда гендер тенглик ғояларини амалга оширишда хотин-қизлар ННТнинг роли. Ўзбекистон хотин-қизларининг нодавлат, нотижорат ташкилотлари (ННТ) жамиятда гендер тенглик ғояларини амалга оширишда анча ишларни қилишган ва тажриба тўплашда давом этиб келишмоқда. Муайян лойиҳаларни амалга ошириш, жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш, хотин-қизлар ҳуқуқларини оммалаштириш ва тарқатиш йўли билан улар чинакам фуқаролик жамиятининг юзага келишига кўмаклашмоқда. ННТ пайдо бўлиши билан янги ижтимоий ўзаро муносабатлар шаклланди ва хотин-қизлар ҳаракати юзага келди, ННТ тузиш ташаббускорлари ҳам хотин-қизларнинг ўзи бўлди. Бу ташкилотлар хотин-қизлар аҳолининг муайян муаммолари ва эҳтиёжларини ўрганиш юзасидан катта ишларни амалга оширди.

Хотин-қизлар ННТ ишнинг янги шакллари ва усулларида фойдаланишмоқда, улар ўз фаолиятларида мустақилдирлар ва *янги иш жойларини яратиш, турли хил ижтимоий муаммоларни ҳал этиш*, турли манбалардан, шу жумладан чет эл ривожланиш фондларидан молиявий мадад олиш имкониятларига эга. Уларнинг фаолияти хотин-қизларнинг ҳуқуқларини яна ҳам аниқроқ англашга, бундай ҳуқуқларнинг бузилишини, хотин-қизларга нисбатан зўравонликни қоралашга кўмаклашади. Улар хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилар эканлар, уларнинг муаммоларини ҳал этишда ёрдам берадилар, аёлларга уларнинг ҳуқуқлари ва бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари тўғрисида маълумотлар берадилар, кўпинча илғор ўзгаришларга туртки берадилар, демократик жамиятни қарор топтириш ва ривожлантириш жараёнларида хотин-қизларнинг ролини оширишга катта ҳисса қўшадилар.

Мустақиллик йиллари давомида республикада 100га яқин хотин-қизлар ННТ ташкил этилди, улар хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғилланадилар.⁹ Давлат томонидан ташкил этилган ва молиялаштирилган «Соғлом авлод учун», «Экосан»,

⁹ Негосударственные, некоммерческие организации Узбекистана. Т., 2002, с. 308, 312.

«Махалла» дастлабки ноҳукумат ташкилотлари бўлди, улар 1992 йилдан бошлаб ўз фаолиятларига хотин-қизларни соғломлаштириш ва оилани режалаштириш билан боғлиқ дастурларни киритишган.

Учта ташкилот: Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмаси «Тадбиркор аёл» ва Республика олима хотин-қизлар уюшмаси «Олима» энг катта ННТлардир. Уларнинг хотин-қизлар ҳаракатидаги улуши 50%ни ташкил этган. Хотин-қизлар ННТ дастурларида жуда кўп аёллар қатнашади.

Республикада ННТнинг энг кенг тармоқлилари орасида 1991 йил июнда хотин-қизларнинг бозор муносабатларини ривожлантиришда иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган «Тадбиркор аёл» тадбиркор аёллар уюшмаси сезиларли ўринни эгаллайди. Уюшма республика бўйича вилоятлар ва туманларда ўз бўлимларига эга, ноширлик фаолиятини («Зумрад» маданият маркази), юридик («Химоя» ҳукукий маркази), руҳий ёрдам («ТриО» маркази), фаолиятини, хизмат кўрсатиш соҳасидаги («Дримс» фирмаси, «Сальсбилс» сайёҳлик фирмаси) фаолиятни амалга оширади, ақлий меҳнат вакилларини ишга жойлаштиришда («Имкон Трест» фирмаси) кўмаклашади, суғурта фаолиятини («Мадад» компанияси) олиб боради.¹⁰ Ишсиз аёлларни ўқитиш билан бир вақтда уюшма республикада Омонат кредит уюшмаларини тузишга ва уларнинг маблағларини фермер ва деҳкон хўжалиklarини ривожлантиришга, хунармандчиликни ривожлантириш учун зарур ускуналарни сотиб олишга сарфлашга алоҳида аҳамият берди.¹¹

1995 йилда Хотин-қизлар ресурс маркази, 1996-2000 йилларда «Сабр», «Меҳри», «Аёл ва жамият», «Перзент», «Ҳамдард» ва бошқа хотин-қизлар ННТлари тузилди. Аёллар бундай ташкилотларда ўз салоҳиятларидан фойдаланиш имконияти, шунингдек уларга ўз муаммоларини ўртага ташлашда ёрдам берадиган реал маблағларни кўрадилар. Ўзбекистонда 55% дан кўп жамоат ташкилотлари («Аёл ва ҳуқуқ», «Хотин-қизларга қарши зўравонлик», «Аёллар соғлиғини сақлаш», «Хотин-қизлар таълими», «Аёл ва иқтисодиёт») таълим лойиҳалари ишлаб турибди. Конференциялар, симпозиумлар ва давра суҳбатларини ўтказиш, ахборот ресурсларини яратиш, китоблар, газеталар, бюллетенлар нашр қилиш, телевизион эшиттиришларни тайёрлаш фаолиятнинг муҳим турлари бўлиб қолди. Халқаро агентликлар ва ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланаётган ва молиялаштирилаётган хотин-қизлар ННТлари, шубҳасиз, гендер тенглик ғояларининг тарқалишига ва фуқаролик жамиятини қуришда хотин-қизларнинг муҳим роли тан олинисига кўмаклашди.¹²

¹⁰ Доклад о положении женщин Республики Узбекистан, с. 23

¹¹ Правда Востока, 7 марта 2005 г.

¹² Негосударственные некоммерческие организации Узбекистана, с. 315, 317.

1999-2000 йилларда Ўзбекистон хотин-қизлар ҳаракати ривожда янги тенденциялар пайдо бўлди. Агар хотин-қизлар ҳаракати дастлабки босқичда асосан сон жиҳатидан ўсиш ва фаолият соҳаларини кенгайтириш йўлидан ривожланган бўлса, ҳозирга келиб, бу ҳаракат янги сифат ҳолатига ўтмоқда. 1999 йилда ЕХХТ дастури доирасида республика хотин-қизлар ННТ ларининг биринчи коалицион лойиҳаси - «Ўзбекистон хотин-қизлари учун фуқаролик ва ҳуқуқий таълим» амалга оширилди, унинг биринчи босқичида 24та хотин-қизлар ташкилоти иштирок этди. 1999 йилдан бошлаб мамлакат хотин-қизлар ҳаракатини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар чоракда бир марта хотин-қизлар ННТларининг учрашувлари ўтказиб туриладиган бўлди, уларда деярли барча хотин-қизлар бирлашмалари қатнашди.¹³

XX аср охирига бориб, республикада хотин-қизлар ННТлари жамоат ҳаётининг бир қисми бўлиб қолди, бироқ, улар энг муҳим воқеаларнинг боришига таъсир ўткази оладиган жамоат ҳаракатига айланмади. Бунга тарқоқлик ва ҳатти-ҳаракатларда бир-бирини такрорлаш, энг долзарб муаммоларни аниқлашда бирликнинг йўқлиги, жамоатчилик эътиборини у ёки бу муаммоларга жалб этиш ишларининг етарлича даражада самарали эмаслиги, давлат билан шерикчиликнинг суствлиги ҳалақит бермоқда.¹⁴

Бундан ташқари, хотин-қизларнинг ННТлари йирик шаҳарларда фаоллик кўрсатмоқда, лекин қишлоқларда етарлича ривожлантирилмаяпти, ҳолбуки, уларнинг қишлоқ аҳлининг ҳуқуқий онгига таъсир ўтказиши зарурлиги барчага маълум. Ўтиш даврининг қийинчиликлари қишлоқ аёлларининг иқтисодий, сиёсий ва жамоат ҳаётидаги фаоллигига таъсир ўтказди. Давлат имтиёзлари ва субсидияларининг кузатилаётган қисқариши, хотин-қизлар ҳуқуқий мақомининг оила ва жамиятда хотин-қизларнинг ролига қайта тикланаётган диний ва анъанавий стереотипларга нисбатан ошиб бораётган боғлиқлиги, қишлоқлардаги ишсизлик янги-янги ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди. Қишлоқ аёллари ва қизлари учун ўз касб тажрибасини ошириш имконияти, таълим ва малака даражаси ёмонлашди, бу эса бир томондан, аёлларнинг бутунлай уй ишларига ва болалар тарбиясига ўралашига кетишига, иккинчи томондан эса уларнинг иқтисодий қарамлиги кучайишига, уй хўжалигида ҳақ тўланмайдиган меҳнат ҳажми ошишига олиб келади. Ҳукумат қишлоқ иқтисодиётини кўтариш ва ривожлантиришдан, қишлоқ аҳолисининг, шу жумладан хотин-қизларнинг иш билан таъминланиши ва фаровон ҳаёт кечиришидан манфаатдор бўлсада, қабул қилинаётган дастурлар кўпинча самара бермаяпти. Қишлоқ аёллари ННТлари томонидан ҳам етарли мададни ҳис қилмаяптилар. Қишлоқ жойларда яшайдиган аёлларнинг кўпинча сиёсий

¹³ Ўша ерда, 317-б.

¹⁴ Доклад о положении женщин Республики Узбекистан, с. 25.

саводхонлиги йўқлиги ва ахборотларнинг ва мулоқотларнинг етишмаслиги бу ҳолатларни янада чуқурлаштирмоқда. Бундай шароитларда ННТларнинг давлат ва унинг органлари томонидан хотин-қизларнинг ҳуқуқларига қандай риюя этилаётганлиги устидан жамоат назоратини ўрнатиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида мансабдор шахслар тегишлича сиёсатни ўтказишлари учун уларга таъсир кўрсатиш сингар вазибаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ННТларнинг хотин-қизларни ишга жойлаштириш соҳасидаги ҳаракатларини кучайтириш, уларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этишларини кучайтириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлигига доир маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари масалалари бўйича қонунларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқишга, хотин-қизларнинг фуқаролик ўзини ўзи англашларини оширишга, уларни рўёбга чиқариш учун шарт-шароитларни яратишга муҳим аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида, республика Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисидаги қарорида, 2004 йилда қабул қилинган хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг 2005-2007 йилларга мўлжалланган махсус дастурида бунга жиддий эътибор қаратилган.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон хотин-қизлари халқаро хотин-қизлар ҳаракати билан янада фаол ҳамкорлик қиладиган бўлишди, турли даража ва кўламдаги конференцияларда, семинарларда, тренингларда қатнашишмоқда. Улар коалицияларга бирлашишмоқда, ўз қарорларини илгари суришга ва халқаро микёсда умумий манфаатларини ёқлаб чиқишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу эса алоқаларни ўрнатишга, доимий мулоқотда бўлиб туришга, фикрлар, тажриба алмашувига, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари масалалари бўйича биргаликдаги позицияларни ишлаб чиқишга имкон беради. Шерикчиликнинг кенгайтириш гендер тенгликка эришиш, фуқаролик жамиятини қуриш учун моддий ва маънавий мадад олишга кўмаклашади. «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмаси жаҳон «Business Professional Women» ташкилотининг аъзоси, халқаро меҳнат ташкилотининг, Хотин-қизлар ноҳукумат ташкилотлари Ассамблеясининг ва МДХ иш берувчилар Конференциясининг, Ҳамдўстлик мамлакатлари савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар уюшмаларининг шеригидир. Ишсиз аёлларни ўқитишдаги муваффақиятлари учун уюшма БМТ сертификатларини олишга икки марта сазовор бўлди. 2005 йилда уюшма «Мамлакатда

турмуш шароитларини яхшилашдаги энг яхши тажриба»¹⁵ номинациясида БМТ мукофотининг лауреати бўлди.

Хотин-қизлар ННТ ўзларининг фаолиятлари билан давлатнинг сиёсатига таъсир ўтказишлари, унинг гендер йўналишини ижобий томонга ўзгартиришга кўмаклашишлари мумкин. Айни вақтда давлат ННТлари билан ўзаро муносабатларни тартибга солишга аҳамият бермоқда, 1999 йил 14 апрелда «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши шундан далолат беради. Қонун ННТнинг ўзини ўзи бошқариш фаолияти учун ҳуқуқий асос бўлди. Ўзбекистон хотин-қизлар ННТлари халқаро ташкилотларнинг тажрибасига таянган ҳолда, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ва ижтимоий фаоллигини ошириш ишларини рўёбга чиқармоқда.

Хотин-қизларнинг аҳволига бағишланиб Пекинда (1995) бўлиб ўтган IV Жаҳон конференциясида ва БМТ Бош Ассамблеясининг (2000) 23-махсус сессиясида қатнашиш Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳаракатини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этди. Ана шу халқаро тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида янги мулоқотлар, алоқалар ўрнатиш кўлами ва имкониятлари кенгайди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 23-махсус сессиясига регионал тайёргарлик учрашуваридида қатнашиш бу йўналишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Масалан, 1999 йилнинг 25-29 октябрида Бангкокда (Таиланд) Пекин ҳаракат Платформасини бажариш бўйича тадбирлар обзори ва уларга баҳо бериш юзасидан Давлатлараро учрашувда Республика хотин-қизлар кўмитаси делегацияси эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқ ва имкониятларини тасдиқлашга қаратилган Пекин Платформасини келгусида бажаришга доир режаларини муҳокама қилди. Ўзбекистон Республикасида хотин-қизлар аҳволини яхшилашга ва уларнинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган 1998-2005 йилларга мўлжалланган Миллий ҳаракат дастурини бажаришнинг асосий чора-тадбирлари тўғрисидаги маърузани тақдим қилди.¹⁶

ЮНИФЕМ (Будапешт, 1999 йил 6-7 декабр, Олмати, 1999 йил 13-15 декабр) кўмагида ташкил этилган регионал конференциялар ва учрашуварларда ўтган 5 йил мобайнидаги ютуқлар ва тўсқинликлар обзори берилди ва ҳисоботга киритиш учун тавсиялар тақдим этилди. МДҲ ва Шарқий Европа мамлакатларидан қатнашчилар 2000 йил 29 февралдан – 12 мартгача Нью-Йоркда бўлиб ўтган тайёргарлик учрашувида ҳаракат Платформасининг тўртта соҳаси бўйича тавсияларни яқунловчи ҳужжатга киритиш учун тақдим этдилар. Булар: «Аёллар ва қизлар қуроли можароларда ва тинчлик қурилишда», «Хотин-қизлар ҳокимиятда ва

¹⁵ «Правда Востока», 7 марта 2005 г.

¹⁶ «Гендер и развитие в Узбекистане», Информационный бюллетень № 2(6), 1999.

қарорлар қабул қилишда», «Хотин-қизларни лавозимларга кўтаришда институционал механизмлар», «Аёллар ва иқтисод».

БМТ Бош Ассамблеясининг 23-сессиясига тайёргарлик давомида янги халқаро ташкилот – МДХ мамлакатлари хотин-қизлар ННТлари Ассамблеясини ташкил этиш гоёяси пайдо бўлди. 2000 йил 24-26 июнда Иссиққўлда (Қирғизистон) Озарбайжон, Арманистон, Беларус, Молдова, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Украина, Ўзбекистон, Тожикистон хотин-қизлар ННТлари вакилаларининг учрашуви бўлиб ўтди, унда Ассамблеянинг мақсади, вазифалари, стратегияси ва ҳаракат режаси белгилаб олинди. Ассамблеянинг тузилиши, шубҳасиз, МДХ давлатлари хотин-қизлар ННТларининг минтақада хотин-қизлар ҳаракатини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ақлий ва техникавий ресурсларини бирлаштиришга кўмаклашади.¹⁷

Республикадаги кўплаб хотин-қизлар ННТларининг фаолияти хотин-қизларнинг манфаатларини халқаро, минтақавий ва миллий даражада илгари суришга, хотин-қизлар ҳаракати салоҳиятини кучайтиришга, ННТлари билан давлат тузилмаларининг ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашади. Мана шундай ННТларидан Ўзбекистонда «Сабр» (Самарқанд), «Тадбиркор аёл», (Қўқон), «Меҳри» Хотин-қизлар ресурс маркази (Тошкент) бор. Хотин-қизларга руҳий ва ҳиссий ёрдам кўрсатиш бўйича ишлаб турган ишонч марказлари, аёлларга ўз салоҳиятлари ва имкониятларини амалга оширишларида кўмаклашиш марказлари хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан катта ишларни амалга оширдилар.

Бироқ хотин-қизларнинг сиёсатда, айниқса ҳокимиятнинг юқори поғоналарида иштирок этиш даражаси, аввалги сайловларга нисбатан кўпайган бўлишига қарамай, пастлигича қолмоқда. Сиёсий партияларда ҳали ҳам етакчи аёллар йўқ. Хотин-қизларни етакчиликка, кўп сонли одамлар билан мулоқот қилиш кўникмаларига, масъулиятли қарорлар қабул қилишга тайёрлаш, шубҳасиз, муҳим вазифадир. Бу соҳада ўзгаришларни амалга оширмай туриб, фуқаролик жамиятининг ривожини, унинг демократик муассасаларини мустаҳкамлашни, кучли, мустақил ҳусусий секторни, шунингдек турли ижтимоий ва хотин-қизлар ташкилотларини ривожлантиришни кутиб бўлмайди. Фаолияти жамиятни демократиялаштиришга қаратилган (шу жумладан гендер тенглик орқали ҳам) сиёсий партияларни қарор топтириш ва ривожлантириш – бу замон талаби.

Эркақлар ва аёллар ўртасида ҳуқуқнинг гендер жиҳатида, айниқса инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари соҳасида консенсусга эришишга, ана шу консенсусни гендер тенглик ва жамиятдаги ижобий ижтимоий ўзгаришлар йўналишида реал ҳаракатга келтиришда аёллар ва эркақлар

¹⁷ Инициатива (Информационный бюллетень Каунтерпарт Консорциум), 2000, №7(24), с. 1.

учун зарур бўлган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни ривожлантиришга янада кўмаклашиш зарур. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва сиёсий жараёнлардан самарали фойдаланишлари стратегияси жамиятнинг аёлларга нисбатан салбий муносабатини ўзгартиришга, уларнинг ижтимоий ва оилавий мақомини ошириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга, уларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга, гендер тенгсизлик оқибатида келиб чиқадиган хотин-қизларга нисбатан камситиш ва зўравонликни тугатишга қаратилган бўлиши керак.

Аёллар ва эркаларнинг ролига, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига нисбатан анъанавий тафаккурни, патриархал стереотипларни ўзгартирмасдан туриб, жамиятни демократиялаштириш, эркалар устунлиги ғоясига қурилган жамоат муносабатларини қайта қуришни амалга ошириш қийин. Патриархал қадриятларни, жинс белгиси бўйича фарқларни сақлаб қолиш, шубҳасиз, фуқаролик, очиқ жамият сари олға ҳаракатни тўхтатиб қўяди.

Хотин-қизлар ННТларининг гендер тенглик ғояларини шакллантиришга, гендер стереотипларга барҳам беришга, гендер мезонларини жамоатчилик онгига олиб киришга доир фаолиятини кенгайтириш – бу замон талаби. Бундай фаолият аҳолининг, биринчи навбатда аёллар ва ёшларнинг эркалар ва аёллар тенг ҳуқуқлиги соҳасидаги дунёқарашини бойитишга, уларнинг гендер стереотипларга нисбатан қарашларини ўзгартиришга, ижтимоий ва гендер мувозанатни вужудга келтиришда гендер сезгирлик, мўжални аниқ белгилаш кўникмаларини сингдиришга, ҳозирги дунёда тўғрироқ йўналишга эга бўлишга, келажакни бағри кенглик билан, адолатли, барқарор тарзда кўра билишга, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат режаларини амалга оширишда гендер ёндашувни жорий этиш зарурлигини тушунишга кўмаклашади.

Хотин-қизлар ННТларининг миллий, минтақавий ва халқаро даражадаги фаолияти хотин-қизларнинг аҳволи ва мақомини ижобий томонга ўзгартиришга реал таъсир ўтказа олади. Ушбу ташкилотлар гендер тенглик ғояларини шакллантириш ва ҳаётга тадбиқ этишда, аёллар етакчилигини ривожлантиришда, бутун дунё хотин-қизларининг манфаатларини ҳимоя қилишда, жамиятни сиёсий, иқтисодий, маданий бошқаришга хотин-қизларни жалб этиш зарурлиги тўғрисида жамиятни хабардор қилишда, аёлларнинг ўзларини зарур ўзгаришларни ҳаётга тадбиқ этишда фаол қатнашишга сафарбар этишда кўп ишларни қилди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 23-махсус сессияси гендер тенгликни жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини ва хотин-қизлар ННТлари билан ҳамкорликни кенгайтириш соҳасида янги ташаббусларни кўриб чиқди ва қабул қилди. ННТларни, хусусан хотин-қизлар Ҳаракат платформасини амалга оширишда қўллаб-қувватлаш, жинслар тенглигига эришиш миллий механизмларини шакллантириш, миллий сиёсатни

амалга ошириш, гендер тенгликка эришиш дастурларини, ва хотин-қизларни иқтисодий ва сиёсий озод қилишга, шунингдек хотин-қизларнинг ўзлари ана шу ҳаракатлар муҳимлиги ва зарурлигини тушуниб етишларига қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш мониторинги зарурлиги қайд этилди.

Хотин-қизлар ННТнинг хотин-қизларнинг ўз салоҳиятларини амалга ошириш имкониятларини мустаҳкамлашдаги, ўз онгларини оширишдаги, жамиятдаги ролларини мустаҳкамлашдаги, уларнинг мақомини сиёсатда гендер тенгликни амалга ошириш орқали юксалтиришдаги роллари шубҳасиз ошиб бормоқда. Хотин-қизлар сиёсий партияларда, бизнес соҳасида, яъни тенглик сиёсати тарафдорлари тармоғини кенгайтириш учун ҳокимиятнинг реал воситаларига эга бўладиган жойларда тобора нуфузли кучга айланишлари керак. Ҳокимиятнинг турли органларида хотин-қизлар сонини кўпайтира бориб, гендер тенглик сиёсатини амалга оширишда анча жадалликка эришиш мумкин.

Мустақиллик шароитида хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишидир. Ўзбекистон БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган барча ташаббусларини қўллаб-қувватлайди. Мамлакатда эркаклар ва аёллар ижтимоий ҳолатининг (мақомининг) тенглиги учун ҳуқуқий кафолатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан собитқадам чора-тадбирлар қўрилмоқда. Хотин-қизлар ННТнинг фаолияти омманинг онгида ўрнашиб қолган, муайян чеклашлар тизимини вужудга келтирадиган, ижодий бунёдкорлик салоҳиятини ривожлантиришни меъёрлаб қўядиган анъанавий ижтимоий қондалар, ахлоқлар, меъёрлар ва гендер стереотипларни ўзгартиришга қодир бўлган менталитетни шакллантиришга қаратилган. Омма онгида аёллар мақоми эркаклар мақомига нисбатан паст эканлиги ҳақидаги тасаввурнинг сақланиб қолаётгани, ана шу ҳолатни тузатиш чораларини ўз вақтида қўриш зарурлиги аввалгидек муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Янги ижтимоий шарт-шароитлар янги мақсадларнинг пайдо бўлишига, хотин-қизларни сиёсатдан ва ҳокимиятдан узоқлаштиришни бартараф этишга, ҳаётий фаолиятнинг барча соҳаларида гендер камситишга барҳам беришга кўмаклашади.

Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш

илмий мақолалар тўплами